

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

*ОЛМОС
КАМАР*

Тошкент «Ўқитувчи» 1992

Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босиб чиқарилган 1982 йилги нашрига мувофиқ муҳаррир *Х. Ҳайитметов* кузатуви остида қайта нашр қилинди.

Ю 21745
291
199.3 УЗСДЖ ДК
8.96.

4702620201—52
Қ—————15—92
353(04)—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5645016262

БИРИНЧИ БОБ

Офтоб Чотқол тоғлари ортидан жуда катта бўлиб чиқди-ю, юқорига кўтарилган сари кичрая бошлади. Тошкентнинг шарқий томонида, учинчи қаватнинг айвонида турган Аброрнинг назарида, қуёш тоғ қиррасида бир лаҳза тўхтаб, шаҳарга синчиклаб қараб олгандай кўринди. Унинг югурик нурлари тунука ва шифер томлар, асфальт ва бетон кўчаларга ёйилиб, дарёдай бетиним ҳаракатланаётган ранг-баранг машиналар устидан сирганиб ўтади-да, кўкаламзор боғларга, азамат чинорлар ва эманлар орасига сингиб кетади. Бодом, ўрик, шафтоли ва олмалар аллақачон гулдан чиқиб, мева туккан, энди жийдаларнинг олтин ранг гуллари атрофга муаттар ҳид таратиб, тонги нурлар билан шўх-шўх ўйнашади. Токлар билан анорлар ҳам шу кунларда гулга кирган. Ток гуллаганини Аброр фақат хушбўй узум шарбатини эслатувчи исидан билиб қолади, яшил ранг шўраларини эса ток баргидан кўпда ажратолмайди. Аммо анор гуллари худди яшил барглар орасида ёниб турган олов тилларидай узоқдан кўзга ташланади. Қипқизил, узунчоқ анор гуллари совуқдан жуда қўрқади, тунги салқинда ҳарир япроқларини юмиб, тугунча бўлиб олади-ю, эрталаб офтоб чиқиши билан яна очилади ва нур билан ҳароратга багрини тутати.

Офтоб тоғ устидан баландроқ кўтарилгач, ёруғи кўзни оладиган даражада ўткирлашди. Аброр унинг иссиқ тафтига чидай олмай, тез айвоннинг соя томонига ўтди. Шунда унинг хаёли кечаси ўзи чизган Бўзсув тасвирига кетди. Бундан икки минг йил олдинги давр, Тошкентни ям-яшил қилиб турган анҳор ва ариқлар ҳали қазилмаган пайтлар унинг кўз олинди гавдаланди. Нариги чети Қизилқум саҳросига бориб туташган қақроқ чўл... Бу ерларнинг офтоби шундай сахийки, осмони ҳафталар, ойлар давомида булут кўрмайди, ёз бўйи деярли ёмғир ёгмайди, одам

иссиқдан жон сақлаш учун дарахт соясига ўзини олади. Дарахт эса одам қазиган ариқдан сув ичмаса қуриб қолади.

Инсон билан табиат шу тарада бир-биридан нажот топиб кун кўради. Минг йиллардан бери давом этиб келаётган бу ажойиб ҳамкорлик Аброрнинг мураккаб ижодий ўйлари орасидан топилган калаванинг учидек туюлди. У ям-яшил боғ-роғларга, экинзорларга янгитдан кўз ташлар экан, уларнинг ҳаммасида инсон томонидан қайта тирилтирилган табиатнинг иккинчи умри давом этаётганини энди астойдил ҳис қилди. Қутқарилган ҳаёт аслидан ҳам тансиқроқ бўлади, шунинг учун инсонга эргашиб, ариқлардан ёввошгина оқиб бораётган сув ҳам, суғориладиган ерларда кўкариб турган ҳар битта дарахт ҳам, гиёҳ ҳам одамларга ўзини беҳад яқин олади, доим улардан ҳимоя кутади ва бутун тақдирини уларга ишониб топширади.

— Дада, кеч қолмайлик тагин! — Аброрни пастдан қизи Малика чақирмоқда эди. У ҳозир аэропортга бориши кераклигини эслади-ю, истар-истамас пастдаги машинаси олдига тушди.

Вазира эрталабки рейсда Москвага учиши керак эди. Аброр уни болалари билан бирга катта кўчага олиб чиққунча, машинани шошилмай ҳайдаб борди. У шу бугун эрталаб кўнглида пайдо бўлган улкан ва яхлит туйғуни йўқотиб қўймасликка интиларди. Лекин чорраҳадан ўтгандан кейин беҳисоб машиналар гирдобига тушди-ю, хаёли кўча ҳаракатининг минг хил майда-чуйдаларига бўлиниб, алаҳсиб кета бошлади.

Эрталаб кўпчилик ишга шошилади, Тошкент кўчалари тирбанд. Аброр машинасини ҳар қанча қис-таб ҳайдаса ҳам, Дархон томондан бориб, шаҳар марказидан ўтгунларича вақт кетиб қолди. Вокзалдан нари аэропорт унча узоқ эмас. Самолётлар учиб-қўзнаётган жойдан сал берида темир йўл кўринди. Аброр хира милтираб турган рельслар устидан тезроқ ўтиб олишга интилиб, машинасини учуриб келаётганда семофор бирдан бекилди-ю, ола ёғоч йўлни тўсиб олди.

Аброр шоша-пиша тормозни босди, гилдираклар чийиллаб, машинанинг олди юлқиниб, ола ёғочга тегай-тегай деганда тўхтади.

Поезд ҳали кўринмаса ҳам, темир йўл қоровулхонасида қўнгироқ узлуксиз жирингларди. Рўпарада кўздай жуфт турган иккита қип-қизил чироқ, бири ёниб, бири ўчиб, гашни келтирарди.

Вазира билагидаги жажжи соатга кўз ташлаб:

— Вой ўлсин, кечикдим! — деди.— Қайтага нарёқдаги кўприқдан ўтиб келсак бўларди-я!

Аброр қўл тормозни шахт билан тортар экан:

— Нима, Бешёғоч томондан айланиб келаймиди? — деди.

— Шота Руставелидан ўтсак ҳам бўларди-ку. Ҳозир регистрация тугайди. Менинг самолётдаги ўрнимни бировга сотиб юборишса нима қиламан? Кошки билет олиш осон бўлса!

— Ўзингиздан кўринг! Машина эшикда бир соат турди. Тезроқ чиқинг эди...

Вазира орқа ўриндиқда жим ўтирган тўққиз ёшли Зафар билан ўн тўрт яшар Маликага ўгирилиб қаради:

— Мана булар-да! «Биз ҳам борамиз», деб ёпишиб олишмаганда эртароқ чиқардим. Буларни кийинтириб олиб чиқиш осонми?

Аброр Маликанинг силлиқ қилиб таралган ва чиройли лента боғланган сочига, ўғлининг ҳозиргина дазмолдан чиққан оқ кўйлаги билан жигарранг шортисига тез бир кўз ташлаб олди-да:

— Фақат кийиниш бўлса экан! — деди.— Албатта яسانيш ҳам керак. Уч кишини ясантириб чиққунингизча самолёт кутиб турармиди! У мен — сизни мудом саргайиб кутадиган!

— Оббо, бирпас кутганингизга шунча миннатми?

— Қанийди бирпас бўлса... Ўн беш йилдан бери аҳвол шу.

Ота-оналарининг бунақа айтишувларига ўрганиб қолган болалар яқинлашиб келаётган поездга қизиқиб қарай бошлашди.

— Малика, қара, паровози иккита экан! — завқланиб қичқирди Зафар.

Малика паст товуш билан:

— Бақирма! — деб укасини жеркиди.— Паровоз эмас бу, тепловоз.

Моторлари қудрат билан гуриллаб ишлаётган қўшалоқ тепловозлар оғир юк вагонларини тортиб ўтаётганда машина турган ер силкиниб, лапанглаб кетгандай бўлди.

Сиртларида ёгли доғлар кўриниб турган цистерналар, очиқ платформаларда узоқ ўрмонларни эслатадиган қарагай гўлалари, бўёғи ялтираб турган оч-қизил ҳайдов тракторлари. Станция яқин бўлгани учун поезд секинлаб борарди. Ғалати юкларга мароқ билан қараб турган Зафар:

— Ие, ана, машина ҳам бор экан, дада! — деди.— Худди сизникига ўхшаган. «Жигули!»

Аброр индамади. Малика яна укасининг хатосини тузатди:

— Бизникига ўхшаган эмас. Бошқа маркаси.

— Нега? Сен қасқдан билдинг?

— Бизникининг фараси иккита. Поезддаги «Жигули» тўрт фаралик.

Зафар кейинги платформага қаради-ю:

— Бульдозер! — деб гапни чалғитди.

Вазира шошилмай ўтаётган платформалар ва қизил вагонларга тоқати тоқ бўлиб тикилди:

— Бу мунча узун! Ҳеч охири кўринмайди-я!

Зафар эса бир-биридан қизиқарли юкларнинг мумкин қадар кўпроқ ўтишини, поезднинг янада узунроқ бўлишини истарди.

Ниҳоят, ҳамма вагонлар ўтиб бўлди. Ола ёғочнинг учи кўтарила бошлаган заҳоти Аброрнинг олча ранг «Жигули»си унинг тагидан гизиллаб ўтиб кетди.

Йўловчилар рўйхатга олинадиган ойнабанд бионинг ичи-таши одамга тўла эди. Аброр машинасини шу бинога яқин келтириб тўхтади.

Вазира зрига:

— Нарсаларни Малика олиб кирар! — деди-ю, билети билан паспортини қўлига олганича ичкарига қараб чопди.

Аброр болаларини машинадан тушириб, эшикларни бекитди ва багажникни очди. Чарм чамадонча ёнида узун қора гилофга ўроғлиқ лойиҳалар бор эди. Аброр енгилгина гилофни қабзасидан олиб Маликага берди. Ўзи қўнғир чарм чамадонни кўтарди. Чамадон

унча катта бўлмаса ҳам, зилдай оғир эди. Унинг ичидан ҳандалак ҳиди келарди. «Совғасиз юролмайдим!» деб ғижиниб қўйди Аброр ичида.

Ойнабанд эшикдан кирастганларида тепадан диктор қизининг дона-дона қилиб айтган сўзлари эшитилди: «Беш юз ўн учинчи рейс билан Москвага учадиган самолётга пассажирлар чиқарилиши тўктатилмоқда». Аброр Маликага қараб:

— Ҳали учмаган экан-ку! — деди.

Юкларни тортадиган доира шакл тарозининг олдига турган Вазира шошилиб келиб, чамадонини Аброрнинг қўлидан олди-да, тарозига элтиб қўйди.

— Хайрият, ҳамроҳлар бор экан, ўрнимни сотгани қўйишмапти! — деди тез-тез нафас оларкан.

Аброр ён-верига дурустроқ қаради-ю, Вазиранинг билетини рўйхатдан ўтказдираётган хушқомат одамни энди таниди.

— Баҳромов ҳам боряптими? — деди хиёл товуши ўзгариб.

Илгари институтда бирга ўқиб юрган пайтларида Аброр тенгдоши Шерзодни доим оти билан атар эди. Лекин орадан ўтган бир қанча воқеалардан кейин уни фамилияси билан атайдиган бўлган эди. Ҳозир Шерзод қўлида ушлаб турган кўк ғилофли паспорт Вазираники эканини таниган Аброр энсаси қотиб ерга қаради.

Бир вақтлар мана шу Шерзод Вазирага уйландиган эди. Унинг катта лавозимда ишлайдиган отаси одам қўйиб, Вазиранинг ота-онасидан розилик ҳам олган эди. Аброр бу ишқаликни бартараф қилиб, Вазирага етишгунча тортган азоблари ҳали ҳам эсидан чиққан эмас.

Эрининг авзойи ўзгарганини сезган Вазира четроқда портфель кўтариб, сигарета чекиб турган ўрта яшар кишини кўрсатиб:

— Шерзод икковлари бирга кетишаётган экан,— деди.

Вазира бунга гўё ҳозир билганга ўхшаб гапиргани Аброрга галати туюлди.

— Ўрнингизни Баҳромов соттирмай турган бўлса, бирга кетишини аввалдан билган экан-да.

Вазира: «У билган бўлса бордир, лекин мен билганим йўқ», демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини оқлашга

урингандай кўрингиси келмади. Абборнинг кўзига тикилиб:

— Бунинг нима аҳамияти бор? — деди.

Шу пайт Шерзод қўлида Вазиранинг паспорти ва билети билан шошилиб уларнинг олдига келди.

Шерзод чиройли кулранг костюм кийган эди. Кўкрагида олтиндай ялтираган лауреатлик нишони Абборнинг кўзига энди ташланди. Шерзод Абборнинг лаби қимтилиб, қоши чимирилиб кетганини пайқадида, овозига расмийроқ тус берди.

— Аббор Аъзамович, салом!

Аббор унга атайлаб қўл бермади, фақат бош ирғаб алик олди. Вазира билети билан паспортини Шерзоднинг қўлидан олиб тез сумкасига солди.

Шоша-пиша ташқарига чиқдилар. Москва самолётига кенг майдоннинг нариги четигаги улкан бино орқали ўтиб бориларди.

— Чопсак етамиз! — деди Шерзод.

У қирқ ёшга кирган бўлса ҳам, ҳали хипча ва чаққон эди. Вазира Абборнинг тўладан келган оғир гавдасига қаради. Болаларини ҳам югуртириб юргиси келмади.

— Бўлмаса шу ерда хайрлаша қолайлик, — деб аввал ўглини бағрига босди. Шунда Зафар ойисининг қулоғига:

— Ўзи юрадиган танк опкелинг! — деб шивирлашга улгурди.

— Хўп. Маликага платформа туфлими?

Малика бош ирғаб, Вазиранинг бўйнидан қучоқлади:

— Ойижон, тезроқ қайтинг!

Вазира гилофни унинг қўлидан олди. Иккинчи қўлида сумкаси. У Абборга яқин бориб, сумка тутган қўлини унинг слкасига қўйди. Аббор хотинининг ўпишиб хайрлашмоқчи эканини сезди-да, бошини хиёл эгди.

Бўйи эрдан анча паст бўлган Вазира оёқ учида кўтарилиб, унинг лабига лабини қўйди:

— Яхши қолинглар! Кечқурун уйга телефон қилман! Хайр!

Шу топда улар бир-бирларига жуда муносиб эрхотин бўлиб кўринишди-ю, Шерзод юзини ўгириб ол-

ди. Унинг ҳамроҳи анча нарида шошилиб бормоқда эди. Шерзод билан Вазира унинг кетидан югуришди.

Вазиранинг бели ингичка бўлса ҳам, ўзи анча тўлишган. Баланд пошнасини эҳтиёт қилгандай майда қадамлар билан чопиб кетди. Нарироққа борганда Шерзод унинг қўлидан сумкаси билан гилофини олди.

Самолёт марказий бинога яқин жойда турган экан. Трапни энди олмоқчи бўлишарканда улар етиб боришди ва танбеҳ эшита-эшита самолётга чиқишди. Шерзоднинг ҳамроҳи олдиндаги бўш ўринга ўтирди.

Стюардесса қиз Шерзод билан Вазирани эр-хотин деб ўйлади чамаси, орқадаги учинчи салонга бошлаб бориб, икковини ёнма-ён ўтқазди.

* * *

Болаларини уйга олиб қайтарган Аброр гоҳ тор-мозни, гоҳ газни асабий босар, муқолишларда рулни чирпирак қилиб, машинасини кескин бурарди. Дадаларининг авзойи бузуқлигини сезган Малика билан Зафар орқа ўриндиқда чурқ этмай ўтиришипти.

Шерзод Баҳромов билан бирга чопиб бораётган Вазира Аброрнинг кўз олдидан нари кетмас эди. Шерзод аввал Вазиранинг паспортини қўлида ушлаб тургани, кейин унинг сумкасини қўлидан олгани Аброрнинг эсига тушганда худди кўйлагининг ичига ари кириб қолган одамдай безовталанарди. Озорли туйғулар таъсирида гоҳ машина ҳайдаб бораётгани ҳам эсидан чиқиб кетарди.

У бир чорраҳага яқинлашганда сариқ чироқ ёнди. Аброр машинасини тўхтатиш ўрнига газни қаттиқроқ босди. Чорраҳадан ўтай деганда орқа ойнасига оқ дарпарда тutilган янги «Волга» Аброр минган «Жигули»нинг тумшуги тагидан қаттиқ сигнал бериб ўтиб кетди. Йўл «Волга»ники эди. Агар Аброр дарҳол тор-мозни босиб, тезликни пасайтирмаганда «Волга» уни пачоқлаб кетиши мумкин эди. Лекин шунда ҳам Аброр айбдор саналарди.

Чорраҳадан ўтгандан кейин Аброр отзининг қуруқлаб кетганини, юраги қинидан чиққудай безовта ураётганини сезди ва ёқасининг тугмасини ечиб

қўйди. «Хайрият, милиционер йўқ экан», — деб ўзинга тасалли берди ва машинанинг тезлигини пасайтирди.

Нариги чорраҳанинг қизил чироғи олдида тўхтаб турганда орқасига ўгирилиб болаларига қаради:

— Мен ҳозир сенларни уйнинг олдига олиб бориб қўяман-да, ишга кетаман.— Аброр чўнтагини ковлаб, сертиш бир калит олди.— Малика, ма, эшикни сен очасан.

— Мен ҳам бирласдан кейин мактабга кетаман-ку.

— Кетсанг, калит Зафарда қолади.

Зафар бу гапдан мамқун бўлиб:

— Мен иккинчи сменага бораман,— деди.

Малика укасига қараб:

— Мен келгунча сен кетиб қолсанг, калитни қаердан оламан? — деди. Кўк чироқ ёнди. Аброр машинани юргизди-ю, йўлга қараб бораётди:

— Зафар,— деди,— сен калитни қўшниларга ташлаб кетасан.

— Хўп, дада.

— Малика, холодильникдаги кечаги ошни илтиб ейсанлар.

— Дада, мен тухум қовуриб есам-чи? — деди Зафар.

— Ўзингми? Йўқ, газ жуда хавфли нарса. Малика эртaroқ келса қовуриб беради.

Аброр болаларининг ташвиши билан хаёлини банд қилишга интилаётган бўлса ҳам, лекин самолётда кетаётган Вазирани нотаниш одамлар Шерзоднинг хотини деб ўйлашлари мумкинлиги яна кўнглига келиб, кўйлаги ичига кириб қолган аридай безовта қила бошлади. У Вазиранинг ўпишиб хайрлашаётгандаги нафис лаблари тафтини хаёлида қайта тиклар экан, арини кўйлаги ичидан қувиб чиқаришга интилиб кўрди. Ахир у хотинига ишонади-ку! Шерзоднинг қаршисида ўзини осойишта тутса бўлмасмиди! Ун беш йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб юришибди. Вазира дарров Шерзодга қараб оғиб кетмас, ахир! Тажрибасиз гўр куёв болага ўхшаб, бунчалик хавотирга тушиб, безовталаниб қолиш заифлик белгиси эмасми? Болалари катта бўлиб қолишган. Ана, Малика: «Дадам рашк қиляпти?» деб ҳайрон бўлиши мумкин. Йўқ, бу кўйга тушиш уят!

Ақли шундай дейди-ю, лекин кўнгли бу гапга қулоқ солмайди. Ўзини янгича тарбия курган зиёли одам деб биладиган Абрордан ташқари унинг ичида ўтган авлодларнинг ирсий туйғулари билан яшайдиган бошқа Аброр ҳам бор. Эрталабдан шунча шошилиб, машинани шунчалик қувиб ҳайдаб қилган иши — жуфти ҳалолани аламзада рақиб Шерзодга ишониб топшириб, узоқ сафарга бирга жўнатгани бўлдимми? Чапани табиат Аброр буни, «латта эрнинг бемаъни иши!» деб, зиёли Аброрни ари каби чақади. Урушдан олдинги Тошкент маҳаллаларида бунақа эрни йигитлар икковорага қўшмай қўйишарди. Асрлар давомида шарқ қизининг бокира садоқатига ўрганган йигитлар ўз хотинларининг чиройинигина эмас, ҳатто унинг овозидаги нафосатни ҳам бегона эркакларга раво кўрмаганлар. Шунинг учун аёллар юзларини беркитишдан ташқари, овозларини ҳам бегона эркакларга эшиттирмасликка ҳаракат қилганлар. Янгича тарбия кўрган маданий Аброр, албатта, бунинг ҳаммасини «эскирган тушунчалар» деб кулги қилади. Вазиранинг эркаклар қатори институтда ўқишини, ёқтирган соҳасида ишлашини, зарур бўлганда командировкаларга ҳам боришини «кўпга келган тўй» деб ҳисоблайди. Лекин барибир хотинининг поклиги ва садоқати унга ҳам шу даражада азизки, бу садоқатга бирон нарса озгина соя солгудай бўлса, то шу соя ўртадан кўтарилмагунча ўзини ари талаётгандай безовта ва нотинч сезади. Мана, ҳозир Вазира Шерзод билан узоқ сафарга бирга кетди. Аброр Шерзоднинг олғирлигини, аёллар билан муомалага усталлигини, Абрордан қасдини олиш учун бутун маҳоратини, бор ҳунарини ишга солишини яхши биледи. Зиёли Аброр: «Вазира ҳам ёш қизча эмас-ку, ўзини ҳимоя қила билар», деб уни тинчитмоқчи бўлганда, боболардан ўтган гайир бир туйғу: «Суйган хотинингни Шерзоддай шайтон рақибинг билан бирга сафарга жўнатишга қандай кўнглинг бўлди?!» деб уни ёзгиради.

Аброр кўнглидаги мана шу гулгулани босолмай асабийлашган ҳолда ўзлари турадиган тўрт қаватли уйнинг ҳовлисига машинани буриб кирди. Бу ерда у тагидан қирқилган ёш дарахтларни, дўплайиб турган тупроқ уюмларини ва чанг-тўзон кўтариб ўтаётган

самосвалларни кўрди-ю, Шерзодга қарши исён қилаётган туйғулари баттар хуруж қилди.

Ўшанда ҳам Вазира: «Шерзод билан гапиришинг, бирга ўқигансизлар, орага тушган губорлар шу билан тарқаб кетади», деб уни қўймаган эди. Бўлмаса Аброр Шерзод Баҳромовнинг кабинетига ҳеч қанақа илтимос билан боришни истамас эди. «Ўзингиз учун эмас, маҳалла учун борасиз,— деди Вазира.— Ўша лойиҳа Шерзоднинг ихтисрида экан. Тўхтатаман деса ҳозир тўхтатади. Агар унинг тасдиғидан ўтиб, юқорига чиқса, кейин ишингиз ўн баробар қийин бўлади».

Ўзи ҳам лойиҳа институтида ишлайдиган Аброр Вазиранинг сўнгги гаплари ҳақлигини яхши биларди. Шунинг учун у мураккаб туйғуларини ичига ютиб, Шерзоднинг ҳузурига борди.

Шерзод кабинет тўрида учта телефон қўйилган стол ортида ўтирган экан. У бошлиқ бўлган бўлимнинг лойиҳачиларидан икки киши янги чизилган эскизларни очиб, Шерзодга кўрсатишгаётган экан. Шерзод эшикнинг берухсат очилганидан қовогини солиб, бошини кўтариб қаради. Лекин Аброрни кўриб бехиёсан ўрнидан кўтарилди. Ўнгу сўлга айланиб турадиган чарм креслосининг ёнидан анча берига келиб, Аброр билан қуёқ кўришди. Эскиз кўрсатаётган лойиҳачилар ҳам ўрнларидан туришди. Шерзод уларга:

— Бўшасам чақираман,— деди.

Улар бошлиқларининг ҳозир кириб келган киши билан банд бўлишини сезишди-да, секин қоғозларини йиғиштириб чиқиб кетишди. Шерзод креслосини бўш қолдириб, столга кўндаланг қўйилган кичкина столчанинг бир томонига Аброрни ўтқазди, иккинчи томонига ўзи ўтирди.

Аброр ичида, «жуда қондасини келтиряпти-ку», деб кулимсираб қўйди-да:

— Мен маҳалланинг иши билан келдим,— деди.

— Сиз... маҳалланинг иши билан?..— ишонқирамай сўради Шерзод.

— Биз турадиган микрорайон эски маҳалланинг ўрнига тушган. Илгариги маҳалланинг одамлари қаватларга кўчиб чиқишган. Лекин азалдан очиқ жойга ўрганган одамлар микрорайонда ҳам ҳовлининг

соя жойинга караяот ўрнатиб, кўрпача тўшаб ўтиради. Карнай-сурнайли тўйлар ҳам бўлиб туради.

— Лекин янги микрорайонларга карнай-сурнайлар унча ярашмай қоляптими дейман-да!

— Негга? Мен шахсан карнайни яхши кўраман. «Ваҳ-ҳа-ҳа ҳу-уу» деганда кўнглим яйраб кетади. Карнайда фақат шодлик куйларини чалиш мумкин. Бу — ўзи шунақа ўйин-кулги учун яратилган бир нарса. Лекин сурнай хурсандчиликни ҳам, маъюсликни ҳам яхши беради. Карнай, сурнай, ноғора — булар Тошкентга жуда ярашади. Бунақаси дуненинг бошқа қитъаларида йўқ, Шерзод. Такрори йўқ нарсаларимизни қадрлашимиз ҳам керак!

— Э, қанақасига такрори йўқ экан! Мана шу кунларда ҳар оқшом шаҳарнинг ўн-ўн беш жойида карнай-сурнай шовқини такрор бўлиб турибди. Яна микрофону усилитель қўйиш одат бўлган. Ичиб олиб, динамикдан бутун шаҳар эшитадиган қилиб алжийдиганлар бор.

— Динамикни бақиртириб уйқу бермайдиган одобсизлардан биз ҳам безор бўлганмиз, Шерзод. Лекин карнайнинг бунга алоқаси йўқ.

— Бири устига бири қўшилади-да. Ишдан чарчаб борганда сал дам олай десанг, шовқин-сурондан қулогинг қоматга келади. Тошкентда бусиз ҳам шовқин етарли. Менга қолса, катта шаҳарларда бақирадиган динамикларни ҳам, карнай-сурнайларни ҳам ман қилган бўлардим.

— Рокн-рол, жаз музикани-чи? Студентлик пайтимизда жазни бақиртириб қўйиб эшитишни яхши кўрардингиз-ку.

— Жаз бошқа. Жаз билан негрча ритмларни ҳозир бутун дунё сқтиради.

— Ҳамма жойда нуқул америкача ритмлару жаз музика, поп музика бўлаверса қизиғи қолмас экан. Усиз ҳам жаҳонда стандарт кўп, унификация кучли. Одам хилма-хилликни қўмсайди. Бир жойда негрча ритмлару жаз бўлса, бошқа жойда карнай-сурнай билан доира, ноғора ритмлари бўлсин.

— Хўп, баҳсни қўйиб, асосий мақсадга келайлик-чи. Гап ҳовли тўғрисида эдимиз?

— Ҳа, ўша ҳовлини ҳам стандарт қилмасдан, ўзига хос бир оромгоҳга айлантирмоқчимиз-да. Кўп

қаватли уйлар типовой лойиҳа билан қурилган, подъездлар, квартиралар бир-бирининг айнан такрори. Энди ҳовли ўзгача бўлсин деб, уни чорбоғ усулида обод қилдик. Менда Навоий давридаги чорбоғларнинг тарҳи¹ бор эди. Бизнинг ҳовлимизда унақа катта майдонлар бўлмаса ҳам, анчагина бўш ер бор. Маълум жойга чорчаман қилиб, тўрт хил гулларни хиллаб ўстирдик. Маҳалла комиссияси ҳамма одамларни ҳашарга чақирди. Ҳовли четларига соя берадиган тол, терак, чинор ўтқаздик. Деразаларга яқин жойларда гилос, шафтоли, ток, яна бошқа меваги дарахтлар бўлди. Ҳовли ўртасида чиройли ҳовузча. Унинг атрофида болалар ўйнайдиган спорт майдончаси. Иш-комлар тагида тўй-маъракалар ўтадиган соя-салқин жой.

— Шаҳар ободончилик ташкилотлари ҳам ёрдам беришгандир?

— Улар кўчат беришди, ариқ қазиб, сув олиб келишга қарашишди. Ҳовли ўртасида чанг босиб қуриб етган цемент лотоклар бор эди. Уларни кўчириб олиб, бошқа керакли жойга ўрнатдик. Лекин ҳашар жуда ажойиб одат экан-да, Шерзод. Одамлар ишдан кейинги бўш соатларда, дам олиш кунларида бир сқадан бош чиқариб, шундай катта ишларни текинга қилишди-я! Қўшнилар бир-биридан ётсираб, ҳар қайсиси ўз квартирасига кириб олиб ёнидаги қўшнисини ҳам танигиси келмай, ичкарида телевизиорини кўриб, портвейнини ичиб: «Бор, ҳашар-пашариягни билмайман, текинга ишлайдиган аҳмоқ йўқ!» деб ётаверса нима қилар эдик? Ҳар қалай, одамларимиз тўй-маъракада бир-бирига қарашиб, маҳалла-кўй бўлиб, қовушиб яташида ҳикмат катта экан.

— Бу ҳаммаси ўз-ўзидан маълум-ку, — деди Шерзод зериккан бир алпозда.

— Лекин ҳеч нарса ўз-ўзидан тайёр бўлиб қолмас экан-да. Бир маҳалла одам шу ҳовлини обод чорбоғга айлантиргунча икки йил жон койитди. Ҳозир мевазори ҳам, чорчаман гулзори ҳам, кексалар дам оладиган серсоя саҳни ҳам, болалар ўйнайдиган майдончаси ҳам, тўй-маърака ўтказиладиган жойи

¹ Т а р ҳ — лойиҳа, режа.

ҳам меъерига стди деб қувониб юрган эдик. Бирдан ҳаммаси бузиладиган бўлиб қолди.

— Йўғ-с! Ким айтди сизга?

— Матлуботчилар айтди. Бизнинг ҳовлига тўрт қаватлик кооператив уй тушар эмиш!

— Ёлгон миш-миш бўлса керак.

— Мен ҳам аввал шундай деб ўйладим. Лекин ўтган куни мутахассислар ҳовлининг икки жойидан чуқур «шурп» қазиб, тунроқ олаётганининг устидан чиқдим. Биласиз, шурп қазилган жойда қурилиш бўлиши аниқ. Шундан кейин ҳаракатга тушдик. Ким бу янги уйни бизнинг ҳовлига олиб келиб қўндирмоқчи экан, деб суриштирсам, калаванинг бир учи сиз бошлиқ бўлган жойдан чиқди.

Шерзод ниманидир эслагандай бўлиб, пешанасини уқалади-да.

— Ҳм, кўрайлик-чи,— деб ўрнидан турди ва столнинг тортмасидан Аброрлар яшайдиган микрорайоннинг планини қидириб топди.

Бу ердаги кўп қаватли уйлар сершовқин катта кўчадан ичкарида эди. Иморатлар сафда тургандай қатор эмас. Замонавий услубда бир-бирига кўндаланг ёки қия бўлиб тушганлари ҳам бор. Шунинг учун уларнинг ҳовлилари бири бирига ўхшамас, Аброрга шуниси ёқар эди.

Дастурхондай катта қоғозни тикка туриб кўраётган Шерзод:

— Ҳа, тушунарли,— деди.— Мана бу учта тўрт қаватли уйнинг оралигида бўш жой кўп экан-да.

Аброр ҳам ўрнидан туриб, планга кўз қирини ташлади:

— Қоғозда бўш кўринган жойларнинг ҳаммаси банд. Одамлар тўй-маъракаларини ҳовлида ўтказиб ўрганган эмасми, шу тол-терақларнинг орасига икки юз киши сизгадиган саҳн қилишди. Янгитдан маҳалла комиссияси тузилди. Одамлардан пул йиғишиб, маъракаларга керак бўладиган идиш-товоқ, стол-стулларни олиб қўйишди. Ҳатто ҳовлига битта тандир ҳам қурдик.

Аброр кулиб-кулиб, бу тандирда нон спадаган новвойнинг тарихини айтиб берди. Илгариги маҳалланинг новвойи зилзилада ҳовлиси ва новвойхонаси бузилгандан кейин кўчаларга сув спадаган

машинани ҳайдайдиган бўлган эди. Ҳовлида янги тандир қурилгандан кейин нонни яна ўша новвой ёпадиган бўлди. Фақат энди у машина ҳайдашдан бўшаган пайтида — оқшомлари ёки эрта тонгда тўй-маракалар учунгина нон ёпар эди...

— Тандирни менга айтишувди, — деди Шерзод. — Ундан ташқари, мана шу бўш жойда уч-тўртта темир гараж ҳам бор эмиш.

Телефон жиринглади. Аброр қора, кўк ва кул ранг аппаратларга кўз ташлаб қайси бири жирингластганини билолмади. Шерзод уларни овозидан таниса керак, дарҳол кўк телефоннинг трубкасини олди. Паст товуш билан:

— Ҳи минутдан кейин яна қўнғироқ қилинг, — деди-да, трубкани қайтиб қўйди ва ўрнидан турган Аброрни ўтиришга таклиф қилди.

— Аввалги лойиҳачилар зилзила тўполонларида ерни тежашни дуруст ўйлашмаган экан, — деди Шерзод. — Ҳозир биз кўпқаватли уйларнинг орасидаги ма-софани мумкин қадар қисқартяпмиз. Ахир ҳар бир қарич ер олтинга топилмайди. Бу тўғрида махсус кўрсатма бор.

— Биладан... Сиз айтган кўрсатма жуда тўғри. Лекин уни кўр-кўрона тадбиқ қилиш керак эмас-да, ахир!

— Ҳовли, албатта бўлади, Аброр Аъзамович, бу-сиз мумкин эмас. Янги уй ҳовлидан ортган жойга тушади. Лойиҳачилар ҳаммасини ҳисобга олишган.

Аброр Шерзоднинг столи устида турган пизига қўл чўзиб:

— Мумкинми? — деди.

— Марҳамат.

— Мана, қаранг. Ҳовлининг мана бу ери болалар майдончаси. Бу ери цемент ҳовуз. Атрофига дарахт экилган, салқинлаб дам оладиган саҳн қилинган. Агар тўрт қаватли уй қуриладиган бўлса, бунинг ҳаммаси сўзсиз кетади.

— Ҳаммаси кетмас дейман?

Аброр қўлига қалам олди ва қурилиш майдончаси қоидага бинсан қанча жойни эгаллашини, ҳовли саҳнининг қанча жойи механизмлар гилдираги остида қолишини ҳисоблаб, чизиб кўрсатди.

— Чатоқ бўларкан-да! — деди Шерзод ва ўзидан олдинги бошлиқни сўкди: — Ҳшанда ўйлашлари керак

эди-да, хомкаллалар! Энди уларнинг хатосини тузатиб бўлмайди! Вақт ўтган!

— Нега вақт ўтар экан, Шерзод? Нормага биноан ҳар бир одамга эллик квадрат метр яшил зона бўлиши керак. Бу микрорайонда икки минг одам туради!

— Аброр Аъзамович! Ҳозир кўкаламзорлаштиришдан ҳам олдин ҳал қилишимиз керак бўлган муаммо — одамларни турар жой билан таъминлаш!

Студентликда Аброрни жўнгина оти билан атаб юрган Шерзод энди уни «Аъзамович» дейиши заввал галатиноқ туюлди. Лекин бунинг нимасидир икковининг ҳозирги муносабатларига мос тушишини Аброр энди сезди-ю, ўзи ҳам:

— Шерзод Исломович,— деди, — агар зарур бўлса, кооператив уй учун мен худди шу микрорайонда бошқа бир жой кўрсатишим мумкин.

Шерзод план устига зигашди:

— Марҳамат, кўрсатинг!

Аброр қўлидаги қалам билан микрорайоннинг на-риги четини кўрсатди.

— Катта йўл бўйими? — деди Шерзод — тахминан... тўғри келади. Мен умуман қарши эмасман. Лекин кооперативчилар кўнмаслиги мумкин.

— Нега кўнмас экан?

— Катта йўлнинг шовқинини биласиз. Кооперативчилар давлатга нақд пул тўлашади. Уларга ҳозир эътибор зўр. Шунинг учун ичкарироқдан қулайроқ жой берилмоқчи.

— Уларга қулайлик туғдирамиз деб, бошқа юзлаб одамларни ноқулай аҳволга солиш адолатданми?

— Умуман сиз ҳақсиз. Шахсан мен... қарши эмасман. Лекин...

Шерзод студентлигида ҳам бирон нарсадан иккиланса «умуман», «тахминан», «шахсан» деган сўзларни кўп ишлатарди. Ҳозир шу Аброрнинг эсига тушди. У ўртоқларча самимият билан кулимсираб:

— Шерзод, звалли «умуман», «тахминан»ларни йиғиштириб қўяйлик,— деди.— Сиз билан биз шу ишларни ипидан нивасигача биладиган мутахассислармиз. Бу уй бизнинг ҳовлига тушса нотўғри бўлишини икковимиз ҳам аниқ сезиб турибмиз. Шундайми?



— Шундайликка шундайку-я!

— Агар сиз астойдил киришсангиз, шу нотўғри ишнинг олдини олиш қўлингиздан келади. Чунки бу ишни сизга ишониб топширишган. Далиллар етарли. Кооператив уйга нарёқда жой бор.

— Бўлмаса ҳаракат қиламиз-да.

— «Тахминан» эмас-а?

— Йўқ, аниқ! — деб кулди Шерзод.

— Энди мен... бошқа идораларга бориб юрмайинми?

— Ҳозирча ҳожати йўқ. Кейин мабодо ишكالлик чиқса, мен ўзим айтарман.

— Бўпти, раҳмат!

Аброр Шерзодга қўл бериб хайрлашар экан, бундан кейин оралари яхшиланиб кетишига астойдил ишонган эди.

Шундан кейин ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди, ҳовлида қазилган «шурп» бекилиб ҳам кетди, лекин қурилишдан гап чиқмади. Аброр, «энди тинчиб кетди, Шерзод сўзининг устидан чиқди», деб ўйлади.

Бироқ кўклам кириб, дарахтлар энди барг ёзаётган кунларнинг бирида Аброр ишдан қайтиб борса, кўп қаватли уйлар ҳовлисида қулоқни қоматга келтириб экскаватор ишляпти. Ёшлар волейбол ўйнайдиган майдонча аллақачон йўқ бўлган. Унинг ўрнида одам кирса боши кўринмайдиган катта чуқурлик турибди. Чуқурликнинг бир чети тандир турган жойга етиб қолган, пешанаси тутундан қорайган тандирнинг тагидан тупроғи кетиб, оғзи бир томонга қийшайган. Цемент ҳовузча тупроқ уюми тагида қолиб кўринмай кетган. Брезент коржома кийган қурувчилар кўтаргич кранни ўрнатадиган жой тайёрламоқда эдилар.

Кран юрадиган рельслар бу йил энди гуллай бошлаган ёш-ёш ўрик ва олма ниҳолларининг ўрнига ётқизилиши керак экан. Қурувчилардан бири болтани қўлига олиб, ниҳолларни қирқиб ташламоқчи бўлаётганда маҳалла комиссиясининг аъзоларидан бири югуриб келди:

— Ҳей, тўхтанг! Биз бу ниҳолларни кўкартиргунча она сутимиз оғзимизга келган-а!

— Қизиқсизлар! Келиб-келиб қурилиш бўладиган жойда кўкартирасизми?

— Қурилиш тамом бўлган эди-ку? Буниси яна қайёқдан чиқди? Аброр ака, сиз ўша жойларда ишлайсиз. «Тинчитдим» деган эдингиз. Биз сизга ишониб блмайлихотир юрган эдик. Энди бу ёғи нима бўлди?!

— Мени ҳам бир одам ишонтирган эди-да, Ўринбой ака! — деди Аброр.

— Ўша одамингизга тезроқ айтинг бўлмаса, бу ишларни тўхтатсин!

Бошланган қурилишни тўхтатиш анча-мунча одамнинг қўлидан келмаслигини Аброр яхши биларди. Чунки ҳар бир қурилишнинг лойиҳаси жуда кўп жойларнинг тасдиғидан ўтиб келади. Бирор нарсани ўзгартириш учун лойиҳани яна қайтадан ўша жойларнинг ҳаммаси кўриб чиқиши керак. Бусиз ҳам одамларнинг иши бошидан ошиб ётибди.

Шундай бўлса ҳам, Аброр чопиб учинчи қаватга чиқди-ю, квартираларидаги телефон орқали Шерзоднинг ишхонасига қўнгироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермагандан кейин телефон китобидан унинг уй номерини қидириб топди. Шерзод овқатланаётган экан чамаси, трубкани олди-да, оғзидагини чала ютиб:

— Ие... Аброр Аъзамович... — деди. Воқеани эшитётганда тишининг орасига кириб қолган гўштни тили билан чиқариб олишга тиришиб:

— Оббо, шунақами?... — деди. — Оббо!.. Мен қиш бўйи тўхтатиб турган эдим-а! Отпускага кетсам, муовиним ўтказиб юборибди. Кооперативчиларни биласиз. Қўлларида нақд пул бўлгандан кейин...

— Нега шуни аввал айтмадингиз? — деди Аброр, асаби қақшаб. — Ахир ваздалашган эдик-ку!

— Айтганим билан фойдаси йўқ эди. Лойиҳа катта жойларнинг тасдиғидан ўтиб қолган экан.

— Аммо ўша даргоҳлар ҳам бу ишни сизга ишониб топширган эди! Уларга ҳаммасини тушунтиришингиз мумкин эди!

— Қўлимдан келмади-да, нима қилай? Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Нозик одамлар орага тушиб қолди.

— Эҳтимол, ўша нозик одамлардан бири ўзингизнинг поччангиздир?

— Қайси поччам?

— Кооператив уйдан уч хонали квартира олмоқчи бўлган поччангиз бор экан-ку.

— Энди гапни увақа томонга бурманг-да, ўртоқ Аъзамов! Поччам олса, бунга қонуний асоси бордир.

— Ҳа, сиз қонунни яхши биласиз. Лекин одам-гарчилик, лафз деган нарсаларда сизга ишониш — сувга суяниш билан баробар экан, мен буни энди яхшироқ билдим!

Аброр трубкани шақ этказиб жойига қўйди ва қайтиб пастга тушди.

Ҳовлида қурувчилар билан дарахт экканларнинг баҳси бирдан жанжалга айланиб кетди. Уринбой ака болтани қурувчи йигитнинг қўлидан юлқиб олди-ю, тупроқ уюмининг нарёғига итқитиб юборди.

— Бу қанақа безорилик?! — деб қурувчи йигит Аброрга мурожаат қилди.— Ахир биз кранни лойиҳада кўрсатилган жойга ўрнатишимиз керак!

Уринбой аканинг узун мўйлаби титрар, ранги срдай ўнгиб кетган эди.

— Ўрнатмайсан! — деб бақирди.— Шаҳарни кўкаламзорлаштиринглар деб ижроком қарор чиқариб қўйибди. Мен ҳали бу лойиҳани чизган одамни топиб гирибонидан оламан!

... Орадан ойлар ўтди. Аброр Уринбой акани машинасига ўтқазиб бир қанча идораларга бориб кўрди. Лекин фурсат бой берилган эди...

Мана, ҳозир ўша ниҳолларнинг ўрнида осмонга бўй чўзган темир кран қўнғироғини жиринглатиб ишлаб турибди. Фақат балкон тағларига, дераза рўпараларига экилган дов-дарахтлар омон қолди. Ундан у ёғи бульдозерлар ва огир юк машиналари бемалол юрадиган қурилиш майдонига айланди-ю, теварак-атрофи баланд егоч девор билан ўраб олинди.

Шу орада ҳаёт Аброр билан Шерзодни аввалгидан ҳам торроқ жойда янада қаттиқроқ тўқнаштирди. Зилзиладан кейин қурилган янги бинолар, боғлар ва майдонларни лойиҳалаштирган меъморлардан бир гуруҳи республика мукофотига номзод қилиб кўрсатилди. Дастлабки номзодлар рўйхатида Аброр Аъзамов ҳам бор эди. Меъморларнинг яхши ишларига бағишланган мақолаларда Аброр қатори Ҳабибулла Эргашев деган еш меъмор ҳам кўп тилга олинарди. Мукофотга тақдим этилганларнинг дастлабки

рўйхатида шу Ҳабибулла ҳам бор эди. Анкеталар тўлдириш ва ҳужжат тайёрлаш даврида рўйхатга яна бир қанча номзодлар кириб, одам кўпайиб кета бошлади. Рўйхат бошига лойиҳа институтининг директори Сайфулла Раҳмонович киритилди, чунки кўпчилик яхши лойиҳалар унинг раҳбарлигида тайёрланган эди. Яна бир неча кун ичида номзодлар рўйхатида Шерзод Баҳромов ҳам пайдо бўлди, айрим лойиҳалар унинг раҳбарлигида тасдиқдан ўтган эди. Аброр номзодларга характеристика ва ҳужжат тайёрлаш ишларига бошқалар қатори қарашиб юрар эди. Бир кун директорнинг кабинетиде бўлган ўн кишилик кенгашда маълум бўлдики, мукофотга тақдим этилганлар рўйхати меъеридан ошиб кетибди. Бир мукофотни етти-саккиз киши бўлиб олиши мумкин экану ундан ортинги низомга тўғри келмас экан. «Рўйхатга кирган номзодлардан бир кишини тушириб қолдириш керак»,— деди Сайфулла Раҳмонович. «Наҳотки мени тушириб қолдиришса?» деб, Аброр лавал хавотирланди. Кейин кимдир номзодлар рўйхатини алифбо тартибиде тузишни таклиф қилди. Аброр Аъзамов рўйхат бошига чиқди. Ундан кейин Шерзод Баҳромов, ўртада Сайфулла Раҳмонов ёзилди... Ҳабибулла Эргашев энг охирига сурилиб борди-да, рўйхатдан тушиб қолди.

Эргашев ўттиз тўртга кирган бўлса ҳам, бошқалардан ёшроқ эди. «Ҳали ёш, мукофотни келгуси сафар олар», деди кексароқ меъморлардан бири. Кенгашни олиб бораётган Сайфулла Раҳмонович бу фикрни дарҳол қувватлаб чиқди: «Бошқа илож йўқ, бир киши тушиб қолиши керак. Эргашев келгуси сафарга қолдирилсин, деган таклиф тушди. Бошқа таклиф йўқми?»

Орага нохуш жимлик чўкди. Ўтирганлар бир-бирларининг юзига қарай олмас эди. Аброр ҳам ерга қараб жим ўтирибди. Лекин бир лаҳзалик бу жимлик уни худди манфаатпараст виждонсиз бир одам қилиб кўрсатаётгандай туюлди. Ҳабибулла Эргашев шу ўтирганларнинг орасиде энг истисъодли, энг меҳнаткаш, мукофотга энг сазовор меъморлардан эканини Аброрга ўз кўнгли айтиб турибди. Наҳотки уни суриб ташлаб, Шерзоддай уddaбуронлар мукофот

олиб кетаверади-ю, Аброр бунга рози бўлиб, жим ўтиради?

Директор эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий товуш билан давом этди:

— Бошқа таклиф бўлмаса, демак...

Рўйхатдан ўзим тушиб қолмайин деб қўрқиб жим ўтириш Аброрга чидаб бўлмас бир очкўзликдай ва инсофсизликдай туюлди. У ўзидаги бу инсофсизликдан нафаси қайтаётгандай бўғилиб, талпиниб қўл кўтарди.

— Сайфулла Раҳмонович, менда таклиф бор!

— Марҳамат!

Ҳамма бошлар бирдан кўтарилди, кўзалар сергакланиб Аброрга тикилди.

— Эҳтимол, мен ҳам гапирмаслигим керакдир,— деди Аброр.— Лекин бошқа ўртоқлардан садо чиқмагани учун мажбур бўляпман. Ҳабибулла Эргашевга нисбатан адолатсизлик қилсак, виждонимиз азобда қолади, ўртоқлар. Мукофотга тақдим этилган энг яхши лойиҳаларнинг оғир юкини Ҳабибулла Эргашев елкасида кўтариб, маррага етказиб берди. Буни кўпчилик биледи. Эргашев ҳозир отпусқада, бугун кенгашда унинг ўзи йўқ. Лекин ўзи йўқнинг кўзи йўқ қилсак туғри бўлмас. Эргашевнинг ажойиб истеъдоди бор. Ўзи жуда меҳнатсевар, камтар, ҳақиқий инсон, ўртоқлар, уни рўйхатдан тушириб қолдириш мумкин эмас.

— Хўп, бўлмаса кимни рўйхатдан тушириб қолдирайлик? — ўсмоқчилаб сўради Раҳмонов.

— Уйлаб кўриш керак. Кимки камроқ меҳнат қилган бўлса... Камроқ ҳисса қўшганлар... Лойиҳа чизишдан қўли чиқиб қолган ўртоқлар ҳам бор.

Аброр Шерзодни назарда тутган эди. Лекин бу гап Сайфулла Раҳмоновичга тегиб кетди. Чунки у ҳам чизмакашлик асбобларини анчадан бери қўлига олмай қўйган, лойиҳа чизишнинг бутун оғир меҳнатини Аброр ва Ҳабибуллага ўхшаганлар қилар эди. Аброр ўзининг сўнгги сўзларидан директорнинг ранги ўзгариб кетганини сезди-ю, изоҳ беришга шошилди:

— Сайфулла Раҳмонович, сиз албатта рўйхатда қолишга муносибсиз. Чунки шу лойиҳаларни юзага чиқаришга кўп ҳисса қўшгансиз, бизга яхши-яхши счимлар, гоёлар бергансиз. Лекин дуруст бир ечим

ҳам бермайдиган, умумий гапдан нарига ўтмайдиган ўртоқлар ҳам бор. Мен ўшалардан бирини айтмоқчи эдим.

— Кимни? Қани, анигини эшитайлик-чи!

— Шерзод Баҳромов... Ўзи яхши ташкилотчи... Мен бирга ўқиганман, биламан... лойиҳа чизишга илгари ҳам унча ҳафсаласи йўқ эди. Ҳозир баланд лавозимда бу ишга вақти ҳам йўқ. Истеъдод жиҳатдан ҳам, меҳнат жиҳатидан ҳам, мана шу лойиҳаларга қўшган ҳиссаси жиҳатидан ҳам Баҳромовга нисбатан Эргашев мукофотга муносиброқ, шунинг учун мен номзодлар рўйхатига Баҳромов эмас, Эргашев киритилсин, деб таклиф қиламан.

Кенгашда Шерзод ҳам йўқ эди — у бошқа лойиҳа ташкилотига бошлиқ эди. Раҳмоновнинг унга кўп иши тушиб турар эди. Шу ҳам сабаб бўлди-ю, Сайфулла Раҳмонович Аброрга киноя қилди:

— Ўртоқ Аъзамовнинг Эргашевга жон куйдириши ёмон эмасу, лекин Шерзод Исломовичга нисбатан айтган гаплари ўринли эмас. Ўртоқ Аъзамов, сиз Баҳромовни унча суймаслигингиз бизга маълум. Лекин бунақа нозик масалада шахсий туйғуга эрк бериш керак эмас...

— Гап менинг суйиш-суймаслигимда эмас. Мана, ўртоқлар айтсин, Шерзод Баҳромовга нисбатан Эргашев ўн ҳисса кўп меҳнат қилган... Истеъдоди ҳам уникидан баланд...

Аброрнинг бу гаплари ўтирганларга жуда қалтис туюлди чамаси, ҳеч ким уни ёқлаб чиқмади. Шунда яна Сайфулла Раҳмонов сўз олди:

— Ўртоқ Аъзамов, пичоқни ўзингга ур, оғримаса, бошқага ур, деган мақол бор. Эргашевнинг истеъдоди-ю, қўшган ҳиссасини Баҳромовнинг ишига солиштиришдан олдин ўзингизнинг ишингизга қиёс қилсангиз тўғрироқ бўлмайдими?

— Хўп, Эргашевнинг истеъдоди-ю, қилган иши меникига нисбатан ҳам катта деб айтайми? Марҳамат, мен бунни айтдим!

— Айтган бўлсангиз, бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Директорнинг нима демоқчилигини ҳамма тушунди: мукофотга номзоди кўрсатилганлар орасида Аброр ҳам бўлгани учун одоб сақлаб жим ўтириши ёки Эр-

гашевни аввал ўзининг ўрнига, бўлмаса кейин Баҳромовнинг ўрнига кўрсатиши керак эди. Аброр ҳам буни энди тушунди-ю:

— Ўртоқлар мендан кўра Эргашев билан Баҳромовни муносиброқ деб билсалар, марҳамат, мен ўз номзодимни рўйхатдан олиб қўйишим мумкин.

Директор протокол ёзаётган йигитга қараб:

— Яхши, бу гапларни ёзиб қўйинг, — деди. — Масала узил-кесил кўрилганда ҳаммаси ҳисобга олинади.

Аброр кенгашдан бўшашиб, тарвузи қўлтигидан тушгандай бўлиб чиқди. Унинг бемаврид гапирган гапи туфайли Шерзод яна голиб чиқиши мумкинлиги юрагини ғаш қилар эди. Чиндан ҳам, масаланинг қолган қисми унинг иштирокисиз ҳал бўлди. Эргашев ҳам, Баҳромов ҳам мукофот олишди, Аброр эса гўё ўз ихтиёри билан мукофотсиз қолди.

Шерзод ва унинг тарафдорлари ҳалигача киноя қилишиб, «бировга чуқур қазисанг ўзинг йиқиласан», деган мақолни такрорлаб юришади. Аброр бугун аэропортда Шерзоднинг кўкрағида чўғдай ёниб турган лаурсатлик нишонини яна бир кўз олдига келтирди. Шерзод аэропортда Аброрни кўришини билиб, балки атайлаб шу нишонни тақиб чиққандир? Аброрнинг кўзи куйгани ёки унга алам қилганини кўрса, эҳтимол, Шерзоднинг голиблик қувончи ва ифтихори яна бир даража ошар?

Тенгдошлар орасида бўлиб турадиган бундай тирашиш улар иккови студентлик йилларида шахмат ўйнаган пайтларида кўзга яққол ташланар эди. Аброр гоҳо кўрмай қолиб филними, фарзинними бекордан-бекорга бериб қўяр, шунда унга алам қилган сари Шерзоднинг қувончи ошар, рақибини қанчалик куйдирса, эса, ўзини шунчалик қувноқ ва эркин сезар эди. Бу-ку шунчаки ўйин эди. Мана энди ҳаётдаги олишувларда Шерзод усталик қилиб ютиб кетган пайтлар Аброрнинг дилига қадалган тиканлардай зирқираб оғриқ берарди. Бу тиканларни олиб ташлашнинг ҳеч иложи йўқ. Аксига олиб, мана бу ҳовлидаги қурилиш ҳам ҳар кун Шерзодни унинг эсига солади. Илгариги ҳовли қанчалик тоза, қанчалик обод эди! Ҳозир Аброр тупроқ уюмлари орасидан машинасини қийинлик билан ҳайдаб ўтди-ю, ёғоч девор зихида тўхтатди. Болалари подъезд олдида тушаётганда:

— Зафар, самокатингни катта кўчага олиб чиқма!
— деб тайиклади.

— Бўлмаса қаерда учаман? — деди Зафар ёгоч деворга нохуш кўз ташлаб.— Бу еқда қурилиш бўлса...

— Мана шу йўлка-чи? — деб Аброр машинанинг тагини кўрсатди. Илгариги катта ҳовлига ўрганган болалар ёгоч девор билан деразалар орасидан ўтган бу тор йўлкага сигишмас эди. Шундай бўлса ҳам Зафар:

— Хўп, дада, хайр! — деди.

Аброр соатига қараб, ишга кечикаётганини сезди-да, машинани шоша-пиша қўзгатди. Бу йўлка уйни айланиб ўтиб, катта йўлга чиқар эди. Лекин муюлишдан нарида ер кавлагич трактор кўринди. Машина ўтадиган йўлак кавлаб ташланган, афтидан, янги қурилаётган уйга водопровод туширилмоқда эди.

Аброр машинани орқаси билан юргизиб, нариги томондан чиқиб кетмоқчи бўлиб бораётганда ёгоч девор ортидан вағиллаб бир самосвал чиқди. Устига тепа қилиб тупроқ ортилган, ғилдирақларининг орасидан лой отиляпти. Бир парча лой Аброр ўтирган машинанинг олд томонига келиб урилди-ю, ёпишиб қолди. Аброр тўхтади. Самосвал атрофига тупроқ сочиб, чанг-тўзон кўтариб узоқлашиб кетди.

Аброр машинадан тушиб, олд ойнага спишган лойни олиб ташлар экан, ичида, «Баҳромовнинг шалтоғи!» деб сўкинди. Сўнг ўша Баҳромов билан бирга самолётга қараб чопиб кетаётган Вазира кўз олдида гавдаланди.

Вазира ҳамма воқеадан хабардор бўла туриб, нега яна шу одамни ўзига бунчалик яқин олади?! Аброр шуни ўйлаган сари кўнгли хуфтон бўлар ва тажанглиги ортиб борарди.

ИККИНЧИ БОБ

Вазира тушган самолёт қават-қават булутларнинг устида — қуёш нур сочиб турган тиниқ осмонда учиб бормоқда эди. Бир вақт креслоларнинг орқасидаги столчалар пастга туширилди ва енгил кўк патнисда ионушта берилди. Шерзод тирсагини ёнида ўтирган Вазирага тегизмасликка тиришиб, пластмасса стаканчадаги чойга ҳўл чўзди. Унинг тўртинчи бармогида кўзсиз силлиқ олтин узук бор эди.

Вазира димлаб пиширилган гурунч билан товуқ гўштидан татиб кўрди-да:

— Бинойдай,— деди.— Самолётнинг овқати бир хил ресторанларнинг овқатидан мазалироқ. Ё менга шундайми?..

— Йўқ, менга ҳам ёқади,— деди Шерзод чойдан бир хўплаб.

— Чойи бемазароқ,— деди Вазира адолат юзасидан.

— Тахминан... шундай,— деди Шерзод кулиб.

Вазира студентлик пайтларида кўпчилик бўлиб Чимёнга борганларини эслади.

— Шерзод, Чимёнда пиширган каклик шўрвамиз эсингиздами?

— Қайси? — деб Шерзод ўгирилиб қаради ва ўзидан бир қаричгина нарида Вазиранинг шўх йил-тиллаган кўзларини кўрди.

— Ҳў, Ун икки булоқнинг бўйида-чи?

Шерзод бсихтиёр Аброрни эслади. Ҳшанда ҳамма мақтаб ичган шўрванинг какликларини Аброр баланд қоятошлар орасидан отиб тушган эди. Ҳозир Шерзод Аброрни тилга олгиси келмади. Гапни буриб:

— Ҳта пайтларда каклик кўп эди-я,— деди.— Ҳозир Чимёнлардан каклик топиб бўлмайди.

— Бултурмиди, Аброр Четқолга бориб, яна каклик отиб келди.

Вазира эрини ҳозир атайлаб тилга олганини Шерзод сезди ва кўзини унинг кўзидан олиб, қизил суртилган лабларига қаради. Вазиранинг қўлидаги товуқ гўштини суягига ҳам қизил бўёқ теккан эди.

— Биламиз, хўжайиннингиз ови юришган бахтиёрлардан,— деди Шерзод кулимсираб.

У Вазиранинг бир вақтлар Шерзодга тегмай Аброр билан бўлиб кетганига ишора қилмоқда эди. «Энди бу узоқ ўтмишга айланди, яралар битиб кетди», дегандай бссзор жилмаймоқда эди.

Вазира эри билан Шерзоднинг орасидаги бошқа хафачиликларнинг ҳам мана шунақа кулиб эсландиган ўтмишга зйланишини истарди.

Самолёт қанотини майин эгиб, гарбга бурилаётганда иллюминатордан тушган қуёш нурлари Шерзоднинг кўкрагидаги олтин ранг нишонни ярқиратиб ўтди. Аброр агар ўшанда Баҳромовга қарши гапир-

маганда ҳозир аҳвол бошқача бўлиши мумкинлиги Вазиранинг кўнглидан кечди. У қўлини қоғоз салфеткага артар экан, Шерзоднинг бояги сўз оҳангига мос қилиб деди:

— Эримизнинг каклик ови юришган бўлса, сизнинг лаурсатлик ишингиз юришди.

— У киши мени шу мукофотдан ҳам маҳрум қилмоқчи эди.

— Лекин Аброр ўзига ўзи қилди. Рост, мен чин кўнглидан айтяпман! Шундай нозик пайтда қалтис йўл тутгани учун мукофотдан маҳрум бўлди. Мен неча марта: «Бундай қилманг», дедим. Гапга кирмади. Мана оқибати.

Вазира гапининг самимийлигини исбот қилиш учун секин қўлини чўзиб, Шерзоднинг кўкрагидаги нишонни силаб қўйди. Шерзодга бу шундай ёқимли туюлдики, назарида, нишонга нафис тегинган қўлнинг тафтини ўз баданида ҳис қилгандай бўлди.

— Раҳмат, Вазира! Сиз чинакам мустақил, танти одамсиз. Аброр сиздек бўлгунча, э-ҳа, кўп қовун пишиги ўтади!..

Шерзод уни атайлаб эридан баланд қўяётгандай ва икковини бир-биридан узоқлаштиришга интилаётгандай туюлди. Самолёт моторларининг гувиллаши ҳам у билан Аброр орасидаги масофанинг дақиқа сайин узоқлашиб бораётганини эслатарди. Шерзоднинг мақтов дилининг бир четига ёқиб тушса ҳам, аммо кўнглининг бошқа четига Аброрнинг овози эшитилиб кетгандай бўлди.

— Лекин мен Абрордай бўлгунча ҳам кўп гап бор ҳали, Шерзод.

— Камтарликми бу? Тушунмадим. Қайси маънода?

— Инсоф, жонкуярлик маъносида. Ўшанда Аброр мукофот олмаса ҳам Ҳабибулла Эргашев олди-ку.

— Ҳе, энди, газеталарда ёзиладиган гап-да. Аброр ўзини аямай, фидокорлик намунасини кўрсатишга ҳаракат қилибди.

Шерзод Аброрга нисбатан ўзини баланд қўйиб шундай кинояомуз гапирдики, Вазира уни сал пастроқ туширгиси келди:

— Абрордаги фидокорликдан озгинаси сиз билан бизда ҳам бўлса кошкийди.

— Озгина бор бизда ҳам, Вазираҳон. Ҳечам йўқ деб ўйламанг.

— Сизда фидокорлик бўлганда, бизнинг ҳовлига ўша кооператив уй бунчалик хунук бўлиб тушмас эди.

Шерзод ўша уй туфайли Абрордан телефон орқали эшитган аччиқ гапларни эслади-ю, юзи тундлашди. Ёгли лабларини қоғоз салфетка билан артар экан:

— Қандоқ қилайлик? — деди. — Ерни тежаб ҳурилиш қилиш тўғрисида топшириқ устига топшириқ келиб турибди.

— «Тежаймиз» деб, бизнинг ҳовлида болалар ўйнайдиган майдончани ҳам қурилишга берибсизларда. Ана шуниси қош қўяман деб кўз чиқариш бўлибди.

— Мен бермоқчи эмас эдим. Лекин кооперативчиларнинг ишбилармонлари кўп экан. «Биоларни тигизлаштириб қуриш керак» деган кўрсатмани дастак қилиб олишиб, ўша лойиҳани ахийри ўтказишибди. Ҳар бир лойиҳага қанча одам имзо қўйишини биласиз. Шундай зўрлар борки, уларнинг олдида биз — филнинг қаршисидаги пиёдаларга ўхшаб қоламиз. Аброр шуни тушунмай ҳаммасини мендан кўриб юрибди.

Вазира Шерзодга, «билман, агар астойдил ҳаракат қилсангиз, сиз бу ҳодисанинг олдини олишингиз мумкин эди», демоқчи бўлиб қаради.

— Аброр сизни қаттиқ туради деб ишонган эдида,— деди.

— Айтишга осон! — деб Шерзод асабий елка учирди ва кинояли кулимсиради.

У қаттиқ туриш учун қанча одамлар билан мунозара қилиши, аллакимлар билан олишиши, кимларгадир ёмон кўриниши керак эди. «Аброр менга нима яхшилик қилибдики, мен унинг ишончини оқлаш учун ўзимни бунчалик ўтга-сувга уришим керак?» Шерзод очиқ айтмаган бу гапни Вазира унинг гўл оҳангидан пайқади. «Чиндан ҳам, бунинг Абрордан қарздор жойи йўқ», деб ўйланди Вазира ўзича ва чуқур тин олди.

Стюардесса қиз овқатланиб бўлганларнинг патнисларини йиғиштириб олиб кетмоқда эди. Шерзод чала қолган товуқ гўштини патниси билан бирга стюар-

десса қизга бериб юборди. Кейин у нонушта қилиб бўлган Вазиранинг патнисини ҳам одоб билан олиб, стюардессага узатди. Йигма столчани кўтариб, олдинги креслонинг орқасига маҳкамлади. Сўнг:

— Ишонасизми, Вазира,— деди,— шу уй-жой лойиҳаларининг майда-чуйда хафачилигидан жуда тўйиб кетдим. Ахийри бўлмади. Ҳозир бошқа ишга ўтдим.

— Шаҳар ирригациясигами?

— Эшитганмидингиз?

— Ҳа, мартабангиз яна бир даража ошибди. Табриклаймиз!

— Раҳмат, Вазира. Лекин гап мартабада эмас. Бу зилзила Тошкентнинг илгариги суғориш системасини ишдан чиқариб кетганини биласиз.

Вазира тиззаси устида турган сумкачасидан кичкина ойна олди. Иллюминатор томонга ўгирилиб, ўзини ойнага солиб қарар экан, кулимсираб галирди:

— Билмаган одам, «зилзиладан ерлар ёрилиб, ариқларни ютиб кетибдими?» деб ўйлаши мумкин.

— Аслида, аҳвол ундан ҳам баттар,— деди Шерзод.— Қақроқ чўлни ўзлаштириш катта шаҳарни қайта қуришдан бир неча баробар осон бўлса керак. Чунки чўл ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оқ қогоздай бўлади. Шаҳарда эса қайта қуриш учун аввал бузиш керак. Фақат ернинг устида эмас, ернинг остида ҳам бир дунё нарса бор: иссиқ, совуқ сув, газ, канализация, неча хил кабеллар. Ҳаммасини янгидан ўтказиш учун кавланмаган жой қолмайди. Эски ариқларга сув очсангиз, ана шу кавланган жойларга киради кетади. Ер ости коммуникациялари бузилади. Баъзи янги уйларнинг тагига сув киравериб, пойдеворларини чўктириб қўяди. Авария, жанжал...

— Экилган ниҳолларга бўлса сув етиб бормайди,— деди Вазира.

— Чунки ариқ бекитилмаса, бутун сув подвалларга кетиб қолади...

Вазира ойначасини сумкасига қайтариб солди-да, уни қирс этказиб елди. Сўнг самолёт шовқинида овозини сал кўтариброқ гапираётган Шерзодга томон ўгириди.

Вазиранинг кўзлари тимқора, кинрақлари худди қизлик пайтидагидек тигиз, қошлари майин. Бу

ҳаммаси Шерзодга алланечух завқ бергандай бўлди. Унинг Вазирага кўнглини очиб гапиргиси ва уни ўзига иложи борича ром қилгиси келди.

— Мен илгари билмас эканман, Вазира, Тошкентнинг суя хўжалиги жуда катта экан. Бу сқда Қорасув, Салор. У сқда Кайковус, Бўржар, Кўкча ариги, Жангтоҳ ариги, Чорсу ариги, Ботирма, Қайирма, Яланғоч деган ариқлар бор экан. Тол ариқ, Рўмол ариқ, Гурунч ариқ.

— Чиндан ҳам шунақа ариқлар бор эканми? — кулиб сўради Вазира.

— Э, ундак ҳам ғалатироқлари бор!

— Мен Қист, Яланғоч деган ариқларни билар эдим.

— Бунақа ариқлар Тошкентда саксондан ортиқ. Шунинг кўпчилигини бетонлаштириб чиқмасак, янги қурилган массивларга суя бормаиди. Қорасув томонда битта Пулемас деган ариқ бор экан. Шуни қайта қуриб, бетонлаб чиқиш қанчага тушаркин деб хомчўт қилиб кўрдик: бир миллион сўм! Ана сизга битта Пулемаснинг биздан ейиши керак бўлган пули!

— Даҳшат-ку,— деди Вазира жиддий оҳангда.— Саксондан ортиқ ариққа бунча пули шаҳар Совети қасрдан толиб беради?

Вазиранинг шаҳар Советига қарашли бошқармалардан бирида ишлаши Шерзоднинг эсига тушди.

— Бошқармамининг ирригацияга ажратадиган маблағлари урвоқ ҳам бўлмаиди,— деди Шерзод.— Шунинг учун биз Суя хўжалиги министрлигидан ердан сўраяпмиз.

Шерзод олдинги салонда кетаётган ҳамроҳи томонга ишора қилди. У одам ўша министрликдан эканини энди пайқаган Вазира:

— Демак, Москвага шу иш билан кетаётган экансиз-да? — деди.

— Ҳа, катталаримиз ҳозир ўша ерда. Биз керакли материалларни олиб боряпмиз.

— Хуллас, Бўзасув билан Салор ҳам сизларга алоқадорми?

— Ҳа, ҳаммаси,— деди Шерзод.

Вазира Аброрни эслади. Бугун кечаси ҳам Аброр уйдagi чизмакашлик столининг устига Бўзасувнинг рангли тасвирини сйиб, алланарсаларни чизиб

ўтиргани кўз олдига келди. Сўнг ўзича бир кулим-сираб қўйди-да, Шерзодга юзланиб деди:

— Ундай бўлса Аброр билан икковларингиз ҳали яна масала талашсаларингиз керак?

Аброр Бўзсув ва Салор бўйларини Тошкентга ҳусн берадиган оромгоҳларга айлантириш ҳаракатида эканини Шерзод ҳам билар эди. Аброр бу тўғрида архитекторлар союзининг катта йиғинида гапириб ҳам чиққан эди. Шерзод ҳам ўша йиғинда бор эди. У Вазиранинг гапини Аброрга қарши кинояга айлантиргиси келиб гапирди:

— Хўжайинингиз сўзлаган алангали нутқлар эсимда бор... У киши сал осмонда юрадилар. «Мен диссертация ёқлаганман, менга янги кафедра очиб беринглар», деган талаб билан министрға борганларидан ҳам кабардормиз.

Гап бу ёққа бурилиб кетганидан таажжубга тушган Вазира Шерзод томонга ўгирилиб, унинг кўзларига тикилди. Наҳотки Шерзод Аброрни фақат баланд мавқе учун курашиб юрган манфаатпараст деб ўйласа?

— Ким сизга шундай деди ўзи?

— Эшитдим-да.

— Сир бўлмаса айтинг-чи, кимдан? Балки Аброр билан сизни бир-бирларингизга атайлаб ёмон кўрсатиб юрган одамлар бордир?

Вазира эри билан Шерзоднинг чап бўлиб, душманлашиб юришини сира-сира истамас эди. Бу чаплик Аброрга доим дилсиёҳлик келтирар, Вазирани эса кўп безовта қиларди. Мана бу безовталикдан қутулиш учун ҳам Вазира икки орадаги губорни тарқатиб юбормоқчи бўлар, Шерзод билан очиқчасига гаплашса ҳамма чигал тугунлар ечиладиганга ўхшар эди.

Буни сезган Шерзод мийиғида кулиб, бир лаҳза ўйланиб қолди...

Аброр: «Ландшафт архитекторлари тайёрлайдиган кафедра очиш керак», деган таклифига институт ректорини ишонтириб, унинг номидан министрға хат ёздирганда Шерзод аввал бу ишга аралашмай юрди. Кейин масала юқори ташкилотлардан бирига чиққанда Шерзод таниш бўлим бошлигининг ҳузурига борди. Гапни айлантириб, шу мавзуга бурган эди, бўлим бошлиғи:

— Дарвоқе, сиз ҳам бу соҳанинг энг катта мутахассисларидансиз,— деди ва Столинини тортмасидан уч-тўрт бетлик хатни олди.— Бир ўқиб кўриб фикрингизни айтолмайсизми?

— Қани,— деб, Шерзод хатга шошилмай кўз югуртирар экан, Аброрнинг сугориладиган ўлкаларда ландшафт меъморчилигининг аъъаналарига ва истиқболига бағишланган мақолаларини эслади. Агар бунақа янги кафедра очилса, Аброр унинг асосчиси ва бошлиғи бўлиши мумкин, чунки Тошкентда ундан бошқа одам ҳали ландшафт архитектураси бўйича диплом ҳам, диссертация ҳам ёқлаган эмас. Ҳозир Тошкентнинг сув иншоотларини лойиҳалаштириш бобида Шерзодга кўп халақит бериб юрган Аброрнинг бу амалий ишдан кафедрага ўқитувчи бўлиб кета қолгани маъқулдек кўринди. Лекин Аброр кафедра очиб, ўзига ўхшаган маҳмадона ландшафт архитекторларини кўпайтириб юборса, Шерзоднинг ариқ ва каналларни бетонлаштириш бўйича қилаётган ишларини ёмонга чиқарадиганлар ҳам кўпайиб кетиши аниқ. Шерзод бундан безовта бўлаётганини бўлим бошлиғига сездирмасликка тиришиб, осойишта сўз бошлади:

— Орзуга айб йўқ. Қачондир бир вақт Тошкентда ҳам ландшафт архитектураси бўйича кафедра очилиши мумкиндир. Лекин ҳозир ҳамма жойда штатларни ихчамлаштириш тўғрисида гап бораётган пайтда... билмадим...

— Булар жуда керак деб ректорни ишонтиришибди-ку. Далилларига эътибор бердингизми?

— Лекин ҳали Москвада ҳам ландшафт архитектураси бўйича факультет очилгани йўқ.

— Бунақа факультетлар Болгарияда, Чехословакияда бор, деб ёзишибди-ку мана бу хатда. Ҳар қолда, социалистик мамлакатлар...

— Лекин Япония, Америка, Францияга ўхшаган капиталистик мамлакатларда ландшафт архитекторлари ундан ҳам кўп. Нега десангиз, пулдор бойлар денгиз бўйида ёки Викторня шаршараси яқинида гўзал виллалар қуриб, табиат манзараларига меъморчилик санъатини қўшиб, роса даврон суришди. Илгари ўзимизда ҳам хонлар, подшолар ишратхоналар қуриб, кайфу сафо қилган-ку. Синфий нуқтаи назардан қараганда бу...

Бўлим бошлиғи бирдан жиддийлашиб, хатни Шерзоддан қайтиб олди-да, уни яна бир варақлади:

— Ие, а, бу ерда бошқача тушунтирилган-ку. Мана, Навоий билан Улугбекдек буюк одамлар ҳам боғ меъморчилиғи билан шуғулланган экан. Табиат билан ҳамкорликда гўзал оромгоҳлар, чорбоғлар яратиш бизда кўп асрлардан бери яхши анъана бўлиб келган экан. Оддий меҳнаткашлар ҳам ҳовлиларидан кичкина ариқ ўтказиб, унинг бўйларига гулми, райҳонми, токми, мевали дарахтми — ҳаммасини тартиби билан ўстирган. Шунинг ҳаммаси ландшафт архитектурасига кирмайдими?

— Киришга киради.

— Бу санъат бизда халқ ижоди тарзида қадимдан борлиғи мана бу хатда яссослаб ёзилган эмасми?

Шерзод бўлим бошлиғининг ишончини йўқотиб қўйишдан чўчиб, дарҳол унинг фикрини қувватлашга тушиб кетди:

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Илгари ландшафт архитектурасига бир томонлама қарашлар бўлган. Бир вақтлар йигитларнинг галстук тақийини ҳам «буржуйлик» деб қоралашган эмасми? Ҳатто, «буржуйлар қурган темир йўллари бузиб ташлаб, ўрнига ўзимизнинг ишчи-деҳқон темир йўлини қурайлик», деган чақириқлар ҳам эшитилган.

— Ҳа, ана қаранг! Ландшафт архитектураси ҳам темир йўлга ўхшаб, аввало меҳнаткаш халққа хизмат қилиши керак-да. Ободонлаштириш санъатидан, гўзал боғ-роғлардан фақат бойлар фойдалансин, деб бу санъатни уларга бериб қўяйликми?

— Йўқ, йўқ, бизда табиат гўзалликларига оро бериб яратилган боғлар ҳам, оромгоҳлар ҳам халққа хизмат қилади. Бу санъат ҳозир бизга керак. Шунинг учун Москвада ландшафт архитектураси бўйича факультет бўлмаса ҳам, махсус кафедра очилди. Абдор Аъзамов ҳам ўша кафедрада диссертация ёқлаб келган.

— Сиз уни яхши биласизми?

— Институтда беш йил бирга ўқиганмиз. Ҳозир ҳам соҳаларимиз бир.

— Қалай, ўсадиган одамми?

— Энди... Ҳамкурсим бўлгани учун мен уни... ҳимоя қилишга тиришаман...

Шерзод ҳамкурсини ҳимоя қилган киши бўлиб, кейин унинг нуқсонини айтса ишонарли чиқишини ўйлаб шундай деди. Аммо бўлим бошлиғи унинг ўртоқчиликка боришига йўл қўйгиси келмай сергакланиб сўради:

— Нима... Аъзамов шунақа ҳимояга муҳтож одами?

— Ҳа, энди... табиати енгилроқ... ишқал ишларга кўп аралашади... Кучи етмайдиган нарсаларни кўзгайди.

— Қанақа ишқал ишлар?

— Меъморчиликда миллий анъаналар дейдимисей... Анъаналарнинг кетидан қувиб, маҳдудлик томонига сирғалиб кетадиган пайтлари бўлади.

— Шунда ҳам сиз уни ҳимоя қиласизми?

— Йўқ, нега? Танқид қиламан! Ғоявий масалаларда келишувчилик кетмайди.

— Мана бу фикрингиз тўғри. Демак, бизда ҳали шу Аъзамовдан бошқа ландшафт архитектори йўқ?

— Ҳа, ҳозирча шу битта...

— Бу ҳам ҳали хомроқ одам бўлса... демак, кафедрани очишга тайёр эмас эканмиз-да?

— Афсуски, шундай,— Шерзод жўрттага оғир тин олиб қўйди. Шунда бўлим бошлиғи:

— Бир илтимос бор,— деди.— Ҳозир айтган фикрларингизни менга қисқача қилиб ёзиб берсангиз...

Шерзод хавотирга тушиб, тараддудланиб қолди. Унинг бу ёзуви Аброрга ўхшаган одамларнинг қўлига тушса нима бўлади?

— Сиз ташвишланманг, ёзувингизни ёпиқ сақлаймиз.

— Орамизда қоладими, ахир?

— Ҳа, фақат хизмат бўйича мен ўзим фойдаланман.

Шерзод шундан кейин оғзаки айтган фикрини яхшилаб ёзиб берди. «Ана энди Аъзамов олди тўсишган сулдай тўғонга бош уриб орқага қайтаверди», деган ўй ҳозир ҳам унинг хаёлидан ўтди. Бу ўй унга Аброр билан шахмат ўйнаганда унинг фарзинини бир бурчакка қамаб, юролмайдиган қилиб қўйгандаги каби ёқимли туюларди. Шерзод Аброрни шахматда ютгандаги каби ҳаётда ҳам ютса голиблик завқини суриб, дили яйрайди. Ҳозир самолётда у билан ёнма-ён

ўтириб суҳбатлашадиган Вазира бунақа мураккаб завқдан мутлақо беҳабар. Шундай бўлгани Шерзод учун маъқулроқ. У аёллардаги соддаликни ва ишонувчанликни яхши кўради. Вазира икки орадаги губорни тарқатмоқчи бўлиб, ўзини Шерзодга яқин оляптими, қўйиб бериш керак. Янада яқинроқ келсин, сирдош бўлсин.

— Мен бу гапларни... факультетда эшитдим, Вазира... Номларини айтолмайман... Тушунасиз, чақимчи бўлгим келмайди...

— Лекин «Аброр ўзи учун кафедра очтирмоқчи» деб, гапни чаппа қилиб отказиш инсофсизлик эмасми?

Сўнги сўзлар Шерзодга тикандай қадалди. Лекин у ўзини дарҳол бу тикандан олиб қочди:

— Гап бошқа ёқда, Вазира. Эрингиз ўзини оловга урадиган парвонага ўхшаб, ишқал масалаларга кўп қўл уради. «Меъморчиликдаги ўзига хослик», «миллий анъаналар» деган гаплар одамни маҳдудликка олиб кетиб қолади...

— ...Лекин бунақа маҳдудлик Аброрда ҳечам йўқ,— деб Вазира унинг сўзини кесди. Шерзод унга қулоқ солмай аввалги фикрини давом эттирди:

— Қолбуки, биз — кўпмиллатли мамлакатмиз. Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат, элат вакиллари яшайди. Биз учун интернационализм биринчи ўринда туради.

— Жуда тўғри. Аброрнинг эътиқоди ҳам худди шундай.

— Бироқ, ўзаро гап-ку, Вазира, эрингиз миллий анъаналарга ҳам қўл эътибор беради-да.

— Чунки денгизлар алоҳида дареларнинг қўшилишидан пайдо бўлади. Москва архитектурасида буюк рус халқининг миллий руҳи, Кавказда арман, грузин, озарбайжон халқлари яратган меъморчиликдаги ўзига хос тажрибаси — булар бир-бирини инкор этмайди-ку! Аксинча, бир-бирига қўшилиб, бир-бирини бойитиб, бутуниттифоқ еки умумжаҳон аҳамиятига эга бўлади.

Э, бу ҳаммаси маълум гаплар!

— Бўлмаса сиз нега ундай дедингиз? Ё Аброрнинг китобини ўқимаганмисиз?

— Ҳа, ўқиганмиз, билдимиз.

— Ўқиган бўлсангиз бир эсланг. Аброр шу китобни ёзмадан деб бутун мамлакатни кезиб чиқди-я. Бу ёғи Қозоғистон, Ўзбекистон, бу ёғи Украина, Ставрополь ўлкаси, бу ёғи Тожикистон, Қирғизистон, у ёғи Кавказ, Қрим — қаердаки суғориладиган ерлар бўлса, Аброр шуларнинг ҳаммасида ландшафт архитектурасини ривожлантиришга интилиб ўша китобни ёзди. Кейин шу асосда диссертация ёқлади. Бунинг нимаси мақдудлик? Аксинча, Москва олимлари Аброрнинг китобини «Бутуниттифоқ аҳамиятига эга», деб матбуотда мақтаб чиқишди-ку.

— Ҳа, энди эрингизнинг китоби дуруст. Лекин мана бу Тошкентдаги аригу каналларни қайта қурайлик десак, мудом торлик қилади. Ахир ҳозир биз илмий-техника даврида яшайпмиз. Илгариги жуда кўп анъаналар энди иш бермай қўйди. Ҳаммаёқ машина-механизм. Урбанизациянинг суръати зўр. Унинг оғирлигини энди фақат темир-бетон конструкцияларигина кўтариши мумкин. Шунинг учун ҳамма аригу каналларни бетонлаштирмасак бўлмайди.

— Лекин одамнинг ўзи темирдан эмас-да, Шерзод. Қаерда дам оламиз? Бизнинг иссиқ иқлимимизда соя-салқин сув бўйлари инсон учун жуда керак.

— Вазира, сиз нуқул эрингизнинг гапини маъқул-лаяписиз.

— Эрим ҳақ бўлса-чи?

— Агар Аброр шу гапларни бундан эдик йил олдин айтганда мен ҳам қўшилар эдим. Чунки у пайтда водопровод жуда кам эди. Одамлар ариқдан сув ичар эди. Ариқ-қовузаларни тоза тутиш — овқат ейдиган идишни тоза тутишдай зарур эди. Ариқ-қовузаларни ҳар йили тозалаб туришарди. Уларни булғаш — ейдиган овқатни булғашдай ёмон бир увол, гуноҳ ҳисобланарди.

— Бу яхши анъана эмасмиди?

— Бу яхши одат эди, лекин ҳозир унинг зарурати қолмади. Ҳамма жойда водопровод бор. Одамлар энди ариқдан сув ичмайди. Уларни тозалаб, тузатиб юришга вақт, ҳафсала йўқ, одам етишмайди.

— Ундай бўлса ариқлардан воз кечиш керакми? Суғориш нима бўлади? Ҳаммаёқ қуриб кетмайдими?

— Сугориш учун бетон лотоклар жуда қулай. Сув ерга сингиб кетмайди. Машина ўтса ариқнинг қиргоғи ўпирилиб бузилиб тушмайди. Лотокларни тозалаш ҳам осон.

— Мен бу бетон лотокларни Мирзачўлда кўрдим. У ёқларда бу нарса чиндан ҳам жуда керак. Сув уриб кетмайди, деҳқоннинг меҳнатини осонлаштиради. Шунинг учун деҳқонлар бетон лотокларни қидириб юришади. У ёқларда бу нарса талаш. Лекин Тошкентнинг янги қурилган уйлари олдига шунча кераксиз бетон лотоклар ўрнатиб кетишадик, одам ачинади. Ахир бетон — қиммат нарса-ку. Метро қурилишига бетон стишмайди. Бу ерда бекорга чанг босиб ётипти. Чунки ҳали кўпчилик маҳалла ариқлари тузатилган эмас, ҳовлилардаги бетон лотокларга сув келмайди. Чангга, қоғозга, хавонга тўлиб ётади. Ёзда исиб, печкага айланиб кетади... Биз ҳовлимиздаги бир дунё бетон лотокни кўчириб олиб, бошқа керакли жойларга бердик.

— Ўрнини нима қилдиларинг?

— Чим босиб, яхши ариқлар қилдик. Машина юрмайдиган жойда тирик қиргоқларни сақлаб қолган маъқул-да. Ҳовлидан шунақа ариқ ўтса ҳавони тозалаб, салқин қилиб туради. Абзор бунақа тирик ариқларни одамнинг табиатга отган илдизлари деб атайди.

— Эсимда бор, эрингиз ариқларни худди Леонид Леонов улуғлаган рус ўрмонларига ўхшатиб мақтайди,— деб кулди Шерзод.

Вазира ҳам бу кулгига қўшилар экан:

— Ариқларни ўрмонларга қиёс қилиш кулгили эшитилиши мумкин,— деди.— Лекин битта нуқтада ўхшашлик ҳам бор. Леоновнинг романида лоқайд одамлар ўрмондаги минг-минглаб дарахтларни ўринсиз қирқиб, бу ишни техника тараққиёти билан оқламоқчи бўладилар. Бизда ҳам ариқларнинг қанча-қанча тирик қиргоқларини ўринсиз бузиб, буни ҳам техника тараққиёти билан оқламоқчи бўлаётган одамлар бор.

— Ишонинг, Вазира, мен ҳам табиатни яхши кўраман. Лекин гап Тошкентдай катта шаҳар ҳақида борапти. Икки миллион аҳоли, шунга яраша техника, асфальт, пўлат, шиша! Ахир мсьмор ҳам реалист

бўлиши керак-ку. Бунақа катта шаҳарда табиат манзаралари нима қилсин?

— Ишонсангиз, мен ҳам Аброр билан шу тўғрида баҳслашган пайтларим бўлади. Лекин унинг далиллари кўп.

— Қани билайлик-чи, қанақа далиллар экан? — деб Шерзод бу далилларни чилпарчин қилгиси келиб сўради.

— Аброрнинг энг катта далили — сув! Каналларда, ариқларда оқастганидан ташқари шаҳарнинг тағида ҳам сув кўп экан-ку.

— Э, бу икки карра икки — тўрт дегандай гап!

— Йўқ, сиз нарсини эшитинг. Бу сувлар шаҳарга тирик табиат бўлиб тарқалишини уйланг. Марказий майдондаги улкан шаршара, фонтанни эслайсиз-а? Биз ўзимиз унча қадрига етмас эканмиз. Бултур саратон иссиғида Волтиқ бўйдан келган меҳмонларни олиб юриш менга топширилди. Қандайдир семинар кенгаш бўлаётувди. Тошкент меҳмонхонасида туришди. Иссиқ қирқдан ошиб кетди. Салқинлайдиган жой қидириб, ўша шаршара — фонтаннинг олдига бордик. Ригада, Вильнюсда ўсган меҳморлар, Анча-мунчага қойил бўлиши қийин. Лекин шаршара — фонтанамизга маҳлиё бўлиб қолишди. Ўзи ҳам тоғдан отилаётган дарёдай гувиллайди. Атрофи салқин. Пастда ҳовузи бор, шунинг устидан мрамар йўлка ўтган. Меҳмонлар бу йўлкадан ўтаётиб, шаршара фонтанга «Ниagara» деб от қўйишди. Кейин мажлислардан бўшаган пайтларида: «Юринглар, Ниagarанинг соясига борамиз!» дейдиган бўлишди.

— Сояси? Сувнинг ҳам сояси бўладими?

— Қизиғи шунда-да, Шерзод. Агар тушдан кейин шаршаранинг пастдаги мрамар йўлкадан ўтсангиз, олти метр баландликдан отилаётган улкан шалоланинг сояси устингизга тушади. Нурдай лип-лип қилиб турадиган сувнинг соясида камалаклар кўришиб кетади. Сув зарралари одам билан ўйнашиб, кулмайин десангиз ҳам кулдиради. Ҳар қандай қовоғи солиқ одам ҳам ёзнинг иссиғида камалаклари товланиб турган шаршара тағидан, сув зарралари орасидан бир юриб ўтса, ўздан-ўзи жилмайишга тушади. Кексалар ёшариб кетгандай бўлади. Мана шу Ниagara — фонтанамиз табиатнинг Тошкент марказидаги гўзал бир манзараси эмасми?

— Бу фонтан — техника тараққиётининг нима-ларга қодирлигини исбот этади, Вазира. Чунки уни янги техника билан қуролланган инсон қурган, мана, биз қурганмиз!

— Сиз фонтанни эмас, унинг тагидаги кондиционерларни лойиҳалаштиргансиз шекилли, Шерзод?

Улар иккови бир лаҳза жим қолиб, бу фонтаннинг қурилиш тарихини эслаб кетишди.

Зилзила йили эди, ишлар шошилинч. Бир гуруҳ инженерлар ва меъморлар Шерзод Баҳромов бошчилигида Тошкентнинг марказий майдонидаги олти қаватли маъмурий бинонинг олдига ҳавони тозалаб берадиган улкан кондиционерларни жойлаштириш бўйича лойиҳа чизмоқда эдилар. Уларнинг орасида Аброр ҳам бор эди. Маъмурий бино жуда катта, ундаги барча хоналарни саратон жазирамасида ҳам йигирма даражадан оширмай салқин тутиш учун гоят зўр кондиционерлар ўрнатилиши керак эди. Кондиционерлар эса фақат сув ёрдамидагина ҳавони тозалаб, салқини ва намлигини меъёрига етказиб бера оларди. Демак, катта кондиционерларга ўшанчалик катта оқар сув керак. Аввал бундай сувни Бўзсувдан олишмоқчи бўлишди. Кейин зилзиладан бузилган эски бинонинг тагидан жуда катта ер ости суви топилди. Орадаги масофа унча узоқ эмас эди, ўша ер ости сувини қувур билан Ленин майдонига олиб келадиган бўлишди.

Эндиги вазифа — сув келиб қуйиладиган ҳавзани ва кондиционерларни ер рельефига мослаштириб ўрнатиш ва меъморчилик санъатининг талабига жавоб берадиган қилиб қуриш эди. Меъморларнинг бошини қотираётган нарса — ернинг пасту баландлиги эди. Илгариги Самарқанд кўчаси пастдан ўтади. Майдон эса баландликда. Орада тупроғи тўкилиб турган қиялик бор. Энг осон йўли — бу қияликка чим босиб, уни кўкалам қилиш, арчалар ва плафони чиройли ёритқичлар ўрнатиш эди. Шерзод Баҳромов худди шуни таклиф қилмоқда эди. У чизган илк режага биноан кўкаламзор қияликнинг пастига — йўл бўйига катта мрамар ҳовуз қурилиши керак эди. Қувурдан келадиган ер ости суви фақат кондиционерларга хизмат қилиши, сўнг мрамар ҳовуз орқали жимгина оқиб чиқиб кетиши керак эди.

Бу режага Аброр қўшилмади. Чунки яхшилиб кўкаламзорлаштирилган, чиройли плафонлар ўрнатилган, арчалар экилган гўзал қиялик — анҳор бўйидаги нариги олти қаватли маъмурий бинонинг олдида бор эди. Такрор бор жойда санъат йўқолади.

Ер остидан топилган зилолдай тиниқ сув Аброрнинг кўз олдидан кетмас эди. Наҳотки ундан дурустроқ фойдаланиб бўлмаса? Кечаси қўш қараётда Вазира билан ёнма-ён ётган Аброр алламаҳалгача шуни ўйлаб, гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилар эди. Бу билан Вазиранинг ҳам уйқусини бузди. «Тагин нима бўлди сизга?» — деб Вазира уйқу аралаш эрини жеркиб бергани эсида. Аброр эса ўзича гудраниб: «Табиат яратиб қўйибди-ку!» — деди-да, ўрнидан туриб кетди.

Ер тубидан чиққан сувни табиат ўзи яратиб қўйган баландликдан пастга шаршара қилиб отилтириш фикри Аброрнинг хаёлига ўша уйқусиз тунда биринчи марта келган эди. Вазира эрталаб турса, Аброр чизмакашлик столи ёнида ўтирибди. Бўлажак фонтаннинг хомаки тасвири ўша кеча илк бор қоғоз юзига тушган эди. Аброрнинг шаршара-фонтан ҳақидаги таклифига Шерзод қаттиқ эътироз билдирди: «Масалани мураккаблаштирмайлик, вақт зиқ, қияликка чим босиб, кўкаламлаштираверайлик», деди. Лекин иқлими иссиқ Тошкентда сувдан ва ернинг пасту баландлигидан санъаткорона фойдаланишга интилувчилар ахийри ғолиб чиқди. Аброрнинг хомаки фикрини бошқа ҳамкасблари давом эттириб, тўлдиришди. Илк режага талай ўзгаришлар киритилди. Майдон жуда улкан бўлгани учун шаршара-фонтан ҳам шунга яраша улкан қилиб қурилди.

Вазира Шерзоднинг аввал шаршара-фонтанга қарши турганини, энди эса «биз қурганмиз!» деб кўкрак кераётганини очиқ айтишдан андиша қилди. Шерзод бу андишани унинг маънодор сукутидан сезди-ю, Вазирага ён берганга ўхшаб деди:

— Ўшакда Аброр табиатни техникага қарши қўймагани учун шу яхши счимни топди. Ахир ўйланг: катта кондиционерлар бўлмаса, бунақа катта сувга эҳтиёж ҳам бўлмас эди. Майдонга бунақа сув келтирилмаса ўша Ниагара фонтан ҳам бўлмас эди. Айтмоқчиманки, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ.

Вазира энди Шерзодни мурасага келтиргандай енгил тортди:

— Шунн билсангиз, нега ҳадеб Аброр икковингиз олишаверасизлар? Худди иккита қўчқорга ўхшаб, дуч келган жойда бир-бирларингизга шохларингизни тугрилаб, сузашасизлар!..

— Энди бунинг сабабини эрингиздан сўранг! — деб Шерзод бошини креслонинг суянчигига қўйди-ю, шифтга тикилди.

У Вазира билан бошқа мавзуда гаплашишни истарди. Орага ҳадеб Аброр тушавериб, унинг гашига тегмоқда эди. Бир вақтлар муҳаббатда голиб чиққан Аброрни Вазира ижодда ҳам ундан устун қўймоқчи бўластгани унга тикан бўлиб қадалапти. Самолётнинг нохуш шовқини ҳам унга энди қайтадан эшитила бошлади. Ҳтирган креслосининг тутқичлари шовқиннинг зўридан титраб борарди.

Салон бирдан қоронгилацди, самолётнинг титраши кучайди. Улар булутлар қатламини ериб ўтмоқда эдилар. Самолёт яна бир силкинганда тепада турган қора гилофнинг учи пастга осилиб қолди. Вазира пўлат қанотларга урилиб ўтаётган пага-пага булутларга иллюминатор орқали сергакланиб қараб турарди. Гилоф пастга тушиб кетадиган бўлганда Шерзод тез қаддини тиклаб, уни юқорига маҳкамлаб жойлади. Сўнг Вазирага юзланди:

— Агар сир бўлмаса, бу қанақа лойиҳа?

— Сиз учун сир эмас. Лекин аввал ўзингиз бир нарсани айтинг.

— Марҳамат, нимани?

— Менинг шу рейс билан кетаётганимни кимдан эшитдингиз?

— Кеча тушдан кейин бошқармаларингизга борган эдим. Сиз йўқ экансиз.

— Йўл тайёрлигини кўргани кетувдим-да.

— Менга ҳам шундай дейишди.

— Нима иш билан кетаётганимни айтишмадим?

Самолёт боягидай титраб силкиниб бораётган бўлса ҳам, суҳбат Шерзодни қайтадан нафосат оламга олиб кираётгандай туюлди. Бу оламда фақат Вазира икковлари қолгандек, бошқа ҳамма нарса унинг эътиборидан узоқлаша бошлади.

— Йўқ, айтишмади,— деб Шерзод шўх жилмайди: — Лекин ўзини тахминан сезиб турибман. Тошкент метросининг интерьерлари сизларда-ку.

— Ҳа, экстерьерлари ҳам бизга топширилган. Лекин бу биз учун янги соҳа. Тажрибамиз оз. Москвага бориб маслаҳат сўраймиз. У ерда катта мутахассислар кўп.

Шерзод Вазиранинг ҳозир қайси мураккаб масала билан кетаётганини аниқроқ билгиси келарди. Лекин самолётда кўпчиликнинг орасида ўтирганлари учунми, Вазира умумий гапдан нарига ўтмади.

— Ҳали келажакда метрочиллрнинг бизга ҳам ишлари тушса керак,— деди Шерзод.

— Қайси маънода?

— Метронинг туннелини Бўзсувнинг остидан қандай ўтказиш муаммоси бор-ку.

— Ҳа, бизни ўйлантириб юрган мураккаб ишлардан бири шу.

— Бўзсув бизга қарайди. Ҳамкорлик қиламиз десаларингиз, доим тайёрмиз, Вазираҳон.

— Жуда соз!

— Москва метросини лойиҳалашга қатнашган бир танишим ҳам бор. Павел Данилович Катинов деган. Балки биларсиз?

— Қайси Катинов? Метронинг туннелини Москва-Реканинг тагидан ўтказишда танилган одамми?

— Худди ўзи! Менга бу тўғрида гапириб ҳам берувди. Биз у билан Парижга бирга сафар қилган эдик-да. Бир хонада ётиб, эртаю кеч бирга юриб, қадрдон бўлиб қолганмиз. Телефонларини берган. Агар сизга шунақа мутахассиснинг маслаҳати керак бўлса, марҳамат...

— Бўпти, керак бўлса айтаман. Парижга яқинда борганмидиларингиз?

— Бултур ёзда.

Вазира завқли товуш билан:

— Париж деганларича бор-а? — деди.

Унинг ҳам Парижда бўлганини гап оҳангидан сезган Шерзод:

— Сиз қачон боргансиз? — деб сўради.

— Тўрт йил бўлди. Пароходда Европани айланган эдик.

— Елисей далалари эсингиздами? Сена буйлари...

— Ҳа, Сена билан Лувр дарёларининг устига қурилган кўприкларни қаранг! — деди Вазира.— Қасрлар, бульварлар...

У хаёлига ёпирилиб келган Париж хотираларидан кўзлари ёниб, Шерзодга жуда чиройли кўринди. Шерзод суҳбатнинг тафтини яна бир даража юқорига кўтаргиси келиб:

— Япония ундан ҳам галатироқ, борганингиз йўқми? — деди.

— Йўқ. Нимайди?

— Тошкент марказини етмишинчи йилда Япониядаги жаҳон виставкасида жуда яхши кўрсатишган эди-да.

— Ҳа, ўзим боролмаганману, лекин макети учун материаллар тайёрлаганман. Санкт-Петербурглик макетчилар пластирол деган чиройли нарсадан ишлаган эди. Мен ўша йили Санкт-Петербургда ҳам мана бугунгидай командировкаларга борган эдим.

— Лекин меҳнатларингиз бекор кетмаган экан. Японияда Тошкентнинг макети совет павильонининг катта бир залини эгаллайти. Халойиқ кети узилмай кириб турибди. «Тошкент» меҳмонхонаси, Навоий театри, Марказий майдон, йигирма қаватли бино — ҳаммаси худди кафтда тургандек аниқ кўринади. Ҳаммаси жуда усталик билан ичидан, тагидан, ёнидан ёритилган. Ўзбекистонни эслатадиган чиройли бир музика эшитилади. Ватанингизни узоқ жойда шунақа эъзозлашганини кўрсангиз кўнглингиз кўтарилиб, галати бўлиб кетар экансиз, Вазира. Этларим жимирлаб, кўзаларимга ёш келди-да, ишонасизми?

— Ишонаман, — деди Вазира, — Тошкент марказининг жаҳон виставкасида кўрсатилишини эшитиб, мен ҳам шунақа қувонганман.

— Зилзила нималигини бошқалар билмаса ҳам, японлар билишади. Осакодаги Тошкент макети шуни ҳисобга олиб ишланган экан-да.

— Мен зилзиладан бузилган уйларнинг фотоларини Москвага элтиб берган эдим.

— Ҳаммаси Осакода турибди. Ёрилиб кетган деворларнинг суратлари бир-икки минут давомида кўриниб туради-да, кейин макет секин ағдарилади-ю,

янги Тошкент пайдо бўлади. Уша кичик кўчалару пачоқ уйчаларнинг ўрнида ҳозирги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, келажакда қуриладиган Навоий кутубхонаси, янги парклар, хиёбонлар кўринади.

— Зилзила бўлмаса ҳам Тошкент ўзи барибир қайта қурилиши керак эди-да,— деди Вазира.

Шерзод унинг кўнглидаги гапни топишга интилиб, деди:

— Зилзила оқибатларига қарши кураш шу ишни тезлаштириб юборди-да. Тўғрими?

Вазира кулимсираб:

— Тушундим,— деди. У Шерзоднинг минбарда нутқ сўзлаётганга ўхшаб гапирганига ишора қилмоқда эди. «Буни ҳаммамиз биламиз, сен ўз ақлинг билан ўйлаб топган янги далилнинг бўлса айт», деяётганга ўхшарди. Шерзод Вазиранинг айтилмаган бу сўзларини кулимсирашидан пайқади-да, давом этди:

— Тошкент маркази — йигирманчи аср талабларига жавоб берадиган қилиб қуриляпти.

Шерзоднинг назарида, Вазира Тошкент баҳонаси билан унинг савиясини ва мустақил фикрлаш даражасини синаб кўраётганга ўхшарди. Шерзод бу сивовдан яхши ўтишга астойдил қаракат қилаётганини Вазира эди сезди-ю, кулди:

— Тушундим, бошқа саволлар йўқ,— деди.

Гапнинг ҳазилга бурилганидан Шерзод ҳам снгил тортиб кулди:

— Балки қўшимча савол берарсиз?

— Демак, «беш» олгингиз бор. Майли, битта қўшимча савол. Японияда аёллар жуда гўзал бўлармиш. Борганлар ҳаммаси мақтаб келишади. Сизнингча қандай?

— Гўзалликка гўзал. Дунёга жуда донғилари кетгани бежиз эмас. Лекин шахсан мен учун бизнинг Тошкент қизлари улардан ҳам гўзалроқ!

Вазира бу мақтовнинг ўзига қаратилганини сезди-да, юзига шафақ қизили тушгандай бўлди. Шу топда у бирдан ўн етти ёш яшаргандай ва Шерзод ошиқ бўлиб юргандаги кўҳлик қизга айлангандай кўринди. Сўзларни ҳам худди студентлик пайтидагидай шўх талаффуз қилиб:

— Бўпти, баҳойингиз беш! — деди.

Шу билан ҳазил-мутойибага йўл очилди-ю, вақт янада хушчақчақ ўта бошлади.

Самолёт ўнг қанотини баланд кўтариб чапга бурилди. Иллюминатордан тушган офтоб нури Вазиранинг юзини, баланд кўкракларини силаб ўтди.

— Ис, бу ёқларда ҳаво очиқ эканми? — деб Вазира пастга қаради.

— Ҳа, ана, ўрмонлар қорайиб кўриняпти!

Бу ҳам Шерзоднинг кайфиятини янада чоғ қилди.

Бир пайт салоннинг эшиги устида русча ва инглизча езилган «Чекилмасин, камарлар боғлансин!» деган нурли ёзув пайдо бўлди. Шерзод соатига қаради-да, мамнун бўлиб:

— Дарров етиб келибмиз-а! — деди.

Одатда, у Москвагача бўлган масофани — тўрт-беш соатлик йўлни жуда зеркиб ўтказарди. Бугун Вазиранинг ёнида вақт қандай ўтганини сезмай қолибди. «Дилкаш аёл-да!» — деди у ичида.

Кул ранг брезент камарнинг икки учи креслонинг икки томонидан пастга осилиб турарди. Вазира камарнинг тўқалик учини Шерзод ўтирган томондан олаётганда қўли бехосдан унинг қўлига тегиб кетди. Шерзод буни алланечук ёқтириб:

— Камарингизни боғлаб қўяйми? — деди.

— Йўқ, раҳмат, ўзим.

Вазиранинг қулоғи битиб, кўзи хиёл тингандай бўлди. Самолёт пастлаётганда у ўзини нохуш сезарди. Шунинг учун креслога яхшироқ ўрнашиб, бошини унинг суянчигига қўйди. Сўнг қимирламай ўтиришга тиришди.

Шерзод эса Вазира томонга энгашиб, иллюминатордан ерни томоша қилди:

— Бу ёқларда ҳали баҳор. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Одамга салқини ёқади-да, Вазира. Қайси меҳмонхонага тушмоқчисиз?

— «Россия»га.

Шерзод қувониб кетди:

— Бизга ҳам «Россия»дан ўрин олиб қўйишган. Телефонда айтишди. Учовимиз битта таксида бора қоламиз.

Вазира алланарсадан тортингандай бўлиб:

— Қани, аввал ерга тушайлик-чи, — деди.

Шерзодга унинг торганиши ҳам ёқимли туюларди. Бир меҳмонхонада турганларидан кейин, номерлари алоҳида бўлса ҳам овқатга бирга боришлари мумкин... Кафе, балки ресторан... Шерзодни олдинда ширин дамлар кутаётгандай кайфи янада чоғ бўлди. У бўлажак шодликларининг чўққисидан пастга қараб, узоқларда гўё гивирлаб юрган Аброрни хаёл кўзи билан кўрди-ю, ич-ичидан кулиб қўйди.

УЧИНЧИ БОБ

Чизмакашлик столи устидан гўё Бўзсув оқиб ўтмоқда эди. Ёмғир пайтларида лойқаланса ҳам кўпинча кўкимтир бўзликлардай тиниқ оқадиган бу гўзал сув ўз номига жуда муносиб эди. Болалик пайтларидан Бўзсувда чўмилиб ўсган Аброр унинг Анҳор деган иккинчи номи кейин пайдо бўлганини биларди. Расмий ҳужжатларда ҳозир ҳам Бўзсувнинг Тошкент марказидан ўтган қисми — Урдадан то Бешёғочгача Анҳор деб аталади. Аслида бу ҳам Бўзсувнинг ўзи эди. Шунинг учун чизмакашлик столини энлаб ётган рангли тасвирда бу катта сув бошдан охиригача «Бўзсув анҳори» деб аталган эди.

Стул атрофига Аброр бошлиқ бўлган меҳморлик устaxonасининг ўнга яқин ходимлари йиғилган. Оқ қоғозда кўм-кўк қилиб тасвирланган Бўзсув ўз йўлида учраган тепаликларни худди табиий дарёдай айланиб ўтгани Фарҳод деган ингичка, новча йиғитнинг эътиборини тортди:

— Аброр Аъзамович, Бўзсув аслида табиий дарёми ё каналми?

Аброр унга синовчан назар билан тикилди:

— Бу тасвирдан нималигини билиб бўлмайдими?

— Бунга қараб турсангиз худди дарёга ўхшайди.

— Аслида Бўзсув — худди табиий дарёга ўхшатиб қазилган анҳор. Чунки минг йил олдинги одамларда бугунгидақа техника бўлмаган.

— Минг йил? — деб Фарҳод ишонқирамай сўради. — Шу ўзимизнинг Бўзсув мингга кирганми, Аброр Аъзамович.

— Мен тарихий манбаларда ўқидим. Бўзсув бундан бир минг уч юз йиллар аввал қурила бошлаган экан. Тошкент-ку, икки минг ёшга кирди. Лекин

шаҳарнинг энг аввалги марказлари Жўн, Салор каналларининг бўйида Шоштепа, Мингўрик деган жойларда бўлган экан. Мингўрикни араб босқинчилари бузиб, ёндириб ташлаганларидан кейин шаҳар маркази Бўзсувнинг ўнг томониغا, ҳозирги Хадра, Кўкалдош мадрасасининг ўрнига, Жангтоҳ томонларга кўчган экан. Қадимги Тошкент мана шу жойларда бўлган экан. Абурайҳон Беруний бундан минг йил олдин мана шу шаҳарни бугунги номи билан «Тошкент» деб атайди. Бўзсув бўлмаса сувсиз адирларда шундай улкан шаҳар пайдо бўлармиди?

Чакка сочлари тушиб, тепакал бўлиб қолган қирқ беш ёшлардаги киши Аброрга эътироз қилди:

— Қадимийликка келганда, Бўзсувдан ҳам Кайковуснинг ёши катта, Кайковус подшо қачон ўтган, биласизми?

— Карим ака, мана бу планга яна бир қаранг,— деди Аброр.— Кайковус ҳам, Қорасув ҳам Бўзсувдан ажралиб чиққан. Агар Бўзсув бўлмаса Кайковусга сув чиқариб бўлмас эди.

— Тўғри, Бўзсув ҳў юқорида Чирчиқ дарёсидан бошланади,— деб Фарҳод Аброрнинг ёнини олди.— Лекин мени бир нарса ҳайрон қолдирди, Аброр ака. Минг йиллардан бери оқиб турган шундай катта сув тагини ўйиб жар қилиб юбормагани галати. Ҳозир қирғоғига бориб, ҳўлингни шундай чўзсанг, кафтингга сув оласан. Одамга яқинлигини айтмоқчиман. Худди қўлга ўргатилган кийиндек.

— Ҳолбуки,— деб Аброр Фарҳоднинг гапини қувватлаб кетди,— Бўзсув ҳам сवвойи тоғ дарёларидан бошланади. Тошдан тошга сапчиб оқадиган Угамни кўрганмисизлар? Тошни ўйиб, ўнгир қилиб юборган Кўксувни биласизларми? Ана шу асов дарёлар Тошкентга келганда Бўзсувга айланиб, шаҳар марказидан ёвошгина оқиб ўтиши одамни ҳайратга солмайдими?

Аброр бу сўзлар билан Бўзсувни қурган бобокалонларнинг ижодига таҳсин айтмоқчи эди. Чунки Бўзсувни ҳаддан ташқари дам қилиб, секин оқизсалар, тагига лойқа чўкавериб, ўзани асрлар давомида бекилиб кетиши мумкин эди. Йўқ, агар уни мейридан ортиқ нишаб қилиб ҳурсалар, сув тез оқиши натижасида таги ва қирғоқлари ўпирилиб, шаҳар марказидаги қисмлари ҳам жар бўлиб кетиши мум-

кин эди. Лекин Бўзсувни қурган қадимги тошкентликлар ер билан сувнинг табиатини ниҳоятда доноларча ҳисобга олишган ва энг яхши бир меъёрни топиб, шундай катта сувни ҳозирги изидан санъаткорларча олиб ўтган эдилар.

— Чиндан ҳам санъат асаридек қурилган.

— Лекин аждодларимиз бу асарни табиат билан ҳамкорликда яратган,— қўшимча қилди Аброр.— Табиатнинг раъйига қарашган, у билан иложи борича иноқ бўлишга интилишган.

— «Табиатга қарши курашаман», деб қош қўймоқчи бўлиб, кўз чиқарганлар йўқ эмас,— деди Лена исмли юзида сепкили бор қиз.— Ундан кўра, табиат билан тил топишиб, иноқ бўлиб яшаган минг марта яхши.

Сўнгги гапга кўпчилик бир кулиб олди-ю, лекин Карим Маҳкамов қовоғини солди. Директорнинг яқин қариндоши бўлган бу одам ўзини бошқалардан баландроқ тутиб ўрганган эди. Ҳозир ҳам сигарета тутатар экан:

— Бўзсувни жуда идеаллаштириб юбордиларинг,— деди.— Юқори томонида, «Ғалаба» ўрмон паркиннинг юқорисида, ерни ўйиб жар қилиб юборган жойлари ҳам кўп. Бешсғочдан нарёғида ҳам машҳур Бўржар бор.

— Биз шаҳар марказини айтяпмиз, Карим ака,— деди Фарҳод.— Бўзсувнинг шаҳар марказидаги гўзаллиги наҳотки сизни қувонтирмайди?

— Сал нарсага «оҳ, воҳу!» деб, қувонаверадиган сентиментал даврдан ўтганман. Менга Бўзсувнинг шаҳар марказидан эгри-бугри бўлиб ўтиши ёқмайди.

— Сизга эгри-бугри кўринган жойларида катта дарёнинг ҳалқаланиб оқитишига ўхшаган табиий бир кўркамлик бор. Биз ландшафт меъморчилиги билан шуғулланамиз. Биз учун мана шунақа табиий рельеф керак.

— Сизга шундай табиий гўзаллик бўлиб кўринган «ҳалқалар» қанча ортиқча ерни банд қилиб етганини бир ўйланг, ўртоқ Аъзамов.

Аброр ҳам совуқ расмий оҳангга ўтди.

— Ўртоқ Маҳкамов, сизнингча, бу «ҳалқа»ларни қирқиб ташлаб, сиздай тўғри бетон ўзан қуриш керакми?

— Буни мендан яхшироқ биладиган катталар бор,— деб Карим Маҳкамов қайнағаси бўлган директорни эслатиб қўйди.

— Лекин биз ҳам ижодкорлар бўлганимиз учун янги гоёларни ўртага ташлашимиз мумкинми, йўқми?

— Мен тушунмаяпман, Аброр Аъзамович. Мана бу стол устида ётган тасвирингизнинг гоёси нима?

Аброр Ленага қаради:

— Балки сен тушунтириб берарсан? — Лена шу рангли тасвирни чизишда Аброрга ёрдам берган, иккови бу тўғрида кўп гаплашган эди.

— Карим Маҳкамович, бу тасвир орқали ўртага ташланаётган гоё шуки, Бўзсув қадимий бир маданият обидаси. Бу обидани меҳнаткаш халқ яратган. Шунинг учун биз бу халқ ижодини ҳам Самарқанд билан Бухоронинг қадимий ёдгорликларидай қадрлашимиз керак.

— Хўп, қадрланг. Ким бунга қарши?

— Қаршилар йўқ, аммо лоқайдлар бор,— деб давом этди Лена.— Тошкентга меҳмон келса-ю, тарихий жойларни кўрсатиш керак бўлса, Кўкалдош мадрасасига, бошқа маданий обидаларга бошлаб борамиз. Лекин Бўзсувни ҳам минг йиллик тарихий ёдгорлик тарзида кўрсатиш нега эсимизга келмайди? Буни халқдан чиққан истисодлар зўр санъат асарига ўхшатиб қурганини мраммарга ёзиб, қиргоғига қайкалдай ўрнатиб қўйсак бўлади-ку. Кўп тарихий обидалар музейга айланиб қолган, уларда биров яшамайди. Лекин Бўзсув ҳозир ҳам кечаю кундуз меҳнат қиляпти. Балки шунинг учун унинг тарихий обидалиги эсимиздан чиқиб кетгандир? Лекин минг йиллардан бери тинимсиз ишлаб, инсонга ҳамон хизмат қилиб келаётган бу маданий обидани биз келажак авлодларга бутунича сўтказиб беришимиз керак. Унинг қиргоқларини тузатганда худди Самарқанддаги қадимий ёдгорликларни таъмир қилгандай эҳтиёт билан аслини қайта тиклашимиз керак.

Маҳкамов Ленанинг Аброрга икхосманд шогирд эканини ва ҳозир унинг фикрларини айтаётганини сезиб турарди. Аброр гўё Карим Маҳкамовни ўзига тенг кўрмагани учун уни шу ёш қиз билан

баҳслаштириб қўйиб, бир четда қараб турганга ўхшарди. Шунинг учун Маҳкамов Ленанинг гапини писанд қилмасдан Аброрга киноя билан гапирди:

— Ўтган асрда Бўзсув бўйларида одам киролмайдиган ёввойи тўқайзорлар бўлган. Бу тўқайларда йиртқич йўлбарслар юрган. Мен буни ишончли манбаларда ўқидям. Агар Бўзсувни ўша даврдаги аслига ўхшатиб тиклайдиган бўлсаларингиз, тўқай ўстириб, бирор еқдан йўлбарс топиб келиб қўйиб юборасизлар чамаси, а?

Аброр ҳам киноя билан кулимсиради-ю:

— Тўқайлар Бўзсув бўйлари қаровсиз қолган оғир даврларда пайдо бўлгани рост,— деди.— Биз Бўзсув бўйларида меҳнаткаш халқ яшнатиб обод қилган яхши даврларнинг анъаналарини давом эттирмоқчимиз. Бўзсув Чирчиқ дарёсидан бошланади. Ўша томонларда бир вақтлар йўлбарслар юганига келсак, бу ҳодиса Бўзсувнинг обрўсини туширмайди, Карим ака. Аксинча, мана ҳозир Амур дарёси бўйларида, Уссурий ўлкасида йўлбарслар борлиги ўша жойдаги табиатнинг обрўсини оширади. Агар ўтган асрларда ҳам табиатнинг қизил китоби бўлганда эди, Бўзсувнинг юқори томонларида юрган йўлбарслар сақлаб қолинарди. Бугунги авлодлар бунинг учун раҳмат айтармиди ёки сизга ўхшаб норози бўлармиди, а Карим ака?

Ёшлар бу гапдан кулиб юборишди. Карим Маҳкамовнинг пастки жағи кескин силкинди:

— Э, унақа йиртқич дарранда учун сиз раҳмат айтавering! Менинг бунақа сафсаталар учун вақтим йўқ!..

Карим Маҳкамов дераза олдига қўйилган чизмакашлик комбайни томон асабий юриб ўтди. У тўхтаб қолган ишига киришар экан, билагига олтин соатга тикилиб қараб олди. Унинг бутун важоҳати Аброрнинг иш вақтида бошқа нарсаларга хаёлини бўлаётганидан норози эканини, агар аҳвол шундай бўлаверса уни директорга бориб айтажанини кўрсатиб турарди.

Бу одам аслида Шерзод Баҳромовнинг маслакдоши эди. Аброр унинг Шерзод билан бир маҳаллада ўсганини, болаликдан қил ўтмас ўртоқ эканини, оилавий борди-келдиси ҳам борлигини биларди. Ка-

рим Маҳкамов қайнағаси Сайфулла Раҳмонов билан Шерзод Баҳромовни бир-бирига боғлаб турадиган «кўприк» вазифасини ҳам ўтар эди. Шерзод Баҳромовнинг номзоди мукофотга қўйилганда мана шу Карим Маҳкамов уни директор қайнағаси орқали қаттиқ ҳимоя қилган, Аброрнинг номзоди ўтмасдан, Шерзоднинг номзоди ўтганда дўпписини осмонга отиб қувонган эди.

Аброр қўлидан дуруст иш келмайдиган бу одамни ўз устахонасидан бошқа бўлимга жилдирмоқчи ҳам бўлди. Лекин институт директори Сайфулла Раҳмонов бунга розилик бермади, икковини кабинетига чақириб, «майда-чуйда туйгуларга берилманглар, бир ёқадан бош чиқариб ишланглар, биз ҳаммамиз бир коллективнинг аъзоларимиз, бир аравага қўшилган отлардай юкни барабар тортишимиз керак», деб насиҳат қилди. Лекин Карим Маҳкамов аравани тортишдан кўра, унинг устига чиқиб, миниб юришга устареқ эди. Қайнағасининг директорлигидан ҳам у худди мана шу тарзда фойдаланарди. Аммо буни Раҳмоновга айтиб тушунтириб бўлмас, қариндошининг айбини айтган одам унинг ўзини айблаётгандай ёмон кўринар эди. Шунинг учун Аброр тишини тишига қўйиб, Карим Маҳкамов билан бирга ишлаб келарди. Эртаю кеч шу одам билан бир хонада ўтирар экан, Карим Маҳкамов унинг ҳар бир гапини директорга чаппа қилиб етказиши мумкинлигини, барча ижодий сирларини рақиби Шерзод Баҳромовга бориб айтишга тайёрлигини сезган сари чигал ва мураккаб туйгулардан изтироб чекарди. Унинг бу изтиробини шоғирдлари ҳам сезишар, айниқса, Фарҳод билан Лена доим унинг оғирини енгил қилишга интилишар эди. Ҳозир ҳам улар Карим Маҳкамов писанд қилмаган Бўзсув тасвирини эъзолаб деворнинг баланд жойига суратга ўхшатиб маҳкамлаб осишди.

Бўзсув энди девордан оқиб ўтаётгандай кўрина бошлади.

— Қани, энди ишга! — деди Аброр. Ҳамма ўз чизмакашлик столи олдига ўтди. Улар шаҳар марказидаги гулзор майдончанинг ободонлаштиришга оид лойиҳаларини чизмоқда эдилар. Аброр майдонча чет-

ларига ўтказиладиган дарахтларнинг ўрнини ва турини аниқлашга тушди.

У бир тахта оқ қоғоз олиб, катта кўчани қўш чизик билан белгилади-да, унинг бериги томонига эман, арғувон, чинор дарахтларини ўрнатиб кўрди. У дарахтларнинг шаклини худди ҳарфларни сзгандай осон ва тез чизар эди. Бир-икки қўл ҳаракати билан қоғоз юзида чинор еки эман белгилари таниса бўладиган шаклда кўриниб қоларди. Аброр майдончанинг кенглигини-ю, чинорларнинг баландлигини хаёлан бир-бирига таққослаб кўрди. Қандайдир номуносиблик бордек, майдонча бундай улкан дарахтларнинг шохлари соясида қолиб кетадигандек туюлди. Шундан кейин уларни ўчирди-да, яна оқ қоғоз олиб, мирзатеракларнинг расмини чизиб кўрди. Улар ҳам баланд усади, лекин шохи тиккага кетади, демак, гулзорга унча кўл соя солмайди. Балки мажнунтоллар дуруст бўлар? Аброр яна бир тахта оқ қоғоз олиб, мажнунтолларнинг расмини чизаётганда столи устидаги телефон жиринглаб қолди. Бу—пастига уч хонали рақам ёзиб қўйилган ички телефон эди. Аброр хаёлини бузган жиринглашдан энсаси қотиб, трубкани истар-истамас олди. Трубкадан салмоқли таниш овоз эшитилди:

— Алло!.. Аброр Аъзамович!

Аброр институт директорини таниб трубкани қулогига маҳкамроқ босди:

— Эшитаман, Сайфулла Раҳмонович.

— Бир минутга кира оласизми?

— Ҳозирми?

— Ҳа еки бандроқмидингиз?

Одатда, жуда муҳим ва зарур иши бўлмаса директор ўзи телефон қилмас, қабулхонадаги секретари орқали чақиртирар эди. Аброр шуни ўйлади-ю:

— Йўқ, майли, ҳозир кираман,— деди.

Хонада ишлаётганлар директорнинг номини эшитиб сергақланиб қолдилар. Ҳамманинг хаёли Бўзсувга оид гапларга кетди. Аброр эшикдан чиқаётганда Лена унга:

— Омад тилаймиз, Аброр Аъзамович! — деб қўйди.

Директорнинг кабинети бешинчи қаватда эди. Учинчи қаватда ишлайдиган Аброр мрамар зинапоядан шошилмай юқорига чиқди. Қабулхонада уч-тўрт киши навбат кутиб ўтирган экан, секретарь қиз Аброрга:

— Сиз кираверинг! — деб эшикни кўрсатди.

Сайфулла Раҳмонович тўрдаги стол ёнида ўтирган кўйича Аброрнинг саломига алик олди-да, қўли билан бўш креслога таклиф қилди. Иккинчи креслода институт бўлимларидан бирининг бошлиғи бўлган ўрта яшар кўҳликкина аёл ўтирарди. Аброр келганда директор ўша аёлга қараб:

— Ўртоқ Илҳомова, гапираверинг,— деди.

— Сайфулла Раҳмонович, мен сизнинг командировкадан қайтишингизга мунтазир эдим. Кисловодска путёвка бор экан... Билетларни ҳам олдик. Энди, илтимос қиламан, отпускамни берсангиз.... Мана, аризам.

— Аризани қолдиринг. Ўйлашиб кўрамыз.

Аброрнинг олдида шахсий иши тўғрисида гапиришдан ийманаётган кўҳлик аёл:

— Вақт оз қолган-да, Сайфулла Раҳмонович,— деди.— Илтимос... Ҳозир шуни...

Директор осойишта, паст товуш билан:

— Кейин кирасиз,— деди.

— Эртагами?

— Дам олиш кунидан кейин.

Аёл ҳаяжонланганидан қизариб кетди:

— Душанбадами? Биз сешанба кuni жўнашимиз керак, Сайфулла Раҳмонович! Билет куяди-ку, қандоқ қиламиз?

Кўҳлик аёл безовта бўлгани сари Сайфулла Раҳмонович ўзини осойишта тутар эди.

— Биз сиз билан аввал давлат топшириқларини бажаришимиз керак,— деди у босиқ товуш билан.— Душанба кuni кирасиз.

Аёлниң қандайдир топшириқни вақтида бажармаганини Аброр энди сизди. Сайфулла Раҳмонович у билан бўладиган гапни тезроқ тугатишни истар, шунинг учун унинг устига Аброрни чақирган эди. Ортиқча эътирозга ўрни қолмаганини сезган аёл:

— Хайр, майли,— деди-да, бўшашиб чиқиб кетди.

Сайфулла Раҳмонович бошини солинтириб бир лаҳза ўйланиб турди. Унинг ўсиқ гайир сочлари оппоқ оқариб кетган. Лекин ёши ҳали элликка борган эмас. Юзлари ажинсиз. Пешанасига қайрилиб тушиб турган қалин оқ сочлари тагидан қошлари қоп-қора бўлиб ажралиб кўринади.

Аброр ҳозир унинг Бўзсув ҳақида гап очишини кутиб, юраги гупиллаб ура бошлади. Сайфулла Раҳмонович ходимларини жуда қаттиқ туталиган одам. Аброр буни ҳозирги аёл билан бўлган муомаладан яна бир сезди.

— Майдончанинг лойиҳасини қачон топширасиз?
— тўсатдан сўради директор.

— Яна уч-тўрт кунлик иши қолди.

— Бизга талаблар йўқми?

Аброр Бўзсувга оид таклифларини Сайфулла Раҳмоновга бундан бир ойча олдин ёзиб берган эди. Шунинг жавобини сўрагиси келди-ю, лекин бояги аёлга қилган муомаласини эслаб иккиланди.

Унинг қандайдир андишага бораётганини сезган Сайфулла Раҳмонович:

— Айтаверинг! — деб кулимсиради. У қисиқ кўзли одам эди. Кулимсираганда кўзлари қисилиб, ёпилай-ёпилай деб қолар, шу билан юзи жуда беозор кўринарди.

Аброр энди дадилланди-ю:

— Мен бошқа бир нарсани сўрамоқчи эдим,— деди.— Ҳар бир ижодкорнинг кўнглига тугиб юрган режалари бўлади. Мен кўпдан бери Бўзсув бўйларини ўйлаб юраман.

— Ҳа, айтмоқчи,— деб Сайфулла Раҳмонович пешанасини қашиди, сўнг столининг тортмасидан Аброрнинг ўрам қилинган лойиҳасини ва уларнинг ичидаги сзувларни олди: — Бўзсув ҳақидаги фикрларингизни ўқиб чиқдим. Умуман... ёмон эмас. Бўзсувни мен ҳам яхши кўраман, Аброр Аъзамович. Бунақа ажойиб анҳор на Самарқандда бор, на бошқа катта шаҳарларимизда. Бўзсувдан тоғларнинг суви оқиб келади. Яна шу билан бирга тоғ ҳавоси ҳам Тошкентга кириб келади. Бўзсув тоғ ҳавосига йўл очиб, кетидан эргаштириб келса керак. Шунинг учун Бўзсув бўйида бирпас ўтирсангиз, қушдай снгил бўласиз.

— Гап шунда-да, Сайфулла Раҳмонович. Тошкентдай шаҳри азимда, беҳисоб машиналарнинг дуди орасида яшаган ҳар бир одам Бўзсувнинг ҳавосидан нафас олиб турмаса бўлмайди.

— Биз бунинг учун Бўзсув бўйларида дам оладиган оромгоҳларни иложи борича кўпайтирамиз. Ҳар икки қиргоқ кета-кетгунча одамлар писда юриб истироҳат қиладиган жойлар бўлади. Ҳозирча Гагарин парки-ю, олти қаватли маъмурий бинонинг этаклари ўшанақа яхши сайилгоҳга айланди. Юқорида «Ғалаба» ўрмонпаркнинг бир томони — Виставка жойлашган қиргоқ бўйлари ҳам дуруст-а?

Сайфулла Раҳмоновичнинг гап оҳангидан, «ортиқча ташвишга ўрин йўқ», деган бир маънони сезган Аббор:

— Тўғри-ю,— деди,— лекин Виставкадан то Ганчтепагача қиргоқнинг қанча жойи ҳали қаровсиз ётибди-да. Арпапоя ариғидан Бўржаргача қилинадиган ишлар ҳам кўп. Қиргоқнинг гўзал бир жойини пивзавод эгаллаб турибди. Бошқа жойида...

— Ҳаммаси ўз навбати билан ҳал бўлади, Аббор Аъзамович. Ҳали анҳорнинг тагидан метро йўл солиб ўтиши керак. Нариги томонларига янги театрнинг биноси тушадиган бўляпти. Илгариги эгар-жабдуқ фабрикасининг ўрнида Ёзувчилар уюшмаси катта қурилиш қиляпти. Қиргоқнинг ўша жойлари кейинчалик ўша биноларга мослаб обод қилинади.

— Тушунаман, Сайфулла Раҳмонович. Лекин ҳар битта объектнинг қурилиб битишини кутиш, кейин қиргоқни мослаб обод қилиш қуроқ бир услубга йўл очади. Сиз ўзингиз ҳам қуроқ услубга қарши гапирганингиз эсимда бор. Бўзсув бўйида ягона мсьморлик ансамбли барпо қилинади, деган эдингиз.

— Қуроқ услубга йўл қўймаслик ҳам бизнинг ўзимизга боғлиқ. Бекорга бу ерда ўтирибмизми? Координация қиламиз!

— Лекин ҳар сафар лойиҳаларни анҳор ландшафтига мослаб қайта кўриб чиққунча, Бўзсувнинг қиргоқларини мустақил объект тарзида обод қилиш яхши эмасми, Сайфулла Раҳмонович? Бўзсув катта бир тарихий обида, унинг қайта тик-

ланадиган жойлари кўп. Тошкентнинг икки минг йиллик тарихини кўрсатадиган чорбоғлар, шийпонлар, бошқа этнографик нарсаларнинг ҳаммасини Бўзсув бўйларига қуриб, такрори йўқ бир ансамбль яратиш мумкин.

— Энди буни айтиш осон, Аброр Аъзамович. Амалда сиз айтгандақа қилиш учун неча миллион пул, неча йил вақт керак.

Ҳеч бўлмаса Бўзсувни келгуси йил режаларига қаратиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасми?

— Мумкин. Фақат Бўзсувнинг қаерини?

— Масалан, илгари Қаймоқ бозор бўлган Ганчтепани олинг. Шаҳарнинг энг кўкракдор жойларидан бири шу. Бўзсув Ганчтепанинг ён-веридан худди дарёдай ҳалқаланиб, айланиб ўтади. Ландшафт мейморчилиги учун бу жуда қулай. Бўзсув айланиб ўтадиган жойдан Ганчтепа устига кенг кўприк қурилса... Тепалик ҳозир сувсиз тақир бўлиб чангиб етибди. Лекин насослар билан сув чиқариш ҳеч гап эмас. Бир гектардан ортиқ ер майдони бор, тупроғи жуда яхши. Гуллар ўстириб, дарахтлар экиб, ниҳоятда обод манзилга айлантириш мумкин. Тепаликнинг энг кўзга кўринарли жойига классик услубда битта бино қурилса, кешинлар билан безатилса...

— Бу тепаликда никоҳ саройи қурилсин, деган таклиф тушган эдимиз?

— Ҳа, менимча, бу бинони Тошкент музейига айлантириш ҳам мумкин. Қадимги замонлардан ҳозирги кунларгача шаҳарнинг икки минг йиллик тарихи Бўзсувга алоқадор бўлган. Бундай музей Бўзсув бўйига тушгани яхши.

— Лекин бу тўғрида бошқа фикрлар ҳам бор.

— Бу фикрлардан биринчи мени ҳам эшитганман.

— Қайсисини?

— Бўзсувнинг ҳалқаланиб оққан жойларини тўғрилаб, тасқдай тик бетон ўзан қуриш ҳақидагисини.

«Тасқдай тик» деган сўзларлаги истеҳзо Сайфулла Раҳмоновичга сўмади. У афтини буриштириб:

— Лекин сиз баъзан сал торлик қиласиз-да, — деди. Аброр директорнинг куёви Карим Маҳкамовни эслади-ю, гапига аниқлик киритмоқчи бўлди:

— Мен Шерзод Баҳромовни назарда тутган эдим. Бу ўртоқ ҳамма аригу каналларнинг ўзанини тўғрилаб, бетонлаштириб чиқиш ниятида.

— Баҳромовни орага суқманг, сиз у билан мудом чўқишиб ўрганиб қолгансиз,— деди Сайфулла Раҳмонович. «Чўқишиб» сўзи орқали Аброрнинг бояги истеҳзосини унинг ўзига қайтаргандай бўлди-да, яна мулойимлашди.— Мен ўзимнинг фикримни айтмоқчиман, Ганчтепани обод қилиб, Бўзсувнинг бу ердаги ҳалқасини сақлаб қолиш керак. Бу жиҳатдан сиз ҳақсиз. Фақат тепаликнинг кунчиқиш томонидан бошқа ўзан қазиб, сувнинг ярмини ўша ўзандан олиб ўтилса, Ганчтепа ўртада чиройли бир оролга айланиб қолади.

— Яхши фикр... Бироқ...

Сайфулла Раҳмоновичнинг ўнг томонида — қатор турган телефонларнинг енида лампочка бир неча марта ўчиб енди. Унинг телефонлари жирингламасди. Трубкани қабулхонадаги қиз олар, зарур деб ҳисоблаган пайтда махсус тугмани босар, ичкарида лампочка ёнар ва директор трубкани олар эди. Лекин ҳозир Сайфулла Раҳмонович лампочканинг енишига ҳам эътибор бермай сўзида давом этди:

— Ганчтепа устига эса биз халқлар дўстлигини улуғлайдиган бир бино қуришимиз керак. Чунки Тошкентнинг зилзила пайтида кўрсатган жасоратига атаб «Мардлик» деган монумент қўйилади. Оғир пайтда Тошкентга ердамга келган барча қардош халқларнинг бизга қилган яхшиликлари шу ҳайкал енида гранитга ўйиб, абадий ўчмайдиган қилиб ёзилади. Сизга менинг маслаҳатим, Аброр Аъзамович, ижодий режаларингизнинг гоаявий томонига кўпроқ эътибор беринг. Аъаналар ўз йўлига, аммо биз учун янги социалистик гоаялар биринчи ўринда туради.

— Тўғри, мен айтган фикрлар ҳам янги Тошкентнинг кўркини очишга қаратилган, Сайфулла Раҳмонович. Чунки янгилик яратиш учун халқимизнинг асрлар давомида орттирган яхши аъаналаридан ижодий фойдаланиш ҳам керак.

— Аъаналардан фойдаланишга ҳеч ким қарши эмас, лекин...

Телефонлар ёнидаги лампочка яна ўчиб ёна бошлади. Сайфулла Раҳмонович стол устида турган репродукторга ўхшаш оқ қутичанинг тугмасини босди-да, оғзини унга яқинлаштириб деди:

— Тамара, мен бандман, тушундингизми?

Оқ қутичадан қабулхонадаги қизнинг саросимали овози эшитилди:

— Тушундим, Сайфулла Раҳмонович, кечирасиз!

Директор яна Аброрга юзланди:

— Бундай келишайлик, Аброр Аъзамович, Сиз ижодкор одамсиз, ўйлаб юрган режаларингиз бўлиши табиий. Уйда, бўш вақтларда пишитиб юраверинг. Вақти келганда бу лойиҳаларингиз ҳам кун тартибига қўйилади. Ушанда ҳаммасини батафсил муҳокама қилиб, энг яхшилариини албатта амалга оширамиз. Ҳозир эса сиз билан бизга давлат томонидан топширилган жуда катта бир ишни қилишимиз керак.

Сайфулла Раҳмонович баланд пўлат сандиқни очиб, ундан қоғози қизғиш катта лойиҳа — плани олди. Унинг қатларини очиб, столи устига эҳтиёт билан ёзди.

— Танияпсизми? — сўради директор.

Лойиҳа — режа турли-туман, мураккаб чизиқлардан иборат бўлса ҳам, Аброр бир қарашда уни таниди. Бу Марказий майдоннинг кенгайтирилган янги лойиҳаси эди, унинг авторлари орасида Сайфулла Раҳмонов ҳам, Аброр ҳам бор эди. Бу майдонни аввалгисидан бир неча баробар катта қилиб шарқ томонини Навоий кўчасигача кенгайтириш ҳақидаги фикр анча мунозараларга сабаб бўлган эди. Чунки ҳали бу ерда элликдан ортиқ турли бинолар, Инженерлар кўчаси, Коммуналчилар майдони, Кино ходимлари уйи, паспорт столининг икки қаватли гиштин биноси, бир талай тураржойлар, идоралар бор эди. Бир йилда ҳаммасини кўчириб олиб ташлаб, ўрнига улуғвор майдон қуриш Аброрга ушалиши қийин бўлган бир орзудай туюларди.

— Лекин мана, қарор чиқди, бизнинг таклифлар ўтди! — деди Сайфулла Раҳмонович тантанали товуш билан. — Бу майдоннинг зилзиладан олдинги кўриниши эсингиздами? Энг баланд бино — уч қаватли эди. Бир қаватли пастак уйлар кўп эди. Энди бир қаранг.

Аброр лойиҳаларга қараб туриб, йиғирма қаватли маъмурий бинони кўз олдига келтирди. Кезлажакда ҳали Олий Советнинг кўп қаватли биноси қурилмоқчи.

— Хуллас,— деб давом этди директор,— илгариги энг баланд уч қаватли бино энди мана бу янги иморатларнинг ҳаммасидан паст бўлиб қолди. Майдон ҳам аввалгидан бир неча баробар катта. Унинг марказий «ўқи» ҳозир бошқа нуқтага кўчди. Фонтанлар бўлсин. Чиройли йўлкалар бўлсин. Энг нодир дарахтлар, энг чиройли ўсимликлар ўссин. Ҳар битта дарахтга ер остидан қувур билан сув олиб келамиз, емгир сувига ўхшатиб томчилатиб суғорадиган пуркагичлар ўрнатамиз. Бу ишнинг энг зўр мутахассислари сизнинг устахонангизда. Шунинг учун бу катта ишнинг амалий лойиҳасини сизга топширмоқчиман.

— Ишончингиз учун раҳмат.

— Яшанг!

— Муҳлати неча ой?

— Бошқа вақт бўлса бир йил берардик. Лекин юбилей яқин. Қурувчиларга вақт кўпроқ қолиши керак. Шунинг учун лойиҳани олти-етти ойда тугатишингиз керак.

— Олти ойда бундай катта ишни қандай тугатиб бўлади?

— Сиз ёлғиз бўлмайсиз. Инженерлар бор. Ободонлаштирувчилар бор. Ҳаммамиз бир тан — бир жон бўлиб ишлаймиз. Мана, лойиҳани олиб бориб, бўлимингизга кўрсатинг.

Сайфулла Раҳмонович аввал унга лойиҳани тутқазди-ю, кейин столининг четида турган Аброрнинг Бўзсувга оид ёзувларини ўрам қилиб берди:

— Аммо мана буни узоқроқ жойга ташлаб қўйинг, асосий ишга халақит бермасин. Аброр Аъзамович, мен сизга ишнинг энг нозик бадий қисмини топширдим. Бирон ишқаллик чиқса тортинмай келиб айтинг! Қабулхонада навбат кутиб ўтирмай тўғри кираверинг. Бўзсув лойиҳасига кейин масала пишганда қайтамиз.

Аброр ёзувларини унинг қўлидан индамай олиб чиқиб кетар экан: «Шу-да,— деб ичида гижиниб

қўйди.— Нуқул олма пишиб оғзимизга тушишини кутамиз. Узимиз жон койитиб пиширай демаймиз».

* * *

Ишдан кейин бозорга ва магазинга кирган Аброр иккита қўнғир қоғоз халтани егулик нарсаларга тўлдириб, уйига қайтди. Эшикни очган Малика дасанининг қўлидан қоғоз халталарни ола туриб:

— Вий-й, ширмой! Бодринг! Гилос! — деди қувноқ товуш билан.

Ошхона томондан Зафар чопиб чиқди:

— Қани гилос?

— Мана! — деди Малика.— Дада, мунча кеч қолдингиз?

— Магазинда одам кўп экан...

Учовлари кефир ва қаймоқ шишаларини, учбурчак қоғоз идишга солишган сутни, сосиска, пишлоқ, яна бир талай егуликларни олиб, ошхонадаги холодильник томонга ўтдилар. Зафар сабри чидамай гилосдан бир кафт олди.

— Ювиб е! — деди Малика унга.

Зафар гилосдан ювиб ер экан, данагини лабига қисиб, ахлат челагига узоқдан отиб тушириб ўйнай бошлади.

Аброр учинчи қаватга юк кўтариб чиққунча анча ҳансираб қолган эди. Стулга ўтириб, ҳоргин бир мамнулик билан болаларига қаради.

— Тинчликми, Малика?

Сут-қатиқларни холодильникка жойлаётган Малика:

— Бобом келувдилар,— деди.— Сизни анча кутиб ўтирдилар.

— Кетиб қолдиларми? Қачон?

— Ярим соатча бўлди. Чой дамлаб бердим. Бир пиёла ичдилар, холос. Қовоқлари солиқ.

— Бирон гап бўлмаганикин? Сенга айтмадиларми?

— Йўқ, нуқул уҳ тортдилар. Сизни «борсин», деб кетдилар.

Аброр хавотирланиб ўрнидан турди:

— Оббо!.. Мен бориб келай бўлмаса.

— Ужин қилмаймизни, дада? — сўради Малика.

Зафар эса овқатдан ҳам олдин томошага қизиқиб:

— Дада, машинада борсангиз мени ҳам олиб боринг, — деди.

Аброр деразадан ташқарига қаради. Қоронги тушиб қолган, ошхона шифтида чироқ ёниб турибди.

— Малика ёлғиз қоладими? — деди Аброр.

— Сен ҳам бирга юр! — деди Зафар опасига.

Малика ўтган гал бувиси билан кўришганда Ҳанифа хола: «Катта қиз бўлиб қолдинг, кўйлагингнинг этагини узунроқ қилиб кий, тиззанидан пастга тушиб турсин!» деб тайинлаган эди. Малика эса этаги уаун кўйлакни ёмон кўради, шунинг учун ҳозир ҳам юбкасини тиззасидан бир энли баланд қилиб кийиб юрибди. Ойиси — Вазира бунга рози бўлган. Лекин бувисининг олдига борса, ўша гап яна қўзғалади. Буни истамайдиган Малика:

— Мен шу ерда телевизор кўриб ўтираман, — деди.

— Ёлғиз қўрқмайсанми? — сўради Аброр.

— Қўрқсам қўшнимизнинг қизини чақираман.

Аброрнинг тили танглайига ёпишиб қолаётгандай қийинлик билан айланар эди. У жуда чанқаганини энди сизди. Чой қўяй деса, қайнагунча кутишга сабри чидамади. Холодильникдаги кефирни биттасини олиб очди. Пиёлага қуйиб ичаётганда қўлидан бензин ҳиди келди. Боя машинасига бензин олган эди, қўл ювиш ҳам эсидан чиқибди. Аброр ошхона ёнидаги ваннахонага кирди. Малика унинг кетидан:

— Дада, ужин қиламизми? — деди.

— Ҳа, лйтгандай, — Аброр иссиқ сувла қўлини совунлаб ювар экан, ваннахонада туриб, овозини кўтариброқ гапирди: — Пишлоқ еяқолайлик. Ё сосиска қайнатасанми?

— Сосиска! — хитоб қилди Зафар. Малика ҳам шуни истар эди.

Ошхона деворига ювиб осиб қўйилган оқ кастрюлькани олди-да, крандан сув очиб бир чайиб ташлади. Кейин газни ёқиб, ярим кастрюлька сувни қайнатишга қўйди.

Аброр отасининг олдига тезроқ бориши кераклигини ўйлар, лекин кечки овқатни болалари би-

лан бирга ўтириб емаса ҳам бўлмаслигини сезиб турарди.

Малика ваннахонадан беридаги омборчадан бир банка кўк нўхат олди.

— Дада, шуни очамизми?

— Ҳа, сосяска билан яхши кетади. Очқични бер... Чой қўйдингми?

— Э, эсимдан чиқибди, Ҳозир.

Малика сирланган яшил чойнакка крадан сув ола бошлади. Рўзгорнинг майда ишларидан боши қотган Аброр очқични излаб, буфетнинг катта-кичик тортмаларидан учтасини кетма-кет очиб кўрди.

— Мана-ку! — деб Малика очқични дадаси епаётган учинчи тортмадан топди.

Тақсимчаларга уч-тўрт қошиқдан кўк нўхат солинди, устига икки-учтадан сосяска қўйилди. Энди ўтириб овқат еяётганларида Аброр шошиб ўрнидан турди:

— Машина кўчада қолувди-я!

Машина ҳам шу оиланинг серташвиш бир аъзосига ўхшарди. Бултур мана шундай қоронғида Аброр бешинчи қаватдаги бир ўртоғиникига кириб, кечки овқатни еб чиққунча кўчада — дарахт тагида қолган машинанинг орқасидаги чиройли подфарникларини ва ўнгу сўлга бурилганда ёқиллазиган олдинги кичкина чироқларини кимлардир ўтирлаб олиб кетган эди. Машинанинг бу нарсалари бўлмаса кўчада юриб бўлмайди — автоинспектор ушлайди. Аброр гоҳ пиёда, гоҳ таксида шаҳарнинг турли томонига югуриб, бу нарсаларни магазиндан ҳам, устахоналардан ҳам тополмади, ахир қўлдан бир неча барабар қимматга олишга мажбур бўлди. Шундан бери юрагини олдириб, эҳтиёткор бўлиб қолган. Аброр ҳозир машинасини кўчанинг катта фонари ёруғи тагига — ўзларининг балконида яхши кўринадиган жойга қўйиб келган эди. У, қўлида вилкаси, оғзидаги овқатни чайнай-чайнай, ошхонадан балконга чиқиб, пастга қаради.

Машина тепадан пачоққина кўринди. Афтидан, тинч. Аброр ҳали машинани бу ердан бир ярим чақиримча наридаги гаражга қўйиб, уйга пиёда қайтиши керак. «Иш чивиндай қайнаб чиқади-я!» —

деди ўзича. «Аввал дадамни бориб кўришим керак. Нима бўлдийкин-а?»

Аброр овқатни болаларидан олдинроқ еб бўлди-ю, бўш турган қоғоз халтага ширмойдан тўрттасини солди. У ота-онасини кўргани қуруқ бормас эди. Холодильникни очиб, Вазира гамлаб кетган қўй гўшtidан икки килочасини ажратиб олди. Буфетдан йилтироқ целлофан халтача топиб, гўштни солди. Гилосдан ҳам олмоқчи бўлиб чамалаб кўрди. Лекин гилос ҳаммаси бўлиб ярим килогина эди. Болалар гилосга кўзалари тўрт бўлиб қараб туришибди.

— Майли, гилос сенларга қолсин, Малика, ол, ярмини юв.

Яшил чойнак қайнаб, учидан буғ вишиллаб чиқмоқда эди. Малика гилоснинг бир қисмини косага солиб ювди. Аброр ювилиб, ранги очилган қора гилосдан уч-тўрттасини олиб, тикка турганича эди.

Малика чой дамламоқда эди.

— Чойни ўзинг ича қол, қизим. Еганим ичимга тушмаяпти. Мен борай, Зафар, қани юр!

Аброр йўлакдан ўтаётганда квартира унга одатдигидан кўра бўшаб, ҳатто ҳувиллаб қолгандай туюлди. Ётоқхонанинг эшиги очиқ. Йўлакдан тушган ёруғда атлас рўжаси очилиб қолган харавот ва унинг четига наридан-бери ташлаб қўйилган гулдор ипак халат кўринди. Вазира эрталабки шошилинича тўшагини йиғиштиришга улгурмаган эди. Аброрга хотинининг ўрни гўё энди билинди, квартира Вазирасиз бўм-бўш бўлиб, мунгайиб турганга ўхшайди. У тўхтаб орқага ўгирилди:

— Малика, ойнинг телефон қилмадимми?

— Йўқ, — деди Малика ошхонадан чиқиб келиб.

Аброр биллагини кўтариб, соатига қаради. Тўққиздан ўнта ўтибди. Москвада ҳали соат олти.

— Хўп, биз кетдик!

• • •

Иш куни тугаб, шаҳар кўчалари анча бўшаб қолган. Аброр машинасининг кичик чироқларини ёқиб, радиосини қўйиб, ёп-ёруғ марказий кўчалардан кечки концертни тинглаб ўтди-да, Усмон Юсупов кўчасига

чиқди. «Ишчилар шаҳарчаси» деб аталадиган жойдан нарида ўнга бурилди. Бир-иккита асфальтланган кўчадан ўтгандан кейин ўнқир-чўнқирлар кўпайиб, тун қоронгуси қуюқлашиб кетгандай бўлди. Аброр машинасининг ҳамма чироқларини еқса ҳам ёритилмаган эски кўчанинг паст-баландини вақтида кўрмас, гилдиракларининг гоҳ униси, гоҳ буниси гурсиллаб чуқурга тушиб ўтарди.

Шифер билан ёпилган бир қаватли уйлар, лойсувоқ деворлар, ариқ бўйларидаги кекса толлар қишлоқни эслатарди. Фақат уй ва ҳовлиларнинг гуж-гуж бўлиб, жуда тизиз тургани бу ернинг эски шаҳар маҳаллаларидан эканини айтиб турарди.

Аброр машинасини қатор мирзатераклар тагида — кўк рангга бўялган икки таяқали дарвоза олдида тўхтатди. У билан Зафар машинадан тушиб, дарвозани очишлари билан йўлакда бошига оқ дока рўмол ўраган, чит кўйлак устидан қора бахмал нимча кийган бўйдор Ҳанифа хола кўринди.

— Вой, Абрормисан? Даданг бормаса хабар олай ҳам демайсан-а, болам!

Зафар бувисига салом бериб, қоғоз халтани узатди:

— Сизга!

— Бувинг айлансин сендан! — деб Ҳанифа хола неварасини қучоғига босиб, пешанасидан ўпди, совғасини қўлидан олди.

Аъзам ота «ҳовлидаги баланд чорпояда хонтахтага қўлларини қўйиб, хаёл суриб ўтирган эди. Аброрларни кўриб, қаддини тиклади-да, тиззасини кўрпачага тираб, чўккалади. Аброр етмишга бериб қолган отасини ўрнидан қўзгатмаслик учун тез бориб у билан кўришди.

Ҳовли анчагина кенг, икки томонида иккита пешайвонли, даҳлизли уй. Айвондан тушган ёруғликда олма-ўрикларнинг барглари орасига яширинган мевалари кўриниб қолади. Бўғот тагидан осма газ қувури ўтказилган. Ҳовлида водопровод колонкаси бор. Сўри қилиб том устига чиқариб юборилган тоқлар деворларни ям-яшил қилиб яшнатиб турибди.

Аброр чорпояга чиқиб, йўл-йўл кўрпачага ўтирар экан, музттар гулдай ёқимли туюладиган бир ҳид

ҳавода сузиб юрганини сизди. Ёшлиқдан таниш бу ҳид ҳар йили бир марта — ток қийғос гуллаганда пайдо бўларди. Кечаси тоқларнинг шўралари кўринмаса ҳам, ҳаммаси гуллаб етганини Аброр шу ҳиддан сизди. Ҳовли тўрида дсвор йўқ, унинг ўрнига сим тўр тутиб қўйилган. Тўрдан нарида Бўасув оқиб турибди. Ҳовли унинг қирғоғида бўлса ҳам бу ерлардан жимиб оқадиган улкан сувнинг овози эшитилмайди, фақат сарин нафаси келиб туради.

Аброр ҳовлига кирган заҳоти ток гулининг ҳиди билан мусаффо сув шабадаси нафас йўллари орқали бутун баданига тарқатганини ва ажиб енгиллик бераётганини сизди-да, бир лаҳза ҳамма нарсани унутди.

Одатдаги ҳол-аҳвол сўрашишлардан кейин Аъзам ота кампирига қараб:

— Шокирни чақир,— деди.

Ҳанифа хола нимқоронги уйда телевизор кўриб ўтирган кичик ўглини чақириб чиққунча, Аъзам ота калта оқ соқолининг учини чимчилаб сукут сақлади.

Зафар ҳар келганида ҳовлидаги мушук, товуқ ва қўйлар билан ўйнаб ёзилиб кетарди. Ҳозир у мушукни қидириб тополмади. Товуқлар қоронги тушиши билан катагига кириб, қўндоққа чиқиб кетишган.

— Мушук қани, буви?

Ҳанифа хола бу саволни эшитмадими, жавоб бермади. Зафар ҳовли четидаги бостирмага қараб ўтди. Бўрдоқига боқилаётган иккита тўқли бўйнидаги арқонларини силтаб, Зафарга томон ўгирилди. Уларнинг олдиларида емиш қолмаган эди. Бостирма четида бир боғ ўт турибди. Зафар ундан икки тутамини олиб, қўйларнинг олдига солди. Қўйлар ўт еяётганда, Зафар бўйинларини, белларини силаб, ўйнай бошлади. Тўқлиларнинг жуни яқинда олинган, устларида қайчи излари билиниб турибди.

Шокир ичкаридан чиқиб, акаси билан кўришди-да, чорпоянинг бир четига чордана қуриб ўтирди. Унинг ўсиқ қора сочи бўйнининг орқасини қоплаб олган. Нозиккина мўйлови лабларининг устини безаб турибди. Елкалари кенг, бели хипча. Эғнидаги кўйлаги ҳам модага мослаб, хипчабел қилиб тикдирилган. Аъзам ота йигирма еттига кирган бу кенжа-тойини кузда уйлантириш ниятида. Бостирмадаги

қўйларни шу тўйга атаб боқмоқда эди. Аброр тўй маслаҳатига чақиришларини кутиб юрарди.

Бироқ ҳозир Аъзам ота ҳовлига гамгин бир кўз югуртириб чиқди-да, «уҳ» тортди:

— Мулла Аброр, бу ҳовли пешанамизга сиғмайдиган куринади.

Аброр Бўзсувга жуда яқин турган бир қатор ҳовлиларнинг кўчирилиши ҳақидаги гапларни элзила пайтидан бери эшитиб юрарди.

— Яна ўша эски гапми? — деди у отасига.

— Гап бўлиб юргани ҳам ҳолва экан, ўғлим. Бугун ижрокомнинг қарорини олиб келиб ўқиб беришди.

Аброр боя Сайфулла Раҳмоновичнинг кабинетида бўлган гапларни эслаб:

— Ҳали бу ерларда қурилиш бўлмаслиги керак эдику,— деди укаси Шокирга.

Қурилишда прораб бўлиб ишлайдиган Шокир:

— Биздан нарироққа кўприк тушармиш,— деди.— Кўприкнинг юқорисидаги тепаликка аллақанақа саройми, қаср қурмоқчи эмишсизлар-ку?

— Ҳали бу аниқ эмас. Никоҳ саройи қурайлик деган таклиф тушган. Масала ўрганиляпти.

Аъзам ота ўғилларининг гапига бирпас жим қулоқ солиб ўтирди-да, Аброрга умидланиб қаради:

— Ўғлим, бирон хатолик ўтган бўлса олдини олинглар,— деди.— Бу ҳовлилар бекорга бузилмасин.

— Бу ҳовлилар барибир кетади,— деди Шокир.— Эски Қашқар маҳалласи, Турк янги шаҳар, Чемпион кўчаси... Э-ҳе, бўзсувнинг бўйида бизникига ўхшаб турган қанча ҳовлилар бор эди. Ҳаммаси кетди. Ўринларига катта-катта кўчалар, тўққиз қаватли уйлар тушди. Қайта ўша жойлар очилиб, шаҳар яхши бўлди.

— Кўприк бу ерга тушмайдиган бўлса, бизни кўчириб нима қилади? — деди Аъзам ота.

— Гап фақат кўприкда эмас,— деди Шокир.— Ундан анча берёқлардаги қиргоқларни ҳам очишмоқчи экан.

— Сенга ким айтди буни? — деди Аброр.

— Планини ўзим кўрдим.

— Тасдиқдан ўтибдими?

— Ҳа, қурувчилар тасдиқдан ўтмаган лойиҳани олишармиди?

— Ундай бўлса тамом! — деди Аброр.

— Тўхтатишнинг иложи йўқми? — сўради яна Аъзам ота.

Шокирнинг энсаси қотиб:

— Қанақасига тўхтатади, ада? — деди.— Аброр акамнинг ўзи ҳам: «Бўзсув бўйлари — бутун аҳоли дам оладиган жойлар бўлиши керак», деб кўп гапирдилар. Лойиҳалар чизадилар. Бу лойиҳаларнинг амалга ошиши учун қирғоқларда шахсий ҳовлилар бўлмаслиги керак-да.

— Шундайми? — деб Аъзам ота ўглига тикилиб сўради.

Отасининг саволида: «Наҳотки сен қилиб юрган ишлар ўзинг туғилиб ўсган шу ҳовлининг бузилишига сабаб бўлса?!» деган маъно бор эди. Аброр укаси айтган лойиҳани бошқа институтнинг одамлари чизганини отасига тушунтироқчи бўлди. Лойиҳа ташкилотлари ҳам кўп, бири қилаётган ишини бошқаларига кўпда айтавермайди, баъзи нарсалар сир тугилади. Шу сабабларга кўра, Аброр Бўзсувнинг шу қирғоғида қурилиш бўлишини ҳозир укасидан билди. Бу унга жуда оғир таъсир қилди. Лекин буни отасига айтса, гап майдалашишини сизди. Гапнинг пўскалласи шу эдики, бугун тасдиқланган лойиҳа ўтганда ҳам, Аброр чизган лойиҳа ўтганда ҳам бу уйларнинг бузилиши муқаррар эди. Аброр шуни ўйлаб, оғир тин олди:

— Менга ҳам киндик қоним томган шу ҳовли жуда азиз. Бузилишини ўйласам менинг ҳам кўнглим вайрон бўлиб кетади. Лекин куйиб-ёнишнинг фойдаси бўлса экан! Битта бизмизми? Зилзиладан кейин бутун-бутун маҳаллалар янги уйларга кўчди-ку?!

— Зилзилани баҳона қилиб бузмаган жойларинг қолмаяпти! — деди Ҳанифа хола чорпоя четига қўлини қўйиб тикка турганича.— Бу зилзила эмас, бир балойи азим бўлган экан. Етти йилдан бери ҳалигача кўч-кўчи тугамайди-я!

— Бу ҳовлилар зилзила бўлмаса ҳам кўчириллар эди, ойи,— деди Аброр мумкин қадар осойишта товуш билан.— Бундан ўн йил олдинги генпланда ҳам Бўзсув бўйлари қайтадан обод қилиш масаласи қўйилган эди.

Аъзам ота Аброр билан Вазиранинг шунақа масалаларни кўтариб чиқадиغان одамлар эканини ўйлади-ю, куйиниб гапирди:

— Қайтадан обод қиламан деб, биз ковлаган қанча ариқларни бекитдиларинг! Мен Тошкентда ўттиз йил сув суғориб ўстирган дарахтларни қирқдиларинг. «Пуф сассиқ» деб бекитган ариқларингнинг ўрнига оқизиб қўйган сувларинг қани? Янгидан обод қилган боғ-роғларинг қани?!

Аброр отасининг кўнглидаги дардини ич-ичидан яхши тушунса ҳам унинг ҳовурини босиш учун:

— Аста-секин ҳаммаси бўлади, ада,— деди.— Бу соҳадаги камчиликларни биз ўзимиз ҳам танқид қилиб юрибмиз. Катта ишлар тез бўлмас экан-да.

Аъзам ота зилзиладан олдинги Тошкентни обод қилиб танилган мироблардан эди. Унинг қўл остида янги шаҳарнинг кўчаларига сув тарайдиган йиғирмадан ортиқ одам ишларди. Оқар сув бормайдиган кўча, квартал, ҳовли йўқ эди. Умрида оқар сув кўрмаган жойларга ҳам Аъзам ота йўлини топиб, аллақисқлардан айлантириб келиб, сув чиқарган ва дарахт ўстирган эди. Баъзи мўйсафидлар, «Аъзам миробга дуо кетган, сувни тепага бошласа ҳам оқиб чиқиб кетаверади», дейишарди. Аброр ўз отасининг мироблик истеъдодига қойил бўлган пайтларида: «Бўзсувни ҳам ҳозирги изидан шундай санъаткорона олиб ўтганлар халқ орасидан чиққан отамдақа тугма мироблар бўлса керак», деган гап кўнглидан ўтарди.

Аъзам ота мироблигида Тошкент кўчаларида пиёда юришни яхши кўрарди. Ёзда икки четидан шарқираб сув оқиб турган кўчаларнинг йўлкасидан— қатор ўсган баланд дарахтларнинг қуюқ соясидан юрган сари юргиси келарди. Ҳар бир кўчанинг сувиға ва дарахтини суғориб туришга жавобгар одам бўларди. Аъзам ота йўлкалардан пиёда бораётганда биронта кўчанинг четидан ариқнинг товуши эшитилмай қолса, дарров бурилиб бориб қарарди. Кўча четидан сув оқмаётган бўлса ёки чанқаб сўлиган дарахт кўрнса, Аъзам ота дарров ўша ернинг сувчисини қидириб топарди.

Ҳар бир сувчининг иш жойи, кўчасининг чегараси аниқ. Ариқ кимнинг чегарасидан уриб кетган бўлса ёки олди бекилиб, тошиб чиққан бўлса, Аъзам ота

ўша одамдан дарҳол тузатишни талаб қилар, керакли ёрдамини берарди. Кўп ўтмай ариқдан яна сувнинг майин шилдираши эшитила бошларди-ю, Аъзам отанинг кўнгли жойига тушиб, бошқа кўчаларга ўтиб кетарди.

У Гоголь кўчасига ҳам кўп борарди. Бир вақтлар шу кўчада ишлаган ва яшаган Усмон Юсупов уни таниб қолган эди. Йўлкада дуч келиб қолса, Аъзам ота билан кўришиб, сўрашиб, Катта Фарғона каналини, Фарҳод ГЭСини бирга қурган йилларини эслаб гаплашиб қолишарди. Уша қурилишларда Аъзам ота ариқ қазиб, чўлларга сув чиқариб орденлар олган, булардан бирини Охунбобоев, бирини Усмон Юсуповнинг ўзи унинг кўкрагига тақиб қўйган эди. Аброр ландшафт мейморчилигидаги халқ анъаналарини ёқлаб олдинга сураётган гоёлар унга отасидан ўтган ва мана шу Бўзсув бўйида кечирган ҳаётига илдиз отиб ўсган эди. Энди бу илдизларни тугилиб ўсган жойидан сугуриб олиб кетиши кераклигини ўйласа вужудда огриқ қўзғаларди. Бунинг устига Аъзам ота ўглини шу кўчиришу қайта қурилишларга сабабчи бўлаётганлардан бири деб ёзгирмоқда эди.

— Бизнинг мироблик давримиз ўтди! — деди у Аброрга армон тўла кўз билан қараб. — Ҳозир ер остидан қувур қазиб, пуркагич билан дарахт сугориш одат бўляпти. Энди сувчи ҳам — жўн сувчи эмас, ислесар — сувчи бўляпти. Биз ислесар бўлолмай ўтдик. Лекин мана шу ҳовли... Ҳозир кўкариб, обод бўлиб турибди... Биз кўчгандан кейин сенлар буни ҳам қанча вақтгача чўл қилиб ташлаб қўясанлар! Ё биронта темир-бетон нарсани олиб келиб ўрнатасанлар! Мен ана шунисига куяман!

Аброр қилт этиб тупугини ютди.

— Сиз мени ўзим ёмон кўрган одамларга ўхшатманг ада. Мен мана шу Бўзсув бўйларини аввалгидан ўн баробар обод қилишга бутун вужудим билан интиляпман. Бугун ҳам шу тўғрида директориниз билан қанча тортишдим.

— Қуруқ гапдан нима фойда! — деди Шокир ерга қараб. — Биз барибир кўчишимиз керак.

— Хўп... энди... квартирани қасқдан олмоқчисизлар?

— Юнусобод томонидаги янги массивдан берилар эмиш,— деди Шокир.

Оилавий маслаҳатнинг энг нозик қисми энди бошланишини сезган Ҳанифа хола чорпоянинг бўш томонига чиқиб ўтирди.

— Тайёргина жой,— деди Аброр оёқсига қараб.— Қишда ўтин-кўмир деб ўтирилмайди. Иссиқ-совуқ суви, газни бор.

— Ёзи-чи? — деди Ҳанифа хола.— Тўртинчи-бешинчи қаватга чиқиб тушиши-чи?

— Пастроқ қаватдан сўрасак беришар,— деди Шокир. У ҳам квартира олиш тарафдори эканини Аброр энди сезди.

Аъзам ота соқолининг учини чимчилаб, бошини эгиб, жим ўтирибди.

— Мен шундай ҳовлини ташлаб, ёзда дўзахга ўхшайдиган домга бораманми? — деди Ҳанифа хола.— Тўй-маърака бўлиши бор. Бизнинг учовимизга иккита хона беришаркан. Унга нечта одам сигади? Кўрпача тўшаб ўтирадиган очиқ саҳни бўлмаса!

— Балкони бўлар,— деди Аброр.

— Э, ҳўй ўша семун балкони! Биттаси семими?

Чиқиб ўтирай десанг, кўчанинг чанги билан шовқинидан безор бўласан... Кечаси нафасинг қислиб ухлолмай чиқасан!

— Бўлмаса қаерга кўчмоқчисизлар, ада?

Аъзам ота бошини энди кўтарди:

— Ўғлим, чол-кампири икковимизнинг неча кунлик умримиз қолди, худо биледи. Шу ҳовлида яшаб ўтсаму наредгимиздаги Минор қабристонига қўйилсам, деб ният қилган эдим, бўлмайдиганга ўхшайди. Биз онанг икковимиз ердан ўсиб чиққан дарахтга ўхшаб қолганмиз, ердан узилсак кўлга бормаи хазон бўламиз... Рост, участка олиш мушкул, янгидан уй жой қуришнинг ташвиши ундан қийин... Лекин қандоқ қилайлик?

— Участка бермагунча мен бу уйдан кўчмайман!

— деди Ҳанифа хола гапни чўрт кесиб.

— Яқин атрофда участка қолгани йўқ-да,— деди Шокир.— Беришса ҳам, Қурбақаободнинг наредқларидан — автобус бормаидиган чекка жойлардан беришарди. Мен ҳар куни ишга қатнашим керак.

— Аброр билан даданг кириб яқинроқ жойдан сўрасин бўлмаса! Ахир дадаларинг қирқ йил Тошкентнинг хизматини қилди. Охунбобоевнинг ўзи дадангнинг кўкрагига орден таққанини кўрганлар тирик юрибди, сўраса айтиб беради!

— Э, гап орденда эмас! — деди Аъзам отанинг энсаси қотиб.— Ҳозир орденни пеш қилиб бўладими?

— Шаҳар чегарасида бўш ер қолмаяпти-да,— деди Аброр.— Кўп қаватли уйлар ҳам аввалгидан зичроқ қилиб қуриляпти. Участкага ер қани? Ҳозир участка бериш деярли тўхтаган.

Ҳанифа хола ўглига зарда қилиб:

— Бизга қолганда ҳаммасини тўхтатасанлар! — деди. Лекин пулга оламан деганга участка тўлиб ётипти!

Аброр ўзини тутолмай кескинроқ гапирди:

— Бўлмаса сиз ҳам тайёрини сотиб олинг!

Аъзам ота ўглига қараб:

— Бўпти, оламиз! — деди.

У бузиладиган ҳовли учун давлат ҳозир яхшигина пул тўлашини одамлардан эшитган эди. Кеча ижрокмнинг қарорини олиб келиб кўрсатган одам ҳовлида қанча дарахт ва ток борлигини, уйларга қанча ёғоч ишлатилганини, шифтларга қанча васса кетгани-ю, деворлар ичидан қанақа синчкорлик қилинганини ҳисоблаб, ўзича хом чўт қилиб кўрди-да: «Кам деганда ўн минг, бўлмаса ўн беш минг оласиз, ота»,— деб кетди. Аъзам ота ҳозир буни ўғилларига айтиб ўтирмади-ю:

— Ўзимни гаровга қўйсам ҳам участка қиламан! — деди.— Жуда бўлмаса чала ётган участкалардан сотиб оламан. Пойдеворларини қилиб, ташлаб қўйган жойлар бўлади.

— Шокир юраги безиллаб деди.

— Заҳардай қиммат! Яна уни қидир, ол, расмийлаштир, материал топ, қур... Ундан кўра, кекса одамлар, тайёр квартирада тинчгина туравермайсизларми?

— Сен ўзингнинг тинчингни ўйласанг, бор, квартира олавер! — деди Аъзам ота.— Участкани мен ўзим қиламан!

Шокир кекса отасини лойга солиб қўйиб, ўзи квартирада чўзилиб ётадиган йигитлардан эмас эди. Аъзам ота Аброрнинг ҳам ёрдам бермай туролмасли-

гини биларди. Шунинг учун ўз ниятини қаттиқ туриб амалга оширмақчи бўлар эди.

Шокир ота-онасини бу фикрдан қайтаролмаслигини сезди-да:

— Хўп,— деди.— Бу ердан икки ойда кўчадиган бўлсак... Участка бир йилсиз қурилиб тайёр бўлмайди... Тўққиз-ўн ой қаерда турамыз?

Аброр жим. Ҳанифа хола унга ер остидан бир қараб олди-да, атайлаб катта қизини ўртага солди:

— Мукамбарникига борсак бошпана берар, ўлдими!

Мукамбар тўрт боласи ва қайнағаси билан тўққиз қаватли уйнинг олтинчи қаватида туришарди. Кичик қизлари Рисолатнинг Кўкча томонда ҳовли-жойи бор, лекин у яқинда биринчи фарзанд кўрган, Ҳанифа хола ҳали бешик тўйи қилиб бергани йўқ. Шунинг учун уни тилга олмай қўя қолди.

— Мукамбар опамлар етти жон, уч хонали квартирада туради,— деди Шокир ҳайрон бўлиб.— Бунинг устига биз яна уч киши қўшилсак...

— Кўнгил кенг бўлса сигишиб кетаверамиз,— деди Аъзам ота.

Аброр истеҳзоли кулимсираб деди:

— Ойим ҳозиргина, «квартирада турмайман», деган эдилар-ку.

— Нима, участка битгунча кўчада турайми бўлмаса?! — деди Ҳанифа хола аччиғланиб.

Аброр ота-онасининг куевлариникига сизинди бўлиб боргилари йўқлигини сезиб турарди. «Абрордай ўгли турганда қизиникига келиб тиқилишибди-да!» деган маломат онлаларининг шаънига тўғри келмаслигини ҳаммалари яхши билишарди. Лекин онаси бунини очиқ айтмасдан гапни қизи орқали айлантириб олиб келатгани Аброрнинг гашига тегди.

— Айланма гапнинг нима кераги бор, ойи? — деди у.— Қўрқманг, кўчада қолмайсиз! Бизнинг уй бор. Истаган хоналарингизни бўшатиб берамиз. Қанча вақт турсаларингиз, марҳамат.

Аъзам ота ўғлидан худди шу гапни кутган эди:

— Ҳа, сен турганда куевники бизга тўғри келмайди, ўғлим,— деди енгил бир сўлиш олиб.

Шокир ақасининг қандай оғир вазифани бўйнига олаётганини сезиб турарди. Ҳанифа хола билал Ва-

зиранинг муносабатлари яхши эмас эди. Аброр шу ҳовлида уйланган, Зафарлар ҳам шу ерда туғилган, қозон-товоқ бирга бўлган йиллар давомида қайқана-келин орасида анча-мунча хафачиликлар бўлган эди. Ахийри Аброр билан Вазира алоҳида квартира олиб чиқиб кетишди-ю, хийла тинчишди. Энди агар яна бирга яшайдиган бўлишса, шундай кенг ҳовлида чиққан гиди-биди гаплар учинчи қаватнинг квартирасида баттар кўпайиши мумкин.

— Хотининг яна Маскопга кетибдими? — деди Ҳанифа хола.

У ўғлига «бечора болам» деганга ўхшаб, ачиниб кўз ташлади. Вазиракинг отини айтмай, «хотининг» дейиши билан эа болаларини ташлаб сафарларда юрган келинидан норози эканини сездирди. Онасининг мана шунақа аралашуш ва тергашларидан безиб қолган Аброр гапни қисқа қилиб:

— Ҳа, кетган,— деди.

— Қачон қайтади?

— Уч-тўрт кунда... Ада, бўлмаса гап шу! Мен эртага керакли жойларга учрайман.

— Ҳаммасини ўзинг яна бир суриштиргин, ўғлим. Кўчприши аниқмикин? Участка берармикин, йўқми?

— Бўпти, ҳаммасини сўраб билгандан кейин яна келаман. Ҳозир менга жавоб...

Аъзам ота ўғилларини дуо қилиб, қўлини юзига суртади.

— Омин, ишқилиб, омадларингни берсин! — деди Ҳанифа хола ҳам юзига фотиҳа тортиб.

Аброр сўридан тушиб, Зафарни кўзалари билан қидирди:

— Зафар, қанисан?

Зафар бостирманинг орқасидан ола мушукни қўлларида кўтариб чиқиб келди.

— Ахийри топибсан-да... Юр, кетайлик. Мушукми итми, дарров қўлини теккизади.

— Дада, мушукни олиб кетайлик!

— Йўқ! Жойига қўй!

— Нега?

— Ҳовлига ўрганган, бизникида туролмайди.

— Бўлмаса мен қолай.

— Мактабинг нима бўлади? Бу ер жуда узоқ, бориб келолмайсан.

Неварасининг кетгиси келмаётгани Ҳанифа холага еқиб тушди:

— Тилингдан бувиинг айлансин! Қола қол!

— Ҳқиши чатоқ бўлади,— деди Аброр.— Чорак якунладиган. Уч-тўрт кундан кейин каникулга чиқади. Ҳшанда келар.

Зафар дадасининг кетидан истар-истамас кўчага чиқди.

Аброр машинасини юргизаётиб, очиқ дарвозадан бир чети кўриниб турган қадрдон ҳовлига кўз ташлади-да, бехосдан уҳ тортди. Кўчиш муаммосининг бутун огири ҳозир гўё отасининг елкасидан унинг елкасига ўтган эди. Тор кўчаниннг ўнқир-чўнқирда силкиниб, машина ҳайдаб борар экан, уни гоҳ эртага кирадиган идоралари ва учрайдиган одамларининг гами босар, гоҳ квартирасидаги кабинетиними, стоқхонасиними ота-онасига қандай бўшатиб беришини ўйлаб, ташвиши ортар эди. Ҳали у еқда Шокир ҳам бор, учовлари бир хонага сиғишмаса керак. Де-мак, яна бир хонани Шокирга бўшатиб беришлари керак. Қолган икки хонага ўзлари қандай жойлашишди? Малика бўй етиб қоляпти, алоҳида етмаса бўлмас... Ҳали бу гапларга Вазира нима дейди?

Эрталаб Аброр хотинини кузатгандаги нохуш туйғулар энди гўё узоқларда қолиб кетган ва ҳозир бошига тушаётган ташвишлар қаршисида аҳамиятсиз бўлиб қолган энди. Ҳозир у Вазирага кўнглини очиб гапиргиси, у билан дардлангиси, маслаҳатлашгиси келарди.

Аброр катта кўчага чиққанда соатини ёруг тушаётган томонга тутиб қаради. Ҳн ярим. Москвада ҳали етти ярим. Вазира уйга телефон қилмоқчи эди. Ун-гача балки Аброр етиб борар?

У газни босиб, машинасини тунги кўчалардан учириб ўта бошлади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Вазира «Россия» меҳмонхонасининг ўн биринчи қаватига деразасидан Кремль кўринадиган икки кишилик хонага жойлашди. Ҳамхонаси — эллик ёшлардаги новча ва озгин латиш аёл театр жамиятидан келган экан, тушга яқин чиқиб кетди. Вазира устки

кийимларини ечиб каравотга энди чўзилган эди, бош томонига қўйилган тумбочка устидаги ҳаво ранг телефон жиринглаб қолди. Вазира ётган кўйинча қўлини чўзиб трубкани олди.

— Вазираҳон, жойлар дурустми?

Вазира Шерзоднинг овозини таниб, жойидан туриб ўтирди:

— Раҳмат, яхши.

— Администратор мақтаганича борми?

Боя администратор Вазирага ўн учинчи қаватдан ёмонроқ жой бермоқчи бўлганда Шерзод орага тушган эди. «Бизга ҳар қанақа хона ҳам бўлаверади, лекин шундай гўзал аёлни ўзига яраша хонага жойлаштирмасангиз бўлмайди!» деб, ҳазил-мутойиба билан администратор аёлни юмшатган эди. Администратор ҳозирги хонага қоғоз ёзиб бераётганда Вазирага: «Мана, деразасидан гўзал манзаралар кўринадиган энг ажойиб хонада турасиз!» деган эди. Вазира шуни эслаб:

— Мақтаганидан ортиқ! — деди. — Спасский минорасидаги соат ҳам кўриниб турибди. Соатимни шунга тўғрилаб олдим.

— Ундай бўлса, табриклайман!

Трубкадан овоз жуда яхши эшитилар, Шерзод ёнма-ён тургандай, нафас олиши ҳам сезиларди.

— Сизлар ҳам шу қаватдамисизлар? — деди Вазира.

— Э, сўраманг!

— Ҳа?

— Ун учинчидамиз. Шеригим бу рақамни ёмон кўрар экан. Кўча томон шовқин. Деразадан кўринадиган манзара... Қандайдир бир черков.

— Менга яхшилиқ қиламан деб, ўзингизга ёмон бўлибди-да, Шерзод!

— Ҳечқиси йўқ. «Гилам сотсанг дўстингга сот, бир четда ўзинг ўтирасан», деган мақол бор. Таклиф қиларсиз ахир!

— Албатта!..

Шерзод Вазиранинг: «Ҳозир келаяверинг», дейишини кутиб бир лаҳза жим қолди. Лекин Вазира уни ўзига бу даражада яқинлаштиришни истамас эди.

— Ҳозир ҳамхонам... дам олиб ётибди, — деб Вазира беихтиёр ёлгон гапирганидан ўзи ўнгайсизланди

— Майли, зарари йўқ,— дедилланиб деди Шерзод.— Бўлмаса овқатга чиқайлик.

— Яқинда овқатланган эдик-ку.

— Йўлнинг овқати нима бўларди? Мен оч қолдим.

— Шерзод, сиз баҳузур овқатланнинг. Узоқ йўл мени уринтирганга ўхшайди.

— Бирор соат дам оласизми?

— Ҳа, кейин куннинг иккинчи ярмида учрашадиган одамларим бор.

— Таксида олиб бориб қўяйми? А, Вазираҳон?

«Студентлигида ҳам шунақа суйканчиқ эди», деган ўй Вазиранинг кўнглидан ўтди. У «суйканчиқ» деб атайдиган йигитлар қиз боланинг раъйига қарамасдан, нуқул уни ўз йўлига юргизишга интилаётгандек бўларди. Бундай пайтда Вазирала қаршилик қилиш истаги кучайиб кетарди.

— Раҳмат, Шерзод, сизнинг ҳам ишларингиз кўпдир. Хизмат юзасидан келганмиз. Ҳар биримизнинг ихтиеримиз ўзимизда бўлиши керак.

Шерзод сал шахти қайтиброқ деди:

— Албатта, ихтиёр ўзингизда бўлгани учун сўраяпман-да. Ундай бўлса, сизни кечки овқатга кутайликми?

— Кутиб овора бўлманг. Кутиш-путишлар билан бир-биримизни боғлаб қўймай, эркинроқ юрайлик. Менинг дугоналарим бор. Тутилиб қолишим мумкин.

Шерзод энди сал ранжиб сўради:

— Нима, шу билан бошқа учрашолмаймизми?

— Нега энди? Бугун бўлмаса эрта бор. Менга телефон номерингизни беринг, бўшасам ўзим қўнгиरोқ қиламан.

Шерзод юмшаган товуш билан телефон номерини айтди-да:

— Вазира,— деди,— тахминан сиз... қандайдир андишага бораётганга ўхшайсиз.

Вазира гапни ҳазилга буриб, Шерзоднинг одатига тақлид қилди:

— Ўзингиз «тахминан» тушунсангиз керак.

— Тушунаман... Лекин сиз... умуман шу эскича андишалардан юқори турадиган эркин қизлардан эдингизку, ахир!

— Эркинликнинг ҳам ўзига яраша чегаралари бор,— деди Вазира.

— Э, қўйинг, хўжайинингиз сизни жуда чегара-
лаб ташлаганга ўхшайди.

— Сизнинг ҳам хотинингиз бор. Аброрнинг
ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг-чи?

— Менинг хотиним артистка, бир ойдан бери гаст-
ролда юрибди. Мен бир нарса дебманми? Эрки ўзида!

— Лекин шу эрkning ҳас деган бир чегараси
бўлишини сиз ҳам истасангиз керак. Ё истамайсизми?

Шераод бир вақтлар мана шу чегарани бузган,
Вазирани қоронғи йўлакда куч билан қучоқлаб
ўлмоқчи бўлганда қиздан қаттиқ шапалоқ еган, шун-
дан кейин икковининг ораси бузилиб кетган ва Аброр
голиб чиқиб, Вазирага уйланган эди. Шераод ҳозир
шунини эслади шекилли.

— Майли, Вазира, бу нарсаларни сиз мендан ях-
широқ биласиз,— деди.— Мен фақат студентлик
дўстлигимиз давом этишини истайман, холос. Ёши-
миз қирқдан ошиб қолди, одам одамга ғаниматлигини
зиди билиямиз.

Шераод бу гаплар билан Вазира кўрсатган чегарани
гўё тан олди, унинг раъйига қарашга сўз бер-
гандек бўлди. Вазирага бу жуда ёқди. Шераоднинг
дўстлик, ғаниматлик ҳақида овози алланечук олиниб
айтган сўзлари эса Вазирада раҳм-шафқатга ўхшаш
бир туйғу уйғотди. У энди Шераоднинг кўнглини
кўтарадиган бирон нарса дегиси келди:

— Одам одамга ғаниматлиги рост. Йўлда сиз би-
лан жуда яхши келдик. Бир ўзим бўлсам қанча
қийналар эдим.

— Мен ҳам бугун сиз билан вақт қандай ўтганини
сезмай қолибман, Вазира.

— Айтмоқчи, Катинов деган бир метрочини айт-
ган эдингиз. Менга шунақа мутахассис керак.

— Бўлмаса мен уни бугуноқ телефонда қидириб
топаман. Эртага сизга учраштираман бўладими?

— Эртага бошқа ишлар бор. Балки индин...

— Бўпти, Вазира, индин.

Гаплари шу билан тугади-ю, Вазира трубкани
жойига қўйиб, яна каравотга чўзилди. Шераод унга
измини ўтказа олмай охирида ён берган учун Ва-
зира ўзидан мамнун бўлиб кулимсиради-да, чойшаб-
ни устига тортди ва озгина мизғиб олмоқчи бўлиб,
кўзини юмди.

Бошининг аллақаеридан ҳали ҳам самолёт моторининг ғувиллаши эшитилиб турганга ўхшарди. Вазира шу ғувиллашга қулоқ солганга ўхшаб ётиб уйқуга кетганини сезмай қолди. Қандай ётган бўлса, ўн беш минут қимир этмай ухлади-ю, кейин бирдан кўзини очди. Очиқ деразадан шаҳар шовқинини ёриб ўтиб келаётган Кремль соатининг салобатли занг чалишлари эшитилди.

Вазира билагидаги соатига қараса — икки ярим. У қушдай енгил бўлиб ўрнидан турди. Апил-тапил ювиниб, кийинди-да, қора ғилофни енгил сумкаси билан бирга қўлига олиб, кўчага чиқди.

Шу заҳоти қандайдир жуда улкан ва тезоқар бир ҳаёт дарёси уни ўзининг кучли тўлқинларига қўшиб кетаётгандай бўлди. Кўчада ҳам, автобус ёки метрода ҳам, Вазира борган лойиҳа ташкилотларида ҳам юриш-туриш, гап, муомала — ҳаммаси қандайдир ички бир чапдастликни талаб қилади. Узоқдан келган одамга Москвада мароқли туюладиган нарса кўп. Лекин эътибор дарҳол аниқ бир нарса устига жамланмаса, аграйиб, ивирсиб қолинади.

Вазира ҳар гал Москвага келганда бу шаҳри азимнинг ички ритмига ўргангунча қиламан деган ишларини қилишга улгуролмай қийналарди. Бугун у кеч соат тўққизгача меҳмонхонага қайтиб, уйга телефон қилмоқчи эди. Лекин архитектура бошқармасида иш куни тамом бўлгунча қолиб кетди. Олиб келган лойиҳаларини Киев, Боку ва Тбилисида қурилган метроларнинг лойиҳа ишларига қатнашган мутахассислар кўриб чиқинди. Тошкент метросининг ер ости саройлари бошқа шаҳарларнинг тажрибасини ҳисобга олиб қурилиши, айни вақтда, уларнинг такрори бўлмаслиги керак эди. Архитектурадаги миллий ўзинга хослик билан илғор замонавий руҳ Тошкент метросида янги бир тарзда уйғунлашиши керак эди. Бу ишда ҳар кимнинг фикри ҳар хил, мунозарали гаплар ҳам бор эди. Шунинг учун эртага тушдан кейин ҳамма мутахассислар бир жойга тўпланиб, Вазира маслаҳат сўраб келган масала бўйича кенгашиб оладиган бўдилар.

Бу мутахассислардан иккитаси — зилзила пайтида уч ой Тошкентга бориб ишлаган, Вазираларнинг уйларида меҳмон бўлган эр-хотинлар эди. Улар иш-

дан кейин Вазирани Арбатдаги «Прага» ресторани-нинг кафесига кечки овқатга таклиф қилдилар. Овқатдан кейин уни Қизил Майдон орқали «Россия» меҳмононасига пиеда кузатиб келдилар. Вазира уларни қўймай ўн биринчи қаватдаги ўз хонасига олиб чққди ва чамадонига солиб келган ҳандалаклардан бирини сўйиб берди. Кетастганларида, қолган иккита ҳандалакни газстага ўраб, эрининг қўлига тутқазди.

Уларни пастга олиб тушиб, кузатиб юборгандан кейин Тошкентга телефон қилмоқчи бўлиб, соатига қараса, ўн ярим бўлибди. Тошкентда тунги бир ярим. Ҳамма уйқуда. Абборнинг бир уйқуси бузилса, туни билан мижа жақмай чиқадиган одати бор. Вазира шуни ўйлаб, телефон қилишни эртага қолдирди. Лекин эрталаб туриб, телефон станциясига заказ бериб, Тошкентни олгунча Москва вақти билан тўққиз бўлди. Аббор ишда бўлса керак, Малика — ўқишда, Зафар ҳам ўйнаб кўчага чиқиб кетганга ўхшайди. Трубкани ҳеч ким олмади. Вазира телефончи қизга Абборнинг ишхонасидаги номерини берди. Лекин ўша топда Абборни дирскцияга чақиритишган экан...

Вазири куни бўйи иш билан бўлиб, кечқурун магазинларга кирди, Зафар тайинлаб юборган ўзи юратанкни олди. Маликага платформали туфли қидириб, катта универмаглар ёпилгунча юрди, лекин тополмади. Жуда чарчаган ва оч қолганини сезиб, Столешников тор кўчасидаги кафега кирди-да, овқат кутиб узоқ ўтириб қолди. У ердан то меҳмонхонага етиб келгунча яна соат ўндан ошди. Вазира Абборнинг телефон кутиб тажанг бўлишини кўз олдига келтирди-да, шаҳарлараро телефон станциясига қўнгироқ қилиб, эрталаб Москва вақти билан соат бешта Тошкентни заказ қилди. «Қўшнимга малол келса келар, нима қилай?» — деди ичида.

Соат бешта маст уйқуда ётганда телефон жириглаб қолди. Вазира уйқули кўзларини уқалаб трубкани олдида, Тошкент билан гаплашишга чоғланди.

— Тошкентни сиз заказ қилганмидингиз? — Телефонистка қиз «ҳа» жавобини олган заҳоти давом этди: — Линия ишламаяпти. Заказни бошқа вақтга кўчирасизми?

— Ҳа. — Вазира тушгача банд бўлишини ўйлади. — Кундуз соат учга.

— Заказ соат ўн бешга кўчирилади,— деди телефонистка ва трубкани қўйди.

Вазиранинг ҳамхонаси бевақт уйготган қўшнисидан норози бўлгандай, етган жойида асабий бир ағдарилиб олди.

• • •

Вазира соат ўн иккиларда Шерзодни метрочи Павел Данилович Катиновнинг кабинетида учратди. Улар эрталаб телефонда шунга келишган эдилар.

Павел Даниловичнинг чап қулоғи ортига эпитиш аппаратининг учи ўрнатилган, ундан пастга осилиб турган чиройли оқ шнурнинг охири чап чўнтагига солиб қўйилган. Суҳбат пайтида чўнтагидан қутичани олиб, гапираётган одамга яқин қилиб тутди. Эллик ёшлардаги салобатли бу одам метро туннелларидан бирини қазиш пайтида ер остида бўлган портлашдан кейин яхши эшитмайдиган бўлиб қолган эди. Шунга қарамай ўзини ҳушчақчақ тутиб, Вазирага лутф қилди:

— Сиздай кўҳлик аёллар ҳам метронинг иши билан шугулланаётганидан беҳад хурсандмиз!

— Раҳмат. Лекин барибир биз сизларнинг ёрдмингизга муҳтожмиз. Ҳали тажрибамиз оз.

Вазира шундай деб, Бўзсувнинг тагидан метро линиясини қандай олиб ўтиш тўғрисида гап очди.

— Албатта, сиз ўзингиз бориб кўришингиз керак,— деди Вазира.— Мен фақат бир нарсани билмоқчиман. Бу масала кун тартибига қўйилгандан кейин сизни консультация беришга таклиф қилсак, Тошкентга беш-ўн кунга бора оласизми?

— Ўйлаб кўришим керак. Боргим келади. Тошкентни эллик бешинчи йилда бир кўрган эдим. Яна кўргим келади.

— Бугунги Тошкент жуда бошқача,— деди Вазира, Шерзод гапга қўшилди:

— Павел Данилович, менда бир таклиф бор. Бизнинг ҳозирги учрашувимиз — расмий учрашуя эмас. Менга боя телефонда Вазира айтди. Нарёқдаги ишлари кўнглидагидек ҳал бўлипти. Буни нишонлаш керак. Суҳбатни ишдан кейин дастурхон атрофида давом эттирсак. Павел Даниловични «Ўзбекистон» ресторанига таклиф қилсак, а, Вазира?

Вазира кечқурун бегона эркаклар билан ресторанда ўтириш ташвишидан кўнгли безовталанса ҳам, йўқ дейишга меҳмондўстлик туйғуси йўл бермади.

— Яхши бўлади! — деди.

— Биладан, «Ўзбекистон»нинг овқати жуда тотли,— деди Павел Данилович.— Лекин доим одам тирбанд. Жой топилармикин?

— Бунисини менга қўйиб беринг,— деди Шерзод.— Истаган жойимизни оламиз!

Павел Данилович соатига қаради. Вазира унинг бирор сабаб кўрсатиб, йўқ дейишини истарди.

— Шерзод Исломович, кечқурун мен театрга тушадиганман.

Вазира бирдан снгил тортди, лекин буни сезди-маслик учун:

— Афсус! — деди.

Шерзод Катиновдан ҳам кўра Вазирани ресторанга олиб боришга иштиёқманд эди.

— Павел Данилович,— деди у,— тўшқи овқатни бирга қилсак-чи?

— Ресторандами? Улгуролмасак керак.

Шерзод соатига қаради:

— Ун бешта кам бир. Ресторан бу ерга яқин.

Вазира соат учда меҳмонхонада бўлиши ва Тошкент билан телефонда гаплашиши кераклигини эсладди.

— Мен соат икки яримда шу ерда бўлишим керак,— деди Павел Данилович.

— Бўпти, сизни икки яримга етказиб келиш бизга тан, а, Вазира?

Вазира, «улгуриш қийин», деб эътироз қилгиси келса ҳам, одоб юзасидан:

— Ҳа, ҳа,— деди.

Шерзод кўчага олдинроқ чиқиб, такси тутиб турди. Бирпасда Неглинная кўчасига — «Ўзбекистон» ресторанининг ойнабанд эшиги олдига бориб, машинадан тушдилар.

Заррин ҳошияли қора костюм кийган дарбон ёпиқ эшикка «ўрин йўқ» деган ёзувни осиб қўйиб, ўзи унинг ортида савлат тўкиб ўтирибди. Йигирмата-ўттизта одам ташқарида навбат кутиб турибди.

Шерзод тахсининг пулини тўлар экан, Вазирага шипшиди:

— Меҳмон билан эшикка яқинроқ бориб турингизлар, мен ҳозир кириб чиқаман.

У ресторанда ишлайдиган одамлар кириб чиқадиган орқа томондаги эшикни билар эди. Ҳа ёқдан таниш бўлган зал мудирининг исмини айтиб кирди. Ичкаридан мудирнинг ўзини топиб, кичик залга уч кишилик ўрин ҳозирлатадиган қилди. Сўнг мудирни залдан кўча эшиги олдига бошлаб келди ва ойнабанд эшик ортида турган Вазира билан Павел Даниловични кўрсатди. Мудир дарбонга ўша икки кишини киргизиш ҳақида ишора қилди. Дарбон бот ирғади-ю, эшикни очиб, Вазираларга йўл берди. Навбатда турганлар у-бу дейишган эди, дарбон:

— Бу граждaнларнинг ўрни эрталаб заказ қилинган, — деди-да, эшикни яна бекитиб олди.

Вазира ўймакор нақшлар билан безатилган кўркам залга кирганда ошхона томондан зира солинган палов ҳиди келди-ю, бирдан иштаҳасини очиб юборди. Хонтахталар қўйилган, гулдор гилам ва беқасам кўрпачалар тўшалган, деразалари ҳам шунга мослаб безатилган бўлмалар олдидан ўтар эканлар, Павел Данилович:

— Ҳайрон қоларли даражада гўзал! — деб қўйди.

Улар одам камроқ бўлган кичик залга кирдилар. Шунда зал мудирни келиб:

— Хуш кўрдик! — деб енгилгина тазъим қилди ва Вазира ўтираётганда чапдастлик билан стулни суриб берди.

Шерзод мудирга «Меҳмонларим жуда нозик, бир қойил қиласиз!» деб қаттиқ тайинлаган эди. Чаққон ёш официант улар буюрган нарсаларни бирпасда муҳайё қилди. Стол устида хушбўй кўк чой дамланган қирмизи чойнак ва пиёлалар, зарҳал ҳошияли пахта гулли лаганда парра қилинган қази, сўлқилдоқ тандир нонлар, Тошкент суви, беш юлдузли ўзбек коньяги, «Ҳосилот» ва «Гулоб» винолари пайдо бўлди.

Шерзод Вазирага коньяк қуймоқчи бўлган эди.

— Йўқ, «Гулоб» дуруст, — деди Вазира.

Павел Данилович эшиткич аппаратини қулогидан олиб, чўнтагига солиб қўйган эди, Вазира унга юзини яқинлаштириб, овозини кўтариброқ деди:

— Павел Данилович, эътибор беринг, «Гулоб» виносини Тошкентдан топиб бўлмайдди. Жуда камёб.

— Шундайми? Бўлмаса мен ҳам шундан бошлай қолай.

— Марҳамат! — деб Шерзод каттароқ қадаҳлардан бирига меҳмон учун вино қуйди. Сўнг биринчи қадаҳни Павел Данилович учун, дўстлик учун, бундан кейинги ҳамкорликлари учун ичишни таклиф қилди.

Павел Данилович винодан бир хўплаб кўрди-да, завқ билан бошини чайқаб.

— Божественно!¹ — деди.— Мен бунақа ажойиб винони фақат Парижда ичганман.

Шундан кейин у билан Шерзод иккови Францияга қандай сафар қилганларини эслаб кетишди. Коньяк ичган Шерзод самолётда Вазирага айтганларини Павел Даниловичдан тасдиқлатиб олди-да, кейин Японияга борганини такрор гапира бошлади. У сал кайф қилганда хорижий мамлакатларга кўп борганини айтиб мақтанишни яхши кўрарди. Павел Данилович буни сезди чамаси.

— Япониянинг жуда ерқин бир ўзига хослиги бор, бу рост, — деди.— Лекин бизнинг республикаларимиз ҳам ўзига хослиги билан кишини ҳайратга солади. Ўзбекистон менинг тасаввуримда таҳрори йўқ гўзал бир мамлакат. Сизлардаги табиат манзараларини, тарихий обидаларни, кийимларни, таомларни, куйларни мен бошқа ҳеч жойда учратганим йўқ. Ҳатто мана шу залдаги ўймакорликлару нақшлар, чиннидаги гуллар, беқасам кўрпачалар — ҳаммаси менга завқ беряпти. Мен мана шу қадаҳни Ўзбекистон учун, сиз узбек дўстларим учун кўтараман!

— Раҳмат, Павел Данилович!

Чинни косаларда қайлалди мастана келтирилди. «Гулоб» жуда майин туюлса ҳам, унинг таъсиридан Вазиранинг ёноқлари қизариб, кўзлари ларпираб ёна бошлади. Шерзод Вазирага вино, Павел Данилович билан ўзига коньяк қуйди-да:

— Менда бир таклиф бор, — деди.— Мана шу қадаҳни Москва учун ичсак. Биз ҳозир Ўзбекистонда — ўз Ватанимизда ўтиргандай бўляпмиз. Ҳолбуки, ҳозир биз улуг Россияда,

¹ «Худолар ичса арзийдиган, илоҳий ичимлик» маъносида.

Москва шаҳридамиз. Қалби дарё қардошларимиз Ўзбекистоннинг мана шу бир бўлагига бағрини очиб, сахийларча жой берганида улкан бир рамзий маъно бор. Мен шу қадаҳни сиз москвалик дўстимиз учун кўтармоқчиман!

Павел Данилович Шерзодга миннатдорчилик билдириб, коньяк тўла қадаҳни охиригача ичди. У аллақачон Вазиранинг исми-шарифини билиб олган эди.

— Вазира Бадаловна, агар таклиф қилсаларингиз Тошкентга албатта бораман! — деди.— Тошкент метросининг ишига қатнашишни ўзимга шараф деб билман.

— Албатта таклиф қиламиз! — деди Вазира.

Шерзод яна қадаҳларни тўлдирди-ю:

— Павел Данилович,— деди.— Биз Вазира Бадаловна билан бирга ўқиганмиз. Мана, студентликдаги дўстлигимиз ҳалигача давом этапти. Сизнинг ҳузурингизда Вазирага битта «сир»ни айтиб қўймоқчиман. Метро линиясини Бўзевунинг тагидан олиб ўтиш масаласи мени ҳам жуда қизиқтиради. Кўнгилга туғиб юрган ижодий режам бор.

— Янгилик-ку,— деди Вазира кулиб.

— Ҳа, бу режани амалга оширишда мен ҳам ҳали Павел Даниловичдан мастаҳатлар олмоқчиман.

— Марҳамат, Шерзод Исмолович, мен тайёрман!

— Павел Данилович,— деб Шерзод меҳмон яхши эшитадиган даражадаги овоз билан гапирди.— Сиз ҳозир бизнинг юртимиз ҳақида айтган ҳамма гўзал фазилятлар Вазирада ҳам бор.

Вазира уялиб ерга қарали-ю, ўзбекчалаб:

— Унча муболага қилманг! — деб шипшиди.

— Менинг самимий эътиқодим бу,— деди Шерзод.

— Сиз мени ҳам сеҳрлаб қўйдингиз, Вазира Бадаловна! — деди Павел Данилович.

Сўнг Шерзод Вазира учун қадаҳ таклиф қилганда Катинов ўрнидан туриб:

— Бундай ажойиб аёллар учун тикка туриб ичилади! — деди. Шерзод ҳам сакраб ўрнидан турди-да, қадаҳни охиригача бўшатди.

Чинни лаганда зира ҳиди анқиб турган палов келтирилди. Шерзод Вазиранинг қадаҳи тўла турганини кўриб:

— Ичинг, илтимос қиламан, Вазира! — деди ялинган товуш билан.

Вазира унинг кўнгли учун бир хўплаб қўйди. Шерзод ошдан олдин яна қадаҳларни тўлдирди-ю. Вазирага, «энди сўз навбати сиздан!» деган маънода қараб қўйди.

Вазира қадаҳни қўлига олиб, паст товуш билан гап бошлади:

— Бошқалардаги фазилатларни пайқаш учун... қадрлаш учун...

Павел Данилович унинг сузларини яхши эшитолмади-ю, дарров чўнтагига қўл солиб, аппаратини олди ва бир учини қулоғи ортига қистирди. Вазира сўзини бошидан такрорлади:

— Павел Данилович, менимча, бошқалардаги фазилатларни пайқаш, қадрлаш учун одамнинг ўзида ҳам қандайдир юксак фазилатлар бўлиши керак.

— Жуда тўғри.

— Мен сизни бугун биринчи марта кўрган бўлсам ҳам бошқа одамларнинг, бошқа халқларнинг фазилатларидан суюнадиган оқ кўнгли одам эканлигини сезиб жуда қувондим...

— Ахир, бошқа одамлардаги, бошқа халқлардаги фазилатлар бизнинг ҳам қалбимизни бойитади.

— Бу фикрингизни менинг эрим эшитса жон деб қувватлаб чиқар эди. Чунки у киши ҳам архитектор.

— Ҳ, ҳамкасб эканмиз, албатта танишамиз!

Аброр орага тушганидан Шерзоднинг ҳафсаласи пир бўлиб, ўзини креслонинг суянчигига ташлади-ю, Вазирага узоқдан совуқ нигоҳ ташлади.

— Тошкентга келсангиз, сизларни албатта таништираман, Павел Данилович.

Шерзод муздай қотиб ўтирганини Вазира энди сезди ва бунинг сабабини фаҳмлаб, гални унга бурди:

— Мен ҳозир бир ўзим икковларингизнинг ораларингизда ўтирибман. Студентлик давридан бери бирга қадрдон бўлган Шерзод Исломович ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Русча «жентльмен» дегани биздаги «жўмард» сўзига яқин. Шерзод Исломовичда ана шу-

нақа жұмардлик борлиги — бугун бирпасда мана бу ажойиб ўлтиришни ташкил қилганида кўринди.

Шерзоднинг юзидати муз гўе бир лаҳзада эриб, кўзлари ички оловдан чақнаб кетди. Вазиранинг икки оғиз илиқ сўзи унга шунчалик таъсир қилгани Павел Даниловични ҳайратга солди.

— Ажойиб! — деб ҳўйди у Вазиранинг сўзларини маъқуллаб.

— Демак, мен бу қадаҳни Павел Данилович, сиз учун, Тошкентда сиз билан яна учрашишимиз учун, Шерзод Исломович учун, бу кишининг бугун айтган катта лижодий режалари амалга ошиши учун таклиф қиламан.

Вазира ўзи таклиф қилган қадаҳ учун охиригача ичди. Сал ўтмай бадани қизиб, боши еқимли айланастганини сезди-да: «Кайф бўлиб қолмай яна!» деб қўрқди ва ошдан кўпроқ ейишга интилди.

Учовлари хушчақчақ кайфият билан ўринларидан турганда соат икки ярим бўлиб қолган эди. Катта залда ўтирган одамлар орасида Ўзбекистон қуёшида қорайган, дўппи ва атлас кийган одамлар ҳам кўп эди. Юзи ловиллаб турганини ўзи сезиб бораётган Вазира: «Гап қиладиган танишлар учрамасин-да», деди ичида.

Шерзод ҳисоб-китоб қилиш учун зал мудирининг олдида ушланиб қолди. Уни вестибюлда кутиб турганларида Павел Данилович Вазирага завқ билан кўз ташлаб деди:

— Сиз менга жуда еқингиз. Шерзод Исломович ҳам ажойиб йиғит.

Шерзод этиб келди. Эшикдан чиқаетганларида Павел Данилович:

— Мен икковларингизни хотинимга бир таниш-тиргим келади,— деди.— Бугун кечқурун буш-мисизлар? Биз билан бирга театрга бормайсизларми?

— Борамиз!— деди Шерзод дарҳол.

— Қайси театр?— иккиланиб сўради Вазира.

— «Современник».

— Ҳў-ў, бу театр жуда машҳур, спектаклларига билет топиш қийин,— деди Вазира.

— Мен ердан беришим мумкин,— деди Павел Данилович.

Вазира яна ноилож қолиб:

— Яхши бўлади,— деди.

Такси топиб, аввал Павел Даниловични ишхонасига олиб бордилар. Вазира Шерзодни шу ерда билет топиш учун қолдирмоқчи, ўзи тезроқ меҳмонхонага қайтмоқчи эди — Тошкентни телефонга чақирган вақти ўтиб бормоқда эди. Шерзод, «Павел Данилович билан тушиб қолайми?» деб бир иккиланди-ю, лекин Вазирадан ажралгиси келмади:

— Сизни ўзим олиб бориб қўяман,— деди.— Павел Данилович, сизга меҳмонхонадан телефон қиламан.

Таксида Кремлни айланиб ўтиб, «Россия»га қараб борар эканлар, Шерзод олдинги ўриндаги Вазирага орқадан юзини яқин келтириб гапирди:

— Қалай, хурсандмисиз?

Унинг гап оҳангидан: «Зиёфат сиз учун эди!» деган маъно англашилиб турарди. Вазира унга ўгирилиб қаради:

— Анча ташвиш чекдингиз-а?

— Мен учун бу ташвиш эмас! Аксинча... Мени ҳали билмайсиз, Вазира.

— Нимага?

— Мен ёшликда қилган хатойимнинг жазосини тортиб юрибман.

— Қайси хатони айтяпсиз?

— Сизни қўлдан бой берганим... Бошқага уйланиб, армон қилиб юрганим...

Вазира Шерзоднинг шундай армонлар қилишини йигирма ёшлик студент қиз эканида жуда-жуда истар эди. Бу истак шунча йилдан кейин мана энди амалга ошди-ю, уни бир лаҳза ўша унутилмас қизлик даврига қайтаргандай бўлди. Шерзод ҳам йигирма ёшида, Вазирага энди ошиқ бўлиб юрган бўз бола йигитдек кўринди. Вазира қалбига қуюлиб келган бу ёқимли туйғунинг тагида қандайдир хатар борлигини сизди-ю, эътироз учун сўз қидирди.

— Шерзод, сиз... сизнинг ажойиб хотинингиз бор. Мен у кишини саҳнада кўп кўрганман. Санъати одамни сеҳрлаб олади. «Саҳна юлдузи» деб мақташлари бежиз эмас.

— Юлдузнинг иссиги йўқ, Вазира. Совуқ!

Вазира кулиб гапирди:

— Хотинларни «заифа» дейишади. Хотинидан шикоят қилган одам менга шу заифадан ҳам заифроқ кўринади.

— Мен бу гапни унинг ўзига ҳам айтаман, Вазира. Узоқдаги совуқ юлдуз бўлгандан кўра, шамдай илиқ бўлиб, бир бечоранинг кулбасини еритган яхши эмасми?

— Наҳотки сиз ўзингизни шунақа бир бечора деб билсангиз?

Шерзод ўрта яшар кўнгироқ соч таксичига қараб қўйди. Ўзбекча гаплашадиган Вазира билан Шерзоднинг сўзларини таксичи тушунмас эди. Шунинг учун Шерзод яна кўнглини очиб гапирди.

— Ташқи кўринишдан бечора эмасман, Вазира, ҳамма нарсам бор. Лекин дилим, ички дунем сиз билан бирга бўлганимда шундай равшан тортиб, ҳароратга тўлиб кетадими, ўзим ҳам ҳайрон булман. Сизда шунақа бир жозиба бор, ёнингизда юрганымда мен ҳам гўё покроқ, яхшироқ бўлиб қоламан. Агар ўшанда мен сизни бой бермаганимда, ҳаётим ҳозиргидан минг баробар гўзалроқ бўлишини мана энди тушунапман, Вазира!

Вазиранинг қора кўзлари пирпираб ёниб кетганини кўрган Шерзод сўзининг бекор кетмаганини сизди. Лекин Вазира ўзини босиқ туттишга интилиб:

— Шерзод, энди тақдирларимиз ҳал бўлган,— деди.— Бунга тан беришдан бошқа илож йўқ.

— Тушундман... албатта...

Вазира ўз жавобининг Шерзодга оғир ботганини сезиб, гапини сал юмшатишга интилди:

— Лекин студентлик дўстлигимиз йўқолмайди... Мана, ҳозир ҳам сафарда биргемиз... Сиз балки метронинг тоннелини Бўзсувнинг тагидан ўтказишга кўмак берарсиз.

Шерзод гапнинг иш мавзусига бурилиб кетганидан ҳисл эсанкираб, юзини ишқалади-да, хаслларини бошқа нуқтага йиғишга тиришди:

— Буни мен сизга кейин айтиб бераман, Вазира. Бўзсувга янги ўзан қазिश режаси бор. Эгри-бугри эски ўзанинг ўрнида гулзор йўлкалар бўлади. Катта ер майдони тежаб қолинади.

Вазира Абборнинг Бўзсувга оид лойиҳаларини эслади. Лекин Шерзод айтган гаплар қирғоқнинг бирор

чақирим жойини ўзгартириши мумкин. Қолган қисмларини Аброр ўз лойиҳалари бўйича обод қилавериши мумкин.

— Фикрингиз менга қизиқарли туюляпти, — деди Вазира, — Анҳор бўйида ҳали қиладиган ишлар жуда кўп. Ҳаммага етади.

— Мен сизнинг мана шу бағри кенглигингизга таян бераман-да, Вазира!

Такси анча вақт айланиб юриб, хўприкнинг тағларидан ўтиб, ниҳоят, меҳмонхона олдига келиб тўхтади. Вазира ичкарига кираётганда девордаги катта соатнинг учдан охиб кетганини кўрди ва лифтга томон шошилди. Вазира калта энгли гулдор кремплин кўйлак кийган эди. Шерзод сскин унинг биллагидан олди-да:

— Қани, энди мақталган хонангизга кузатиб қўяйми? — деди.

У Вазиранинг ҳолига кириб, таксида бошлаган армонли ва сирли гапларини давом эттиришни истарди. Вазира ўз билагида Шерзоднинг қўлидан чиқастган тафтни ҳис қилди.

— Айтмоқчи, сиз билетга бормоқчи эдингиз-ку, — деди Вазира ва билагини сскин унинг қўлидан чиқариб олди.

Шерзод Вазира билан театрга бирга тушишни кўз олдига келтирди-да, мамнун жилмайди:

— Ҳа, хўп, билетни олиб келгандан кейин кирарман. Унгача дам олинг.

У Вазирани ўн биринчи қаватда тушириб қолдирди-да, юқориги қаватнинг тугмасини босди.

Вазира хонасининг эшигига калит солаётганда, ичкаридаги телефоннинг узун-узун жиринглаётганини эшитди. Шоша-пиша кириб, трубкани олди. Телефонистка қиз:

— Тошкентни сиз заказ қилганмидингиз? — деди. Ҳа жавобини олгач, жеркиди: — Нега заказ қилган вақтингизда хонада бўлмайсиз? Тошкентни иккинчи марта чақирялман!.. Алло, Тошкент!.. Бу — Москва, гаплашинг!

— Ким бу? — деди Вазира. — Абрормисиз?

Трубкадан янги овоз келди:

— Ойи, мен Маликаман!

— Даданг йўқми?

— Йўқлар. Нега икки кун телефон қилмадингиз? Дадам куп кутдилар.

Овоз дишқ эшитилмоқда эди. Малика алланарсайдан ўпкаси тулиб, йигламсираб гапираётганга ўхшади. Вазира тикка турган кўйича ўзининг банд бўлиб қолганини, эрталаб линия ишламаганини айтди-да:

— Тинч ўтирибсанларми? — деди.— Даданг ишдами? Зафар қаерда?

— Зафар... Зафарни,— деб Малика тутилиб-тутилиб гапирди,— дадам... олиб кетибдилар.

— Қаёққа олиб кетибди?

— Анақа... мен мактабда эдим... Қўшимиз Соҳиба хола айтдилар... Ойи, қачон келасиз?

Малика бу саволни йигламсираб бергандай бўлди.

— Малика, нима гап ўзи? Зафар касал бўлдими?

— Йўқ. Зафар дадамнинг галига кирмади. Мен ҳам юз марта айтдим. Бизнинг ҳовлида қурилиш. Зафар нуқул бошқа ҳовлиларга бориб ўйнади.

— Бирон ҳодиса бўлдими?

— Ит қопипти.

— Эгаси йўқмиш. Дайди ит экан. Зафар итнинг бошини силамоқчи бўлипти. Аччиги чиқиб турган экан, қопиб олибди.

— Қўлиданми?

— Йўқ, сонидан.

Вазира калта шорти кийиб юрадиган мургак ўглининг яланғоч оёғидан дайди ит қандай қопганини кўз олдига келтирди-ю, тиззаларидан дармон кетиб, оёғи пахтадан қилинганга ўхшаб қолди. У тўшакнинг бир четига ўтирди-да:— Аҳволи оғирми? — деди.

— Билмайман. Дадам докторга олиб кетибдилар.

— Касалхонагами?

— Билмадим. Дадам телефон ҳам қилмаяптилар. Кетганларига уч соат бўлибди. Соҳиба хола айтди.

— Нима, ит қутурган эмишми?

— Ҳеч ким билмайди. Текширишармиш.

— Қуриб кетсин ҳаммаси,— деди Вазира.— Бу ба-ло бизга қасқдан қараб турган экан-а?!

— Қачон келасиз, ойи? — деб Малика ўпкаси тулиб сўради. У ҳам бир ўзи уйда жуда ёлғизсираб ўтиргани ва укасини ит қопганидан қўрқиб қолгани сезилиб турарди.

Вазира мўлжаллаган ишларини битирган, эртага кундузи магазинларга бориб, кечқурун аэропортга чиқмоқчи эди. Лекин ҳозир оналик туйғуси бошқа ҳамма нарсадан устун келди-ю:

— Мен бугун аэропортга чиқаман! — деди.— Малика, дадангга айт, ё кечаси, с эртага эрталаб етиб бораман. Мени кутишга чиқиб юрмасин. Зафарга аҳтиёт бўлинглар!

Малика тетикланган товуш билан:

— Хўп, ойижон, ҳаммасини айтаман,— деди.— Зафар ҳам хурсанд бўлади. Оқ йўл сизга! Теэроқ келинг!

Вазира трубкани қўйганда чанқаб, оғзида нам қолмаганини сезди. Стол устида ярим шиша «Боржом» турган эди. Шундан бир стакан қуйиб ичди-ю, бояги зиёфатни ва Шерзоднинг таксида айтган гапларини эслади. Мурғак ўғилчаси у ёқда унақа аҳволга тушса-ю, Вазира ресторанда вино ичиб кайф қилиб юрса... Унинг ўзини ҳам нимадир қопгандай вужуди зирқираб кетди. Чамадонини очиб, нарсаларини тез-тез йиғиштиришга тушди.

Бир вақт эшик секин тақиллади-ю, Шерзоднинг:

— Мумкинми? — деган шўх товуши эшитилди.

— Кириг.

Шерзод қўлида иккита театр билетини ҳилпиллатиб кириб келди. Аввал очиқ деразадан ташқарига қараб:

— О-о, шоҳона жойлар-ку! — деди.— Мана, билетлар тайёр!

Вазира чамадон йиғиштиришда давом этар экан:

— Менга ҳозир самолёт билети керак,— деди.

Шерзод унинг авзойи бутунлай ўзгариб кетганини энди пайқади. Очиқ турган чамадонга бир қараб олди-да, кайфи учиб:

— Нима бўлди? — деди.

Вазира ҳаммасини айтиб берди.

— Сиз хавотирланманг,— деди Шерзод.— Болалигимда мени ҳам ит қопган. Ҳеч нима қилмайди. Бугун спектаклни кўрайлик. Эртага ўзим кузатиб қўяман.

— Ит қутурган бўлиши мумкин. Ун яшар бола... Йўқ, менинг кўнглимга спектакль сизмайди. Павел

Даниловичга узримни айтсангиз тушунар, Мен ҳозир аэропортга чиқаман.

— Самолётга билетни қандай оласиз?

— Бориб илтимос қилмоқчиман.

Шерзод Вазирани қайтариб бўлмаслигини сезди-да:

— Ундай бўлса, мен бирга бораман,— деди.— Билет тополмай қийналасиз.

— Аэропорт узоқ, спектаклга стиб келолмайсиз. Сиз қолинг. Павел Данилович хафа бўлади.

Шерзод солиғига қаради.

— Тўртдан ошибди... Чатоқ бўлди-да... Айтмоқчи, шошманг! Поспредствода бир ўртоқ бор эди. Мен қўнгироқ қилиб кўрай-чи.

— Марҳамат,— деб Вазира ҳаво ранг телефон апаратини Шерзодга томон суриб қўйди. Шерзод тикка турган кўйинча Ўзбекистоннинг Москвадаги ваколатхонасига телефон қилар экан, Вазирадан:

— Депутатсиз-а? — деб сўради.

Вазира ийманиброқ жавоб берди:

— Район Советига. Буни айтиб ўтирманг.

— Нега? Тошкентнинг ҳар бир райони область шаҳарларимизга тенг келади.

Шерзод ваколатхонадаги танишини телефонда толиб, узоқ сўрашди, Тошкентдаги ер-дўстлардан саломлар топширди-да, кейин мақсадга ўтди:

— Сиздан бир илтимосимиз бор. Депутат ўртоқ Аъзамова шу бугун кечки рейс билан Тошкентга учишлари керак бўлиб қолди. Сиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, Вазира Бадаловна Аъзамовани кўпчилик танийди... Телефон қилиб қўйсангиз... Ҳа, Домоделовга-да. Ҳа, ҳа... Депутатлар хонасигами?... Жуда соз! Раҳмат!

Шерзод трубкани қўйиб, Вазирага юзланди.

— Бўлди, тўғри депутатлар хонасига кирасиз.

— Ҳужжат сўрашса қандоқ қиламан? — деди Вазира.

— Ваколатхонадан телефон қилишгандан кейин ҳужжат текшириб ўтиришмайди. Жуда зўр келса ростини айтасиз, тушунишади. «Зарур бўлса, маъзур бўлсин», деган гап бор-ку.

Вазира чамадонини бекитди ва тошойна олдида турган атир-упасига қаради. Шерзод унинг ойнага

боғлиқ ишлари борлигини, ўзи елгиз қолиши керак-лигини сизди-да:

— Хўп, пастда такси тутиб тураман,— деди. Сўнг чамадонни дастасидан олди: — Мен турганда буни сиз кўтарсангиз бўлмас.

Вазира унинг ҳушёрлиги ва меҳрибонлигини ектириб:

— Раҳмат, Шерзод! — деди.

Ўн минут ўтар-ўтмас Вазира ҳам пастга тушди. Шерзод кўчада битта таксини тўхтатиб турган эди. Вазира унга қўл бериб хайрлашар экан:

— Боргандан кейин қўнғироқ қилинг, Шерзод,— деди.— Бугун айтган лойиҳангиз мени қизиқтириб қўйди. Планга киритишимиз мумкин.

Лойиҳани планга киритиш осон эмас, лекин бу — Вазиранинг қўлидан келишини Шерзод билади. Шунинг учун Вазиранинг сўнги сўзлари уни қувонтириб юборди. У Вазиранинг қўлини қўйиб юбормай, юзига завқ билан тикилди. Вазиранинг хушбичим панжасини лабларига босиб ўпди-да:

— Яхши боринг! — деди.— Тошкентда кўришгунча хайр!

БЕШИНЧИ БОБ

Устахонада Аброрнинг ишлари тиқилинч келиб турганининг устига ота-онасининг кўчиши-ю, участка олиш муаммоси қўшилиб, уйдаги болаларига дуруст қарай олмай қолди. Ўглини ит қопганини ҳам рай-ижрокомнинг олдига учраб қолган ҳаммақалласидан эшитди. Аброр ичкарига кирмай, дарҳол машинасига қайтиб ўтирди ва уйга қараб шошилди.

Квартиралари берк, Малика ҳали ўқишда. Аброр рўпарадаги қўшнилариникига қўнғироқ қилди.

Ранглари оқарган Зафар ўша ерда ўтирган экан.

Дадасини кўриб, боланинг лаблари пир-пир учши-ю, кўзида ёш филтиллади. Тиззасининг юқорирогига — итнинг битта тиши ботиб, қонаган жойига қўшнилар йод суртиб, бинг боғлаб қўйишган экан. Аброр ўглининг устига энгашиб:

— Емон огрияптими? — деди.

Зафар йигламсираб бош чайқади. Бунинг огриғидан ҳам кўра бошқа бир нарса болани қўрқит-

ган ва эзган эди. У нариги ҳовлида учта бола тош отиб қувлаб юрган силлиққина оқ сарғиш итга раҳми келган. «урманлар, мен бунга боқиб оламан», деган. сўнг итга яқин бориб, уни эркалатмоқчи бўлган эди. Ит эса тош отган нариги болаларнинг аламини Зафардан олгандай, бирдан вовиллаб, уни қопиб олган, бола чинқирганда думини қисиб қочган эди.

Аброр ўглидан воқеани сўраб билгач, унинг бошини ушлаб кўрди.

— Иситманг йўқ, кўрқма, яраг тузалиб кетади,— деб кўнглини кўтарди.— Узинг ҳам болалик қилибсан-да. Бобонгнинг ҳовлисидаги ит-мушукларни эркалатсанг майли, улар сени танийди. Бегона итга яқин бориб бўладими?

Итга яхшилик қилмоқчи бўлиб шу кўйга тушган Зафарнинг кўзларида яна ёш ҳалқаланди.

— Майли энди, бўлари бўлипти,— деди Аброр на қўшни хотинга мурожаат қилди.— Соҳиба опа, раҳмат сизга, биз йўғимизда Зафарга яхши қарабсиз.

— Вой, арзимайди. Бола бечора бугун энди каникулга чиққан эди-я? Ишқилиб, ит ўлгур қутурган бўлмасин денг!

— У ланатини сиз ҳам кўрдингизми, Соҳиба опа?

Семизлигидан хиёл лапанглаб юрадиган Соҳиба опа:

— Ҳа, кўрдим, лайчадан сал каттароқ,— деди-да, гапга тушиб кетди: — Отини дейиб чақирай десам, оти ўлгурни ҳеч ким билмайди. Биров: «Қишлоқдан келган», дейди. Биров: «Нариги маҳалладан ўтган», дейди. Эгасининг ҳовлиси бузилганмишми-ей. Домдан квартира олиб кўчиб кетган бўлса, ити қолгандир-да. Учинчи-тўртинчи қаватларда ит асраб бўладими? Биз ҳам домга кўчганимизда итимиз кўчада қолган. Керак бўлмагандан кейин нима қиласиз? Бир вақтлар эшак керак бўлмай қолиб, ҳаммаёқда эгасиз эшаклар санқиб юрган эди. Ҳозир эгасиз итлар санқиб юрибли. Касалми, соғми, ким билади? Сиз Зафаржонни докторга бир кўрсатинг.

Итнинг касали бўлса, қопган жойидан Зафарга қандай юқишини хўз олдига келтирганда Аброрнинг кўнгли агдар-тўнтар бўлиб кетди. Лекин болани

қўрқитмаслик учун унга буни айтмади-ю, қўлида олиб, ўзларининг квартираларига бошлаб кирди.

— Зафар, холодильникда қатиқ бор, шуни олиб ичиб тургин. Мен бир жойга телефон қиламан.

— Хўп, дада.

Аброр поликлиникадаги таниш врачига телефон қилиб, ҳамма гапни айтиб берди-да:

— Энди нима қилай? — деб маслаҳат сўради. Итнинг дайдилигини эшитган врач:

— Яхши бўлмапти-да, — деди. — Болага қирқта укол қилишлари мумкин. Қорнининг остига қилинади. Жуда оғритади-да.

— Ахир ит қутургани маълум эмас-ку!.. Бошқа йўли йўқми?

— Бошқа йўли — итни дарҳол тутиб ветеринарларга кўрсатиш керак. Агар улар текшириб касал эмаслигини аниқлашса, укол қилмасликлари мумкин.

— Унгача Зафарни бир кўрасизларми?

— Бизми? Йўқ, буни кўрадиган махсус поликлиника бор.

— Қасрда?

— Самарқанд дарвоза орқали борилади. Оқтепага етмасдан чап қўлда. Тезроқ олиб бординг. Аввал столбнякка қарши укол қилишлари керак. Лекин ит йўқолиб қолмасин. Уни ушлаб, боглаб, қўйиш керак.

— Бошимиз роса балого қолипти-ку, а?

— Хатари емон-да. Олди олинмаса, кейин қутқариб бўлмайди.

— Хўп, маслаҳат учун раҳмат.

Аброр трубкани қўйиб, бошини чангаллаганича бирпас ўйланиб турди. Ветеринарларни қасрдан толади? Аввал итни ушлаб боглаб қўйиши керак. Нарёда иши қолиб кетяпти. Аброр яна трубкани олди-ю, устахонага телефон қилди. Тинчлик экан, ҳамма ўз ўрнида Аброр топшириб келган иш билан банд экан.

— Мен бир оз ушланиб қолсам керак, — деб Аброр трубкани олган Фарҳодга воқеани айтиб берди.

— Бўпти, бу ердан хотиржам бўлинг, — деди Фарҳод.

Аброр ошхонада қатиқ ичиб ўтирган ўглининг олдига келди. Кўнгли хуфтон бўлса ҳам, овозига қувноқ тус беришга тиришиб:

— Қалай, дурустмисан, мулла Зафар? — деди.

— Үзини энди сал босиб олган Зафар уялинқираб:
— Яхши,— деб қўйди.

Тушлик пайти бўлган, лекин Аброрнинг ҳеч нарса егиси келмас эди. Ҳали кечгача югур-югур кўп бўлишини ўйлаб, бир стакан қатиқни тикка турганича ичди. Устидан чойнакда қолган совуқ чойни пиёлага қуйиб симириди. Кейин балконга чиқиб, кир ёйиш учун боғланган пишиқ чилвирни счиб олди. Холодильникдаги колбасадан уч-тўрт парра кесиб қогозга ўради.

— Қани, юр, Зафар, ўша итни менга курсат.

Зафар отасининг ниятига тушунолмаي ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. Ота-бола пастга тушиб, машинага минншди. Аброр машинасини катта йўлнинг нарёғига ўтказиб, тўрт қаватли уйнинг соясига қўйди, икковлари машинадан тушиб, ўша уйнинг нарёғидаги ҳовлига кирдилар ва дарахтлар соясида ўйнаб юрган болалардан сўраб-сўраб, итни ахийри топдилар. Қулоқлари ва думи ингичка оқ сарғиш ит асфальтда кўллаб етган сувни тили билан «шилт-шилт» ялаб ичмоқда эди. Ундан сал нарироқда — биринчи қаватнинг деразасига яқин қўйилган чорпоёда кекса бир одам ўзини теракларнинг соясига солиб ўтирибди. Аброр унга салом берди-да:

— Отахон, мен шу итни ушлаб боглаб қўйишим керак,— деди.— Ҳеч ким бунинг отини билмаяпти. Мабодо сиз эшитганингиз йўқми?

— Оқ сарғиш итчами? Бир эшитгандай булудим-а. Эсим қурсин! Орқа оёғига қаранг, панжасидан юқори-роғида битта ортиқча тирноғи борми?

Аброр тикилиб қараб:

— Бор,— деди.

— Бўлмаса оти Сиртлон бўлиши керак,— деди чол.— Битта тирноғи ортиқ итларга шунақа от қўйишади.

Аброр итга яқин борар экан, иложи борича майин тояуш билан:

— Сиртлон, Сиртлон! — деб чақирди.

Қочиб кетаётган ит бирдан тўхтаб ўгирилиб қаради.

— Ма, Сиртлон, ма! — деб Аброр унга икки парра колбаса ташлади. Ит колбасага интилди. Шунда Аб-

рор чилвирни унинг бўйнига тўгрилаб яқинига борди. Зафар узоқдан туриб:

— Дада, тегманг, сизни ҳам қопади! — деди.

Аброр унга жим дегандай, қўл силтади. «Қопса нима қиламан?!» деган ўйдан Аброрнинг ҳам юраги увишиб кетмоқда эди. Дайди итга қўл теккизишдан жуда жирканарди. Лекин ўгли учун шуни қилмаса бўлмаслигини сезиб турарди. Итнинг номи топилгани унга далла берди. Қаердадир: «Қутурган ит сувдан қўрқади, ҳеч нарса смайди», деб ашитгани эсига тушди. Сиртлон эса боя кўлмакдан сув ичди, ҳозир Аброр ташлаган колбасани еяпти. Аброр шуни ўйлаб дадилланди:

— Сиртлон... Сиртлон... Мана ҳозир... Сиртлон... ёт! Жим ёт! Сиртлон...

Аброр итни паст товуш билан аяраб, бўйнига секин чилвирни икки қават қилиб боғлади. Бир вақт ит узини орқага ташлади. Лекин Аброр чилвирнинг иккинчи учини маҳкам тутиб турарди.

Чорпонда ўтирган мўйсафид Аброрнинг итни дадил тутиб боғлангани ёқтирди-да, кулимсираб сўради:

— Уғлим, буни боқиб олмоқчимисиз?

— Йўқ, отахон, бу ит ўғилчамизни қошибди. Энди буни ветврач текшириб кўриши керак экан. Мен ҳозир машинада бариб ветврачни олиб келмоқчиман. Ўшангача бу итни дарахтга боғлаб қўйсам, болалар бушагиб юборишмасмикин?

— Йўқ, йўқ, ҳеч ким тегмайди, мен ўзим қараб тураман, — деди мўйсафид Аброрга алланечук қайишиб.

— Раҳмат, отахон, — деб Аброр чилвирнинг учини четки дарахтга маҳкам боғлади-да, қолган икки парра колбасани ҳам итнинг олдига ташлади.

Ҳовлининг ўртасида кичкина фонтанча бор эди. Аброр ўша ёққа ўтиб қўлини юваётганда Зафар дасанининг олдига чопиб келди:

— Дада, қўрқмадингиз-а! — деди болаларча ҳайрат билан.

— Қўрқсам ҳам боғлашим керак эди. Қандоқ қилай?

— Йўқ, сиз қўрқмайсиз! — деб кулди Зафар. Шу билан боланинг кўнглига ит қопганда ўрнашган қўрқув энди тарқади-ю, юзига бирдан қон югурди.

Буни кўриб, Аброр ҳам анча енгил тортди. Одам уз боласига бу даражада боғланиб қолиши уни хиёл таажжубга солди. Гўё Аброрга берилган ҳаётнинг энг беғубор, энг соф ва азиз бир қисми мана шу ўғлида эди. Агар ўгли оғир аҳволга тушса, Аброр боланинг ўзидан ҳам ортиқ изтироб чекар ва қийналарди. У фақат ўғлини эмас, ўзини ҳам шу ички қийноқдан қутқаришга жон-жаҳди билан интила бошларди. Бундай пайтда ташқи қийинчиликлар ва ноқулайликлар кўзига кўринмай қоларди.

Аброр ўғлини санига ўтқазиб, Чорсу орқали Самарқанд дарвоза кўчасининг пасту баланд тор жойларидан ўтди-да, бир неча марта тўхтаб, одамлардан сўраб-суриштириб, кўримсиз эски бинога жойлашган поликлиникани топди. Йўлакларининг деворига қутурган ит ва мушукларнинг рангли суратлари осиб қўйилган. Хушбичим врач йигит бинтни очиб, Зафарнинг ярасини кўрди-да, бошини чайқади.

— Қоидага биноан ҳозир биз уколни бошлашимиз керак.

— Қирқта уколни-я? Йўғ-э? Болани беҳуда қийнаш нимага керак? Ит касал эмас.

— Қани, ветврачдан справкангиз борми?

— Ҳозир йўқ, лекин шу бугун текширтирамиз. Эртага справка олиб келиб беришим мумкин.

— Бир-икки кунда ҳаммасини аниқлаш мумкин деб ўйлайсизми? Йўқ, бу касалликнинг инкубация даври икки ҳафта. Унгача биз қараб туролмаймиз.

Зафар бошини хиёл қийшайтириб, дадасига нажот сўрагандай термилиб турарди.

— Мен сизга эрта-индин ҳужжат олиб келиб бераман!— деди Аброр.— Бутун масъулиятини ўзимга оламан, ишонинг!

— Болани ҳозир аяйман деб, кейин армон қилиб юрманг яна!

— Армондан худо сақласин!

Сочлари оқарган кекса ҳамшира Зафарнинг ярасига дори қўйиб, бинт билан боғламоқда эди. Зафардорининг жизиллатиб ачитишидан лабини тишлаб:

— Иҳ! — деди-да, кўзи намланди.

Кекса ҳамшира врачга қараб:

— Ҳозир Тошкентда қутурган ит йўқ-ку,— деди
Врач йигит ҳовогини солиб:

— Бўпти, ҳозирча столбнякка қарши укол қилинг,— деди.

— Дада! — деди Зафар, уколдан юраги безиллаб.

— Энди бунисига чидайсан, Битта! Фақат битта! Сен ҳам йигитчасига туриб бер, ахир! Катта бўлиб қолдинг.

Зафар ҳадеб хархаша қилаверса яхши бўлмаслигини сизди-ю, индамай шортисини счди. Укол қилишганда овозини чиқармади, их ҳам демади.

— Уртоқ врач, ҳаммаси учун раҳмат, энди мен бу... ветеринария пунктини қандай топаман?

— Ҳали билмайсизми? Илгари Туркман бозорининг ёнида эди. Ҳозир Қўйлиқ томонга кўчган. Бешинчи трамвайнинг йўлида.

Аброр ўғлини яна ёнига ўтқазиб, машинасини шаҳарнинг иккинчи бир чеккасига қараб ҳайдади.

Соат кундузги учдан ошган, кўчаларда машиналар тигиз. Айниқса, Куйбишев шоссесидан бораётганларида оғир юк машиналари шу қадар кўп эди ва бири-бирига халақит бериб, шундай тутун буруқситиб боришар эдики. Аброр ҳамма деразаларини очса ҳам, ҳаво етишмаётгандай бўғилиб кетди.

Ветеринария пункти катта йўлдан четроқда — сардахт, тинч жойда эди, Аброр бу ерда сал нафасини ростлаб, ветврачга мурожаат қилди. Юмалоқ юзли, хипчагина қозоқ аёл ветврач экан. Абрордан воқеани эшитгач:

— Итти ала келинг,— деди.

— Қандай олиб келаман, опагон? Мени ҳам қопиши мумкин. Илтимос. Узингиз бирга журиг,— деб ветврач аёлга ҳурмат юзасидан сўнгги сўзни қозоқча талаффуз билан айтди.

Ветврач аёл унинг ёнида кўзалари жавдираб илтимоскорона қараб турган болага қайишди-ю, бирга боришга рози бўлди. Каттагина бир чиптақопни газетага ўраб олиб чиқди. Кўчада Аброр унга машинасинининг олд ашигини очиб берди.

Кечки соат тўрт. Куйбишев шоссеси боягидан ҳам тиқилинч. Нафас олиш боягидан ҳам оғир. Аброр машинани қийналиб ҳайдаб борар экан, ветврач аёлга ўғлидан нолиб гапирди:

— Уйинчоқлари кўп. Самокати ҳам бор. Шу итга тегиниб нима қилар эди денг-а!

Қозоқ аёл орқада айбдорларга ўхшаб жим ўтирган Зафарга кўз қирини ташлади-да, сўзларни ўзбекчага яқин талаффуз қилиб:

— Болаларга ҳам тушунув мумкин,— деди.— Темир, пласмасс ўйинчақдар буларга жақмай қалади, тирик жондор билан ўйнагиси келади. Ўзингиз балалиқта қўй, эчки боққанмисиз?

— Боққанмиз. Биз Зафардайлигимизда Тошкент ҳам бошқача эди-да. Мана шу Бўзсув бўйлари худди қишлоққа ўхшарди. Ҳамма болалар сигир, қўй-эчки боқиб, от, эшак миниб юрарди.

— Хозирги болаларга осн жетишпейди-да. Тошкентда урбанизация¹ тезлашиб кетди. Ҳовлилар, уйларнинг ўрнига кўп қаватли уйлар тушди. Эгалари ташлаб кетган дайди ит кўп.

— Шуларни тутиб кетадиган «Ит қути» машиналар бўларди-ку? — сўради Аброр.

— Бор. Лекин шаҳар жуда катта бўлиб кетди. Жетишмайди.

Зафар секин сўради.

— Дада, «Ит қути»да олиб кетган итларни ўлдиришадими?

Аброрнинг «ҳа» дегиси келмади:

— Бирон нарса қилиб йўқотишади...

Сиртлон ўша боғланган жойида турган экан. Аброр машинасини ҳовлидаги йўлка билан ҳайдаб ўтиб, итга яқинлашганда тўхтади. Ветврач «Сиртлон, Сиртлон» деб чипта қопнинг оғзини шимариб, итга яқинлашди. Кейин бир чаққон ҳаракат билан чипта қопни итнинг устига кийдирди-ю, қоп оғзини юқорига кўтариб тортди. Ит қопнинг ичига қандай кирганини Аброр сезмай ҳам қолди. Ветврач аёл қопнинг оғзини бўғиб, итнинг бўйнидаги чилвирнинг учи билан боғлади. Ит қоп ичида типирчилаб, бир-икки гингшиган эди, унинг отини айтиб:

— Жим жат! — деб буюрди. Сўнг Аброрга юзланди — Қапти мана бу четидан олинг. Энди кўтаринг.

Шу тарзда икковлашиб қопни машинанинг багаж-нигига жойладилар. Зафар буни кўриб, кулиб қўйди.

¹ У р б я н и з а ц и я — катта шаҳарларнинг тез ўсиши, саноат ва аҳолининг кўп йиғилиб, марказлашиши.

Яна ўша серҳаракат, тиқилинч Куйбишев шоссеси. Лекин Аброр яхши встарачга учраб, иши ўйлаганидан осонроқ битаётгани учун йўл машаққатларига унча эътибор бермас эди.

Ветеринария пунктининг ҳовлисида бостирмага ўхшаган жой бор эди. Бостирма тагида каттакон қафасларни эслатадиган темир панжарали ит катаклари турибди. Сиртлонни ўша катаклардан бирига олиб кириб қўйишди-да, унинг темир эшигини бекитишди. Сиртлон энди ҳайвонот боғида темир панжаралар ортида турадиган чиябўрига ўхшаб қолди.

Энди бунинг қонидан анализ олиб, касал ёки соғ эканини аниқлашгунча тўрт-беш кун ўтиши керак эди.

Аброр адрес билан телефонни қозоқ аёлга ёзиб берди. Машинасига ўтираётиб, соатига қаради. Беш.

Бир соатдан кейин ишхоналари ёпилади. Аброр ҳеч бўлмаса ҳозир ишга етиб бориши керак. Куннинг иккинчи ярмида ўғлининг ташвиши билан бўлиб қилолмаган ишини уйга олиб кетиб, кечаси қилиши мумкин.

Шу фикр билан яна Куйбишев шоссесига чиқди. Иш кунининг охирига бориб бу шосседа юк машиналари ернинг тагидан қайнаб чиқаётгандай тирбанд бўлиб кетган эди. Аброр мотор шовқини ва бензин дудига тўлиб-тошган кўчадан тезроқ ўтиб олишга интилар, лекин тезликни энди оширганда олдини бирорта «тошбақа қадам» юк машинаси ёки тележкали трактор тўсиб оларди. У баланд кузовларнинг тагига кириб кетай деганда тормозни чийиллатиб, машинани аранг тўхтатарди.

Шу шосседан бугун тўртинчи марта ўтиши. Спидометрга қараса тиқилинч шаҳар кўчалари бўйлаб ўғли билан бир юзу йиғирма чақирим йўл босибди. Олча ранг «Жигули» ҳам эгасига ўхшаб бардоши тугаётгандек асабий ҳаракатлар қилар, гоҳ силкиниб тўхтар, гоҳ сакраб қўзғаларди.

Аброр Зафарнинг лаблари қуруқшаб, ўзи бўшашиб ўтирганини кўрди. Машина яна бир тўхтаганда қўлини чўзиб, унинг пешанасини ушлаб кўрди. Иситмаси йўққа ўхшайди. Лекин бола бечора бошига тушган бу савдодан бир кунда бир неча ёш улгайиб қолгандай кўринади. Ахсига олиб, шундай пайтда

ҳамма нохуш нарсалар хотиранинг тешикларидан халамушларга ўхшаб чиқиб кела бошлайди. Идорада директор рад этган таклифлари, Москвага Баҳромов билан кетган Вазира, Устахонада уни кутиб турган чала ишлари... Бу ёқда болалар. У ёқда уйи бузилдиган бўлиб, бутун ташвишларини Аброр ўз устига олаётган кекса ота-она. Ҳар уч авлоднинг юки бир-варакайига Аброрнинг елкасига тушиб, мана бу сершовқин, ҳавоси бўғиқ кўчада унга шундай огир туюлдики, нафаси қайтиб кетаётгандай кўйлагининг олд тугмаларини жонсарак бўлиб юлқиб ечди.

* * *

Яхшики одамга сал тиним берадиган тун бор. Унинг сукунатида девор соатининг чиқиллаши эшитилиб туради. Узоқда трамвай чинқириб бурилгани қулоққа чалинади. Аброр кеч соат ўнларда Зафарни Вазиранинг каравотига ётқизди. Бола дадаси билан ёнма-ён ётиб бирпасда ухлаб қолди. Ётоқ билан Аброрнинг кабинети ичма-ич эди. Аброр ўрнидан туриб, ваннада ювинди. Кундузги чарчоқлар тарқаб кетгандай туюлди. Ошхонага чиқиб, рух чойнакка қора чой дамлади. Маликанинг дарсхонасида чироқ йўқ. У ҳам ухлаётган бўлса керак.

Аброр секин кабинетга ўтди. Уйнинг ётоққа чиқадиган эшигини очиқ қолдириб, стол лампасини ёқди. Чизмакашлик столи устида Марказий майдоннинг шарқ томонига янгидан қуриладиган фонтанлар аллеясининг илк лойиҳалари очиқ турибди.

Қуруқ чизиқлардан иборат бу умумий схема унга ёқмайди. Кўп нарса шошма-шошарлик билан юзакни ўйлаб чизилган. Нарёқдаги шаршара-фонтанда ишлатилган усуллар бу ерда ҳам такрорланган. Аброр шуни кўриб, ўзича «шаблон!» деб гижинди.

Лекин такрордан қутулишнинг йўлини ҳали у ўзи ҳам билмас эди. Манзарани зинқроқ тасаввур этиш учун бир тахта оқ қоғоз олдида-да, гажак бўлиб отилиб тушаётган фаввора-чалар расминини чизишга киришди. Қаламнинг уч-тўрт ҳаракати билан қоғоз юзида бир-бирига қўшилиб отилаётган ўнлаб фаввора кокиллар пайдо бўларди. Баландлиги тўрт метрча бўлса бас. Лекин сув кокиллари тигиз жойлашини

ва жуда кўп бўлиши керак. Юз, икки юз, беш юз, балки икки минг!

Аброр нарекдаги катта фонтаннинг йўгон ва узун соч ўримларига ўхшайдиган уч юзта қатор фавворалари салкам ўн метр баландликдан отилиб тушишини эслади. Фавворалар хисбонидаги фавворачалар эса уларга нисбатан беш-олти баробар кичик бўлади. Лекин сон жиҳатидан бир неча баробар кўп. Майда ўрилган кокиллардай гўзал фавворачалардан икки мингтаси офтобда йилтираб, ҳовуздаги зилол сув устига шовуллаб тушиб турса, унинг ёқимли товуши кўча шовқинини босиб кетиши аниқ. Ҳордиқ чиқаришга келган одамларга шу керак.

Бир вақт Аброр ўзи чизаётган фаввораларнинг ёқимли шовуллашини тун сукунатида аниқ эшитаётгандай бўлди. Ҳатто, сув пардаси орасидан катта кўчага қараётганда, юзига сув зарраларининг ёқимли эпкини тегиб кетгандай туюлди. Шундан сўнг кишига завқ берадиган гўзаллик олами унинг бутун борлигини чулғаб олди.

Аброр ўзи қиладиган ижодий ишнинг мана шу хусусиятини яхши кўрарди. Бундай пайтда бутун вужудида ажойиб бир сафарбарлик сезар, хотираси, зеҳни, шуури бир нуқта атрофига иноқ тўпланар эди. Бу унга зўр бир лупани эслатарди — қуёш нурлари лупадан ўтаётганда марказий бир нуқтага тўпланиб, кучи ва ҳарорати беқиёс даражада ошади-ю, теккан жойини ёндиришга қодир бўлиб қолади. Аброрнинг зеҳни ҳам ҳозир қилаётган ишига мана шу ички «лупадан» ўтиб бораётганга ўхшар ва у истаган ижодий оловни тобора яхши ёндирарди.

Аброр яна бир тахта қоғоз олиб, фонтанлар аллеясининг умумий схемасини қайтадан чизди. Ер тuzилиши галати. Илгариги Инженерлар кўчасининг ўрни текис. Лекин Хадича Сулаймонова кўчасининг Марказий майдонга туташган қисми анча баланд.

Аброр фонтанлар аллеясини проспекtdан икки метрча баландроққа жойлаштириб тасаввур қилди. Пастдан фонтан саҳнига чиқиладиган кенг зинапояларни қоғозга чизиб кўрди. Бу зинапоялардан кўтарилган одам олдинда шовуллаб турган фавворани кўриб кўзи бир қувонади. Фонтан саҳнидан туриб пастга қараганда эса проспект панорамаси унга ба-

ланддан тўлиқроқ кўриниб, яна бир завқ бсради. Фонтаннинг юқориси — текис, кенг майдон. Унга ҳам шунақа зинапоялар билан кўтарилиш мумкин. Иккинчи зинапоядан кўтарилган одам олдинга қараса, уфқи кенг, улугвор майдонга кўзи тушади. Орқага ўгирилганда эса шу майдонга мос тушган фонтанлар силсиласини-ю, уларнинг пастидан ўтган дарёдай бетиним кўчани кўради.

Аброр ҳали фақат ўзининг хаёлидагина гавдаланаётган бу манзарани шундай аниқ тасаввур қилдики, гўе унинг гўзаллигидан кўзлари қувониб, нафаси титрай бошлади.

Илҳом деб аталадиган бир момақалдиروқ ҳозир гўе унинг қалбида янграр, зеҳни ва тасаввури яшин тезлигида ишлар, кўпдан бери қидириб тополмаётган нарсалари шу ички чақмоқ ёруғида бирдан кўриниб кетар эди.

Аброр уйда ўтирганини ҳам унутган экан. Бир вақт ётоқнинг очиқ эшигидан Зафарнинг уйқуда босинқираган инграши эшитилди:

— К-е... кет! Тур кет!.. А! А-а!..

Аброр ўз уйига узоқлардан қайтиб келгандай бўлди-ю, югуриб ётоққа кирди:

— Зафар! Туш кўрдингми? Зафар!..

Аброр ўглининг титраётган гавдасини тўшакдан кўтариб, бағрига босди. Зафарни тушида катта кўппак итлар ўраб олиб, қопмоқчи бўлишган эди. Аброр ўглининг бошига лабини босди. Иситмаси йўқ.

— Кундуз қўрққанингдан тушингга кирган,— деди. Ҳеч нима қилмайди.

— Дада, сув!

— Ҳозир.

Аброр кабинетга чиқиб, стол четида турган чойнакни ушлаб кўрди. Илиқ. Ярим пиёла чой қуйиб келиб, Зафарга ичирди.

— Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

— Йўқ. Сиз ҳали ҳам ётмадингизми, дада?

Аброр ўглининг ёлғиз ётгиси келмаётганини сезди-да, соатига қаради.

— Икки бўпти. Майли, энди мен ҳам ётаман.

У ҳоғозларини наридан-бери йиғиштириб, устига оғиргина темир чизғични ташлаб қўйди. Тунги пи-

жамасини кийиб, чироқларни ўчирди ва Зафарнинг ёнига келиб ётди.

Зафар тушида кўрган кўппак итларнинг орасида Сиртлон йўқлигини эслади.

— Дада, Сиртлон нима бўлди?

— Темир қафасда ўтирган бўлса керак.

— Кейин-чи? «Ит қути» олиб кетиб ўлдирадими?

Аброр унинг уйқусини қочириши мумкин бўлган нотинч гаплардан қочди:

— Сиртлон соғ чиқса биров асраб олиши мумкин.

— Дада, ўзимиз олайли-ик!

Аброр унинг бу қадар унутувчанлигидан ҳайрон бўлди:

— Тортган азобларинг дарров эсингдан чиқдими?

— Сиртлон сизни қопмади-ку. Оти ҳам яхши экан. Ўзи ҳам бизни таниб қолди. Ўлдиришса уволига қоламиз.

— Бу сўзни қаёқдан эшитдинг?

— Бобомдан. Оламузма, дада?

— Квартирада ит асраб бўлмайди. Сиртлон ҳовлига ўрганган.

— Бобомларнинг ҳовлисида боқамиз.

— У ҳовли яқинда бузилади.

— Нега?

— Бунинг тарихи узоқ. Яхшиси ухлайлик.

Хўпми?

Зафар бирпас жим ётди, лекин уйқуси келмади:

— Дада, Сиртлонни биз ушлаб элтиб бердик. Энди уни биз олмасак ўлдиришади. Мен уволига қоламан.

Зафар бу сўзини иккинчи марта айтгандан кейин Аброр унинг қалби куйраклигидан тэъсирланди.

— Бўпти, агар Сиртлон соғ чиқса, қафасдан қутқариб оламиз. Машинанинг багажнигига солиб, шаҳардан ташқарига олиб чиқамиз. Ҳовлиси бор биророрта одамга берамиз. Бўлдими? Энди ухлайсанми?

— Ҳа! — деди Зафар ва кўнгли тинчиб, бирпасда ухлаб қолди.

Аброр кўп ишлагани учунми, анчагача кўзи илинмади. Эрталаб қаттиқ ухлаб ётганда эшикнинг қўнғироғи устма-уст жиринглаб уйғотиб юборди. Аброр кўзини уқалаб йўлакка чиқар экан, норози товуш билан:

— Ким? — деб сўради.

Эшик ортидан Вазиранинг овози эшитилди:

— Мен! Очинг.

Аброр ҳушёр тортиб, эшикни дарҳол очди-да, Вазиранинг қўлидан чамадонини олди.

— Зафар қалай? — ҳансираб сўради Вазира.

Сочлари ҳурпайган Аброр унинг Баҳромов билан Москвада нималар қилганини юзидан, ҳатто кийимларидан билиш мумкиндек, хотинига бошдан-оёқ синчиклаб қараб чиқди. Вазира эса унинг жавоб бермаётганидан хавотирланиб:

— Вой, нега индамайсиз?! — деди.— Зафар уйда-ми, йўқми?..

Вазира ҳозир ўғлидан бошқа ҳамма нарсани унутганини Аброр энди сезди.

— Ҳа ухлаб ётипти. Малика телефонда сизни кўрқитган шекилли?

— Вой, ёмон хабар ўлсин-ей! «Дадам докторга олиб кетувди, уч соатдан бери келмаяпти», деди. «Касалхонага етқизишган бўлса керак», деб калалагим учиб кетди.

Малика ётган хона эшикка яқин эди. У ойисининг овозидан уйғониб кетди-ю, девор орқали қичқирди:

— Ойим келдилар! Зафар!.. Ойим!..

Маликанинг ўзи дадасининг олдига ички кийимда чиқишга тортиниб анча кеч қолди. Лекин Зафар майкачан, яланг оёқ хобгоҳдан чопиб чиқди:

— Ойи! Ойижон!

Вазира энгашиб унга қучоқ очди. Зафар ойисининг бўйнига осилди. Вазира уни кўтариб уйга олиб кириб кетди. Кийимларини кийиб чиққан Малика ойисининг кетидан чопди. Хоналар қувноқ галаговурга тўлди.

Малика билан Зафар нима ҳодиса бўлганини ойиларига батафсил ҳикоя қила бошладилар. Аброр ваннахонага кириб, бет-қўлини ювди. Бугун ишга эртaroқ боришини ўйлаб, газни еқди-да, чой қўйди. Кейин Вазира болалар билан гаплашиб ўтирган хона орқали кабинетига ўтиб, кечаси чизган хомаки лойиҳаларини тахлай бошлади.

Болаларнинг ҳикоясидан Аброр жуда ажойиб бир ота бўлиб гаядаланарди. Хусусан, Зафар унинг итни

қандай тутиб боғлагани-ю, докторлар билан қандай гаплашганини ойисига айтиб берганда дадасидан астойдил фахрланаётгани сезилиб турарди... Вазира чамадонини олиб, болаларга совгаларини олиб берди-ю, Аброрнинг енига келди.

— Кечаси яна ишлабсиз-да. Бу ниманинг лойиҳаси?.. Фонтанми?

— Ҳа. Юбилейга улгуриш керак экан. Яна шошилич.

— Лекин директорларингиз буни сизга муносиб кўргани яхши бўпти. Табриклайман!

Вазира оёқ учида кўтарилиб, эрининг лабидан тезгина ўтди. Аброр қогозларини тахлашда давом этар экан, анча мулойимлашган товуш билан:

— Сафар дуруст бўлдимиз? — деди.

— Ҳа, хайрият, ишларимни эртaroқ битирган эдим. Эшитдимиз самолётга чопдим. Ўлсин бу дайди ит, келиб-келиб Зафарни қопадими, а?

— Зафар ўзи ит-мушукларга суйкалаверади-да. «Сув айланиб еригини топади» дегандай, бирда эмас бирла қопади.

— Ўзи, мен бир еққа кетсам бирон ҳодиса бўлмай қолмайди! Ё Малика ангина бўлиб, иситмаси қирққа чиқади. Ё Зафарнинг ўпкаси шамоллайди... Шу йил тинчроқ юрибман деб қувонган эдим-а. Зафарингиз биз йўғимизда нариги ҳовдиларга сандирақлаб бормаса, шундай бўлмасмиди!

Аброр қогозларини портфелига солар экан, овозини пасайтириб:

— Бола ҳам нима қилсин! — деди.— Ўзимизнинг ҳовлидаги болалар майдончасини Баҳромов қурилишга олиб берди. Ушанинг касофати урмаганда балки Зафар нариги ҳовдиларга кетмас ҳам эди. Сиз бўлсангиз, ўша одам билан апоқ-чапоқ бўлиб, бирга жўнаб кетдингиз.

— Рейсимиз тасодифан тўғри келиб қолса мен нима қилай?

— Минг тўғри келиб қолганда ҳам, унинг кимлигини унутмаслигингиз керак эди.

— У ким бўпти ўзи? Синфий душманми?

— Лекин бизга дўст эмас. Мен буни яхши билман.

— Дўст бўлмаса, шунчаки ёрдамга муҳтож ҳамкасаба ўртоқдир. Ўзингизга душман орттириб нима қиласиз? «Сен фил бўлсанг ҳам, сичқондай душманинг бўлмасин», деган гап бор. Шунинг учун мен унинг муомаласига яраша муомала қилиб юрибман.

Аброр портфелини ёпиб, соатига қаради.

— Саккиз бўляпти... Бу гапга кечқурун ҳали қайтамыз.

— Ишга шошиляпсизми? Бўлмаса нонушта тайёрлай... Малика, нималаринг бор?

Телевизор турган катта хонада Зафар ойиси олиб келган ўзи юрар танкни тугмасидан босиб, гилам устида гоҳ тўхтатиб, гоҳ чоптириб ўйнамоқда эди.

Малика ойиси билан бирга ошхонага чиқиб, холодильникни очиб кўрсатди:

— Пишлоқ бор, қаймоқ бор. Сут...

Аброр электр устарани шигиллатиб, соқол олмоқда эди. Малика унинг олдига келди:

— Дада, ойим сўраяптилар. Қаймоқ сўсизми? Ёки ширчой ичасизми?

— Ширчой. Кофе ҳам қилинглар. Бош хумдай . Уйқу кам бўлди-да.

У соқолини олиб, юзига «Шипр» суртди-да, кийим жавонини очди. Енгилроқ кўйлак ва шим қидирди. Май охирлаб, кунлар исиб қолган, квартира эрталабдан дим эди. Аброр майда тешикчалари гулга ўхшатиб ишланган писта ранг теннискасини кийди. Йўл-йўл кул ранг шимини кўлига олиб қараса, дазмоли бузилган. Уни йўлакдаги дазмол столининг устига чиқариб қўйди ва электр дазмолни қидира бошлади.

Олдига гулдор пешбанд боғлаган Вазира оловдан юзлари қизариб ошхонадан йўлакка чиққанда Аброр шимини дазмолламоқда эди.

— Ширчой тайёр. Кириг, ичинг. Буни менга беринг.

Вазира қўлини сочиққа артди-да, дазмолни Абрордан олди. Унинг узоқ йўлдан келганига қарамай, дарҳол рўзгор ишларига киришиб кетгани Аброрнинг кўнглида илиқ бир мамнуният туйғусини уйготди.

Нонушта мазали бўлган экан. Аброр устидан кофе ичди-ю, хийла таъби очилди. Кабинетга қайтиб келса, Вазира силлиқ дазмолланган кулранг шимни стулга осиб қўйибди. Аброр кийиниб, портфелини қўлига олди. Вазира танкини ўйнаётган Зафарнинг олдида ўтирган эди. Аброр унга илиқ бир сўз айтгиси келди:

— Қўлингиз ширин-да. Нонуштани бошлабсиз... Бугун ишга бормайсизми?

— Малика мактабга кетяпти. У қайтгунча Зафар билан ўтириб турай. Командировка вақтим ҳали тулган эмас. Сиз мол докторига қачон учрайсиз?

— Анализи яна уч кунда тайёр бўлса, кейин учарман.

— Унгача бирон кор-ҳол бўлмасмикан?

— Ким билади? Кўрамин-да. Хўп, мен кетдим.

Аброр машинаси қўйилган гаражгача пиёда бора экан, ўзини кечагига нисбатан хийла яхши ҳис қилар эди. Рўзгор ташвишини ва Зафарга боғлиқ хавотирликни Вазира ўзига кўпроқ олгани сари Аброрнинг огири енгиллашгандай бўларди. У энди уйга қаёлики бўлмай, бутун кучини ишга сарфлаши мумкин эди. Вазира унинг кечаси қилган ишига бир кўз ташлаш билан қўл нарсани тушунгани, ҳатто қувонч билдиргани ҳаётларининг иккита энг муҳим томонини — оила билан ишни — яхлит қилиб бирлаштиришга ёрдам бергандай бўлди. Аброр машинасини катта кучата олиб чиқар экан, шаҳар марказига яна бир бориб, фонтанлар аллеясининг урнини синчиклаб кўриб чиққиси келди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Жавзо иссиқлари бошланган. Тошкентда эрталабдан офтоб қиздирган сари одамларгина эмас, машиналар ҳам соя қилира бошлайди. Ҳайдовчилар катта-катта юк машиналарини, ҳатто узун автобусларни ҳам серсоя чинорлар билан эманлар соясига қўйишга, ҳеч бўлмаса ўзлари ўтирадиган кабиналарни дарахт салқинига олишга интилишади. Шаҳарда йил сайин машиналарнинг сони ҳам, тури ҳам кўпайиб боради, лекин ҳамма жойда қурилиш кетаётганлиги, янги уйлар бина қилиш учун эски маҳаллаларни бузишга тўғри келаятганлиги сабабли

катта ёшли серсоя дарахтлар камайиб кетяпти. Шунинг учун машина салқинда турадиган соя жой топиш осон эмас. Аброр кўпинча машинасини офтобнинг тигида қолдириб кетиб, бирор соатдан сўнг уни келиб очса, қиздирилган тандирнинг тапти юзига гупиллаб урилар, руль чамбараги ҳам ушлаб бўлмайдиган даражада жизиллаб тегар, деразаларни очиб, машинани хиёл совутгунча уни азоб билан ҳайдаб борар эди. Бироқ ҳозир Инженерлар кўчасида кекса эманнинг тагида битта машина сигадиган соя жой бўш турганини кўриб қувониб кетди ва дарҳол машинасини ўша жойга қўйди.

Қўлида лойиҳа солинган жилд билан Хадича Сулаймонова кўчаси томонга ўтди-да, ер тузилишини кечаси чизган хомаки режасига солиштириб кўра бошлади. Ўрданинг кўприги томондан Абдулла Тўқай кўчаси бўйлаб трамвай кучаниб чиқиб келмоқда, чунки майдон баландликда эди. Трамвай Хадича Сулаймонова кўчасига бурилгандан кейин пастга томон шигиллаб осон кетар, чунки йўлнинг бу томони нишаб эди. Бу кўчалар бўйида қанча бинолар, дов-дарахтлар, ҳовлилар бор. Ҳаммасининг умри тугаб бораётганини, беш-олти ой ичида мана шу трамвай изи ҳам, Инженерлар кўчаси ҳам, унинг атрофидаги бинолар ҳам қандай олиб ташланишини кўз олдига келтирганда, Аброрнинг кўнгли галати бўлиб кетди. Анҳор бўйидаги отасининг ҳовлиси, гуллаган тоқлар, Бўзсувнинг тунги сарин нафаси эсига тушди. Мана бу ҳовлиларда ҳам қанча тоқлар ҳозир гуллаб турган бўлса керак. Шу атрофдаги қайси бир ҳовлида икки туп нодир дарахт — япон магнолияси бор, Аброр уларнинг гул очган пайтини кўриб, қанчалик маҳлис бўлгани ҳеч эсидан чиқмайди.

Майли, эски уйлар кетсин, майда-чуйда дарахтлар ҳам ноилож кесилар. Лекин шунча жойга соя бериб турган ва осмонга азаматларча бўй чўзиб, қулф уриб кўжарган ана у юз йиллик эманлар, чинорлар нима бўлади? Ҳу, ана, Коммунистлар кўчаси томонда уч қаватли уй ортидан бўй чўзиб, яна беш метрча баландга кетган ва бўйни узун жирафага ўхшаб кўринадиган қарағай ҳам унга шу саволни бераётгандай бўлди. Одамлар бу дарахтларни тўқсон-юз йил сугориб, парвариш қилган, Аброр бугун кечаси чиз-

ган лойиҳа мана шу дарахтлардан ҳам гўзалроқ, фойдалироқ, муҳимроқ бир натижа берармикан? Бу дарахтларни шу даражага етказиш учун юз йил вақт кетган. Аброрга эса ярим йил муҳлат берилди...

Аброр жилд ичидаги лойиҳа — пландан бу дарахтларни қидириб кўрди. Пландан ҳар бир кўча, уй, ҳар бир қувур, ҳатто канализация қудугининг темир қопқоғи жуда аниқ кўрсатилган, лекин шундай катта дарахтларда бирор чизик ифода этилмаган. Чунки улар пулга қурилган объект ҳисобланмайди, инвентарь сифатида баҳоланмайди, юз йил олдинги кўчатнинг нархи ҳаммаининг эсидан чиқиб кетган, энди бу дарахтлар учун ҳисоб берадиган, улар қирқилса товон тўлайдиган жавобгар одамнинг ўзи йўқ.

Шундай қудратли кўринган юз йиллик дарахтлар фақат инвентарь номери-ю, қогоздаги нархи билан ҳисоблашадиган лоқайд одамлардан ўзини қандай ҳимоя қилсин? Тўғри, бундай дарахтларни авайлаб сақлаётган инсофли одамлар ҳам бор. Бу ердан сал наридаги мовий гумбазлар атрофида ҳар бирининг атрофига чиройли қилиб тош қаланган ва табиат обидасидай асралаётган чинорлар, эманлар Аброрнинг кўз олдига келди. Табиат ҳар бир одамни аслида пок виждон билан бирга яратса керак. Шундай бўлмаса, болалардаги поклик қасрдан келади? Кечаси кўрган қўрқинчли тушидан кейин ўзига озор берган Сиртлонни кечирибгина қолмай, ҳатто уни қутқариб қолишга интилган Зафар «увол» деган муқаддас туйғуни қасрдан олган? Бобоси айтган бўлса ҳам эсидан чиқиб кетиши мумкин эди-ку. Йўқ, одамда ўзи қилган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам йўқ бўлиб кетмайди, қасрдандир, нимадир бўлиб қайтади, деган табиий бир эътиқод азалдан бўлади. Аброр бу эътиқодни эси хирган йиллардан бери ўз қалбида олиб юрибди. Унинг дилида ота-оналардан ўтган, ҳаётида кўп марта синалган шундай туйғулар борки, уларни сўз билан ифодаб бўлмайди, фақат ҳаётда ҳали аниқланмаган сирлар кўллиги, шу сирлар орасида виждон билан боғлиқ бўлган муқаддас бир ҳайиқиш ҳам борлигини билади. Масъулият туйғусининг энг олий шакли бўлган бу ҳайиқиш уни, «ўзимдан баландда ҳеч ким йўқ» деб ҳовлиқиб кетишлардан асрайди. У ўзидан баландда ҳамма нар-

сани кўриб турадиган виждон кўзи, ҳар бир сўзини эшитиб турадиган ва ҳатто кўнглидан ўтган ҳар бир ўйни илғайдиган имон, эътиқод қулоқлари борлигини ич-ичидан ҳис қилиб ўрганган. Емон бўлишдан сақланиш, жониворларга ёки мана бу дарахтларга завол келтиришдан, уларнинг увологига қолишдан ҳайиқиш ана ўша пок виждон ва юксак эътиқоднинг яшаш шартига айланган. Қалбини илтиб, нурлантириб турадиган бу поклик ва юксаклик таъби тирриқ, кўнгли хира пайтларда уни тарк этади-ю, бутун ҳаёти худди кўримсиз чироқсиз уйдаи хуфтон бўлиб қолади.

Бироқ ҳозир унинг қалб уйида барча чироқлар парпираб ёниб турибди. Кечаси келган илҳом ҳали қайтиб кетган эмас. Аброр бўлажик зинапоялар, фияворалар, ҳовузларнинг ҳаммасини кўз олдига бир-бир келтирди-да, сўнг нариги қарагай, беридаги чинор ва эманларнинг ўрнини аниқлай бошлади. Ҳар бир метр масофа беҳато ҳисобланиши керак эди. У кўзига энг ихши кўринган дарахтларнинг бўлажак фонтанлар аллехасидан қанча масофада бўлишини қадамлаб ўлчаб кўрди. Баланд ва кўркам дарахтлардан тўрттаси фонтан туфайли қирқилиши керак экан. Лекин агар фонтан ўн метр жинуброққа олинса, шулар сақлаб қолиниши мумкин экан.

Яшнаб турган бу азим дарахтлар ҳам Аброрнинг ўз лойиҳасига ўзгартишлар киритиш ниятини мустаҳкамлагандай бўлди. У устахонасига борди-ю, дарҳол директорнинг қабулхонасига телефон қилди.

• • •

Сайфулла Раҳмонович эрталабдан шаҳар Советига ва архитектура бошқармасига кетиб, Аброрни тушдан кейин қабул қилди.

— Ярим соатдан кейин шаҳар партия комитетига борадиганман,— деди у.— Шунгача улгуримизми ё эртага қолдирайликми?

Аброр яна бир кун ютқазгиси келмади.

— Улгуришга ҳаракат қиламан,— деб, янгидан чизган лойиҳаларини стол устига ёйди. Сайфулла Раҳмонович креслосидан кўтарилиб, лойиҳаларга тикка турган ҳолича кўз югуртирди.

— Фонтаннинг кокиллари жуда кўпайиб кетиб-дими? Мунча тигиз? Бизда саккиз юзта эди, чамаси.

— Сонини кўпайтириб, сифатга айланадиган нуқтасига етказиш керак. Қудрати нариги шаршара фонтанга муносиб бўлсин. Ахир бу ҳаммаси бир ансамблга киради. Бирини бирига яраша бўлиши керак.

— Тўғри-ю, лекин сизга иш кўпаяди-да. Ҳар битта «кокил»ни миллиметригача аниқ ҳисоблаб, чизиб жойлаштиришингиз керак. Ҳар биттасига борадиган сувнинг йўлини лойиҳалаштириб чиқишни ўйладингизми?

— Ўйладим. Лекин гўзаллиги шунча меҳнатларга арзийдиган бўлади, Сайфулла Раҳмонович. Улкан майдонга яраша улуғвор шовуллаб турадиган бўлса, биз ишлаб чарчамаймиз.

— Инженерларга ҳам иш кўпаяди, маъдан кўп кетади. Лекин... Майли, ҳилиш мумкин. Яхши ўйлабсиз.

Аброр дадилланди-ю, қийинроқ масалага ўтди:

— Мана бу ерда юз йиллик эманлар бор. Майдон жуда катта бўлаётганини биласиз. Сайфулла Раҳмонович. Бир айланиб чиқиш учун беш-олти километр йўл юрилади. Ёз жазирамасида соя берадиган дарахт бўлмаса майдондан ўтишга одамнинг юраги бетламайди.

— Қарагай билан арчани кўпайтирамиз.

— Яхши! Лекин арчалар соя бермайди. Соя берадиган чинорлар, ясенлар, эманлар мана шу Коммуналчилар кўчасида анча бор. Мен бугун бориб айланиб кўрдим. Бу кўчада иккита япон магнолийси бор экан.

— Буларни, албатта, сақлаб қолиш керак!

— Лекин лойиҳа топшириқларида дарахтлар мутлақо ҳисобга олинмаган. Қўйиб берсак, ҳаммаси қирқилади.

Сайфулла Раҳмонович соатига қараб олиб:

— Таклифингиз нима?— деди.

— Фонтанни проспекtdан сал баландроққа қурсак дейман.— Беш-ўн метр ўнга олинса беш-ўнта ажойиб дарахтлар сақлаб қолинади.

Сайфулла Раҳмонович Аброр чизган зинапояларни энди кўрди-ю:

— Бу анча жиддий ўзгариш-ку,— деди.— Зинапоялар лойиҳа топширигида йўқ. Бу лойиҳа қанча жойнинг тасдигидан ўтган. Бу ўзгаришларни киритиш учун кўп жойларнинг рухсатини олишимиз керак. Бунга вақт қани?

— Лекин кўзимизга кўришиб турган камчиликларни ҳозир тузатмасак, кейин ишимиз қийинроқ бўлмайдими? Қурилиш бошлангандан кейин: «Тузатилсин!» деб қолишса-чи? Ёки қурилиб бўлгач, кейин танқид эшитсак-чи? Ҳали ҳаммаси қоғозда турибди. Ҳозир ишни мукамал қилиш имконияти кўпроқ. Шунинг астойдил тушунтириб айтсак, бошқарма ҳам, бошқа жойлар ҳам йўқ демайди.

— Яна муҳокама, мунозара... Шу сизга жуда керакми, Аброр Аъзамович?

— Лекин мана бу юз ёшли дарахтларни сақлаб қолиш керак-да, Сайфулла Раҳмонович. Бунинг соясида қанча одам дам олади, қанчаси сизга раҳмат айтади!

— Шу одамларнинг яна қанчаси дарахтларнинг тагига қоғоз-поғоз, бўш шиша, ахлат ташлайди! Бўш шишани уриб синдириб кетадиганлари ҳам бўлади. Ўшаларнинг раҳматисиз ҳам бир куним ўтар!

— Рост, маданиятсиз одамлар ҳам бор. Лекин биз бу майдонни яхши одамлар учун қуряпмиз-ку, ахир!

— Одамлар соялаб ўтирадиган жойлар шаҳар четларида ҳам оз эмас. Аммо бизнинг марказий майдонимизда Тошкентдай пойтахтга муносиб бир салобату тантанаворлик бўлиши керак. Бу ерда ўсадиган нодир гуллар, ноб дарахтлар одамни ҳайрон қолдирсин! «Бизнинг иссиқ иқлимимизда нинабаргли дарахтлар яхши ўсмайди», деган ақида бор эди. Биз бу ақидани елгонга чиқарамиз. Мен Кавказ шаҳарлари билан гаплашдим. Нальчикда, Кисловодскда ўсган теракдай баланд кумуш ранг арчаларни кўрганмисиз?

— Кўрганман... фақат...

— Шошманг! Ана ўшаларнинг ўн ёшли кўчатларидан юзтасини олиб келиб марказий майдонга ўтқазамиз. Тошкент Дендропаркидан лола дарахтларини оламиз. Америка қитъасида ўсадиган бу нодир дарахтнинг бўйи эмандай баланд, гуллари худди олтин ранг долага ўхшайди. Рус ўрмонларидан оқ қайинлар, Озарбайжондан Ленкоран акацияси олиб

келамиз. Қрим қарағайлари бўлади. Грециянинг со-
фора дарахти, японларнинг олҳиротга ўхшаш қизғиш
ўсимлиги — ҳаммаси марказий майдонимизни бутун-
иттифоқ миқёсида безайди, унга оламшумул тус бе-
ради. Сиз эса сояни айтасиз!

— Сайфулла Раҳмонович, мен ҳам майдоннинг
оламшумул зийнатига жуда тарафдорман. Кумуш ранг
арчалар ҳам ажойиб, Қрим қарағайлари ҳам гўзал, лола
дарахтлари ҳам яхши. Лекин шулар қаторида ўзимизда
қадимдан машҳур бўлган сарв дарахтларини, гўзал са-
дақайрағочларни ҳам ўстирсак ёмон бўладими?

— Бу эски дарахтларнинг даври ўтган. Ҳозир
уларни Тошкентда ўстириб бўлмайди.

— Нега? Сарв дарахти Тошкент Дендропаркида
бор.

— Ўлгундай секин ўсармиш.

— Арчага ўхшаб ўсади-да. Лекин сарв икки минг
йил умр кўради. Туяга миниб узоқни кўзлаган одам-
лар сарв экади. Навоийлар, Улугбеклар даврида сарв-
лар жуда кўп бўлган. Мен яқинда Москвадан,
Киевдан келган меҳмонларни Самарқанд, кейин Ур-
ганчга олиб бориб келдим. Улар: «Улугбек эккан сарв-
лар қани?» деб сўраб қолишди. Топиб беролмадик.
Ургутга олиб бориб, булоқ бўйидаги минг йиллик чи-
норларни кўрсатдик. Хурсинд бўлганларини кўрсангиз.
Хоразмдаги зўр садақайрағочлар — гужумлар ҳам
уларни қойил қилди. Жийда гуллаган кезлар эди. Жий-
данинг кумуш баргига, олтиндай гуллаган ажойиб
қидига маҳлис бўлиб қолишди. Нега шундай са-
дақайрағочлар, жийдалар Тошкентда кам?— деб савол
беришди.

— Садақайрағочларни Навоий театрининг атроф-
ларига эккан эдик, қуриб қоляпти-ку...

— Уларга касал теккан, Сайфулла Раҳмонович.
Вақтида дори пуркаб, сув бериб, парвариш қилинса
қутқариб қолиш мумкин эди. Қайрағочлар сув
бўйларида, ҳамқатнов жойларда, бензин дудидан
узоқроқда яхши ўсиди. Бунақа нодир дарахтларимиз
худди Самарқанднинг носб обидаларига ўхшаган уну-
тилмас бир тасаввуур беради. Шунинг учун одамлар
Регистон майдонида қанча кўп расмга тушсалар, минг
йиллик чинорлар, ажойиб садақайрағочлар тагида
ҳам шундай кўп сурат олдиришади.

— Нима, биз энди одамларнинг қасрда кўпроқ расмга тушишига қараб иш қиламизми, Аброр Аъзамович?

— Гапимни тўғри тушунинг, мен кишиларнинг талабини ҳисобга олайлик, табиий шароити билан ҳам ҳисоблашайлик, демоқчиман, холос. Мана бу лойиҳада кумуш ранг арчалар билан оқ қайинларга кунни бўйи офтоб тушиб турадиган энг иссиқ жой танланган. Лекин бу дарахтлар салқин, нам ҳавони яхши кўради.

— Биз бу дарахтларнинг ҳар бирига ер ости қувурларидан сув олиб борамиз, ҳар бирининг олдида махсус пуркагичлар ишлаб, ҳавони намлаб туради.

— Шундай қилганимизда ҳам бу дарахтлар офтобнинг тигида касалланиб қолади. Мен буларнинг ҳаммасини тажрибадан ўтказганман, Сайфулла Раҳмонович. Табиат билан ҳисоблашмай илож йўқ. Гармсел шамоллар бўлади. Офтобнинг тигида ҳарорат элликдан ошадиган саратон кунлари кумуш ранг арчага жуда ёмон таъсир қилади, чиройли шохлари қўполлашиб, шаклини йўқотади, дуруст ўсмай, ранги, шакли ўзгаради, минг парвариш қилсангиз ҳам, баъзи шохлари қуриб қолади. Оқ қайин ҳам офтобнинг тигида танаси сарғайиб, хира тортади, асли табиат берган тоза ранги, нафосати кета бошлайди.

Сайфулла Раҳмонович бу гаплардан сергахлашиб, овозига расмий тус берди:

— Хўш, таклифингиз нима?

— Таклифим шуки, кумуш ранг арча билан оқ қайинни офтобнинг тигига эмас, иморатларнинг ёнига, сояроқ жойларга ўтказайлик.

— Қани, лойиҳа бўйича кўрсатинг-чи? А-ҳа, демак, сиз уларга майдоннинг четидан жой бермоқчимисиз?

Сайфулла Раҳмонович ўз ёнида қатор турган телефон аппаратларига кўз ташлаб қўйди. Телефонлар ҳаммаси жим турган бўлса ҳам, Сайфулла Раҳмонович овозини кўтариб деди:

— Сизнинг бу таклифингиз гоёвий жиҳатдан нотўғри, ўртоқ Аъзамов! Кумуш ранг арчалар Кремль ёнида ўсадиган фахрий дарахтлардир. Шунинг учун биз уларга майдоннинг марказидан жой ажратганмиз.

Сиз эса уларни майдон четига олиб бориб қўймоқчисиз, бу — соғлом ният эмас!

Гапнинг кутилмаган томонга бурилиб кетгани Аб-рорни эсанкиратиб қўйди:

— Ие, а... Москвада ҳам кумуш ранг арчалар Қизил Майдон четида, Кремль деворлари тагида ўсади-ку. Мен уларнинг табиати билан ҳисоблашайлик, демоқчиман, холос!

— Табиатни пеш ҳилаверманг. Табиат биз учун худо эмас! Кумуш-ранг арчалар билан оқ қайинларни қасрга экиш бошқарма билан хелишилган. Мен бу масалани қайтатдан муҳокамага қўймоқчи эмасман!

— Ундай бўлса ўзингиз биласиз...

— Лекин сиз ҳам бундан кейинги ишларни яхши билиб қилишингиз учун бир нарсани очиқ айтиб қўяй. Қрим қарагайи еки Нальчик арчаси ўрнига, дейлик, чинор еки садақайрағоч, жийда экишни таклиф қилиш хунук бир мақаллийчилик, миллий маҳдудликдир!

Аброрнинг кўзлари олайиб, овози қалтираб кетди:

— Сиз менинг гапимни бузиб талқин қиляпсиз, Сайфулла Раҳмонович! Инсоф билан бир эсланг: мен, «қарагайининг ўрнига», деганим йўқ, «унинг снига, қаторига» дедим! Майдон катта, ҳаммасига ҳам ўрин топилади, дедим!

— Лекин мен қайрағочу жийдаларни бунақа марказий майдонга муносиб кўрмайман! Сизга қўйиб берса ҳар бир қишлоқ кўчасида ўсадиган толу теракни ҳам мана бу лойиҳага тиқмоқчисиз!

— Яна гапни буряпсиз. Мен сарвини, чинорларни айтдим! Ҳозир чинорларнинг адл қоматли янги навлари бор. Соябендай чиройли ўсадиганлари бор.

— Парадлар йўлкасидаги чинорлар етади бизга. Нодир нинабаргли дарахтлар кўпроқ керак!

— Майли, нодир дарахтлар ҳам бўлсин! Лекин нинабаргли нодир дарахтлардан ташқари яхши соя берадиган дарахтлар ҳам бўлиши керак эмасми? Америка арчасига чатиштириб ўстирилган туя деган дарахт шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам кўл. Бу майдонда уни камроқ лойиҳалаштирайлик. Баъзи жойларга мажнунтол экайлик. Анҳор бўйида бўш

турган жойларга чиройли кўк терак экиб қўйиш мумкин.

— Мен теракка қаршиман!

— Нега? Ахир терак нинабаргли дарахтларга нисбатан стмиш баробар кўп кислород беради! Ишонмасангиз мен китобини олиб келиб кўрсатаман. Етмиш баробар кўп! Катта шаҳарда яшайдиган одам кислородга қанчалик ташналигини биласиз-ку!

Раҳмонов Аброр билан тенг бўлгиси келмагандай, унинг гапини охиригача жим туриб эшитди-да:

— Бўлдингизми?— деди.— Сиз мутахассис сифатида ўз ишингизни яхши биласиз. Аммо нуқул қалтис муаммоларни кўтариб юрасиз!

— Сизга қалтис кўринган муаммоларни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйяпти. Биз бу долзарб муаммолардан ўзимизни олиб қочсак мардликдан бўлмайди. Ахир раҳбарлар ҳам, халқ ҳам: «Мураккаб муаммоларни четлаб ўтмасдан дадил ҳал қилинлар», деб бизга айтиб турибди-ку.

— Тўғрилиқча айтилган гапларни сиз бир дардга айлантириб юборяпсиз. Ҳолбуки, дард — соғломлик белгиси эмас!

— Э, ахир, соғ одам ҳам бирор муаммонинг ҳал бўлиши учун жон куйдириб дард чекиши мумкин-ку? Яхши маънодаги дард — бу меҳрдан, жонкуярликдан келиб чиқади. Усмон Носирнинг машҳур сатрларини эсланг: «Ишқ бўлурми дарди йўқ танда? Дардимсанки шеърим, яхшисан».

Сайфулла Раҳмонович сабрсизланиб соатига қараб олди. Кетадиган пайти яқинлашиб қолган эди:

— Шеърый баҳслар учун менинг вақтим йўқ, ўртоқ Аъзамов! Мен директор сифатида ўз қўл остида ишлайдиган одамларнинг мафкуравий соғломлиги учун ҳам жавобгарман. Шунинг учун сизни бир нарсадан огоҳлантириб қўймоқчиман.

— Қайси нарсадан?

— Сизни студентлик давридан бери биладиган бир ўртоқ масъул кишилар даярасида ғалати гап айтган эди. «Аъзамов сирганчиқ йўллардан кўп юради, миллий маҳдудлик томонга огиб кетади», деганда мен сизни ҳимоя қилган эдим. Аммо бугунги гапларингизга қараганда, ўша ўртогингиз ҳақ экан. Сизда маҳдудлик томонга огиш бор!

— Бўлмаса мен ҳам очигини айтай...

— Шошманг! Сиз бу иллатдан тезроқ қутул-масангиз ўзингизни ҳам қийнаб қўясиз, бизни ҳам.

— Рухсат беринг, мен ҳам очигини айтай.

— Энди айтинг.

— Мени студентлик давримиздан бери кузатиб юрган ўша ўртоқ кимлигини аниқ билмайман. Балки Баҳромовга ўхшаган одамлардан биридир. Булар эл-лигинчи йилларнинг бошларида соғ нарсалардан ил-лат қидириб, ҳатто «Алпомиш»дай халқ достонини халққа қарши зарарли нарса деб юрган пайтлари эси-миздан чиққан эмас.

Сайфулла Раҳмоновичнинг ўзи ҳам ўша вақтларда яхши совет архитекторларидан бирига ноўрин ғоявий айблар тақаб, уни «фoш» қилишга уринган, бироқ эллик олтинчи йилда ўзи фoш бўлиб, уятга қолган, кейинчалик хатосига иқроф бўлиб, уни такрорламас-лик шарти билан раҳбарий ишга ўтган эди. Шунинг учун бу тўғриларда гап очилишидан юраги доим бе-зиллаб турарди. Ҳозир ҳам бирдан жаҳли чиқиб Аб-роғга ўшқирди:

— Тузатилган камчиликларни ковлаштириш ни-мага керак? Биз ҳозир бутунлай бошқа даврда яша-япмиз!

— Сизнинг бугун менга қўйган айбларингизда ўша эски ҳадиксирашларнинг инерцияси сезилиб қол-маганда мен бу гапни қўзғамас эдим...

— Сиз асоссиз гапларни қўзғаяпсиз!

— Асос келтирай бўлмаса! Мен фақат Ўзбекистонда эмас, бутун мамлакатимизда сугориладиган ерларнинг ландшафт архитектурасини ўрганиб чиқиб, диссертация еқладим, китоб еадим. Москва олимлари ҳам, ўзимизнинг республика мат-буоти ҳам бу ишга ижобий баҳо берди, мени бутун-иттифоқ миқёсида фикрлайдиган мутахассис деб баҳолади.

— Сиз бу баҳодан эсанкираб, ҳовлиқиб қолганга ўхшайсиз, ўртоқ Аъзамов!

— Аксинча, агар мен чекланган лоқайд бир одам бўлсам эдим, сизнинг ҳамма гапингизга кўнардим, «кейин нима бўлса бўлар, ҳозир топшириқни бажар-иб, мукофотини олиб кетавсрай-да», дер эдим. Ле-

кин мен бундай қилолмайман, бунга виждоним йўл бермайди. Уша оқ қайинлар, кумуш ранг арчалар офтобнинг тигида қуриб қолмасин, деб жон куйдирганим учун сиз билан баҳслашяпман, уларнинг табиатига тўғри келадиган яхши жой танлайлик деяпман!

— Қайрагочу сарвлар ҳақидаги гапларингиз-чи?

— Бунинг ҳам сабаби бор. Ҳар бир ўлканинг ўзига хос дарахлари, ўз табиатига муносиб манзаралари бўлади. Урол Тансиқбоевнинг суратларини эсланг. Тоғлар, мирзатераклар, гуллаган ўриклар, улугвор чинорлар, садақайрагочлар. Рассом уз ўлкасининг энг гўзал дарахларини, энг ажойиб манзараларни эъозлаб суратга олса-ю, уларни жаҳонга кўрсатса, бу гўзалликлардан бошқа қардош халқлар ҳам баҳраманд бўлади. Ахир бу гўзал дарахлару манзараларни писанд қилмай ерга урган ношукур одамдан кўра уларни эъозлаб, бошқа халқларга ҳам кўрсата олган, шу билан уларнинг дилида ҳам янгича бир завқ уйғота олган Урол Тансиқбоев ўзининг байналмилал бурчини юз карра яхшироқ бажарган бўлмайди? Мен ҳам мана шунинг учун бояги таклифларимни сизга айтган эдим. Лекин сиз гапни кутилмаган томонга буриб юбордингиз. Агар ҳозир шу кабинетда икковимиздан биримиз нотўғри йўлга оғиб кетган бўлсак, бу мен эмас, балки сиз!

Сўнги гап Раҳмоновга жуда қаттиқ ботди. У ранги қув ўчиб ўрнидан сақраб турди, худди минбардан гапирландек, овозини кўтариб:

— Бекорларни айтибсиз!— деди. Мен бундай игво гапларни қатъиян супуриб ташлайман! Сафсата сўқишга вақтим йўқ! Агар менинг фикримга қўшилмасангиз, бошқармага арз қилинг! Мендан ақллироқ бўлсангиз, балки сизни директор қилиб қўйишар. Лекин ҳозирча мен директор эканман, сиздан иш талаб қиламан, гоъвий қингайишларга ҳам йўл қўймайман!

Аброр қоғозларини шошилмай йиғинштириб олди-ю, тишини тишига қўйиб, бошқа ҳеч нарса демай чиқиб кетди.

Кечаги чарчоқларга бугунги асабий гаплар қўшилиб, Аброр ишдан жуда бўшашиб чиқди. Кўнгли хира, боши лўқиллайди, кўкрагининг чап томони тош осиб қўйилгандай оғир. «Агар мендан ақллироқ бўлсангиз балки сизни директор қилиб қўйишар...» Аброр бу гапни ичига ютиб индамай кетгани энди алам қилмоқда эди. Наҳотки у амал талашган бўлса? Хаёлида ҳамон Сайфулла Раҳмонов билан баҳслашар, рудда ўтиргани гоҳо эсидан чиқиб кетар, машинани паришонлик билан ҳайдаб борарди. Тиқилинч бир чорраҳада қизил кафғирчаси билан йўл кўрсатаётган милиционер қаттиқ ҳуштак чалиб уни тўхтатди. Шунда у хаёлини сал йиғиштириб, кўча қондасини бузганини сезди. Милиционер унинг узрлари ва ялинишларига қарамай, огоҳлантириш талонини шартта тешиб берди. Талонда бултурги тешик ҳам бор эди, сенига янгиси қўшилганидан Аброрнинг алами ошиб, милиционер билан гижиллашиб қолди. Агар оғзидан қўпол гап чиқса милиционер уни безориликда айблаб, ёмонроқ жазога тортиши ҳам мумкин эди. Бир пайт Аброр бунни сезди-ю: «Бас!» деб машинасига қайтиб ўтирди. Хаёли бу межарога алаҳсиб, нариги дардлари бирпаста эсидан чиққан эди. Қайтадан эсига тушганда кўнглининг аллақасерида ҳушёр торттирувчи бир туйғу уйғонди. «Баттаридан эҳтиёт бўл. Яхшиси, бирон чора топиб, сал ўзингга кел, нафасни ростла. Уйда сени кутиб ўтирганлар бор». Аброр бир оз йўл юргач, таниш гастроном олдида машинасини тўхтатди-да, унга кириб чиқди. У ўз уйларининг эшиги олдига келиб, инглизча қулфга калит солаётганида портфелида яккита шиша бир-бирига секин урилиб шиқирлаб қўйди. Эшикдан кираётганда Зафарни кеча ит қопгани эсига тушди. «Тинчлик бўлсин-да», деб, йўлакда туфлисини шиппакка алмаштирди. Шунда ошхона томондан таралаётган ёқимли бир ҳид димоғига «гуп» этиб урилди. Сўнг ўша ёқдан чиқиб келган Зафар дадасини кўрган заҳоти орқасига қайтиб қувноқ товуш билан хабар берди: — Ойи, дадам келдилар!

Аброр ўғлининг чопқиллаб юргангани кўриб, ичида хайрият, деб қўйди ва тўғри ошхона томонга ўтди.

— Ҳорманг, хоним! Яхши ҳидлар келяпти.

Дадасининг варақи сомсани яхши кўришини биладиган Зафар:

— Бугун сомса!— деди.— Сиз кеч қолдингиз, да-да. Биз роса едик.

— Нима, менга қолмадими?

Вазира кулимсираб духовкани очди ва ҳозиргина кип-қизариб пишган сомсаларни лаганга териб ола бошлади.

— Газак яхши бўлишини сезган эканман-да!— деди Аброр ва ҳорғин бир алпозда ошхонадаги силлиқ оқ табуреткага ўтирди. Портфелини очиб, иккита шиша олди. Вазира тўрт юлдузли грузин коньягини дарҳол холодильникка қўйди. Рангдор суратли катта шишани қўлига олиб қизиқиб қарар экан:

«Эски қаср»,— деб ўқиди:— Вой, бу винони жуда мақташган эди-ку! Руминияники экан. Қасрдан топдингиз, Аброр ака?

Аброр тезда жавоб бермади. Ташқи оламнинг аёвсиз тўқнашувлари ва қўпол зарбаларидан кейин мана бу ички оламда — оиласидаги муомала беҳад нафис ва майин туюлди, у иссиқ элитган одамдай хисл қарахт бўлиб турди.

— Ишда бирон кўнгилсизлик бўлдими, Аброр ака?

— Э... йўлда... қондани бузиб, жазо олдим. Талон яна тешилди.

— Ҳаҳ, шунга шунчани? Яхшиси, мана бу винодан гапиринг. Буни қаердан топдингиз?

— Буними?— Аброр нохуш ўйларни хаслидан бутунлай суриб ташлашга интилиб, Вазиранинг шўх оҳангига яраша ҳазиломуз гап излади:— Э, бу «Эски қаср»ни ҳарбий ҳийла билан қўлга киритдик, хоним. Гастрономчи ўртоғим ўзига беш-олтита олиб бурчакка беркитиб қўйган экан. Тасодифан кўриб қолдим.

— Кўриб қолган бўлсангиз кўпроқ олинг эди!

— Ҳо, иштаҳа карнай-ку!

— Меҳмонларга демоқчиман.

— Биз ўзимиз қайси меҳмондан каммиз?.. Айтмоқчи, Зафар масаласи тинчми?

— Тинч. Ветврач қўнғироқ қилгани йўқ. Бола ўйнаб юрибди-ку.

— Ҳа, кўрмагандай бўлиб кетади... Келинг, шу бугун дунё гамларини бир унутайлик... Мана, пиш-лоқ. Вино билан яхши кетадиганини олдим.

— Қўл-пўл ювасизми?

— Ҳозир,— деб, Аброр ичкари уйдан енгил хонаки кийимларини кийиб чиқди. Ваннада бет-қўлини ювиб, ошхонага қайтиб келди. Унғача Вазира стол устига ик-кита қадаҳ, бир ликопча қулупнай, иккита янги бод-ринг ва бир чинни лаган сомсани тузаб қўйган эди. Аброр винони очиб, қадаҳларга қуяр экан, йўлак орқали ичкари томонга бир кўз ташлаб олди.

Болалар телевизорда қандайдир саргузашт фильм-ни кўрмоқда эдилар. Аброр олтин ранг вино тўла қадаҳни қўлига олар экан:

— Келинг, шу бугун ёш келин-куёв бўлган дам-ларимизга бир қайтайлик,— деди.

— Ун беш йил орқага кетайликми?— деб кулди Вазира.

— Йўқ, ўн беш йил олдин кўтарилган баландлик-ларимизга яна бир чиқайлик. Ахир ўшанда биз ҳамма нарсадан мамнун, ниҳоятда бахтиёр одамлар эдик.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир ҳам ўшандай бўлишимиз учун... Олинг!

— Ҳўп,— деб Вазира қадаҳини кўзи баробар кўтарди-ю, кейин лабига яқинлаштирди.

Улар иккови қадаҳ уриштиришни лозим кўрмас эдилар. Аброр каттагина қадаҳни охиригача бўшатди. Қулупнайдан бир донасини оғзига солди. Сўнг яна бир қадаҳни тўлатиб, тўрт кўз тугал бўлиши учун ичди. Вазира винодан бир ҳўплаб, қадаҳни яна қайтиб қўйди. Аброр оч бўлгани учунми, вино тез таъсир қилиб, кайфи кўтарилиб бораётганини сизди. Бундай пайтда у ниманидир кўкка кўтариб мақтагиси келарди. Сомсадан битта еб кўрди-ю:

— Бай-бай!— деди.— Куёвлар ейдиган сомса бўлипти-да!

— Келинлар ҳам есин бўлмаса,— деб Вазира сом-садан битта олди.

Йўлакда телефон жиринглай бошлади. Болалар телевизорнинг шовқини билан қўнғироқни эшитмас эдилар. Аброр шошилиб бориб трубкани олди:

— Алло ! Ким?.. Пуф!..— Трубкадан кимнингдир нафас олгани эшитилгандай бўлди.— Нега индамай-сиз?— деди Аброр трубкага.

Ниҳоят, овози энди йўгонлаша бошлаган ўсмир йигитчанинг товуши эшитилди:

— Малика борми?

— Бор. Сиз кимсиз ўзи?

— Дарсни сўрамоқчи эдим.

Аброр гаши келиброқ деди:

— Дарсга жуда кеч-ку!

— Кечирасиз. Керак эди.

— Малика!— деб Аброр қизини ичкаридан чақириб олди-да, овозини пасайтириб огоҳлантирди:— Синфдошингга зйтиб қўй. Бунақа бемаҳалда телефон қилмасин. Умуман... Яхши эмас!..

Дадасининг олдида уялиб қолган Малика:

— Хўп,— деб трубкани олди-да,— ҳозир!— деди ва узун шнурли телефон апаратини секин кўтариб, дарсхонасига олиб кириб кетди.

Қизининг ўн беш ёшга тўлаётгани Аброрнинг эсига тушди-ю, бошини чайқаб қўйди ва ошхонага қайтиб кетди.

— Ким?— сўради Вазира.

Аброр Маликага ўғил бола телефон қилганини зйтиб:

— Сиз эртага бир жиддийроқ гаплашинг,— деди.

Болаларининг яхши келажаги учун қадаҳ кўтардилар. Аброрнинг кайфи яна сал ошди-ю:

— Вино ажойиб экан-да, а, Вазира?— деди.— Мен бунақасини ҳали ичганим йўқ эди. Қаймоқдай кетади-я!

— Яхши. Лекин ўзимизнинг «Гулоб» ҳам бундан қолишмайди.

— «Гулоб»нинг овозаси бору ўзи йўқ. Бултур бир жойла озгина ичган эдим, шундан бери магазинлардан сўроқлайман. Сиз қаерда кўрдингиз?

Вазира кеча ресторанда Шерзод билан «Гулоб» ичганини хаёлидан узоқлаштиришга тиришиб, деди:

— Москвага олиб боришар экан.

Аброр бу гапнинг давомини кутгандай бир лаҳза жим қолди. Сўнг Вазиранинг кўзларига қаради-ю, хотини Москвада бир сабаб билан шу винодан ичгани-

ни, лекин ҳозир буни очиқ айтишга андиша қилаётганини сезди.

— Мен буни сизга кейин... бутун тафсилоти билан айтиб берарман,— деди Вазира.— Ҷша... меҳмондўстлигимиз сабаб бўлди. Кеча тушликни метрочи танишлар билан «Ўзбекистон» ресторанида едик. Мен «Гулоб»ни ўша ерда татиб кўрдим.

Аброрнинг эсига эрталаб тамомланмай қолган гап тушди. Истеҳзоли жилмайиб:

— Бунақа ишларга Баҳромов жуда чаққон,— деди.

Вазира: «Баҳромов йўқ эди», деб ёлгон гапирришга тили бормади. «Мен нимадан кўрқаман?» деб ўзидан ўзи сўради. Сўнг Аброрга ладил кўз тикиб, деди:

— Хаёлингиз бўлинмасин, Шерзод Баҳромов ҳар қанча чаққону устомон бўлганда ҳам, мен оиласига хиёнат қиладиган аёллардан эмасман.

— Хиёнат қилишингиз менинг кўнглимга келгани йўқ. Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин... Мен фақат ўша корчалонга энди ҳеч яқинлашгим келмайди. Сизнинг ҳам ундан узоқроқ юришингизни истайман.

— Мен сизнинг ҳамма истакларингизга сўзсиз бўйсунаверишим керакми?— сўради Вазира мулоийм жилмайиб.

— Йўқ, нега? Сиз ҳам мустақил одамсиз.

— Хайрият! Мустақил одам эри ёмон кўрган кишини албатта ёмон кўриши шартми? Мен Шерзоднинг муомаласига яраша иш юзасидан муомала қилиб юрибман.

— Лекин Баҳромовлар муомалада, сўзда бир хилу ишда, амалда бутунлай бошқа хил. Сиз ана шуни билмайсиз!

— Баҳромовлар?— тушунмай сўради Вазира...

— Ҳа, Сайфулла Раҳмонов ҳам унинг шериги!..

Аброр директор билан бўлган даҳанаки жангни ҳозир эслатгиси келмас, Вазирага айтгиси ҳам йўқ эди. Лекин ичган винонинг таъсирида сўнгги гап оғзидан чиқиб кетди. Вазира эрининг ишдан хафа бўлиб келганини боя сезган эди, энди бунинг директорга алоқаси борлигини пайқади-ю:

— Нима, директор билан ораларингдан яна бирон гап ўтдимми?— деди.

Аброр жавоб бергиси келмай гапни Шерзодга бурди:

— Қалай, Баҳромов мени миллий маҳдудликда айблагани йўқми?

Шерзод самолётда айтган ўша гап «лоп» этиб Вазиранинг эсига тушди.

— Нима, Сайфулла Раҳмонов ҳам сизга шунақа дедими?

Аброр бугунги тўқнашувни энди яшириб бўлмаслигини сезди-ю, ҳаммасини бошдан охиригача батафсил айтиб берди.

— Об-бо!— деб Вазира бирдан кўнгилсизланиб қолди:— Сизнинг характерингиз ҳам жуда оғир-да. Муомалада йўқсиз! Директор сизга катта бир лойиҳани ишониб топширган пайтда у билан хафалашиб нима қилардингиз?

— Шундай адолатсиз гапларни айтса индамай кўтариб кетавсераймиди?

— Сиз ҳақ бўлсангиз, буни ётиғи билан тушунтиринг эди.

— Э, ётиғи билан гапирсангиз қулоқ солмайди! Фақат ўзининг манфаатини ўйлайдиган одам-да. Планни бир амаллаб ошириб бажарса, рапорт бериб, мукофот олса бўлди, эккан дарахтларимиз ўсадими ёки қуриб қоладими — буниси билан иши йўқ. Чекланганлик, маҳдудлик деб мана буни айтса бўлади! Лекин булар ўз айбларини бошқаларга тўнкаб ўрганган. Айниқса, бошқалар булардан талантлироқ бўлса балого қолади. Бунақа лаёқатсиз одамлар талантларни табиатан ёмон кўради. Муз олов билан чиқишмагандай, булар ҳам ўзларидан қобилиятлироқ одамлар билан чиқишолмайди. Биронта илмоқ топиб, талантли одамга ёмон айбларни илишга тиришади. Яна бу ишни яшириб қилишади, эшикни ичидан бекитиб химларнидир сенинг ёмонлигингга ишонтиришади.

— Директор бўлгандан кейин унинг гапига қулоқ солишади-да. Баҳромов ҳам ариқнинг бошида ўтирибди. Сиз булар билан гап таллашиб нима ютасиз? Нуқул ўзингизга ташвиш сотиб оласиз!

— Лекин бугун Раҳмонов очиқ гапиргани дуруст бўлди, мен ҳам очиқчасига олишдим. Бирорта даъвосини исботлаб беролмади. Мен далил келтирсам

инкор этолмай жаҳли чиқади, заифлигидан ўшқиради!

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Бошқармага таклифларимни ёзиб бермоқчиман. Садриевларинг янгича ўйлайдиган дуруст одам шекилли. Адолат қилса керак.

Бошқармада ишлайдиган Вазира Садриев билан яхши эди-ю, лекин унинг эри Аброр ўз директори билан келишолмай арз қилиб борса бу икковини ҳам ноқулай аҳволга солиши мумкин эди. Шунинг учун Вазира Аброрни бу ниятидан қайтармоқчи бўлди:

— Садриевнинг иши бошидан ошиб ётибди. Бунақа конфликтларни ёмон кўради.

— Ёмон кўрса... бор-е, деб бошқа институтга ишга кетаман! Архитектура факультетига бориб дарс берман. Илмий даражам бор.

— Янги кафедра очилармиши?

— Қайси, ландшафт архитектураси бўйичами? Э, Баҳромовлар бу кафедрага ҳам туя гўшти едиришганга ўхшайди. Ректор бош қўшиб, масала сал юришган эди, кейин таққа тўхтаб қолди. Ўзим ишга борсам, изига тушиб, тезлатармидим...

— Бу ёқда шундай ажойиб ишни бошлаб қўйиб, қаяёққа борасиз? Марказий майдондаги янги фонтанларнинг лойиҳаси чиройли чиқибди-ку. Мен боя кўрдим...

— Сизга ёқдимми? Кечаси ўзимга ҳам... илҳом келгандай бўлудди.

Улар гапга берилиб, йўлакда телефон жиринглаётганини эшитишмаган экан. Бир вақт Малика ошхона эшигини очди-да:

— Дада, сизни сўрашяпти!— деди.

Аброр йўлакка чиқди. Трубкани қулогига қўйган эди, укаси Шокирнинг овози эшитилди:

— Ака, яхши ўтирибсизларми? Келинойим қайтибди. Энди тинчиб қолгандирсиз?

Аброр уйни, ота-онасини сўради, сўнг:

— Э, барибир тинчлик йўқ, ука,— деди.— Ўтган куни райижрокомга кирган эдим.

— Ҳа, кўчишимиз аниқ эканми?

— Аниқ. Сен айтган гап тўғри чиқди.

— Участка масаласи-чи? Суриштирдингизми?

— Ҳали унга вақт тополганим йўқ.

— Лекин «Бешқайрағоч» томонда участка бўлиши мумкин дейишади.

— Кўрамыз. Илинадиган жойи топилса мен ўзим бориб айтаман. Салом де ҳаммаларига.

Аброр Вазиранинг олдига қайтиб бораётганда ота-онасини бу квартирага кўчириб келиш ташвиши хаёлига яна босиб келди.

Вазира унинг юзи тундлашиб қайтганини сезди-ю:

— Нима гап?— деди.

— Ҳе, шу Шокир билан гаплашдик.

Аброр бундан уч-тўрт кун олдин Вазирага айтиб дардлашмоқчи бўлган чигал муаммони ҳозир қўзғатгиси келмади. Чунки ота-онасини бу ерга кўчириб келиш ҳақидаги гапдан Вазира ҳам ташвишга тушиб қолишини, балки икки орада мушкул бир баҳс бошланиши мумкинлигини сезиб турарди. «Ҳеч бўлмаса, Зафардан кўнглимиз тинчисин, кейин гаплашармиз, ҳали вақт бор-ку», деб ўйлади.

— Ҳол-аҳвол сўраб қўймоқчи экан, сизга салом айтди,— деди.

Вазира унинг ниманидир айтгиси келмаётганини сезди. Лекин Шерзод Баҳромов ҳақида бошланган гап Аброрнинг каёлидан узоқлашгани Вазирага хиёл енгиллик берди. У Шерзод чизмоқчи бўлган Бўзсувга оид лойиҳани Аброрга ҳозир айтишни истамасди. Чунки Аброр «Бўзсувнинг эгри жойларини тўғрилаш»ларга қарши эканини Вазира яхши биларди. Хусусан, бу ишга Шерзод Баҳромов қўл уришини Аброр эшитса, ҳозир Вазирага қаттиқ эътирозлар қилиши, балки у билан хафалашиб қолиши эҳтимолга яқин эди. «Уйда ҳам иш тўғрисидаги мунозаралар билан асабни бузиш нима керак?— ўйланди Вазира.— Менинг ҳам фақат ўзим билишим, ўзим мустақил ҳал қилишим керак бўлган ишларим бўлиши мумкин-ку. Вақти келганда, Аброр ҳам буни билар, эътирози бўлса, ўшанда айтар».

Нохуш гаплар Аброрнинг винодан олган енгил кайфини тарқатиб юборгандай бўлди. Холодильникда грузин коньяги бор эди. Аброр ўрнидан туриб шуни очди.

— Ҳа, вино-чи?— деди Вазира.

— Вино чивин чаққандай ҳам бўлмаяпти. Сизга ҳолсин.

Вазира буфетдан кичкина биллур қадаҳ олди-да, тоза сочиқ билан артиб, Аброрнинг олдига қўйди.

— Маст бўлиб қолманг яна. Сомсадан олинг.

Вазира ичилмаган қадаҳини қўлига олди. Яна бир қўлдан ичдилар.

Аброрнинг юзлари қизариб, кўзлари ўттиз яшар йигитлик пайтидагидек чўгланиб кетди. Вазира у билан бирга ўтказаетган умрларининг энг ширин дамларини эслагандай завқли кулимсиради-да:

— Шунн сиз учун олайлик, куев тўрам!— деди.

— Раҳмат, келин пошша!

Вазира охиригача ичди. Аброр ҳам қадаҳини бир кўтаришда бўшатди-да, Вазиранн белидан қучиб ўзига тортди. Уни бир ўпиб:

— Тобора ширин бўлиб кетяпсиз-да!— деди-ю, яна ўла бошлади.

Шу пайт йўлак томондан Зафарнинг шикоятомуз товуши эшитилди:

— Дада, Малика хоккейни кўргани қўймаяпти! Иккинчи программани олма десам, оляпти. Балет кўрармиш! Ойи, айтинг, хоккейни қўйсин!

Ошхона эшиги очиқ қолган экан. Вазира ўлишганларини ўгли кўрганлигини пайқади-ю, уялганини яшириш учун қовоғини солди:

— Соат ўн бир бўляпти. Энди ўчиринглар. Хоккей ҳам бўлмайди, балет ҳам! Малика, мен сенга нима деган эдим?

Зафар телевизор турган хонага қайтиб кирди-да, Маликага шивирлади:

— Ўпишишаетган экан...

— Чақимчи!— деб Малика укасини уришди.

Эшикда юзи алланечук яшнаб турган Вазира кўринди:

— Мен йўлдан чарчаб келганман, қизим. Даданг ҳам кеча ухлай олмаган экан. Шунинг учун бугун эртароқ ётамиз. Телевизорни ўчир. Қани...

Малика ойиси кўрсатган важларнинг шунчаки баҳона эканини сезгандай елка учирди-да:

— Бошланди,— деб қўйди.

— Нима бошланипти. А?.. Вой қиз қози-ей!

Малика: «Нималигини сиз мендан яхшироқ биласиз-ку», дегандай қилиб телевизорни ўчирди-да:

— Хайрли тун,— деб ўзининг бўлмасига чиқиб кетди.

Вазира Зафарни одатдагидай телевизор турган хонанинг диванига ётқизди. Кейин Аброр иккаловлари ётоққа кириб кетишди.

* * *

Орадан уч кун ўтгач, Аброр ветврачга учраб, Зафарга ҳеч қанақа укол қилишнинг ҳожати йўқлигини, Сиртлон соғ чиққанини аниқлади. Шунинг хурсандчилигига Сиртлонни қафасдан қутқариб, Қибрай томондаги яхши итга зориққан бир колхозчига элтиб беришди. Эртаси куни эр-хотин уйдан бирга чиқиб, машиналари турган гаражга томон бораётганларида Вазира Аброрнинг отасини эслаб қолди:

— Айтмоқчи, кеча Малика айтди, дадамлар келган эканлар. Нуқул «уҳ» тортар эмишлар. Сиз кўришга борган экансиз... Тинчликми? Нега айтмайсиз?

Сўнгги кунларда Вазира Аброрга жуда мулойим ва алланечук ювош кўринар эди. Ўша чигал муаммони ҳозир ўртага ташласа гап осонроқ кўчишини сезди-ю, қатор турган темир гаражларнинг олдига етгунларича ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

— «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқага ур» деган гап бор, Вазира. Дадам: «Бу ҳовли сенлар чизган лойиҳа туфайли бузиляпти», деб ачитиб гапирдилар. Ундай эмас!» деёлмадим... Энди шунга боғлиқ қийинчиликлар учраса-ю, биз ўзимизни олиб қочсак, мардликдан бўлмас, деб ўйладим.

Вазира анчагача индамади. Фақат юзи бирдан сўлгин тус олди. Бу орада улар ташландиқ бир жойни наридан бери текислаб ўрнатилган йигирма-ўттизта темир гаражларнинг олдига етиб бордилар. Аброр қор-ёмғирдан занглаб, бўёқлари кўчиб кетган четки гаражни оча бошлади. Вазира бу темир шаҳарчанинг ҳозирча бўш ташлаб қўйилган жойда муваққат турганини биларди. Келгуси йилда бу ерга катта гастроном тушиши керак. Ўшанда Аброр яна автокран топиб, гаражини учинчи бир жойга элтиб ўрнатиши керак бўлади. Темир гаражни у ёқдан-бу ёққа

кўчириб юрганларида орқа томони урилган, бир-икки жойи майишиб, ичига кириб кетган, Аброр болга билан уриб текисламоқчи бўлганда яра изига ўхшаш чандиқ пайдо бўлган эди. Вазира шуни кўрганда, негадир қайнонаси билан бирга яшаган йилларида бошидан кечирган хафачиликларни эслаб кетди. Эски дилсизхликларни эслаш мана шу занглаган темирга қараб туришдай нохуш туюларди. Арзимаган нарсалар туфайли бузилган асаблар, тошдай қаттиқ теккан гаплар Вазиранинг хотирасида худди шу гаражнинг майишган ва чандиққа ўхшаб қолган жойларидек хунук излар қолдирган эди.

Аброр машинасини ташқарига олиб чиқиб, гаражни бекитди. Сўнг олдинги эшикнинг ўнг томондагисини очиб, Вазирага мулойим товуш билан:

— Қани, ўтиринг,— деди.

Олдинги дераза чангдан хиралашиб қолган эди. Вазира машинага чиқиб ўтиргунча Аброр ўриндиқ тагидан дока олиб, уни апил-тапил артди. Эрининг жонсарақ ҳаракатларида ва хотинига қилган майин муомаласида қандайдир гуноҳкорлик туйғуси сезилаётганга ўхшарди.

Аброр машинасини ўнқир-чўнқир жойлардан секин олиб ўтди-да, катта йўлга бурилаётганда радионинг тугмасини босди. Эрталабки концерт ҳали тугамаган эди. Орага тушган ноқулай жимликки ўйноқи рубоб садолари билан бартараф қилгиси келган Аброр радиони баландлатиб қўйди. Шўх куй Вазиранинг асабини баттар қўзғатгандай бўлди. У овозини радиодан баландроқ кўтариб:

— Лекин яхши қилмабсиз!— деди Аброрга.

— Нимани?

— Шокир укангиз квартира олайлик, деган экан. Сиз унинг ёнида қаттиқ турсангиз бўлмасмиди? Квартира олиб, тўғри кўчиб борсалар, ўзлари ҳам қийналишмайди. Биз ҳам тинч ўтирамыз.

— Айтдим-ку. Мен ҳам шу фикрда эдим. Бисотимда бор ҳамма далилларни келтирдим. Лекин чолкампирни кўндиролмадим.

— Бўшлик қилибсиз! Ойингиз доим сизнинг бўшлигингиздан фойдаланади.

Аброр тормозни босиб, машинани қизил чироқ олдидан кескин тўхтатди-ю, хотинига ўгирилиб қаради.

Эрталаб унга мулойим ва ҳатто ювош туюлган Вазиранинг юз-кўзидан ҳозир зарда ва гашлик ёғилиб турганга ўхшарди.

— Тавба!— деди Аброр. Радиодан берилаётган шўх куй энди унинг ҳам гашига тегди. У бир кескин ҳаракат билан радиони ўчирди.

— Бўлмаса сиз қаттиқроқ туринг, бир кўрайлик!— деди Аброр истеҳзо билан.

— Бўпти, кўрасиз.

— Кўрганда нима? Уларни бизникига келтирмоқчи эмасмисиз?

— Марҳамат, келиб-кетаверишсин, эшигимиз очиқ. Лекин шунча одам квартираларда турганда нега бу кишилар фақат участкада туришлари керак? Бу қанақа эркалик?

— Участкада турган одамлар озми? Сизнингча, ўшалар ҳаммаси тантиқ одамларми?

Аброр гап билан бўлиб, кўк чироқ ёқилганини пайқамасди эди. Орқада турган машиналар асабий дудуллаб, уни ҳушига келтирди. Аброр машинани тез юргизиб, чорраҳадан ўтказаетганда, Вазира сал ўзини босиб гапирди:

— Кошки участка тез битса! Бир икки йилгача ўалари ҳам лойга ботиб, бизни ҳам азобга қўйишади.

— Ҳовлига ўрганишган бўлса қандоқ қилишсин? Кекса одамлар, умрлари ганимат.

— Умрлари ганимат... бўлгани учун ҳам беҳуда азоб тортмасдан, квартирада тинчгина туришса бўлмайдими? Сиз меҳрибон ўгил бўлсангиз, уларни бу хато йўлдан қайтаришингиз керак эмасми?

— Мен қайтаролмадим,— деди Аброр ва киноя-омуз жилмайди.— Энди балки сиз, меҳрибон келин, қайнана-қайнатангизни тўғри йўлга солиб қўярсиз?

Аброрнинг кулиб гапирганидан яна жаҳли чиққан Вазира:

— Ҳар ҳолда мен сизга ўхшаб курашмай таслим бўладиганлардан эмасман!— деди.

Машинани Навоий кўчаси бўйлаб ўрда томонга ҳайдаб бораётган Аброр индамай елка қисди. Вазира ҳам ишхонасига етгунча қайта оғиз очмади.

У қайнота-қайнонаси билан бевосита гаплашиб сўзини ўтказолмаслигини биларди. Чол-кампир билан дадил гаплаша оладиган одам — Вазиранинг онаси —

илгари райкомларда ишлаган Зумрад Содиқовна эди. Вазира шуни эслар экан, ойисини анчадан бери кўрмаганини, ундан бир хабар олиб қўйиши ҳам кераклигини ўйлади.

Аброр машинасини кўприкдан ўтказиб, йўл четда тўхтатди. Вазира доим шу ерда тушиб қоларди ва ишхонасига сув бўйи билан писда кетарди. У эшикни очиб, машинадан тушар экан, Аброрга қарамай:

— Мен ишдан кейин ойимни кўргани бормоқчиман,— деди.

Улар Вазиранинг ойисини кўриш учун доим бирга боришарди.

— Бир ўзингиз борасизми?— сўради Аброр.

— Ҳа.

Аброр Вазиранинг онасидан ёрдам сўрамоқчи ва қайнона-қайнотасини ҳозирги ниятларидан қайтаришга уриниб кўрмоқчи эканини сезди-да, совуққина қилиб:

— Бўлти, сўрашса салом айтарсиз,— деди.

Вазира эшикни ёлган заҳоти Аброр газни босди. Машина кетидан тутун пуркаб асабий силкиниб қўзгалди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Вазира ташвишга ботган хомуш қисфа билан сув бўйидан бориб, тўрт қаватли шинамгина бинонинг эшигини очди. Кираверишда кичкина столчаси устига телефон қўйилган хонада қоровул чол ўтирган эди. У Вазирани таниб жилмайди:

— Москвага яхши бориб келдингизми?— деб сўрашди. Вестибюлда учраган йигит-қизлар, зинапояда дуч келган эркек-айёллар ҳам Вазирани яхши билишарди. Вазира уларнинг баъзилари билан қўл бериб кўришар, баъзиларига узоқдан панжаларини силкитиб саломлашар, баъзиларига бош ирғар, бирикки оғиз яхши сўзини айтиб ўтарди.

Эшикларига «Йўллар группаси». «Кўприклар группаси» деб ёзиб қўйилган хоналар ҳам унга яқиндан таниш. Узун йўлақлардан ўтиб бораётган Вазира деворларга осилган янги лойиҳаларга кўз югуртирди.

Келажакда Бўржар бўйига қуриладиган Ҳайвонот боғининг рангдор режаси турибди. Ундан нарига

«Бахт уйи» деб аталадиган никоҳ қасрининг конкурсга келган уч хил варианты осиб қўйилган. Муаллифларнинг имзоси йўқ, конкурс ёпиқ. Лекин лойиҳалардан бирининг юқориги четига қалдирғочнинг расми чизиб қўйилган. Демак, муаллифнинг яширин имзоси «Қалдирғоч». Ундан нарига осилган лойиҳанинг пастиди олтин калитнинг расми бор. Демак, бу лойиҳани чизган одамнинг махфий имзоси — «Олтин калит».

Бугунги Тошкентга кўрк бериб турган Матбуот уйи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Мовий гумбазлар» кафеси ҳам бир вақтлар фақат қоғозда бор эди. Вазира уларнинг илк лойиҳалари мана шу деворларда осиглиқ турганини кўрган, муҳокамаларига қатнашган эди. Фақат улар эмас, осмонга бўй чўзган Матбуот уйи ҳам, йигирма қаватли маъмурий бино ҳам, Тошкент циркининг галати иморати ҳам ҳаётга мана шу ердан йўлланма олган.

Вазиранинг севган касби бўлмиш меъморчилик доим келажакка интиладиган, ҳаётдан орқада эмас, балки олдинда юрадиган ижод соҳаси эканлиги унинг завқини келтиради. Баъзи рассомлар ҳаётда бор нарсани тасвирий санъатга олиб кирганлари билан фахрланиб юрадилар. Архитекторлар эса ўз ижод меваларини қоғоздан ҳаётга олиб кирадилар. Яъни, аввал фақат архитекторнинг қалбида туғилган, сўнг қоғоз юзида пайдо бўлган бино меъморлик устахонасидан чиқади-да, шаҳарнинг кўзга кўринарли бир жойида қад кўтарлади. Меъмор бу билан икки баробар ортиқ фахрланса арзимайдими?

Шундай ўйлар билан кўнгли кўтарилиб бораётган Вазира ўзи ишлайдиган икки хонали бўлимга кирди. Унинг иш столи ички хонанинг тўрида эди. Стол ортидаги деворга ер остиди қуриладиган мрамор қасрининг айрим кўринишлари осиб қўйилган. Вазира ҳозир бошқармадаги бўлимлардан бирининг бошлиғи. Унинг столи устида бошқарма бошлигининг резолюцияси қўйилган ҳар хил қоғозлар турибди. Рангдор бланкаларга шаҳарнинг хилма-хил ташкилотларидан тушган илтимосномалар, таклиф ва мурожаатлар ёзилган. Уларнинг четларида бошқарма бошлигининг: «Ўртоқ В. Аъзамова! Кўриб чиқиб, фикр айтинг», ёки «Ўртоқ В. Аъзамова ҳал қилсин», деган резолюция-

лари бор эди. Вазира — бошқарма бошлигининг энг ишонган мутахассисларидан эканлиги шу резолюциялардан ҳам билиниб турганга ўхшарди.

Чиройли бланкалардан бири Шерзод Баҳромоя ишлайдиган лойиҳа ташкилотидан эди. Унда метро тоннелини Бўзсувнинг тагидан қандай ўтказишга оид таклифлар батафсил езилган. Бу таклифлар асосида лойиҳа ишлари олиб бориш Баҳромовнинг бўлимига топширилиши илтимос қилинган. Бошқарма бошлиги масалани ўрганиб, аниқ бир хулосага келишни Вазирага топширган.

Вазира бошқа қоғозлар орасидан шуни ажратиб олдида, ҳали зеҳни чарчамаган эрталабки салқинда уни синчиклаб ўқий бошлади.

Шерзод Бўзсувнинг эгилиб-буралиб оқадиган бир жойини бутунлай ўзгартириб, сикдай тўғри кетган янги ўзанга солишни мўлжалламоқда эди. Унинг таклифига биноан, метронинг мана шу ердан ўтадиган трассаси очиқ усул билан қурилиши керак эди. Яъни, зўр экскаваторлар ернинг юзасини очиб, метро трассасига зарур бўлган чуқурликдаги ер ости йўлини қазishi керак эди. Очиқ усулда қурилган трасса ер остидан тоннель қазиб ўтганга нисбатан икки баробар арзон тушарди. Шерзоднинг хомчўтига биноан, унинг лойиҳаси ярим миллион сўмдан ортиқроқ маблағни тежаб қолиш имконини берарди.

Вазира ўқистган ёзувининг шу сатрлари тагига яшил сиёҳ билан чизиб қўйди. У ўзига ёққан ва қўллаб-қувватламоқчи бўлган далилларнигина яшил сиёҳ билан белгилар эди.

Аввалги таклифларга биноан, метро тоннели Бўзсувнинг тагидан ёпиқ усул билан қуриб ўтказиластган пайтда анҳорнинг суви вақтинча қуритилиши, яъни юқори оқимидан Чирчиқ дарёсига ташлаб юборилиши керак эди. Шундай қилинмаса, канал тагидаги ҳали битмаган тоннелга сув уриб кириб кетиш хавфи бўлар эди. Бўзсув бир-икки ой қуритиб қўйилса, унинг бўйидаги иккита гидростанция тўхтаб қолиши, қанча жойлар сувсизликдан қийналиши мумкин эди.

Шерзод таклиф қилаётган лойиҳа бунақа ташвишларга ўрин қолдирмайди. Метро трассаси ҳали сув қуйилмаган янги, қуруқ ўзан тагида бемалол қуриб

битирилади. Бу иш тугаллангандан кейин Бўзсув янги ўзанга солинади. Эски ўзан бўшайди. Шундан кейин мстрони эски ўзан тагларидан ҳам очиқ усул билан қуриб ўтказиш мумкин бўлади. Ниҳоят, метро трассаси бу ерлардан ўтиб бўлгандан кейин эски ўзан соз тупроқ билан тўлдирилади, текисланади. Кейин бу ерга дарахтлар, гуллар экилади. Одамлар сайр қилиб дам оладиган янги бир оромгоҳ пайдо бўлади.

Вазира Шерзоднинг бу далилини ҳам яшил сиёҳ билан белгилади. Сўнг лойиҳанинг эътирозга учраши мумкин бўлган томонларини хаёлидан ўтказа бошлади.

Агар стадион ёнида метро трассаси очиқ усулда қуриладиган бўлса, катта бир майдон ағдар-тўнтар қилиб қовланади. Эни етмиш метр келадиган икки оёқли каттакон сариқ кран бориб-келиб турадиган жойда бирорта ҳам дарахт қолмайди. Бўзсувнинг мана шу қирғоқларида яхши кўкариб турган дарахтлар бари кетади. Уларнинг ўрнини темир-бетонлар, тепа қилиб уйилган тупроқларнинг чанг-тўзони эгаллайди...

Вазира эри Абборнинг бундан қай даражада норози бўлишини кўз олдига келтирди. «Менинг норозилигимга қарамай ота-онасини квартирамизга кўчириб келмоқчику,— деди Вазира ичида,— энди мен унинг кўнглига қараб, Шерзод Баҳромовнинг иқтисодий жиҳатдан шу қадар самарадор бўлган лойиҳасини рад этишим керакми?..»

Вазира ўзинча шу хулосага келди-ю, столи устидаги шаҳар телефонининг трубкасини кўтарди. Шерзоднинг телефон номери календарнинг ўтган кунги варағига ёзиб қўйилган эди. Вазира ўша варақни очди-да, Шерзоднинг номерини терди. Қабулхонадаги секретарь Вазиранинг бошқармадан эканини эшитиб, дарҳол Шерзодга улади.

Шерзод кимгадир иш буюраётган экан, трубкани қулоғига тутаетиб:

— ...Икки созта тайёр бўлсин, боринг!— деб зарда қилиб гапирганини Вазира эшитиб қолди. Шерзод трубкани қулоғига босиб, Вазиранинг саломини эшитгандан кейин эса:

— Э, Вазирахонмисиз? Саломалайкўм!— деб овозин бутунлай ўзгариб кетди.— Сog-саломат юрибсиз-

ми? Уйлар тинчми? Ўтилча тузалиб кетдими? Ишлар жойидами?

Бунақа сўрашишларда нима дейишнинг унча аҳамияти йўқ, саволлар жавобга қаралмасдан устма-уст берилаверади. Энг муҳими — қувонч ва иззат-икромни ифодалайдиган оҳанг. Бу оҳанг куйга ўхшаб, баланд пардаларига кўтарилгунча ва авжидан ўтиб, маълум мсъерга етгунча сўрашиш давом этаверади.

— Таклифларингизни ўрганиб чиқдим,— деди Вазира гапни мақсадга яқинлаштириб.

— Қалай?— сабрсизланиб сўради Шерзод.

— Ғояси менга ёқди.

— Раҳмат, Вазираҳон, раҳмат.

— Лекин эътироз қилиш мумкин бўлган жойлари ҳам бор. Янги ўзан кавланса кўп дарахтлар кетади. Уларнинг ўрнини оладиган ободончилик ишлари батафсилроқ белгиланиши керак.

— Буни яхши айтдингиз. Дарҳол тўғрилаймиз.

— Мен буни аввал ўзингиз билан келишиб олиб, кейин бошлигимизнинг олдига кирмоқчи эдим.

— Бугун кирасизми, Вазираҳон? Балки мен ҳам ўша ерда бўлишим керакдир?

— Яхши бўларди. Савол чиқиб қолиши мумкин...

Бўлмаса шошмай турунг. Мен ҳозир...

Вазира бу трубкани стол четига секин қўйди-ю, ички телефонда бошлигининг қабулхонасини олди. Паст товуш билан секретарь қиздан сўради:

— Валя, Наби Садриевич ўзларидами?.. У ёқ-бу ёққа кетадиган эмасми?.. Нечагача?.. Ўн иккилардами? Бўпти, раҳмат.

Вазира ички телефонни жойига қўйиб, яна нариги трубкани қулоғига тутди:

— Шерзод, эшитяпсизми?.. Наби Садриевич ўн иккиларгача бўлар экан. Сиз ўн бирга кела оласизми?.. Яхши, бўлмаса қолган гапни ўшанда гаплашамиз.

Вазира трубкани қўйгач, билагидаги соатига қаради. Ўн бўляпти. Бир соатда хулосани ёзиб, машинкада кўчиртириб улгуриши керак.

Вазира боя яшил қаламда белгилаб қўйган учта асосий далилни машинкага оғзаки айтиб ёздирди.

Шу орада уни Садриевнинг ҳузурига чақиришди.

Вазира қабулхона тўридаги эшикка қараб ўтар экан, ўнг томон деворга тираб қўйилган тошойна қар-

шисида бир лаҳзагина тўхтади. Оқ ипак кофтасининг сқасини тўғрилаб, қўнғир юбкасининг этагини хиёл пастга тортиб қўйди. Бир ўрим сочи пешанасига қайрилиб тушиб турган экан — унга тегмади, чунки шу туриши ўзига кўпроқ ёқарди.

Гулдор туркман гилами тўшалган катта кабинет. Телефонлар қўйилган тўрдаги столдан ташқари девор тагида кенгашлар учун мўлжалланган йигирма кишили узун стол ҳам бор. Наби Садрисвич ана шу узун столнинг юқорисида ўтирибди.

Стол устига катта бир лойиҳа сийиб қўйилган. Лойиҳа атрофида ўтирган беш кишининг бири тоза қоғозга ниманидир ёзмоқда, иккинчиси логарифмали чизгични лойиҳа устига қўйиб, унинг аллақайси жойини ўлчаб кўрмоқда, учинчиси тўрт хонали рақамларни бир-бирига қўшиб ҳисоб-китоб қилмоқда. Тўладан келган қирқ беш ёшлардаги Наби Садрисвич эшикни очган Вазирага бош ираб, «киринг», дегандай қилди ва ўрнидан турди. Муовинига:

— Сиз булар билан ўша айтилган жойларини аниқлаб туринг,— деди-да, ўзи тўрдаги столнинг ёнига ўтди.

Бошлиқнинг кабинетида одам ҳамиша кўп бўлишига Вазира ўрганиб қолган. Ҳар куни бетўхтов ҳал этилиши керак бўлган ишлар шу қадар кўп эдики, Наби Садрисвич ҳаммасини қилиб улгуриш учун ҳали айрим деталлари аниқланиши керак бўлган катта лойиҳалар орасида бошқа осонроқ масалаларни ҳам кўриб чиқарди.

Ҳозир у Вазира билан қўл бериб кўришди-да, столнинг тортмасидан қаламда чизилган эскизларни олиб стол устига қўйди. Бу — метро станцияларидан бирининг ер ости дсворини безаши керак бўлган йирик-йирик нафармон кошнларнинг тасвири эди.

— Жуда яхши топибсиз, Наби Садрисвич,— деди.— Тошкент усталарининг энг яхши анъаналарини давом эттирибсиз.

Наби Садрисвич Вазиранинг зеҳн ва фаросатидан мамнун бўлиб деди:

— Тошкент услубини дарров танидингиз-а!

— Албатта, бу услуб Самарқанд, Бухоро усталарининг услубидан фарқ қилади.

— Сиз чизган мрамр устунларнинг тепасидаги зарҳал жимжималар ҳам Тошкент усталарининг услубида-ку, тўғрими?

— Тўғри. Бир станциянинг бутун безакларига битта услуб изчил тадбиқ этилсин, деб ўзингиз айтган эдингиз-да.

— Яхши. Изчиллик йўқ жойда мукамаллик ҳам бўлмайди. Энди мана шу эскизларни аниқ ҳисоб-ки-тоб билан амалий лойиҳага айлантириш керак.

Ишнинг энг кўп вақт ва қунт талаб қиладиган қисми — амалий лойиҳа чизиш эди.

— Буни бизнинг бўлимимиз қилади, — деди Вазира ва эскизларни олиб, папкасига сола бошлади.

Улар тикка туриб гаплашмоқда эдилар. Наби Садрисвич Вазиранинг папкасидаги ўзи резолюция қўйган бланкани кўриб қолди.

— Нима, менга бошқа ишингиз ҳам бормиди? — деди.

— Наби Садрисвич, метрони анҳорнинг тагидан қандай ўтказиш масаласи яқин келажакда кун тартибига қўйилади. Шунинг учун сиз топширган мана бу лойиҳани мен биринчи навбатда ўрганиб чиқдим.

— Қалай, бўладиганми?

— Менимча, бошқа таклифларга нисбатан анча дуруст. Мен хулосаларимни батафсил ёзиб келдим. Камчиликларини ҳам кўрсатдим.

Наби Садрисвич Вазиранинг хулосасини ўқиб бўлгач, дераза томонга қараб, қўллари билан стол четини секин чертиб, бирпас ўйланиб олди. У Бўзсув анҳорининг Тошкент марказидан ўтган ҳар иккала қиргоги очиқ сайилгоҳ бўлишини истарди. Ҳозир «Баҳор» концерт зали ва унинг ёнидаги уч қаватли эски маъмурий бино чап қиргоқнинг анча жойини бекитиб турибди. Яхши қурилган бу кўркам биноларни олиб ташлаш мумкин эмас. Лекин улар анҳорнинг баланд чап қиргоғига шундай яқин келтириб қурилганки, одамлар сайр қилиб ўтадиган хиёбон ёки йўлгага ўрин қолмаган. Энди агар Бўзсувнинг шу ердан ўтадиган ўзани стадионга томон эллик-олтмиш метр сурилса, унинг эгри жойлари тўғриланади-ю, чап қиргогининг бекик жойи ҳам очилади. Одамлар ўрдадан Гагарин боғигача чап қиргоқ бўйлаб ҳам бемалол сайр қилиб бора олади.

Наби Садриевич Вазирага бу фикрни айтиб берди-ю:

— Мени мана шу томони кўпроқ қизиқтиряпти,— деди.

Вазира бирдан енгил тортди:

— Бу фикр менинг эсимга келмаганини қаранг. Жуда яхши айтдингиз-да, Наби Садриевич! Мен хулосани бошқатдан ёзиб, сизнинг фикрингизни биринчи пункт қилиб киргизаман.

Наби Садриевич Вазира берган қоғозларга яна бир кўз югуртириб чиққач:

— Янги ўзан тахминан қанчага тушади?— деди.

— Етти юз минг ёки саккиз юз минг.

— Катта пул. Агар лойиҳа ишларига, қоидага биноан, уч-тўрт проценти кетса, йигирма-ўттиз минг бўлади.

— Мен чамалаб кўрдим, Наби Садриевич. Бунинг лойиҳаси у қадар мураккаб эмас. Назаримда, ўн беш минг етиб қолади. Метрочиларнинг пули етарли. Лойиҳа учун бизга ўтказган маблағларидан ажратишимиз мумкин.

— Демак, сизнинг бўлимингиз орқали ўтадимиз?

Бошлиқнинг бу саволи: «Бутун жавобгарлиги сизнинг зиммангизга тушади», деган огоҳлантиришдай эшитилди, Вазира стулга яхшироқ ўрнашиб, қаддини тиклади-да:

— Бўпти, масъулияти бизга тан!— деди.

Вазиранинг жозибаси устига дадиллиги ҳам қўшилиб, Наби Садриевичга жуда ёқди.

— Мен сизга ишонаман, Вазира Бадаловна!

— Муҳокамага қўймаймизми?

— Ҳозир шарт эмас. Мана, кўриб турибсиз, бошқа муҳокамалар ҳам бошимиздан ошиб ётипти. Лойиҳа тайёр бўлса, кейин муҳокама қиламиз. Баҳрамовга шунини айтинг, ишни пухта қилсин.

Вазира соатига қаради-ю:

— Ўзи ҳам қабулхонада ўтирган бўлса керак,— деди.— Мен ҳар эҳтимолга қарши чақирган эдим.

Наби Садриевич узун стол ёнидагиларнинг ҳозир бу томонга кўз тикиб, бошлиқнинг бўшагини кутиб турганларини кўрди-ю, ўрнидан кўтарилди.

— Менинг номимдан ҳам сиз гаплаша қолинг, Вазира Бадаловна. Лекин талабни бўшаштирманг!

— Хўл, Наби Садриевич. Раҳмат!

Бошлиқ нариги столга қараб кетди. Вазира эшикка томон йўналди.

У қабулхонадан чиқиши билан девор тағдиги стулда ўтирган Шерзод «дик» этиб ўрнидан турди. Вазира унга қўл бериб кўришди:

Шерзод Вазиранинг вақти чоғ эканини сезиб, паст товуш билан:

— Бўлдими?— деб сўради.

Вазира ўзини сипороқ тутиб:

— Юринг-чи,— деди-да, уни ўзининг хонасига бошлаб борди. Шерзодни ҳалитдан ҳовлиқтирмаслик учун, бошлиқ катта талаблар қўйганини бир оз ошириб, ўзидан ҳам сал қўшиб айтди.

— Ишқилиб, шу ишни бизга ишониб топширсаларингиз бўлди,— деди Шерзод.

— Наби Садриевич рози,— деди Вазира.— Лекин бутун масъулиятини мен ўзимга олдим.

— Раҳмат, Вазира Бадаловна, раҳмат!

— Ҳали глан бўлими бор. Лойиҳа таклифларини кўриб чиқадиган мутахассислар бор. Лекин бошлиқ рози бўлгандан кейин улар йўқ деёлмайди. Шунинг учун йилнинг иккинчи ярмидан сётларингизга пул ўтказишимиз мумкин. Тайёрликни кўраверинг.

Шерзод Вазиранинг бу яхшилигига яраша жавоб қидиргандай бўлиб пешанасини уқалади:

— Вазира, боя телефонда сиз менга жуда яхши фикр бердингиз. Янги ўзаннинг қиргоқларига мрамар ишлатиш... Бу чинакам ижодий фикр. Сиз, мана, метронинг интерьерларига қимматбаҳо тошлар билан зеб беришда анча тажриба орттиргансиз. Ростини айтсам, менда бунақа тажриба йўқ. Кўп йил турар жойларнинг лойиҳаларини чизиб юрдик. Биласиз, биз қурган турар жойларга мрамар ишлатилмайди. Ҳозир янгидан лойиҳалаштираётган эриқларимизнинг иши ҳам бетон билан битади. Гранит билан мрамар жуда нозик нарсалар. Шунинг учун ишимизнинг бу қисмини сизга топширсакмикин, деб турибман.

Шерзод гапни шерикчилик масаласига олиб келатганини сезган Вазира:

— Камтарлик қилманг, Шерзод,— деди.— Сиз ҳам архитекторсиз, мрамар билан гранит қанақа иш-

латилишини институтда ҳаммамиз баробар ўрганганмиз.

— Тўғри-ю, лекин назарий билим бошқа, амалда орттирилган тажриба бошқа. Сизнинг тажрибангиз бор.

— Марҳамат, зарур бўлганда мен маслаҳат бериб тураман.

— Маслаҳат билан иш битмайди, Вазира. Мен илтимос қилардимки, сиз ҳам шу лойиҳанинг муаллифларидан бири бўлсангиз.

Шаҳар марказида ва гранит ишлатилиб қуриладиган каттагина иншоотнинг муаллифларидан бири бўлиш шарафи Вазиранинг қалбига жуда илиқ тегди. Лекин Вазиранинг Шерзод Баҳромовга шерик бўлганини эри Аброр билса нима дейди? Ўзи-ку, бу лойиҳа Аброрнинг энг жўшқин истак-интилишларига қарама-қарши қилиняпти. Энди агар Вазира Шерзодга ҳамкор бўлса-ю, эрта-кеч у билан биргаликда ижодий иш қилса, бу ҳаммаси уни Абрордан баттар узоқлаштириб, икки орага тубсиз жар бўлиб тушмасмикин? Вазира бунақа жарлардан жуда чўчир эди.

Унинг қандайдир андишаларга бориб ўйланиб қолганини кўрган Шерзод:

— Бу сиздан кўп вақт талаб қилмайди,— деди.— Баъзи нарсаларни бугунгидай телефонда айтсангиз ҳам бўлаверди. Майда ишларни менинг одамларим қилади. Сиз билан биз янгича ечимлар, гоёлар бериб турамиз... Йўқ деманг, Вазира, ўйлаб кўринг. Жавобини бир-икки ҳафтадан кейин айтсангиз ҳам майли. Шошилинч эмас!

Вазира оғир тин олди-ю:

— Аввал масала узил-кесил ҳам бўлсин,— деди.— Мен Наби Садриевичга яна бир кирганимда маслаҳат сўрайман.

— Бўлмаса, сиздан олдин мен ўзим Наби Садриевичга бир учини чиқариб қўяман. Бизга қандай яхши ижодий ечимлар берганингизни айтаман.

— Лекин мени ноқулай аҳволга солиб қўясиз-да, Шерзод.

— Нимаси ноқулай? Иккита лойиҳа ташкилотининг архитекторлари бир иш бўйича ҳамкорлик қилса қайтага яхши эмасми? Катталар доим «ҳамкор» бўлинглар, деб насиҳат қилишади-ку.

— Ҳар ҳолда, бу гапга кейин яна қайтамиз,— деди Вазира.— Ҳозирча орамингда қолсин. Садриевга айтманг.

Вазиранинг сўнги сўзи Шерзодга сирдошлик белгисидай жуда ёқимли туюлди.

* * *

Ёз жазирмаси бошланаётганини Вазира кечқурун онаси турадиган Шота Руставели кўчасига борганда астойдил сездди. Шаҳарнинг энг серҳаракат ва сершовҳин магистралларидан бири бўлган бу кўча кечки дим ҳавода беҳисоб машиналарнинг олов аралаш тун пуркашидан дудланиб, қизиб кетган эди. Вазира кўчанинг ўнг томонидаги бозорчадан ойиси учун мева-чева олгунча, сўнг Тўқимачилик институтига яқин турган баланд иморатнинг тўртинчи қаватига чиққунча терлаб-пишиб кетди. Эллигинчи йилларда қурилган бу уйнинг лифти йўқ, зинапоясига тик, шифтлари баланд, ҳар бир қаватининг баландлиги ҳозирги уйларнинг бир ярим қаватига тўғри келади. Вазира тўртинчи қаватдаги таниш эшик олдида ҳансираб тўхтади-ю, кўзлари билан қўнғироқ тугмасини қидирди.

Эшик кесақисининг тепасида қўнғироқ тугмасининг ўрни қорайиб кўринди. Электр қўнғироқнинг тугмаси тушиб кетган, симлари кўришиб турибди. Қогоз халтада бозордан олинган қулупнай ва помидор бор эди. Вазира уни чап қўлига олди-ю, ўнг қўлининг учини қўнғироқ симларига тегизди. Эшик ортида жиринглаган товуш эшитилди. Лекин ичкарида баланд қилиб қўйилган жаз музика товуши янграмоқда эди. Вазира укаси Алибекнинг уйда эканини сездди-ю: «Нуқул жаз эшитгунча қўнғирогини созлаб қўйса бўлмасмиди!»— деб уни ўзича койиди.

Ниҳоят, ошхона томондан шиппагини судраб босиб Зумрад Содиқовна етиб келди ва эшикни очди. Ташқари нимқоронғи эди. Зумрад Содиқовна Вазирага тикилиб, лекин уни таниёлмай:

— Кимсиз?— деди.

— Вой, танимаяпсиами?

— Ие, Вазиражон, кел, қизим!

Она-бола ҳучоқлашиб, ўпишиб кўришдилар. Ошхонага ўтаётганларида Вазира ойисининг кўзи оғиз

одамларга ўхшаб, оёғини эҳтиёт билан судраб босаётганини сезди-ю, яна ҳайрон бўлди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг Вазира қоғоз калтадаги қулупнайнинг сув очаётганини кўриб;

— Ойи, сирланган тоғорачангиз қани?— деди.

Зумрад Содиқовна оқ жавоннинг устини пайпаслаб, тоғорачани олди. Вазира қулупнайни унга солаётганда икки қадамча нарида турган ойиси:

— Бу нима, олчами?— деди.

— Қулупнай-ку! Кўзингизга бир гап бўлдими, ойи?

Зумрад Содиқовна серажин пешанасидан кўзига оқиб тушган терни артар экан.

— Кўзим ёмон бўлиб қолди, Вазиражон,— деди.— Сен ҳам бир ойдан бери онангдан хабар олай демайсан. Бу ёқда укангнинг ташвишлари жонимдан безор қиляпти.

Ошхонага қарама-қарши қондан «хиппи» деб аталадиган, хириллоқ овоз билан бақириб айтиладиган ашула эшитилмоқда эди. Вазира ойисининг ўзини жуда олдириб қўйганини, лаблари титраб кўзи ешланганини кўрди-ю:

— Қани, мундай ўтиринг,— деб уни стулга ўтказди. Қулупнайдан бир ликопчасини крандаги совуқ сувда чайиб, ойисининг олдига қўйди.— Олинг, томоғингизни ҳўлланг...

Вазира ойисига ачиниб, кўнгли бузилиб кетаётган бўлса ҳам ўзини иложи борича босиқ тутиб, қулупнайдан бир донасини оғзига солди. Кейин газни ёқиб чой қўйди. Бу орада Зумрад Содиқовна ўзини сал босиб олди.

— Келганинг яхши бўлди,— деди. Мен шу бугун қўшниларникидан сенга телефон қилмоқчи эдим.

— Тинчликми ўзи?— деб Вазира ойисининг қаршисига келиб ўтирди.

— Уканг хотини билан ажрашмоқчи.

— Ис! Ҳозир ким билан музыка эшитиб ўтирибди?

— Э, ўзига ўхшаган уч-тўрттасини топиб олган. Менга бу катта кўчанинг шовқини озлик қилгандай, ярим кечагача шу ғат-ғутдан қулোগим тинчимайди. Хотини аразлаб кетиб қолган.

— Насиба дуруст қиз эди-ку.

— Дуруст қиз бунақа эр билан қандай туради?!— Зумрад Содиқовна овозини пасайтириб давом этди.— Турмуш қурганларига тўрт йил бўлди. Насибанинг бола кўргиси келади. Уканг: «Бола керак эмас», деб икки марта қўярда-қўймай аборт қилдирипти.

— Вой аҳмоғ-ей!— деди Вазира.— Узингиз ҳам буни ёлғиз ўғил деб эрка қилиб ўстирдингиз-да, ойи!

— Сени «ёлғиз қизим» деб эркалатмабмизми? Мана, ойдаи турмуш қуриб юрибсан-ку!

— Об-бо, жинни-ей!.. Насиба ойилариникига кетиб қолдими?

— Ҳа, мен билан йиглаб хайрлашди-ю, кетди. Бу укангнинг парвойи палак. Ўртоқларини олиб келиб шовқин-тўполон қилгани оздай, яна битта катта чавкар итни ҳам уйга олиб келиб олган. Ишдан келса, ўшани кўчаларга олиб чиқиб айлантиради. Дог деган эшақдай катта ит. Мен қўрқаман. Ишга кетганда уйга боғлаб кетади. Ит гингшийди. Сув-пувига қарай деб олдига борсам, сакрайди. Қопади деб, юрагим така-пука бўлиб кетади. Бу ёқда тўртинчи қаватга тушиб чиқиш ташвиши. Илгари иссиқда ҳам ухлайверар эдим. Кўча шовқини унча билинмас эди. Ҳозир иссиқдан бўғилиб кетаман. Бу ёшларга тинчроқ хоналарни бериб, ўзим кўча томондаги уйни олганимни биласан.

— Шундай қилманг деб мен сизга айтмаганмидим? Ортиқча эркалатиб, талтайтирганингиз шу эмасми?

— Билмай қолдим, Вазиражон. Кечаси шу Шота Руставелидан ўтган ҳамма трамвайу троллейбуслар бошимнинг устидан юриб кетаётгандай бўлади. Тонг отгунча ухлай олмай чиқаман. Беш-ўн кун кўзим ёмон ачишди.

Вазира ойисининг бундан ўн беш йил олдин читга гул босиш фабрикасида инженер бўлиб юрган пайтларида кимевий бўёқ сачраб кетиб, кўзи бир оғриганини эслади. Кейин Зумрад Содиқовна эри доцент бўлиб ишлайдиган Тўқимачилик институтига амалий машғулотларни олиб борадиган инженер-ўқитувчи бўлиб ўтгач, кўзи тузалиб кетган эди.

— Кўзингиз ҳозир ҳам ачишяптими?— деди Вазира онасининг ёшланиб турган кўзига тикилиб.

— Ачиши қолди-ю, лекин элак тутгандай хира. Қўнглим қоп-қора бўлиб кетади. Толиқаман.

Вазира ўрнидан туриб, онасини дераза томонга қаратди. Ташқаридан кирган ёруглик кўзнинг қорачиги устида чинни синигига ўхшаб турган оқ пардага тушди. Оқ тушиптими, а? Вазиранинг юраги «шув» этиб кетди. «Балки» шундай кўрингандир?»— деб ўзини босишга тиришди.

— Қани, ўнг кўзингизни спинг-чи, ойи.

Зумрад Содиқовна ўнг кўзини кафти билан бекитгач:

— Вой, ҳеч нарса кўринмаяпти-ку!— деди.— Ие, бу кўзимга нима бўлди, Вазира? Мен кўр бўлиб қоляпманми, а?

Вазира ойисининг ранги оқариб кетганини кўрди-ю:

— Шошманг!— деди. Сўнг ошхонанинг шифтидаги электр чироқни ёқди.— Яна ўнг кўзингизни беки-тиб, тепадаги чироққа қаранг-чи.

Зумрад Содиқовна қизининг айтганини қилиб, оқ тушган кўзи билан тепадаги чироққа қаради.

— Ёруғ сал-пал кўриняпти,— деди.— Бу қанақаси бўлди-а, Вазира?

Вазира кўз ҳақида китоблардан ўқиган ва одамлардан эшитган гапларини эслади-ю, ойисидан ҳам олдин ўзига тасалли бергандай бўлиб:

— Ёруғ кўринган бўлса, унча қўрқманг,— деди.— Озгина оқ тушибди. Операция қилиб олиб ташлашлари мумкин.

— Операция? Айтишга осон! Ўзимнинг дармоним кетиб юрибди. Бу кўзим ҳам хира. Бунисига ҳам оқ тушмаса эди!.. Шўрим бор экан-да! Даданг мени нега ёлғиз ташлаб кетди. Бирга олиб кета қолса ҳамма ташвишлардан қутулар эдим-ку! Қариганда мен энди кўздан айрилиб қандоқ қиламан, а? Бесоқибат ўғилнинг қўлида қандоқ кун кўраман?

Онасининг куйиниб йиғлашига чидай олмаган Вазира:

— Бўлди, ойи, мен ўглингни билан ҳозир гапни бир ёқлик қиламан.— деди.

Шитоб билан йўлакдан ўтиб, магнитофон гат-гут қилаётган хонанинг эшигини очди.

Деразалар ланг очиқ бўлса ҳам, хонани тамаки тутуни қоплаган. Стол устида уч-тўртта стакан, бири

бўш ва иккинчиси яримлатилган «Портвейн» шишалари. Кресло ва стулларда бири қорақош, бири қўнғирсоч, бири калта юбка кийган, бири елкасига гитара осган уч-тўртта йигит-қизлар ўтиришипти. Музыка жуда қувноқ янграётган бўлса ҳам, ўтирганлар гўё бундан тўйган, зериккан ва совуқда қолгандай қарахт кўринар эди.

Остонада Вазира кўриниши билан дераза олдида бағрини гиламга бериб отган каттакон чавқар доғ сакраб ўрнидан турди. Соч елкасига тушган, соқол-мўйлов қўйган Алибек ўгирилиб опасини кўрди-да, итга:

— Жек, жим ёт! — деди. Сўнг шошилмай ўрнидан турди. Ўртоқларига. — Бу менинг опам, — деб изоҳ берди, сўнг Вазиранинг олдига келиб, қўл бериб кўришди.

Вазира ўтирганларга нохуш назар ташлаб, истаристамас:

— Салом, — деди.

Креслода оёғини чалмаштириб, папирос чекиб ўтирган калта юбкали қиз Вазиранинг саломига овоз чиқариб алик олди. Бошқа икки йигит, бир қиз шунчаки бош ирғаб қўйишди, лекин ҳеч қайсиси ўрнидан турмади. Бу, уларнинг эскича ялпанглайверишни ёмон кўрадиган ва янгича бетакаллуф муомалани суядиган ёшлардан эканини кўрсатарди.

Вазира ҳам бетакаллуфлик билан уларга орқа ўгирди-да, укасига:

— Қани, бу еққа юр, — деди.

Опасидан гап эшитишини сезган Алибек:

— Нима гапингиз бор? — деди. — Айтаверинг. Мен меҳмонларим билан ўтирибман.

— Мен ҳам меҳмонман. Сенда зарур гапим бор. Айтаману кетаман. Қани...

Алибек ичкарида ўтирганларга ўгирилиб, елкасини ҳисиб:

— Зерикмай ўтиринглар, мен ҳозир!.. — деди-да, опасининг кетидан эргашди.

У почаси кенг, юқориси тор шим кийган эди. Шими ер супуриб бормоқда. Бунинг ҳаммаси Вазиранинг гагини келтираётган бўлса ҳам дарров асабийлашмасликка тиришиб, Алибекни оналари турадиган хонага бошлаб кирди. Диванни кўрсатиб:

— Қани, ўтир-чи, деди-да, ўзи стулни олиб, унинг қаршисига қўйди.

Ошхона томондан секин кириб келган Зумрад Солиқовнага стулни кўрсатиб:

— Ойи, сиз ҳам ўтиринг,— деди. Кейин гапни узоқроқдан бошлади. Ишларинг қалай? Ҳали ҳам заводдамисан?

— Йўқ. Институтда ишляяпман.

— Ие, қачондан бери?

— Йигирма кунча бўлди.

Алибекнинг тўқимачилик машинасозлиги заводида инженер бўлиб ишлаши Вазирага анча маъқул эди.

— Нега кетдинг?

— Бошлиқ билан келишолмадим.

— Уйдаги ялқовлигингни қилгандирсан-да... Институтда ким бўлиб ишляяпсан?

Алибек калта соқолини чимчилаб, ўзини эшитмаганга солди. Вазира яна сўрагандан кейин:

— Кичик лаборантман,— деди.

— Сени ойим қанча азоблар билан институтда ўқитди. Кичик лаборант бўлиш учун олий маълумот нега керак эди?

— Битта мен шунақами?

— Дарров ўзингни бошқаларнинг панасига оласан. Ўнинчи синфни битирган қизчалар кичик лаборант бўлиб ишляйди. Ойлиги етмиш сўм. Шу сенга етадими?

Алибек осгини чалмаштириб олди-да, икки чинчалогининг ҳавасга ўстирилган узун тирноқларини бир-бирига ишқаб тозалашга тушди. Зумрад Солиқовна:

— Нега жавоб бермайсан, гапир!— деди.— Омомот кассага қўйиб йиққан пулларини олиб-олиб татом қиляпти. Ҳар куни уч сўм, беш сўм пул олмаса кўнгли жойига тушмайди. Пенсияга оладиган пулимни ҳам қўймайди-я!

— Яна гурбатни бошляяпсизми?— деб Алибек ойсига ўшқирди. Шу уйдан бош олиб кетсам қутуламанми?!

Зумрад Солиқовнанинг энг қўрққан нарсаси шу эди. У бир кун ҳам Алибексиз туролмас эди. Институтни битиргандан кейин Алибекни тенгдошлари қатори бир йилга армияга олишмоқчи бўлганда Зум-

рад Содиқовна военкоматларга бориб: «Касалмандман, елгизман, бошқа қарайдиган одамим йўқ», деган арзу додлар билан ўғлини олиб қолган эди. Алибек кекса онасини дўқ-пўписа билан енгиб олган, нима истаса шуни қилишга ўргатиб қўйган эди. Ҳозир ҳам Зумрад Содиқовна дарров ўғлига ён берди:

— Мен сени кет деяпманми? Яхши одам бўлсанг ўзингга фойда! Ёшинг йигирма бешдан ошди. Сен тенги йигитлар колхозда раис бўлиб ишляпти. Заводда цех бошлиғи бўлаётган ёшлар бор.

— Мен амалга қизиқмайман деб айтувдим-ку сизга!

Дим уйда бўгриқиб кетаётган Вазира яна мумкин қадар совуққонлик билан:

— Хўп, сени нима қизиқтиради ўзи?— деди.

— Мен эркин одам бўлишни яхши кўраман.

— Сен суйган «эркинликка» такасалтанглик ҳам кирадими? Сен суйган «эркин одам» кекса онасининг пенсиясига портвейн ичиб юришдан уялмайдими?

— Мен бу портвейнни ўз пулимга олганман!

— Кечагисини-чи? Утган кунгисини-чи? Эгинг-даги модний кийимларни кимнинг пулига олгансан? Токайгача эрка ўгил бўлиб юрасан? Ахир ўзинг ҳам ота бўлишинг керак-ку. Хотининг билан: «Бола керак эмас», деб уришар эмишсан.

— Бизнинг оилавий ишимизга сиз нега аралашасиз?

— Сенга тўй қиламиз деб қанча меҳнатларимиз сингган! Ушанда бизнинг аралашиншларимиз сенга ёққан эди-ку! Қаллигинг сендан аразлаб, «тегмайман» деб юрганда, биз орага тушиб яраштириб қўйганимизда жон деган эмасмидинг? Нега ушанда бизни аралаштирадинг?

— Бу менинг хатойим бўлган,— деди Алибек.— Умуман уйланмаслигим керак эди. Ҳозир энг савияси баланд одамлар оила-ю, никоҳ деган нарсаларнинг эскиликка айланиб қолаётганини сезишадим.

— «Савияси баланд» ультра моднийларми?— сўради Вазира.— Шунинг учун сенга фарзанд керак эмасдир-да, а? Сен учун бола ўстириш ҳам эскиликка киради, чамаси?

— Сиз ўзингизни илгор деб биласиз. Лекин дунёда аҳолининг кўпайиши қандай оқибатларга олиб келаётганини ҳеч ўйлайсизми?

— Демак, сен одамзоднинг гамини еб, бола кўрмоқчи эмассан, шундайми?

— Узимни ҳам бекорга қийнамоқчи эмасман.

— Ҳа, ана, гап бу еқда! Сен фақат ўзингни ўйлайсан. «Одамзод», «аҳолининг сони» сен учун шунчаки баҳона, холос. Одамзод нарёқда турсин, сен ёнингда яшаётган мана шу онангга зиғирча ҳам жон куйдирмайсан-ку. Ўзингнинг роҳатинг учун онангни шунчалик қийнашдан уялмайсанми?

Алибек сакраб ўрнидан турди ва чиқиб кетмоқчи бўлиб деди:

— Бунақа нутқларни мажлиста бориб гапиринг! Мени шунинг учун чақирган бўлсангиз, бас!..

Вазира ортиқча қизишиб кетганини энди сеади-ю, укасининг кўзларига тикилиб:

— Ўтир!— деди паст товуш билан.— Мас-лаҳатлашадиган бошқа гап бор.

Вазира қолган гапини укасининг ёлғиз ўзига айтмоқчи эди. Қуруқшаган лабини ялаб:

— Ойи, чой қайнаб кетгандир?— деди.

— Вой, эсим қурсин!— деб Зумрад Содиқовна оёғини эҳтиёт билан судраб босиб, ошхонага томон шошилди.

Вазира ойисининг узун халатидаги тугмалар нотўғри қадалганини, халат этагининг бири баланд-бири паст бўлиб қолганини, ёқасининг ўнг томони беўхшов кўтарилиб турганини энди пайқади. Бир вақтлар гўзал ва мағрур аёл бўлган онасининг гавдаси ҳозир шалвираб, зянчли аҳволга тушиб қолганини яна бир марта бутун вужуди билан ҳис қилди-ю, унга раҳми келиб, тупугини «қилт» этиб кўтди.

Алибек диванга қайтиб ўтирди-да, норози товуш билан:

— Гапиринг тезроқ, меҳмонларим қараб қолди,— деди.

— Қасёқдаги олифта улфатларингга шунчалик меҳрибонсан-ку, ойингга нега бағритошлик қила-сан?— деди Вазира.

— Тавба! Яна нима қилибман?

— Наҳотки ҳеч нарсани сезмасанг? Ойимнинг бир кўзи кўрмай қолипти-ку!

Вазиранинг кўзларида ёш йилтиради. Буни кўрган укаси:

— Айтдим-а!— деди. Кўз докторига боринг дессам қулоқ солмайди. Нуқул туртиниб юради. Ҳамма нарсани тўкиб сочади.

Вазира укаси томонга энгашиб овозини пасайтириб давом этди:

— Ойим ўзини сенга фидо қилавериб, соғлиги тамом бўляпти! Ҳозир бир кўзига оқ тушиб кўрмай қолган. Иккинчи кўзи ҳам хира. Шу кетишда униси ҳам кўрмай қолса кейин қандоқ қиласан? Ё онангни кўчага чиқариб ташлайсанми? Қўлидан стаклаб юришни унда кўр!

— Нега фақат мен етаклаб юришим керак? Сиз ҳам у кишининг қизисиз!

Шунча гапдан кейинги бу жавоб Вазирани бир лаҳза ҳанг-манг қилиб қўйди. Наҳотки, укаси шу даражада безбет бўлиб кетган. Гўё унинг териси ўрнида ўқ ўтмас зирҳли пўлат бор эди-ю, ҳар қандай ўткир сўз ҳам тиғи қайрилиб, ерга юмалаб тушарди. Вазира газабини аранг босиб давом этди.

— Мен катта фарзандлариман, бунинг сендан кўпроқ ўйлайман. Шунинг учун олдини олайлик дейман, аҳмоқ!

— Тезроқ докторга олиб бориш керак.

— Бу ишни мен эртагаёқ бошлайман. Лекин сен ҳам ойимнинг биронта оғирини сизил қиласанми, йўқми?

Алибек елка қисиб:

— Мен нима қилишим мумкин?— деди.

Вазира ҳамма талабларини бирдан айтса қолмаслигини сезди-ю:

— Ойимга ҳозир осойишталик керак,— деди.

— Сен ишга кетганингда бу ит ойимнинг асабига тегиб уни қийнайди. Қасрдан олдинг бунинг?

— Ўртогим берди.

— Ўша ўртогинг ҳозир шу ерда борми?

— Ҳа, гитара чалиб ўтирибди.

— Бўлмаса, Алик, укажон, ҳозир боргин-да, ойим касал бўлиб қолганини ўртоқларингга айт. Ҳаммасини яхшилиқча кузатиб қўй. Итини ҳам эга-сига бер, олиб кетсин.

Алибекнинг юзи бир тиришди. Лекин ошхонадан чой кўтариб келаётган онасининг пайпасланиб қадам ташлаши кўзига ҳозир таҳдидли бир маъно кашф этиб кўринди-ю:

— Бўпти!— деди.— Шу билан қутуламанми?

— Қолган маслаҳатни кейин қиламиз. Тезроқ қайтиб кел. Бор!— Вазира ҳам ўрнидан турди.

— Ойи, бу срдан ошхона салқинроққа ўхшайди,— деди.— Юринг, чойни ўша сзда ичамиз.

Алибек ўртоқлари билан яна бирпас ўтирди-да, кейин уларни кузатиб, итни ҳам стаклаб, пастга тушиб кетди.

— Ойи, хонангиз жуда бўлмайд кетибди. Мен шу бугун сизни нариги тинч хоналардан бирига кўчириб қўяман.

— Вой, укангдан балога қоласан! Унинг нарсаларига тегиб бўлмайди. Жанжал қилади!

— Қўрқманг,— дея Вазира боя Алибек ўртоқлари билан ўтирган хонанинг эшигини очди. Тамаки тунини чиқариб юбориш учун эшик-деразаларни, ҳатто ташқи эшикни ҳам ланг очиб қўйди. Папирос қолдиқларини ва бўш шишаларни йиғиштириб олиб чиқариб ташлади. Анчадан бери қаралмай, ифлос бўлиб кетган полни ювди, дераза токчаларини артди. Бу уйдан қўшни хонага ўтиладиган ички эшик бор эди. Ички хона Алибек билан хотинининг қаражатлари турадиган стоқ эди. Раҳматли оталари ҳар бир хонанинг эшиги алоҳида бўлишини яхши кўрар, шунинг учун нариги хонадан коридорга алоҳида эшик очдирган эди. Вазира ҳозир бу кабинетдаги диванни ойиси учун чамалаб, очиб-ёпиб кўрди.

Вазира хонани ювиб, артиб бўлган ҳам эдики, эшикдан Алибек кириб келди. Унинг итни эгасига бериб юборгани ва аяча тез қайтганидан кўнгли илиган Вазира:

— Ойи, бу ёққа келинг,— деди.

Учовлари шамоллатилган ва ювиб тозаланган кабинетда юмалоқ стол атрофига ўтиришди. Вазира ойисига қараб сўради:

— Сиз сездингизми, Алибек ҳалиги итни эгасидан бериб юборди.

— Вой, хайрият-эй!— қувониб кетди Зумрад Соқидқовна.— Қандай инсофга кела қолдинг, Алибек?

Алибек индамай хўмрайиб қўйди. У ойисининг бунақа мақтовларини суймас эди.

— Сизнинг соғлигингиз бизга ҳам керак, ойи,— давом этди Вазира.— Эртага шанба. Мен сизни эрта-лабдан кўз докторига олиб бораман.

— Ора узоқ, ўзинг овора бўласан-да. Абборнинг машинаси юриб турибдими? Бугун нега келмади?

Вазира эрталаб Абборга айтган аччиқ-чучук гапларини эслади. У онасидан ердан сўрамоқчи эди-я. Абборнинг отаси қуда хола билан анча ҳисоблашадиган одам эди. Вазира, «балки ойим бо-риб, уларга хатоларини тушунтирар, участка олиш фикридан қайтарар», деб ўйлаган эди. Энди ойисининг ўзи бу аҳволда ерданга муҳтож бўлиб ўтирганини кўриб, юраги баттар эзилди. Лекин ойисига ҳеч нарсани сездиргиси келмай:

— Абборнинг бугун ишлари бор эди, эртага келади,— деди.— Унгача Алик икковимиз ойим учун битта иш қилишимиз керак.

Алибек сергакланиб:

— Яна нима иш?— деди.

— Ойим етган хона жуда ҳам шовқин. Ухлабмай қийналастган эканлар. Ёз ўтгунча мана шу хонага кўчиб ўтсинлар.

Яхши кўрган итидан айрилиб, кайфи бузилиб ўтирган Алибек:

— Бу хонани ойим менга берган эди-ку!— деди.

— Сен ичкариги хонада тураверсан. Йўлакка қараган эшигини очамиз. Мана бу ички эшикни бекитиб олишинг мумкин.

— Бу хонада менинг магнитофоним, нарсаларим бор.

— Улар ётоқхонангга сизмаса, ҳозир онам турган нариги хонага олиб чиқ!

— Ўртоқларим келса ётоқхонага олиб кираманми?

— Улар ҳам кўча томондаги ўша хонада ўтираверади.

— Бизга шовқин бўлса майли экан-да, а?!

— Ёшсанлар, сенларга ҳеч нарса қилмайди. Кексаларга қийин.

— Ҳамма нарсанинг яхшиси кексаларга берилсину смони ёшларга қолсинми? Шарқнинг эскирган одатларидан бири ана шу! Ёшлар доим кексаларга таъзим қилиши керак, кексаларнинг оёғига қараб қадам ташлаши керак, улардан ортган сарқитни «табаррук» деб сийиши керак. Бунақада кечаги кун доим бугунгисидан устун қўйилади. Олдинга кетиб бўлмайди. Мен буинга қаршиман!

Вазира укасининг бунақа беандиша «назарияси» ҳам борлигидан хиёл тзажжубланиб:

— Ахир сал инсоф қилгин!— деди.— Сен бир ўзинг иккита тинч хонани эгаллагин-да, касал ойим нариги дўзахда ухласмай азоб тартиб ётсинми?

— Азоб тортмасин десагиз уйингизга олиб кетинг,— деди Алибек гаши келтирадиган бир совуққонлик билан.— Сизнинг квартирангиз ҳам жуда тинч. Менинг хоналарим иккита бўлса, сизники тўртта.

— Шунчалик сурбетмасан-а! Ойи, юринг, мен сизни олиб кетаман, бир ўзи моховга ўхшаб ёлғиз тураверсин! Беш-олти ой қўйиб беринг. Сизнинг қадрингизни ҳам билсин! Уялмай кексалигингизни юзингизга солади-я! Вой, ноинсоф-ей!.. Ойи, қани туринг!

Зумрад Содиқовна ўрнидан секин кўтарилди. Заиф товуш билан:

— Кечаси туртиниб қаёққа бораман?— деди.— Вазира, сенлар ҳам тўрт жонсанлар... Мен ўз уйимга ўрганиб қолганман.

— Бўлмаса ҳозир сизни мана бу хонага кўчириб ўтказаман!

— Мунча шошма, қизим. Ўзимиз кейин бир мурасага келармиз. Ҳалиги итнинг кетгани ҳам мен учун катта енгиллик бўлди. Анча тинчиб қолдим.

Зумрад Содиқовна Алибекнинг аёвсиз, қўпол муомаласига ўрганиб қолган эди. «Мен бўлмасам ўғлим бирон фалокатга йўлиқади», деб уни ташлаб кетишга юраги дов бермасди. Вазира шунга сезди-ю, чуқур тин олиб, деди:

— Ўғлингизни шунчалик тошбағир қилган — сизнинг бўшлигингиз. Қаттиқ туринг, ахир, сиз ҳам дунёга бир марта келгансиз!

Вазира хайрлашиб кетаётганда ойисига раҳми келиб, кўзига ёш олди.

Тунги шаҳар бўйлаб уйларига қайтаётганда эса серзарда қайнонаси Ҳанифа хола эсига тушди. «Ким билсин, менинг ойимга ўхшаб кўнгилчан, бўш бўлгандан кўра, болаларни ўшанақа зарда билан қаттиқ тутгани ҳам яхшироқмикин?»— деган гап кўнглидан ўтди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Ўгли билан телевизор кўриб ўтирган Аброр бир неча марта орқасига ўгирилиб, девордаги соатга қаради. Кечки ўн бўлиб боряпти. Маликадан ҳамон дарак йўқ. Вазира онасиникига кетиб, бунчалик ҳаяллагани озлик қилгандай, қизлари Маликага ҳам дугонасининг тугилган кунини ўтказиб келишга рухсат берибди. Аброр ишдан қайтса, Малика укасига шунини айтибди-да, соат олтиларда кетибди. Шунча вақтдан бери нима қилиб ўтирганикин? Аброр гоҳо телефон қилиб турадиган ўғил болаларни эслади-ю, кўнгли гаш бўлиб, ўрнидан турди. Йўлакка чиққан эди, кимдир эшик қулфига ташқаридан калит солиб очаетгани эшитилди. Аброр эшик олдига борганда Вазира кириб келди. Кўриниши эрталабгидан хийла бошқача — ҳоргин ва маъжус.

— Қалай, тинчликми?— деди Аброр.

Вазира туфлисини ечиб шиппак кияр экан:

— Ҳа, энди, ўтиришипти...— деди.— Сизга ойим салом айтдилар.

Аброр қуллуқ дегандай бош ирғади:

— Маликага сиз жавоб берганмидингиз?

— Бир соатга рухсат берган эдим... Келдимми?

— Йўқ. Тўрт соат бўляпти.

Вазира, «ҳали бу ташвиш ҳам бормиди?» дегандай «уф» тортди. Ваннахонага кириб, қўлини ювди. Чарчаб келган бўлса ҳам ўтиргиси келмай, телефон дафтаричасини қидириб топди. Уни тикка турганича варақлаб, Маликанинг қўли билан ёзилган номерлардан бирини терди:

— Алло!.. Кечирасиз... Бу Дилдораларнинг уйими?... Бугун қизларингизнинг тугилган кунини шекилли. Табриклаймиз!.. Мен Маликанинг ойисман... Қизимиз ўша ердами?... Қоронғи тушиб қолди... Биз сал хавотирланяпмиз... Ош бўлса... Раҳмат!.. Энди... Маликани чақириб беролмайсизми?... Раҳмат...

Трубкани Малика олгандан кейин Вазира аччигини яширолмади:

— Мен сенга нима деган эдим?... Қўймаётган бўлишса, ойимга вазъа берганман демайсанми? Тўрт

соат бўляпти. Бас! Ҳозироқ етиб кел!.. У еги билан менинг ишим йўқ! Тез бўл!

Вазира трубкани шақ этказиб жойига қўйди. Эшик кесақисига суяниб турган Аброр хотинидаги қатъиятни маъқуллагандай бўлиб:

— Малика келса ўртага олиб гаплашишимиз керак,— деди.— Мен гаражга машинани қўйиб, мактабнинг олдидан ўтиб келаятсам, синф раҳбарлари учраб қолди. «Маликанинг ўқиши яхши-ю, лекин ўзини тутиши мени ташвишга соляпти», деди.

— Яна нима қилипти?

— Булар уч-тўртта қиз бир бўлиб олиб, ўзларини ҳаддан ортиқ эркин тутишармиш. Ўқитувчилари ҳас, одоб тўғрисида гапиринса писанд қилишмасмиш.

— Бўлти, ҳозир келсин-чи,— деди Вазира ва хобгоҳга кириб кетди. Ўша ерда енгил ёзлик халатини кийди, каравотнинг атлас рўйжойини йиғиштирди, сўнг ёстиққа бош қўйиб, чўзилди-да, кўзини юмди.

Куни бўйи кўрган-кечирганлари ҳаслида шундай асабий чарх урар эдики, боши айланаётгандай бўлиб, тез кўзини очди. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади. Вазира оғриниб ўрнидан кўтарилди. Халатининг тугмаларини солар экан, сскин йўлакка чиқди.

Эшикни Аброр очмоқда эди.

Ташқаридан шошилиб кириб келган Маликанинг ёноқлари қизарган, кўзлари чақнаб турибди. Тез юриб келганиданми еки бирор нарса ичганми?

— Қани, бу еққа юр,— деб Вазира қизининг олдига тушди.

Катта хонада Зафар телевизор кўриб ўтирибди. Унинг шовқини ошхонага камроқ эшитилар эди. Вазира Маликани ошхонага олиб кириб, қаршисига ўтқазди. Аброр ҳам ошхонага кириб, эшикни епди. Ота-онасининг авзойи ёмонлигини сезган Малика:

— Мен боя келмоқчи эдим,— деди.— Дилдора, «хафа бўламан, ўтиришни бузасан», деб туриб олди.

— Ўтириш?— қайтариб сўради Вазира.— Нима, вино ҳам ичдиларингми?

— *Озгина шампан.* Дилдоранинг ойиси рухсат берди. Овқатга кеч уннашган экан. Шўрвасини ичдик. Ошини энди дамлаган эди...

— Ёш қизчаларга қуюқ-сууюқ зиёфат, яна шампан!

Аброр гапга аралашди:

— Фақат қизчалар эмасдир? Ўғил болалар ҳам бормиди, Малика?

Дадасининг саволидан уялган Малика ерга қараб:

— Синфдошларимиз бор эди,— деди.

— Қизим, сен дугонангни хафа қилмайин деб, бизни шунча кутдириб қўйдинг,— мулойимлик билан дэвом этди Аброр.— Ота-онанинг ҳурмати дугонангнинг ҳурматидан паст турадимми?

— Йўқ...

— Бўлмаса нега ойнинг айтган вақтда келмадинг?..

Бу ёқда яна шампан. Папирос чекадиганлар ҳам бордир.

Малика жавоб тополмади.

— Ўғил болалар неча киши эди?— сўради Вазира.

— Уч киши.

— Қизлар-чи?

— Тўрт қиз.

— Демак, етти киши бўдиларинг,— деди Вазира.— Бошқа меҳмондорчиликларда ҳам шу еттовинг бирга бўласанларми?

— Ҳа, бир-биримизни яхши тушунамиз. Болалар ҳам одобли... Комсомол аъзолари...

— Бизнинг уйга телефон қиладиганлар ҳам ўша болалардир-да,— деди Вазира.

Малика уялиб ерга кўз тикди.

— Ундан чиқди, еттовларинг битта компания бўлиб олибсанлар-да?— деди Аброр.— Синф раҳбарларинг айтганда мен ҳайрон бўлган эдим. Таннаффусларда ҳам беш-олтита йигитлару қизчалар нуқул алоҳида бўлиб олиб, чақчақлашар эмишсанлар.

Бу сўзлар Маликага огир ботди:

— Нима, энди ҳеч гаплашмай юрайликми?

Ойиси уни силтаб ташлади:

— Ким сенга шундай деяпти? Энди сажкизинчини битирипсан? Ҳалитдан ўғил болалар билан компания бўлиб ўтиришларда юрсанг, кейин нима бўлади?

— Ҳеч қанақа компанияни мен билмайман!— деди Малика. Унинг лаблари алам билан пир-пир уча бошлади:— Ҳаммамиз бирга комсомолга кирдик. Уртоқларча муомала қилиб юрибмиз. Нега бунга ёмон кўз билан қарашади? Нега гап қилишади?!

— Ким ёмон кўз билан қарабди?— сўради Аброр.

Маликанинг кўзида ёш йилтиради.

— Карима опа деган ўқитувчимиз... «Қизлар клуби»нинг мажлисида Дилдорани гап қилди.

— Кейин сен дугонангни ҳимоя қилиб, Карима опага қарши гапирибсан-а?— сўради Аброр.

— Гапирдим! Нега эскича одатларни ёқлайди?

— Қанақа эскича одатни ёқлапти?

— Қизи биз билан ўқийди. Айтганини қилмаган экан. Карима опа танаффусда синфга келиб, қизини бир шапалоқ урди. Ҳаммамиз кўрдик. Бизни ҳам кўрқитиб оламан дейди. Кўрқиб ҳурмат қилиши эскилик эмасми? Мен шунини мажлисда айтдим!

Қизларидан бунақа галларнинг чиқишини кутмаган Вазира унга ҳайрон бўлиб тикилди. Малика ҳам мажлисларда адолатни ёқлаб гапирадиган комсомол қиз бўлиб қолгани унга гўё энди сезилгандай бўлди-ю, қалбининг бир четига ёқимли туюлди. Лекин боя укаси Алибек ҳатто оила қуриш, фарзанд ўстиришни ҳам «эскилик» деб атагани бирдан ёдига тушди. Агар бўш қўйиб берса, Малика ҳам бориб-бориб, ўшанақа кўчаларга кириб кетиши мумкин эмасми? Вазира қизини ҳозирдан қайриб олишга интилиб:

— Сен аввал ўзингни бил!— деди.— Карима опанг бирон камчиликка йўл қўйган бўлса, уни айтадиган мактаб директори бор, педсовет бор. Сен ўқувчисан, ўқитувчининг устидан ҳукм чиқаришга ёшлик қиласан! Мажлисда ўқитувчининг юзига сапчиб, уни беҳурмат қилганинг — менимча ҳам одобсизлик! Беҳаселик! Бугун мендан бир соатга жавоб олиб, тўрт соатга кетганинг учун жазо олишинг керак! Бундан кейин тугилган кунларга бормайсан! Бизнинг уйга телефон қиладиган болаларга ҳам айтиб қўй. Сени телефонга кўп чақиравермасин! Тўп-тўп бўлиб чақчақлашишларни ҳам бас қил! Одамлар гап қилаётибдими, десмак, шунга бир сабаб бор! Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди!

Малика кўзига ёш олиб:

— Сиз нега уларга ишонасиз?— деди. Сўнг дадасига нажот сўрагандай қилиб қаради:— Ахир мен нима қилибман?!

Аброр бир нарса дегунча бўлмай, Вазира қизини яна жерқиди:

— Сен «эркин» бўлман деб тантиқланиб кетяпсан! Ёшинг ўн бешда! Ҳасени маҳкам ушлайдиган пайтинг. Шампан ичиб, папирос чекадиган бугундақа зисфатларга иккинчи бормайсан, билиб қўй! Агар борсанг, шу уйга қайтиб келмайсан! Эшикдан киргизмайман, уйдан ҳайдайман, қасққа борсанг борасан! Гап тамом!

Малика ошхонадан йиглаб чиқиб кетди. Унга қаттиқ гапириб асаби бузилган Вазира ўрнидан турди-да, пиёла олиб, храндан совуқ сувга тўлдирди. У сув ичаётганда лаби титраб, кўзи пир-пир учаётганини Аброр кўрди-да:

— Ис, сизга нима бўлди?— деди.— Жуда қаттиқ кетдингиз. Маликанинг кўнглида кири йўқ. Болаларча соф муомала қилиб юрган бўлса, сиз...

— Тарафини олманг!.. Дадам ўша Алибекни ҳам қаттиқроқ тергаса, ойим дарров тарафини олиб, талтайтирар эди. Мана ҳозир шу талтайишларнинг азобини тортиб юрибди. Бугун ойимнинг аҳволини кўриб, кўнгиллрим вайрон бўлиб келяпман!

Вазирадаги асабийликнинг бошқа сабаблари борлигини энди сезган Аброр алланечук хавотирга тушиб:

— Нима бўпти!— деди.

Вазира ойисининг кўзига оқ тушганини, укасининг силаси бузиладиган бўлиб турганини, ўзи ёмон йўлларга кириб кетаётганини Аброрга айтиб берар экан, энди бу кўнгилисизликларнинг ҳаммаси бир жойга йиғилиб, жуда катта бўлиб кўринди-ю, уни даҳшатга келтирди. У ўтирган жойида бир нуқтага тикилиб:

— Энди қандоқ қиламиз?— деди.— Кошки ойим сал қаттиқроқ турса!.. Нуқул ён беради. Унга сари Алик тепасига чиқади! Бедаво бир дард!

Аброр қўлларини қўлтигига асабий қисган бир ҳолада ошхонанинг у четидан-бу четига бир-икки бориб келди-ю.

— Ҳали бу ишқаллик ҳам бизга қараб турган экан-да!— деди дилгир бўлиб. У эрталаб ойисига орқа қилиб зарда билан кетган Вазиранинг хуфтонда ҳовури босилиб, маъюслиниб қайтганига нима сабаб бўлганини энди тушунди. Вазира ҳозир қайнона-қайнотасини участка олиш фикридан қайтаришни

ўйламас, уларнинг бу ерга кўчиб келишларига но-
илож кўнган, бу масалада эрига ён берган эди. Аб-
рорга бу ёқимли туюлди-ю, лекин нарёқда қайнонаси
ёрдамга муҳтож бўлиб ўтирганини, эртагаёқ уни ма-
шинасида врачларга олиб бориб кўрсатиши керакли-
гини, қайниси Алибекнинг оиласини сақлаб қолиш
учун ҳам қанча ҳаракатлар қилиши кераклигини
ўйлаб хуноби ортди. Нарёқда отаси участка қидира-
миз деб уни кутиб ўтирибди. Эртага уни
Бешқайрағоч томонларга олиб борадиган. Ҳали бу
Маликанинг мактабига бориб, ўша Карима опа дегани
билан гаплашиб кўриш керак. Уқитувчиси билан кон-
фликтлашиб юришининг кераги йўқ.

— Зафарнинг ташвишидан энди қутулганимизда
бунисиники чиқиб ўтирибди-я! Тинчлик йўқ экан-да!
Иккита боланинг галваси шунча! Беш-олтита бола
ўстираётганларга тўзим берсин-е!

— Шунақа пайтда одамларга укалари келиб қара-
шади,— деди Вазира,— оналари келиб бола боқиша-
ди. Оталарининг давлатида маза қилиб юрганлар
озми? Бизникилар ҳаммаси ёрдамга муҳтож! Туриб-
туриб одамга алам қилади!

Аброрнинг кўнглига ҳам шу гаплар келган эди.
Лекин уларни Вазирадан эшитганда нимасидир
ўринсиз миннатга ўхшаб туюлди:

— Инсоф билан айтганда,— деди,— олтмиш-ет-
мишга борган ота-оналардан ёрдам кутиш ҳам
тўғри эмас. Вақтида улар бизни боқиб оёққа
турғизишган, болаларимизга ҳам қарашган. Бунинг
ҳаммаси осон эмаслигини мана энди — ўзимизнинг
бошимизга тушганда билиямиз-ку. Сиз билан биз
етмишларга борганимизда Зафар қирқларга боради.
Ўшанда ҳам ўглингиз биздан ёрдам кутадиган бўлса
ёқармикин?

— Ёқадими, йўқми, ишқилиб, Аликка ўхшаганлар
элликка кирганда ҳам ота-онасининг елкасидан туш-
масликка тиришади.

— Лекин сиз билан биз Аликка ўхшашни иста-
маймиз-ку, ахир. Ё истайсизми?

— Худо сақласин!

— Ундай бўлса, ота-онанинг ҳам, болаларнинг
ҳам бутун ташвишларига чидашга мажбурсиз. Қирқ
ёшнинг нари-берисида одам шунақа бир катта доғон-

га чиқади шкилли-да. Ота-оналар олтмиш-стмишга бориб, ердамга муҳтож бўлиб қолади. Болалар ўсиб-ўзгарадиган, ҳар куни бир ҳунар чиқарадиган ешга кираркан. Олдинги авлоднинг ҳам, кейинги авлоднинг ҳам бутун оғирлиги шу доғонда турганларга тушаркан.

Вазира бу оғирликни бир ўзи тортолмаслигини, эр-хотин бир тан бир жон бўлиб ҳаракат қилмасалар, кўчкидэй ёпирилиб келаётган ишлар, ташвишларнинг уддасидан чиқолмасликларини бугун астойдил ҳис қилди.

— Йил ўтган сари яшаш қийин бўлиб боряпти-я, таяба! — куйиниб деди Вазира.

Аброр ҳам оғир пайтда суюнадиган ва кўнглини очиб гапирадиган Вазирадан яқин сирдоши йўқлигини бугун гўё янгитдан сезди. У Вазира билан дардлашгиси, кўнглининг чигилини унга айтиб ёзгиси келди:

— Э, хоним, сувга ўхшаб нишабига қараб оқадиган одамларга яшаш ҳамиша осон. Болаларига ҳам, ота-оналарига ҳам қайрилиб қарамай, тараллабедод қилиб юрганлар йўқми? Лекин биз... дуруст ота-она бўлгимиз келади. Дуруст фарзанд, яхши ака, яхши почча бўлмагунча, кўнглимиз жойига тушмайди. Бироқ ҳар жиҳатдан яхши бўлиш — тоғнинг қиррасидан юриб боришдай қийин. Одам гоҳ у ёнбағирдан, гоҳ бу ёнбағирдан ноилож пастга тушиб кетадиган пайтлари бўлади. Лекин барибир яна ўша тоғ қиррасига — тўла-тўқисликка интиласиз. Чунки доим яхши бўлишу яхши яшашни хоҳлайсиз. Бусиз чинакам бахт йўқ.

— Аҳмоқ Алибек ҳам шуни тушунса экан! Ахир унинг ҳам бахтли бўлгиси келади-ку. Бунинг ўрнига ўзини ҳам, онамни ҳам, хотинини ҳам хароб қилиб қўйяпти!

— Алибек ёмон бир муҳитга тушиб қолган, Вазира. Сиз унинг улфатлари билан гаплашиб кўрдингизми?

— Гаплашгим келмади. Сўхталари шундай совуқ!

— Худбинликнинг чўққисиде юришади-да. Мен ўтган гал борганимда уларни бирпас гапга солиб кўрувдим. Кўпчилиги — оиласи бузилган ёшлар. «Оила бўлиб яшаш эскиряпти, бола керак эмас», деган «назарияни» ўшанда эшитдим. Одам худодан ҳам,

халқдан ҳам, ота-онадан ҳам, маҳалла-кўйдан ҳам тап тортмайдиган бўлса, имони, эътиқоди емирилиб, нуқул «эркин бўламан» деб нафсини қўйиб бериб, шу кўйга тушар экан-да. Ҳатто туққан онаси учун қилча ҳам жон койиткилари келмайди. Ўзларининг роҳатлари-ю, лаззатларидан бошқа ҳеч нарсани тан олишмайди. Яна уларнинг қилганини «тўғри» деб маъқуллаб турадиган бузуқ муҳити бор.

— Алибекни шу муҳитдан узиб олиб бирон еққа жўнатиш керак!— деди Вазира боя бедаво туюлган дардга энди даво топа бошлагандай тетикланиб.

— Бу ишни хотини билан бамаслаҳат қилмаса бўлмас, ёш оила бузилиб кетса... кейин Алибекни ҳам эпақага келтириб бўлмайди.

— Рост, мен аввал келинимизни топиб гаплашай... Эртагаёқ мактабига бораман.

— Ойингизни қачон докторга кўрсатамиз?

— Ҳа, аввал ойимнинг кўзини қаратмасак бўлмайди, бу еқда Маликанинг ўқитувчиси...

— Нарсада бизникилар ҳам эртани кутиб туришибди... Хуллас, тонг отгандан кун ботгунча чоп-чоп...

— Бўлмаса эртароқ етиб дам олинг.

— Э, дам қасқда! Садриевга айтадиган гапларимни бугун кечаси қоғозга туришиб қўймасам, эрта-индин вақт қани?

Аброр хабинетига кириб, соат иккиларгача сзувчизувини қилди. Вазира ошхонани йиғиштириб бўлиб яшнахонага хирди. Анча кир тўпланиб қолган эди. Бу шанба-якшанба бўш вақт тополмаслигини сезиб, кирларни ювишга киришди.

У боя жуда кўнгли алғов-далгов бўлиб келган эди: Аброр гўё унинг ҳовурини босди. Таптини олиб, хаёлини тинитди. Тиниган сув тагида кўринган гадир-будур тошга ўхшаб, Шерзодиннинг соавторлик ҳақидаги таклифи эсига тушди. Вазира Баҳромовнинг ишини планга киргизиб берганини Аброр эшитса қанча тажанг бўлади. Вазира буни сир тутишга мажбур. Усиз ҳам ташвиш старли. Яна соавтор бўлиш... Вазира тунги соат иккиларгача кир ювиб, рўзгор ишларини қилар экан, Баҳромовга соавтор бўлиш фикридан қайтди. «Аброр акам Садриевга мурожаат қилса, энди унга ёрдам беришим керак», деган ўй билан ванидада чўмилди-да, хобгоҳга, эрининг ёнига кириб етди.

Аброрлар бола эканида Тошкент ҳозиргидан бир неча баробар кичик эди. Унинг бир четидан иккинчисига бориб келиш анча осон, турли жойларга боғлиқ иш ҳам хийла тез битарди. Бир вақтлар эски шаҳар билан янги шаҳар. Хадра билан Инқилоб хисбонини оралиги — шаҳарнинг энг узоқ масофаларидан ҳисобланган бўлса, энди шимоли Юнусободдан нари Дендропарккача борган, жануби Домбрободдан ўтиб, Янгийўлга яқинлашиб қолган улкан шаҳарда Хадранинг ўзи ҳам энг яқин марказий майдонлардан бирига айланди.

Аброр қайночасини тўқимачилик комбинатининг ёнидаги поликлиника врачига кўрсатиб, ундан сўнг шаҳарнинг нариги четида — Қорақамиш томонидаги кўз касалхонасига олиб боришини ўйлаганда бу катта масофани елкасида кўтариб юрадигандек бўларди. Шаҳар қанчалик улкан бўлса, унда яшайдиган киши доим шунчалик улкан масофаларни босиб ўтиши кераклиги, мўлжалланган ишларини қилиб улгуриши учун доим вақтни тежаб сарфлашга ва мудом тезкор бўлишга мажбур эканлиги Аброрга энди астойдил сезилмоқда эди. Улуғ шаҳар одамдан улуғ куч ва ғайрат талаб қилишини ҳам у энди билмоқда эди.

Улар Вазира иккаласи Зумрад Содиқовнани эрталаб поликлиника врачига кўрсатганларидан сўнг Чилонзорнинг Оқтепаси орқали Қорақамиш томонга йўл олдилар. Малиха мактабда имтиҳон топшириб юрар, Зафар уйда ёлғиз қолиб эрихар эди. Шунинг учун отаси уни ҳам машинага солиб чиққан эди.

Аброр қайночаси билан кўз касалхонасига кириб кетаётиб ўглига:

— Машинанинг ҳеч жойига тегма, эшикни ҳам очма, деразадан томоша қилиб ўтир!— деб тайинлади.

Зафар истар-истамас:

— Хўп!— деб ҳўйди. Деразанинг ойнасини тушириб, бирпас у ёқ-бу ёққа қаради. Лекин ойна билан дадаси Зумрад Содиқовнани қўлидан олиб, ичкарига кириб кетганларича узоқ вақт қайтиб чиқишмади.

Зафар ёлғизликдан зеркиб, машинанинг эшигини беш-тўрт марта очиб, ёпти. Кейин майда-чуйда солинадиган қутичани очиб, дадасининг кўзойнагини олди. Уни таққандан кейин, рулга ўтиргиси келди. «Дадам келмаяптимикин?» деб, Аброрлар кириб кетган эшикка бир қараб олди. Йўқ, улар ҳали ҳам ичкарида. Зафар дадасининг жойига ўтириб, рулни бир-икки айлантирди, педалларга оёғи етмаса ҳам, чўзилиб, уларни бирма-бир босишга тушди...

Бу орада Аброрлар Зумрад Содиқовнани кўз касалхонаси профессорининг қабулхонасига бошлаб кирдилар. Профессор касалларни кўриш учун палаталарга кириб кетган экан. Унинг ассистенти Аброр билан Вазиранинг арзини эшитди-да:

— Профессорга киришдан олдин яна бир нарсани аниқлаш керак,— деди.

— Нимани?

— Ҳозир,— деб ассистент йигит Зумрад Содиқовнани йулакнинг охиридаги хонага бошлаб борди. Сочини баланд қилиб турмаклаган ҳамшира қизга уни рўлара қилиб:

— Оқ, тушган кўзларини бир ювиб кўринг-чи,— деди.

Қиз катта шприцга қайнатилган тоза сувдан тўлатиб олди. Сўнг оқ тушган кўзни йириб очиб, унга шприцдан сув юбора бошлади. Мақсад кўзни ювиш эмас, балки кўздан бурунга суюқлик ўтказадиган йўлнинг очиқми-йўқми эканини билиш эди.

— Хола, бурнингиздан сув келмаяптими?— сўради қиз.

Зумрад Содиқовна бурнини сийлаб кўрди:

— Йўқ, яхши.

— Аксинча, яхши эмас! Кўздан бурунга сув ўтказадиган йўл бекилиб қолипти.

Ҳамшира буни ассистент йигитга бориб айтган эди, у бошини чайқаб:

— Чатоқ-ку, деди.— Сўнг Аброрларга тушунтирди:— Кўз доим намланиб, ўзини-ўзи ювиб туради-да, кўзни ювадиган табиий суюқлик бурун орқали сирқиб чиқиб кетади. Ана шу суюқликнинг йўли бекилиб қолса кўз яхши ювилмайди. Шунинг учун операция ҳам яхши натижа бермайди... Операция яхши натижа

бериши учун аввал бурун билан кўзнинг орасидаги сув йўлини очиш керак.

— Очиш мумкинми, ўзи?

— Ҳа, операция йўли билан очилади. Иккинчи бўлимимизда шунақа операцияларни қиладиган мутахассислар бор.

Зумрад Содиқовнанинг кайфи учиб:

— Яна битта операциями?— деди.— Мен қандай бардош бераман?

— Бусиз мумкин эмасми?— деди Аброр ассистент йигитга.

У йигит елкасини қисди-ю:

— Майли, профессорни кутинглар-чи, у киши ҳам айтарлар,— деди-да, навбатда турган бошқа беморларнинг арзини тинглашга тушди.

Профессор ҳали-бери келадиганга ўхшамас эди...

... Ташқарида машинани ўйнаб овунаётган Зафар рулни дадасидай қаттиқ буриб, машинани бир-икки марта дудутлатиб қўйди. Лекин унинг ҳақиқий шофёрга ўхшаши учун яна нимадир етишмаётганга ўхшарди. Зафар дадасининг ўнг қўли тезликни ўзгартирувчи ричаг билан банд бўлишини эслади. Сўнг у ҳам ўнг қўли билан ричагнинг тўртбурчак тутқичидан олди-да, уни куч билан олдинга итарди, орқага тортди. Ўша пайтда оёғини чўзиб отасида кўргандай педалларни босиб ҳам қўйди.

Машина секин жойидан қўзғалди. Аброр уни сояга қўяман деб, йўлнинг четидagi нишаброқ бир жойини танлаган эди. Машинанинг қўл тормози бўшашиб, ушламайдиган бўлиб қолган, уни фақат тезликка солиб қўйилган ричаг тутиб турган эди. Зафар педални босиб, ричагни тезликдан чиқаргандан кейин машина нишабга қараб юриб кета бошлади. Зафар энди ҳақиқий шофёрга айлангандай суюниб қўйди. Лекин ўз-ўзидан қўзғалиб кетган машина бир томонга бурилиб, йўлнинг ўртасига қараб бормоқда эди. Шу кетишда у қаршидан келаётган бошқа машиналарга урилиб, тўқнашиб кетиши мумкин эди. Зафар буни энди сезди-ю, қўрққанидан:

— Дада!!— деб қичқирди. Лекин дадаси ҳали ҳам ичкарида. Зафар саросима бўлиб атрофига аланглади. Йўл четида устига брезент ёпилган сариқ газик тўхтаб турибди. Унинг шофёри машинасидан тушиб,

йўлга қараяпти. Зафар очиқ дераза орқали газикнинг шофёрига қараб қичқирди:

— Амаки! Қаранг! Тухтамаяпти! Амаки!..

Газикнинг шофери нима ҳодиса бўлаётганини сезиб, бу еққа қараб чопди. Югуриб келаётиб, Зафарга қичқирди:

— Тормозни бос! Оёгингнинг тагида! Бос!..

Зафар оёқларини чўзиб, ҳар иккала педальни бор кучи билан босган эди, машина тўхтади. Газикнинг шофёри:

— Қўйворма!— деб машинанинг орқасидан айланиб ўтди ва Зафар ўтирган томоннинг эшигини очди:— Қани, нарироқ сурил... Бунинг калити қани?..

— Дадам... дадамларда.

— Ричагга нега тегдинг!.. А?.. Ҳс, тирмиззк!..

Калит бўлмагани учун машинани орқага юргизиб бўлмас эди. Газикнинг шофёри уни яна нишабга юргизиб, йўлниги ўнг четига чиқарди-да, тўхтатиб, ричагни тезликка солди.

Оқ кўйлагининг ёқаси ва дўпписининг жияклари кирланган, юзларига тиришлар тушган бу ўрта яшар амаки Зафарга аллансчук жуда жозибали ва салобатли кўринар эди. Шофёр амаки қўл тормозни тортиб кўриб:

— Ишламас экан-ку!— деди. Сўнг Зафарга буюрди:— Туш, тош-пош топиб келиб, тилдиракларнинг тагига қўй.

Зафар тез машинадан тушди, атрофига аланглаб девор тагида ётган яримта-юримта гиштлардан учтасини кўтариб келди:

— Бўладими, амаки?.. Қайси томонига қўяй?

— Иккитаси бўлади. Олди томонига қўй. Ҳа, ана. Лекин энди кўзингга қара, бола!

Газикнинг шофёри машинасига қараб кетар экан, Зафар унинг ортидан:

— Раҳмат, амаки!— деди. Шофёр бир қайрилиб қаради-ю, кулиб, қўл силтади.

Вазиралар чиққанда сариқ газик жўнаб кетган, уларнинг «Жигули»си эса офтобнинг тигига чиқиб қолган эди. Аброр қайнонасининг ташвиши билан бўлиб, машинанинг жойи ўзгариб қолганини аввал пайқамади. Профессор ҳам: «Кўз билан бурун орасидаги суя йўлини очмасдан олдин қорачиққа тушган оқни олиб ташлаб бўлмайди», деган эди. Зумрад Со-

диқовнанинг қон босими ҳам баланд экан, уйда беш-олти кун укол олиб, босимини тушириб, кейин касалхонага келиши керак экан. Касалхонада эса кетма-кет иккита операцияга тайёрланиши ва улардан кейин тузалиб чиқиши учун камида уч ой кетиши маълум бўлди. Буни эшитиб, Аброр билан Вазира ҳам, Зумрад Содиқовна ҳам тарвузлари қўлтиқларидан тушгандай хомуш бўлиб чиқишди.

Аброр олдинги эшикни очаётиб Зафарнинг иссиқда терлаб-пишиб ўтирганини кўрди. Рулга офтоб тушиб турар, ушлаганда қўлни куйдирар эди.

— Мен буни ана у дарахтнинг соясига қўйган эдим-ку,— деди Аброр. Сўнг машинанинг олди томонига ўтиб, ғилдиракларнинг тагига қўйилган ғишт синиқларини кўрди:— Буни ким қўйди, Зафар?

— М... мен...

— Нима, машина юриб кетдимми?

— Ҳа...— Зафар дадасига қўл тормозни кўрсатиб:— Мана бу ишламас экан,— деди.

— Тезликка қўйиб кетган эдим-ку. Сен ричагга тегдингми?

Зафар индамай бошини солинтириб ўтирарди. Аброр қандай фалокат бўлиши мумкинлигини энди кўз олдига келтирди-ю, кайфи учиб сўради:

— Машинани ким тўхтатди?

— Бир амаки... газикнинг шофёри...

Аброр атрофига алаянглаб, бундай катта яхшилик қилган одамга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди, лекин уни тополмади.

— Толе бир асрабди-да. Лекин сен хумкалла!— деди Аброр ўглига.— Тегма деган нарсага текканинг учун яшилаб калтак сийшинг керак!

Аброр ҳамма деразаларни очиб, машинани шамолга солиб, тез ҳайдаб бораётганда Вазира Зафарга ён босди:

— Сиздан ҳам ўтган-да. Қўл тормозни тузатиб олсангиз бўлмайдимми?

— Осон деб ўйлайсиз шекилли-да. Устахонага бориб, чуқурининг бўшашини куни бўйи кутасиз. «Жигули» кўпайиб кетган, бир чақиримлик навбат. Қани бунга вақт? Нарёқда ҳали бобойлар мени кутиб ўтирибди.

Зумрад Содиқовна қудаларининг уйлари бузилишини Вазирадан эшитган эди.

— Учаска беришадиганми, Аброржон?— деб сўради.

— Йўқ, бўлмади. Учаскани ўн жондан ортиқ одами бор катта оилаларга беришар экан. Ўн жонли оилани квартирага сигдириб бўлмайди-да. Дадамлар бўлса уч жон. Шаҳар ижрокомида ҳам «квартира олин», дейишди. Кўнишмади.

— Энди нима қилишмоқчи?

— Чала қолган участкалар бўлар экан... Беш-қайрағоч томонларда бор, деб дарагини эшитишган экан. Ҳали пешинда дадамни ўша ёққа олиб боришим керак.

Вазира ўтирган жойида бир қимирлаб олди, «дадангиз сизни шофер қилиб ишлатмаса нима бўларкан?» демоқчи бўлди. Лекин Аброр эрталабдан бери қайнонасига шофёрлик қилиб юрганини ўйлади-ю, тилини тийди.

Аброр машинасини яна эрталаб борган поликлиникаларининг олдига ҳайдаб келиб тўхтатди. Вазира онасини касалхонага ётқизишдан олдин қон босимини туширадиган уколларни бошлаш керак эди. Аброр сояроқ бир жойни толиб, сершовқин, дим кўчада ярим соатча кутиб ўтирди. Вазира ойисига биринчи уколни қилдириб, қолганларини уйга қатнаб қиладиган ҳамшира билан келишиб, Зумрад Содиқовнани бошлаб чиқди. Аброр машинани қайнонаси турадиган уйга қараб ҳайдади ва анча жойлардан айланиб ўтиб, подъезд эшиги олдига келтириб тўхтатди.

Зумрад Содиқовна бугун кувининг ердамида битирган ишларини бир ўзи тўрт-беш кунда ҳам битиролмаслигини ўйлаб, Абрордан астойдил миннатдор бўлди.

— Аброржон, кириб тушлик қилинг. Овқат бор.

— Дадамлар кутиб қолишмасин. Мен кечроқ яна келаман.

— Раҳмат, болам! Сизни жуда овора қилдим-да. Мени деб бошқа уринманг.

— Йўқ, мен келмасам бўлмайди. Алибек ишда экан, уни кўришимиз керак. Айтмоқчи, Насиба билан қачон гаплашамиз, Вазира?

— Ҳали у ҳам бор-а! — деди Вазира. Сунг соатига қараб олди: — Энди сиз улгурмассиз, ойим билан тушлик қиламану ўзим мактабга бориб гаплашаман. Бу ерга унча узоқ эмас. Сиз бораверинг. Зафар, қани, туш!

Зафарнинг машинадан тушгиси келмас эди:

— Дада, Бешқайрағочга мен ҳам борай...

— Сен бориб нима қиласан? Дарров номини илиб олганини қаранг! Машинада сенга жой бўлмайди. Ойинг билан икковингни кечқурун келиб олиб кетаман. Туш!

Бола яна имиллаган эди, Зумрад Содиқовна:

— Ҳой, эсимдан чиқибди-я, Зафар! — деди.— Сенга галати ўйинчоқ машиналар олиб қўйганман.

— Қасрда? — қизиқиб сўради Зафар.

— Юқорида-да. Сандиқда.

Зафар энди машинадан сакраб тушди-ю, бувииси билан ойисидан ҳам олдин зинапоёга қараб шошилди.

* * *

Кун қизиган сари юқоридан офтобнинг тафти, пастандан асфальтнинг иссиғи уриб, олча ранг «Жигули» гўё чўғ бўлиб борар эди. Аброр шошилиб тез ҳайдаганда унинг шиналари ҳам қизиб, сйилиб, куйган резинка ҳиди таратар эди. Бу ҳид айниқса — ҳавоси тоза Бўзсув бўйига, толларнинг соясига бориб машинадан тушган Аброрнинг димоғига гупиллаб урилди. Аброр ҳовлиларига кириб, айвонда наридан-бери чой ичди. Отаси билан укасини машинасига ўтқазиб, Кўкчадан нари Шофайзига борди. Аъзам ота кўрмоқчи бўлган жойларни яхши биладиган семиз, новча одам бор экан. Шокир уни уйдан чақириб чиқди. Аброр бу одамни ҳам машинасига ўтқазиб, Бешқайрағочга йўл олди.

Зилзиладан олдин колхоз далалари бўлган пасту баланд ерларда шаҳарча тигиз ҳовли-жойлар пайдо бўлган эди. Қашқар маҳалласидан, Лабзак бўйларидан, Шайхантаҳур атрофларидан уйи бузилиб кўчган жуда кўп одамлар мана шу ерларда беш-олти йил ичида янги участкалар қуришган, дов-дарахт ўстиришган, ҳафсаласи кўпроқлар ҳовлисига жимжимадор дарвозалар ўрнатиб, анвойи гуллар ҳам экиш-

ган. Лекин ҳали битмай ётган чала жойлар, кавлаб ташланган серчанг кўчалар кўп эди. Шофайзидан машинага чиққан одам:

— Мана бу кўчага ҳайданг, маҳалланинг битта ўтоғаси бор, шуни олиб олайлик,— деди.

У ўтоғаси ҳам қорин қўйган йўгон одам экан. Машинанинг орқа томонига чиқиб ўтирганда наздик «Жигули» майишиб, кети ерга тегай-тегай деб қолди.

Нариги кўчанинг бир жойига газ ўтказмоқчи бўлишиб, жуда ёмон кавлашган экан. Аброр ўтолмасдан орқага қайтаётганда машинанинг таги тупроқ орасида ётган катта бир тошга тегиб қасирлаб кетди. Аброр, «нима бўлдийкин?» деб тушиб қараса, тутун чиқадиган темир қувурнинг орқадаги учи пачоқ бўлиб, бир томонга қийшайиб қолибди... Аброр машинага қайтиб ўтираётганда юзи бўзариброқ қолганини Аъзам ота сезди-ю:

— Эҳтиёт бўл, ўғлим, секинроқ ҳайда,— деди.

Аброр ҳар қанча эҳтиёт бўлганда ҳам, машинанинг юки оғир, бунинг устига йўл ёмон ва нотаниш эди. Яна икки марта йўлнинг ўйнаб кетган жойидан ўтаётганда машинанинг таги ерга тақиллаб тегди. Аброр худди ўзининг бадани тошларга урилиб лат сяётгандай, ич-ичидан оғринар эди-ю, лекин «машинасини мунча аяйди», демасликлари учун тишини тишига қўйиб бормоқда эди.

Шу тарзда бир қанча бузуқ кўчалардан ўтиб, чала ётган бир участкани кўришди. Жойи қийтиқ, кириб-чиқиши қийин дейишиб, ундан айнашди. Юра-юра, Бўржарга яқин бир жойга боришди.

Яхшигина пойдевор олинган, уч-тўрт қатор гишт ҳам терилгану қолиб кетган. Эгаси тўсатдан вафот этган, бева аёл қуролмай ташлаб қўйган экан. Аъзам ота бу жойга астойдил қизиқиб, атрофларини айланиб кўрди.

— Ариқлари дуруст олинмаган,— деди.— Сув қаёқдан келади? Шоҳариқ узоқми?

Шокир эса:

— Гази йўқ экан-да,— деб кўнгилсизланди.

Аброр шоҳларида меваси саргайиб пишиб турган серсоя ўрикнинг тагида гапга аралашмай турибди. Унга бу ернинг ҳавоси ёқмоқда эди. Далани эслатади. Тинч. Нафас олиш енгил.

— Автобусга жуда узоқ экан,— деди Шокир.—
Ада, яна бошқа жой бўлса кўрайлик.

— Юрамизми энди! — деди Аброр норози бўлиб.

— Бошқа ободроқ жойлар борми? — деб сўради
Аъзам ота йўл бошлаб келганлардан.

— Топилади... Қани, юринглар-чи.

Яна ўнқир-чўнқирларда машинанинг таги ерга
урилиб, Аброрнинг асаби қақшаб, учинчи бир жойга
боришди.

У бунақа ишларни бутун вужуди билан ёмон кўрса
ҳам, кекса отаси иссиқда пиёда қийналмаслиги учун
ўзини мажбур қилиб, бирга олиб юрмоқда эди. Учинчи
жойдан ҳам кўнгиллари тўлмагандан кейин йўл бошлаб
келган танишлар Қорақамишнинг нареклариди, Қорасув
бўйларида, Луначарск томонларда ҳам кўрадиган жойлар
борлигини айтишиб, адреслар беришди.

Кун кеч бўлиб бормоқда эди.

— Ада,— деди Аброр, менинг бошқа ишларим бор
эди.

— Бугун бўлмаса эртага борармиз. Эртага якшан-
ба-ку, бўшдирсан? Бунақа ишда етти ўлчаб бир кес-
ган маъқул-да, ўғлим.

— Майли, эртага вақт топилар.

Кун ботаётган пайтда Аброр отасини ҳовлиларига
олиб бориб қўйди. Шокир:

— Ака, бирпас туринг, бирга кетамиз,— деди-да,
ичкарига кириб, байрамларда киядиган туфли ва
кўйлагини кийиб чиқди. Кейин Аброр марказдан
ўтаётганда Навоий театрига яқин бир жойда маши-
нани тўхтатди.

Аброр сочларини қўли билан тараб тўғрилаётган
укасининг юзиди қандайдир нафис бир ҳаяжон бор-
лигини сезиб, кулимсиради:

— Ҳа, висолгами?

— Энди... Шунчаки...

— Қаллиқ бўладиган қизми?..

Шокир ийманиброқ бош ирғади. Аброр унинг ни-
яти жиддийлигини сезиб, машинасини йўлнинг чети-
даги соя остиди тўхтатди-да, шошилмай суриштира
бошлади:

— Қачондан бери учрашиб юрибсан?

— Уч йилча бўлди... Сиз ҳам уни кўргансиз. Аг-
роном бўлиб ишлайди.

— Шаҳарда... агроном?

— Ободоклаштириш бошқармасида-да...

— Э, шошма, шошма! Отаси чет элларда таржимон бўлиб ишлаган. Ҳаво ранг «Волга»лари бор. Оти нима эди?

— Нигора.

— Э, бўлди, бўлди!.. Келин бўлса арзийди...

Бу мақтовдан дадилланган Шокир Нигорани Вазира келинойиси ҳам билишини зйтди.

— Сиз ҳам Нигоранинг тоғаси билан бирга ўқиган экансиз, — деб қўшиб қўйди.

— Қайси тоғаси?

— У ҳам машҳур архитектор.

— Оти нима?

— Шерзод Баҳромов!

Шокир акасини хурсанд қилмоқчи бўлиб бу гапни айтган эди. Аброр тўсатдан хэфа бўлди.

— Об-бо! Аксига олганини қара! Келиб-келиб энг ёмон кўрган одамимга қариндош бўламанми, а?

Шокир саросима бўлиб:

— Ие, ахир, Шерзод деган номи бор-ку... — деди.

— Номи яхши! Шерзод — ибрат бўладиган одамга ярашадиган от. Лекин Баҳромов чиройли номни ҳам ўзига бир ниқоб қилиб олган қаллоб одам-да. Шернинг терисига кириб юрган тулки.

Аброр укасига Шерзоднинг кооператив уй масаласида ишлатган найрангини айтиб берди:

— Баҳромов опаси билан поччасига бизнинг ҳовлимизда қурилаётган ўша уйдан квартира оляпти, дейишувди. Ҳали шулар бўлса-я?

— Ҳа, шу Нигоралар... Мен тоғасининг бунақалигини билмас эканман. Ҳали опаси ҳам чатоқ чиқмаса.

Аброр укасининг ҳавотирга тушиб қолганини кўриб:

— Ҳар қалай, олдиндан билиб қўйганинг яхши, — деди. — Нигора тоғасини жуда яхши кўрарканми?

— «Палончи тоғамлар» деб фахрланиб гапирди.

— Қиз унинг таъсирига тушиб қолмаган бўлса дуруст-а.

— Нигора анча мустақил, лекин ойиси Баҳромовнинг таъсирида бўлиши мумкин.

— Ундай бўлса қиз билан бир гаплашгин. Мен сенга баъзи фактларни айтиб берай...

Аброр ўзи билан Шерзод орасида бўлиб ўтган тўқнашувлардан яна бир қанчасини айтиб берди.

— Ҳали биз у билан Бўзсув масаласида яна олиш-сак керак, — деди. — Ўшанда жияни ҳақни ноҳақдан ажратолмаса сенга ҳам қийин бўлади.

— Буни айтганингиз яхши бўлди, ака. Мен ҳеч нарсадан беҳабар лақиллаб юрган эканман...

— Лекин беҳуда ҳадикларга ҳам берилмагин, Шокир. Тоғасининг иллатини жиянидан қидириб юрма. Агар қиз билан икковларинг аҳил бўлсаларинг ҳамма ишқалликларни енгиб ўтишларинг мумкин.

— Кўрамиз... Хўп, майли, мен борай.

Аброр Навоий театри олдидаги улкан фавворага қараб кетаётган хушқомат, дуркун укасига орқадан бирпас тикилиб турди-ю, ўзига-ўзи гапириб:

— Ё алҳазар! — деб қўйди. Нарекда қайниси хотини билан ажрашмоқчи. Бу еҳда укаси Баҳромовнинг жиянига уйланса... Илоннинг ёмон кўрган ўти инининг оғзида ўсади, деганлари ҳам рост чиқадими?

Аброр қайночасининг уйига етиб бергунча шу ўйлар хаёлидан нари кетмас, туриб-туриб наша қилар эди.

У машинани ҳовлига — қайночасининг деразасидан кўринадиган жойга қўйиб, эшикларини қулфлади. Тўртинчи қаватга чиқиб бораётганда отасиyo қайночасига оид чигалликлар укасининг ва қайнисининг муаммоларига аралашиб, чалкаш бир калава тобора улкан бўлиб кетаётгандай туюлди.

* * *

Яна ўша тугмаси тушиб кетган қўнғироқ симлари... Эшикни очган рангпар жувон Аброрни қувониб кутиб олди.

Сочи калта қирқилган, таги платформали яшил бошмоқ кийган бу жувон Алибекнинг хотини Насиба эди. Аброр у билан кўришар экан, ичида Вазирадан мамнун бўлиб: «Дуруст, аразларига қарамай олиб келибди», деб қўйди.

Зафар кўчага қараган сершовқин хонада бувиси берган ўйинчоқ машинани юргизиб ўйнаб юрибди

Вазира келини билан манти пиширган экан. Бир чинни лаганни зира ҳиди келиб турган мантига тўлдириб, Алибеклар кабинет қилиб олган хонага олиб киришди.

Алибекнинг ўзи ички хонадаги каравотда устки кийими билан чалқанча ётиб, сақич чайнамоқда эди. Аброр кабинетга кирганда Алибек уни қия эшик орқали кўрди-ю, шошилмай ўрнидан турди. Шимининг чўнтагига қўлини тикқан кўйи чиқиб келди-да:

— Келинг, почча,— деб, қўл бериб кўришди. Аброр унинг сақич чайнашда давом этаётганини кўриб қовоғини уйди. Вазиранинг ҳам гаши келиб укасини жеркиди:

— Хотин кишига ўхшаб сақич чайнашни кимдан ўргандинг! Поччанг билан гаплашганда олиб қўй, мундай!

Алибек поччасидан ҳимоя кутганга ўхшаб опасидан шикоят қилди:

— Нуқул шунақа насиҳат! Нима қилишимни ўзим билмайманми? Ёш боламанми?

— Бас! — деди Вазира. Сўнг йўлак томонга ўтирилди.— Насибaxon, ойи, келинлар! Зафар, сенга алоҳида суздим, ошхонада ўтириб ейқол... Қани!..

Насиба столнинг Алибекдан узоқроқ бир четига келиб ўтирди. Эр-хотин бир-бирининг юзига қарамас эди. Аброр уларнинг ҳали ҳам араб эканликларини, Насиба қайнонасининг касалини эшитиб, одамгарчилик юзасидан хабар олгани келганини шундан сизди.

Вазира овқатни атайлаб бир лаганга сузган, энди укаси билан Насибани амаллаб яраштириб қўйишни ўйлар эди. Буни ундан Зумрад Содиқовна ҳам илтимос қилган эди.

...Вазира Насиба билан яккама-якка ўтириб, кўп нарсани сўраб олди. Насиба ҳали эридан кўнглини узмаган, ундан ажралиб яшашни истамас эди. Лекин Алибекни нариги улфатларидан қандай ажратиб олишнинг бошқа йўлини ҳам билмасди.

— Яхши бўлгиси келганда бинойидай меҳрибончиликлар қилади,— деб у эри билан ўтказган яхши кунларини ҳам эслади.— Лекин улфатлари меҳрибончиликни «сентимент» деб кулги қилишади. Одам бунақа нарсалардан баланд туриши керак, деб назария чиқаришган. Опажон, мен она бўлишни ис-

тайман,— деб Насиба кўзига ош олди-ю, Вазирага шивирлаб гапирди.— Ҳозир яна бўйимда бўлган. Укангизга билдирмай юрибман. Билса мени яна... мажбур қилади!.. Шунинг учун ойимникига кетдим. Лекин ойимга ҳам қийин... Одамлар ҳайрон. Тушунмаганлар: «Пушти куйиб кетган», деб ҳар хил гап қилишади.

Бу гапларни эшитгандан кейин Вазира Алибекнинг биринчи бўлиб еи бериши кераклигини, акс ҳолда, ярашишларидан яхши натижа чиқмаслигини сезиб қолди. Ҳозир укасининг қовоғи сал очиқроқ эканини сезиб:

— Манти қалай! — деди.

Сақичини оғзидан олиб қўйиб, мантини устига-уст тушираётган Алибек:

— Нештяк»¹ — деди.

Мантини еб бўлганларидан кейин Вазира яна унга юзланди:

— Яхши бўлса, раҳматини Насибахонга айтсан,— деди.— Келинимизнинг ҳўли жуда ширин экан.

Алибек Насибани писанд қилмагандек, кинояли жилмайди:

— Бўпти. Манти қилганларга мерси.²

Аброр унга қўшимча қилди:

— Раҳмат, келин!

Насиба паст товуш билан:

— Ош бўлсин,— деди ва лаганни йиғиштириб олиб кетди-ю, чой дамлаб келди.

— Хўш, мулла Алибек,— деди Аброр.— Энди жиддий гапга ўтайлик. Сиз ҳақиқатан ҳам бола эмас-сиз. Мана шу оиланинг бошлиғи бўладиган пайтингиз келди.

Алибек яна кинояли жилмайди:

— Мен бошлиқ бўлишни смон кўраман. Кеча опамга ҳам айтган эдим.

— Бошлиқ бўлишни истамасангиз, рулни кимгадир беришингиз керак. Чунки ҳар бир оила — ҳаёт денгизида сузиб бораятган кичик бир кема. Агар бу

¹ Н е ш т я к — жергон. «Ёмон эмас» маъносида.

² М е р с и — французча «раҳмат».

кема ўз аҳволига ташлаб қўйилса, бебош оқимлар тошларга элиб уриши бор, бирорта саёзликка бориб ўтириб қолиши бор. Ёмон тўлқинлар келиб аганатиб кетиши бор. Бошқармай ташлаб қўйилган кема ҳеч қанақа манзилга етиб боролмай фарқ бўлиб кетади. Сиз буни истамасангиз керак?

Алибек пинагини бузмай чинчалогининг узун тирноги билан соқолини қашиб қўйди.

— Ё истайсизми? — деб Аброр қайтариб сўради.

Аёллар нима бўлишини кутиб жим ўтиришипти. Алибек чиройли қилиб қирқилган узун тирногининг тозаланган жойига секин пуфлаб, губорини учирди-да:

— Почча, — деди, — сиз бугун ойнмга шунча қарашибсиз, раҳмат. Энди бизнинг ички ишларимизга аралашмай қўяқолинг. Кемамизни ўзпмиз ҳайдаймиз.

Аброр ҳам кинояли илжайди-ю:

— Қани ҳайдагангиз? — деди. — Кемангиз рулсиз қолиб, саёзликда тикилиб етибди-ку! Ойнингиз бу аҳволда, хотинингиз билан ораларинг бузилган. Ишингиз орқага кетган. Шу туришда кемаларинг ҳадемай вайрон бўлади, оила бузилади, учовларинг уч томонга қараб кетасизлар. Яна бир марта сўрайман: наҳотки сиз шунга истайсиз?

Алибек ойнсига қисқа бир назар ташлаб олди-да.

— Ойим менсиз ҳеч қайёққа бормайди, — деди.

— Нега? Яқинда ойнгиз касалхонага ётади. Иккита операцияга камида уч ой вақт кетади. Сизсиз ҳеч қасққа борманларими бу?

Зумрад Солиқовна ўглига қараб туриб, кўзига бирдан ёш олди:

— Ақлингизни йиғ, Али! Сен шундай қилаверсанг, мен нариги дунёга ҳам вақтидан олдин кетаман. Ўзинг қоласан кейин...

Бу гап Алибекнинг жаҳлини чиқарди. У онасига зугум қилиб деди:

— Энди ҳаммаси учун мен айборми? Мен нима ёмонлик қилдим ўзи?

Вазира бирдан қизишиб:

— Сурбетликни қаранг! — деди.

Аброр унинг билагига қўлини қўйиб:

— Сиз қизишманг! — деди-да, Алибекка тикилганча, босиқ товуш билан сўзлади: — Келинг, ука.

очиқчасига юракдан бир гапиришайлик. Сиз бирпас ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб тасаввур қилинг. Вазира опангиз икковимизнинг ишимизда кечалари уйқу бермайдиган муаммолар бор. Улар биздан бир дунё вақт, қунт, куч талаб қилади. Бунинг устига ҳали Зафар, ҳали Малика бирорта ташвишни елкамизга ортади. Буни ҳам кўтарамиз. Мана бугун Маликанинг мактабига бориб, ўқитувчилари билан бир талай асабий масалаларни ҳал қилиб келдик. Кейин икки марта поликлиника, бир марта Қорақамишдаги касалхона... ундан сўнг Шофайзи, Бўржар... Миннат маъносида эмас, лекин ҳозир келасиб спидометрга қарасам, шу бугун тиқилинч шаҳар бўйлаб бир юзу саксон чақирим йўл босибман. Сиз айтинг-чи, Алибек, бунинг ҳаммасини мен нима учун қиляпман?

Алибек поччасининг бунчалик жон койитишини кўпда писанд қилмай кулимсираб жавоб берди:

— Ну, одамлар сиздан миннатдор бўлиши учун... кўпроқ раҳмат айтиб мақташлари учун...

Унинг овозидаги кинояни сезган Аброр:

— Сиз, албатта, бундай мақтовларга учмаган бўлар эдингиз, Алибек. Биламан, ўзингиз тўғрингизда фикрингиз жуда баланд. Сиз бизга тараққиётнинг энг баланд чўққисидан туриб қарайсиз. Лекин мен оддий одамман, яқинларим учун жон койитишга ўрганиб қолганман. Агар шу бугун қилган ишларимни қилмасам ўзимни ўзим ёмон кўриб қолар эдим, еганим ичимга тушмас эди...

— Нега? — ҳайрон бўлди Алибек. — Ахир сиз ҳам дунёга бир марта келгансиз. Ҳадеб бошқалар учун жон койитгунча ўзингизга ҳам гамхўр бўлиб яшаганингиз тўғри эмасми?

— Менинг ўзимга гамхўрлик қилишим — танамни парваришлаб, бекор ағанаб ётишимда эмас. Ўзингизни роҳат-фароғатга урганингиз билан муаммо бўлиб ётган ишингиз кўз олдингизда турса, ота-онангиз, болаларингиз оғир аҳволда бўлса-ю, сиз уларга қарашмасангиз, руҳингиз азобда қолади, ичингизни мушук таталагандай бўлади. Ана шу руҳий азобдан қутулишга интилиш ҳам ўзингизга гамхўрлик қилишнинг бир тури, Алибек! Шунинг учун минг жон койитсак ҳам, мана, бугунгидай юзлаб чақирим йўл боссак ҳам, бировларга бориб, илтимослар қилиб,

иззат-нафсимизни қийнаб бўлса ҳам... шу ишларни қилмай туролмаймиз.

— Мен ана шундай бош эгиб илтимос қилишларга ҳам қаршиман! — мағрур туриб луқма ташлади Алибек. «Қариндошимга меҳрибон бўламан» деб, инсоний гурурини сентиментларга қурбон қилиб юриш ҳам — эскилик сарқити. Биз бундан қутулишимиз керак!

— Мулла Алибек, инсоний гурурнинг ҳам қақиқийси бор, қалбакиси бор. Агар мен шу бугун бир соат профессорнинг қабулини кутиб, унга қўлимдан келганича илиқ муомала қилиб, оймизнинг аҳволини яхшилаб тушунтирмаганимда, кўзларини тузатиш учун ҳозиргидай яхши йўллари тополмаган бўлар эдик. Бу киши бир кўздан айрилиб қолар эдилар. Бундай пайтда гурурим, иззат-нафсим, ўзимнинг кимлигим эсимдан чиқиб кетади. Чунки яхшилик қилиш ҳеч вақт осон бўлган эмас. Шу яхшилик кутилган натижани берса, мана, оймизнинг кўзлари биз истаганимиздек очилиб кетса, ана унда буни гурур билан эсласак арзийди. Ўшанда руҳимиз роҳат қилади. Қақиқий гурур мана шунақа маънавий роҳат билан қовушиб келса кишига татийди.

— Сен бўлсанг фақат танангнинг роҳатини ўйлайсан! — деди Вазира укасига.

— Ҳа, нима, тана бошқа, руҳ бошқами, ўзи? — қизишиб сўради Алибек.

— Қизишманг, ука. Тана билан руҳ аслида бир. Лекин тана чекланган — бир ярим-икки метр бўй, етмиш-саксон кило вазн. Инсон руҳи бўлса чексиз. Унга бутун дунё, бутун одамзод, бутун коинот сигади. Халқимиздан бизга ўтган барча анъаналар, жамиятимиз бизга берган барча тарбияю билимлар, табиату санъатда бизга еққан барча гўзалликлар — ҳаммаси руҳимизга жо бўлади. Ота-она, қариндош-уруғ, ер-дўст, маҳалла-кўй бизга жуда кўп яхшиликлар қилишган, уларнинг жуда кўп ерданларини, одамгарчиликларини кўрганмиз. Бу ҳаммаси руҳимизга ўрнашган, биздаги бурч, масъулият туйғусини меҳру оқибат деган нарсага зайлантириб, қалбимизга жойлаган.

— Сен худди мана шуни тушунмайсан, Алик! — деб яна Вазира гап қўшди. — Бўлмаса оилангни бу аҳволга солиб, «фарзанд керак эмас», деб юрмас эдинг!

Сўнги гап Алибекка қаттиқ ботди. У ўрнидан туриб кетмоқчи бўлиб бир юлқинган эди, Аброр қўлидан тутиб:

— Шошманг, Алибек, ўтиринг, гап бор! — деди.

— Нега бу опам нуқул менинг оилавий ишларимга аралашади?! Ота бўламанми ёки ажрашиб кетаманми, бу менинг шахсий ишим-ку!

— Йўқ, укажон, оила бир кишининг шахсий иши эмас, — яна босиқ гапирди Аброр: — Битта ёғоч уй бўлмайди, битта одам оила бўлмайди. Бу ёқда Насиба, онангиз, қолаверса, мен, Вазира — ҳаммамиз биргаликда катта бир оила бўлиб юрибмиз. Яхши оила — одамни ичдан маҳкам тутиб турадиган бебаҳо бир камар. Биласиз, Тошкент — зилзилалар кўп бўладиган минтақага жойлашган. Шунинг учун биз турган мана бу уйлارга мустаҳкам пўлат камарлар боғланган. Зилзила пайтида уйлارни ана шу пўлат камарлар ичдан маҳкам тутиб туради. Яхши оилаларда ҳам одамни ичдан маҳкам тутиб турадиган маънавий фазилатлар камари бўлади. Одам болалик йилларидан бошлаб ота-онасидан, маҳалла-кўйдан, бутун халқидан қандай яхши фазилатларни мерос олса, қандай яхши одатлару анъаналарни ўрганса, ҳаммаси олмос қирраларига ўхшаб, мана шу камарга йиғилиб боради. Айниқса, авлодлар орасидаги меҳру оқибат — мана шу олмос камарнинг энг йирик гавҳари, Алибек!

— Почча, гавҳар деганингиз — бриллиантми?.. Мен яқинда заргарлик магазинига кирувдим. Бриллиант шундай қимматки, менга ўхшаб саксон сўм ойлик оладиганлар унинг яқинига ҳам йўлай олмайди.

Вазиранинг бирдан эччиги келиб:

— Гапни сурбетлик билан ҳазилга буриб қутулмоқчисан-а! — деди.

— Ҳа, нима? Рост-да! — голибларча илжайди Алибек.

Энди Аброр ҳам хиёл қизишди:

— Мен айтган гавҳар магазинда сотилмайди, ука! Кичик ойлик олиш, ҳатто камбағал бўлиш айб эмас, лекин маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб яшаш — айб! Мен айтган олмос камарни биров сизга тайёр ҳолда совға қилолмайди. Уни пулга олиб бўлмайди! Уни ҳар бир киши ўз кучи билан умр бўйи қалбида зарралаб тўплаб, маънавий бойлик қилиб йиғади.

- Лекин мен бойлик тўплашга қизиқмайман.
- Сиз яна гапни гирромлик билан буряпсииз!
- Нуқул мени ёмон демоқчи бўласиз, почча! Мен кимга ёмонлик қилдим?

— Хўп, ёмонлик қилмаган бўлсангиз кимга нима яхшилик қиляпсииз?! Визга шуни айтинг!

Бир лаҳза жимликда Алибек жўрттага бош қашиб, ўйланган бўлди. Аброр унга: «Мана, умр йўлдошингиз Насибахон она бўлишни орзу қилади, сиз нега шу муқаддас орзунинг йўлини тўсасиз», демоқчи эди. Лекин Насиба кўзлари уятдан пирпираб, «буни айтманг!» дегандай илтимоскорона қараб турганини кўрди-ю, гапни Зумрад Содиқовнага бурди:

— Шу ойингизга бирон яхшилик қилдингизми? Соқол қўйгансиз, тирноқ ўстиргансиз. Кўриб турибман, доим тирноғингизга эътибор бериб «пу-пу»лайсиз. Лекин сизга ҳаёт берган, сиз учун жонини фидо қилиб юрган онангизга нега ҳеч эътибор бермайсиз?

— Эътибор бермай нима қилибман, ахир?

Вазира яна ўзини тутолмай гапга аралашди:

— Кеча ойимни мана бу тинч хонага кўчирайлик дедим. «Бу хонада магнитофоним бор, ўртоқларим келса бирга эштаман», деб унамадинг. Сенга ўша улфатларингу магнитофонинг онадан ҳам азизроқми-ди?

Алибек сакраб ўрнидан турди:

— Ҳамманг менга қаршисан! Бас! Жонимга тегди! Аброр Вазирага қараб:

— Бу укангиз гап билан инсофга келадиган эмас! — деди.

Алибек қўлини шимининг чўнтагига солиб, қўшни хонага чиқиб кетди. Унинг бу қилиги ҳаммадан кўра Зумрад Содиқовнага оғир ботганини Насиба унинг кўкариб кетган юзига қараб сизди. Аброр билан Вазира ҳам нима қилишларини билмай ҳанг-манг бўлиб ўтиришибди. Шунда Насиба секин ўрнидан турди:

— Гап кор қилмаса, ишга ўта қолайлик, — деди. — Мен ҳам шу квартирага доимий ёзилганман. Қонунга биноан, бу икки хонадан бири меники. Ойимни мен ўзимнинг олдимга олман.

— Жуда тўғри! — деди Вазира. — Мана шу ўтирган хонамиз Насибаники бўла қолсин. Ҳозир ойимни хўчириб ўтказамиз! Қани, туринглар.

— Бўпти! — деб Аброр ҳам ўрнидан турди.

Нариги хонанинг очиқ эшиги орқали бу гапларни эшитиб ўтирган Алибек чўнтагидан яна сақичини олиб, оғзига солди-да, уни тажанглик билан чайнай бошлади.

Бўшашиб ўтирган Зумрад Содиқовна:

— Қандай бўларкин! — деб бир иккиланди.

— Кўпчилик овоз билан шу қарорга келдикми, ойи, энди сиз ҳам иккиланишларни бас қилинг! — деди Вазира.

Учовлашиб, диванни бир чеккага суришди-да, нариги хонадан Зумрад Содиқовнанинг каравотини кўтариб киришди. Алибек хобгоҳда у еқдан-бу еққа асабий бориб келмоқда эди. Вазира унга эшик орқали қараб:

— Магнитофонингни ўзинг оласанми бу ердан е олиб кириб берайликми? — деди.

— Бу ерда нега хўжайинлик қиласанлар?! — деб ўзини тутолмай ўшқирди Алибек Аброр билан Вазирага.— Уйларингга бориб хўжайинлик қилинглар!

Аброр унинг дўқини писанд қилмай, кулиб жавоб берди:

— Биз хўжайинлик қиластганимиз йўқ. Ойингиз билан Насибага ердам бераймиз. Сиз балчиққа ўтқазиб қўйган кемани тортиб чиқармоқчимиз.

Алибек эшикнинг олдига келиб бақирди:

— Агар аралашаверсаларинг мен бу квартирадан кетаман! Квартиралик яхши қизлар топилади!

— Вой, шарманда! — деди Вазира.— Ўзингни бировнинг квартирасига сотишдан уялмасанг, бор, кетавер! Бор!

Алибек эшикдан юлқиниб чиқар экан, Вазирага қараб:

— Ялмогиз! — деди. Йўлакдан ўтиб, ташқи эшикни очди-да, уни бор кучи билан шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Зумрад Содиқовнанинг кайфи учиб:

— Вой, Вазиражон, бу жанжал менга нима керак эди? — деди.— Қўй, оч қорним-тинч қулогим!..

— Сиз ҳам бир марта қаттиқроқ туринг энди, ойи!

— Ахир уканг ўзини бир нарса қилиб қўйса қандоқ қиламиз?

— Шу Алибек-а? — деб кулди Вазира.— Тирногини «пу-пу»лаб юрадиган жони ширин эгоист ўзини бир нарса қилармиди?

Насиба ҳам Вазиранинг гапига қўшилди:

— Ҳозир улфатларининг олдига бориб, бир стакан портвейн ичади-ю, кайфи яна жойига тушади... Қани, келинлар, нариги эшикни ҳам очайлик.

Хобгоҳдаги кийим жавонини нари суриб, унинг йўлакка чиқадиган эшигини очдилар. Алибскнинг нарсаларини ўша хонага киритиб, орадаги эшикни бекитиб ташладилар. Шу билан бериги хонанинг кириш-чиқиши алоҳида бўлди.

Вазира келинини белидан қучиб эркалатди-да:

— Насибахон, жоним! — деди.— Энди ойимни сизга топшириб кетамиз. Бугундан бошлаб шу ерда бирга тураверингизлар.

— Майли-ю, лекин нариги уйда ойим мени кутаётган бўлсалар керак. Бу ердалигимни билмайдилар-да. Телефон ҳам йўқ.

— Анча узоқ-ку, а? — деб Вазира Аброрга қаради.— Насибахон қоронғида бориб келгунларича ярим кеча бўлиб кетади.

— Ё биз йўлакай кириб, ойиларига айтиб кетайликми? — деди Аброр.— Машинага бирпаслик йўл.

— Ҳа, Насиба уйига қайтганини ойилари эшитсалар хурсанд ҳам бўладилар,— деди Вазира.

Насиба ўйлашиб туриб, шунга рози бўлди-ю, Аброр билан Вазирани машиналарининг олдигача кузатиб тушди. У ғамгин эди, улфатларининг олдига кетган Алибскни ўйларди. Бу улфатларнинг орасида ҳеч балодан қайтмайдиган қизлар ҳам бор. Агар Алибск ўшанақаларнинг бирортаси билан топшиб кетса, Насиба нима қилади? У шуни ўйлади-ю:

— Олажон, укангиз билан муроса қилолмайдиганга ўхшаймиз,— деди.— Бир умидим сизлардан эди. Сизларнинг гапларингизни ҳам олмади. Заводида яхши-яхши одамлар йўлга солмоқчи бўлиб уриниб кўришди. Мен бориб илтимос ҳам қилдим. Натижа чиқмади. Ҳаммадан ўзини ақлли деб билади. Фақат ўша улфатларининг гапини тан олади.

Вазира Аброрга қаради:

— Буни шу муҳитдан тортиб олишнинг ҳеч иложи йўқмикин, а? Бошқа бирор шаҳарга ишга кетсачи?

— Укангиз ўз ихтиёри билан бошқа шаҳарга кетмайди,— деди Аброр.— Бунақа бойваччалар масъулият нима, бурч нима — ҳаммасини унутган. Енгил ҳаётдан қутуриб кетган. Бу йил армияга борадиган эди. Ойингиз: «Қарайдиган бошқа ҳеч кимим йўқ», деб олиб қолди. Ҳали ҳам бўлса Ватан олдидаги бурчини бажарсин — армияга борсин! Ҳарбий интизом, мажбурий режим буни тез ҳушига келтиради. Армияда биз бунақа тантиқларни кўрганмиз. Беш-олти ой хизмат қилгандан кейин уйнинг қадрига стадиган, силани соғинадиган бўлиб қолади.

Насиба Вазирага қараб:

— Нима қилай? — деди-ю, кўзида ёш гил-тиллади:— Бошқа ҳамма йўлини қилдик... Бўлмади... Майли, почча... Мен рози...

Аброр военкоматга бориб нима дейишини ўйлар экан:

— Ҳарбий одамлар билан муомала қилиш осон эмас,— деди Насибага.— «Ойисига қарайдиган келинлари бор», дейдиган бўлсам: «Қани?» деб сўрашлари мумкин. Душанба кuni соат... учларда районларингизнинг военкоматига боролмайсизми, Насибахон? Ўзи бу ердан унча узоқ эмас.

— Борардиму, лекин Алик билиб қолса баттар ўчакишади-да.

— Тўғри. Насиба бормагани яхши,— деди Вазира.

— Бўлмаса менга паспортингизни олиб тушиб беринг. Ишлайдиган жойингизнинг гувоҳномаси бўлса, уни ҳам ола келинг.

Насиба юқорига чиқиб кетди. У Аброрга паспорт билан гувоҳномасини олиб келиб бераётганда жуда қалтис бир ишга бош қўшаётгандай, эти жунжикар ва қўл-оёқлари титрарди.

Аброрнинг директор Сайфулла Раҳмонов билан тортишувига сабаб бўлган мунозарали масалалар мана шу қисталанг кунларнинг бирида бошқарма муҳокамасига қўйилди. Наби Садрисевнинг кабинетига — девор тагидаги узун стол атрофига ўндан ортиқ мутахассислар йиғилишди. Юқорироқда — ободонлаштириш бошқармасининг масъул ходими бўлган

кўзойнакли киши ўтирибди. Унга қарама-қарши ўтирган Аброр ниманидир ёзишга тайёрлангандай, оқ тахта қоғоз устига авторучкасини очиқ қўйибди. Тўпланганлар орасида Вазира ҳам бор — у бунақа муҳокамаларга кўп қатнашади. Лекин Аброрни ҳайратга солаётган нарса шу эдики, Сайфулла Раҳмонов бетоблигини баҳона қилиб муҳокамага келмаган, ўзининг ўрнига муовини Ғайрат Яминовни юборган эди. Аброр билмас эдики, Вазира бошқарма бошлигини холи топиб, Аброр билан Сайфулла Раҳмоновнинг орасидан ўтган гапни батафсил айтиб берган эди. Раҳмоновнинг Аброрга таққан ноўрин ғоявий айблари Садрисвга ҳам ёқмаган эди. Буни телефон орқали эшитган Сайфулла Раҳмонов эски яралари яна тирналишидан чўчиб, бугунги муҳокамадан ўзини олиб қочган эди.

Бир пайт Шерзод Баҳромов кириб келди-ю, ҳамма билан кўришиб, юқорироқда турган бўш стуллардан бирига ўтирди. Демак, у ҳам муҳокамага қатнашади. Балки дўсти Раҳмоновга ён босиш учун келгандир?

Креслоси олдида тикка туриб, «вертушка» деб аталадиган телефонда сўзлашаётган Наби Садриев гапни тугатиб трубкани жойига қўйди-да, микрофоннинг тугмасини босди. Энгашиб микрофонга оғзини яқинлаштиргач:

— Валя,— деди қабулхонадаги секретарига.— Ярим соатгача ҳеч кимни киргизманг. Телефонни ҳам уламанг.

Аброр муҳокаманинг ярим соатда тугаши кераклигини шундан сезиб, бошқарма бошлиғидан мамнун бўлиб қўйди.

— Қани, бошладик,— деди Садриев.— Ўртоқ Яминов, сиз институт дирекциясининг вакилисиз, айни вақтда, лойиҳани чизган муаллифлардансиз. Гапнинг лўндасини сиздан эштайлик.

Бошлиқ гапни қисқа қилиш кераклигини таъкидлаётган бўлса ҳам, каттакон ёзма доклад тайёрлаб келган Ғайрат Яминов Тошкентни қайта қуришнинг аҳамиятини, архитектор ва қурувчилар томонидан қилинган ишларнинг Москвада юксак баҳо олганини, Японияда бўлган жаҳон виставкасига дунёнинг турли мамлакатларидан борган одамлар Тошкент марказининг макетини кўриб нималар деганини батафсил

сўзлашга киришди. Наби Садриевич унинг биллагига қўлини қўйиб кулди-да:

— Бу катта гапларни каттароқ йиғинда айтарсиз, мақсадга ўтинг,— деди.

— Аброр Аъзамов бир қанча ўзгаришлар таклиф қиляпти. Унинг таклифларини қабул қилсак, майдонда соя берадиган жайдари дарахтларни кўлайтиришимиз керак бўлади. Бундай жайдари дарахтлар ҳар бир эски маҳаллада ҳам ўсади. Марказий майдонимиз эса, республикада ягона бўлиши керак! Балки бутун Ўрта Осиёда ҳам бундай зўр, гўзал майдон бўлмас! Биз шуни ўйлаб иш қилишимиз керак. Шунинг учун мен Аъзамовнинг таклифларига қўшилолмадим.

Аброр олдидаги қоғозга «жайдари» деб ёзиб қўйди-да, Наби Садриевичга қаради:

— Мумкинми?

— Сиз шошманг,— деди Садриев.— Ободончилик бошқармасининг фикрини эшитайлик.

Ободончилик бошқармасининг вакили иссиқда терлаб кетган, кўзойнаги ҳам ҳовурдан хира тортган эди. У чўнтагидан яхшилаб қатланган оқ рўмолча олди-да, кўзойнагининг шишаларини артиб, яна тақди. Сўнг олдида очиқ турган ёзувнинг кўк қалам билан чизилган жойларига кўз югуртирди.

— Мана бу ерда ўртоқ Аъзамов майдоннинг жуда катта бўлиб кетаётганини ҳисобга олиб, соя берадиган дарахтлар тагига беш-ўнта чиройли скамейкалар ҳам ўрнатайлик, дептилар. Умуман, мен скамейкага қарши эмасман.

— Аммо хилват жойларга қўйган скамейкалардан баъзи ахлоқсиз одамлар кечаси хунук мақсадларда фойдаланади! — деб луқма ташлади Ғайрат Яминов.

Шерзод ўтирган томондан кулги товушлари эшитилди. Ғайрат Яминов Вазирага бир қараб олиб:

— Ўртоқ Аъзамова мени кечирсинлар, лекин айтмасак бўлмайди,— деди.— Шуни ўйлаб, Бўзсув бўйларига ҳам скамейкалар камроқ қўйилган. Энди бу майдон шундай улуг жой бўлса. Биз яхши ниёт билан скамейкалар қўйсак-да, қандайдир ахлоқсизлар ундан ёмон мақсадда фойдаланса. Қандоқ бўлади? Шунинг учун мен скамейка қўйишга қаршиман, ўртоқлар!

Наби Садриевич Аброрга сўз бераркан:

— Илтимос, ҳисқароқ бўлсин, — деб огоҳлантириб қўйди.

— Бизда ҳамма нарса инсон учун қилинади, — деди Аброр. Арчалар қишда ҳам кўкариб туради, одамнинг кўзини қувонтиради, дилига завқ беради. Бу жуда яхши. Шу билан бирга Марказий майдон зилзиладан кейин қайта қурилган пайтларда парадлар аллеяси бўйига чинорлар экилган эди. Ҳозир бориб қаранг: етти-саккиз йилда икки қаватли уй баландлигида ўсибди, атрофига қуюқ соя бериб турибди. Бу чинорлар вояга етса шу улуг майдонга муносиб азим дарахтларга айланади. Нега биз уларни яна эмаслигимиз керак? Фақат жайдари бўлгани учунми?

— Мен чинорни жайдари деганим йўқ! — қизариб луқма ташлади Ғайрат Яминов. — Терак билан толни айтдим.

— Терак билан толни «жайдари» деб камситишга ҳам қаршиман! — давом этди Аброр. — Қишлоқларда, маҳаллаларда, йўл четларида кўп меҳнат талаб қилмай ўсадиган бу қобил дарахтлар минг йилларнинг синовидан ўтган. Бундан беш-олти йил олдин «терак ёмон», «толнинг шираси бор, тагини доғ қилади», деган гаплар чиқди. Бу дарахтларни эммай қўйдик. Аргувону эмакларга зўр бердик. Албатта, узоқ умр кўрадиган гўзал дарахтлар жуда керак. Лекин улар кучга кириб, соя берадиган бўлгунча ўн-ўн беш йил ўтади. Эман билан чинор ниҳоли жуда ҳам нозик, сал офтоб урса қуриб қолади, тиришиб ўсмай етади. Тол билан теракнинг жуда тез ўсар, чиройли навлари бор. Бир йилда беш метргача бўй олади. Чинору эманлар вояга етгунча толу тераклар шаҳарга соя бериб тургани яхши эмасми? Шунинг учун мен таклиф қиляпманки, майдоннинг биз ҳозир лойиҳалаштираётган қисмида чиройли арчалардан ташқари чинор ҳам, саря ҳам, садақайрагочлар ҳам бўлсин. Урнини топиб мажнунтол билан теракнинг яхши турларидан ҳам ўтказайлик.

Наби Садриевич бу гапни маъқўллагандай бош иргаб қўйди. Аброр дадилланиб давом этди:

— Энди скамейкалар тўғрисида... Яқинда мен галати бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Эски Жўвани биласизлар. Узи баланд, кўкракдор жой, шабадаси

яхши. Бу ерда беш-олтита скамейкалар бор эди. Кекса пенсионерлар, тунги сменада ишлаб, кундузи ҳаво олиш учун чиқадиган ишчилар шу скамейкаларда ўтириб дам олишади, суҳбатлашишади, газета ўқишади... Бир кун нима иш билан шу ердан ўтиб қолдим. Ҳозиргидай кун иссиқ пайт. Қарасам, кекса одамлар сояда дарахтнинг танасига суяниб ерда ўтиришипти. Скамейкалар йўқ. Уларнинг темир оёқлари ерга ўйиб киритилган экан, шундай суғуриб олиб кетишгани шудгорга ўхшаб турган ўрнидан билиниб турибди. Тагига газета тўшаб, йўлканинг четида ўтирган иккита бобойдан, «нима бўлди, скамейкалар қани?» деб сўрадим. Маълум бўлишича, қандайдир маст кишилар кечаси шу скамейкаларда ётиб қолар экан, тартибни бузишар экан. Шу ердаги тартиб-интизомга жавобгар бўлган участкавой амаки уч-тўрт марта уларни қувибди, натижа бермабди. Шундан кейин битта автокранни олиб келибди-ю, «мана сенга!» деб скамейкаларни жойидан суғуриб олиб, бошқа ёққа элиб ташлабди.

Кулги бўлиб кетди. Наби Садрисвич кулгисини яшириш учун кафтини оғзига қўйди.

— У ёгини эшитинг, — деди Аброр. — Скамейкада дам олиб ўрганган ҳалолу пок одамлар участкавойнинг устидан арз қилиб ижроқўмга боришипти. «Тартиб ўрнатгани шуми? — дейишипти. — Ёмон одамлар қолиб, бизга жазо берди-ку! Улар ахлоқсизлигини бу ерда бўлмаса, паркда қилади. Скамейкада бўлмаса, майсазорда ўтиради. Зеб учун ўстирилган ўтларни поймол қилади. Участкавой уларнинг аламини биздан оладими? Биз дам оладиган скамейкаларимиздан ажралиб, оёққа тикка туриб қолдик. Бизга нега жазо беради?» Ҳақиқатан, тартиббузарлар билан бунақа курашиб бўладими? Ижроқўмнинг буйруғи билан участкавой скамейкаларни қайтариб олиб келиб, ўрнатиб берибди. Яқинда борсам, аввалгидан маҳкамроқ қилиб ўрнатишди. Бўяб, чиройли қилиб қўйишипти. Бу фактдан хулоса чиқарадиган бўлсак, скамейкаларни яхши одамлар учун ўрнатаверишимиз керак! Гапим тамом!

Аброр жойига қайтиб ўтирди. Унинг гаплари кўпчиликка ёққанини Яминов ҳам сезди-ю,

қоғозларини титкилаб, қарши гапирш учун далил қидира бошлади.

— Яна ким сўзламоқчи? — деб Наби Садриевич қаторларга кўз югуртирди. Вазира, «Мен гапирсам ноқулай бўлар», деган маънода кўзини стол устидаги қоғоздан олмай ўтирибди.

— Наби Садриевич, руҳсат беринг! — деб Шерзод ўрнидан кўтарилди.

Аброр сергакланди. Яминов Шарзодга умидланиб кўз қирини ташлади.

— Марҳамат, — деди Наби Садриев.

— Бу ерда Ғайрат Яминович Тошкент марказининг замонавий шаҳарсозликдаги жуда катта аҳамиятини тўғри таъкидлади, — деб гап бошлади Шерзод. У кўзсиз тилла узук тақилган қўлининг бармоқлари билан силлиқ тарашланган энгагини сийпаб қўйди-да, Сайфулла Раҳмонов бошлиқ институтни анча мақтади.

Вазира ҳозир унинг Аброрга қарши чиқишидан ҳавотирланиб, қошларини чимириб ўтирибди. Лекин бошқарма бошлиғи Яминовдан кўра Аброрга илиқроқ муносабатда бўлаётганини Шерзод ҳам сезган эди. У тўсатдан Аброрни ёқлаб:

— Соя берадиган дарахтлар, скамейкалар ҳақиқатан зарур, — деди. — Биз Москванинг тажрибасини ҳисобга олишимиз керак. Қизил Майдонининг нариги ёғидаги Манежга туташган паркнинг дарахтзорини эсланг. Ўша ерда қатор турган скамейкалар бор. У ерларда озодалик билан тартибга кечаю кундуз қараб турадиган махсус одамлар бор. Бизнинг Марказий майдонимизда ҳам шунақа ходимлар ишлаб турса керак.

— Албатта, — деди Садриев Шерзоднинг гапини маъқуллаб.

Вазиранинг ҳам чехраси очилиб кетди. Аброр ҳайрон. Лекин Яминов Шерзодга қарамасликка тиришиб, хўмрайиб ўтирарди.

Шерзод Аброрга: «Манз, тантилик бунақа бўлази!» дегандай голибона кўз ташларди.

— Бошқа гапирувчилар бўлмаса, — деди Садриев. — Менинг Яминовга битта саволим бор. Аброр Аъзамов таклиф қилаётган ўзгаришларни киритсак, лойиҳанинг харажати ошадими, йўқми?

— Сўзсиз ошади! — деди Яминов бирдан жонланиб.

— Қанчага ошади? Ҳисоблаганмисиз?

— Аниқ ҳисобини қилганим йўқ. Тахминан...

— Тахминан кетмайди,— деб Садриев унинг сўзини кесди-да, Абборга юзланди: — Сиз ҳисоблаганмисиз, ўртоқ Аъзамов?

— Ҳа, лойиҳа харажатлари ўртача ҳисобда беш юз сўмга ортади.

— Қурилиш харажати-чи?

— Қурилиш харажатлари, аксинча, камаяди. Чунки бор дарахтлар сақлаб қолинса, янгиларини экишга кетадиган пул тежаллади. Катта эманлар бор, томири чуқур, сугоришга муҳтож эмас. Уларнинг тагига ер остидан қувур ўтказиб, сув олиб бориб юрилмайди. Бу ҳам анча маблағни тежайди. Икки минг сўмдан ортиқ тежаш мумкин деган хомчўтимиз бор.

— Бу ўзгаришлар лойиҳа ишини қийинлаштиради,— деди Садриев.— Муҳлати чўзилиб кетмайдими?

— Вақтида топширишга сўз берганмиз. Сўзимизда турамыз, Наби Садриевич.

Садриев протокол ёзиб ўтирган аёлга «улгуряпсизми» дегандай қараб қўйди. Сўнг протоколга ёза бўладиган даражада дона-дона қилиб сўзлай бошлади:

— Демак, хулоса бундай: фонтан лойиҳасини ўртоқ Аъзамов тақлиф қилган тўлдиришлар билан қабул қиламиз. Бу тўғрида унча мунозара бўлгани йўқ. Энди майдонни кўкаламлаштириш масаласида, ўртоқ Яминов айтганидай, нодир арчаларга ўрин берилиши тўғри. Шу билан бирга, майдоннинг шимол-шарқ томонларида соя берадиган дарахтларни ҳам ўстириш мақсадга мувофиқ. Биз бу ҳақда шаҳар раҳбарлари билан яна маслаҳатлашамиз. Келажакда майдоннинг ўша ҳисмини Ғалабанинг ўттиз йиллигига бағишланган бир ёдгорлик эгаллаши керак. Номаълум солдат қабрида мангу олов ёниб турадиган бўлади. Менимча, ўртоқ Аъзамов айтган мажнунтолларни ана шу ёдгорликнинг атрофида ўстиришимиз мумкин. Сарвлар, қайрағочлар масаласини ўрганиш керак. Ноаниқ томони бор. Чинорлар, эманлар, албатта бўлади. Уларнинг соясига дам олиб ўтирадиган чиройли скамейкалар қўйишимиз ҳам мумкин. Лекин ҳалқимиз суйиб ўстирадиган толларни, теракларни

«жайдари» ски «қишлоқи» дарахт дейиш жуда ҳам нотўғри. Бундай гапнинг ўзи жайдари гап, ўртоқ Яминов! Сиз фақат бир масалада ҳақсиз, Тошкентнинг Марказий майдони мумкин қадар салобатли, мумкин қадар улугсифат бўлиши керак. Бу ерда бачкана нарсаларга мутлақо ўрин берилмаслиги керак. Айни вақтда, майдоннинг шарқ томонида — анҳор бўйларида ҳозирча ўзлаштирилмаган бўш ерлар бор. Аъзамов тўғри айтади: ўша ерларга теракнинг чиройли ниҳодларини қатор қилиб экиб қўйиш керак. Тез кўтарилади. Беш-ўн йил хизмат қилиб берса ҳам ҳарна. Терак баргининг чапак чалганга ўхшаб иштирлашини эшитганмисиз? Ҳаво иссиқ, дим бўлган пайтда бошқа дарахтларнинг бирорта наъдаси қимир этмай қолади. Шундай пайтда ҳам теракнинг барги жимир-жимир қилиб ўйнаб туради. Чунки балдоғи узун, ҳаво салгина ҳаракатланса ҳам терак барги дарров ўйинга тушади. Шунинг учун одамлар теракни «шамол чақирадиган дарахт» деб аташади. Терак барги чанги ўзига олмайди, ҳамиша артилгандай тоза туради. Оқ толни олинг. Битта шокини кесиб ерга тиқиб қўйсангиз ўсиб кетаверади. Ҳаво қуруқ пайтда тол атрофидаги ҳавони намлаб, ёқимли қилиб беради. Олимлар ҳисоблаб чиқишибди: битта катта тол иссиқ пайтда атрофидаги ҳавога ўнлаб литр сувни майда зарраларга айлантириб сочиб турар экан. Шунинг учун толнинг соясида одам жуда яхши дам олади. Албатта, толни ҳам ўзига ярашадиган жойга экиш керак, бу жиҳатдан сиз ҳақсиз, ўртоқ Яминов.

Садриев биллагидан ечиб стол устига қўйган соатига қаради. Белгиланган вақтдан ўн беш минут ўтган, буни у сезмай қолган эди. Садриев бошини чайқиб қўйди-ю, гапини тезроқ яқунлашга интилди:

— Демак, ўртоқ Аъзамов лойиҳанинг ҳамма чизмаларини муддатидан кечиктирмай амалга оширади. Ўзгаришларга кетадиган харажатларни бошқа резервлар ҳисобига тежаб, қоплайди, ишнинг иқтисодий томони ҳам самарали бўлади. Шу шарт билан унинг таклифларини қабул қиламиз. Лойиҳанинг айрим деталларини бундан буёқ институтнинг ўзида иш давомида аниқлаб беришни ўртоқ Яминовга топширамиз. Мен Сайфулла Раҳмоновични кўрсам айтиб қўяман. Айниқса, бир-бирига ҳар хил «ёр-

лиқлар» тақиш — эскирган бидъат. Бундан буси мунозараларга ҳаддан ортиқ берилмасликларингиз керак. Уртоқ Аъзамов, сиз ҳам... Меъеридан ошмасликка ҳаракат қилинг. Ҳамма нарсанинг ўз ҳад-ҳудуди бор. Ҳамма иш иттифоқлик билан қилинсин. Икковларингизга ҳам тилак шу!

— Раҳмат, Наби Садриевич! — деди Аброр.

Муҳокама тугади. Ташқарига чиққанларида Яминов ҳеч ким билан хайрлашмай жўнаб қолди. Унинг хафа бўлиб кетганини Вазира ҳам сизди. Эр-хотин зинапоя олдида яккама-якка қолганларида Вазира Аброрга қараб:

— Энди ҳадеб олишаверманг. Бас! Наби Садриевич тўғри айтди. Ҳатто Шерзод бугун сизга ён босиб гапирди.

— Шуниси галати бўлди. Бу ерда мен билмайдиган бир сир борга ўхшайди.

— Балки жияки билан сизнинг укангиз оила ҳурмоқчи эканини эшитгандир.

— Шокир буни сизга ҳам айтдимиз?

— Айтди, нияти жуда астойдил. Бир-бирларини яхши кўришаркан. Ҳали Баҳромовларга совчи бўлиб борсак керак.

— Шуниси одамни қийнайди-да. Мен биламан, бу Баҳромов барибир менга дўст бўлмайди. Бунинг худоси — манфаат. Бугунги гапининг тагида ҳам биронта манфаат, биронта гараз бор.

Вазира манфаатнинг нималигини биларди-ю, лекин Аброрга айтолмас эди. Шерзод Бўзсувга оид лойиҳасини бошқарма тасдиғидан ўтказишни ўйлаб, ҳозирдан Садриевнинг ҳам, Вазиранинг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қилмоқда эди.

Вақт ўн иккидан ошиб бормоқда эди.

— Военкоматга бугун борасизми? — сўради Вазира.

Аброр бугун кўнгли қувнаб турган пайтда қайни-сига оид нохуш ишлар билан шугулланишни ҳечам истамас эди. Лекин бу муаммони пайсалга солиш ҳам мумкин эмас. Аброр тараддулланиб, ўнг қўлидаги портфелини чап қўлига олди, кўнглир ғилофга ўроглиқ эскизларни қўлтиғига қисди.

— Ҳозир устахонага борай-чи, — деди. — Ходимларим кутиб ўтиришгандир. Бориб уларни бир хурсанд қилай. Тушдан кейин военкоматга ўтарман.

Олий маълумотли ёшларни ҳарбий хизматга чақириш ишлари билан ўттиз беш ёшлардаги келишган майор йигит шугулланарди.

Аброр деразасидан офтоб тушиб турган иссиқ кабинетда у билан юзма-юз ўтириб:

— Кечирасиз, ўртоқ майор, мен ғалатироқ бир масала билан келдим,— деди-да, аввал ўзини таништирди, сўнг Алибекнинг тарихини қисқача қилиб сўзлаб берди.

Гимнастерка устидан энли камар боғлаган майор ҳарбийча чаққонлик билан ўрнидан туриб, Алибекнинг делосини жавондан қидириб топди.

Аброр юпқа тенниска кийган бўлса ҳам, иссиқдан бетоқат бўлар, терлаган юзини рўмолча билан дамбадам артар эди. Этик кийган, ўнг елкасидан ошириб яна бир тасма боғлаган ёш майор эса иссиқни мутлақо сезмастганга ўхшарди. У креслосига қайтиб келиб ўтиргач, Алибекнинг шахсий делосини варақлаб кўрди-да:

— «Касалманд онасига қарайдиган одами йўқ», деган справка бор,— деди.— Сиз, «келин қараши мумкин», деяписиз. Бадалов қалбаки справка билан бу йилги чақирувдан бўйин товламоқчи экан-да. Унда биз Бадаловнинг ишини судга топширишимиз керак.

Аброр шу гапнинг чиқиши мумкинлигини олдиндан сезиб, жавобини ўйлаб келган эди. Осойишта товуш билан:

— Гап бундай, ўртоқ майор,— деди.— Ўша Алибек Бадалов хотини билан ажрашадиган эди. Хотини онасиникига кетиб қолган эди. Қайнонаси билан бирга турмас эди. Бу справка ўша пайтдаги аҳволни тўғри кўрсатган.

Кейин биз орага тушдик, ёш оила бузилмасин, дедик. Келин ҳозир қайнонасининг олдига қайтди, эри армияга чақирилса, қайнонасига қараб туришни зиммасига олди. Шундан кейин, мана, мен келдим.

— Келганингиз тўғри бўлган, ўртоқ?..

— ...Аъзамов.

— Ўртоқ Аъзамов! Сиз ўз гражданилик бурчингизни тўғри англагансиз. Лекин Бадалов.. ўтган ойдаёқ

йўл тайёрлигини кўриб қўйиши керак эди! Биз унинг тенгдошларини асосий состав билан бундан беш кун олдин жўнатдик.

— Балки қўшимча состав бўлар?

Майор ҳарбий режаларини ҳар кимга айтмаслиги керак эди. Аброрнинг саволини эшитмагандай бўлиб:

— Бадаловни огоҳлантириб қўйинг,— деди.— Эртага повестка борса дарҳол етиб келсин. Агар яна бўйин товласа, қонун олдида жавоб беради!

— Ўртоқ майор, яхшиси Бадаловга буни мен айтмайман. Бу ерга яхши ният билан келганимни сиз тушуниб турибсиз. Лекин қайним билан қайнанам тушунмаслиги мумкин. Мендан хафа бўлиб юришмасин. Шу сабабли сиз билан учрашганимни ҳарбий сир деб билишингизни сўрайман.

Майор кулимсираб сўради:

— Армияда бўлганмисиз?

— Бўлганман, ўртоқ майор. Запасдаги лейтенантман.

— Илтимосингизни қабул қиламан, ўртоқ лейтенант. Хайр!

• • •

Орадан икки кун ўтгач, майорнинг кабинетига повестка билан чақирилган Алибек кириб келди. Майор унинг елкасига тушган ўсиқ сочига, юзини қоплаб ётган соқолига нохуш назар ташлади-да:

— Ўтиринг,— деб стулни кўрсатди.— Хотинингиз қасрда ишлайди?

— Мактабда ўқитувчи.

— Ойингиз билан учовларинг турасизларми?

— Ҳа.

— Бўлмаса нега: «Ойимга қарайдиган одам йўқ», деб справка олиб келгансиз?

— Мен олиб келганим йўқ. Ойим олиб келган.

— Сиз ойингизни ишга солиб, ўзингиз панада турганмисиз?

Алибек хотини билан аразлашиб, ажрашмоқчи бўлиб юрганини айтишга тили бормади. Майорнинг сўнгги саволига гаши келиброқ жавоб қайтарди:

— Мен панада турганим йўқ!

— Сояда қолган экинга ўхшаб соч-соқолу тирноқлар товлаб кетибди-ку!

— Соч-соқол ўстириш — менинг шахсий ишим!

Майорнинг кўзлари қаҳр билан чақнади:

— Бадалов! Туринг ўрнингиздан!

Майорнинг қатъий қилиб берган командаси уни дарҳол ўрнидан туришга мажбур қилди. Майор ҳам тез оёққа турди-да, аввалгидан ҳам қатъийроқ оҳангда команда берди:

— Смирно-о! Сиз ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлигингиз учун совет қонунига биноан қамоқ жазосига ҳукм қилинишингиз керак!

Алибекнинг соқол орасидан ярим-ерти кўриниб турган юзи олпоқ оқариб кетди:

— Ўртоқ майор, мен ҳарбий хизматдан бўйин товлаганим йўқ.

— Дезертирларга хизмат қиладиган мана бу справка-чи?

— Мен дезертир эмасман!.. Ўртоқ майор, мен...

— Молчзть!.. — деб майор унинг сўзини кесди. — Агар дезертир бўлишни истамасангиз, менинг командга қулоқ солинг!

— Эштаман, ўртоқ майор...

— Икки соат ичида соч-соқолингизни қирдириб, тирноқни ҳам олдириб, ҳарбий хизматга чақирувчиларнинг шаклига кирасиз! Қандай тушундингиз? Жавоб беринг!

— Икки соат ичида... ҳарбий хизматга жўновчиларнинг шаклига кириш...

— Командирга қандай жавоб бериш керак?

— Бажараман, ўртоқ майор!

— Кругом!.. Командани бажариш учун шагом ма-арш!

Алибек майорнинг буюрганини қилишни бутун вужуди билан истамас эди. Лекин ҳарбий хизматдан бўйин товлашнинг жиноят эканига, агар майор смонликка олса, уни қаматиб юбориши мумкинлигига ақли стиб турарди. Шунинг учун ноилож сартарошхонага қараб кетди. Шундай ардоқлаб ўстирган соч-соқоли, тирноқлари олиб ташланаётганда, уларни худди биттадан юлиб олишгаётгандай оғринди. Сартарошхонадан чиқаётганда ойнадаги аксига кўзи тушди-ю, аламидан йиғлаб юборасди. Сочсиз боши

хунук бўлиб қолган, юзи аввалги салобатини йўқотиб, бачкана тусга кирган. У майорнинг олдига қайтиб келганда лаблари алам билан титраб турарди. Бунақа ўзгаришларни кўп кўриб, одатланиб қолган майор унинг авзойига эътибор бермай, яна кесиб-кесиб гапирди:

— Бадалов, сизга икки кун муҳлат. Барча ҳисоб-китобни тугатинг. Нарсаларни йиғиштириб, индин эрталаб соат ўнда армияга жўнайдиган бўлиб келинг. Акс ҳолда, сиз билан мен эмас, прокурор гаплашади. Тушундингизми?

— Тушунарли...

— Қандай жавоб бериш керак?!

— Тушундим, ўртоқ майор!

— Боринг, бажаринг!

Шу вақтгача ўзига-ўзи хўжайин бўлиб, истаганини қилиб юрган Алибек энди ихтиери қўлидан кетиб қолаётганини, бугундан бошлаб, қандай команда берилса, шуни сўзсиз бажаришга мажбур эканини астойдил сезди-ю, уйга маънос бўлиб қайтди.

Эшикни очган Насиба уни зўрга таниди.

— Вой! — деб аввал бир чўчиди. Алибекнинг попуги пасайиб қолганини сезгандан кейин эса: — Юзингиз очилиб, яшариб кетибсиз, — деб унга тасалли бермоқчи бўлди.

Алибек аламли товуш билан:

— Энди қутуласанлар, — деди. — Индин эрталаб кетаман.

Алибек онасига яқин келиб, юзи билан бошини кўрсатди:

— Мана... мана... хурсандмисиз?

Зумрад Содиқовна ўглининг силлиққина қишлоқ йигитига ўхшаб қолганини энди кўрди. Унинг ҳарбий хизматга кетиш олдида мажбуран соч-соқол олдириганини сезди-ю:

— Қолдиришган эди-ку! — деди. — Мен олиб бериб берган справка нима бўлди?

— Справкангиз бошимга битган бало бўлди! Ушани деб қамалишимга сал қолди. Майордан роса дўқ эшитдим!

— Ҳақлари йўқ! — деди Зумрад Содиқовна. — Майор бўлса ўзига! Мен полковник билан гаплашганман! Ҳозир бораман!

Зумрад Содиқовна нариги хонага чиқиб, кийимини алмаштириш учун халатини счмоқчи бўлар, лекин қўллари қалтираб, тугмаларини тополмас эди. Насиба унинг қаршисига келди:

— Ойижон, бирпас шошманг. Ҳозир Вазира опамлар келиб қолишади,— деди.— Поччам билан бамаслаҳат бир йўлини топармиз.

— Вазира келаман деганмиди?

— Ҳа, боя телефонда гаплашган эдик. Ишдан кейин келмоқчи эдилар... Укол олгансиз. Ўтиринг. Мен чой дамлаб келаман.

Ошхонада чой қайнагунча бўлмай эшик қўнгироғи жиринглади. Алибек улфатларини кутаётган эди, шошиб чиқиб эшикни очди. Бироқ ташқаридан Вазира билан Аброр кириб келди. Вазира укасига қараб, қувноқ товуш билан:

— Ўзгаринг катта-ку,— деди.

Аброр ҳам қайиниси билан кўришастиб, голибона жилмаймоқда эди.

Вазира ичкарига кириб ойсининг изтиробга тушиб ўтирганини кўрди.

— Шунга шунчами? — деди.— Кўп қатори бир йилга бориб келса нима бўпти? Уруш вақти эмаски, қўрқсангиз! Армияга бориб келаятган йигитларни кўрдингизми? Ранглари кириб, девдай бўлиб қайтишяпти.

— Йўқ, мен Аликсиз туролмайман бу уйда! Битта-ю, битта ўғил! Юмалаб кетсам, ким мени қабрга элтиб қўяди?

Зумрад Содиқовна йиглашга тушди.

— Сиз бизни хафа қиляпсиз, ая,— деди Аброр. У онасидан фарқ қилиш учун қайнанасини «ая» деб атади.— Вазира сизга фарзанд эмасми? Ё мен ўглингиз эмасманми? Насиба сизга бегонами?

— Йўқ-йўқ, Аброржон, сиз ундай деб ўйламанг. Ҳаммаларинг меннинг боламсизлар, жигарбандимсизлар. Лекин шу Аликка мен ёмон ўрганганман... Нима қилай?.. Дадаларининг қадрдон ўртоғи бор. Ўзи полковник. Мен ҳозир ўшанинг уйига бормоқчиман.

— Бормасангиз ҳеч бўлмайдимми?

— Кейин армон қилиб юрмайин, болаларим!

— Бўлмаса адресини беринг, биз Вазира билан бориб кела қолайлик.

— Полковник Вазирани кўрган, борса танийди.

Аброрлар бир пиёладан чой ичишди-ю, Зумрад Содиқовна берган адрес билан полковникнинг уйига кетишди. Орадан бир ярим соатлар чамаси вақт ўтгандан кейин полковник блокнотидан узиб ёзган бир кичик варақчани олиб қайтиб келишди. Насиба полковникнинг ёзганларини қайнонасига ўқиб берди:

— «Қадрли Зумрад Содиқовна!

Сиз ҳамиша эл-юрт олдидаги бурчингизни яхши адо этиб келган ажойиб кишилардансиз. Бу гал ҳам мардона туриб беринг. Алибек армияга бориб келмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Конституция ҳаммага баробар.

Лекин яхши кўбингиз бор экан, танишганимдан хурсанд бўлдим. Қолган гапни учрашганда гаплашамиз.

Сизга салом ва эҳтиром билан полковник Э. А.»

— Бу ҳам конституциядан келипти-ку! — норози бўлиб деди Зумрад Содиқовна. — Энди нима қиламиз, Аликжон?

Алибекнинг руҳи тушиб, сақич чайнагиси ҳам келмай қолди. Насиба билан Вазира маъноли кўз уриштириб олишди. Аброрлар полковникка ҳамма гапни айтиб берганларини ва бу хатни Зумрад Содиқовнанинг кўнгли учун ёзириб келганларини Насиба алақачон тушунган, лекин эри билан қайнонасига сездирмас эди.

— Ойи, бу энди кўпга келган тўй, Алибекни хушу хурсанд қузатайлик, — деди Вазира.

— Бошқа нима иложим бор? Кўзи ожиз гариб хотин бўлсам, додим қаерга етади? — деб Зумрад Содиқовна бирпас кўз еши қилди. Аброрлар Алибекка йўл тайерлигини кўришда ердамлаша бошладилар. «У керак, бу етишмайди», деган ташвишлар Зумрад Содиқовнанинг ҳам хаёлини алаҳситиб, анча овунтирди.

Кеч соат ўнларда Аброрлар уйларига кетишди.

Зумрад Содиқовна ўглини хотини билан холи қолдириш учун яна ўша сершовқин хонага кўчиб ўтди. Алибек энди кетиши муқаррарлигини сезиб, аявалгидан ўйчанроқ бўлиб қолган эди.

Кечаси каравотда ёнма-ён ётганларида Насиба унга бўйида бўлганини айтди.

— Янами? — деди Алибек норози товуш билан.

— Ёлғиз ўтиришим қийин, — деди Насиба. — Агар «кутма» десангиз, унда менга ҳам боланинг кераги йўқ...

«Кутма» дейишга Алибекнинг тили бормади. Армияда юрганида Насиба унга садоқат сақлаб ўтиришини ич-ичидан истар, бунга бола ердам беришини сезарди.

— Э, менга нима! — деди у етган жойида қўлини силтаб. — Бола тугсангиз барибир ўзингиз боқасиз! Билганингизни қилинг!

Бу гал у ихтиёрни Насибанинг ўзига бергани, ҳар қалай, аввалгидан дуруст эди.

Эртаси куни Алибекни кузатишга Вазира билан Аброр келишди. Дастурхон тузаётганларида Вазира Насибадан шивирлаб сўради:

— Галлашдиларингми?

— Ҳа, билиб кетсин дедим.

— Жанжал қилмадимми?

Насиба эрининг қўл силтаб нималар деганини пи-чирлаб айтиб берган эди, Вазира мамнун бўлиб кулди:

— Анча тушибди-ку! Ҳў, шумтака! Буни ҳали ойим билмайдими?

Айтганим йўқ.

Зумрад Содиқовна яна нолиб, кўзига ёш олганда, Вазира келинларини ойисининг олдига бошлаб келди. Учовлари эшитадиган паст товуш билан бўлажак боладан гап очди:

— Насибахон, Алибек қандай қўл силтаганини ойимга айтиб беринг.

Зумрад Содиқовна қачонлардан бери ўғлининг фарзандини боқиш орзусида юрар эди. Насиба уялиб-уялиб айтиб берган гални катта бир хушхабардай суюниб эшитди.

— Вой, айланай келинимдан! — деб Насибани чаккаларидан ушлаб, кўзларидан, пешонасидан ўпди. Шу билан анча таскин топгандай бўлди-ю, зиёфат пайтида яхши ўтирди.

Алибекни армияга кузатганларидан кейин ордан икки кун ўтгач, Аброр қайнонасини кўз касалхонасига олиб бориб жойлаштирди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Агар олча ранг «Жигули»нинг тили бўлса, шу ёз Абродан дод деб шикоят қилиши мумкин эди. Машинанинг қўл тормози ҳамон бузуқ, тагидаги урилган жойлари тузатилмаган, егларни куйиб қорайиб қолган, уни устахонага олиб бориб кўрсатадиган муҳлатлари баҳор пайтидаёқ ўтиб кетган. Лекин Аброр бунга ҳеч вақт тополмас, ўзини аямагани каби, машинасини ҳам тиндирмай ҳайдагани ҳайдаган эди.

Қайнонаси ва қайнисининг ишларидан ҳам кўра отасининг ташвишлари мушкулроқ бўлди. Аброр дам олиш кунни отаси билан укасини машинага миндириб, Бешқайрағочда олган адреслари бўйича Қорасув бўйларига борди. Сотиладиган чала участкаларнинг кўпи илгари колхоз-совхоз ерлари бўлган чекка жойларда, йўллари ҳали созланмаган. Бирининг униси ёқмайди, бирининг буниси ёқмайди. Яна янги адреслар беришади. Кўнгилдаги жойни излаб, шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига йўл олишади. Шу тарзда бир еги Тош-ГРЭСдан Кўктеракка, иккинчи томони Тошавтомашдан Янгийўл районининг чегарасига бориб туташган мавзеларни айланиб чиқишди. Аброр сўнгги йилларда Тошкентнинг қанчалик катта бўлиб кетганини энди билди. Спидометрга қараса, эрталабдан бери шаҳар оралаб икки юз эллик чақирим йўл босибди, лекин ҳали ҳам манзилга етган эмас. Айланиб-айланиб, ахийри яна Бўржар бўйидаги беванинг жойини эслашди:

— Ҳали ҳам бўлса ўша дуруст, ала,— деди Аброр.

— Ҳа, кўкракдор жой эди. Қайтиб борамизми?

Шокир энди эътироз қилмади.

Кечки пайт Бешқайрағочга қайтиб бориб, бева аёлнинг ўзи билан гаплашишди. Ҳали ҳам эрига аза тутиб, қорамтир кўйлак кийиб юрган мунгли аёл Аъзам отадан ийманиб, кўк рўмолининг учи билан оғзини тўсиб гапирди:

— Бизга насиб қилмаган экан. Қиммақ сўрастганим йўқ, ота. Мен қоғозларини тўғрилай олмайман. Олсаларингиз ўзларингиз тўғрилайсизлар.

Аввал келганларида орада турган семиз ўтоғасини Аброр машинасига солиб олиб келди. Бева аёл супага кўрпачалар тўшаб, чой дамлаб чиқди. Аъзам ота

маҳалла ўтоғаси билан узоқ кенгашиб, ниҳоят, шу жойни оладиган бўлди.

Аброр бир юки елкасидан тушгандай енгил тортди. Гира-шира қоронгида отаси билан Шокирни ҳовлиларининг олдига олиб келиб қўйди-ю:

— Энди мен борай,— деди.— Қисталанг ишларим бор. Болаларни ҳам эрта-индин лагерга жўнатмоқчимиз. Участкани расмийлаштиришни Шокир ўзи эплар.

— Овора қиладиган жойлар бор-да,— деди Шокир.— Сизнинг танишларингиз кўп.

— Адамни танийдиганлар озми?

— Майли, ўғлим, сен ишларингни қилавер. Жуда тўлли тор келганда Шокир телефон қилиб айтади, келасан.

Аброр машинасини гаражга қўйиб, уйга етиб боргунча кеч соат ўн ярим бўлди. Болалар, одатдагидай, телевизор кўриб ўтиришган экан. Зафар дадасининг овозини эшитиб йўлакка чопиб чиқди:

— Дада, менинг ўртоғим Алишер «Биринчи май» лагерига борар экан. Мен ҳам ўша лагерга бораман. Бошқасига бормаيمان!

Вазира болалар хонасида қандайдир рўйхатга қараб майда-чуйдаларни йиғиштирмоқда эди.

— Қайси «Биринчи май?» — деб Аброр ўглидан сўради.

— Чимсидан нарида. Ойим билади.

— Булар Юсуфхонадаги лагерга боришмоқчи,— деди Вазира.— Бизнинг бошқармада Тошкент яқинидаги «Зорька»га путёвка бор экан, холос. Унга Малика ҳам бормаيمان деб ўтирибди.

Куни бўйи иссиқда машина ҳайдаб чарчаган Аброр болаларини жеркиб берди:

— Гапни мунча кўпайтирманглар. Лекин қайси лагерга путёвка топсак, шунисига борасанлар!

Отасига рўйроост эътироз қилолмаган Малика ойисига юзланди:

— Агар шаҳар четидаги ўша жўн лагерга борсак, уч кун турмай қочиб келамиз!

— Агар қочиб келсанг уйга киргизмайман, шуни билиб қўй! — ўшқирди Аброр.

Болалар жим бўлиб қолишди. Вазира эрининг асаби бузилиб турганини сезди-ю, чой қўйиш учун ошхонага ўтди. Аброр ваннада ювиниб чиққунча Вазира

чай дамлаб, дастурхон тузаб қўйди. Аброр чай қуйиб ичар экан, бошини чайқаб:

— Таяба! — деди.— Нарекда ота-оналар жой танлайди. Бу ёқда болалар лагерь танлайди.

Вазира бир коса қатиқли уграни эрининг олдига келтириб қўйди-да:

— Қандоқ қиласиз? — деди.— Маъмурчилик бўлгани сари одамлар ҳамма нарсанинг яхшисини танлашга ўрганар экан-да. Йўқчилик, қаҳатчилик замонларида қанча одам қора нонга қорни тўйса шукур қилиб юрган. «Бориға барака» деб қаноат қилганлар. «Берсанг сйман, урсанг ўламан» деб, нима бўлса шунга кўникиб ўтирганлар озмики? Ҳозир замон бутунлай бошқа. Одамларнинг савияси ошди, талаби ўсди, турмуш даражаси кўтарилди. Энди ҳамма нарсанинг сифати яхшисини танлашга имконият туғилди. Аслида бундан хафа бўлиш керак эмас, қувониш керак.

Угра ичадган Аброр киноя билан сўради:

— Хўп, Юсуфхонадаги лагерга «қувониб» путёвкка излайсизми? «Қувониб» яна кимга ялинасиз?

— Чимёнининг ҳавосида болалар қанчалик яхши дам олишини ўйланг. Бирда ярим ўзимиз ҳам уларни кўришга бориб ўйнаб келамиз. Ҳаракат қилсак путёвка топилади. Ўлдими!

— Яна ҳаракат, яна югур-югур! Ҳали бояги рўйхат бўйича магазинлардан бир талай нарса қидириб топишимиз керакдир?

— Лекин буниси рост. Эртарақ келсангиз бугун Болалар дунёсига борармиз деган эдим. Походларда кийиладиган кийим. Парад форма. Кундалик кийим. Оёқларига кеди, шиппак...

— Хуллас, бугун дам олиш кунини «маза» қилиб ўтказдик. Эртага янаям «маза» қиладиганга ўхшаймиз!

Аброр қатиқли угранинг ярминини ичди, қолганини кўнгли тортмади. У қаттиқ толиққан пайтларида иштаҳаси қоларди.

Кунини бўйи офтобда тандир бўлиб қизиган бетон деворлар тунда ҳам иссиқлик чиқариб, квартирани дим қилиб турибди. Аброр эшик-деразаларни очиб, ичкаринини ҳар қанча шамоллатса ҳам тунги соат иккиларгача димиқиб ухлай олмади. Бешқайрағочда бугун кўрган ҳовилилари — ўрикнинг тагидаги суппа ҳозир қанчалик салқин бўлса экан? Болалар бор-

моқчи бўлаётган Юсуфхонанинг ҳавоси қанчалик сўлим! Энг яқин жигарбандлари шундай яхши жойларга — табиат бағрига интилганда, Аброр нега уларга ёрдам бермаслиги керак?

Шу ўй уни олдинда турган ташвишлар билан гўё яраштирди-ю, кўнгли тинчиб, уйқуга кетди.

Бироқ эртаси кун ишдан кейин магазинма-магазин юриб, болалари учун майда-чуйда қидирганда яна асаби кўзиди. Ҳайдаб бораётган машинаси ҳам унинг ўзидек асабий ҳаракатлар қилади. Гоҳ юлқиниб, секинляйди, гоҳ сакрагудек кескин кўзгалади. Аброр катта магазинлар атрофида бўладиган тўполон тавжумликдан бетоқат бўлиб, педални аниқ босмайди, кейин ричаг истаган тезлигига тушмай хиралик қилади. Бир ҳаракат билан бўладиган иш гоҳо тўрт-беш қайта уринишлардан сўнг азоб билан битади. Баттар чарчаган Аброр машинани аввалгидан ҳам пала-партишроқ ҳайдайди. Гўё икки йиллик тажрибаси эсидан чиқиб кетади. Яна қайтадан шоферлик алифбесини қийналиб ўзлаштираётган гўр ҳайдовчига айланиб қолади.

Шу тарада югуриб-елиб, уч кун деганда лагерга керакли ҳамма нарсани тахт қилишди. Лекин Юсуфхонадаги лагерга путёвка бўлиш-бўлмаслиги ҳали ҳам номълум эди. Вазиранинг таниши иккита путёвкани охириг кунгача қандайдир бошлиқнинг болаларига атаб олиб ўтирди-ю, «куядиган» бўлган пайтда темир сандиқдан олиб, Аброрларга берди. Лагерь бошқа ташкилотники бўлганлиги учун ҳали путёвкаларни касаба союз орқали расмийлаштириш керак эди. Аброр керакли қоғозларни тўғрилаб путёвкаларни олгунча соат ўн бир бўлди. У орталаб болаларни қолдириб, келган жойига қайтиб борса, лагерга борадиган автобуслар кетиб бўлган, ота-оналар ҳам битта қолмай тарқаб кетган экан. Четки дарахтнинг соясида чамадончалари олдиди Малика билан Зафар муяғайиб турибди. Вазира ишхонасидан жавоб олмагани учун прогул бўлишдан қўрқиб, болаларнинг ўзини қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Бунинг ҳаммасидан аянчли аҳволга тушиб, хўрлиги келган Зафар кўзига бирдан ёш олди-ю, дазасига орқа ўгириб:

— Боринг-е, — деди. — Шунча юрасизми?

— Ҳа, «Биринчи май» лагерига жой топиш осон деб ўйлаганмидинг? — Аброр болаларнинг кўнглини

«Ўтарих учун ҳазил қилди: — Чидаганга чиқарган буни! Малика, ойнинг нима деди?»

Малика дадасининг қўлида сиртига қизил галстукнинг сурати солинган путёвкларни кўриб жонланиб қолди:

— Ойим лагернинг бошлиғи билан гаплашдилар, «Ўзимизнинг машинада кечроқ борсак майлими?» деб рухсат сўрадилар. Бошлиғи рухсат берди.

Аброр Чимён довонидан ошиб, Юсуфхонага бо-ришни кўз олдига келтирди. Бутун кун кетади. Лекин устахонада бугун қилмаса бўлмайдиган ишлари бор.

Аброр болаларини машинага ўтиргизиб, ишхона-ларига борди ва кундуз қилиш керак бўлган ишла-рини кечаси уйда қиладиган бўлиб, дирекциядан ярим кунга рухсат олди.

Бу орада Вазира ҳам бошқармадан жавоб олиб, катта йўлга чиқиб турган экан. Ҳаммалари икки со-атда довон ошиб Юсуфхонага стиб боришди.

Бу ерда нафас олиш алланечук жуда енгил. Дарахт-ларнинг сояси шаҳардагидан кўра сўлимроқ. Тоғ ён-бағирлари ичидан нурланиб тургандай равшан кўринади.

Вазира болаларни группаларга жойлаштиргунча Аброр машинанинг багажнигидан оёғи қатланадиган презент стулча олди-да, терак соясига қўйиб ўтирди.

Сув шилдираб оқяпти. Оқ гозлар шошилмай бит-та-битта одимлаб кетяпти. Узоқда улкан тоғ чўққила-ри сукут сақлаб турибди.

Шоша-пиша довон ошиб келган Аброр ҳали ҳам машинанинг тезлигини ўз вужудида ҳис қилаётгандай бўлади. Бу тезлик уни ўтирган жойида ҳам шоши-раётгандай туюлади. Аброр ҳамма нарсани унутиб, мана шу тоғлардай осойтишта бўлгиси, гўзал таби-атга тўйиб-тўйиб қарагиси келади.

Вазира болаларни жойлаштириб, машинанинг ол-дига қайтди-ю, билатигаги соатига қаради:

— О, тўртдан ошибди. Қани, кетдикми?

— Сиз ҳам бирпас тоғни томоша қилинг, хоним. Багажникда яна битта стулча бор. Олинг, ўтиринг.

— Мен кела-келгунча томоша қилиб келдим. Ҳали яна қайтишда ҳам кўрамиз.

— Тез бораётган машинанинг деразасидан нимани кўрасиз? Кинода кўргандан ҳам тез, лип-лип қилиб ўтади кетади. Кўз тўймайди.

— Қўйиб берсам бугун шу ерда қоласиз шекилли? Балки яна каклик овига чиқарсиз?

— Қанийди овга чиқсам!.. Одам пиёда юрганда мана шу гўзал табиатнинг бағрига сингиб кетгандай бўлади... Илгари одамлар Тошкентдан Юсуфхонага отлич келишган. Улар ҳам эрталам кечгача шошмай юриб, табиатнинг дийдорига роса қонишган. Биз бўлсак машинада чоп-чоп қиламиз. Бу тоғлар тушда кўрингандай эсимизда қолмайди.

— Отда икки кунлик йўлни машинада икки соатда босиб келганингизга жон денг!.. Қани, туринг, оймга бугун кечқурун борамиз деганмиз. Кутадилар.

Аброр ўрнидан тургиси келмай:

— Мунча шошасиз, улгурармиз,— деди.

— Соат тўрт ярим бўляпти, қандай улгурасиз? *Хали кечқурун уйда иш ҳам қилмоқчисиз!*

Аброр шу топда ўзидан ҳам норози бўлди. Бир кунда ҳам ишга борди, ҳам шунча югуриб болаларига путёвка топди, ҳам уларни юз километр жойга олиб келди. Яна бу етмагандай, кечгача шаҳарга қайтиб, касалхонадаги қайнонасини кўриши, сўнг оқшом уйда бугун чала қолган лойиҳа ишларини қилишга улгуриши керак.

— Одам галати-да. Тез юрар машина билан қанча кўп жойга бориб улгурсанг, яна ундан ҳам кўпроқ ишларни қилиб улгуришга тиришсан. Бўлган сари бўлсин дейсан! Бу ҳам бир очкўзликми? Тоғларни қаранг: юз минг йиллардан бери турибди. Шошилиш-ни билмайди!

Аброр истар-истамас машинасига кириб ўтирди-ю, уни яна Чимён доvonига қараб ҳайдади.

Боя доvonдан Юсуфхонага тушиб келгунча машинанинг тормози жуда кўп босилган, гилдираклар қўл текизиб булмайдиган даражада қизиб кетган эди. Энди яна қайтадан доvon ошиб, икки минг метр баландликдан Бўстонликқа тушиб бораетганларида тормозларга аввалгидан баттар зур келди. Машинанинг каму кўстини тўғрилаш муҳлатлари аллақачон ўтиб кетганининг устига кун иссигида шоша-пиша икки қайта доvon ошишлари қўшилди. Бўстонликқа кираверишда машинанинг рули ўнгга қараб қаттиқ тортадиган бўлиб қолди. Аброр олдинги гилдиракнинг дами бўшаганмикин деб, машинани четга чиқариб тўхтатди. Тушиб

шиналарга қараса, дами бўшаган эмасу, лекин олдиндаги чап гилдиракдан ег оқиб тушяпти. Энгашиб, бир бармоғига ўша егдан суркаб олди, сўнгра бурнига яқин келтириб, ҳидлаб кўрди. Тормоз мойининг ҳиди. Демак, шланг деб аталадиган резинка найча шидан чиққан. Чап гилдиракнинг тормози ушламай қолгани учун Аброр педальни босганда рулнинг ўнгга қараб юлқиниши шундан эди.

— Бу шошилишларга темир ҳам чидамайди! — деди Аброр хотинига.

— Нима бало бўлди? Энди қандай қиласиз?

Аброр индамай бошқа гилдиракларга қаради. Нариги уч гилдирак теза турибди. Фақат улар ҳам жуда қизиб кетган. Аброр капотни очиб, тормоз ёғи қуйиладиган пластмасса цилиндрга қаради. Ичидаги суюқ ёғи сояга ўхшаб қорайиб кўринди — камайган, лекин ҳали бор. «Жигули»нинг ҳар бир гилдирагидаги тормози мустақил ишлаши, биттаси ушламай қолганда, бошқалари маҳкам туриши Аброрнинг эсига тушди. Багажникдаги шишадан тормоз цилиндрига ег қуйиб тўлдирди-да, таваккал қилиб, машинани яна ҳайдай бошлади.

У бир амаллаб Тошкентга етиб олмоқчи эди. Лекин йўл дарёнинг баланд қирғоғи бўйлаб ўтадиган жойда битта гунажин думини хода қилиб чопганича тўсатдан йўлга чиқди. Аброр унга урилиб кетмаслик учун тормозни жон-жаҳди билан босди. Бир гилдирак мажруҳ бўлган пайтда тормозни қаттиқ босиб бўлмаслиги кейин эсига келди. Машина қаттиқ чайқалиб, ўнг томони ерга қапишиб пасайди, чап томони юқори кўтарилиб, буралиб кетди. Машина йўлга кўндаланг бўлиб, дарёнинг жарлик қирғоғига қараб бормоқда эди. Хайрият, шағал тўкилган жой гилдиракларни сал тутди. Аброр дарҳол тормозни қўйиб юбориб, рулга қайтатдан ёпишди. Машинани тез ўнгга буриб, йўлга тўғрилади-да, секин-аста тўхтатди.

Унинг рангида қон қолмаган эди. Бўшашиб, руль чамбарагига билаклари билан суянди-да:

— Сал бўлмаса жарга ағдарилардик, — деди. — Сувдан қолганми?

Вазира қўрққанидан қалт-қалт титрар эди. У орқата ўтирилиб, ўриндиқ гилофнинг орқа чўнтагига

тиқиб қўйилган шишани олди. Эрталаб болалар учун олган сувларидан озгина қолган эди. Шишанинг тиқинини очиб Аброрга узатар экан:

— Бу нима бўлди, а? — деди.

Аброр шишани кўтариб сув ичди-ю, кейин лабини кафти билан артиб деди:

— Тормози ишламайдиган гилдиракнинг касофати бу. Яна бир шундай бўлса тамом!

— Энди нима қиламиз?

— Бу аҳволда Тошкентга етолмаймиз... Бўстонликда устахона топилармикин-а?

— Район маркази-ку. Излайлик. Ойимга эртага борсак ҳам бўлади.

Аброр машинани эҳтиётлик билан секин ҳайдаб Бўстонликқа кириб борди. Одамлардан сўраб-сўраб, устахонани топгунча офтоб ботай деб қолди. «Жигули»ни тузатадиган уста уйига кетиб қолган экан. Аб-рор унинг уйини биладиган еш бир йигитни машинасига ўтқазиб, устанинг уйини топгунча яна анча йўл юрди. Ишдан чарчаб чиққан ўрта яшар уста гилдиракни истар-истамас кўриб чиқди-да:

— Мен буни очишим мумкин эмасу,— деди.—

Шаҳарда сизнинг хизматингизни қиладиган устахона бўлса керак. Устангиз пломба уриб қўйибди. Буни бошқа одам очса, кейин улар сизни қабул қилмайди.

— Биламан... Лекин мен буни Тошкентгача елкамда кўтариб бораманми? Улар ҳам одамдир, ахир. Узоқ йўлда шундай бўлганини айтсам тушунишар. Очаверинг!

Уста анча эпчил одам экан. Қоронги тушгунча гилдиракни очиб, янги найча қўйиб берди. Аброр машинани устанинг олдида нари-берига юргизиб кўрди. Тормоз берганда бир томонга тортиши йўқолган эди. Шундай бўлса ҳам у энди машинани жуда эҳтиёт билан ҳайдаб борар, «бас, жон керак, шаҳарга эсон-омон етиб борсак, шу шанба буни албатта устахонага олиб бораман», деган ниятни қайта-қайта кўнглига турарди.

• • •

Лекин Аъзам оталарнинг бузиладиган ҳовлидан кўчиб чиқишлари шу шанбага тўғри келиб қолди. Ҳовлида неча ўн йиллардан бери тўпланган лаш-луш

қанчалик кўплиги энди билинди. Эски челақлар, қозонлар, кир тоғоралар, сим каравотлар, хонтахталар, чорпоялар, ҳатто кўпдан бери ишлатилмай етган обкашлар — ҳаммаси жойидан қўзгатилди. Ҳанифа хола ҳеч нарсасини ташлаб кетишни истамас эди. Аброр унга:

— Ахир, обкашни нима қиласиз? Керосин чўва нима керак? — деса.

— Сенинг ишинг бўлмасни, бирда бўлмаса бирда асқотиб қолади, — деб ҳаммасини машиналарга юкларди.

Аброрларнинг квартирасига сигмайдиган катта жиҳозларнинг бир қисмини юк машинасига ортиб боқувдаги қўйлар билан бирга шаҳар четида турадиган қолалариникига элтиб қўйишди. Аъзам отанинг илтимоси билан ҳовлидаги катта чорпояни ва иккита эски сим каравотни янги олган участкаларига — бўлажак қўшнилариининг ҳовлисига олиб боришди. Чинни косалар, пиёлалар, чойнақлар, тақсимчалар, турли хил кастрюлькалар, идиш-товоқлар ҳам беҳисоб эди. Ҳанифа хола улардан ажралишни истамас эди. Аброр уларнинг кўпини қоғозларга ўраб, картон қутиларга солиб, машинасининг багажнигига сиғмаганларини салонга жойлаб, жума кун эрта оқшомдан кеч соат ўн бирларгача кўч ташиди. Шанба кун эрталабдан кўрпа-тушак ташишга киришди, «Жигули» Бўзсув бўйидаги ҳовли билан Аброрнинг квартираси орасида кун бўйи мокидай қатнади. Юкларни учинчи қаватга кўтариб чиқишда Аброрга маҳалла йигитлари ёрдам беришди. Шундай бўлса ҳам, тушга бориб, у жуда чарчаб, оёғи калавлашиб қолди, қўллари, тиззалари титрашга тушди. Кўкрагининг чап томони оғирлашиб, юрак ҳам борлиги тўғи энди билина бошлади.

Хона ва йўлақлар майда-чуйдага тўлиб кетди. Вазира Аброрга:

— Квартирада одам, турадиган жой қолмаяпти, бўлди, бошқа олиб келманг! — деди.

Аброр ҳовлига қайтиб бориб, қолган нарсаларни юк машинасига ортишга ва Кўкчадаги сингисиникига жўнатишга ҳаракат қилди. Шундай бўлса ҳам, Ҳанифа хола яна бир талай тугунчалар ва халталарни майда-чуйдага тўлдириб, Аброрнинг машинасига ортди.

— Энди ўзларингизга жой қолсин, ада! Ойимга айтинг!

Ҳанифа хола яна бир талай лаш-лушларни «Жигули»га қараб кўтариб келаётган эди, Аъзам ота ҳаммасини унинг қўлидан юлқиб олди.

— Бас-да, энди! — деди-ю, ҳаммасини юк машинасининг кузовига қараб улоқтирди.

Уй ва ҳовли бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолди. Аброр ҳовлининг нариги четига бориб, пастда лимиллаб оқаётган Бўзсувга тикилди. Қирғоқдаги уйлар ва маҳаллаларнинг бири бузилиб, бири эскириб, ҳар қанча кўримсизлашганда ҳам, Бўзсув мудом бир зайлда гўзал, мусаффо ва ёш кўринарди. Мана шу мусаффо гўзалликнинг ёнида ўтган умр энди қайтиб келмаслигини, Бўзсув билан қўшничиликлари тамом бўлганини қолган ҳаётлари Бўзсувни соғиниб, қўмсаб ўтишини Аброр ҳам, отасига ўхшаб ич-ичидан сезар ва томоғига ёш тиқилиб келаётгандай бўларди.

Ҳанифа хола эса шилпийдам хоналарга ўгирилиб қаради-ю:

— Вой, энди бу уйдаги чирогимизни ким ёқади?! — деб йиғлаб юборди. — Арвоҳлар йўқлаб келса, бизни қасрдан топади?

Ҳанифа хола ёшли кўзлар билан орқага қайтиб, ўчоқ бошига борди. У чўпга пахта ўраб, бир жуфт пилик чўп тайёрлаб қўйган эди. Шишанинг тагида қолган ёғни шу пилик чўпларнинг устидан қуйди. Кейин пилик чўпларни лойсувоқ қилинган ошдоннинг юмшоқроқ жойига суқиб қўйди. Гугуртни олиб, бир нарсалар деб пичирлаб, пилик чўпларни ёндирди.

— Илоҳим арвоҳлар қўллаб-қувватласин! Борган жойимизда чирогимиз ўчмасин!

Аъзам ота, Аброр, Шокир — ҳаммалари бир лаҳзага чўнқайиб ўтириб, кампирнинг дуосига жим қулоқ солдилар. Аъзам ота шу ерда яшаган аждодларнинг арвоҳига бағишлаб тиловат қилди. Сўнг:

— Омин! — деб юзларига фотиҳа тортдилару ўринларидан турдилар.

Ўчоқ бошидаги пилик чўплар липиллаб ёнганича қолди. Туғилиб ўсган жойини умрбод ташлаб кетаётган Аброр паришон ва карахт бир аҳволда рулга ўтирди.

Машина майда-чуйда кўч-кўронга тўлиб кетган. Олдинги ўриндикдаги Аъзам отанинг оёқлари орасида

ва қўлларида тўрхалтага солинган лаш-лушлар. Ҳанифа хола орқа ўриндиқда турли-туман тугунлар, сумкалар, халталар орасида ўтирибди. Багажникда чўян обдасталар, қозонлар, кастрюлькалар шақир-шуқур қилади.

Офтоб энди оққан, ҳаво дим. Катта кўча четларида одам кўп. Кечки иссиқдан бетоқат бўлган кишилар кўчанинг пиёда ўтиладиган жойига айланиб боришга сабрлари чидамайди-ю, машиналарга чап бериб истаган жойларидан қирқиб ўтишади.

Кўчанинг торроқ бир жойида усти ёпиқ катта юк машинаси Аброрнинг олдига тушиб, имиллаб бормоқда эди. Машинанинг темир сиртига ва орқа томонига катта қилиб «Мебель» деб ёзилган. Унинг кетидан судралиб юришга Аброрнинг сабри чидамади. Машинасини сал чапроққа олиб, бурилиш чирогини ёқди. Олдинга кўз югуртирган эди, қўшалоқ салонли «Икарус» автобуси анча узоқда бу ёққа қараб келаётганини кўрди. Ўтиб улгураман деб ўйлаб, газни босди.

Аксига олиб, худди шу лаҳзада катак сумка кўтарган бир аёл олдинроқдан йўлни кесиб ўтмоқда эди. Шошилмай келаётган мебель машинаси аёлга унча хатарли туюлмаган, Аброрнинг «Жигули»си эса мебель машинасининг панасида қолиб, кўринмаган эди. Йўл ўртасига келиб қолган аёлни Аброр ҳам жуда яқин борганда кўрди.

«Икарус»нинг орқадаги иккинчи салони чайқалиб, катта тезлик билан келмоқда эди. Аброр тормоз бериб тўхтаётган деса, оралиқ жуда тор, «Икарус» ҳам, мебель машинаси ҳам кенг, «Жигули» икковининг орасида қолиб пачоқланиб кетиши аниқ.

«Икарус»нинг шофёри ҳам буни сезди шекилли, жон-жаҳди билан сигнал берди.

Ҳаёлни ишлатиб улгуриб бўлмайдиган шу лаҳзада бирдан-бир нажот — олдинга қараб интилиш эканини гўё Аброрнинг ўзидан ҳам олдин қўл-оёқлари сезди. У бор кучи билан яна газ берди.

«Жигули» хатарли оралиқдан олдинга қаттиқ талпиниб, мебель машинасидан ўтай-ўтай деганда сумка кўтарган ҳалиги аёл шундай рўпарасидан чиқди. Аброр учун одам босишдан ортиқ даҳшат йўқ эди. Шу топда ўзининг жони ҳам кўзига кўринмай қолди. Ёнида ўтирган ота-онасини ҳам унутди. Машинани

аслга тегизмаслик учун рулни кескин ўнгга буриб юборди. Катак сумка кўтарган аёл Аброр утирган томонга уриладигандай яқин келди, лекин машина унинг шундоққина сикдан хийимига тегиб-тегмай ўтиб кетди. Шу лаҳзада машина ўнгга кескин бурилиб борди-ю, мебель машинасининг олд томонидаги йўгон темири — бамперига қарсиллаб урилди. Алланарса портлагандай ва Аброрнинг баданидан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

У машинани йўл четига қандай олиб бориб тўхтатганини билмайди. Мебель машинаси эса келатган жойида тўхтади. Аброр аввал ота-онасига ўтирилиб қаради. Улар қўрқиб кетган бўлишса ҳам, соғ-омон ўтиришибди. Аброр машинадан чопиб тушди-да, урилган томонига ўтиб қаради. Орқа қанот мажақланиб ичкарига ботиб кетган. Кузов тагидаги кўкиш темирлар хунук бўлиб кўриниб турибди.

Мебель машинасининг шофёри кабинасининг эшигини очди-ю, пастга тушмай ўтираверди. Аброр унга қараб қўлини пахса қилиб галирди:

— Олдиндан одам чиқиб қолганини мендан олдин кўрган бўлсангиз херак! Нега тормоз бермадингиз?

Кабинадаги шофер оқ кепкасини клеенка айвончасидан олиб юқорига кўтарди:

— Ҳей, ака, раҳмат дейиш ўрнига пешгирлик қилманг! Мен тормоз бермаганимда бутун ўнг томонингиз ўпирилиб кетарди. Чақиринг мелисани! Мен қаерда тормоз берганимни изидан аниқласин!

Аброрнинг мажруҳ машинаси атрофига одам тўплана бошлади.

Мебель машинаси чивин чаққандай ҳам зарар кўрмаган эди. Унинг бампери тўқ кўк рангга бўялган экан, йўгон темирнинг кафтдай жойидан бўёқ кўчибди, холос. Яна бу кўк бўёқ «Жигули»нинг мажақланган қанотига — олча ранг бўёгига араллашиб, эниб қолибди. Аброр кўпроқ ҳалиги аслдан ва ўзидан айб ўтганини энди сезди-ю, оқ кепкали шоферга қараб:

— Мен милицияга арз қилмоқчи эмасман! — деди.— Бўлари бўлди.

— Ҳа, омон қолганингизга шукур қилинг, ака.

Шу пайт ҳасқандир елкасига лланшет осган автотинспектор пайдо бўлди.

— «Жигули»нинг ҳайдовчиси ким! — деб одамлардан сўради.

Аброрнинг оёқ-қўллари бўшашиб:

— Мен,— деди-ю, секин инспекторга томон юрди.

Офтобда қорайиб кетган барваста инспектор чиройли оқ шапкасига қўлининг учини теккизиб честь берди.

— Сержант Тўхтасинов! — деб ўзини танитди.— Қани, ҳужжатларингизни бир кўриб қўяйлик.

Аброр сержантга ҳужжат берса қайтиб олиши қийинлигини сизди:

— Ўртоқ сержант, ҳужжатлар ҳаммаси жойида. Кутилмаган пайтда одам чиқиб қолди. Бу йўловчилар йўлини хоҳлаган жойидан кесиб ўтади. Нета уларни тартибга чақирмайсизлар? Ўша хотин қани?

Аброр атрофга аланглади. Тўполонда у хотинни таниб олишга улгурмаган эди.

— Қўлида катак сумкаси бор эди,— деди мебель машинасининг шофёри кабинадан тушиб келаркан. Икковлашиб атрофга кўз югуртиришди. Лекин катак сумкаси хотин кўча тўла одамлар орасига кириб ғойиб бўлган эди.

— Мана, гувоҳлар бор, ўша аёл сабаб бўлди! — деди Аброр сержантга.

— Ҳа, хўп, гувоҳлардан кейин сўраймиз. Сиз аввал ҳужжатларни беринг. Қани!..

Аброр шимининг чўнтагидан қўнғир ғилофга солинган шофёрлик гувоҳномасини ва унинг орасида турган талонларни олиб инспекторга бераётганида Аъзам ота ҳам машинадан тушиб келди.

— Жон ўғлим, ишонинг,— деди инспекторга.— Аброр ҳалиги аёлни босиб кетмайин деб ўзини уриб олди. Ҳалиям бу ҳушёрлик қилди, ўша касофат аёлнинг жонини сақлаб қолди. Мен ўзим кўрдим!

Инспектор огоҳлантиришлар ёзиладиган талоннинг тешилган жойини айлантириб кўрди:

— Аввал ҳам қондани бузиб жазо олган экансиз, ўртоқ Аъзамов.

Инспектор планшетини очиб, шарик ручка билан каттагина бир бланка олди. Бланканинг тепасидаги «Авария протоколи» деган ёзувга Аброрнинг кўзи тушди-ю, ичи музлаб кетди.

Инспектор «Жигули»нинг олди томонига ўтиб, бланкани унинг силлиқ капоти устига қўйди-да, ёзишга ҳозирланди. Аброр ялинган товуш билан:

— Ўртоқ сержант, протоколни қўйинг, илтимос сиздан,— деди.— Агар жазо бериш керак бўлса, майли, штраф қилинг.

— Инсоф қилинг, жон ўғлим, илоҳим менинг ёшимга кириг! — деб Аъзам ота сержантнинг қалам ушлаган қўлидан тутди.

Сариқ жужунча китель-шим кийган, оппоқ чўққи соқоли ўзига ярашган Аъзам ота сержантга жуда нуроний кўринди.

— Хўп, хўп, отахон, хўп! Сиз аввал қўлимни қўйиб юборинг.

— Ўғлимиз хатга тушиб юрмасин! Барака топинг, ёзманг!

— Гап нимадалигини тушунинг, аввал, ота. Машинанинг бир томони дабдала. Нарироққа борганингизда бошқа инспектор тўхтатади. «Бу авария қаерда бўлди?» деб сўрайди. «Бирон фалокатни бошлаб келмаяптими» деб суриштиради.

— Суриштира жавоб топамиз,— деди Аброр.— Протоколни қўйинг, ўртоқ сержант.

— Ҳа, нега қўяй? Нега?

— Биламан-да. Бу протокол билан мен кейин ГАИга бориб, уч-тўрт ойга ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб юрмайин. Илтимос!

— Ахир мен протоколга нима ёзмоқчи эканимни ҳали билмайсиз-ку. Машинани тузатиб минасизми, ё шу аҳволда юраверасизми?

— Тузатамиз, албатта! Устахонага олиб бораман.

— Ўша устахоналар ҳам бизнинг ҳоғозимиз бўлмагунча ремонтга олмайди, шуни биласизми, йўқми?

Аброр бунақа қонда борлигини аввал бир эшитганди, лекин ўзининг иши тушмагани учун эсидан чиқариб юборган эди. Ҳозир бунга қайта эслаб, бирдан бўшашди.

— Бўлмаса, протоколга аввал ўша йўлни кесиб ўтган аёлни ёзинг,— деди.— Бутун лйб ўшанда. Мана, гувоҳлар турибди.

Аброр мебель машинасининг шофёрини кўрсатди. Лекин оқ кепкали шофёр бунақа жанжаллардан узоқроқ юргиси келиб:

— Ўртоқ сержант, мен кетаверайми? — деди.— Ишим жуда қисталанг эди!

— Йўқ, — деди сержант. — Машинангизни йўлдан четга олинг. — Оқ кепкали шофёр уйда катта машинасини йўлдан четроққа чиқариб қўйди-да, қўлида бир қути «Беломорканал» папириси ва гугурти билан қайтиб келди. У битта папироснинг тамакили томонини эзиб, оғзига олиб борганини ва гугурт чақиб ендирганини Аброр алланечук суқланиб кузатди. Ҳозир бутун аламини папиросдан олгиси ва чеккиси кела бошлади. Лекин чекишни ташлагунча қанча вақт қийналиб юрганини эслати-да, ўзини алаҳситди.

Сержант бирон қалтис гапни эзиб қўймасин деб хавотирланиб турган Аъзам ота йўлни кесиб ўтган аёлни унга яна бир эслатди:

— Ноинсоф аёллар бор-да. Қилгиликни қилиб қўйиб, қорасини кўрсатмай кетганини қаранг! Бироя унинг жонини сақлаб қолса-ю, раҳмат ҳам демай қочиб кетса-я!

Оғзи-бурнидан бурқситиб тутун чиқаристган оқ кепкали шофёр гапга қўшилди:

— Қочиб қолмаса мана бу авариянинг товонини тўлатардинглар-да, ота. Шунга ҳақларинг бор эди.

Ниҳоят, протокол тайёр бўлди. Аброр уни ўқиб кўрди: сержант воқеани инсоф билан эзибди.

— Яна бир жумла қўшсангиз-чи, ўртоқ сержант, — деди Аброр. — Қаршидан «Икарус» ҳам келатганини айтсангиз. Менинг шундан бошқа иложим қолмагани протоколдан билинса...

— Бунисини энди ўзингиз сезасиз. Ҳали ГАИ сиздан ёзма изоҳ сўрайди.

Аброр ГАИга бориб изоҳ беришни кўз олдига келтирди-ю, юраги увишди. У ҳужжатларини сержантдан қайтариб олиш умидида эди. Шунинг учун ортиқча эътироз билан унинг гашига теккиси келмади ва протоколга қўл қўйиб берди. Кейин оқ кепкали шофёр билан Аъзам ота ҳам гувоҳ бўлишиб, протоколга имзо чекишди.

Сержант протоколни икки буклаб планшетида соли-да, бошқа кичикроқ бланка олиб, тўлдириб, Аброрга узатди:

— Буни устахонага кўрсатасиз.

— Раҳмат, ўртоқ сержант. Энди ҳужжатларни берсангиз...

— Правангиз менда қолади, буни протокол билан бирга ГАЙга топшираман. Ҷша еқдан оласиз.

Аброрнинг энг қўрққан нарсаси шу эди.

— Ахир, ўртоқ сержант, мен правасиз қандай юраман?

— Ҳозир,— деб сержант огоҳлантиришлар талонига қора қалам билан бир нарсаларни ёзиб Аброрга берди,— мана шу билан ўн беш кунгача правасиз юришингиз мумкин.

Аброр талонга ёзилган сўзларни ўқиб, руҳи баттар тушиб кетди. «Авария қилганлиги учун шофёрлик гувоҳномаси олиб қолинди», деган сўзлар кўзига балондай кўринди.

Шу пайт сержант чўнтагидан сигарета олиб ёндирди. Аброрнинг яна чеккиси келиб сигаретадан кўзини ололмай қолди. Сержант буни сазди.

— Чекасизми? — деб сигарета қутисини тутди. Аброр ўзига-ўзи қарши бораётгандай кескин қўл силтади-ю, сигаретадан битта олиб тутатди.

Биринчи тортишда тамаки тутуни оғзига алланечук нохуш туюлди. Лекин иккинчи тортишда уни бир нарса элтиб кела бошлади, қандайдир лоқайдлик пайдо бўлди, барча ташвишлар хаёлидан сал узоқлашгандай туюлди.

Бироқ машинага келиб ўтирганда, кўзлари жимир-жимир қилиб, қўллари титраётганини сазди. Ярми чекилган сигаретани ерга ташлади-ю, юзини ҳовучига олиб, бир лаҳза карахт бўлиб ўтирди.

Аъзам ота нариги эшикни очгани, машинанинг ичида ўтирган Ҳанифа хола нималар бўлганини чолдан сўраб билгани, сўнг йўлни кесиб ўтган аёлни:

— Яшшамагур! — деб қаргагани Аброрга аллақаёқлардан эшитилаётгандай бўларди.

Шу пайт вазмин ва гадир-будур бир қўл Аброрнинг пешанаси аралаш бошини секин сийпалади. Аъзам отанинг хавотирли товуш билан:

— Аброржон, бирон жойинг оғрияптими? — дегани Аброрга бехосдан болалик пайтларини эслатди. Ёшлигида касал бўлса ёки бирон мушкул аҳволга тушса, отаси унинг пешанасини худди ҳозиргидай секин ушлаб кўрар, бошини шу вазмин ва меҳрибон қўллар билан силаса, Аброр бирдан енгил тортарди. Ҳозир ҳам Аъзам отанинг:

— Қўй, ўғлим, кўп хафа бўлма, баттаридан ас-
расин! — деган сўзлари Аброрнинг сал таптини ол-
гандай бўлди.

У машинасини қўзгатди-да, юришига қулоқ солиб
кўрди. Унқир-чўнқирлардан ўтаётганда ҳилвираб
қолган орқа қанотнинг нохуш шиқирлаши эшитилиб
турарди. Аброрнинг назарида, ҳозир машина билан
бирга ўзининг ҳам аллақасри қаттиқ жароҳатланганга
ўхшар, орқадан эшитилаётган шиқирлаш — шу жа-
роҳатни тирнаб огритаётгандай туюларди.

Уйларининг олдига бориб кўч тушираётганларида,
бир маҳаллалик таниш-билишлар, қўни-қўшнилар
машинанинг урилган жойини кўришиб:

— Об-бо, аттанг-сй!

— Емон бўпти-ку! — дея бошлашди.

— Кошки топилиши осон бўлса!

Аъзам ота зинапоядан чиқаётганда:

— Пойи қадамимиз яхши келмади-да, хотин! —
деди.

Ҳанифа хола эса:

— Келган бало шунга урсин, кетадиган харажати
— садақа! — деди.

Вазира ичкарида юк жойлаштириш билан банд
бўлиб, ҳовлига тушолмаган эди. У қайнона-қайнота-
сини зинапоядан пастга тушиб қарши олди. Ҳанифа
холанинг қўлидаги оғир сумкасини юқорига
кўтаришиб чиқди. Эшикни очиб:

— Қани, марҳамат! — деди.

Аъзам отанинг кетидан Ҳанифа хола ичкарига ки-
рар экан баланд товуш билан:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! — деб қўйди.

Вазира уларни аввалгидай ораста турган катта хо-
наларига бошлаб кирди:

— Қани, энди ўтириб дам олингизлар. Кўчларни
кейин жойлаштирамиз.

Аъзам ота телевизор турган бу шинам хонанинг
ярим юмшоқ стулига ийманиброқ ўтирди.

— Қадам етди, бало етмасин, омин! — деб фотиҳа
қилди.

Вазира қоидасини келтириб:

— Хуш келибсизлар! — деди.

Аброр ичида ундан миннатдор бўлиб қўйди. Лекин
машина авария бўлганини айтишга тили бормади.

Бст-қўл ювишиб, чой ичганларидан кейин Аброр жойидан қўзгалди:

— Мен энди машинани устакхонага олиб борай.

Вазира Аброрнинг юзига хавотир билан қараб:

— Нима бўлди? — деди.— Бир кунда ўзингизни мунча олдириб қўйдингиз?

— Машина сал... лат еди. Ўзини устага кўрсатадиган вақтим ҳам бўлган эди.

Аъзам ота ўглининг жавобларини ёқтириб, унга қайишиб кўз ташлади:

— Уғлим, бугун жуда чарчадинг,— деди.— Эртаиндин олиб борарсан. Дамингни ол.

— Эртага якшанба. Устакхона ишламайди. Индин ўзим ишдан чиқолмайман.

— Майли, бора қолсин,— деди Ҳанифа хола.

— Бунинг ҳозир қирққа кириб қирчиллаган пайти. Чарчаган бўлса кейин дамани олар.

Ҳанифа холанинг ўглини унча аямаслиги Вазирага сал эриш туюлса ҳам, лекин онасининг гапи Аброрга далда беради. «Қирчиллама пайти» деган сўзлар унинг ўзига ишончини хиёл оширгандай бўлди.

Машинасини устакхонага олиб бораётганда Важа деган хушчақчақ грузин уста эсига тушди. Аброрнинг машинасига кўпинча шу йигит қарар, иш орасида қўли очиқ улфат одамларни мақтаб қўярди. Олдинда турган мушкул ишнинг тезроқ битиши учун Аброр ҳам қўли очиқ одам эканини устага кўрсатгиси ва унинг кўнглини олгиси келди. Йўл бўйидаги гастронорм снида тўхтаб, бир шиша коньяк, сир, колбаса, нон, тўрт шиша Тошкент суви олди.

Шанба куни усталар ишни эртарақ тугатишарди, Аброр машинани дарвоза олдида қолдирди-ю, ўзи портфелига ҳалиги нарсаларни жойлаб, ичхарига кирди.

Бошдан-оёқ асфальтланган ярим гектарлик катта ҳовли қатор-қатор машиналарга тўла. Баъзилари Аброрнинг машинасидан беш баттар бўлиб мажақланган. Баъзиларининг ичи бузуқ — бостирмадаги чуқурга қўйиб, «ичак-чавоғини» чиқариб ташлаган. Баъзилари одатдаги содлаш ва мойлаш билан банд.

Аброр қўнғир мўйловли Вазани белигача яланғоч бўлиб кран тагида ювинаётган жойидан топди. У артингунча Аброр сояроқ жойда кутиб турди. Важа келиб Аброр билан кўришар экан:

— Нега мунча кеч келдинг? — деди.

— Бугун ишни тугатдингми? — сўради Аброр.

— Бўлмаса энди мана бу шишаларни очамиз.

Аброр портфелини Важага очиб кўрсатди.

— О, кацо¹ сен улуг одамсан! — деб Важа Тошкент сувидан икки шишасини олди-да, бирининг темир тиқини билан иккинчисини илиб очди: — Роса чанқадим-да бугун!

— Узи бугун ҳарорат қирқ икки бўлди.

Важа бир шиша сувни бир кўтаришда ичиб тамом қилди. Коньякнинг юлдузларига қараб олиб:

— Яхши, лекин ишхонада мумкин эмас,— деди.

— Ташқаридан яхши жой топамиз. Машинанг қани?.. Уриб олдингми? Юр кўрсат.

Важа Аброр билан бирга дарвозадан ташқарига чиқиб, олча ранг «Жигули»нинг лат еган жойини кўрди.

— Қанотни ўзинг қидириб топасан,— деди Аброрга.— Ўн кунларда қилиб беришим мумкин. Истасанг олиб кириб қўй.

— Важа, наҳотки шу ишга ўн кун кетса?

— Нима, мен сенинг келишингни кутиб ишсиз ўтирганмидим? Бошқа ишим тўлиб ётипти! Ана, биттасини бошлиқ топширган. Уни битиргунимча сен қанотни топиб келасан.

— Қўл тормози бузуқ. Бошқа майда ишлари ҳам бор.

— Ҳаммасини қиламиз.

Важа идорага кириб, керакли одамлар билан гаплашди-да, Аброрнинг машинасини ичкарига киритиб қўйиш учун рухсат олди.

Қоровул чол дарвозани очди. Важа қоровулга яхши кўринадиган жойни таклаб:

— Мана шу ерга қўй,— деди Аброрга. Аброр машинани қўйиб, эшикларини беркитди. Важа қоровулга тайинлади:— Бу менинг машинам! Бошқа ҳеч кимни яқинига келтирма!

Кейин у Аброрнинг қўлидан портфелини олди-да, битта шеригини чақириб, ўшанга тутқазди.

¹ Кацо — ўртоқ.

Учовлари устахонадан чиқиб, ариқ бўйидаги толларнинг соясига келишди. Важанинг шериги нарироқдаги сув дўконидан иккита стакан топиб келди. Коньяк пичишар экан, Важанинг шериги ҳеч нарса эмас, газак ўрнига нуқул сигарета чекарди.

Важа коньяк ичиб, сир чайнар, Тошкент сувидан симирар, ора-орада яна коньяк хўплаб қўярди. Кайфи сал ошгандан кейин у Аброрни елкасига уриб мақтади:

— Сен ажойиб одамсан! Сен грузинга ўхшайсан! Машинани кўп ўйлама! Ҳаммаси аслидай бўлади.

— Қанот, у-буларини топиш қийин-да,— деди Аброр.

— Сен қийналсанг мен узим ердан бераман. Бўлдими? Парво қилма! Қани, ол!

Кайф билан ҳамма кўнгилсизликларни унутгиси келган Аброр бир стаканча коньяк ичди. Кейин бунинг кайфи озлик қилаётгандай бўлди-ю, Важанинг шериги тутган сигаретадан чекди.

Машинани қолдириб, трамвай бекатига пиеда борар экан, энди узоғини яқин қиладиган «Жингулис» йўқлигини жуда оғриниб ҳис қилди. Шу вақтгача машина унинг хизматини қилган бўлса энди Аброр запас қисмлар излаб топиши, бугунгидай, устанинг кўнглини олишга тиришиши, яъни машинанинг хизматини қилиши керак эди.

Шуни ўйлаганда унинг диққати баттар ошди-ю, Важанинг шеригидан иккинчи сигаретани сўраб олиб чекди. Тамаки тутуни билан бирга бутун вужудига қандайдир иродасизлик ва заифлик тарқаётгандай бўлар, ўзи ўзига жирканч кўринар, лекин яхши бўлман деб ҳадеб ўзини жилоялайвериш ундан ҳам нафратлироқ туюларди.

• • •

Машинага ўрганган одамлар эрталабу кечқурун автобус ва троллейбусларнинг тиқилинчлигига кўниколмай тажанг бўлишар, Вазиранинг назарида, пиеда бўлиб қолишларига фақат Аброр билан унинг ота-онаси сабабчидек кўринар, шунинг учун у эрига қовоқ солиб, гапига дуруст жавоб бермас эди. Аброр эса аламини тамакидан олгандай, ҳар диққат

бўлганда чўнтагидан сигарета қутиси билан гугуртни олиб, тутун бурқситишга тушар эди. Вазира тамакининг ҳидини ёмон кўрар, Аброр уйда чesка бошласа:

— Дарпардалардан ҳам тамаки ҳиди келяпти, бас қилинг шуни! — деб эрини жеркир эди. — Одам туф деб ташлаган нарсасини қайтиб оғзига олмас эди-ку! Сиз чекишни ташлаб, яна қандай оғизга олдингиз? Сизда лафз борми, йўқми?

Аброр хотинининг ҳақлигини сезса ҳам, гаши келиб:

— Менга мунча ақл ўргатасиз! — дерди. — Узим биламан! Керак бўлганда чesкаман, керак бўлмаганда ташлайман. Сизга нима?!

Икковининг гижиллашишларини Ҳанифа хола билан Аъзам ота эшитмасин учун Вазира индамай ошхонага чиқиб кетади. Агар у эрининг камчилигини кўрсатаётганини Ҳанифа хола эшитиб қолса, дарров буни ўзига олади, «келиним ўғлимга қўшиб мени ҳам ёмонга чиқармоқчи», деб ўйлайди-ю, хафа бўлади... Ҳовлида бирга турганда шунақа майда-чуйда гаплардан бошланган дилсийҳликлар Вазиранинг жонига теккан эди. Шунинг учун энди бу квартирада қайнонасидан жуда эҳтиёт бўлиб юрар эди.

Эр-хотин эрталаб ишга вақтида ётиб бориш учун илгаригидан бир соат-қирқ минут олдин чиқишарди. Саратон жазирамаси эрталабдан аъзойи баданни қиздиришга тушар, кун қисмга келганда ҳарорат сояда қирқ икки-қирқ учга чиқиб кетарди.

Очиқ эшик ва деразалардан салқин ҳаво ўрнига қирқ уч градуслик ҳовур кириб турганда одам тез толиқади, кун кеч бўлишини зориқиб кутади. Кечқурунлари ҳам шаҳар дим, бензин газларига тўйинган ҳавода нафас олиш оғир. Вазира ишдан чиқиб ойисидан хабар олиш учун касалхонага шошилади. Аброр эса гоҳ машинасини тузатаётган устанинг олдига, гоҳ ГАИга ҳужжатини қайтариб олиш учун қатнайди. Иккови ҳам уйга хуфтонкеч чарчаб, бўшашиб қайтишади. Кундузги чанқоқликлар кечаси ҳам дивом этарди. Аброр ярим кечада оғзи қақраб уйғонади-ю, чойнакдаги совуқ чойдан ичиб ётади.

Эрталабдан яна устахонага шошилади.

Қирқ даражали иссиқларда стол устига энгашиб лойиҳа чизиш ҳар қанча қийин бўлса ҳам, лекин

майда-чуйда ташвишлардан афзалроқ туюлади. Тошкентнинг тарихига кирадиган улкан майдоннинг лойиҳаси унинг ҳастига салмоқли бир мазмун бераётгандай бўлади, ҳаёллари бир нуқтага тўпланиб, руҳни сал кўтарadi. Сатҳи минглаб квадрат метр жойни эгаллайдиган улкан майдоннинг ҳар бир қаричи, ҳар бир сантиметри, ҳатто ҳар бир миллиметрида нималар бўлиши, ҳар бир тўп гул қасрга, қандай ўрнатилиши лойиҳада беҳато чизиб кўрсатилиши керак. Фақат ер устидаги нарсаларгина эмас, ер остидаги қувурлар бир-бирига халақит бермай ўтишини таъминлаш ҳам уларнинг зиммасида. Майдонга экиладиган барча дарахтлар, гул ва кўкатлар ер ости қувурлари ёрдамида луркалиб суғориладиган бўлгани учун, уларнинг ҳар бирига қувурни қай тартибда олиб бориш ва ердан қанчасини чиқариб қўйиш муаммосини ҳам улар ҳал қилиши лозим.

Аброр бу ишларнинг айрим бўлаklarини ходимларига тақсимлаб берган, ўзи эса ҳаммасини бир-бирига қўшиб, яхлит лойиҳага айлантириб боради.

Энди бу катта ишнинг орасида гоҳ ремонт устанонасига, гоҳ ГАИга бориши кераклиги жуда эҳтиссини қотирар эди. Агар иш соатларида бормаса, керакли одамларни топиб бўлмайди. Аброр пулни аямай, таксида бориб келишга интилади. Лекин иссиқ қирқдан ошган пайтларда бўш такси топиш ҳам амримаҳол бўлиб кетади.

ГАИда унга ўхшаб ҳужжатини олдирган шофёрлар кўп, ҳаммаси ҳар хил эшиклар олдида хомуш қиёфа билан навбат кутишади. Аброр кириши керак бўлган милиция капитанининг эшиги олдида ҳам анча одам навбат кутиб турибди. Капитаннинг ўзи эса ҳали тушликдан қайтган эмас.

Аброр ярим соатча кутгач, диққинафас бўлиб, шимининг чўнтагидан сигарета қутисини олди. «Ургут» деб аталган шу филтрли сигарета диққинафаслик заҳрини ўз тутуни билан унинг ичидан олиб чиқиб кетадигандек, хумори ортиб чека бошлади.

Капитан хелиб, то навбатдагиларни қабул қилиб бўлгунча яна бир соатдан ортиқ вақт ўтди. Нарёқда иши қолиб кетаётгани ва жавоб сўрамай чиққани учун ич-этини еб ўтирган Аброр бу орада зинапоя олдида бориб яна икки марта сигарета чекиб келди.

Ёзди оқ форма кийган, оқ фуражкеси стол устида турган капитан Аброрни ҳаммадан кейин қабул қилди. Унинг делосидаги ёзма изоҳни ва протоколни кўриб чиқди-да:

— Домла, ўзингиз тушунган одамга ўхшайсиз,— деди.— Негга тор жойда обгон қиласиз? Тўғри, бу ерда обгонни тақиқлайдиган белги йўқ. Лекин ақл-фаросат билан ўзингиз бир ўйланг!..

Аброр ўшанда ўзидан ҳам ўтганини эслади-ю, мулзам бўлиб жавоб тополмай қолди. Бундан икки-уч ҳафта олдин ҳарбий формадаги майор Алибекни гап билан боплаганда ич-ичидан мамнун бўлган Аброр энди милиция формасидаги бу капитаннинг қарши-сида ўзини худди қайнисидек гуноҳкор сезди.

— Ўртоқ капитан, мен шу кунларда жуда тавбамга таяндим. Унутилмайдиган сабоқ бўлди.

Капитан бу гапларнинг самимийлигини сезиб юмшади:

— Ҳурматли одам экансиз, шунинг учун биринчи гап унча қаттиқ жазо бермаймиз. Лекин бундан буён эҳтиётни унутмаслигингиз учун талонингизга битта белги қўйиб бераман.

Капитан столининг тортмасидан йилтироқ бир темирни олди-да, талонни унинг орасига қўйиб ширқ этказди. Талонда бекитиб бўлмайдиган тешикча пайдо бўлди.

— Аввал тешилган жойи ҳам бор экан,— деди капитан.— Лекин бу ёғи бир йилгача талонингиз яна тешилса, дравангизни олиб қўямиз. Ана шу эсингизда бўлсин!

— Хўп, ўртоқ капитан. Раҳмат сизга!

Капитан талонини тешиб берган одамлардан камдан-кам раҳмат эшитарди. Шунинг учун Аброрга қараб беихтиёр жилмайди-ю, қўл бериб хайрлашди.

Бир ташвишдан қутулиб снгил тортган Аброр кўчага чиққанда қуноғанидан сигарета чекди.

Соат тўрт бўлиб бормоқда эди. У битта таксини топиб ишхонасига стиб борди ва шоша-пиша учинчи қаватга кўтарилди.

Зинапоядан бурилаётганда юқоридан бир аёл уни чақирди:

— Сизни Ғайрат Яминович сўраяптилар. Кабинетларига чиқар экансиз.

Яминовнинг ўтган мажлисда интизом тўғрисида гапирганлари Аброрнинг эсига тушди. Кўнгли хира тортиб, юқорига кўтарилди-ю, Яминовнинг кабинетига истар-истамас кириб борди.

Кабинетнинг тўрида ўзини вентиляторнинг шомолига тутиб ўтирган Ғайрат Яминов Аброрни тикка тургизиб қўйиб:

— Ўртоқ Аъзамов, иш пайтида қасрларда юриб-сиз? — деди.— Сайфулла Раҳмонович давлат интизоми тўғрисида нималар дегани эсингизда йўқми?

— Бор. Мен ҳам ҳозир давлат идораларидан бирига бориб келяпман.

— Қайси давлат идорасига нима иш билан бордингиз? Шу тўғрида дирекцияга сзма изоҳ езиб беринг. Сиз иш вақтида нуқул шахсий юмушлар билан чиқиб кетасиз. Мени билмайди дейсизми? Машиналик аварияга тушган бўлса, бунинг учун институт айбдорми? Ёзма изоҳни шу бугун келтириб беринг. Дирекцияда муҳокама қилиб, партбюрога оширамиз. Сиз партия аъзосисиз. Партбюро ҳам билиб қўйсин!

— Нимани билиб қўйсин! Сизнинг мендан қасд олмоқчи бўлаётганингизними? Ушандаги танқидларнинг аламини олиш учун пайт пойлаб юрганингизни билиб қўйишсинми? Бўпти! Ҳозир мен ўзим партбюрога бориб ҳаммасини айтиб бераман!

Аброр шартта бурилиб кабинетдан шиддат билан чиқиб кетди. Партбюро секретари тўртинчи қаватда бўлар эди. Лекин Аброр уни хонасидан тополмади. Бу ишни орқага сурса, Яминов ҳаво бойлаб, ғалвани каттароқ қилиб юбориши мумкин эди. Аброр шуни ўйлади-ю, йўлакнинг охирига бориб, ишлаб чиқариш масалалари билан шугулланадиган бюро аъзоси Дмитрий Адамянининг хонасига кирди. Қўлида ручка тутган ҳолда қандайдир қоғозни ўқиб ўтирган Адамян:

— А-а, Аброр, сен менга керак эдинг! — деди-да, ўтирган кўйича бўш стулни кўрсатди.

Адамян ўттиз яшар йчгит бўлса ҳам, соқол-мўйлов қўйгани учун ёши катта кўринарди. Калта қўнғир соқоли икки жагининг устидан энгагигача чиройли таралаб қўйилган. Сарғиш қўнғир мўйлов икки лабининг четини айланиб ўтиб, пастга осилиброқ турбди.

— Дима, аввал сен менинг арзимни эшитоласанми? — деди Аброр.

Адамян Аброрнинг таъби тирриқ эканини сезди-ю:

— Яна бирон кўнгилсизлик бўлдимиз? — деди. У Аброрнинг ҳамма ташвишларидан хабардор эди.

Аброр ҳозир Яминов билан бўлган гапларни ва уларнинг сабабларини бир-бир айтиб берди.

— Биласан, кейинги вақтда менинг шахсий ташвишларим кўпайиб кетди. Лекин кундуз қилишга улгурмаган ишларимни кечаси уйга олиб кетиб қилилмай. Лойиҳани дирекция тузган графикка биноан чизяпман, ҳалигача графикни бузганимиз йўқ. Вақтида топшироқчимиз. Энг муҳими шу эмасми?

— Тўғри-ю, лекин интизом ҳам муҳим-да, Аброр,— деди Адамян. Ҳаво исиб кетгандан бери иш жойида ўтиргиси келмай, соя-салқин жой қидириб қолганлар ҳам бор.

— Мени ҳам ўшанақалардан бири демоқчимисан?

— Йўқ, албатта! Сенинг йўригинг бошқа. Отангни кўчиришинг, қайнингга қарашишинг— буни фақат шахсий деб ҳисоблаш ҳам тўғри эмас. Чунки отангни кўчиришга мана шу ерда ўзимиз чизаётган лойиҳалар ҳам сабаб бўлган. Қайнингни тўғри йўлга солиш учун қилган ҳаракатларинг... Ҳаммасини биламан... Буни шахсий иш деб бўладими? Мен буни секретаримизга айтаман. Керак бўлса у билан икковимиз Яминовнинг олдига кирамиз, ҳаммасини тушунтирамиз.

— Демак, менинг изоҳ ёзиб ўтиришим шарт эмас?

— Сенга унақа изоҳлардан муҳимроқ бир топшириқ бор. Сен Тошкентдаги ханаллару ариқларнинг тақдирига қизиқиб юрардинг-а, тўғрими?

— Ҳозир ҳам жуда қизиқаман,— деди Аброр.

Адамян столининг тортмасидан катта жидда бўлаб солинган қоғози қизғиш лойиҳани олди. Лойиҳанинг устида машинкада босилган каттагина қўлёзма, турли схемалар ва тушунтириш хатлари бор эди. Адамян қўлёзмани варақлар экан:

— Тошкентнинг ирригация системасини қайта қуриш муаммоси мана шу ерда батафсил ёзилган,— деди.— Шаҳар янгидан қурилаётган сабабли эски ирригация системасининг ярмидан кўпи ишдан чиқиб

қолипти. Ҳабиб кўрасан. Бундан ўн йил олдин Тошкент ҳозиргидан икки баробар кичик эди, ўшанда бутун шаҳарни сугориш учун секундига олтмиш уч кубметр сув кетар экан. Ҳозир шаҳар аҳолиси қарийб икки баробар кўпайди, майдони ҳам ўн йил олдингига нисбатан беқиёс даражада улканлашди. Лекин бутун шаҳарни сугориш учун ҳозир секундига фақат йигирма уч кубметр сув олиняпти. Тушунасанми? Аввалгисидан қарийб уч барабар оз! Ҳолбуки, шаҳарнинг сувга эҳтиёжи аввалгига нисбатан икки барабар ошган, секундига тўқсон-юз кубметр сув талаб қилинади. Аммо бунча сувни жой-жойига етказиб берадиган ариқлар йўқ. Эскилари бузилган. Янгиларини қуриб улгурмаяпмиз. Тушунасанми?

— Аҳвол биз ўйлагандан ҳам жиддий-ку,— деди Аброр.

— Шунинг учун ҳозир Тошкентда махсус сув хўжалик бошқармаси тузилди. Сув хўжалик министрилиги бу бошқарманинг ихтиерига жуда катта маблағ, техника, ишчи кучи берибди.

— Энди ишлар анча тезлашса керак.

— Ҳа, суръат аввалгидан икки барабар ошиши мумкин. Ҳали мана бу материаллар билан танишганингда кўрасан. Ишнинг сифати қанақа бўлади? Шаҳарда аригу каналлар ҳам меъморчилик санъатининг намузалари тарзида қурилиши керак. Шошма-шошарлик билан хом лойиҳалар чизиб, шаҳар архитектурасини кўримсиз қилиб қўймайлик тагин. Архитекторлар союзи мана бу лойиҳаларни, шу нуқтан назардан муҳокама қилмоқчи экан. Сен ҳам шу муҳокамага қатнашининг керак. Мана, олиб яхшилаб ўрганиб чиқ.

Аброрнинг иши бошидан ошиб ётган бўлса ҳам, Адамян берган катта жилди мароқ билан қўлига олди. Лойиҳани ким чизганлигига қизиқиб, бланкаларнинг тепасидаги рангдор сзуваларга, сўнгра схемаларнинг бир бурчагига инженерча майда ҳарфлар билан битилган фамилияларга кўз югуртирди. Бу фамилияларнинг орасида «Ш. Баҳромов» дегани танишдек туюлди. Аброр Шерзоднинг имзосини билар эди. Шерзод «Тасдиқлайман» деган сўз ёнига мутасадди бошлиқлардан бири сифатида имзо қўйганди. Лойиҳа эса қишлоқ ва чўл шароитлари учун катта-кичик

каналларнинг лойиҳасини чизиб ўрганган ирригаторлар томонидан чизилган эди.

— Дима, ўзинг танишиб чиқдингми?.. Қалай?

— Сенинг фикрингга таъсир қилмаслик учун ҳозирча айтмай турганим маъқулмикин?

— Бўпти. Муҳокама қачон?

— Келгуси жумада.

— Вақт оз экан-да. Кечалари ўқишга тўғри келади.

Аброр жидни кўтариб чиқиб кетди. Кечқурун ишдан кейин одам тирбанд автобусга тушиб уйга қайтаётганда унинг катта чарм портфелини шу жиднинг ичидаги қоғозлар ҳам анча шишириб, огирлаштириб турарди.

* * *

Тўққиз қаватли бинонинг пастиди биринчи ва иккинчи қаватнинг қўшилишидан ҳосил бўлган шифти баланд кўргазмалар зали бор. Унга кираверишдаги деворни Тошкент марказининг каттакон макети эгаллаган. Бошқа деворларига сирланган ёғочдан панель қилинган. Ўртада лойиҳа ва суратлар осиладиган панеллар бор. Улар деразадан тушган офтоб нурини тўсиб, зал тўрини соя-салқин қилиб туради. Қалли ойналар қўйилган деразалардан шаҳар марказининг шовқини эшитилиб турса ҳам, залнинг кенглиги ва баландлиги туфайли унинг тўрт томони салқин ва осуда туюлади.

Бу ерда соянинг қуюқлигидан бурчакдаги кундузги сруглик берувчи чироқ сқиб қўйилган эди.

Адамаян қўлига кичкина темир кўрсаткични олиб, чироқ қаршисига осиб қўйилган каттакон лойиҳа ёнига келди.

— Ўртоқлар, гап Қорасув, Салор, Кайковус каби сув иншоотларининг Тошкент шаҳридан — марказий районлардан ўтадиган қисмини қайта қуриш ҳақида боряпти. Бу ерда мақсад — экин сугориш эмас, шаҳарни гўзал қилиш, тошкентликларнинг яхши дам олишлари учун шароит яратиш. Мана шу мақсадга биноан, катта каналларнинг шаҳардан ўтадиган ўзанлари, лавало, гўзаллик қонунларига биноан юксак эстетик дид билан қурилиши керак.

Раислик қилувчининг ўнг ёнида Шерзод Баҳромов қалам билан ниманидир езиб ўтирган эди. У қаламини қоғоз устига зарда билан отиб ташлади-да:

— Ўртоқ Адамян, гўзаллик қонунлари жуда мавҳум, биз аниқ иқтисодий қонуниятларга асосланиб иш олиб борамиз!— деди.

— Ундай бўлса, айтинг-чи, Тошкентни сугоришу кўкламлаштириш бизга қанча даромад беради?— кулимсираб сўради Дмитрий.— Бунинг иқтисодий самарасини қанақа қилиб пулга чақасиз! Ўртоқ Баҳромов гўзаллик қонунларини мавҳум деб атади. Лекин бу қонунларнинг шу лойиҳага тадбиқ этиш мумкин бўлган жуда аниқ томонлари ҳам бор.

— Масалан?— сўради Шерзод стул суянчигига елкасини тираб.

— Мана, қаранг,— деб Дмитрий лойиҳадаги каналнинг қирғоқларини кўрсатди,— нега бу қирғоқлар тайпоқ бўлиши керак? Мирзачўлда ва Қарши даштида канал қирғоғини тайпоқ қилиб қуриш ўринли. Чунки бу— қурувчиларга маълум бир сингилликлар беради. Бетон тезроқ қотади, сув камроқ буғланиб оқади. Бундай канални тозалаш осонроқ бўлади. Бироқ Тошкент шароитида микроклимнинг аҳамияти катта. Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихи давомида синовдан ўтган ажойиб анъаналари бор. Мен Тошкентда тугилиб ўсганман. Яхши анъаналарнинг одамга қанчалик қўл келишини болалик пайтларимдан бери биламан. Ҳамма катта ариқларнинг қирғоғида доим тол, терак, тут, яна бошқа дарахтлар ўсиб ётарди. Майса ўтлар қирғоқдан пастга осилиб тушиб, ариқдан оқётган сув билан ўйнашади. Бундай тирик қирғоқ одамни ўзига тортади. Иқлимимиз иссиқ. Сувнинг салқини уриб турган қирғоқда дарахт соясида одам тез ҳордиқ чиқаради. Энди бунинг ўрнига лойиҳадаги бетон қирғоқни қўйиб кўринг. Бу бетонда дарахт ўсмайди. Ўлик қирғоқ. Яна тагин муаллифларнинг таклифига биноан, қирғоқ бўйлаб эни тўрт метр келадиган йўл ўтиши керак. «Инспекторлик йўли» деб аталадиган бу чизик Қорасувга ўхшаш катта ариқларнинг икки қирғоғидан тўрт метрдан жойни эгаллайди. Демак, сувга яқин келиб дам олиш мутлақо мумкин бўлмай қолади. Бетон қирғоқ хунук бўлишининг устига қуп-қуруқ чўл бўлиб ётади.

Аброрнинг қаршисида ўтирган ўрта яшар аёл раислик қилувчига қараб қўлининг учини кўтарди.

— Мумкинми?

Раислик қилувчи маъқуллаб бош иргади-да:

— Сўз лойиҳачи-инженер Клара Назаровна Надеждинага, — деди.

Клара Назаровна хинага бўялганлиги биллиниб турган қизғиш сочини пешанасидан қулоқ орқасига ўтказар экан, баланд ва ингичка товуш билан:

— Дмитрий Адамяннинг гапи мени жуда таажжублантирди, — деди. — Йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида яшаётган одамнинг: «Оҳ, тирик қирғоқлар, оҳ, ариқ суви билан ўйнашган майсалар», деб ўтган аср кишиларига ўхшаб сентиментал гаплар айтиши чиндан ҳам таажжубланарли. Ҳозир ҳамма жойда одамлар қўл меҳнатидан воз кечяпти. Биз бугун лойиҳалаштираётган аригу каналларни қурадиган, кейин тозалаб турадиган янги авлод эскича иш усуллари тан олмайди. Улар бугун ақлли механизмларнинг кабинасида ўтириб ишлашга ўрганган. Бизнинг лойиҳамиз ана ўша замонавий кишиларнинг талабига жавоб бериши керак. «Оҳ, гўзал ариқчалар, оҳ, гулчалар, булбулчалар!» дейдиган замонлар энди ўтди. Биз илмий-техникавий революция даврида яшаймиз. Бу лойиҳа ана шунни кўзда тутиб чизилган...

Клара Назаровна жойига келиб ўтирди. Шерзоднинг чеҳраси очилиб кетди. Аброр эса чўнтагидан сигарета қутисини олди, лекин қаршисида ўтирган аёл кишининг олдида тамаки тутатишдан ибод қилиб, иккиланди. Клара Назаровнага юзланди, сигарета қутисини кўрсатди-да, паст товуш билан:

— Чексак қарши эмасмисиз? — деди.

Клара Назаровна буни бошқача тушунди шекилли, қўл чўзиб, Аброрнинг сигаретасидан битта олди ва лабига қистирди. Аброр гугурт чақиб, аввал унга тутди-да, сўнг ўзининг сигаретасини ёндирди. Шерзод унинг хумори ортиб тутун ютишидан ҳаяжонланаётганини ва ҳозир гапирмоқчи эканини сизди.

Ҳар қалай, бошқармада Шерзод Аброрга ён босганини унутмаган бўлса керак. Надеждина Адамяннинг гапини киноялар билан чиппакка чиқаргандан сўнг Аброрнинг бу аёлга гугурт чақиб тутишлари Шерзодга бежиз эмасдек туюлди. Шу орада сўзга

чиққан бир қурувчи ҳам кўпроқ Надеждинанинг сўзларини еқлади. Ниҳоят, Аброрга навбат келди.

— Мен ҳам лойиҳа чизиб юрган одамман, бу ердаги авторларнинг аҳволини тушуниб турибман,— деб, Аброр кулимсираб гап бошлади.— Қурувчилар, «техникани ишлатишга қулай қилиб чиз!» деб бир томонга тортади. Эксплуатациячилар, «фойдаланиш осон бўладиган қилиб чиз!» деб иккинчи томонга тортади. Жамоатчилик, «санъат асари ярат, юксак дидларга жавоб берадиган бўлсин», деган талабни қўяди. Пул сарфлайдиган ташкилотлар, «қимматга тушмасин, иқтисодий томонини ўйлаб чиз», дейди. Ишнинг тез битишидан манфаатдор ташкилотлар, «лойиҳани мураккаблаштирмасдан, тез битадиган қилиб чиз!» дейди. Бундай ўйлаб қарасангиз, ҳаммаси ҳам ўзининг талабини қўйишга ҳақли. Бу талаблар лойиҳачининг қаршисида саф бўлиб туради. Биласиз, ипни битта игнанинг тешигидан ўтказиш унча қийин эмас. Лекин битта ипни қатор турган беш-олтита игнанинг тешигидан бирваракайига ўтказишни тасаввур қилинг. Бу жуда қийин-а? Биз ҳам ҳар гал мана шу қийинчиликни енгиб ўтганимиздагина барча ҳақли талабларга жавоб беришимиз мумкин.

Аброр қарама-қарши нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш учун Надеждинанинг техникага онд баъзи гапларини маъқуллади:

— Мен аминманки, Дмитрий Адамян ҳам замонавий техника тарафдори. Гап фақат техникани табиатга қарши қўймаслик ҳақида боряпти. Техникадан фойдаланиб, ариқларни тезроқ қурайлик. Лекин ариқларнинг бўйидаги табиий гўзалликлардан ҳам маҳрум бўлиб қолмайлик. Уртоқ Надеждина, «ариқчалар, гулчалар, булбулчалар», деб киноя қилди. Эскича оҳ-воҳлар, албатта, қулоққа чучмал эшитилади. Лекин бугун табиатга янгича бир муносабат пайдо бўляпти, табиий гўзалликнинг қадри ошяпти, биз шунини ҳисобга олишимиз керак. Урбанизация жуда кучайиб кетди. Қаёққа қараманг, темир, бетон, асфальт, шиша! Беҳисоб машиналарнинг дули кўчаларни тўлдирган. Лекин одамнинг ўзи ҳам ўша гулчалар, булбулчаларга ўхшаш тирик табиат зарралари. Урбанизация кучайган сари тоза ҳавога, табиат бағрига қараб талпинамиз. Шунинг

учун табиатни муҳофаза қилиш ҳозир одамни ҳимоя қилиш билан баробар бўлиб қолди.

Клара Назаровна икки бармоғи орасига чиройли қилиб қистирган ёниқ сигаретининг кулини чинни кулдонга қоқиб туширди-да, луқма ташлади:

— Мен тушунмаяпман, табиат муҳофазасининг Тошкент ариқларига нима алоқаси бор? Ёки ўртоқ Аъзамов ариқлар масаласини Байкал муаммоси билан тенглаштираётқимилар?

Кўзойнакли ирригатор бу кинояни маъқуллаб қулиб қўйди. Аброр ҳам истеҳзоли кулимсираб:

— Хайрият, ўртоқ Надеждина Байкал муаммосини билар эканлар, — деди. — Байкални тоғлардан келадиган зилол сувларсиз тасаввур этиб бўладими? Йўқ! Тошкентнинг Бўзсувини, Салорини, Кайковусини, Қорасувини, бошқа катта ариқларни Чотқолдан, Олойдан оқиб келадиган сувларсиз тасаввур қилиб кўринг! Бу ариқлардан бизга фақат сув эмас, балки гўзал табиат оқиб келади. Ариқлар шаҳримизга қон томиридай тарқаб кетган. Одамлар буни қадим замонлардан бери биледи. Илгари биров ҳовли олмоқчи бўлса, «ичидан ўтадиган оқар суви борми?» деб сўрар экан. Агар ҳовлидан сув оқиб ўтмаса, уни ҳеч ким олмас экан. Чунки эски катак ҳовлиларда, тор кўчаларда яшаган одамлар ҳеч бўлмаса мана шу ариқ суви орқали табиат билан боғланиб туришни истаган. Катта ариқларнинг бўйидан жой олиш-ку, жуда бахти кулган кишиларгагина насиб бўлган. Шу тарзда бизнинг одамлар доим сувга яқин бўлишга интилган. Чунки сув бизнинг шароитимизда ҳаётнинг табиий бир асоси бўлиб қолган. Томири намга тегиб турган дарахт қуримайди. Шаҳар кишисининг «томири» ҳам обод каналу ариқлар орқали табиатга тегиб турмаса жуда биқсиб кетади.

— Хўш, сизнинг таклифингиз нима? — сабрсизланиб сўради Надеждина.

Дмитрий Адамян унга зарда қилиб деди:

— Ўртоқ Надеждина, сиз гапирганда Аъзамов жим ўтириб эшитган эди. Энди сиз ҳам сабр қилиб қулоқ солинг!

— Тўғри, луқма ташлаш бас! — деди раислик қилувчи ҳам.

— Лойиҳадаги «инспекторлик йўли» кўп жиҳатдан Тошкент шароитига тўғри келмайди, — деб

давом этди Аброр.— Эни тўрт метрли йўл ўн километр узунликда бўлса, тўрт минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Ҳолбуки, шаҳарда ҳар бир квадрат метр майдон ҳисобли. Ерни тежаб сарфлаш ҳақида қаттиқ кўрсатмалар бор, буни, айниқса, Шерзод Исмолович яхши биладилар.

— Буни ҳамма биледи,— деди Шерзод.

— Ҳамма билса, «инспекторлик йўли» учун нега минглаб квадрат метр майдон исроф қилиниши керак? Ахир бу ер қуруқ ётган чўл эмас-ку! Қорасув, Кайковус бўйларида уйлар, ҳовлилар ипга тизилган маржондай тигиз турибди. Шунинг ҳаммасини бузиб, ўрнига «инспекторлик йўли» қуриш... куракда турмайдиган гап!

— Ариқ тозалайдиган техника учун йўл керакми, йўқми?— сўради Шерзод.

— Ариқ тозалайдиган техникани пиёдарав йўлкалардан олиб ўтиш мумкин. Техника фақат ариқ бўйлаб юриши шарт эмас. Ариққа кўндаланг қилиб қурилган йўлқадан келиши мумкин. Мен таклиф қилардимки, Бўзсув, Қорасув, Салор, Кайковус каби катта ариқларнинг бўйида фақат пиёда сайр қилинадиган йўлкалар, хиёбонлар лойиҳалаштирилсин. Бу хиёбонларнинг баъзилари машина қатнайдиغان шоссега айланиб кетмасин учун баланд-паст жойларига зинапоялар қуриш керак. Чунки зинапоядан одам юради, машина юролмайди.

— Машинага шу даражада қаршимисиз?— ўсмоқчилаб сўради Надеждина.

— Гапни бурманг, Клара Назаровна. Мен фақат одамлар дам оладиган оромгоҳлар машина қатнайдиغان йўлга айланишига қаршиман, холос. Машинани ҳам инсон яратади, ўзига хизмат қилдиради. Ҳозир шундай кишилар пайдо бўлганки, одамни машинадан паст қўяди. Одамлар қийналса ҳам, машина қийналмасин, дейди. Яна буни илгорлик намунаси деб ўйлашади. Аслида, машинани бу даражада фетиш¹га айлантиришнинг ўзи— бориб турган қолоқликдир!

— Жуда тўғри!— деб муҳокама раиси Аброрга қўшилди:— «Ақлли» машиналар жуда кўп, уларни

¹ Фетиш — кўр-кўрона улуғланган ва сизиниш даражасини тказилган нарса.

ҳар бир жойнинг шароитига мослаб такомиллаштириш мумкин. Ариқ қазийдиган, картошка ковлайдиган, кўчат ўтқазадиган мосламалар бор. Шаҳардаги ариқларни тозалайдиган мосламалар яшаш нега мумкин эмас? Ариқ ичида машина ишлаб, уни тозалаб турса, «инспектор йўли»нинг нима кераги бор? Шаҳардаги каналу ариқларнинг архитектураси эстетика талабларига албатта жавоб бериши шарт. Шунинг учун уларни худди дала-даштдаги каби тайпоқ қилиб қурмаслик керак. Бу жиҳатдан мен Дмитрий Адамьяннинг фикрига қўшиламан. Қимматга тушса ҳам, безак материаллар ишлатиш керак. Бундан ташқари, ариқларнинг ҳаммасини бошдан-оёқ бетон билан қоплаб ташлаш керак эмас. Цемент, бетон, темир конструкциялар кўчага ташлаб қўйилгани йўқ. Булар ҳаммаси пулга келади, камёб моллар ҳисобланади. Бетонни ҳам тежаш керак. Шунинг учун ариқларнинг фақат бузилиб, ҳилвираб қолган, сув уриб кетиши мумкин бўлган жойлари бетонлаштирилса бас. Ариқларнинг яхши сақланган қисмлари бор. Кўп йиллар давомида оқим тагини шиббалаб, маҳкам қилиб юборган. Қирғоқларида дарахтлар ўсиб, томирлари билан тупроқни маҳкам тутиб турибди. Ариқларнинг бундай жойини ораста қилиб, декоратив буталар экиб, баъзи жойига чим босиб, майса ўстириб шинам қилиб қўйилса бўлди. Бетонлаштиришдан кўра бу бир неча марта арзонга тушади. Ана сизга иқтисодий самара!.. Тошкентдаги сугориш системаси ободончиликка, аҳолининг дам олишига, инсоннинг роҳат-фароғатига хизмат қилиши керак. Шунинг учун бу ерда ўртоқ Аъзамов айтган табиий муҳофазасига, табиий гўзалликларга алоҳида эътибор бермасак бўлмайди. Хуллас, муҳокамага қўйилган лойиҳани тубдан қайта ишлаб чиқиш керак. Канал деворларининг тайпоқлиги, четларида дарахт ўсишига имкон йўқлиги, «инспектор йўли» — ҳаммаси Тошкентдай пойтахт шаҳарда тўғри келмайди. Биз бугунги муҳокаманинг протоколини Архитекторлар уюшмасининг раҳбарларига берамиз, токи лойиҳа бу аҳволда тасдиқдан ўтказилмасин.

— Лойиҳани тасдиқлашга уюшмангизнинг ҳаққи йўқ! — деди Шерзод норозилигини яширолмай. — Сизлар фақат маслаҳат беришларингиз мумкин. Бу

лойиҳага вазирлик пул ажратган. Тасдиғи ҳам ўша ерда бўлади!

— Кечирасиз, ўртоқ Баҳромов,— деди раислик қилувчи истеҳзо билан.— Вазирлигингиз буни архитектура бoshқармасининг тасдиғига юборади. Тошкентда қуриладиган ҳар бир иншоот ўша бoshқарманинг рухсатисиз қурилмайди. Бизнинг фикримизга қўшилмасаларингиз, бoshқармага айтамыз.

— Майли, айтинг, биз қўрқмаймыз!

Раислик қилиб ўтирган кекса архитектор протокол ёзаётган котиба қизга юзланди:

— Баҳромовнинг бу жавобини ҳам ёзиб қўйинг. Танқидга муносабат қанақа бўлганлиги билишиб турсин.

— Мен боя айтдим, асосли танқидий фикрларни ҳисобга оламиз. Лекин «ур калтак» ишлатганларнинг гапини рад этамыз!..

— Бу ерда ҳеч ким «ур калтак» ишлатгани йўқ!— деди Дмитрий Адамян.

Шерзод яна бир нарса деб эътироз қилмоқчи эди, раис:

— Ўртоқлар, баҳс тамом, муҳокама тугади,— деди.

Ўринларидан туриб, эшикка яқин бораётганларида Шерзод билан Аброр ёнма-ён келиб қолишди. Шерзод Аброрга, «одамгарчилик шунақа бўладими?» дегандай нафрат билан қаради. Сўнг унга йўл бермай, эшикдан тез чиқиб кетди.

ЎНИНЧИ БОБ

Ҳовлига ўрганган Ҳанифа хола Аброрларнинг квартирасида кўп ўтиролмайди, чарм кавуши билан бетон зинапояларни тақир-туқур босиб, учинчи қаватдан пастга тушади.

Ҳовлида— сариқ ранга бўялган ёғоч девор ортида қурилаётган кооператив уйнинг биринчи қавати битган, ҳозир иккинчи-учинчи қаватига гишт теришяпти. Ҳанифа хола йўлканинг сояроқ жойида туриб, пешанасига қўлини соябон қилади-да, уларнинг ишини боладай узоқ томоша қилади.

Йўлкадан одам кўп ўтади. Атрофдаги уйларнинг дсразалари очиқ, гоҳ унисида, гоҳ бунисида биров

кўриниб қолади. Ҳанифа хола йўлка четида ёлғиз сўппайиб туришдан тортина бошлади. Секин юриб, кўча томондаги озиқ-овқат магазинига борди. Ҳеч нарса олмоқчи бўлмаса ҳам, унинг ичига кириб бир-пас айланди. Охири яна орқасига қайтди.

Подъездлар, зинапоялар, квартиралар бир-бирига жуда ўхшаш. Ҳанифа хола баъзан адашиб бошқа подъездга кириб қолади. Учинчи қаватга чиққунча адашганини сезмайди. Худди Абзорларникидан нусха кўчирилган квартиранинг эшиги қаршисига келади, лекин унинг нимасидир бегона кўринади. Ё эшикка бошқа хил дерматин қопланган, ёки бўсагадан берига оёқ артиш учун тўшаб қўйилган ҳўл латта бошқача ёки қулфига калит солса тушмайди. Шунда Ҳанифа хола номерига қарайди. Хайрият, урушдан олдин савод чиқариш мактабида ўқиб, рақамларни билиб олган. У пайтдаги ёзувлар лотинча эди. Ҳанифа хола янги алифбедаги ёзувларни ўқий олмайдиган бўлиб қолган. Фақат рақамлар лотинчада ҳам худди ҳозиргидай бўлгани унга қўл келади. Адашиб кирган подъездедаги квартиранинг номери бутунлай бошқа эканини рақамлардан билади-да:

— Вой, сабил қолсин!— деб пастга қайтиб тушади. Йўлкадаги дарахтларга қараб-қараб, эшик олдига экилган ёшгина ўрикдан ўзларининг подъездларини топиб олади. Яна учинчи қаватга кўтарилади. Нимчасининг қўйин чўнтагига игна тугма билан маҳкамлаб қўйилган калитни олиб, эшикни очади.

Тўрт хона— ҳаммаси бўм-бўш. Абзорлар ишда. Неваралар лагердан қайтган эмас. Аъзам ота азонда участкага кетиб, хуфтонда қайтади.

Ҳанифа хола Абзорнинг кабинетига кирди. Деворларда рангдор расмлар. Китоб жавони устида Вазиранинг мойли бўёқ билан ишланган чиройли портрети. Қалин қора сочлари елкасига тушган. Ёйрик-ёйрик кўзлари одамга илиқ бир меҳр билан қарайди. Таранг юзида ва хиёл кўпчиб турган лабларида— ёшлик латофати. Бўйни, қулоқлари, пешанасига қайрилиб тушган соч толалари— ҳаммаси ниҳоятда жозибали. Бу суратни Абзор чизганини Ҳанифа хола яхши билади. Унинг хотинини жуда суйиб тасвирлагани суратга бир қарашдаёқ сезилади.

Деворнинг иккинчи томонида эса Абзорнинг рангдор сурати турибди. Ўттиз ёшлардаги жуда кўҳлик

пайти. Кўзларида олов чақнайди. Қалин ғайир сочлари қаппайиб турибди. Ёқаси очиқ ёзли кўйлақда бақувват, силлиқ бўйни яхши кўринади. Бу суратни Вазира мўйқалам билан қандай чизганини Ҳанифа хола кўрган. Ўша пайтда Аброрлар ҳали Бўзсув бўйидаги ҳовлида туришарди. Ўғли билан келини бир-бирини суйиб тасвирлагани Ҳанифа холанинг кайфи яхши пайтида кўзига илиқ кўринади. «Қўша қаришсин, бир-бирига жуда меҳрибон, юлдузи юлдузига тўгри келган», деб қўяди. Лекин ҳозиргидай, холанинг машқи пастроқ бўлса, деворнинг икки томонида туриб, худди бир-бирига муҳаббат изҳор қилаётганга ўхшаб қараётган ўғли билан келинининг суратлари унга алланечук эриш кўринади. «Бо, мунча бир-бирига сузилиб, ошиқ-маъшуқлигини кўз-кўз қилмаса!» дейди гаши келиб.

У Аброрнинг четларига ва тағларига муртигардонлар ўрнатилган чизмақашлик столи олдига борди. Қўлидаги дока билан столнинг чангини артар экан: «Архитектурлигини қилавермайдими?»— деди ичида. Бу гапга бир вақтлар Вазира шундай жавоб берган эди:

«Аяжон, ҳар бир архитектор рассом ҳам бўлиши керак, бусиз мумкин эмас. Биз кўркам биноларнинг расмини чизамиз, табиат манзараларини суратга оламиз. Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам жозибалироғи— инсон юзи. Шунинг учун биз доим одамнинг расмини чизиб машқ қиламиз».

Ҳанифа хола кулиб:

— Бўлмаса, мен билан чолимнинг расмини ҳам чизинглар,— деганда Вазира хўп деб, дарров кўнган, Аброр ҳам бир неча марта ота-онасининг суратини чизмоқчи бўлиб уриниб кўрган, лекин ҳеч нарса чиқаролмаган эди. Вақтми, қунтми, қизиқишми— нимадир етишмаганди.

Лекин, мана, бир-бирининг суратини чизишга вақт ҳам, қунт ҳам топилибди-ку.

Ҳанифа хола ҳозир буни ўйлаб туриб: «Дунё шу экан-да,— деб қўйди.— Сенинг кўнглинг болангда, болангнинг кўнгли— хотинчасида».

Ҳанифа хола деразанинг пардасини кўтариб, офтобга қаради. Кун оғибди. У пешин намозига таҳорат олиш учун ваннахонага қараб кетди. Шунда Аброр

уларни бу ерга кўчириб келгунча қанча югуриб-сеганлари, машинаси авария бўлиб, қандай азоб тортиганлари эсига тушди. «Ишқилиб, омон бўлсин, доғини кўрмайин», деган сўзларни кўнглидан ўтказди. Ўтган дам олиш кuni қайнона-келин икковлари қолганларида Вазира Ҳанифа холага ваннада чўмилишга ёрдамлашган, елкаларини мочалка билан ишқаб қўйган эди. Ўшанда кўнгли ийиб кетган Ҳанифа хола:

— Зумрад қудам сизга яхши тарбия берган-да, келин,— деган эди.— Кўч-кўч билан бўлиб, қудамдан ҳалигача хабар олганим йўғ-а! Қачон кўргани борасиз?

— Бугун кечқурун.

— Бўлмаса мен ҳам бирга борай, Вазираҳон. Сомса-помса пиширайлик.

Ўша кuni кечқурун қайнона-келин қовоқ манти ва сомса пиширишиб, кўз касалконасига бордилар. Зумрад Содиқовнани ҳовлининг соя жойига чақириб чиқиб, анча вақт суҳбатлашиб ўтирдилар.

Ҳозир Ҳанифа хола ўзининг хонасига кириб, тўрдаги кўрпача устига жойнамозни ёзар экан: «Нوشукурчилик бўлмасин, келиним ҳозир дуруст», деган гапни хаёлидан ўтказди. Боя кўнглида қўзғалган қарама-қарши туйғулар намоз ўқигандан кейин бир оз босилгандай бўлди. У бирпас очиқ дераза олдида ўтириб тикиш тикди-да, соат тўртларда кечки овқатга унади.

Ҳанифа хола пиширган қайлали мошхўрдани кечқурун Вазира билан Аброр мақтаб-мақтаб ичишди.

— Зафаржон ҳам мошхўрдани яхши кўрарди-я!— деди Ҳанифа хола.— Болаларни лагерга бекор берибсанлар-да, Аброр.

— Нега? Шаҳарда биқсиб юргунча дам олиб келишсин.

— Малика бўй етиб катта қиз бўлиб қолган. Яхшидан кўп ёмон...

— Яқинда хабар олиб келдик, мураббиялари билан гаплашдик,— деди Вазира.— Хавотирланманг, ая. Яхши юрибди.

— Кuni буйи уйда бир ўзим торс ёрқилиб кетгудай бўлиб юрганимни айтмайсизми, келин!

Вазира Аброр билан маъноли кўз уриштириб олди-да, унинг ҳам фикрини айтаётгандай бўлиб:

— Болаларнинг тўполони сизни қийнаб қўяр эди, ая,—деди.— Каникул пайтида эртадан кечгача бўш бўлишадими, буларни эплаш осонми? Биз бир чеккаси шуни ҳам ўйладик. То бу квартирага ўрганганимча болалар лагерда юрсин, сиз тинчроқ бўлинг, дедик.

— Ҳай, келинпошша, мен болани энди кўрибманми? Худога шукур, тўрттасини ўстириб катта қилдим. Сизнинг болаларингизни ҳам ўзим йўргаклаганман. Мен бола безор хотинлардан эмасман!

— Йўг-э, аяжон, сиз мени унақа тушунманг-да!

— Болаларни соғиниб турган бўлсангиз, ҳадемай келишадими,— деб Аброр орага тушди.— Унгача бошқа бирон ишингиз бўлса қилиб тулинг. Тикиш тикадиган одатларингиз бор эди.

— Қиламан десам ишдан кўпи борми? Гап келгани учун айтдим-да. Синглинг Рисолат тирноққа зор бўлиб юриб-юриб, қўчқордай ўғил туғди. Болагинамни туғруқхонада кўрганамча уйига боролмай соғиниб юрибман. Икки ой бўлди. Чақалоқчага бош-оёқ кийим тикиб қўйдим.

— Нега олиб бормайсиз?— ҳайрон бўлиб сўради Вазира:— Ё ўғлингиз машинада олиб борсинларми?

— Қайси юз билан бораман, келин? Бешик тўйи қилиб берганим йўқ. Қуда томондан уялиб юрибман!

— Об-бо, ҳали буниси ҳам бор-а!— деди Аброр ойисини тушунган маънода.

Бешик тўйининг дахмазасидан юраги безиллаган Вазира:

— Аяжон, коляска, у-бу олиб, туғилган куни билан табриклар келақолсак-чи?— деди. Бола барибир бешикда ётмаса... Бешик ўзи эжирган, кераксиз бир нарса бўлса...

— Вой, бешикни билмасдан мунча ёмонламанг, келинпошша! Шу суйган эрингизни мен бешикда катта қилганман! Ўғлингиз Зафаржон ҳам ёзда коляскада туни билан бўғриқиб ухломайдиган бўлиб қолганда, мен бешикка ўргатиб, ухлайдиган қилиб берганим эсингиздан чиқдимми?

— Беш-олти кун бешикка беласангиз майли, лекин доим бешикда ётса боланинг оёғи қийшиқ бўлиб қолади, аяжон!

— Бе-е, тўртта болани бешикда ўстирдим, ҳам-масининг оёқ-қўли ойдай! Белашни билган она бешикдан барака топади. У куни кинода кўрсатди, Кляпкада ҳам худди бизникидақа бешик бўларкан. Гуржилар, арманлар ҳам боласини бешикка белаяган экан. Мана, Аброрингиз айтсин, енимиздаги билимдон тожиклар бешикнинг таърифини Маскопдаги китобларда ёзиб чиқибди.

Вазира ҳайрон бўлиб эрига қараган эди, Аброр унга изоҳ берди:

— Китобда эмас, «Здоровье» журналида бешикнинг халқ томонидан ихтиро қилинган қулайликларини тожик олими махсус тадқиқ қилиб ёзибди, Гаврапўш, сумак, қовузлоқ ҳақиқатдан яхши ўйлаб топилган.

— Шулар бўлмаса, болани коляскага ётқизиб, ҳаммасқни ҳўл латтага тўлдириб юборар эдингиз, келин.

— Э, қўйинг, ая, бешикда болани терватавериб, бошини пўла қилиб қўйиш мумкин!

— Вой, Навоийдай, Улугбекдай одамлар ҳам бешикда ётган-ку. Нега уларнинг боши гавҳардай тўла бўлган! Пўла бўлармиш-а!

Ойисининг қизиши бошлаганини кўрган Аброр гап жанжалга айланишидан чўчиб орага тушди:

— Ойи, Вазира! Шошманглар! Ҳозир, мана, газ бор, иссиқ-совуқ сув бор, уйлар қишда иситилади. Боланинг нарсаларини ювиш ҳам, қуриштиш ҳам осон... Шунинг учун, ойи, энди болани коляскада ўстирса бўлади. Лекин бундай қулайликлар бўлмаган даврларда бешик ҳам жуда иш берган, Вазира! Илгари кўп уйларда пол бўлмаган. Гўдак зах ерда ётмасин деб, бешикни қуруқ тут ёки тол дарахтидан ясашган, бола ердан анча баландда ётган. Бешикнинг бошқа нарсалари ҳам ўз даврининг ажойиб кэмфиётлари бўлган. Ўз вақтида бешик онага ҳам, болага ҳам жуда катта хизматлар қилган.

— Ана шунинг учун ҳам бешиктўй расм бўлганда, болам!— деб Ҳанифа хола яна ўзининг гапини маъқуллаб кетди.

Аброр онасининг кўнглини тушуниб турарди. Бешиктўй она томоннинг обрўсини оширадиган маросим. Гўдакнинг буюиси бешикни чўгдай ясатиб

гўдакнинг ўзига ва ота-онасига бош-оёқ сарпо қилиб, сурнайда «алла болам» куйини чалдириб борганда, она томоннинг боши осмонга етади, бир умр эслаб юриладиган оилавий байрам бўлади. Аброр ўз онаси ва синглиси Рисолатни эъозлаб, бола туғилишини яхши бир маросим қилиб ўтказишни истар эди-ю, лекин бошқа навбат кутиб турган ишлари кўп бўлганлиги учун майда-чуйда ташвишлардан унинг ҳам юраги безилларди. Шунинг учун оинсига аниқ жавоб бергиси келмай:

— Дадам келсинлар-чи, маслаҳатляшиб кўрайлик,— деди.

Аъзам ота қоронғи тушганда чарчаб-ҳориб кириб келди. Кун бўйи офтобнинг тигида девор уриб чарчаган кекса одамга Бешқайрағочдан Дархонгача бўлган йўл жуда узоқ туюлар, охирида учинчи қаватга кўтарилиш учун мадори стмай қоларди. Аъзам ота уқ тортиб кўрпачага ўтирди-да, анча вақт нафасини ростлади. Бир пиёла чой ичгандан кейин:

— Йўли қурғур жуда оғирлик қиляпти,— деб қўйди.— Девори битса, чайла қуриб, ўша ёқда ётиб қоладиганга ўхшайман. Шокир бугун Кўкчада, Рисолатникида қолди. Гишт қуйяпти.

Ҳанифа хола чолининг олдига бир коса мошхўрда олиб келиб қўйди-ю:

— Рисолатнинг бешик тўйини нима қиламиз?— деди. Мен бешикнинг гаврапўшига кетадиган майда-чуйдаларни олдим, чақалоққа кўйлак-иштончалар тикдим.

— Куёвга бош-оёқ сарпо, қизга бош-оёқ сарпо. Бунисини нима қиласан? Эллик-олтмиш кишилик ошнинг хоми, беш-олти тоғора егулик.

— Нима, харажатидан қочиб, юзимизга чарм тортиб юраверамизми? Бечора қизимиз умрбод таънага қолсинми энди? Қайнонаси: «Ота-онанг бешик тўйи қилиб берибдими?» деб тилини қисик қилиб олсинми?

Аъзам ота ҳам кичик қизи фарзанд кўрса, бешик тўйи қилиб беришни кўпдан бери кўнглига тугиб юрар эди.

— Иложи қанча, хотин! Нарёқда участканинг ташвиши тинкани қуритяпти. Ўзимиз уйдан айрилиб, сиғинди бўлиб ўтирибмиз.

— Нега сизинди бўларканмиз? Ўғлимизнинг уйига биз бегонамизми?

— Аслида-ку, бу ҳам уз уйимиз-а. Лекин...

— Одамлар эшитса нима дейди? Ёнида иккита девдай ўгли бор, Аброри машина миниб юрибди, битта бешик тўйи қилишга ярамади, деб устимиздан кулишмайдими?

Аъзам ота мошхўрданинг ярмини ичди-ю, косани нари сурди.

— Об-бо! Одамни тинч қўймайсан-да!.. Аброрни чақир бўлмаса. Гаплашайлик.

Ҳанифа хола йўлакка чиқди. Аброр қўшни хонада ўтирган эди. Вазира ошхонада коса-товоқ ювяпти. Ҳамма эшиклар очиқ. Вазира қангомани эшитаётган бўлса керак. Ҳанифа хола «майли, эшитсин!» деди-ю, хоналарнинг эшигини атайлаб очиқ қолдирди.

Аброр хонтахтанинг бир четига ўтириб отаси билан сўрашди-да, бешик тўйидан гап очилганда:

— Ҳозир бунақа иш бизга жуда ортиқча эмасмикин, ада?— деди.

Аъзам ота дўпписини орқага суриб, устарада қирилган бошини қашир экан:

— Онанг икковимиз ният қилган эдик-да, ўғлим,— деди...— Рисолат беш йил фарзанд кутди. Шу қизимиз ўғил кўрса битта қўй сўямиз деб аҳд қилган эдик. Энди сўзимиздан қайтсак бўлмас.

— Шу қўйни участка битгандан кейин сўйсак-чи, ада?

— Э, унғача бир йил ўтиб кетади,— деди Ҳанифа хола.— Бешик тўйини қиламан деган одам уч ойда қилади. Кейин қизини бўлмайди.

— Хўш, хотин, қачон ўтказмоқчи эдинг?

— Ҳозир айни пишиқчилик пайти, дадаси. Яқин қариндошларни мана шу якшанбага маслаҳатга чақирайлик. Ким нимасини кўтаради, ҳаммасини гаплашинглар.

— Ҳали бу якшанбада йнгиладиган қариндошлар учун ўн беш-йигирма кишилик дастурхон тузаб, қуюқ-суқуқ қилиш ҳам керакдир?— озорланиб сўради Аброр.

— Меҳр кўзда, дейдилар, ўғлим,— жавоб берди Аъзам ота.— Яқин-йироқ қариндошлар билан кўришиб туриш ҳам керак. Ҳозир одамларда бир-би-

ридан етсираш одатлари пайдо бўляпти. Мана бу кўп қаватли уйларда ойлаб-йиллаб елма-еи турган баъзи одамлар бир-бирини танймайди, борди-келди қилмайди. Ундан кўра тўпланишиб, бир-бирига қарашиб, катта бир оилага ўхшаб яшаган яхши эмасми?

— Яхши-ку, лскин... Вақт масаласи...

— Э, вақт топилади, Аброржон. Кўнгилни кенг қилавер.

— Унгача Аброр куёвга яхшироқ бир туфли билан костюм топса бўлар эди,— деди Ҳанифа хола.

— Мунча сарпонинг нима कराги бор, ада? Кусв яна қайтадан чимилдиққа кирмайди-ку!

— Йўқ, Аброржон, куёвимиз ҳам энди ота бўлди. Биз унинг оталик ҳурматини жойига қўйишимиз керак. Рисолатга ҳам яхши совга оламиз. Буни халқ бекорга ўйлаб топган эмас. Ёш ота-онага ердан керак... Ҳукуматимиз ҳам бола тугилганда бекорга нафақа бермайди. Ота-она яна фарзанд кўрсин дейди. Халқ ҳам мана шу тўй-сарполар билан ёш ота-онани фарзанд кўришга рағбатлантиради. Эй, ўғлим, биз бу ишлар билан ота-онамиздан олган қарзимизни узамиз! Мана, сен тугилганингда раҳматли бобонг билан катта онанг қанақа тўй қилиб берган эди! Бизга қанча сарполар қилишган эди! Сен буни билмайсан, чақалоқ эдинг. Кейин олти ёшга кирганингда ўғил тўйи қилдик. Шунда бобонг билан амманг чиройли той стақлаб келиб, сени қандай миндириб юргаклари эсингда бордир?

Аброр бу воқеани эслаганда бутун борлигига бехосдан илиқ бир туйғу тарқалганини сизди. Олти яшар Аброрга атаб, маҳаллага камтаргина ош беришган, қизил ипак матодан жул спилган, лешанасига чиройли безаклар тақилган жийрон тойчоқ совга қилишган эди. Беқасам тўнча, амиркон этикча кийиб юрган кичкина Аброр шу юввош тойчоққа минган пайтида кўнгли қанчалик ўстанини, ўзининг қай дарражада бахтиёр сезганини умрбод унутмайди. Мингмиглаган сточ ва темир ўйинчоқлар бу тирик тойчоқнинг ўрнини босолмаслигини у ўшанда сезган эди. Бу тойчоқни сотиб олиш ўша пайтда аммаси ва бувисига қанчалик қийин бўлмасин, Аброр учун улар шу қийинчиликни бўйинларига олишган, уни отга миндириб, кўнглини ўстириб, азиз бир инсон

фарзандига айлантиришган эди. Бунинг қанчалик катта бир яхшилик бўлганини кейинчалик Аброр ўзи ҳам ота бўлганда тушунди. Унинг қалбида катталарга нисбатан пайдо бўлган эҳтиром, кексаларни астойдил эъзозлаш туйғуси, оқибатли фарзанд бўлишга интилиш ҳисси, мана шунга ўхшаш унутилмас яхшиликлар, одамгарчиликлар туфайли ички дунёсига чуқур илдиз отганини ва доимий бир одатга айланганини у энди астойдил фаҳмляпти. Бугун Аъзам ота билан Ҳанифа холалар, ўзалари қийин аҳволда эканликларига қарамай, янги туғилган невараларига ва унинг ота-оналарига нисбатан қилмоқчи бўлган одамгарчиликлари ва авлодлар орасида мана шундай бир меҳру оқибатни мустаҳкамлашга қаратилганини Аброр энди юракдан ҳис қилди-ю, отасига розилик берди.

— Бўлмаса қоғоз-қалам олиб кел, ўғлим. Керакли майда-чуйдалар кўп, ёзиб олмасанг эсдан чиқади.

Аброр қоғоз-қалам излаб кабинетга кирганда Вазира унинг кетидан кирди. Авзойидан, Вазира ҳамма гапни очиқ эшик орқали эшитган эди, Аброрнинг кетидан кирди-ю, эшикни ёлиб, паст товуш билан сўради.

— Дарров ён бердингизми, а?

— У-бу деб кўрдим, бўлмади.

Аброр столи устида турган сигаретадан битта олди, гугуртни очди, лекин ендиришдан ўзини тутди. Вазира унинг кашандалиги қайталаганидан жуда норози. Абрордан ҳеч бўлмаса уй ичида чекмасликка сўз олган эди.

— Иродангизга нима бўлди?— деди Вазира унга ачингандай тикилиб.— Қийин пайтда қаттиқ турмоқчи эдингиз-ку. Белига олмос камар боғлаган одам шунақа бўладими?

— Нима қилибман мунча?

— Ишда ҳеч кимга сўзингизни бермайдиган одам ота-онангизни олдида итоаткор болага ўхшаб қоласиз.

Аброр ўзига гўё четдан қаради-ю, бир қўлида блокнот билан қалам, иккинчи қўлида сигарета— ўзига-ўзи аянчли кўринди. Сигаретани чеккиси келади, лекин Вазиранинг гашига тегмаслик учун ўзини тийиб туришга мажбур. Ҳозир стол ёнига ўтириб, каттароқ бир ижодий иш қилгиси келади.

лекин бунинг ўрнига бешик тўйининг майда-чуйда режаси-ю, харажатларини ёзишга мажбур.

— Дилсийёқлик бўлмасин деяпман-да, Вазира. Уйимизда меҳмонга ўхшаб туришибди. Раёйларига қарашга мажбурман.

— Раёйларига қарайман деб ойингизни эркалатиб, теспангизга чиқариб юборяпсиз. Меҳмондай ҳурмат қилиб юрибмизми, энди ойингиз ҳам меҳмонлик иззатини сақлаб, тинч ўтирсинлар. Бешик тўйининг бутун дахмазасини бизникига келиб қиладиларми?

— Мен шуни тушунтиролмадим. Юринг бўлмаса, сиз тушунтиринг.

Вазира ҳозир қайнонасига қарши гапирса қирпи-чоқ бўлиб уришиб қолишини сезиб турарди.

— Менинг жанжалга тоқатим йўқ. Онаингизга ўзингиз гапингизни ўтказинг. Қачонгача итоаткор ўгил бўлиб юрасиз? Эшитганлар нима дейди? Партия аъзоси, зиели одам, бешик тўйлари ўтказиб юришингиз яхшими?

Аброр гугурт чўпини жаҳл билан қутисига уриб эндирди-да, сигаретасини тутатди.

— Мажлисда нутқ сўзалаяпсизми, хоним? Бешик тўйини мен ўтказармидим? Онамлар ўтказади. Кекса одамлар мендан ердан сўраса, йўқ деб, четга чиқиб турайми? Ахир булар ганимат!

— Бизнинг жонимиз кўчада қолганми? Ёз ўтиб кетяпти, шаҳарда қоврилиб ётибмиз, бирор якшанба шаҳардан чиқиб дам ололганимиз йўқ!

Аброр машина тузалса, шанба-якшанбада Вазира-ни олиб Чимёнга чиқмоқчи, Юсуфхонада болалардан хабар олгач, Кўксувда чўмилиб, икки кеча ўша еқда ётиб, ҳорлиқ чиқармоқчи эди. Энди бешик тўйининг ташвиши бошланадиган бўлса, бу яқин шанба-якшанбаларда ишга боргандан баттар чарчашлари аниқ. Шуни ўйлаб, Аброрнинг ҳам таъби тирриқ бўлди-ю, лекин энди сўзидан қайтишнинг иложини тополмади.

— Келинг, Вазира, бунисига ҳам чидаб берайлик. Августда болалар билан бирга Хумсонга борамиз... «Бешик тўйи» деган сўз балки эскича эшитилар. Балки, бунинг яхшироқ шакли кейин топилар. Лекин... инсон тугилиши— шундай бир тўйга, хурсандчиликка арзийдиган воқеа эмасми? Тугилган

қунни нишонлаш— ҳамма халқларда бор одат-ку. Бу бир диний маросим эмас. Бизнинг ўзимиз ҳам ҳамма нарсани тарозига солиб ёмон ўрганганмиз-да. Бўлмаса, биринчи фарзанд кўрган ёш ота-онага ёрдам бериш, уларнинг яна фарзанд кўришга рағбатлантириш— даҳмаза эмас, жуда муҳим бир олижаноб иш.

— Менинг ойим Зафар учун бешик тўйи қилиб бермаган эди. У киши олижаноб эмас экан-да?

— Мен ундай деяётганим йўқ. Ойингизнинг эътиқодлари бошқача. У киши ҳам ўзларича ҳақ бўлиши мумкин. Лекин ойингиз биздаги жуда кўп яхши одатларни «эскилик сарқити» деб, ноҳақ айблар эдилар. Шу нарса Алибекнинг тарбиясига ёмон таъсир қилди, чамамда. Охири, мана, укангиз меҳру оқибатни ҳам «чучмал бир сентимент» деб рад эздиган бўлди.

— Мен Алибекни оқламоқчи эмасман. Лекин сизнинг ойингиз ҳам бекорчиликдан зеркиб, ҳар хил урф-одатларни кўпайтиряптилар.

— Ёмон урф-одатлардан мен ҳам безорман, Вазира! Лекин одам-одам учун беғараз жон қойитиб яхшилик қилиши, биров-бировни эъзозлаб, кўнглини олиши— булар бутун дунёда камёб бўлиб бораётган фазилатлар эмасми? Ғарбий Европача қилган сафаримизни эсланг. Одамлар бир-бирига шундай лоқайд! Ҳамма нарса пул билан, манфаат билан ўлчанади. Биров-биров учун текинга жон қойитиши у ёқда турсин, узатган оёғини йиғгиси келмайди. Биздагига ўхшаб, оддий бир таниш келса ҳам, дастурхон ёзиб, қуюқ-суюқ қилишлар, дошқозонларда ош дамлаб, ҳатто нотаниш одамларга ҳам текинга ош беришларни улар тасаввур қилишолмайди. Ота-бола, қариндош-уруғ орасидан меҳр-оқибат бутунлай кўтарилиб кетса қанчалик ёмон бўлишини ана ўша ёқларга бориб кўринг экан! Бири биридан ётсирайди, борди-келди қилиш йўқ. Ҳар бири ўз чиганоғига беркиниб олган. Бизда бирон иш чиқса дарров қўшни ёрдамга келади, тўй-маърака бўлса бутун маҳалла қарашади, ҳар қандай мушкул иш ҳам ҳашарга айланиб, ўйинкулги билан битиб кетади. Биз ҳам қариндош-уруғларга, ёр-дўстларга хабар берамиз. Қарашишар, ахир. Қани, юринг. Сиз ҳам маслаҳатга қатнашинг. Иримга кичикроқ қилиб ўтказиб юборамиз. Юринг.

— Мен бормайман!— деди Вазира. У ҳозир борса қайнонасига қаттиқроқ гапириб, гижиллашиб қолиши мумкин эди. Буни Аброр ҳам сезди-ю:

— Бормасангиз майли, лекин сиздан илтимос,— деди.— Ғурбат бўлмасин. Булар яна бир-икки ой туришар, чидаб беринг!

— Сиз ҳам ойингизга айтинг. Биз бекорчи эмасмиз. Менга раҳмлари келмаса сизга раҳмлари келсин!

Аброр аламини тамакидан олаётгандай, тутунни устма-уст ичига тортиб, бурунларидан чиқарар экан:

— Мен икки ўт орасида қоляпман-да, Вазира,— деди.— Сиз мени ойимдан кўра яхшироқ тушунасиз. Шунинг учун яна бир марта илтимос қиламан. Кенгроқ бўлинг, асабийлашманг. Бу кунлар ҳам ўтар.

Аброр блокнот билан қаламни олиб секин чиқиб кетди.

У ҳозир бориб онасига ҳам «жанжал қилманг, илтимос» деб ялинадиганга ўхшарди. Аброр ҳам, отасига ўхшаб, аёлларнинг жанжалидан жуда қўрқарди. Аъзам ота доим дилсиёҳликдан қочиб хотинига ён берарди. Эрига шу тарзда сўзини ўтказиб ўрганган Ҳанифа хола болаларини ҳам, келинини ҳам измидан чиқармасликка интиларди. Аброр отасидан кўра онасидан кўпроқ ҳайиқар, бу унга она сути билан бирга кирган одатдек унча сезилмас, лекин Вазирага жуда эриш кўринарди. Унинг назарида, Аброр гоҳ ойисига мослашиб, хушомад қилаётгандай, гоҳ Вазирага мослашиб, уни тинчитишга интилаётгандай носамимий кўринарди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Аброр блокноти орасига автоқаламини солиб, хомуш аҳволда қайтиб кирди. Авзойига қараганда, онаси бир талай ишни унинг зиммасига юклаган. Лекин Аброр буни хотинига айтса, яна асабий гаплар қўзғалиши мумкинлигини ўйлаб, ҳаммасини ичига ютди. Кечаси эса Вазиранинг онасидан гап очди:

— Эртага машинани олсам, кечқурун ойингизни кўргани бўрайликми?

— Бешик тўйидан вақтингиз ортадимиз ахир?

— Орттирамиз-да, сиз билан ойингиз учун.

Олча ранг «Жигули»нинг каму кўстлари тўғрилланган, орқа чироқлари ва қаноти янгидан

қўйилган эди. Фақат уста янги қанотни бўяшга ул-
гурмаган экан. Занглаганга ўхшаш қизғиш қанотнинг
у ер-бу срига «шпаклёвка» деб аталадиган сариқ нар-
са суриб қўйилган экан. Аброр бўятишни шанба ку-
нига қолдириб, машинани шу аҳволда миниб чиқди.

* * *

Касалхонанинг ўнгиб кетган йўл-йўл халати Зум-
рад Содиқовнага катталиқ қилиб, елка ва этаклари
осилиброқ турибди. У бир ойдан бери шу ерда ётиб,
анча эт ташлаган. Кўздан бурунга сув ўтадиган
йўлни очиш учун қилинган операция уни қаттиқ
кийнаганини Аброр билан Вазира яхши билади.
Ўтган ҳафта операция бўлган куни улар уч соат
ҳовлида кутиб ўтиришди. Ингичка, новча жарроҳ
операциядан ҳориб, оёғи каловлангандай бўлиб
чиқди. Аксига олиб, бурун суягини пармалайдиган
электр асбоб бузилиб қолган, жарроҳ ҳаммасини
қўлида қилган, оғриқдан Зумрад Содиқовнанинг
кўнгли озиб, ҳушидан кетган, уколлар билан уни
ўзига келтириб, операцияни бир амаллаб тугатишган
эди.

Операциядан кейин касал кўзга қон қуюлиб,
қизариб кетган, юзининг бир томони бурун аралаш
шишиб дўппайган эди.

Аброр қайнонасининг юзига қараб, шишнинг ҳали
борлигини, кўзи ҳам ёшланиб турганини кўрди. Да-
рахт соясидаги скамейкада бирпас гаплашиб
ўтирганларидан сўнг Аброр врач билан гаплашиш
учун ичкарига кирди.

— Юзларидаги шиш қайтсин, кейин уйга олиб
кетасизлар,— деди операция қилган жарроҳ.

— Кўзларидаги пардани қачон оласизлар?

— Кетма-кет иккита операцияни кўтаришлари
қийин. Кекса одам-да.

Зумрад Содиқовнанинг ўзи ҳам касалхонадан жу-
да тўйган, тезроқ келинининг олдига қайтишни ис-
тарди.

— Алибекдан хабар йўқми?— сўради Вазира.

— Битта хат келди. Новосибирскдан наридаги ўр-
монзорга бориб тушибди. Чивини ёмон эмиш. Сапёр-
лар батальонига олишганмиш. Болам бечорага қийин

бўлди-да. Эсимга тушса кечалари уйқум қочиб кетади.

— Сапёр бўлса жуда ўрнини топибди,— деди Аброр.— Хавотирланманг, энди кўзи очилади.

— Ким билади, Аброржон. Алик жуда мўрт-да. Бирон кор-ҳол бўлмасин деб қўрқаман.

— Мўрт эмас, девдай йигит,— деди Вазира ҳам ойисини тинчитишга ҳаракат қилиб. Бозордан олишган узумни, шафтолини, седанали нонларни ойисининг палатасига киритиб берди. Икки-уч кунда яна хабар оладиган бўлиб хайрлашиб чиқишди.

Вазиранинг кўнгли хийла жойига тушганини сезган Аброр йўлда машинани ҳайдаб келаётиб:

— Чорсуда универмага кириб ўтамизми?— деди.

— Нима олмоқчисиз?

— Ҳе, ўша бешик тўйига у-бу керак экан. Кувёга битта дурустроқ туфли. Рисолатга бир кийим велюр.

— Сизнинг зиммангизга тушгани шуми?

— Ҳа, сизу биздан совға шу. Костюм билан коляскани Шокир оладиган бўлди. Қолган нарсаларини бошқа қариндошлар қилса керак.

Аброр бу гапни кеча яшириб юриб, бугун Вазиранинг онасини бориб кўрганларидан сўнг айтаётганида қандайдир, «мендан бугина сиздан угина», мақолини эслатувчи маъно бордай туюларди.

Чорсуга боргунларича Вазира индамай сухут сақлади. Кеч кириб қолган бўлса ҳам ГУМ ҳали очик эди. Эр-хотин қаватдан-қаватга ўтишиб, туфли билан велюр қидиришди.

Совғага олса бўладиган кўримли туфлиларнинг қирқ тўртинчи қирқ бешинчилари бор. Аброрларнинг куёви эса ўттиз тўққизинчи кияр эди. Бунақа кичик туфлиларнинг яхшиси жуда кам бўлишини Аброр энди билди.

Аброр эртаси кун тушки танаффусда марказдаги магазинларга кириб чиқди. Кечқурун ишдан кейин Чилонзордаги ярмарка-ю, Савдо марказига борди. У қидирган таги чарм Чехословакия туфлиси Шота Руставели кўчасидаги никоҳланувчилар магазинида бор экан. Бироқ бу магазин фақат никоҳ уйининг таклифномасини кўрсатган куёв-келиндаргагина мол сотар экан. Аброр магазинга кираётган ёшгина

юяошгина бир куёв боладан илтимос қилиб, ўша ялтироқ қора туфлининг ўттиз тўққизинчисидан олди.

Лекин велюрни ҳеч қасрдан тополмади. Аброрнинг машинада тўрт томонга чопиб овора бўлаётганини кўрган Вазира:

— Қидирманг, ҳозир велюр тополмайсиз,— деди.

— Бўлмаса нима қиламиз? Қўлда икки баробар қиммат эмиш.

— Мен топиб бераман,— деди Вазира ва комоднинг қулфланадиган табақасини очди-ю, нафис оч қизил рангли гузал матони олди:— Ўзим учун Москвадан олган эдим. Мана!..

Аброр хотинидан миннатдор бўлиб, у юзидан, бу юзидан ўпди-да:

— Кейин ўзим сизга бундан яхширогини олиб бераман,— деди.

Шанба кун эрталабдан Аброр отасини Эски Жўвага олиб борди. Аъзам ота бозорнинг орқасидаги дўконда камалак рангига бўялган битта яхши бесиқ таилади. Ўша жойдан сумак билан тувак ҳам топилди. Унгача Аброр бозор қилди. Маслаҳатга тўпланадиган қариндошларини кутиш учун керак бўладиган масаллиқни олиб чиқди.

Бу орада Вазира уйларни йиғиштириб, полларни ювиб, эртага келадиган меҳмонлар учун дастурхонни безайдиган нарсаларни тайёрлаб қўйди.

Ҳанифа хола Шокирга буюриб, одамни кўл айтирган экан. Аброрларникига уч-тўрт йилда бир келадиган амма-холалар, тоға ва тоғаваччалар тўпланишиб, бир уйга сигмай кетишди. Аёллар хонтахта қўйилган хонада кўрпачалар устида, эркаклар меҳмонхонадаги стол атрофида кечгача ҳангомалашиб ўтиришди.

Кун иссиқлиги устига ҳамма комфоркалари тинимсиз ёқилаётган газнинг тапти қўшилиб, Вазира қизариб, бўғриқиб кетган. Ошхонадан меҳмонлар ўтирган хонага ҳали чой ташийди, ҳали мастава, ҳали мева. Эркаклар ўтирган хонага Шокир ва Аброр керакли нарсаларни олиб бориб туришибди. Лекин аёлларга нуқул Вазиранинг ўзи қаради. Қариндош жувонлардан бир-иккитаси ўрнидан туриб, Вазирага ёрдамлашмоқчи бўлган эди, орқасига ёстиқ қўйиб, савлат тўкиб ўтирган Ҳанифа хола:

— Ұтир, тасаддиқ, дамнингни ол, меҳмонсан,— деб қўймади.

У катта ўглининг уйида қанчалик иззат-икром билан яташини қариндошларга кўз-кўз қилгиси келар, гоҳ Аброрга, гоҳ Вазирага иш буюрарди:

— Ҳой, келин, ҳинд чойидан дамладингизми?.. Садағаси кетай, маставанинг гўшти унча пишмабдида. Қайла қилсангиз бўлар экан-да, тасаддиқ!

— Бу гал шошилиб қолдим. Келгуси сафар қайласини ўзингиз қилиб берасиз, аяжон.

— Сизга ҳам қайла қилишни ўргатган эдим, тасаддиқ. Энди ошга эҳтиёт бўлинг-а. Гуручингиз сув кўтармайди. Ланж бўлиб қолмасин тагин.

Шу пайт йўлакда Аброр кўринди.

— Ҳой, болам... берироқ кел. Мунча қизариб кетдинг?

— Энди... Иссиқ-да... Яхши ўтирибсизларми, амма-холалар?

Ҳанифа хола Аброрни тергаб:

— Ичкилик ҳам қилдиларингми, а?— деди.

— Ҳа, энди... кўпдан бери кўришмаган қариндошлар... Чақалоққа умр тилаб қиттай-қиттай олишди.

— Лекин ўзинг ичмагин, болам. Ҳали манз бу катта холанг билан аммангни машинангда олиб бориб қўясан.

— Вой, қўйинг, ўзимиз кетамиз,— деди кекса аёллардан бири.

— Иссиқда ҳалпиллаб юрасизми? Аброржон бирпасда олиб бориб қўяди. Дуонингизни олади!

— Майли, хўп,— деди Аброр ерга қараб.

Ош тортилди, устидан қовун-тарвуз ейилди. Яна чой ичилди.

Маслаҳат бўйича, қариндошлардан бири келгуси якшанбага усти очик юк машинаси топиб келадиган бўлди. Биров каравотча, биров «Ракета» деган педалли машинача (бола уни фақат уч-тўрт ёшга кирганда миниши мумкин), биров каттакон ёғоч от олиб келадиган бўлди. Бунинг ҳаммаси ясатилган бешик билан бирга юк машинасининг устига қўйиб олиб борилади. Амакиваччалардан бирининг «Москвич» машинаси бор эди. Аброрнинг «Жигули»си билан бу «Москвич»га савлатлироқ аёллар минадиган, қиз-жу-

вожлар эса юк машинасининг устига гилам тўшаб ўтиришадиган бўлишди.

Гап шунга қарор топгандан кейин меҳмонлар қўзғалишди. Кексароқ лёлларни кузатиб пастга тушган Ҳанифа хола Аброрга:

— Қани, машинангни олиб кел, болам,— деди.

Аброр ниҳоятда чарчаган, бунинг устига озроқ ичган эди. Вазира кўпчиликнинг орасида унга, борманг, дейишнинг иложини тополмади. Аброр кекса аёллардан тўрттасини машинасига солиб, марказ орқали Кўкча томонга олиб кетди.

У ҳаяллаган сари Вазира хавотирланаарди. Дастурхонни йиғиштириб олаётганларида Вазира Ҳанифа холага қараб:

— Аяжон, ўглингни бекор юбордингиз-да,— деди.— Ўзлари яқинда авария қилиб, машинани энди тузатган эдилар.

— Ҳечқиси йўқ. Қайтага аяган кўзга чўп тушади. Машойиқлар, «ташлаганга тош тегмас», деган.

«Она ҳам шунчалик бешафқат бўладими?!— деди Вазира ўзича.— Ҳеч ачинмайди-я. Нега бундай? Ё уйда бекор ўтиргани учун Аброрнинг иши қанчалик қийинлигини тасаввур қилолмайдами? «Ўғлим обрўли архитектор», деб мақтанади-ю, яна шу ўғлини югурдакка айлантириб беобрў қилади. Тая-ба!»

Вазира жанжал бўлмасин деб, қайнонасига очиқ айтолмайдиган бундай норозиликлар қалбида кун сайин кўпайиб бормоқда эди.

Хайрият, ўша оқшом Аброр бешикаст қайтди.

— Ичиб ҳайдадингиз-а!— деди унга Вазира.— Қўлларига уч сўм бериб таксига солиб юбора қолсангиз бўлмасмиди?

— Ўзим ҳам иғнанинг учиди ўтиргандэй бўлиб бориб келдим-да,— деди Аброр.— Йўқ дейишдан андиша қилдим.

— Ойингиз андишани билмайдилар-ку. Бир оз ўргансангиз бўлмайдами?

Аброр индамай сигарета тутатди-да, балконга чиқди. Кеч соат ўнлар бўлганда кириб ётиб олди. Лекин ичиб машина ҳайдаганда хавотирлик туйғусидан асаблари ниҳоятда таранг бўлиб кетгани учунми, соат учларгача уқлай олмади. Бир неча мар-

та балконга чиқиб, сигарета чекди, ваннахонага кириб душ олди.

У ҳар ўрнидан турганда Вазира ҳам уйғонарди. Саҳар палла Аброр тинчиб уйқуга кетганда Вазиранинг кўзи илинган экан. Ҳанифа хола йўлакдан кавушини тапиллатиб ўтиб, уйғотиб юборди.

Вазира қайнонасига таги юмшоқ шиппак олиб берган, лекин Ҳанифа хола чарм кавушини қўймас эди. Ўзи кундуз ҳеч ким йўқлигида уйқуни пишириб олар, кейин саҳарлаб туриб, ваннада бор нарсаларни тақирлатиб ювинар, таҳорат қилар, эшикларни ҳам қаттиқ очиб ёлар, бу ҳаммаси Вазиранинг асабига тегиб, уйқусини ўчириб юборарди.

Вазиранинг ўзи эса қайнона-қайнотасининг ҳурматини қилиб, улар келгандан бери уйда лозим кийиб юрар, Аброр билан қаттиқроқ сўзлашмоқчи бўлса, эшикларни бекитиб, овозини иложи борица пасайтириб гапирарди. Келини одоб сақлаб, тортиниб-қимтингани сари Ҳанифа хола ўзини қўйиб берарди:

— Аброр, тур, ишга кетмасингдан бозорга тушиб чиқ, болам! Қазининг яхшироғини салқинда сотишди. Бешик тўйига норин қилиб борамиз.

Аъзам ота ичкаридан овозини пасайтириб хотинини уришди:

— Э, норининг бошингдан қолсин! Жим бўл, бола сал дамнини олсин! Кеча уни киракаш шофёрга ўхшатиб югуртирдинг. Инсофинг борми? Туни билан ухлаёлмай чиқди. Ҳали яна ишга боради. Сенга ўхшаган бекорхўжами?

Одатда ўзини босиқ-вазмин тутадиган Аъзам ота бир аччигланса жуда ёмон бўлишини Ҳанифа хола билади. Шунинг учун:

— Мунча бобилламанг, бас, мана уйғотмай қўя қолай!—деди-да, хонасига қайтиб кирди.

Лекин унинг шанғиллаб гапиришларидан Аброр аллақачон уйғониб кетган эди. У ўрнидан боши оғриб, оғзи тахир бўлиб турди. Одатда, нонуштагача чекмас эди, ҳозир бешик тўйига боғлиқ ташвишлар эсига тушиб, диққати ошди-да, балконга чиқиб, сигарета тутатди.

Бозордан элик-олтмиш кишилик ошнинг хомини олиш, шаҳардан ташқаридаги қўйни сўйиб, гўштини бу ерга келтириш, унинг нимтасини гуруч, сабзи-пи-

ёзлар билан бирга Рисолатникига жўнатиш, яна уч-тўрт тоғорани сомса, норин, бўғирсоқларга тўлдириб, ёнига бозордан даста-даста нон, патир, ширмой олиб қўшиш... Аброр ҳар куни неча марталаб бозорга, магазинга бориб, керакли нарсаларни машинасида ташиб келарди. Кундузи ишда бўлган кунлари бозорни азонлаб, ишдан олдинги соатларда қилар, магазинларга эса ишдан кейин одам тирбанд пайтида кириб, узун навбатларда туриб, ун, ёғ, бошқа майда-чуйдалар оларди.

Кунлар иссиқ, Аброр кўчадан куйиб келиб, холодильникдан совуқ нарсаларни олиб ичади. Томоги шамоллагани тамаки чекиши устига қўшилиб, нуқул йўталади. Кечқурунлар:

— Томогим қирилгандай бўляпти,— деб иссиқ сут ичиб ётади.

Лекин кундуз кунлари яна югур-югур, яна терлаб совуқ нарсалар ичиш, устма-уст чекиш давом этади.

Вазира ишга борганда сал осуда ўтирар, уйда эса алламаҳалгача қатлама-бўғирсоқ пиширарди. Ҳанифа хола хамир ёйишда унга бир оз қарашади-да, кейин ўз хонасига кириб, бешик билан андармон бўлади.

У ичига хушбўй амбар солинган учбурчак туморча тикиб, унга иккита кўзмунчоқни қадади-да, бешикнинг тепасига осиб қўйди. Гаврапўшнинг ёзлигини парчадан, қишлигини қизил бахмалдан тикиб астарига майин чит қилди. Боланинг тагига тўшаладиган қовузлоқни қадимги одатга биноан тариқ билан тўлдириб тикди. Пахта солиб тикса, бир-икки ой ўтмай қотиб кетади, ҳўл бўлса қуриши қийин. Оқланмаган тариқ эса майин бўлади, доим бир зайлда туради. Бир томони ҳўл бўлса, қуруги юқори томонига, ҳўли паст томонига ўтади-ю, тез қуриydi. Ҳанифа хола ҳамма болаларини мана шунақа қовузлоқда ётқизиб катта қилган.

Лекин ҳозирги болалар бешикда ётмаслиги ёмон. Унинг фикрича, бешик кўрмаган, чақалоқлигида қулогига сурнайнинг товуши кирмаган бола бебош бўлади. Айтмоқчи, Аброрлар сурнайчи қидиришаётган эди, топдимикан?

— Ҳой, дадаси, сурнайчи нима бўлди?

— Э, сурнайчинг бошингдан қолсин! Аброр билан бир эмас, иккитасининг уйига бордик, йўқ. Тўйга кетганмиш. Ахири биттасини тўйдан топдик. Ун кунгача бўшайман дейди. Ҳар куни икки-уч жойда чаладиган бўлиб, закалатини олиб қўйган эмиш. Илгари қўш сурнайли тўй жуда камдан-кам бўлар эди. Ҳозир қўш сурнай, қўш карнай қилиб, қўш ногора ҳам чалдирадиган бўлишипти. Тўқлик-ка— шўхлик деб шунини айтса керак-да.

— Одамлар қўша-қўша қилганда, сиз битта сурнайга ҳам ярамайсизми энди? — деди Ҳанифа хола.

— Улкасини қўлтиқлаган одамларга тенглашиб бўладими? Сурнайчидан, «бешик тўйга неча пул оляпси?» деб сўрасам, «саксон сўм», дейди. Бир соат боргунча чалса, беш-ўн минут бу ерда, беш-ўн минут у ерда — ҳаммаси бўлиб икки соатга борар-бормас иши учун саксон сўм. Бунча пул учун бир ой ишлайдиган одамлар бор-а!

Ҳанифа хола ясатиғлиқ бешик ёнига сурнайчинини ўтказиб, бутун шаҳар бўйлаб «алла болам» куйини чалдириб ўтишни қачонлардан бери орзу қилиб юрар эди.

— Аброр, сен ҳам пулидан қочяпсанми, а? Ундай бўлса пулни мен катта куевдан сўраб олиб берайми?

— Топиб олган гəлингиз «катта кув!» — деди Аброр.— Гап пулидами? Кераксиз нарса?

— Йўқ, керак! Сурнай бўлмаса мен бешик тўйи қилмайман. Тамом!

Вазира Аброрнинг қаттиқ туриб, «қилмасангиз қилманг!» дейишини кутди. Лекин Аброр уҳ тортди-ю, сигарета тутатди. Унинг яна ён бермоқчилигини сезган Вазира:

— Аяжон, битта арзимаган сурнай учун буларни шунча югуртирганимиз ҳам етар,— деди.— Отам ҳам, ўглингиз ҳам жуда қийналиб кетишди. Сал раҳмингиз келсин, энди! Аброр акам шамоллаганлар, йўталиб юрибдилар.

— Қийналиб нимасига қийналади? Тагида машинаси бор! Биз мана эрингизни кафтимизда кўтариб катта қилганимиз. Ана уни қийналиш деса бўларди! Бир парча этни одам қилгунча не-не азобларни тортганман!

— Биз ҳам бола ўстиряпмиз-ку, аяжон! Сизлардан олган қарзимизни ўзларингизга узолмасак, болаларимизга узамиз.

— Вой, менга миннат қилганингизми бу, келин-пошша? «Уйимда сизинди бўлиб турибсан, иззатингни бил!» демоқчимисиз?!

Аброр онасининг кузлари чақчайиб кетганини кўрди-ю, ҳозир жанжал бошлашини сизди. Қўлини кўксига қўйиб:

— Ойи, шошманг, ойи! — деди.— Сизга ҳеч ким миннат қилгани йўқ. Сиз бу ерда сизинди эмассиз, ўз уйингизда турибсиз.

— Хотинингни гапини қара! Бу киши энди сенга мендан меҳрибонроқ бўлиб қолибдилар-да, об-бо!

Вазира индамай орқасига бурилиб, ошхонага қайтиб кетди. Аброрнинг:

— Ойи, хафачиликни қўйинг, сурнай бўлса, майли, топамиз, адам билан ҳозир яна биттасининг уйига борамиз, бўптимми? — дегани Вазирага эшитилиб турарди.

Аброр отасини машинага солиб чиқиб кетди-ю, кеч соат ўнларда қайтиб келди.

— Ойи, бўлди, биттасини саксон сўмга гаплашиб келдик.

Шу билан кўнгли жойига тушган Ҳанифа хола бешикнинг устига бахмал гаврапўшни ёпиб кўриб, каму кўстларини тузатишда давом этди.

Вазира ҳамон ошхонада бўғирсоқ қовурмоқда эди. Кун билан терлаб-пишиб машина ҳайдаган Аброр ваннахонага кириб душ олди-да, майкачан Вазиранинг олдига чиқди. Узоқ йўталгач:

— Уф-ф!— деди.— Томоқ қирляпти.

Вазирадан садо чиқмади. Унинг қовоғи осиклигини кўрган Аброр:

— Келинг, энди сиз ҳам мени қийнамай қўя қолинг,— деди.

— Она-бола мени қийнасаларинг майлими?

— Қийнаб нима қилибмиз?

Қозондаги бўғирсоқлар ёғ ичида бижиллаб қоврилмоқда эди. Вазира уларнинг қизариб пишганларини капгир билан олиб сирланган тоғорага солар экан:

— Ойингизнинг шунча ишларини қиляпман,— деди.— Раҳмат дейиш ўрнига нуқул киноя, зарда эшитаман. Нима, мен бу уйда чўри бўлиб юрибманми?

Аброр ойисининг бояғи гаплари Вазирага қанчалик оғир текканини энди сезди.

— Леки мен сиздан миннатдорман, Вазира, шу ўзи етарли эмасми?

Вазиранинг назарида, Аброр яна унга мослашаётгандай, хушомад қилаётгандай туюлди.

— Сиз аввал ўзингизга муносиб бўлинг! Ойингиз баланддан келса у кишига бориб посанги бўласиз. Мен норози бўлсам, менга келиб посанги бўласиз!

— Лекин посанги бўлиш ҳам жуда жонимга тегди-да!

— Менга посанги керак эмас, тушундингизми? Ойингиз сизни посангига айлантираётганидан менинг хўрлигим келади, биласизми шуни?!

Аброрнинг оғзи қуруқлаб кетди. Йўтала-йўтала қирмизи чойнакни қўлига олиб, тагида қолган чойни пиёлага қуйди.

— Ҳаммасини тушунман, Вазира. Ойимнинг феълини ўзгартириб бўлмайди Муроса қилишдан бошқа илож йўқ.

— Муроса қиламан деб, ҳамма хархашаларига ён беряпсиз. Адолатсизлик қилсалар ҳам тарафларини оласиз!

Кун сайин орқага кетяпсиз!

— Ишқилиб, қийин кунга қолдим-да,— деди Аброр.— Ойимга ёқсам, сизга ёмон кўринаман. Сизга ёқсам у кишига ёқмайман. Онаси билан хотинини баробар қувонтироладиган бахтиёрлар қанақа бўларкан?

— Наҳотки мен сизнинг ойингизга ўхшаб тантиқлик қилаётган бўлсам?

Онасига нисбатан киноя билан айтилган «тантиқлик» сўзи Аброрнинг қулогини тирнаб ўтгандай бўлди. У совуқ чойдан бир хўплаб, пиёлани қайтиб қўяётганда қўли қалтираётганини кўрди. Яна ўзини босишга тиришиб, ошхонанинг эшигини зичлаб ёпди.

— Қўйинг, шу машмашани бас қилайлик,— деди.

Лекин Вазира шунча кундан бери қайнонасига айтолмай ичига ютиб юрган гапларини Аброрга айтиб, кўнглини бўшатгиси келарди:

— Ҳамма машмаша ойингиздан чиқяпти. «Қўйинг», деб у кишига айтинг! Менинг ойим Алибекнинг тантиқликларини кечириб юриб, охири нима бўлди? Бунинг Алибекка ҳам зарари текканини ўзингиз кўрдингиз-ку! Нима талаб қилса «хўп!» Айтганини қилган сари миннатдорчилик ўрнига худбинлик! Ён бергани сари тепасига чиқади, раҳм-шафқатни унутади. Ойингиз ҳам сизга шундай қилмаяптиларми? У кишини «пу-пу»лаб эркалатганимиз учун икковимизнинг ҳам қадримизни ерга урмаяптиларми? Алибекка шундай талабдан бўлган одам нега ойингизга бунчалик бўшлик қиляпсиз?

Вазиранинг бу гаплари бутунлай ноҳақ бўлганда Аброрга унча қаттиқ ботмас эди. Аброр онасининг эркаликдан чиқиб келган шафқатсизлиги Алибекни эслатиши мумкинлигини энди сезгандай бўлди. Аммо қайвони онасини ўша такасалтанг қайнисига тенг кўриш унга ҳақоратдай туюлди.

— Сизга бир гап бўлипти! — деди Вазирага кўзини чақчайтириб қараркан. — Меъдай тўртта болани ўстириб катта қилган қайвони наҳотки сизнинг ўша олифта уканингизга ўхшаса?

— «Бешик тўйига мана шунча нарса қиляпман», деб хўжа кўрсинга керилиш — олифтачиликка кирмайдимми?

— Бекор гап! Сиз кексаларнинг орау-ҳавасини...

— Алибекнинг соқол қўйиб, тирноқ ўстиришлари ҳам — орау-ҳавас эмасмиди.

Аброр гап тополмай қолди-ю, титраётган қўлини совуқ чойнакнинг устига қўйди.

— Ўзим қийналиб юрган пайтимда сиз ҳам дард устига чипқон бўляпсиз-да, лекин!..

— Ким чипқон?!

— Э, гапларингиз чипқондан баттар аччиқ!

— Чипқон деб ойингизни айтинг! Ўша киши турмушимизни заҳарга айлантиряпти!

— Э, сен ўзинг заҳарсан!! — деб Аброр қирмизи чойнакни газаб билан чангаллаб, Вазирага қараб отмоқчи бўлди-ю, лекин сўнгги лаҳзада уни ерга қарсиллатиб урди. Чойнак чилпарчин бўлиб, ичидаги

шамалари отилиб кетди. Аброрнинг ранги оқариб, кўкариб, қўрқинчли тусга кирди.

Вазира чойнакнинг синиқларини оёғи билан бир четга тепиб ташлаб:

— Бердим шу уйни сизларга! — деди-да, фартугини счиб, дераза токчасига отди. Газни ўчирди. Бошқа ҳамма нарсани шу аҳволда қолдирди-ю, ичкари хонага кириб, кийимларини алмаштирди. Сумкасига керакли нарсаларини солди. Энди унинг эртага бўладиган бешик тўйига қатнашмаслиги аниқ эди. «Совғасидан қочди», деб ўйламасликлари учун эрига кўрсатган велюрни комоддан олди-да, стол устига қўйди. Сўнг кўча эшигига йўналди.

Аброр ҳаво етишмаётгандай, бўғилиб балконга чиққан эди. Куни бўйи юриб чарчаган Аъзам ота ётиб қолган. Шокир уйда йўқ эди.

Ҳанифа хола эса бешикни ясатишга берилиб, ошхонада нима ҳодиса бўлганини пайқамай қолди. Ҳозир у ўз ишига маҳлиё бўлгандай, бешикка завқланиб тикилди. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Эртага маҳалланинг дастурхончисини бир кунга ёллайди. Иккита енгил машинага Ҳанифа хола бошлиқ кайвонилар ўтиришади. Ёш-яланглар, дастурхончи ва сурнайчилар бешик ва совға-саломлар билан бирга усти очик катта машинага чиқишади. Кейин уч машина кетма-кет сигналини дудутлатиб, сурнайни янграшиб шаҳар бўйлаб ўтади. Ҳанифа хола бунинг ҳаммасини қачондан бери ўйлаб, режасини кўнглида пишириб юрибди.

Бешик тўйига эркаклар қатнашмайди. Аброр машинасига онасини, опасини, хотинини ва аммасини солиб олиб бориб қўяди-да, қайтиб кетади. Сўнг кеч бўлганда келиб, яна уларни машинасида олиб кетади. Сурнайчи ҳам ичкарига кирмайди. Хотинлар Рисолатникига кириб жойлашгунча сурнай уйдан ташқарида чашиб турилади. Дастурхончи аёл чўғдай ясатилган бешикни бошига қўйиб, «алла болам, алла» деб алла айтиб, бола ётган уйга йўналади. Ташқарида сурнай янграб туради. Машинадан ҳамма совға-саломлар, сгуликлар тушириб олинади. Шунча нарса олиб келган Ҳанифа холани чексиз иззат-икром билан кутиб олишади, бошларига кўтаргудай бўлиб зиёфат қилишади. У эртага

қанчалик катта обрў билан қудасиникига кириб бо-
ришини кўз олдига келтирганда ўзини бахтиёр се-
зади...

Ҳамон ҳовури босилмаётган Аброр балконда ту-
риб кетма-кет сигарета тутатади. Вазира эса тунги
шаҳар бўйлаб, онасининг квартирасига — келинлари
Насибанинг олдига кетиб борарди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Ер остидаги метро бекатига тушиб борадиган
мармар зинапоя лойиҳаси Вазиранинг иш столи
устида очиқ турибди. У логарифмли чизгични
қўлига олиб, қорамтир зинапоя ўртасидан ҳаво
ранг пояндозга ўхшаб кетадиган мармар зиналар
саҳни қанча квадрат метр бўлишини аниқроқ
ҳисоблашга иккинчи марта уриниб кўрди. Хаёли
паришон, кўнгли ғаш бўлгани учунми, ҳисоб яна
нотўғри чиқди. Ё лойиҳада бирон хатолик борми?
Вазира ҳаммасини бошқатдан синчиклаб кўриб
чиқаётган эди, стол четидаги телефон жиринглаб
қолди. «Абрормикин?» деган ўй синган чойнакни
ва орага тушган дилсийҳликни эслатиб, вужудини
яна бир қаттиқ зирқиратди. У телефонга озорла-
ниб кўз ташлади-ю, трубкани олгиси келмади.

Аброрнинг кўзалари ғазабдан чақчайиб: «Ўзинг
заҳарсан!» дегандаги пайти Вазиранинг хаёлидан на-
ри кетмасди. Ўша топда Аброр жуда ҳам онаси
Ҳанифа холага ўхшаб кетган эди. «Она-бола иккови
бир!» деган фикр Вазирага эрини беҳад хунук
кўрсатар ва нафратини қўзғарди.

Шу билан бирга, дилини тимдзалаётган алам
туйғуси Аброрнинг телефон қилибми, келибми, уэр
сўраши ва айбига иқрор бўлиши билан тарқаб ке-
тадигандай бўларди. Вазира ўзи тан олмаган ҳолда,
Аброрнинг қўнғироғини кутмоқда эди.

Телефон яна икки қайта жиринглагандан кейин
Вазира трубкани олди-да, нохуш овоз билан:

— Алло! — деди.

— Вазира Бадалояна, мен Комиссаровман, — деб
қолди метрополитен қурилиши билан шуғул-
ланадиган таниш инженер. — Зинапоя масаласи ҳал
бўлдими, йўқми?

— Сметачилар ишни чигадлаштиряпти. Лойиҳада габро¹ кўпайиб кетганмиш.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Габронинг қанчалик қимматлигини ўзингиз биласиз. Оёқ тагига ипак гиламни пояндоз қилиб тўшаганимизда ҳам бундан арзонроқ тушади. Бу кетишда пул етказиб бўладими?

— Лекин гранит пояндоз юз йилларга кетишини ҳам ўйланг-да, Алексей Герасимович,— деди Вазира.— Севасойнинг габроси билан Нуротанинг кўк мрамари бир-бирига жуда ярашиб тушишини бизга Москвадаги мутахассислар ҳам айтишган эди.

— Бўлмаса зинапояни торроқ қилиб лойиҳалаш керак. Габро камроқ кетадиган бўлсин.

— Бундан энсиз қилинса бацкана бўлиб қолади. Кенг йўлакка тўшаб қўйилган торгина пояндозни тасаввур қилинг. Киевда янги қурилган қайси бир маданият саройининг зинапоясига оқ мрамар билан габро қўшиб ишлатилган экан. Менда фотографияси бор. Уларда мутаносиблик яхши. Бизда ундан ёмон бўлмаслиги керак.

— Хуллас, Вазира Бадаловна, лойиҳада сизлар кўрсатган габро сметага сигмаяпти. Бошқа бирон материалдан тежаш ҳисобига бўлса ҳам сигдириш керак.

— Мен ҳозир шунинг ҳаракатидаман, Алексей Герасимович.

— Менга икки кунда жавобини айтмасангиз ишимиз тўхтаб қолади.

— Айтаман. Индин мен ўзим сизга телефон қиламан, Алексей Герасимович.

Вазира трубкани қўйгач, кафтини чаккасига тираб, столи устидаги зинапоя лойиҳасига тикилди. Габродан тежашни ўйлаб, унинг сатҳини ўлчаб ўтириш энди кераксиздек туюлди. Мрамарни ҳам тежаб бўлмайди. Нима қилиш керак? Бошига янги бир фикр келишини кутиб, қўлини чаккасига қўйиб ўтирганида яна Абдор ва кеча якшанба кунини ўтиши керак бўлган бешик тўйи эсига тушди.

Эри ва қайнонасига аччиқ қилиб индамай чиқиб кетгани, биттаю битта келинлари бўла туриб, бешик тўйига бормагани уйларига тўпланган қариндош-

¹ Г а б р о — қора гранит.

уруғларни қанчалик ҳайратга солганикин? «Вазира нега йўқ? Вой, нега кетиб қолди?» деган саволлар Аброрни ҳам, унинг ота-онасини ҳам қанчалик ўнғайсизлантирганикин? Ҳанифа хола: «Шунча орзу-ҳавас билан тайёрлаган бешик тўйимни келиним бузди, бурнимдан чиқарди!» деб дод солмастганмикин?

Вазира шунини ўйлаганда, шанба кунини юз берган дилсиёҳлик кўзига тубсиз бир жардек кўрина бошлади: бу жар уни эридан, қайнона-қайнотасидан умрбод ажратиб қўйиши мумкиндек туюларди. Аброрнинг бир неча марта: «Кенгроқ бўлинг, машмашани қўяйлик» деб уни мурасага чақиргани ёдига тушарди-ю, «ўзим ҳам қаттиқ кетдимми?» дерди. Ўскин ҳаммасини қайта бошдан эслаб: «Қанчасига чидадим, пичоқ бориб суякка теккандан кейин ҳар ким ҳам дод деб юборса керак», деб ўзини оқларди.

Илгарилари Вазира уйдан аразлаб чиқиб кетса, бир кун ўтар-ўтмас Аброр хавотирга тушиб, кетидан излашга тушарди. Бугун иккинчи кун ўтпти, «хотиним нима бўлди, ўзини бир нарса қилиб қўймадимми?» деб, ҳатто телефон ҳам қилмаяпти. Онаси «тўйимни атайдан бузиб кетди», деб Вазира-ни ёмонлайвериб, Аброрни ҳам ишонтирганми?

Энди нима қилиш керак? Болалар ҳам йўқ. Вазира уларни эслаганда юраги соғинчдан эзилди-ю, телефон трубкасини олди. У Маликаларнинг икки кундан кейин лагердан қайтишларини аниқ эшитган бўлса ҳам, яна бирон ўзгариш бўлмадимикин, деб номер тера бошлади. Лагернинг мутасаддиси бўлган аёл телефонда дона-дона қилиб:

— Ўзгариш йўқ, индин соат учда болалар жўнаб кетган ўша майдонга келишади,— деди.

Вазира раҳмат айтиб трубкани жойига қўйди-ю, хаёли бошқа бир боши берк кўчага кириб қолди. Болаларни кутиб олгандан кейин қаёққа олиб боради? Аброр ота-онасининг ташвиши билан бўлиб, болаларнинг қачон келишини ҳам билмаса керак. Вазира Маликаларни уйга олиб борса, қайнонаси: «Ўл-а, барибир ўзинг қайтиб келибсан-ку!» дегандай қилиб қарамайдими? Вазира болаларини ҳам онасиникига олиб боради деса, яна бўлмайди. Аброр билан уришиб, аразлаб юргани билиниб қолади.

Вазира эса буни на онасига, на келинига билдирган эмас. Чунки Насиба доим уларнинг турмушига ҳавас қилар, «қанийди, бизнинг оиламиз ҳам сизларникидай бўлса», деб Вазиралардан ибрат олишга интиларди. Энди икки орада бўлган хунук гапларни эшитса, «булар ҳам шу-ку», деб ихлоси қайтадигандек ва яхши бир интилишидан воз кечадигандек бўларди. Шунинг учун Вазира кечаси бемаҳалда Насибани йўқлаб борганига елгон важ кўрсатган эди:

— Аброр охирги рейс билан Самарқандга учди, кузатиб қўйдиму қайтишда сиз билан ёта қолай деб келдим.

— Ҳа, бу ер аэропортга яқин, жуда яхши қилиб-сиз! — деб келини унинг гапига дарров ишонди. Чунки авваллари ҳам, «сиз ёлғиз бўлиб қолдингиз, бир кеча-ярим кеча енингизда столмаяпман, лекин етадиган бўлиб бир бормоқчиман», деб юрарди. Насиба буни жуда истарди.

Онаси Насибани ёлғиз қолдирмаслик учун ўн икки яшар кичик қизини бирга ётишга юборарди. Насиба сингилчаси билан Алибек иккови турадиган хонада ётди-да, Вазира учун онаси турган ўша диванли хонага жой солиб берди.

Янги жой бўлгани учунми ёки бу ернинг ҳавоси огирроқ эканми, Вазира туни билан ухлаёлмади.

Эртаси куни эрталабдан Насиба икковлари кўз касалхонасига йўл олишди. Зумрад Содиқовнанинг юзидаги шиши қайтган, операция жароҳати тузалган, уйга қайтишига рухсат беришиб, қоғозларини шанба куниеқ тайёрлаб қўйишган эди.

— Кеча нега келмадиларинг, Вазира? — деди онаси.— Аброржон қани?

— Командировкага кетди. Мен кеча уйдан чиқолмадим... Насибахон билан нарсаларни йиғиштириб турингизлар, мен кўчадан такси топаман.

Бугун худди шу соатларда Ҳанифа хола Аброрнинг машинасига ўтириб, бешикни ясашиб ва сурнайни чалдириб, Дархондан Чорсуга келишини, ундан Кўкчага қараб ўтишини Вазира биларди. Қорақамиш томондаги кўз касалхонасидан Шота Руставелига борадиган энг яқин йўл ҳам Чорсудан ўтарди. Вазира анча овора бўлиб, битта бўш такси

толди. Чорсунинг нари-берисида Аброрларга дуч келиб қолишлари мумкинлигини уйлади-ю, таксичига:

— Шофайзи орқали Чилонзорга ҳайданг,— деди.— Кейин Муқимий кўчасидан Шота Руставелига буриласиз.

— Айланиш бўлса майлими?

— Майли, томоша қилиб кетамиз.

Операция ва дори-дармонлар Зумрад Содиқовна-ни анча заифлаштириб қўйган экан. Зинапоядан тўртинчи қаватга кўтарилгунча нафаси тиқилиб, уч-тўрт марта тўхтаб олди. Вазира билан Насиба уни икки қўлтигидан суяшиб, аста-секин квартирага чиқиб боришди.

Онаси шу аҳволда Вазиранинг уйдан аразлаб келганини билса, нечоғлик изтироб чекишини ўйлади-да, бешик тўйидан ҳам, қайнонасидан ҳам атайлаб гап очмади. Насиба синглисига жавоб бериб юборган эди. Бир уйда уч аёл чучвара пиширишиб, чой ичишиб, роса ҳангомалашишди. Ҳамма тўғрида гап бўлди-ю, лекин Вазира уйдаги хафачиликдан оғиз очмади. Фақат кечаси унинг ухлаёлмай чиққанини, бир неча марта оғир уф тортганини сезган онаси эрталаб:

— Вазиражон, қайнанаңг хафа қилгани йўқми? — деб сўраб қолди.

— Болаларни соғиндим, ойи.

— Уч кундан кейин келишадими? Аброр ҳам йўқ. Улар келгунча бизникида туравер.

Боя Вазира ишга кетаётганда Насиба ҳам:

— Кечқурун албатта келинг, сомса қиламиз, менга ўргатасиз, хўпми, опажон? — деб тайинлаб қолган эди.

Вазира соатига қаради. Учдан ошяпти. Олдида очиқ турган лойиҳа ундан ҳамон янги бир фикр, янги ечим кутяпти. Лекин Вазиранинг хаёллари паршон бўлиб, сочилиб кетган, фикрини бир нуқтага тўплашга кучи етмайди.

Бир пайт стол устидаги шаҳар телефони яна жиринглади. Вазира сергакланиб, унинг қайта жиринглашини кутди. Учинчи мартасида трубкани изтироб билан кўтарди. Товуши олинди:

— Алло...— деди.

— Вазира Бадаловна, ассалому алайкум! Соғ-саломат юрибсизми? Уйлар тинчми? Ишлар билан ҳорманг!

Сўзлашга явбат бермай, қуюқ сўрашаётган бу одам — Шерзод Баҳромов эди. Вазира у билан ўтказган беғам студентлик йилларини ва бу йилги Москва сафарини эслар экан, ўзини боягидан тетикроқ сезди.

— Сиз билан маслаҳатлашадиган ишим бор эди, Вазира Бадаловна. Ҳозир борсам хонангизда бўласизми? Унча банд эмасмисиз?

— Йўқ, марҳамат, келинг.

Орадан ўн беш минут ўтар-ўтмас Шерзоднинг оппоқ люкс «Жигули»си белидаги пўлат ҳошияларини офтобда йилтиратиб, Вазира ишлайдиган бошқарманинг олдига келиб тўхтади. Шерзод машинани беш қаватли бинонинг соясига қўйди-да, Вазира ўтирган хонага чиқиб келди.

Эғнида нафис йўл-йўллари бор ипак тенниска. Юзлари дам олиб келаётган одамникидек тиниқ. Чап қўлида лойиҳа солинган жилд. У ўнг қўли билан Вазиранинг нозик панжасидан ушлади-да, қўлини ўпиб кўришди.

— Ўтиринг, қалай, яхши юрибсизми? — деб Вазира унга стул суриб берди.

— Раҳмат, Вазира Бадаловна. Сиз ҳали отпускага чиқмабсиз-а? Жонининг роҳатини биладиган одамлар ҳозир курортларда маза қилиб юрибди. Ирригация иши тобора қийинлашиб кетяпти. Сув танқис. Бунинг устига Тошкентда ариқлар чатоқ. Ҳар кунни катта идораларга чақириб қаттиқ талаблар қўйишади.

Шерзод жилдни очди-ю, Архитекторлар союзида Абзорлар муҳокама қилган катта ариқларнинг лойиҳасини ва уларга тааллуқли қоғозларни кўрсата бошлади.

— Вазираҳон, мен сизни студентлик дўстим деб қанчалик эъозлашимни биласиз. Сиз туфайли Абзорнинг баъзи қўпол гапларини ҳам ичимга ютдим. Утган гап у кишининг таклифлари манга шу бошқармада муҳокама бўлганда мен Яминовларга қарши бориб, Абзорни ёқладим. Орамизда губор қолмасин, дедим.

— Ҳа, сиз ўшанда тантилик қилдингиз, мен бунини ҳалигача миннатдор бўлиб эслайман, Шерзод.

— Лекин... очигини айтганимга хафа бўлманг-ку.. хўжайинингиз тантилик қилмаяпти-да, Вазираҳон.

— Яна нима бўлди?

— Ҳали эшитганингиз йўқми? Мана, ишонмасангиз протоколни кўринг. Союздаги муҳокамада бизнинг мана бу лойиҳани Абдорлар «бўлмайдиган»га чиқаришди. Инсоф ҳам керак-да, ахир!

Вазира протоколга кўз югуртириб «Аъзамов» деган жойида «тубдан қайта ишланиши керак» деган жумлани топди. Сўнг лойиҳаларга кўз ташлар экан:

— Яхши бўлмалти-да,— деди.

— Нима қиламиз энди? Наби Садрисвич йўқлар. Муовинлари мени унча танимайдди.

— Наби Садрисвич келгунча кутолмайсизми?

— Йўқ-да! Ҳар кун чақириб, «лойиҳа қани?» деб сиқиштиришади. Сизлар тасдиқламагунча ҳурувчилар иш бошлаёлмас экан. Шаҳарда кўчатлар қуриб кетяпти. Ҳар бир кун ғанимат!

Вазира қозғаларини йиғиштириб ўрнидан турди.

— Майли, мен бир айтиб кўрай-чи,— деди-ю, Шерзод билан бирга қабулхонага қараб кетди.

Бошқарма бошлигининг муовини энди ўттиз беш ёшларга кирган бўлса ҳам, пешанасининг устларида сочи тўкилиб, тепаси ялтираб қолган, энгагининг чал томонида каттагина қора холи бор йигит эди. Вазира билан Шерзодни ўрнидан туриб, кутиб олди, ўтиришга таклиф қилди.

— Тургун Иброҳимович, мен сизга Шерзод Исломович Баҳромовни таништириб қўймоқчиман.

— Марҳамат.

— Бу киши метро туннелини Бўзсувнинг тагидан олиб ўтишга алоқадор бўлган бир лойиҳани ишлашлари керак. Наби Садрисвичнинг ўзлари қўл қўйиб, бу лойиҳани планга киргизган эди.

— Биламан,— деди Тургун Иброҳимович.

— Лекин орага бошқа лойиҳалар тушиб қолибди. Кайковус билан Қорасувни қайта қуриб бетонлаштириш — жуда тез қилиниши керак бўлган иш экан. Булар лойиҳасини чизишган экан. Архитекторлар союзида муҳокама бўлиб, «қайта ишлансин» деган ортиқча талаблар қўйишиб, ишни жуда чўзиб юборишибди. Шунинг натижасида биз Шерзод Исломовичга топширган лойиҳамизнинг кечикиб кетиш хавфи тугиляпти. Мен ирригация соҳасининг мутахассиси бўлмасам ҳам, шу сабабдан аралашишга

мажбур бўляпман. Масалани тезроқ ҳал қилиб беришингиздан биз ҳам манфаатдормиз.

Турғун Иброҳимов столининг ени томонидаги тортмаларини очиб, битта папка олди. Уни стол устига қўйиб очар экан:

— Хабарим бор, — деди. — Менга миинистрликдан ҳам икки-уч марта телефон қилишди.

— Чунки Тошкентнинг ирригация системасини тезроқ қайта қурмасак ҳаммадан дакки сйвериб безор бўладиганга ўхшаймиз-да, Турғун Иброҳимович, — деди Шерзод мулойим ва илтимоскорона товуш билан. — Мана, ҳатто Москвада чиқадиган марказий газета ҳам Тошкентда оқар сув етишмаслигини, одамлар шланг билан кўчат сугоришга мажбур бўлаётганини танқид қилиб чиқибди. Шу мумосабат билан биз яна қанча гап эшитдик.

— Биламан, кечиктириб бўлмайдиган иш бу, — деди Турғун Иброҳимович папкадаги қоғозларни кўздан кечираркан. — Лекин шошма-шошарлик билан шаҳар архитектурасини бузиб қўймаслигимиз керак-да. Мана, Архитекторлар союзидagi муҳокамада жуда кўп тўғри фикрлар айтишибди.

— Биз бу фикрларни ҳисобга олиб, лойиҳани тузатиб чиқдик. Марҳамат, кўринг.

Турғун Иброҳимович Шерзод очиб кўрсатган лойиҳада Кайковус ариғи қиргоғига бетондан тўлқинсимон безак ишлатиш мўлжалланганини кўрди-ю:

— Тузатганларингиз шуми? — деди. — Канал деворлари тайпоқ бўлмасин дейилган экан. Буни қилмабсизлар-ку.

— Турғун Иброҳимович, бунга... Сув хўжалигидаги ўртоқлар кўнмади. Чунки тик девор жуда қимматга тушар экан. Техникани ишлатиш қийинлашаркан. Маблаг етишмаганининг устига қурилиш узоққа чўзилиб кетади.

Вазиранинг назарида, Турғун Иброҳимовичнинг тили билан Аброр эътироз қилаётгандай бўлди. Аброр газаб билан чойнакни чангаллаб отмоқчи бўлган пайтда кўзлари чақчайиб, худди онасига ўхшаб кетгани яна Вазиранинг эсига тушди. Аброр Шерзоднинг яхшилигига ёмонлик қилгани ҳам — феълда онасига тортган ёмон хислатлар борлигидан далолат бераётгандай бўларди. Шунинг учун ҳозир Вазира

Шерзодга эри қилолмизган яхшиликни қилиши керакдек, айти вақтда, эрига қарши бориб, бир аламандан чиқадигандек туюлди.

— Менимча,— деди Вазира,— агар лойиҳа яна бир-икки ойга чўзилса, биз ҳам юқоридагилардан гап эшитишимиз мумкин.

Иброҳимовга вазирликдан телефон қилганлар ҳам худди шу гапни айтишган эди. Бу лойиҳани ҳадеб тўхтатаверса, боши галвага қолиши мумкинлигини сезган Иброҳимов бирпас сукутга кетди. Шерзод унинг ён бериши мумкинлигини пайқаб:

— Турғун Иброҳимович, сиз бу ерда айтган фикрларни амалий иш пайтида албатта ҳисобга оламиз,— деди.— Турғун Иброҳимович, илтимос масалани оператив тарада ҳал қилиб беринг. Турғун Иброҳимович...

— Буни мен ҳам илтимос қиламан! — деди Вазира.

Турғун Иброҳимов қўлига ручкасини олди:

— Мен бир шарт билан розилик беришим мумкин. Агар лойиҳани амалий чизмага айлантирган пайтларингда архитектурага оид мана бу жиддий нуқсонларни тузатсаларинг...

— Албатта тузатамиз, сизга сўз берамиз, Турғун Иброҳимович!

Шерзод ўзидан ёш йигитни икки гапнинг бирида «Турғун Иброҳимович», деб хушомад оҳангида гапиришлари Вазирага хиёл ўнғайсиз туюлди.

Турғун Иброҳимович Шерзодга айтган шартини бошқарманинг тасдиғи ёзиладиган жойга ёзиб қўйди-ю, имзо чекди. Шу билан масъулиятни ўзидан бир қадар соқит қилгандай бўлди.

— Агар бу шарт бажарилмаса, жавобини сиз берасиз, ўртоқ Баҳромов,— деди.

— Хўп бўлади, Турғун Иброҳимович, хўп! Раҳмат сизга!

Вазира ҳам сўзини ерда қолдирмаган Турғун Иброҳимовга миннатдорчилик билдирди. Шерзод кабинетдан йўлакка чиққанда Вазирадан астойдил миннатдор бўлиб:

— Лекин жонимга ора кирдингиз-да,— деди.

— Яхшиликни бошқалар унутса ҳам биз унутмаймиз.

«Бошқалар» деган сўзда Аброрга қарши қаратилган аччиқ борлигини сезган Шерзоднинг қувончи яна бир даража ошди:

— Яшанг, Вазираҳон! Очигини айтганда, сиз эрингиздан ўн баробар тантироқсиз! Аброрни сиз эпақага келтириб одам қилиб юрибсиз. Бўлмаса...

Вазиранинг кўнглида ҳам шунга яқин фикрлар бор эди. Лекин буни четдан — бошқа одамнинг тилидан эшитганда нимасидир елгондек туюлди.

— Мақтов учун раҳмат, Шерзод. Лекин мен эрини ёмонлайдиган хотинларни ҳам ёқтирмайман.

Шерзод учун Вазиранинг эрига қарши бориб, лойиҳани шу туришида тасдиқдан ўтказишга ерданлашгани ҳам катта гап эди. Шерзод унга маҳлис кўзлар билан тикилиб:

— Ўғил бола жувонсиз-да, Вазира! — деди. — Олижаноблигингизга қойилман!

У хайрлашастиб, яна Вазиранинг қўлини лабла-рига босди. Бугун Вазира унинг бу қилигига монелик кўрсатмас эди.

Шерзодни қойил қила олгани Вазиранинг кўнглини кўтариб, ўзига ишончини оширгандай ва фикрини равшанлаштиргандай бўлди. У кабинетига қайтиб бораётиб, йўлакка очиладиган ойнабанд бир эшикнинг шишасига епиштириб қўйилган нақшин қоғозни кўрди. Метрога оид бояги ўйлари янги бир куч билан қайтиб келди. Москвадаги «Новослободская» метро бекатида рангдор шишалардан ишланган чиройли безаклар борлиги эсига тушди. Рангдор шиша мрамардан бир неча бор арзонга тушишини ўйлади.

Столи ёнига қайтиб келгандан кейин боя йиғиштириб кетган зиналоя лойиҳасини очди-ю, мрамар ўрнига рангдор шиша ишлатилиши мумкин бўлган жойларини чамалаб кўрди. Стол тортмасидан безак материалларининг хусусияти ва қиймати ёзилган китобни қидириб топди. Хомчўт қилиб қараса, габрога кетадиган ортиқча харажатни рангдор шишадан чиқариб олиш мумкин экан.

Вазира телефон трубкасини кўтариб, Комиссаровнинг номерини терди:

— Алексей Герасимович, эшитяпсизми?.. Ҳа, мен. Ҳаслимга бир идея келди... Деворларга қимматбаҳо Ғозгон мрамаридан ишлатадиган жойлари-

миз бор-ку. Шунинг баъзи жойларига, масалан, девор билан зинапоя бурилиб юқорига кўтариладиган жойига, мрамар эмас, рангдор шиша ишлатсак. Ичига чироқ ёқилса, нақшин паннога ўхшаб нурланиб турса...

— Мароқли таклиф! Рангдор шиша миллий нақшлар услубида берилса-а?

— Ҳа, унинг фонида мрамар зинапоя ҳам анча очилиб кетади. Энг муҳими, шиша мрамардан бир неча баробар арзонга тушади. Шу йўл билан тежалган маблагни габрога сарфласак, сметага бемалол сигар экан.

— Сигар эканми? Ҳисоблаб кўрдингизми? Вазира Бадаловна, ундай бўлса, рангдор шишадан қилинадиган паннонинг эскизини чизишга киришинг. Эскиз рангдор бўлсин. Чунки кўп жойларга кўрсатиб, тасдиқдан ўтказишимиз керак.

— Ҳўп, шу бугуноқ бошлаймиз.

Вазира трубкани қўйгач, оқ қоғоз ва рангли қаламлар олиб, стол устига терди. У рангдор нақшлар чизишни кичиклигидан яхши кўрарди. Миллий нақшлардан жуда кўп намуналар берилган сербўёқ суратлари бор бир китобни шу ерга олиб келган эди. Вазира китобни столнинг тортмаларидан қидириб кўрди, ўрнидан туриб, шкафни излади. Лекин тополмади.

Китобни ўтган ҳафта уйга олиб кетгани эсига тушди. Бу китоб ҳозир унга ниҳоятда керак. Лекин орага тушган дилсизлик унинг уйига борадиган йўлини тўсиб турибди.

Аброр ҳамон қўнғироқ қилмаяпти. Бутунлай онасининг томонига ўтиб олганга ўхшайди. Вазира қасдма-қасдига бир нарса қилгиси келди-ю, трубкани олиб, Шерзоднинг номерини терди. Қабулхонадаги қиз уни анча куттиргандан кейин телефонни Шерзодга улади. Вазира алланечук ийманган таяуш билан:

— Шерзод Исломович, яхши стиб бордингизми? — деди.— Мен бир... китоб туфайли телефон қилиман...

Вазира ҳамма архитекторлар яхши биладиган миллий нақшлар тўпламини айтган эди.

— Сиз учун албатта топамиз, Вазира Бадаловна! — деди Шерзод. Вазиранинг унга ҳам иши тушгани жуда ёқимли эди: — Қачонга керак?

— Қанча тез бўлса шунча яхши. Ишим шунга қараб турибди.

— Э, ундай бўлса мен ҳозироқ топтираман. Болалар бор... Кейин ўзим элиб бераман.

— Мен ўзим бориб оларман, Шерзод...

— Машинангиз йўқ, Вазираҳон, овора бўласиз.

— Бўлмаса, топилганда телефонлашайлик. Мен пастга тушиб тураман.

— Бўпти, менинг қўнғирогимни кутинг.

Вазира трубкани қўйиб соатига қаради. Кеч соат тўрт ярим. У бир соатча телефон жиринглашини кутди. Ниҳоят, иш соатлари тугай деганда Шерзод телефон қилди:

— Вазираҳон, кутиб қолган бўлсангиз кечиринг. Уйдан топтириб олиб келдим. Ҳозир йўлга чиқяпман.

— Бўлмаса мен пастга тушиб тураман.

Вазира шундан нари уйга кетмоқчи бўлиб, жажжи оқ сумкасини ҳам қўлига олди. У оқ ипак кофта ва оқ сумкага мос қилиб, оёгига чиройли оқ босоножка кийган, фақат юбкаси қизғиш рангда ва бу ҳаммаси унга жуда ярашиб турар эди. Пастга тушаётиб, ойнага бир қараб олди-да, юзига озроқ упа суртиб силлиқлади.

Шерзод аллақачон етиб келиб, бино соясида уни кутиб турган экан. Вазира яқинлашиши билан машинасидан рангдор муқовали китобни олиб тушиб келди ва уни Вазирага икки қўллаб тутди. Вазира унинг кўзларига майин тикилиб, сидқидилдан раҳмат айтди.

— Иш кўни ҳам тугади, энди кечки салқинда уйда ишларман,— деб Вазира китобни авайлаб қўлтигига қисди.

— Уйга кетяпсизми? — сўради Шерзод ундан.

— Йўқ, ҳозир... ойимнинг уйларига бормоқчиман...

— Машинада олиб бориб қўяй?

— Йўғ-е, мен учун шунча овора бўлганингиз ҳам етар!

— Э, нима, оворагарчилиги бор? Қани, ўтиринг!..

Шерзод Аброрнинг ҳам машинаси борлигини ва хотинини ишдан олиб кетишга келишини биларди. Вазира ҳозир шуни айтиб, Шерзоднинг машинасига

чиқмаслиги мумкин эди. Лекин Вазиранинг авзойи бугун бошқачароқ. Балки эри билан хафалашиб қолгандир? Шерзод буни аниқроқ билиш учун машинасининг олдинги эшигини очиб, Вазирани яна ўтиришга таклиф қилди. Ўтирса, демак, бугун эрининг машинасини кутмайди.

— Қани, Вазираҳон, бир марта бизнинг машинада ҳам юриб кўринг? — такрорлади Шерзод.

— Одатга биноан, — кулимсираб деди Вазира, — олдиндаги ўринда маҳрамингиз ўтириши керак.

— Шундайми? Бўлмаса, марҳамат, орқа ўриндиққа чиқинг, — деб Шерзод кейинги эшикни очиб берди.

Машинанинг ич-таши ялтиратиб артиб тозаланган, ўриндиқ ғилофлари ҳам озода ва янги. Шерзоднинг ўзи ҳам бугун жуда очилиб кетган. Вазира орқа ўриндиқнинг ўнг томонига чиқиб ўтиргач, Шерзод у кирган эшикни секин ёпди.

Марказдан ўтиб Шота Руставели кўчасига қараб бораётганларида Вазира ундан:

— Ўртоғингиз яхши юрибдиларми? — деб сўради.

— Э, сўраманг! Уйда кам бўлади. Ҳозир Олмаотага гастролга кетган. Уйда бир ўзим. Бизнинг квартирани ҳали кўрмагансиз-а?

— Йўқ.

— Мана шу марказда. Бир кириб ўтамизми?

Шерзоднинг ҳеч ким йўқ квартирасига бориш — жуда ҳаддан ошиш бўлишини сезган Вазира:

— Раҳмат, ҳозир ойим мени кутиб ўтирган бўлса керак, — деди.

У Абдор тўғрисида атайлаб гапирмасди. «Балки эр-хотин уришиб, Вазира ойисиникига кетиб қолгандир?» деган тахмин Шерзоднинг хаёлига энди келди. Агар шундай бўлса, Вазира ҳам Шерзодга ўхшаб ёлғизсираб юргандир?

— Вазира, мен уйда ўша Бўзсувга оид лойиҳамизни ишляяпман. Сиз бизга соавтор бўлишингиз кераклигини Наби Садрисвичга айтиб қўйганман.

Вазира бу гапга қизиқиб сўради:

— Наби Садрисвич нима деди?

— Қарши эмасман дегандай қилди. Энди фақат ўзингизнинг рози бўлишингиз қолди. Биз оғиз розиман дея қолинг, а, Вазира?

Вазира иккиланарди. Кўнглини ҳали ҳам Аброрга боғлаб турган ришталар гўе таранг тортилиб, қандайдир хатардан огоҳлантираётганга ўхшади. Сўз билан изоҳлаб бўлмайдиган аллақандай хавотирлик ва хайиқиш ҳисси унга эрк бермаётгандай бўларди. Вазира ҳозир эркин ва дадил бўлишни истарди, Шерзод ҳам уни шунга ундамоқда эди. Аброр уни шунчалик хафа қилиб, яна икки кундан бери ўз ҳолига ташлаб қўйгани озми? Нега энди Вазира ундан бунчалик ҳайиқиб, ипсиз боғланиб юриши керак?

Шерзод ҳам Вазирадаги иккиланишнинг сабабини сезгандай майин кулимсиради. Машинасини қизил чироқ олдида тўхтатар экан:

— Ё эрингиздан рухсат сўрайсизми, Вазира? — деди.

Вазирага ўзидаги иккиланиш ва хайиқишлар эркакнинг чўриси бўлиб ўрганган илгариги муте аёлларнинг кўр-кўрона итоткорлигидай хунук кўринди. Мутелик сарқитларини қалбидан бутунлай қувиб юборгиси келди. Шунинг учун Шерзоднинг юзига дадил боқиб:

— Мен бошқа нарсадан иккиланипман, — деди.

— Нимадан?

— Соавторликнинг юкини тортишга кучим етмас керак.

Шерзод бирдан енгил тортиб:

— Камтарлик қилманг, Вазира! — деди. — Сиз ҳеч қандай оғир юк тортмайсиз. Ҳамма майда иш-ни ўзимиз қўламиз. Сиз лойиҳа бўйича яхши фикрлар бердингиз. Шунинг ўзи етади. Энди соавтор бўлиш учун бир оғир «ҳа» десангиз бас!

Светофорда яшил чироқ ёнди. Орқадаги машиналар сабрсизлик билан дудутлай бошлади. Лекин Шерзод буларнинг ҳеч бирига эътибор бермай, Вазира томонга ярим ўтирилди-ю, ўнг қўлининг кафтини очиб унга тутди:

— Хўп, денг, Вазира. Мана, менинг қўлим!

Дудутлаш билан ҳам Шерзодни қўзғатолмаган орқадаги шоферлар машиналарини асабий, буриб, уни айланиб ўтар эканлар, Вазира икковига олайиб қараб, бир нарзалар деб жеркишди. Лекин бу жеркишлар Вазиранинг қулоғига ҳам кирмас, унинг хаёли бошқа ёқда эди.

Шерзод унинг уйқусиз тунлардан анча сўлиб қолган юзига, ёши қирқларга яқинлашганини билдириб турган бақбақасига, томири бўртган қўлларига кулимсираб тикилар экан, кеча тунда кимсасиз уйига олиб бориб, азонгача бирга ётган йигирма бир яшар кўҳлик қиз эсига тушди. Бугун ҳам уй бўш, лекин нарёқда битта телсфон қилса келадиган бадани таранг ёш қиз турганда, Вазира бугун Шерзодникига боришга кўнмагани яхшиям бўлди. Шерзодга унинг танаси керак эмас, руҳи керак, Аброр Аъзамовга қарши чизилган лойиҳага шериклиги керак. Шунинг учун ҳамон ярим ўтирилган қолда кафтини тутиб, илтимоскорона кулимсирарди:

— Хўп денг энди, Вазира!

Вазира уни яна бир қойил қилгиси келди-ю, қўлининг учи билан Шерзоднинг кафтига енгилгина урди:

— Ҳа, хўп! Бўлдими энди?

Шерзод унинг қўлини қўйиб юбормай, бўйинини чўзди-да, Вазиранинг бармоқларини лабига босди:

— Раҳмат, Вазира! Мен сизга бош эгиб таъзим қиламан. Ботир жувоксиз!

Шундан сўнг Шерзоднинг машинаси ҳам эгасидаги қувончдан руҳлангандай жойидан енгил қўзгалди-ю, кўча бўйлаб гизиллаб кетди.

Вазира орқа ўриндиққа ёстаниб жим борар экан, кўчадан эмас, катта бир дарёдан ўтиб бораётгандай бўлар, Аброр ҳам, бешик тўйдан чиққан хафачиликлар ҳам дарёнинг нариги қирғоғида қолиб кетаётгандай туюларди. Дақиқа сайин узоқлашаётган нариги қирғоқдаги араалар, дилсиёҳликлар тобора кичрайиб, гўё ўз аҳамиятини йўқотиб борарди. Энди Шерзод билан ҳамкорликда амалга оширишлари керак бўлган Бўзсувга оид лойиҳа унинг кўз олдини қоплаб, бутун хаёлларини банд қила бошлади. У ҳамон мутелик аломати деб қалбидан қувишга тирришаётган ҳайиқиш ва ийманиш туйғулари хира тортиб, чигал бир гашликка айлангандай бўлди.

• • •

Аброр кечадан бери ўрнидан туролмай қаттиқ иситмалаб ётибди. Бугун кечқурун уни кўришга келган укаси Шокир:

— Ака, нима бўлди сизга? — деб пешанасига қўлини қўйиб кўрди. Ҳарорати жуда баланд. Аброр бир нарса демоқчи бўлган эди, овози чиқмади. Шокир унинг устига энгашди. Аброр қаттиқ гапирса ҳам овози шивирлагандай чиқди:

— Вазирага ноҳақ бақирганим учун... овоздан айрилдим... Жазо ёмон бўлди, ука!

Аброр кулимсирашга тиришарди, лекин лаблари жилмайишга келмай титрарди. Шокирнинг кўзлари намлангандай бўлиб, йилтираб кетди. Аброр яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин йўтал тутиб, гапиролмади. Бутун гавдаси йўталдан силкиниб, лаблари кўкариб кетди.

Шокир эшик-деразалар ланг очиқ турганини кўрди-да, ёпмоқчи бўлди. Шунда Аброр қўли билан ёпма ишорасини қилди. Шивирлагандай паст, хирри товуш билан:

— Ҳаво этишмаяпти...— деди. Унинг аҳволи ёмонлигини кўрган укаси нима қилишини билмай саросимага тушди:

— Елвизак бўляпти-ку... Нима қилай бўлмаса?..

Аброр қўли билан стол устида турган қизгиш шишадаги дорини кўрсатди. Шокир шишачани очаётганда димогига валерианка ҳиди урилди. Қаттиқ шамоллашга қўшилган йирингли ангина ва баланд ҳарорат Аброрнинг юрагини жуда беҳаловат қилмоқда эди. Бошини кўтарса кўнгли беҳузур бўларди. Доктор бошқа дорилардан ташқари юракни сал тинчлантирадиган «Зеленин томчилари»ни ҳам буюрган эди.

Шокир рецептга қараб, чой қошиқча йигирма томчи дори томизди-да, илиқ сув билан бирга Аброрга ичирди.

— Адам укол қиладиган... ҳамшира излаб кетувди,— деди Аброр эшитилар-эшитилмас товуш билан.— Тополмади, чамаси.

— Мен бориб, қўшни ҳамширани чақириб келайми? — деди Шокир.

Аброр тасдиқ маъносида бош ирғади. Стол устида укол қилинадиган дорилар қатор бўлиб турибди.

Ҳанифа хола бир пиёла илиқ сут олиб кирди. Лекин Аброр сут ҳидидан кўнгли беҳузур бўлиб, бош чайқади. У икки кунда ўзини шунчалик олди-

риб қўйгани, ўпкасига бир нарса бўлгандай қийналиб нафас олиши, жуда ёмон йўталиши Ҳанифа холани қаттиқ хавотирга солмоқда эди.

Кўп ўтмай Шокир укол қиладиган ҳамширани бошлаб келди. То ҳамшира шприцга дори олгунча Аброрни ички хонадаги тоза чойшаб тўшалган каравотга ўтказмоқчи бўлишди. Икки томонидан ойиси ва укаси суяб бораётган бўлса ҳам, бир неча қадамлик масофани босиб ўтгунча кўзи тиниб, боши айланиб кетди. Ҳанифа хола ўглининг кўкариб, саргайиб кетган пешанасидан, бўйнидан совуқ терни дока билан артиб олар экан, «йигит кишининг мункиллаган чолга айланиб қолиши ҳеч гап эмас экан», деган гап кўнглидан ўтди. Ҳанифа хола ўглининг бунақа қаттиқ касалланишини йигирма-ўттиз йилдан бери ҳеч кўрмаган эди. Аброр томоқ оғриғини тан олмас, вирус гриппнинг энг оғир эпидемиялари пайтида ҳам бир кун-ярим кун аксириб юриб, иситма чиқармай, тузалиб кетавсарди. «Касал бўлмай юриб қаттиқ учинган одам мўрт бўлади, худо ўзи ас-расин-да!» деб қўйди хола ичида.

Аброрга аввал юракни бардам тутадиган доридан, кейин пенициллин билан стрептомициндан укол қилишди. Ҳамшира:

— Энди иситмалари пасайса керак,— деб эрталаб яна келадиган бўлиб кетди.

Лекин Аброр кечаси ҳам куйиб-ёниб, ухлай олмай чиқди. Шокир унга яна бир марта термометр қўйиб, иссиғини ўлчаб кўрди. Ҳаттиз тўққизу олти. Укасининг безовталанганини сезган Аброр хириллаб:

— Неччи? — деб сўради.

Шокир уни хавотирлантирмаслик учун:

— Сал тушибди, ўттиз саккизу олти,— деб ёлгон гапирди.

Нариги хонада Ҳанифа хола билан Аъзам ота ҳам ухлай олмасдан ўтиришган эди. Шокир чиққанда кўзлари билан «қалай?» деган саволни беришди. Шокир Аброрга эшитилмайдиган паст товуш билан укол ҳам фойда бермаётганини айтди.

— Энди нима қиламиз? — деди Аъзам ота.— Вазирани чақирсакмикан? Танмахрами-да. Биздан яхшироқ қарармиди?..

— Яхшироқ қарагани шуми? — тазаб билан шипшиди Ҳанифа хола.— Бешик тўйимни писанд қилмай ташлаб кетди! «Келинларинг қани?» деб ҳамма сўрайди. Болам бечора нима дейишини билмайди! Уят ўлимдан ёмон! Аброр уялганидан касал бўлди! Боламни хотинчаси шу кўйга солди!

— Э, қўй шу гурватни! Ўзинг ҳам Аброрни тўрт томонга югуртириб, киракаш шофёрдан баттар қийнадинг! Келин бечора ҳам айтди, «ойижон, менга раҳмингиз келмаса, ўғлингизга раҳмингиз келсин!» деди.

— Ўзи раҳм, қилибдими, жуда? Шундай пайтда «бор-е!» деб ташлаб кетгани раҳм қилганими?

— Аёл зоти ўзи шу!

Аъзам ота Шокирга:

— Сен эрталаб ишга борасан, кириб мизғиб ол,— деди-да, ўзи Аброрнинг олдига кириб, тонг отгунча мижжа қоқмай чиқди. Аброр кўзини юмиб ётган бўлса ҳам, иситманинг баланглигидан ухлай олмас, ҳар замонда сув сўрар эди. Аъзам ота термосдаги илиқ обжўшдан пиёлага қуйиб унга ичирар, кўнгли беҳузур бўлганда чаккаларини қўли билан тутиб турар, шунда Аброр хиёл енгил тортарди.

Ҳанифа хола Аброр кичиклигида касал бўлса қиладиган дори-дармонларини эслаб, исирик солди, кейин сув қайнатиб келиб, Аброрнинг елкасига, томоғига, кўкрагининг юракдан узоқроқ жойларига иссиқ горчичник қўйди. Аброр энди кўзини очиб:

— Ада, мен дурустман, бориб ухланг,— деди.

Аmmo унинг иситмаси баланд, нафас олиши ҳамон оғир эканини кўриб турган Аъзам ота туни бўйи Аброрнинг олдидан кетмади. У Абрордан: «Вазирани чақиринг!» деган гапни кутарди. Тонг отди ҳамки, Абрордан бу гап чиқмади. Эрталабки уколдан кейин у озгина сут, асал ичди, овози хиёл очилгандай бўлди. Шунда Малика билан Зафарни эслади.

— Бугун болалар лагердан келадиган эди, ада.

— Бўлмаса, мен бориб кутиб олай,— деб Аъзам ота ўрнидан турди.

• • •

Туш пайтида тўққиз қаватли улкан бинонинг олдидаги кенг майдонга қатор автобуслар кириб келди.

Деразалардан қўл силтаб, кулиб ўтаётган болаларни гуж-гуж ота-оналар кутиб турар, уларнинг орасида Вазира ҳам бор эди. Кўзи ҳам, хаёли ҳам автобуслар тўла болаларда бўлгани учун, Вазира майдоннинг бир четида, кўпчиликдан четроқда хомуш турган Аъзам отани кўрмади. Офтобда қорайиб пишган Зафар билан Малика ойиларини икки ёнидан қучиб, ўпишиб кетишди. Кейин чамадонча билан букюм халталарини қўлларига олишиб, енгил машиналар турган томонга бурилганларида Зафар бирдан:

— Ойи, қаранг, бобом ҳам кептилар! — деди-ю, ўша томонга югурди.

Сариқ жужунчадан китель-шим, қўнғир брезент этик кийган оплоқ мўйлови ва калта оқ соқоли ўзига ярашган хипча бўй, барваста Аъзам ота чопиб келаётган неварасига интилди. Чўккалагандай бўлиб, бўйини Зафарга тенг қилиб, қучогини унга очди. Маликани елкасидан қучиб, пешанасидан ўпиб кўришди.

Вазира қайиотасидан аллакечук қайиққандай бўлиб, икки-уч қадам нарида туриб сўрашар экан, Аъзам ота унинг юзида қандайдир сўлгинлик ва маҳзуунлик борлигини сезди.

Зафар енгил машиналар орасида отасининг олча ранг «Жигули»сини кўзлари билан қидирди, лекин тополмади. Аъзам ота уларни кўкиш рангли таксига қараб бошлади.

— Дадам қанилар? — деб сўради Малика ойисидан. Вазира қовоғини уйиб ерга қаради-ю, ҳеч нарса демади. Зафар бобосига савол назари билан тикилди.

— Болаларим, Аброр қаттиқ учиниб ётиб қолди, — деди. — Иситмаси қирққа чиқди. Овози йўқолиб, телефонда ҳам гаплашолмайдиган бўлиб ётибди.

Аъзам ота бу гапларни айтаётиб, Вазирага кўз қирини ташлаб қўйди. Вазира жаҳл устида кўп нарсани хаёлидан ўтказган, лекин эрининг бунақа касал бўлишини кўз олдига келтирмаган эди. Аброрнинг «томоғим қириляпти» деб, яна холодильникдан совуқ нарсалар олиб ичиб юрганини энди эслади. Эри бу аҳволда ёрдамга муҳтож бўлиб ётган пайтда Вазира Шерзоднинг машинасида қанақа халлар билан юрганидан энди хижолат бўлди.

Машинага кириб ўтирганларидан кейин:

— Дада, мен болаларни оймнинг олдиларига олиб кетмоқчи эдим,— деди Вазира. Аъзам ота дарҳол рози бўлди:

— Хўп, қизим, Зумрадхоннинг уйлари ҳам бизга бегона эмас. Бораверамиз.

Лекин болалар нариги бувиларининг сершовқин уйларини унча суймас эдилар. Зафар афтини буриш-тирди:

— Ойи-и, ўзимизнинг уйга борақолайли-ик!..

— Дадам касал бўлса аввал у кишини бориб кўрайлик! — деди Малиха ҳам.

Вазира жавоб беравермагач, Аъзам ота яна унинг кўнглига қараб деди:

— Болаларим, бувиларингнинг ёши катта, майли, аввал у кишини бориб кўрайлик. Такси бирпас кутиб турар.

Мўйловдор семиз таксичи:

— Ота, кутишга вақтим йўқ, бошқа такси тутар-сизлар,— деди.

Вазира энди ўнгайсизланди:

— Хўп, дада, бўлмаса уйга бораверайлик.

Аъзам ота таксичига Абзорларнинг адресини айтди.

Эшик очилиб, уйга кираётганларида Вазира учун энг мушкул иш — қайнонаси билан яна юз кўришиш эди. Шунинг учун у аввал болаларига йўл берди.

Невараларини соғиниб юрган Ҳанифа хола уларни бағрига босиб:

— Вой, айланай Зафардан, вой, Малика қизга жоним тасаддиқ!— деб қувониб кетди.

Ерга қараб салом бериб кирган Вазирага:

— Қаерларда юрибсиз, келинпошша!..— деди.
—Бешиктўйни бузишингизга сал қолди-я.

Аъзам ота орага тушди:

— Бешиктўй бузилгани йўқ, жуда яхши ўтди. Энди невараларингга қара! Абзор қалай?

— Азоб тортиб ётибди, болам бечора! Доктор келиб касалхонага олиб кетмоқчи бўлди! Бир кунга зўрга рухсат олдик.

Бу гапларни эшитган Вазира учун Абзор ётган хонага кириб бориш бениҳоя оғир эди. Лекин бу гал ҳам болалар унинг аҳволини снгиллатишди — дадаларининг олдига чолиб боришиб, тоғ ҳавосига қўшиб

олиб келган мусалфа ҳувноқликлари ва маъсумлик-лари билан икки орадаги хафагарчилик губорини тарқатиб юборгандай бўлишди...

Уша куни кечаси Аброр дуруст ухлади, эртаси куни иситмаси тушиб, овози очилди... Орадан яна ўн кунча ўтгандан кейин машинасига миниб ишига кетди. Эртаси куни кечқурун картон қутига солинган бир нарсаларни кўтариб қайтиб келди.

— Бу сизга, хоним,— деб кулимсираб қутини Вазирага берди.

Малика ойиси билан қутини очиб қарашса, ундан чиройли қирмизи чойнак, ўша рангдаги олтита пиёла, битта коса ва битта лаган чиқди.

— Энди гуноҳимиздан ўтарсиз?!— деди Аброр.

Вазира кўпдан бери бунақа сервисга ҳавас қилиб юрар эди.

— Майли, ўтдик, яна чинни синдираман десангиз, мана, энди лагани ҳам бор!

Шу билан улар ярашгандай бўлдилар. Лекин Вазира бу ярашишнинг юзакироқ эканини сезарди. Икковининг юрагида ҳам ўшандаги жанжалнинг асорати қолган, уни бутунлай йўқотиш учун кўнгилларини очиб гаплашишлари керак эди. Лекин Вазира энди Аброрга илгаригидай кўнглини очиб гапиролмас, чунки Шерзод билан шерикчилик иш қилаётганини эри биллиб қолса яна хафачилик бошланиши мумкин эди.

Бусиз ҳам Аброрнинг юрагида нохуш ўзгаришлар юз берган, электрокардиограмма уч марта ёмон чиққан, врач унга ичиш, чекишларни қатъиян ман қилган эди. Сўнгги пайтларда Вазиранинг қон босими ҳам кўтарилиб кетган экан. Бошининг орқаси оғриб, кўзи алланечук жимирлаб, тинадиган бўлиб қолганини врачга айтган эди, қон босимини текшириб кўриб, дарҳол укол буюрди.

— Айниқса пасткиси ёмон, юз ўнга бир юзу олтамиш, эҳтиёт бўлинг!— деб огоҳлантириб кетди.

Эр-хотин икковининг бошқа ташвишлари устига энди мана бу касалликларга чал бериш, таналарига кириб жойлашиб олган ва аъзолар бўшашганда яна йиқитишга тайёр турган бу ички душманга қарши чора топиш ташвиши ҳам қўшилди. Бу чоралардан энг биринчиси — асабий гапларни қўзғамаслик, уруш-жанжаллардан узоқ юриш эди. Шунинг учун

Вазира мураккаб нарсаларни Аброрга атайлаб айтмас эди.

Нарекда Шокир ҳали ҳам Нигора билан учрашиб юрибди, икковининг турмуш қуриши аниқ эканини, эртами-кечми Аброр Шерзодга қариндош бўлишини Вазира биледи. Ана ўшандан кейин Вазиранинг Шерзод билан соавтор бўлгани Аброрга унча қаттиқ ботмаслиги мумкин. Шу сабабли Вазира Шокир билан Нигоранинг тўйи тезроқ бўлишини истарди. Лекин бу тўй нуқул орқага сурилмоқда эди — Бўрижар бўйидаги участка ҳамон битмай ётар, келин туширадиган уй йўқ эди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Аъзам ота тўрт кундан бери Аброрларнинг уйига келмайди, кундузлари участкада ишлаб, кечаси ўрикнинг тагидаги супада ётиб қолади. Сумбуланинг ярми ўтиб, тунлар совиб қолди. Отасидан хавотирланган Аброр ишдан сўнг уни кўргани борди.

Аввал ташландиқ бўлиб ётган ҳовлининг атрофига хом гиштан одам бўйи девор кўтарилган. Шокир ёз бўйи қуйган хом гишталар қуририлиб, девор тагларига териб қўйилган. Аъзам ота серсоя ўрик тагига янги сувоқдан чиққан супа қуриб олган. Супадан наридаги ер пол қилиниб, укроп, кашнич, петрушка экилган. Ҳозир ҳаммаси қулф уриб кўкариб турибди. Янги олинган ариқ бўйларига ҳафсала билан қатор қилиб суқилган тол таёқлари аллақачон кўкариб, бир қарич келадиган нозик новдалар чиқарган.

Аброр буни кўриб, отасининг қўли гуллигига ичида қойил бўлиб қўйди. У боя келаётиб, отасига уйдан иссиқ сомса олиб чиққан, йўлакай бозорга кириб, учтўртта нон, бир кило қўй гўшти олган эди.

Супадан нарироққа ўчоқ қуриб олган Аъзам ота пайраҳадан олов ёқиб, гоҳ ўзига чой қайнатар, гоҳ декчани қўйиб, шўрва пиширарди.

Бугун Аброр борса, Аъзам ота энди ишдан бўшаб, супага белбогини ёзиб, намоз ўқиётган экан. Аброр ўчоққа ўт ёқиб дарров чойга уннади.

— Келганинг яхши бўлди, Аброржон, маслаҳатлашадиган гап бор эди,— деди Аъзам ота намоз ўқиб бўлгандан кейин:— Бу участкани тезроқ битир-

масак, қиш келиб қоляпти. Эшик, дераза, ром — ҳаммасига пул керак... Нарирогимизда битта қурилиш бўляпти. Шунга тунги қоровул керак экан.. Ойига саксон сўм... Ишга кирмоқчиман.

— Кечасию кундузи тиним билмай, ўзингизни уринтириб қўясиз-да, ада. Пенсия оласиз-ку, бўлади-да. Қолганиг мана... биз бормиз.

— Сенинг ҳам юкинг огир, ўғлим. Пенсиянинг устига ҳар ойда саксон сўм толиб турсам, битта эшикми, деразани олишга ярайди-ку. Ҳарна-да. Мен кетмон чопармидим. Бу ерда ётмайману қурилишга бориб ётаман.

— Майли, тагин ўзингиз биласиз.

Аброр отасидаги бағри кенглик ва фидойилик онасида йўқлигини ҳозир яна бир марта сезди-ю, ўзича таажжубланиб қўйди.

Аъзам ота меҳнатдан қорайиб, озиб, ёноқлари ичига ботиб кетган, соч-сақоли оппоқ оқарган. Ҳанифа хола унга тенгдош бўлса ҳам ҳали жуда бардам, сочининг оқидан қораси кўп, ҳамма тишлари бутун. Чоли юкнинг огирини ўзига олиб, фидокорлик кўрсатгани сари, кампири эркаланиб, жонининг роҳатини ўйлайдиган бўлиб қолармикин?

— Ада, ишга ҳам борадиган бўлсангиз, сизга жуда қийин бўлиб кетса керак. Ойим бескорчиликдан зерикиб гиди-биди гапни кўпайтирадиган одат чиқаряптилар. Бирда-ярим келиб, сизга қарашиб турсалар дуруст бўлармиди. Эртага ойимни олиб келиб қўйиб кетайми?

Аъзам ота ажин босиб, терлаб кетган бўйинини қашиди-ю;

— Йўли узоқ,— деди.— Ҳали бошпана йўқ. Аёл киши лойга аралашиб юрса яхши эмас. Ойингни қўй.

Аъзам ота хотинига огир юк кўтартирмайдиган, суя ташитмайдиган, ўтин срдирмайдиган илгариги олижаноб йигитлардан бўлгани Аброрнинг эсига тушди. Отаси шу йигитлик одатини етмиш ёшида ҳам сақлаб қолганини кўриб, ич-ичидан унга нисбатан илиқ бир ҳурмат ва меҳр сезди.

— Якшанба кuni бўшмисан?— сўради Аъзам ота ундан.

— Нима, иш бормиди?

— Шокирнинг бирга ишлайдиган қурувчи ўртоқларини ҳашарга айтсак деган эдим. Ҳалиги иккита қўйдан биттаси турибди. Шунини сўямиз. Ана ўшанда оининг билан келинимиз овқат-повқатларига қарашгани келишса яхши бўлади.

— Бўпти, ада, биз ҳаммамиз ҳашарга келамиз.

Маслаҳат билан ҳашарчиларга аёллар катта кастрюлькада қаттиқлик угра ош пишириб келадиган, паловни шу ерда қиладиган бўлишди.

Аброр якшанба кунини азонлаб ойсини, Вазира билан Зафар — учовларини машинасига солиб, аввал Кўкчанингни бозорига борди. Йигирматача ёпган нон, узум, қовун-тарвуз, картошка, пиёз, зиравор — ҳаммасини шу ердан олди-да, йўлакай магазинга ҳам кириб ўтди.

Ҳашарчилар йигилгандан кейин Аъзам ота қўйни кулликлади.

— Йигитлар, шу жонивор сизларга насиб қилган экан,— деди-да, фотиҳа учун қўлини очди:— Қани, омин, шу янги жойда ёмонлик кўрмайлик! Бу ердан ўтган арвоқларни худо раҳмат қилсин! Оллоҳу акбар!

Ота қўйининг бўғзига пичоқ тортаётганда Зафарнинг кўзи жавдираб кетганини Аброр сезди-ю, ўглини қўлидан ушлаб, нарёқ томонга бурди:

— Ёшларни кўрдингми? Ҳозир унинг ҳаммаси деворга айланади,— деб уни алаҳситди.

Шокир билан бирга келган ўн тўртта йигитнинг фақат иккитаси қурилишда ёш терувчи бўлиб ишлар, қолганларининг бири электр пайвандчи, бири тунукасоз, бири бўёқчи, уч-тўрттаси мрамар билан ишлайдиган сангкорлар эди. Улар илгари санъат саройини қуришда иштирок этишган, ҳозир Шокирнинг бригадасида Хадра майдонида циркнинг янги биносини қурмоқда эдилар. Ўта замонавий қурилишларда катта малака орттирган ва нозик техника билан иш кўрадиган бу ёшларга хом ёшлардан девор кўтариш галатироқ туюларди. Шундай бўлса ҳам, уларни ҳурмат қилиб қўй сўйган нуруний мўйсафиднинг астойдил кўнглини олгилари келди-ю, баъзилари оёқ яланг бўлиб, лойга тушишди, баъзилари ёш ташинишга ва девор кўтаришга киришди.

Аброр челаққа кетмон билан лой солиб бера бошлади. Шокир ёш термоқда эди. Бу иш қўлидан

келадиган яна учта йигит топилди. Тўрт киши тўрт томоннинг деворига шипиллатиб ғишт тера бошлади. Уларнинг ҳазил-ҳузул билан кулиб ишластганларига Зафарнинг ҳам ҳаваси келди-ю, ғишт ташишга тушди.

Аброр учига тош боғланган каноп ил билан деворларнинг қанчалик тўғри бўластганини ҳар замонда бир текшириб қўяр эди. Бундан юз чандон нозик ишларни қилиб ўрганган қурувчилар эшик ва деразаларнинг ўрнини бехато белгилаб, деворларни сикдай тўғри қилиб кўтармоқда эдилар.

Ҳовлининг брезент тутилган нариги четида Вазира билан Ҳанифа хола қўйнинг гўшtidан тўграб, қовурдоқ қиластгани ва сабзи тўграшастгани капирнинг шақирлашидан ва пичоқнинг тахтага тик-тик урилишидан билиниб турарди. Аъзам ота эса супанинг нарёғидаги кичик ўчоқда чой қайнатар, ешларнинг гайратидан завқланиб:

— Баракалла, ўғилларим! Қўлларинг дард кўрмасин! Оталарингга раҳмат!— деб қўярди.

Йигитлар тушга яқин бирпас дам олишди. Аброр машинасининг багажнигига солиб келган каттакон қўнғир кастрюлька муздай қатиқли оши билан сояда турган эди. Вазира сочиққа ўралган коса-товоқларни катта сумкага жойлаб, ҳаммага етадиган қилиб олиб келган экан. Косани тўлдириб, найин қошиғи билан Аброрга берди. Аброр уни супада чордана қуриб ўтирган отасига узатди. Кейин бошқалар ҳам супа четида лой оёқларини пастга қилиб ўтириб, суюқ ош ича бошладилар. Совутилган қатиқли угра қизишган одамларнинг таптани олар, баъзи йигитлар кула-кула «дабавка» сўраб ичишарди.

Зафарга коса ва қошиқ етишмай қолди. Кейин у Шокир амакиси билан бирга косанинг лабидан ичишга тушди. Шунда узун угра хамирининг учидан сачраган қатиқ бурнига ва юзига тегиб, ҳаммани кулдириди. Суюқ ошдан кейин бир-икки пиеладан чой ичишди.

— Қани, жўралар, бугун шу деворларни битириб кетмасак бекор!— деди барзангидай қоп-қора бир йигит.— Тўртта ғишт терувчи тўрт томонини баравар бўлиб оламиз. Одамларнинг ҳаммаси тўрт командага бўлинсин. Ким ғишт етказиб беради, ким лой етказиб туради — ҳаммаси аниқми?

— Аниқ!— деди Шокир.— Аброр ака, сиз лойиҳачисиз, ўлчовга устасиз, ҳар бир гишт терувчининг чегарасини белгилаб беринг.

— Бупти!— Аброр кулиб, учига тош боғланган ип билан деворларни тўртта тенг бўлакка бўлди.

— Ана энди ким ўзарга ўйнаймиз, жўралар,— деди қора йигит.

— Ютганларга палов, ютқазганларга карам шўрва!— деди Шокир. Ҳаммалари гурр этиб кулишди.

— Паловнинг сиида қирқ даражалигидан ҳам бўлади, йигитлар!— деди Аброр.

— Ундай бўлса, ютқазганлар лимонад ичар эканда!

Яна «гурр» кулди. Одамларнинг вақти чоғ. Тама-сиз, бегараз бир иш қилаётганларини сезишиб, байрам кайфияти билан ишлашади.

Кечга бориб тўрт томоннинг девори ҳам одам бўйи кўтарилиб, эшик-деразаларнинг ўрни тайёр бўлиб қолди. Бу орада озроқ дам олиб, картошка аралаш қовурдоқ сийишди, чай ичишди-ю, ош дамлангунча яна бир зўр беришди. Кун ботгунча деворлар уй шаклига кириб, ичига одам кирса кўринмайдиган бўлиб қолди.

— Раҳмат, ўғилларим, барака топинглар, энди бўлди қила қолинглар!— деди Аъзам ота.

Йигитлар бир-бирларига сув қуйиб ювинишди, коржомаларини сечишиб, тоза кийимларини кийишди ва сула атрофига тизилиб ўтиришди. Сояда турган яшил сумкада шишалар бор эди. Аброрнинг ишораси билан Шокир сумкани супанинг олдига кўтариб келди ва отасига ийманиброқ қараб қўйди.

— Баҳузур хурсандчилик қилаверинглар,— деди Аъзам ота.— Сизлардай пайтимизда биз ҳам бу зормондадан отиб турганмиз.

Яна гурр этиб кулишди-ю, ошдан олдин бир пиёла-ярим пиёладан оқ ичишди. Лекин нарсада аёллар, бу ёқда Аъзам ота уларни анча босиб тургандай бўлар, яна ичгиси келганлар ҳам ўзларини тийишар, маст бўлишдан қўрқишар эди.

Деворлар деярли битган, яна икки-уч қатордан гишт териб, кейин старопилга уннаса бўлаверар эди. Аъзам ота томини ёпиш ва эшик-деразани қўйишга уста ёлламоқчи эди.

— Одамжаҳон иш бир кунда битди-я! Э, кўпчиликка балли!— деб қатта Ҳанифа хола ҳам бугунги ҳашардан жуда мамнун бўлмоқда эди.

Шокирнинг қурувчи ўртоқлари эса кун ичида бўйи бир қўйнинг гўшtidан зиёфат еб, катта иззат-икром кўрганларидан шод эдилар. Шу тарзда икки томон ҳам бир-бирларидан хурсанд бўлиб тарқай бошлашди.

Шокир шу ҳовлида қолди. Аъзам ота кечаси қорувлик қиладиган жойига кетди. Аброр аёллар йиғиштирган идиш-товоқларни ва қўйнинг гўшtidан қолганини каллапочаси билан бирга машинага жойлади.

— Зафаржон ҳам роса қарашди-я, буving айлансин сендан!— деб Ҳанифа хола неварасини қучиб, чаккасидан ўпди. Бугун кун ичида қовлида юриб, унинг баҳри дили очилган, кўнгли ийиб, келинини ҳам хурсанд қилгиси келарди.

Аброр хотинига маъноли кўз ташлаб:

— Қалай, ҳашар яхши бўлар эканми?— деди.

Вазира унга ен бергандай бўлиб:

— Биламиз,— деди.— Қатта Фарғона канали ҳам ҳашар йўли билан қурилган.

— Ана ўша ҳашарни кинорежиссёр Эйзенштейн ўз кўзи билан кўриб, шундай таъсирланган эканки, бу тўғрида катта бир фильм қилмоқчи бўлган экан, хоним.

— Қайси Эйзенштейн — «Александр Невскийни» олганми?

— Ҳа, «Броненосец Потёмкин» ҳам ўшаники. Уни дунёнинг энг улуғ кинорежиссёри деб тан олишган. Ана шу Эйзенштейн ёзувчи Петр Павленко билан бирга Катта Фарғона ҳашари тўғрисида фильм яратишга киришган экан. Уруш бошланиб қолиб, Эйзенштейн бу фильмининг битиролмаган экан. Лекин шу улуғ ниятларининг ўзи учун Эйзенштейн билан Петр Павленкога мияг раҳмат айтсак арзийди. Чунки бу доно одамлар бизнинг халқимиздаги улуғ анъаналарнинг кучини, яхши одатларнинг гўзаллигини кўпимиздан олдинроқ кўрган, яхшироқ қадрлаган. Биз бўлсак қали ҳам олдимиздан оққан сувнинг қадрини билмаймиз.

Аброр сўнги гапни хотинига тегизиброқ гапирди. Вазира унинг юзига тикилиб сўради:

— Менми ўша... қадр билмас?

— Ўшанда мендан ҳам ўтди, хоним. Бунинг учун уэр сўрадим. Лекин сиз бешик тўйининг оилавий бир ҳашарга ўхшаб ўтишини ҳалигача тушунганингиз йўқ.

Бешик тўй туфайли тортган азоблари Вазиранинг эсига тушди-ю, авзойи кескин ўзгарди:

— Унақа бераҳм одатни мен эмон кўраман! Сизни касал қилиб, менинг бошимга бало бўлди-ку!

— Айб бешик тўйда эмас, ўзимизда. Ўзимиз бугунгидай аҳил бўлсак яхши ўтарди!

«Айб менда эмас, сиз билан ойнингизда»— демоқчи бўлди Вазира, лекин шу пайт ўчоқ бошида турган Ҳанифа хола баламд товуш билан:

— Ҳой, Вазираҳон!— деб уни чақирди.— Мана бу шокосада ойнингизга ош билан қовурдоқдан тегиш олиб қўйдим. Қўй сўйдик-а! Қудам бечоранинг оғзи тегиб қолсин! Аброр, қайтишда Зумрадхонни кўриб ўтайлик!

Вазиранинг хаёли яна касалхонага тушган онасига алаҳсиди. Аброр унга «Қалай, тегиш олиб қўйиш ҳам эмон одатми?» демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутди.

* * *

Зумрад Содиқовнанинг кўзидан оқини кесиб олиб ташлаш учун, уни аввал бу операцияга тайёрлаш керак эди. Қорамағиздан келган ўрта яшар профессор Мансур Камолович ундан:

— Она, сабр-бардошингиз яхшими?— деб сўради.

— Билмадим, кўнглим... бўшроқ.

— Ундай бўлса операция фойда бермайди.

— Нега?

— Мен кўзингиздаги пардани ўн минутда олиб ташлашим мумкин. Лекин жароҳат битгунча уч кеча-ю, уч кундуз бошни қимирлатмасдан чалқанча стишингиз керак бўлади. Агар шунга бардош қилолмай, у еқ-бу еққа ағдарилсангиз ё бошни кўтарсангиз, кўзга қон қуйилди-ю, аввалгидан баттар бўлади. Ўйлаб кўринг, она, тоқат қила оласизми, йўқми?

— Уч кун, холосми? Бир амаллаб чидарман.

— Уч кун операциядан кейин. Аммо ундан олдинкикки ҳафта синаб кўрамин.

Бу гап Аброрлар аввалги гал касалхонага борганда бўлган эди. Бу гал боришса, Зумрад Содияқовна синовдан ўтолмай хит бўлиб ўтирибди. Кўзи боғлиқ ҳолда чалқанча ётқизиб қўйишса, бир кунга ҳам бардош беролмапти. Юраги қаприқиб туриб кетибди.

— Биринчи марта ҳамма ҳам шундай бўлса керак-да,— деди Аброр унга тасалли бермоқчи бўлиб.

— Йўқ, Аброржон, мен уч кун бу аҳволда столмайман! Кўзни тузатаман деб, юрагим ерилиб ўламай.

— Агар синовларидан яхши ўтсангиз, шу ҳафтанинг охирида операцияга ётқизишмоқчи эди-я! — афсусланиб деди Вазира.

Ҳанифа хола қудасига ён босди:

— Э, операциялари қуриб кетсин! Қанча одам операциядан кейин ўрнидан туролмайди! Бу докторларга ҳадеб ишонаверманглар!..

— Ойи, сиз дарров «чаппа ташвиқотга» ўтманг! — кулиб гапирди Аброр. — Биз профессор Мансур Камолович билан гаплашганмиз. Бу кўзларини ҳозир очишмаса, нариги кўзлари ҳам хиралашиб қоляпти. Бир йилдан кейин аҳволлари нима бўлади?

Улар йўлакда давра тортиб турган эдилар, оқ калат кийган ўттиз ёшлардаги жувон олдиларига келиб салом берди:

— Мен навбатчи врачман. Сизлар Зумрад хола-нинг яқинларимисизлар?..

Вазира ўзини ва Аброрни врачга танитди.

— Бўлмаса мен Зумрад хола-нинг олдиларида сизларга бир нарсани айтмоқчиман. Очиқ айтганимга ҳаффа бўлманглар, лекин Зумрад хола сал ваҳимачи эканлар. Юраклари яхши. Ўзларига ишонишлари керак. Биз қараб турибмиз.

— Қон босимим ошиб кетгани-чи? — деди Зумрад хола.

— Бундай пайтда ҳамманики ҳам сал-пал ошади. Сиз учун биз жавобгармиз. Бизга ишонаверинг! Мана, сизларга битта воқеани айтиб берай... Бундан икки йил олдин етмиш яшар кампирни стаклаб келишди. Кўзига оқ тушиб, кўрмайдиган бўлиб қолган. Яна бўйнида косодай келадиган бўқоғи бор. Бўқоқ шунақа нарсаки, чалқанча ётганда одамни ёмон бўғади, юракни сиқади. Соғ одамга қараганда

бўқоғи бор одамнинг қимирламай ётиши ўн баробар қийин. Профессоримиз шунга айтиб, «бу аёлни операция қилиш мумкин эмас», деди. Лекин кампирни етаклаб келган ўғли — болалар доктори экан. Мансур Камоловичга қараб, «бизга олти ой муҳлат беринг, шунгача оғим уч сутка бемалол қимирламай ётишга ўрганадилар», деди. Профессор кўнди. Олти ойдан кейин ўғли кампирни яна етаклаб келди. Мана шу Зумрад хола ётган палатага етқизиб, кўзларини боғлаб, синаб кўрдик. Ишонасизми, ўша бўқоғи билан икки кечаю икки кундуз чалқанча ётиб, бир оғиз иҳ демади. Кейин кўзлари операция бўлди. Уч кечаю уч кундуз кўзлари боғлиқ ҳолда қимир этмай ётди. Ҳаммамиз қойил бўлдик. Ўгилларидан, бу киши ётишга қандай ўргандилар?» деб сўрасак, ҳаммаси машқ билан бўлибди. Биринчи кун уч минут, иккинчи кун олти минут, учинчи кун ўн минут, ўнинчи кунга бориб бир соат, бир ойда ўн олти соат... Ана шунақа қила-қила, олти ойда уч суткага етказибдилар.

— Кампир охири тузалиб чиқиб кетдимми?— сўради Аброр.

— Ҳа, албатта. Яқинда кўчада кўриб қолдим. Етакчисиз бир ўзи бемалол кетяпти.

Ҳанифа холанинг кайфияти боланикидай тез ўзгарар эди. Бу ҳикояни эшитгандан кейин:

— Ҳой, қудажон, сабр-бардошда ҳикмат кўплиги рост, — деди.

— Нима, мен ҳам олти ой машқ қиламанми?— юраги безиллаб сўради Зумрад Содиқовна.

— Худога шукур, сизнинг бўқоғингиз йўқ, — деди Ҳанифа хола.

— Ўн-ўн беш кун чидаб берсангиз, ойдаи бўлиб чиқасиз, — деди Вазира.

Зумрад Содиқовнани ҳаммалари ўртага олиб қўлларидан келганча кўнглини кўтардилар ва сабр-тоқат билан машқни давом эттиришга кўндириб чиқиб кетдилар.

• • •

Бир вақтлар фақат қоғоздагина бор бўлган ва уйқусиз тунларда Аброрнинг хаёлидагина шовуллаб

турган қатор фавворалар эди Тошкент қуёши тағида ялтираб, минг-минг одамларни ўзига торта бошлади.

Осмонда мезонлар учиб юрган куз кунларида Тошкентнинг юбилей объектлари бирин-кетин тайёр бўлиб, сафга кира бошлади. Бўзсув устига қурилган энг катта кўприк битиб, эни юз метрдан ортиқ шоҳ кўча очилди. Марказий майдондаги йигирма қаватли маъмурий бино пардоздан чиқиб, байрам безакларини тақшишга тушди. Мармар минорасига улкан соат ўрнатилган йигитлардай хипча ва азамат Матбуот уйига редакциялар кўчиб ўтди. Инқилоб хиёбонида қадимий меъморчилигимизнинг гўзал жимжима-лари билан безанган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси меҳмонларни қабул қилишга киришди. Икки йилдан бери қурилиш майдонига айланиб, бекилиб қолган Пушкин кўчасининг бош қисми тўй арафасида бирдан очилиб кетди-ю, жуда кўп шофёрлар қатори Аброр ҳам бундан катта енгиллик сеза бошлади. Чунки бу унинг ҳар куни ишга қатнайдиغان кўчаларидан бири эди.

Юбилей куни Марказий майдондан ясан-тусан бўлиб ўтган намоёнчилар орасида Аброр, Вазира, Зафар, Малика — ҳаммалари бор эди. Вазира болаларига майдондаги янги йўлкаларни, фаввораларни, ҳар бирига алоҳида қувурдан сув олиб борилган кумуш ранг арчаларни кўрсатар:

— Билиб қўйинглар, мана шуларнинг лойиҳасини далавглар чизган, — дерди.

— Битта мен эмас, кўпчилик чизган, — деб қўярди Аброр.

Лекин шу кўпчиликнинг орасида ўзи ҳам борлиги унинг кўнглини ёруғ ва илиқ туйғуларга тўлдириб турарди.

* * *

Юбилей ўтгандан кейин Аброр Садриевнинг бўшироқ пайтини толиб, унинг кабинетига эскизлар солинган каттакон бир жидди кўтариб кирди.

— Сиздан илтимос, мана шу нарсаларни бир кўриб берсангиз.

Садриев жидди очиб, унинг ичидаги эскизларни кўра бошлади.

Қирғоқ бўйида сояси қуюқ қорамтир садақайрағочлар билан қуршалган гўзал бир иморат тасвири. Иморатнинг текис томи тунука ёки шифер билан эмас, ям-яшил кўкатлар ва лолалар билан ёпилган. Бунинг нимасидир эски уйларнинг томида ўсадиган лолақизгалдоқларни эста солади. Садриев томи кўкатлар билан безанган биноларни чет элда ҳам кўрган. Ҳозирги бетон конструкциялар бунақа томларни сув ўтказмайдиган қилиб қуриш имконини беради. У шуни ўйлаб:

— Томни яхши топибсиз, — деди Аброрга.

У иккинчи эскизни қўлига олди. Бунда Бўзсувнинг тезоқар жойига ўрнатилган чархпалак тасвирланган эди. Одатдаги чархпалакларнинг парраклари хунук. Сув оладиган идишлари занглаган консерва банкаларидан қилинган, темирлари ҳам бир-бирига наридан-бери уланган бўлади. Эскиздаги чархпалак эса қирғоқни безайдиган шаклда жуда чиройли бўёқларга бўялган, ҳар бир детали эстетик дид билан ишланган эди. Чархпалак муттасил чиқариб бериб турадиган сув қирғоқ бўйидаги чинорлар, эманлар, садалар тагидан қандай жилдираб оқиб туриши ҳам кўрсатилган эди.

— Бутун бир комплекс шекилли? — деб Наби Садриевич қолган эскизларни ҳам кўздан кечиришга тушди. — Бу нима, сув тегирмоними? Буниси обжувозга ўхшайди-ку.

— Топдингиз.

— Ғалати нарсаларни топиб юрасиз-да, Аброр Аъзамович.

— Мен буларни ўзимча ўйлаб топганим йўқ, Наби Садриевич. Бўзсув, Қорасув, Салор бўйларидаги тегирмонлар, обжувозлар эсингизда борми? Арпапоя аригининг бўйида қирқинчи йилларда ҳам тегирмонлар бор эди, а, тўғрими?

— Тўғри-ю, лекин энди буларнинг нима кераги бор? Ҳозир унни элеваторда тортилса, гуруч — заводда оқланса...

— Лекин бир мажлисда сиз ўзингиз айтган эдингиз. Меҳнаткаш халқ ижод қилиб яратган ғалати-ғалати иншоотларни янги бир шаклда қайта тиклаб, Тошкент архитектурасининг тарихини ҳам кўрсатишимиз керак деган эдингиз. Чархпалак чи-

ройли қилиб ишланса-ю, Бўзсувнинг табиий оқими билан айланиб турса ёмонми?

— Бунга қаршилиқ йўқ. Лекин тегирмон билан обжувоз...

Аброр эскизда фақат уларнинг ташқи кўринишини сақлаб қолган эди. Бўзсувдан чиқарилган сув чим босилган, бадийлаштирилган кўтарма ариқ билан тегирмоннинг новасига келади. Парраklar тегирмон тошини айлантириши керак. Бу ерда тегирмон тошига ўхшаган, лекин енгил пластикадан ишланган нарса бор. Унинг устида карусель бўлади. Беш-олтита одам ўтирадиган ўриндиқлар қўйилади. Ҳамма нарса аслида ток билан ишлайди. Сувни ҳам Бўзсувдан дамба ариққа электр насослар чиқариб беради. «Тегирмон тоши» устидаги каруселни ҳам ток айлантиради. Лекин бу ҳаммаси кўзга ташланмайди. Кнопка босилгандан кейин сув оқиб келиб, новадан пастга шовиллаб тушади, «тегирмон тоши» карусель билан бирга айланади. Уни худди Бўзсув айлантираётгандай бўлади. Каруселда ўтирганлар бундан завқ олади, ҳордиқ чиқаради.

— Фантазияга жуда эрк бериб юборибсиз, Аброр.

— Ҳа, энди фантазиясиз ижод бўлмайди-ку.

— Хўш, обжувозингиз қанақа бўлади? Иккита ёғоч гурзиси гупура-гупур урилиб, шолени оқлаб турадиган одати бор-ку. Уни қанақа ишлатмоқчисиз?

— Унга ҳам сув бадийлашган кўтарма билан келади. Нова, паррак — ҳаммаси бор. Бяласизми, бултур Олмония жумҳуриятининг бир шаҳрига борсак, уларда обжувозга ўхшаб, сув билан ишлайдиган қадимий болга бор экан. Бу болга ҳам обжувознинг гурзисига ўхшаб, сувнинг кучи билан кўтарилиб тушиб туради. Фақат ёғочдан эмас, пўлатдан. Вазни, албатта оғир, шунинг учун иккита эмас, битта. Оловда қизиган темирни шундай тағидаги босқонга қўйиб турса, сув билан ишлайдиган болга кўтарилиб тушиб, бирпасда тоблаб бераркан. Ишонасизми, олмонияликлар ўша болгани қайта тиклаш учун икки юз минг пул сарфлашибди... Мана бу эскиздаги обжувоз ундан икки баробар арзонга тушади.

Буни Аброр ёзги паловхонанинг ёнига қуришни таклиф қилди. Обжувоз билан паловхона бир-бирига ичкаридан боғланган бўлади. Кўзга кўринмайдиган

транспортёр лентаси икки орада электр кучи билан юриб туради. Лекин транспортёр обжувознинг гурзилари билан ҳаракатга келтириლაётгандай кўринади. Ошхўрлар чек ўрнига жетон олади, уни обжувознинг маълум бир жойига ташлайди. Нарёқда ошпазлар иссиқ паловни косаларга солиб, тайёр қилиб турган бўлади. Жетон ташланиши билан обжувознинг гурзилари тасира-тусир ишга тушиб, транспортёр лентасини «уриб», айлантира бошлайди. Лентанинг нариги четида ошпаз косага солиб, транспортёрга қўйган палов обжувознинг ичидан «сузиб» чиқади-да, сскин ошхўрнинг олдига келиб тўхтади.

— Обжувоз гуруч оқлаш ўрнига биратўла тайёр палов чиқариб беради денг!— хахолаб кулди Садрисв.— Ният яхши. Келажакда биз Тошкентнинг тарихий қиёфасини кўрсатадиган мана шунақа нарсаларни ҳам қуришимиз керак. Лекин яқин йилларда қиладиган бошқа долзарб ишлар кўп! Ҳозир бўлимингиз Ғалабанинг ўттиз йиллигига оид ишни қиляптими? Бу ҳам юбилей объекти, а, биларсиз?

Аброр ўзининг бугун таклиф қилаётган ижодий режалари яна бир-икки йилга кечиктирилиши мумкинлигини сезди-ю, олдиндан хаёлида пишитиб келган гапларини айта бошлади:

— Наби Садрисвич, ҳар ҳолда, биз аввалги юбилей объектининг лойиҳаларини вақтида топширган эдик.

— Тўғри, Аброр Аъзамович, биз бўлимингизга буйруқ билан раҳматнома эълон қилдик, сизни бир қанча меъморлар ҳатори мукофотга тақдим этдик, ҳали лауреат бўлиб кетишингиз мумкин.

— Ҳаммаси учун раҳмат! Бошқарманинг бундан кейинги топшириқларини ҳам кечиктирмай бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Келгуси баҳорда Ғалабанинг ўттиз йиллиги нишонланади. Орадан бир йил ўтгандан кейин Тошкентнинг зилзилада кўрсатган жасоратига ўн йил тўлади. Ўшангача эпицентр ўрнида катта монумент қурилади. Бу ишга ҳам биз ўз ҳиссамизни қўшамиз. Орадан яна бир йил ўтгандан кейин Октябрь инқилобининг олтинчи йиллиги бўлади. Бу тарихий санага аталган юбилей объектлари учун биз яна янги лойиҳалар чизамиз.

— Ҳаммасини олдиндан кўрадиган бўлиб боряп-сиз-а, Аброр Аъзамович!

— Чунки тажриба бизни шунга ўргатяпти-да. Юбилейдан юбилейгача бўладиган ишларнигина ўйлаб яшаб бўлмайди-ку, кундалик ҳаётимизда ҳал этилиши керак бўлган масалаларни ҳам унутиш керак эмас. Ҳар бир меъморнинг қалбига туғиб юрган ўз ижодий режалари бўлади. Булар ҳам одамга тинчлик бермайди. Бу режалар ҳам ҳаётда бор эҳтиёжлардан келиб чиқади. Мен Бўзсув ҳақидаги таклифларимни бундан икки йил олдин институтимиз директори Сайфулла Раҳмоновичга ёзиб берган эдим. Ҳалигача аниқ бир жавоб олганим йўқ. Нуқул «кутинг», дейди. Умр ўтиб кетяпти. Шунинг учун бугун сизнинг ҳузурингизга келдим.

— Келганингиз яхши, лекин Бўзсув бўйларини обод қилиш бошқа катта объектларнинг битишига қараб турибди-да.

— Менимча, Наби Садриевич, Бўзсув бўйларини гўзал оромгоҳга айлантириш ландшафт меъморчилигининг мустақил ҳал қиладиган жуда катта бир муммоси. Чунки Бўзсув минг йиллардан бери Тошкентнинг белини бақувват қилиб турган ажойиб бир олмос камар. Унинг қирғоқларини улкан бир санъат асарига айлантириш пайти келди.

— Фақат сиз эмас, биз ҳаммамиз Бўзсув ҳақида кўп ўйлаймиз, ўртоқ Аъзамов, — деб Наби Садриевич овозига энди расмийроқ тус берди. — Метро тоннелини Бўзсувнинг тагидан ўтқозиш масаласи кун тартибда турибди. Шу муносабат билан яқинда биз янги бир лойиҳани тасдиқдан ўтказдик. Балки эшитгандирсиз? Рафиқангиз Вазира Аъзамова айтганлари йўқми?

— Вазира менга бу тўғрида гапиргани йўқ.

— Директорингиз Сайфулла Раҳмонов ҳам ўша лойиҳанинг соавтори экан. Шерзод Баҳромов, Вазира Бадаловна — ҳаммалари бирга стадион ёнида Бўзсувнинг бир километрлик янги ўзанини ўтказишмоқчи.

Ие, эски ўзан нима бўлади?!

— Эски ўзан текисланиб, гулзор қилинмоқчи.

— Наби Садриевич, — мен бундай лойиҳага мутлақо қаршиман! — тўсатдан катта бошлиқнинг олдида ўтирганини ҳам унутиб хитоб қилди Аброр.

— Рафиқангиз сизга нега айтмабди десам... қарши чиқишингизни билиб айтмаган экан-да.

— Ахир Бўзсув — тарихий иншоот-ку, Наби Садриевич! Уни ҳудда-беҳуддага қайта қуравериш тўғрими?

— Беҳуддага эмас, ўртоқ Аъзамов! Метронинг тон-нелини Бўзсувнинг тагидан ўтказиш — давлат аҳамиятига эга бўлган катта вазифа. Шу вазифани бажаришга қаратилган лойиҳани биз қабул қилдик. Бу бир зарурат!

Наби Садриевич Аброрнинг эскизларини тахлаб жилдага солди-да, эгасига томон суриб қўйди. Аброр бўшашиб ўрнидан турди. У жилдни ешиб, қўлига олаётганида Садриев унга ачингандай бўлиб қаради-да:

— Бу масалага келажакда яна қайтамиз, деди. — Ҳозир бутун кучни қўлингиздаги юбилей объектига сарфланг. Энди Ғалабанинг ўттиз йиллигини муносиб совга билан кутиб олайлик. Хўпми?

Аброр хомуш бош ирғаб, кабинетдан чиқар экан: «Наҳотки Вазира шунчаликка борган бўлса?» деган ўй вужудини мушук бўлиб таталаётгандай туюлди.

* * *

Вазира ишдан кейин катта йўл бўйига чиқса, Аброрнинг олча ранг «Жигули»си белгили жойдан сал нарида — дарахт тагида турибди. Кўпинча Вазира олдинроқ чиқиб, Аброрнинг келишини кутиб қатарди. Бугун эрининг эртароқ келганидан мамнун бўлган Вазира олдинги эшикни очар экан, қувноқ товуш билан:

Вой, хайрият-ей, офтоб қаёқдан чиқди!— деди.

Аброр эса унга совуқ бир назар ташлаб:

— Қалай, Шерзод Баҳромовни хурсанд қилиб келяписизми?— деди.

Вазира унинг саволидан ҳам кўра товушидаги аччиқ изгиринга ҳайрон бўлиб сўради:

— Бу нима деганингиз?

— Сиз унга соавтор бўлган эмишсиз-ку. Лойиҳасини тасдиқдан ўтказган эмишсиз. Сизга ошиқ бўлиб етишолмаган Баҳромов... энди тантана қилиб юргандир?!

Аброр Вазирага кўзларини қадаб, қаҳр аралаш умид билан тикилиб турарди. Шу топда у бунинг

ҳаммаси ёлгон бўлиб чиқишини, Вазиранинг: «Бекор гап, ким айтган бўлса игво қилибди! дейишини истарди. Агар бу елгон бўлиб чиқса, Аброр ичини мушукдай таталаётган ўйлардан биратўла қутилган бўларди.

Лекин Вазира унинг кўзларидан кўзини олмай:

— Сиз нималарни ўйлаяпсиз ўзингиз?— деди.

— Одамлар бир-бирлари билан тўғрилиқча ҳамкорлик қилиши мумкин эмасми? Нима, мен Баҳромовга соавтор бўлсам, унинг ўйнашига айланиб қоламанми? Сиз шунақа бир шубҳага боряпсизми?!

Аброр ўн саккиз йиллик умр йўлдоши тўғрисида бунақа шубҳаларга бориш қанчалик хунук ва бачкана бўлишини энди сизди. Лекин Баҳромов билан ўзининг орасида бўлиб ўтган тўқнашувлар, Аброрни Шерзод ҳалигача емон кўриши, иложи бўлган жойда тўғаноқ солиши, шунга қарамай хотинининг ҳозир шу одам билан шерикли иш қилгани уни туюқтириб юборди:

— Мен анигини билмоқчиман. Нега шундай бўлди? Нега буни мендан сир тутиб юрибсиз?!

— Шошмасангиз, вақтини топиб айтиб берар эдим!

— Шерзод деб аталган ўша тулки энди мени сизнинг ёрдамингиз билан енгмоқчи бўлса керак!

— Яна адоват! Гўё ҳамма фақат сизни енгилгани ўйлайди! Ахир бу лойиҳанинг сизга алоқаси йўқ-ку!

— Нега алоқаси йўқ экан? Мен кечаю кундуз Бўзсув ҳақида ўйлаб, лойиҳалар чизиб юрганганимни бошқалар билмаса ҳам сиз биласиз-ку!

— Лекин Бўзсувни ўйлаш — сизнинг монополия-ингиз эмас. Уни бошқалар ҳам ўйлайди. Биз ҳам шу сувнинг бўйи гўзал бўлсин деб лойиҳа чиздик!

— Қани, тушинг-чи, сиз айтган «гўзал» қирғоқлар қаерда бўлишини бир кўрайлиқ.

Эр-хотин сув бўйи билан оқимга қараб юриб кетишди. Бўзсувнинг тиниқ тўлқинларига хазонлар қўшилиб оқмоқда эди. Баланд-баланд дарахтларнинг шохидан ҳам чирт-чирт қилиб, қовжироқ барглари узилиб тушар ва осқ тагида шитирларди.

Вазира сикдай тўғри кетадиган янги ўзанининг қаердан ўтишини кўрсата бошлади:

— Қиргоқларга гранитдан қанот қилинади. Қиргоқ бўйлаб кенг тротуар кетади, унга чиройли бетон плиталар етқизилади.

— Демак, ўзини мана шу ердан ўтказмоқчисиз?— деб Аброр танаси қучоққа сигмайдиган улкан чинорларни ва эманларни кўрсатди. Қиргоқ бўйида каттакон бир ёнгоқ дарахти ҳам бор эди. Аброр ўшанга ишора қилди:— Мана бунинг ўрнига бетон плиталар етқизасиз? Наҳотки шундай ажойиб табиатга ичингиз ачимайди?

— Ачиса начора? Яна ўн-ўн беш йилда булардан ҳам гўзал дарахтлар ўстириш мумкин-ку.

Аброр Вазиранинг табиатга жуда лоқайд эканини илгарилари ҳам сезар эди. Оқтошга ски Хумсонга дам олишга борганларида Вазира машинадан тушиб, бирпас у еқ-бу еққа кўз ташлар эди-ю, дарров зерикарди. Ё машинага қайтиб кириб олар, ски салқинроқ жойга ўтириб, транзисторнинг қулоғини бурашга тўшарди. Аброр унга: «Радиони шаҳарда ҳам эшитаверасиз, лекин бу ердаги жимликни ҳеч қаердан тополмайсиз, табиатнинг нафасини тингланг!» деса, Вазира қўл силтарди. У табиат бағрида алланечук жуда тез зерикиб қолар, «бўлди энди, шаҳарга қайтайлик», деяверарди. Балки Вазира болаликдан кўп қаватли уйлarda ўсгани ва доим асфальтда юриб ўргангани учун шундайдир?

Мана ҳозир ҳам Бўзсув қиргоқларидаги кузги дарахтларнинг гўзаллигини у Аброр ҳис қилганчалик завқланиб ҳис қилмас эди. Бу дарахтларнинг тагига хазон тўкилиб ивирсиётгани унинг кўзига ёмон кўринарди. Қиргоқларнинг катта дарелар ўзанига ўхшаб кетган пасту баланд жойлари, бурилишлари Аброр учун табиий бир жозибага эга эди. Вазирага эса бу ҳаммаси ахлат ва ифлослик тўпланадиган пастқам жойдай кўримсиз туюларди.

— Санкт-Петербургдаги Нева бўйларини эсланг!— деди Вазира эрига.— Бутун қиргоқлари гранит либос кийган. Ҳаммасқ силлиқ, ёғ тушса ялагудек тоза, озода.

— Наҳотки сиз Санкт-Петербург билан Тошкентнинг иқлимидаги фарқни билмайсиз? Санкт-Петербург сув устида турибди. Ҳаммаёғи дарс-ю, денгиз. Шунинг учун унга доим қуруқ турадиган гранит либос ксрак. Бизда

иқлим қуруқ, ёз иссиқ, одамлар мудом сувга яқинроқ бўлишга интилади.

— Зинапоялар бўлади, жуда истаган одам ўшалардан юриб, сув бўйига тушаверади.

— Лекин Бўзсув — тарихий обида. Уни бузиб ташлашга ҳаққингиз йўқ!

— Биз фақат тарих йўл қўйган хатоларни бузиб, тўғриламоқчимиз, холос!

— Сиз аввал ўзингиздаги камчиликларни тўғриланг, хоним!

— Қайси камчилигимни айтяпсиз?

— Сизни Баҳромовга маслакдош қилган камчилигингизни!..

— Тушунмадим?

— Сиз ҳам ўша одамга ўхшаб нуқул темир-бетонга сигинасиз, тирик табиатни писанд қилмайсиз. Сизга ясама гўзалликлар бўлса бас. Ахир Бўзсув минг йиллар давомида ер рельефига мослашиб, табиий дарёдан эгилиб-бурилиб оқадиган бўлган. Сиз уни таёқдай тўғри бетон ўзанга солишнинг лойиҳасини чиқибсиз. Шунинг ўзи — сизнинг табиат яратиб қўйган гўзалликлар завқидан бебахра эканингизни кўрсатмайдими? Одамдаги бу камчилик — маънавий карликка ўхшайди, шуни билиб қўйинг!

Аброр қўлларини сермаб, зардаси қайнаб гапирар, қиргоқ бўйида сайр қилиб юрган одамлар эрхотин икковларига ўгирилиб қараётганларини сезмас эди.

— Мана энди кар ҳам бўлдик!— деди Вазира маъюс товуш билан.— Бир вақтлар сиз шу анҳорнинг бўйида муҳаббат изҳор қилиб, мени кўкларга кўтариб мақтаганларингиз эсингиздан чиқдими? Бўзсувнинг тили бўлса айтсин!..

— У вақтларда мен сизнинг бунақа ишлар қилишингизни қаёқдан билибман? Сиз ҳозир менинг энг ёмон кўрган одамимга қўшилиб, елкамдан пичоқ ургандай бўляпсиз, билдингизми?

Ўткинчилар уларни жанжаллашяпти, деб ўйлаб, ўгирилиб қараётганини Вазира энди пайқайди.

— Мана шунақа жанжал қилишингизни билиб айтмай юрган эдим-да!— деди паст товуш билан.— Сиз нима, бу ерда ҳаммага томоша бўлиб уришмоқчимисиз?

Аброр атрофида бегона одамлар юрганини гўё энди кўрди ва индамай машинаси турган томонга бурилди. Вазира у билан ёнма-ён борар экан.

— Мен сизга ўзимнинг фикримни зўрлаб ўтказаяётганим йўқ-ку,— деди.— Сиз ҳам мени ўз ҳолимга қўйишингиз керак эмасми? Мен фақат сиз истаган лойиҳани чизсам — тинч юрсам, сиз суймаган мавзуни ишлаганимда бунақа ҳафачилик бўлса, унда мен доим сизга қарам бўлиб яшашим керакми? Пима, фақат сиз архитекторсизу мен архитектор эмасманми? Ё мустақил ижодкор эмасманми?

Машинага ўтирганларидан кейин Аброр аламли товуш билан деди:

— Мустақил иш қилсангиз мен бунчалик куймас эдим. Сиз ўша Баҳромовнинг аравасига тушиб, унинг ашуласини айтиб юрганингиздан тутоқиб кетяпман!

Аброр газни қиттиқ босиб, машинани асабий ҳайдай бошлади.

— Сиздан илтимос, шу гапни бас қилайлик,— деди Вазира.— Мен ҳеч кимнинг ашуласини айтиб юрганим йўқ. Сиз хотиржам бўлишингиз учун болаларим ҳақиқага қасам ичаманки, мен оиламга содиқман! Тамом!

— Оилага содиқлигингиз учун раҳмат, Вазира,— деб Аброр сал ҳовуридан тушди:— Лекин мен ҳозир табиатга содиқлик ҳақида сўзламоқчиман. Биласиз, тепамизда ҳавонинг азон қатлами бор. « Ернинг азон шапкаси » дейишади. Мен суратини ҳам кўрганман. Нафис оқ ипак пардага ўхшайди. Ана шу мусаффо парда ердаги ҳаётни сақлаб тураркан. Қуёш нурининг ҳаётга фойдали қисми азон пардадан бемалол ўтиб келаркан, лекин атом радиациясига ўхшаган зарарли нурларни азон парда ўтказмай тутиб қоларкан. Агар шу азон парда йиртилиб тамом бўлса қуёш радиациясининг ўзиёқ ердаги барча тирик жонни ўлдириши мумкин экан. Мен ўйлайманки, ҳар бир яхши одамнинг қалбида ҳам осмондаги азон қатламига ўхшаган пок бир ҳалоллик пардаси бўлади. Ҳалоллик пардаси худди осмондаги азон пардасига ўхшаб, маънавий ҳаётимизни обод қиладиган нурларга йўл беради, аммо одамни ҳаром йўлга бошлайдиган, табиатни увол қиладиган, маънавий дунёни ўлдирадиган зарарли

нарсалардан бизни ҳимоя қилади. Лекин ҳалол-ҳаромни фарқ қилмайдиган, фақат ўзининг фойдасини ўйлайдиган манфаатпараст одамлар табиатни ҳам, маънавиятни ҳам писанд қилмайди. Улар ҳамма дардга техника билан темир-бетондан даво топамиз, деб ўйлайди. Атом радиациясидан ҳам бизни қалин бетон дсвор ҳимоя қилади, деб ишонади. Шунинг учун осмондаги озон қатламининг йиртилиши ҳам, одамларнинг дилидаги ҳалоллик пардасининг йўқолиши ҳам Баҳромовларни ташвишга солмайди. Виждон азоби нималигини билмайдиган, гап ўтмайдиган бундай териси қалин одамларни бизда «сувюқмас» дейишади. Бетон ҳам сувни ўзига юқтирмаслиги туфайли Баҳромовнинг дилига мос келса керак. «Темир одам» деган ибора бор. Мен Баҳромовни — бетон одам дегим келади.

— Об-бо, бетонга мунча қаршисиз?— деди Вазира.

— Сиз мени тушунмаяпсиз.

— Аввал ўзингиз бир нарсани тушунинг: ҳозир бироррта қурилиш бетонсиз битадими?

— Битмайди. Агар ўрнида ишлатилса, бетон жуда яхши нарса. Мен бетоннинг ўзига мутлақо қарши эмасман! Лекин бу Баҳромов виждонининг ўрнига ҳам бетон қўйиб олган, мен ана шунга қарши гапиряпман!

— Э, қўйинг-е! Баҳромов ҳам сизу бизга ўхшаган тирик одам-да!

Вазира сўздан адашмай, ички бир ишонч ва эътиқод билан гапирганига қараганда, ўзини ҳақ деб билмоқда эди. Аброр уни сўз билан енгиб бўлмаслигини сезди-да, индамай машинасини Усмон Юсупов кўчасига томон бурди.

Ўйларининг йўли бошқа еқда қолиб, Лабзакка тушиб бораетганларида Вазира эрдан:

— Қаёққа бормоқчисиз?— деб сўради.

— Чизган лойиҳангизнинг келажагига!— деди Аброр истеҳзо билан.

Кўп ўтмай йўлнинг кун ботиш томонида Кайковус аригининг қуриб ётган ўзани ва бетонлаштирилган қиргоғи кўринди. Аброр машинасини ўша томонга бурди-да, оғир бетон плиталар санига келиб тўхтатди. Вазирага ўгирилиб:

— Кўряпсизми?— деди.— Бу ҳам ўша Баҳромовлар чизган лойиҳа. Биз муҳокама пайтида

айтган эдик. Қиргоқларда дарахт ўсадиган бўлсин, тайпоқ бўлмасин деган эдик. Мана, барибир тайпоқ қилиб қуришяпти. Қиргоғида гиёҳ ўсмайдиган қуруқ бетон плиталар. Шаҳар архитектурасига бу ямоқ бўлиб тушишини наҳотки сезмайсиз?— Мен... айтганман!.. Ҳали ўзан қуриб битирилганда четларига чиройли парапетлар қилинади. Атрофи кўркамлаштирилади...

— Демак, сиз лойиҳанинг бошқарма тасдигидан қандай ўтганини биласиз? Балки бу ишда Баҳромовга ёрдам бергандирсиз?!

— Баҳромов — сиз ўйлаган даражада ёрдамга муҳтож одам эмас!

— Биламан, у айланма йўлларни топишга уста. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди!

— Нима, Кайковусни бетонлаштириш ҳам Баҳромовнинг шахсий манфаатига айланиб қолдими энди?

— Ҳа, бу қадимий канални дид билан санъат асаридай қайта қуришдан кўра маълум шаблонлар асосида тайпоқ қилиб бетонлаб чиқини осонроқ. Баҳромов доим осон йўлни танлайди, «мендан кетгунча, эгасига етгунча», деб иш тутади. «Мунча минг сўмлик қурилиш қилдик, пляни ошириб бажардик», деб рапорт берса бас. Нарёғи билан иши йўқ. Кейин план бажарганидан керилиб нутқ сўзлайди, мукофотлар олади!

— Ёмон кўрган одамингизга дунда бор айбларни тақаверар экансиз-да!

— Наҳотки сиз ўзингиз Баҳромовнинг таши ялтироқ, ичи қалтироқ ишларини кўрмагансиз? Баҳромов райижрокомда ишлаб юрган пайтда қилган иши эсингиздан чиқдими?

— Яна қайси иши?

— Битта майдончани тезда гулзорга айлантириш керак бўлиб қолди. «Эртага шаҳар раҳбарлари келиб кўрармиш», дейишди. Одамлар ҳашарга чиққан. Лекин майдончада икки тонналик синиқ бетон плиталар ётган экан. Биз кўтаргич кранлар топиб келиб, бу плиталарни машиналарга ортиб юбормоқчи бўлдик. Лекин техника тезда топилавермади. Шундан кейин соз тупроқ ортган самосваллар келиб қолди. Баҳромов ўйлаб-нетиб ўтирмай, бетон плиталаркинг устига соз

тупроқ тўктирди-да, текислатди. Гуллаб турган қизил каниларни эктирди. Шаҳар раҳбарлари келиб-кетгунча бу гуллар очилиб турди-ю, кейин тагидаги бетонга томири тегиб қуриб қолди... Бу орада Баҳромов керакли одамларга яхши кўриниб, бошқа каттароқ лавозимга кўтарилиб кетди. Бечора ободонлаштирувчилар қуриган гулларни кўчириб, бетон плиталарни олиб ташлаб, майдончани қайтадан обод қилгунча қанча азоб тортишди... Бу-ку, кичик бир майдонча эди... Баҳромов билан бирга чизадиган лойиҳаларинг Бўзсув бўйларини ҳам хунук қилиб қўядиган бўлса, уни қайтадан обод қилгунча қанча куч кетади, қанча вақт кетади! Мана, Кайковуснинг шу кўримсиз жойи ҳам сиз учун аччиқ бир сабоққа ўхшаб турибди.

— Бизнинг лойиҳа бутунлай бошқача!— деди Вазира.— Аввал амалга оширайлик. Ундан кейин кўрасиз!

— Кейин кеч бўлади!

— Қани, машинангизни ҳайданг. Уйда болалар бизга қараб ўтирган бўлса керак.

Аброр машинани катта кўчага ҳайдаб чиққанда Вазира унга:

— Мунозара бас, иш тўғрисидаги гап ишхонада қолсин,— деди.— Уйда ҳам, кўчада ҳам ишнинг жанжалини қилиб юрадиган эр-хотинларни жинимдан баттар ёмон кўраман. Уйда уйнинг ташвиши ҳам етиб ортади одамга!

Аброр жим бўлиб қолди. Машинани гаражга қўйиб, уйларига яқин боргунча икковлари ҳам чурқ этишмади.

Подъезд қаршисидаги кооператив уй Аброрга яна Шераод Баҳромовни эслатди. Бултур кузда бу уйнинг деворлари ва томи битди, баҳорда уйнинг эшик-деразалари қўйилди, атрофидаги егоч девор олиб ташланди, ён-верига йўлкалар қилинди, кўчатлар экилди. Шу билан ҳовли юзи анча очилиб, болалар бемалолроқ ўйнайдиган бўлиб қолди.

Янги уйдаги ҳамма квартираларга одамлар кўчиб киргандан кейин ҳовли янада гавжум, йўлкалар янада серқатнов бўлиб кетди. Ёзда деразалар ланг очилиб, одамлар ҳовли томонидаги балконларга чиқадиغان бўлганда иккита кўп қаватли уйнинг бири бирига жуда тақаб қурилгани кўп ноқулайликларга сабаб

бўлар, нариги уйнинг очиқ деразаларидан учиб чиққан шовқинлар бу уйдагиларга тинчлик бермас, одамлар бир-бирларининг кўзларидан паналайдиган жой тополмай қийналишарди.

Архитектура жиҳатидан ўринсиз тушган бу уйни Аброр ҳар кўрганда бир ғижинса ҳам, ойлар ўтиши билан унга худди юзга чиққан сўғалга ўргангандай ўрганиб, кўниккан ва кулдан эътибор бермайдиган бўлиб қолган эди.

Лекин бугун бўлган ҳодиса эски дардларни яна янгиллади. Шерзод Баҳромовнинг юзаки, нурсиз ижоди Аброр яшаётган ҳовлини кўримсизлаштиргани озлик қилгандай, энди унинг навбатдаги ясама лойиҳаси Вазира орқали оилаларига кириб келиб, турмушларига ҳам хол қўядигандай туюла бошлади.

Аброрлар Шерзод қилган ишларнинг барча нуқсонларини тўғри кўрсатса ҳам, гап гаплигича қолаверади. Баҳромов ишини битириб, мақсадига эришиб кетаверади. Наҳотки бу гап ҳам шундай бўлса? Агар бу сафар ҳам Баҳромов ғалиб чиқса, кейин Вазира унинг йўлига кириб кетиши аниқ.

Эр-хотин уйда ишга оид келишмовчиликлардан оғиз очмасалар ҳам, лекин бу келишмовчиликлар икковларининг орасида кўзга кўринмас бир деворга ўхшаб турар ва ҳовлида ўринсиз қурилган уйдан бешбаттар калақит берарди. Ҳатто кечалари эр-хотин қўш каравотда ёнма-ён ётганларида ҳам сукутдан қурилган бу девор уларнинг қалбларини бир-бирларидан тўсиб тургандай бўларди.

Аброр бу деворни бир ўзи қулатолмаслигини биларди, Шерзоднинг кўпдан бери зимдан кўтарган бу деворини ундан ҳам яхшироқ тайёргарлик билангина йиқитиш мумкин эди.

— Вазира, шуни билиб қўйинг— деди Аброр кечаси қоронғи хонада ухлаелмай ётганларида.— Икковимиз тор бир жойда ёмон тўқнашимиз мумкин.

Вазира Шерзод билан чизган лойиҳалари бошқарманинг тасдиғидан ўтгани учун кўнгли тўқ эди.

— Яхшиси, сиз бу ишга аралашманг, фойдаси йўқ,— деди.

— Кўрамиз!— деб Аброр нариги сенига ағдарилиб олди.

У эртаси куни тушдан кейин метрополитеннинг инженерлик иншоотларини лойиҳалайдиган танишларининг олдига борди. Улар «Болалар дунёси»нинг қаршисида илгари меҳмонхона бўлган ва ҳозирча бузилмай турган бир қаватли бинода ишлашарди. Аброр узун йўлакнинг охиридаги хонадан Фарид Галиев деган қўнғирсоч кўк кўз йигитни қидириб топди-да, метрони Бўзсувнинг тағидан олиб ўтиш тўғрисида гап очди.

— А-а, бошқарма бизга Баҳромов деганнинг лойиҳасини берган, — деди Фарид.

— Бўзсувга янги ўзан қуришми? Қабул қиладиганмисизлар?

— Ҳозирча бунга қўлимиз тегмайди. Масала келаси йил кўрилса керак.

— Шунақами ҳали?

— Ҳа, муҳлатлар яна чўзилган. Бетон стишмаяпти. Булар бўлса бир километрлик янги ўзанни бетон билан қоплашни таклиф қилишяпти. Бетон танқис пайтда бу нима керак?

— Демак бу лойиҳага қаршимисизлар?

— Қаршилар кўп. Мен ирригаторлар билан гаплашдим. Янги ўзан қуриш керак эмас, дейишади. Бўзсувни ўрнидан қўзғатиш ҳазилми? Дарёдай катта.

— Фарид, оғайни, мен ҳам худди шундай фикрдаман!

Аброр кўнглига тугиб келган гапларини Фаридга бир-бир айтиб берди:

— Агар масала келгуси йилда кўрилса, ҳали вақт бор экан. Баҳромовнинг лойиҳасини қуруқ гап билан инкор этиб бўлмайди. Унинг ўрнига ўтадиган бошқа лойиҳа тайёрлашимиз керак. Мен ҳам институтда сув иншоотлари билан шугулланаман. Яхши ирригаторлардан бирини ёнимизга олайлик. Сен метрочи инженерсан. Учаламиз биргаликда шу ишни қилайлик!

— Бўлмаса, эртага ишдан кейин бир учрашамизми? Мен ирригатор ўртоғимни чақираман.

— Дуруст одамми?

— У ҳам Баҳромовнинг лойиҳасига қарши. Фикрлари сеникига яқин.

— Қасрда учрашамиз?

— Бизникида-да. Адресни ёзиб ол...

Эртаси куни оқшом Аброр машинасида Фарид берган адрес билан Юнусобод томонга йўл олди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Аъзам ота, Шокир ва Ҳанифа хола учовлари янги участкага кўчиб борганларида шифтдан қамишнинг попуғи осилиб етар, деворлар энди қора сувоқдан чиққан, уч хонанинг фақат биттасига пол ётқизилган эди. Сув ташқаридан челақда ташиб келинади. Газ йўқ. Ҳўл ўтинни пуфлаб, тутун ютиб овқат пиширгунча Ҳанифа холанинг кўзлари неча марта ёшланади.

Учовлари бир хонага тиқилиб, танчада исиниб ўтиришганда Аброр уларни кўргани келди. Ҳанифа хола унга:

— Жонларинг роҳатда, биз ўлиб қолсак ҳам ишларинг йўқ!— деб гина қилди.

— Участка деб қўймадингиз. Мана, участка. Агар ёқмаса, ҳали ҳам домга юринг, олиб кетай!

— Э, домларингни елкамнинг чуқури кўрсин!

Кузда Аъзам ота эккан ниҳоллар баҳорда қийғос кўкарди, улкан ўрик дарахтининг оппоқ гули ҳовлини тўлдириб юборгандай бўлди. Аъзам ота сизил лас тўнининг этагини бар уриб, ҳовлини текис қилиб чиқди. Офтоб яхшироқ тушадиган жойдан чиройли жўяклар олиб, оз-оздан картошка, помидор, пиза, саримсоқ экди. У нокни яхши кўрар эди. Девор тағларига тўрт туп нок кўчати экди. Лекин нок тез ҳосилга кирмаслигини ўйлаб уларнинг ора-орасига шафтоли кўчатлари ўтқазди.

— Шафтолининг умри қисқа, бу ҳосилини бериб бўлиб, қаригунча, ноклар кучга киради,— деб тушунтирди у кампирига.

— Ҳосили бошидан қолсин, унғача мен борманми, йўқманми? Аввал мана бу исқоти уйларни пол қилинг. Газ туширтиринг! Тутун ютавериб жонимдан тўйдим-ку!

— Сабр қил, хотин, ҳаммаси бўлади.

Аъзам ота ҳовлида кафтдай ҳам бўш жой қолдирмай, қулупнай, кашнич, укроп экди, лахтак бўлиб қолган озгина ерга арпа аралаш беда уругидан сепиб қўйди. «Ёзда беданинг нафаси яхши бўлади», деб қилган ишидан ўзи мамнун бўлди.

У сув ёқалаб, ерда ишлаб деҳқончилик қилганда кунгли яйрарди. Лекин темир қувурлар ўтказиб, газ туширишни, ёғоч рандалаб, пол қилишни жини ёқтирмас эди. Бу ишларнинг ҳаммаси нуқул пул ейди. Нариги ҳовли учун олган пуллари тамом бўляпти. Шокирнинг топгани ҳисобли. Аброр ҳам ҳар ойда унча-мунча ёрдам бериб турибди. Лекин қўлдан берганга қуш тўймайди.

Аъзам ота қиши билан қурилишда қоровуллик қилди. Баҳордан қурилиш анча кенгайди-ю, яна битта қоровул керак бўлиб қолди. Аъзам ота кампирини иккинчи қоровул қилиб ишга ўтказди, сўнг унинг вазифасини ҳам ўзи бажара бошлади. У энди кеч соат олтидан эрталабки тўққиз-ўнгача — ҳар кунни ўн беш-ўн олти соат қоровуллик қилар, кундуз кунлари эса участканинг ташвиши билан бўлиб тиним билмас эди.

Ҳамма уйларни пол қилиб, дсворларни ганч сувоқдан чиқаргунарларича куз келиб қолди. Ҳали шифтлар турибди. Ҳанифа хола ҳар кунни, «газ туширинглар!» деб зориллайди. Лекин бу кўчага ҳали газ келган эмас. Аброр бир қанча идораларга бориб, аллакимларнинг ваъдасига ишониб, кеч кузгача кутди, бўлмади. Шундан кейин у ёнидан пул чиқариб, суюқ газнинг асбоб-ускунасини сотиб олди-да, ошхонанинг ташқарисига иккита қизил баллон қўйдириб берди. Газда овқат пишира бошлаган кунни Ҳанифа хола Абрордан астойдил хурсанд бўлди:

— Барака топгин. Аброржон, илоё сен ҳам болаларингнинг роҳатини кўргин, жоним кириб қолди!

Аброр отасининг ҳам оғирини енгил қилмоқчи бўлар эди-ю, лекин Аъзам ота ўзини аямас, озиб-тўзиб кетса ҳам шикоят қилмасди. Шанба кунни эрталаб Аброр улардан хабар олгани машинада бораётса, Аъзам ота қурилиш томондан қўлини орқасига қўйиб, мункиллаб чиқиб келяпти.

Аброр машинани унинг олдида тўхтатиб, орқа эшикни очди. Аъзам ота машинага чиқиб ўтиргунча ҳансираб, гўс дармони кетиб қолди.

— Заб келдинг-да, ўғлим. Уҳ!.. Билмадим, менга нима бўлди? Боя қоровулконадан чиқсам, бошим бир ёмон айланди. Нафасим тиқилиб келди. Йиқилиб қоламанми деб қўрқдим. Дарроя тахлаб қўйилган ёғочларнинг устига ўтирдим. Хайрият, ўтиб кетди.

Аброр отасининг икки ёноғи ичига ботиб юз суяклари бўртиб турганини, ранги саргайиб қолганини кўрди-ю:

— Сизга бир эмас, икки қоровулнинг ишини қилиш нима керак, ада?— деди.— Қўйинг шу ишни. Уйда тинчгина ўтиринг.

— Қоровулхонада ҳам ўтираман, етаман. Ҳар замонда бир айланиб чиқаман. Зўриқадиган иш эмас.

— Уйқудан қоласиз-да. Кейин кундуз участканинг ишини қилиб тинмайсиз. Дам олиш йўқ сизда.

— Нима қилай, Аброржон! Рўзгор — гор, участка — аждаҳо бўларкан. Сен ҳам бериб турибсан. Шокир ҳам дурустгина топяпти. Барибир пул етмайди. Ҳали бу укангни уйлантиришимиз керак. Келин тушириш осонми? Тўй ўтсин. Кейин иш-пишни ташлайман.

Шокирнинг тўйи бултур бўладиган эди. Аъзам ота участкани шу кузгача битирмоқчи эди. Лекин ҳали тахта-ю, фанер топилмай, ҳали уста ишни чўзиб, ҳали бошқа ташвишлар орага тушиб, шифт бу йил баҳорнинг охирига борганда битди. Бўёқ-бесак ишлари ва бошқа майда-чуйдалари ҳамон чала эди.

Ўрик энди пишган кунларнинг бирида Аброр яна ота-онасини кўргани борди. Аъзам ота аввалгидан баттар озиб, мункайиб қолган. Ҳанифа хола лағмон қилган экан. Аъзам ота ўгиллари билан лағмон еб ўтирганда бирдан:

— Иҳ!— деди-ю, оғзидаги бир туюр гўштни тили билан у еқ-бу еқ қилди. Сўнг қўлини секин оғзига солди-да, саргайиб кетган тишсимои суяк олди:— Учтагина тишим қолган эди. Шунинг ҳам биттаси суғурилиб чиқди-я. Бўлмаса лағмонга ҳам тиш синадими.

Овқатни еб бўлиб чойга ўтганларида Аъзам ота гамгин товуш билан:

Ўгилларим, деди,— мен ҳам энди пишиб қолганга ўхшайман. Етмиш учга қиряпман, армон қиладиган жойим йўқ. Участканинг қолган иши кейин бўлаверар. Энди тезроқ Шокирнинг тўйини ўтказайлик. Агар мен юмалаб кетсам, кейин бу тўй яна сурилади.

— Ниятни яхши қилинг, адаси,— деди Ҳанифа хола. Худо хоҳласа ҳали Шокиржоннинг болаларини ҳам ўйнатасиз.

Сен ҳали бақувватсан, хотин. Лекин меннинг ма-
зам йўқ. Кўзим очиқлигида бунинг ҳам бошини ик-
кита қилиб кетай. Аброржон, келин томонни
укангдан сўраб олгин. Келаси ҳафта совчиликка бо-
ринглар. Тўйни кузга қолдирмай ўтказиб юборайлик.

Шокир ота-онасининг олдида қаллиғи тўғрисида
гапиришдан тортинар эди. Аброр кетмоқчи бўлиб
ўрнидан турганда укаси уни машинасининг олди-
гача кузатиб чиқди.

Қоронғи тушиб қолган эди. Аброр укасининг юзи-
ни кўрмаса ҳам, унга тикилиб туриб:

— Қалай, совчиликка бораверсак бўладими, Шо-
кир?— деди.

— Бўлади шекилли. Ота-онаси «келишсин» деб-
ди.

— Кимлар борарканмиз?

— Келинойим икковларинг борсаларинг бўлар
эди. Лекин улар қондасини келтиришмоқчи эмиш.
Аввал эркаклар икки-уч киши бўлиб боришаркан.
Тўн кийдириб, рози бўлганларини билдириб юбори-
шаркан. Кейин аёллар палов пишириб, «маълум
оши» олиб боришармишми-ей...

— Ташвиш жуда кўпайиб кетади-ку, а?— деди
Аброр.— Бунақа расм-русумлари биздан ҳам кўра
қиз томонни кўпроқ қийнайди. Чунки бизникилар
беш-олтита тоғорани ош, сомса, норинларга
тўлдириб борса, улар буни қўни-қўшниларга ула-
шади. Яна маҳалла-кўйдан беш-ўнта аёлларни
чақириб, меҳмонларга қўшиб, қуюқ-суюғи билан
зиёфат қилади. Охирида ўша тоғораларни ош-
пошларга тўлдириб, устига сарполар қўйиб,
қайтаришади. «Бор тоғорам — кел тоғорам» деган
бу расмийят кимга керак? Ундан кўра «маълум оши»
деган кераксиз расм-русумларни қисқартириб таш-
лаб, ҳамма кучини битта чиройли тўйга сарфласак
яхши эмасми?

Шокир тараддулланиб, мўйловчасининг учини
чимчилаганича ўйланиб қолди.

— Ука, сен Нигорага тушунтириб айт. Ортиқча
расм-русумлар ўзаларингни ҳам қийнаб ташлайди.
Янги бўлса, чинакам янгича бўлсин. Эскичани ҳам
қўшиб, аросатда қолиб ўтирмайлик.

— Лекин у ҳам шуни истайди.

— Жуда яхши, ойиси билан гаплашиб, бир қарорга келсин-да жавобини сенга айтсин.

* * *

Шанба куни туш пайтида Аброр отаси ва катта поччаси билан Нигораларниқига қараб борар экан, илгари ҳовли ўртасида қаққайиб, жуда хунук кўринадиган кооператив уй энди нимаси биландир илиқ туйгулар уйғотаётгандай бўлди. Укасининг севимли қизи, бўлажак келинлари шу уйда истиқомат қилиши бу уйни алланечук жозибали қилиб курсатаётгандай туюлди.

Учинчи қаватдаги квартиранинг олдида уларни тавозе билан кутиб олганларнинг бири — Шерзод Баҳромов бўлди. Тўрдаги хонага киришди. Бир деворга чиройли ипак гилам осилган. Иккинчи девор тагига қўйилган сервант чинни ва биллурга тўлиб турибди. Юмшоқ стулларга қизил барқут қопланган. Стол устидаги оппоқ дастурхонда узум, ўрик, нок, бутун қовурилган товуқлар, устига қази парра қилиб терилган норин. Шисаларда «Боржоми» суви, арман коньяги, «Экстра» драги.

Икки томон ҳам бир-бирларидан тортиниб анча вақтгача гап қовушмади. Шўрва тортилгандан кейин Шерзод Аъзам отага юзланди:

— Отаxon, рухсат берсангиз... қиттай-қиттай қуйсам...

— Ўзларингизга бемалол қуяверинг, ўғлим. Биз чой ичамиз. Тортинманглар... Ишқилиб тўй-томоша бўлсин.

Иккинчи, учинчи қадаҳдан кейин ҳаммалари анча дадилланиб, тўйдан гап очдилар.

— Ёшларнинг юлдузи юлдузига тўғри келибди,— деди Аброр қизнинг отасига қараб.— Бўлмаса сизлар қаёқда эдиларингизу биз қаёқда эдик? Насиб қилса, мана энди қариндош бўламиз.

Қизнинг отаси — қирқ беш ёшлардаги ўрта бўй, жингалак соч киши — қўлини уялинқираб кўксига қўйди:

— Хайрли бўлсин.

Ошни еб бўлдилар. Лаганлар олиб хстилди. Шундан кейин қизнинг катта тоғаси бўлган кекса одам:

— Маҳаллага ош бермасак бўлмайди,— деди.— Булар янги кўчиб келишган. Атрофдагилар билан киришиб кетиши учун ҳам ош бериши керак. Бир ҳоп гуруч, бир қўй, шунга яраша, ун, масаллиқ, мена-чева.

— Биз рози,— деди Аъзам ота.— Яна нима талабларингиз бор? Бемалол айтингизлар.

Яна ўша кекса тоға:

— Онаси шу қизни не умидлар билан катта қилган,— деди.— Иrimi бор. Сут пули... Кўп эмас... Тўрт юз.

Орага бир лаҳза ноқулай жимлик тушди. Аброр ер тагидан Шерзод Баҳромовга кўз қирини ташлади. Шерзод унинг кўнглидан ўтган гапни пайқагандай бўлиб:

— Бу нимаси, ака, қалин сўраяписизми?— деди.

— Йўғ-е, фақат онани рози қилиш учун-да. Қалин тўрт юз бўладими? Баъзи қишлоқларда ўн беш-йигирма минг қалин олишармиш-ку!

Аъзам ота Аброрга гапир, дегандай қилиб қаради.

— Бошимиздан ўтган, биламиз, тўйнинг харажати кўп бўлади,— деди Аброр.— Тўрт юзни шунақа харажатлар учун бир совға тарзида бажону дил берамиз. Лекин илтимос шуки, буни сут пули деб атамайлик. Чунки онанинг сути пулга чақиладиган нарса эмас.

Қизнинг отаси кўзлари уятдан йилтираб:

— Тўғри айтдингиз, раҳмат,— деди.— Энди меҳмонларнинг талабини эшитайлик... «Оқ ўраш», «Маълум оши» деган одатларимиз бор экан. Шуларни қиламизми, йўқми?

Бу гаплар Шокир орқали аллақачон қизга ва унинг ота-онасига стиб борганини сезган Аброр:

— Биз учун бунақа расм-русумларнинг кераги йўқ, тўғрими, аа?— деди.

Аъзам ота тасдиқ маъносида бош ирғади. Шунда қизнинг отаси дарҳол бу фикрга ён бериб:

— Биз қарши эмасмиз, ихтиёр сизларда,— деди.

Аброр ичида мамнун бўлиб: «Бўлажак келинимиз дуруст, ота-онасига яхши таъсир ўтказибди», деб қўйди.

Лекин Шерзоднинг кекса акаси:

— «Маълум оши»сиз қанақа бўлади?— деди.— Келиннинг кийим-кечак, сарполари маълум оши би-

лан бирга олиб келинмайдими? Бош-оёқ кийимларни ҳам қиз томон ўшанда бериб юборади-ку.

Аброр кулимсираб:

— Мана, орамиз яқин-ку,— деди.— Эллик метр нарида биз турамыз. Бериладиган, олинадиган сарполар бўлса, уларга тоғорадаги ошларни аралаштириб юрмасдан, аёллар тўғри бир-бирларига стказаверишсин-да.

Қизнинг кекса тоғаси салфеткани эзгилаб индамай ўтирган Шерзодга юзланди:

— Жуда жўнлашиб кетадими дейман? Одамлар гап қилиб кулмасин тагин?

Шерзод тезда жавоб бермади. Қизнинг отаси ҳам унга кўзи жавдираб қараб турарди. Ҳозир Шерзод нима деса шу бўлишини Аброр ҳам сизди. Шерзод Аброр билан Аъзам отага худди қарз бераётган одамдай хиёл миённат қилиб қаради:

— Сизлар шуни истар экансизлар, майли, биз йўқ деёлмаймиз. Лекин жиянимиз Нигора — ҳар қанча обрў қилса арзийдиган қиз.

— Тўғри, Нигора тўнғич фарзанд, ота-онасининг орзу-ҳаваси кўп,— деб кекса тоға гапни илиб кетди.— Тўйда қўш карнай, қўш сурнай, қўш ногора бўлиши керак. Яхши ҳофизлардан бир-иккитасини созандалари билан олиб келишга ҳозирдан ҳаракат қилингани яхши.

Бунинг ҳаммаси қанчалик серташвиш, серҳаражат ишлар эканини яхши билладиган Аброр Шерзодга яна савол назари билан кўз ташлади. Бир вақтлар Шерзод қўш-қаватли янги уйлارнинг ҳовлисида карнай-сурнайлар чалиб, радио-карнайлардан алжиб, минглаб одамларнинг тинчини бузиншга қарши гапирганларини эслатгиси келди.

— Бу ёғи қандоқ бўлади, Шерзод Исломович? Биз ҳаммасини қилишимиз мумкин. Лекин микрофонда ортиқча шояқин-сурон...

Шерзод бу гал чап берди:

— Карнай-сурнай масаласини кейин ҳал қиламиз. Ҳали вақт кўп. Ёшлар ЗАГСга ариза бергандан кейин бир ярим ой кутади. Бошқа тайёргарликлар билан икки ойга борса, тўйни августнинг ўрталарига белгилаш керак.

У чўнтагидан қизил муқовали жажжи календарчани олиб, августнинг охирларига тўғри келадиган якшанба кунини танлаган эди, қизнинг отаси ва катта тоғаси дарров рози бўлишди. Аброрлар ҳам бу муҳлатни қабул қилишди.

Ниҳоят, Шерзоднинг ишораси билан уй эгаси ичкаридан учта зира беқасам тўн олиб чиқди. Кекса тоға ўрnidан туриб, аввал Аъзам отага, сўнг қолган икки меҳмонга тўн кийгизди-да:

— Муборак бўлсин!— деди.

— Мана энди қариндош бўлдик, ота!— деди Шерзод Аъзам отага қараб.

Бу уйнинг энг обрўли тоғаси Шерзод эканини сезган Аъзам ота унга қуллуқ қилиб:

— Кам бўлманг, ўғлим, раҳмат!— деди.— Қани, омин, қўшгани билан қўша қарисин, ували-жували бўлишсин, ҳамиша бахтлари хулиб, толелари ёр бўлсин!

Юзларига фотиҳа тортиб ўринларидан қўзғалишди. Квартирадан ташқарига чиқиб, хайрлашаётганларида Шерзод Аброрга: «Ёмон ниятларингдан ҳам хабардорман», дегандай тагдор қилиб:

— Энди охири бахайр бўлсин,— деб қўйди.

— Энг муҳими шуки,— деди Аброр,— ешлар бир-бирларига кўнгил беришган.

— Лекин уларнинг бахти сиз билан бизга ҳам боғлиқ.

Шерзод ёмонликка олса кўп нарса қўлидан келишини сездириб қўймоқда эди. Ҳозиргина уларнинг зисфатларини еб, тўнини кийиб чиққан Аброр: «Бизнинг орамизда бўладиган тўқнашувларнинг бу тўйга алоқаси йўқ», деб айтолмади.

— Тўғри, бизга ҳам боғлиқ,— деб Шерзоднинг гапини маъқуллашга мажбур бўлди.

Ичиди эса: «Нареқдаги лойиқалар икки-уч ой беҳаракат турса-ю, Шерзод Баҳромов билан бўладиган олишувлар бошланмасдан тўйни ўтказиб олсак қанийди!— деб қўйди.— Ҳеч бўлмаса ЗАГС дан ўтишга улгуришса эди! Кейин Баҳромов билганини қилсин эди»...

Вазира тўйнинг августга белгиланганини Абрордан эшитиб:

— Чатоқ қилибсизлар-да,— деди.— Ё июлда ёки сентябрда бўлсин эди. Август — Малика институтга имтиҳон топширадиган пайт. Конкурси бир бало. Шунинг ташвиши бизга етиб ортади-ку.

Аброр бошқа ўйлар билан бўлиб буни унутган эди.

— Ҳали бу ҳам бор-а!— деди устма-уст келатган мушкулотлардан юраги безиллаб.— Сиз ҳалиги проректор билан гаплашдингизми?..

Малика ўнинчи синфни кўпроқ «беш», бир-икки-та «тўрт» баҳолар билан тугатган, математика тўғрарига қатнашиб юриб, шу фан бўйича фахрий ёрлиқ ҳам олган эди.

Сўнгги йилларда бўйи тез ўсиб, ойсидан хийла баланд бўлиб кетган Малика эртаю кеч тинмай имтиҳонларга тайерланарди. Уни гам-ташвиш босгандай бўлиб, жуда вазминлашиб қолган, илгариги ўйин-кулгилари энди йўқолган эди. Юзлари қорайиб, бўйни ингичкалашган. Кўзлари алланечук катта-катта, одамга хомуш қарайди. Унга баъзан Аброрнинг раҳми келади. Вазирани эса, «киролмай қолса-я!» деган ўй ваҳимага солади.

Қизларининг тайергарлиги яхшилигини билса ҳам, Вазира баъзи бир эҳтиёт чораларини кўриб қўйишга тиришиб, Малика кирмоқчи бўлган институтнинг проректорига учрашмоқчи эди. Бу проректор янги ўқув корпусларнинг лойиҳасини бошқарманинг тасдигидан ўтказолмай овора бўлиб юрганда Вазира унга қарашиб, ишнинг тез битишига срдзам берган эди. Ушанда проректор унга: «Бу яхшилигингизни албатта қайтараман», деган эди.

— Телефон қилдим, проректор кабинетида экан,— деди Вазира эрига.— Лекин бунақа гапни телефонда айтиш ноқулай. Боришимиз керак.

Аброр гарданини қашиди:

— Ҳали бу еқда тўй тайерлиги турибди. Якшанба куни Бешқайрағочдаги ҳовлига қариндошлар маслаҳатта тўпланишаркан. Биз эртароқ бориб, қарашиб турмасак бўлмас.

Вазира аввалги бешиктўйнинг галваларини эсладу:

— Жуда жонга тегди-да!— деди.— Бу еқда одам ўз ташвишидан ортмай турган пайтда нарекда яна бирон даҳмаза чиқади.

— «Қўша келади» деб бежиз айтишмаган-да.

Эр-хотин ўйлашиб-кенгашиб, Шокирнинг тўйига тўрт юз сўм пул берадиган бўлишди. Ҳанифа холанинг сандигида бўлажак келинга атаб йиғилган беш-ўн кийимлик атлас ва бошқа яхши матолар бор эди. Бунинг ҳаммасини қиз ўзи машиначига олиб бориб, қадди-бастига тўгрилаб тиктирадиган, машиначининг ҳақини куёв томон тўлайдиган бўлди. Келинга қилинадиган бош-оёқ сарпонинг бир қисмини — пальто, плаш, кофтларини Шокирнинг опалари оладиган бўлишди. Ҳозир топилиши қийин бўлган пошнаси баланд келин туфли билан платформали модабоп этикча Абдорнинг зиммасига тушди.

— Машинанг бор-да, ўғлим, сенга осонроқ,— деди Аъзам ота.

Платформали этикча ҳозир шундай мода бўлган эдики, қишда кийиладиган бу пойабзалнинг яхшиси езда ҳам бирорта магазинда топилмас эди. Келинларининг бўйи пастроқ бўлгани учун этикчанинг пошнаси баланд, ажнабийсини истар экан. Ахийри бўлмагандан кейин Отчопарнинг олдидаги бозорга боришиб, ўшанақа пошнаси баландини қўлдан тўқсон сўмга олишди. Оқ келин туфлини эса Шокир никоҳ уйидан олган таклифнома ёрдамида Шота Руставели кўчасидаги келин-куёв магазинидан топишди.

Шу билан тўй «солиғи»ни бир қадар узгандай бўлишди-ю, Малика кирадиган институтнинг проректорини излаб кетишди. Қабул имтиҳонлари яқинлашгани сари бу одамнинг олдига илтимосчилар кўп келар, проректор улардан қочиб, кабинетида кам ўтирар эди. Вазира уни коридорда учратиб қолди, ўзини ва Абдорни танитгач:

— Кечирасиз, бир оғиз айтиб қўймоқчи эдик,— деди.— Қизимиз Малика Аъзамова институтларингизга кириш учун ҳужжат топширди. Ҳалол киришга кучи етади. Фақат конкурсада ваҳимага тушиб, ўзини

йўқотиб қўймасин, деймиз. Деканми, домлаларими — сал далда бериб туришса бас.

Проректор чўнтагини қидириб, бир парча оқ қоғоз топди, лекин ручка тополмади. Шунда Аброр унга ўзининг авторучкасини узатди. Проректор Маликанинг исм-фамилиясини, кирадиган факультетини бир парча қоғозга ёзиб олди-да:

— Хўп, мен деканга тайинлаб қўяман,— деди.

Икки кун ўтгач, эр-хотин деканни излаб топишди. Вазира проректорга айтган гапларини яна бир бор такрорлади. Декан шу пайт жиринглаб қолган телефон трубкасини кўтарар экан, Вазирага:

— Билими яхши бўлса, албатта ўтади,— деди.

— Биз ҳамма кирувчиларга иложа борича яхши шароит яратамиз, далда бериб турамиз. Бу жиҳатдан хотиржам бўлингизлар. Хэйр!

У «гап тамом» дегандай, ўнг томонга ўгирилиб, телефонда шошилмай гаплаша бошлади. Аброр Вазирага шивирлаб:

— Бўлди, юринг,— деди.

Ташқарига чиққанларида Вазира ундан норози бўлиб:

— Мунча шоширасиз?— деди.— Ёзиб олмади-ку. Эсидан чиқиб кетади.

— Ёзиб олганида ҳам, ташлаб юбориши қийинми?— деди Аброр.

Проректорнинг Маликани блокнотига эмас, алоҳида қоғозчага ёзиб олганида бошқа маъно борлигини — у буни деканга айтгандан кейин, қоғозчани ташлаб юборганини Вазира энди фаҳмлагандай бўлди.

— Одам ҳеч кимга зор бўлмасин экан-да?— деди у.

— Буларга ҳам қийин. Биздақалар оз эмас. Ҳалиям ўзимиздан қолмайлик. Маликани дурустроқ парвариш қилинг. Вақтида ётиб, вақтида турсин.

Вазира энг тинч хонани Маликага берган, эртаю кеч унинг овқатидан хабар олиб турар, кечаси у ухлагандан кейин ухлар эди. Биринчи имтиҳонга Аброр қизини машинасида олиб бориб қўйди. Математиканинг ёзмаси эди, натижасини тўрт кун кутишди. Вазира хавотирланганидан икки кеча ухламай чиқди.

Малика езмадан ўтган эди-ю, лекин «уч» олган эди. Энди қолган имтиҳонларни «тўрт» ва «бешга» топширмаса киролмаслиги аниқ эди.

Вазира бундан шундай хафа бўлдики, бошининг орқаси тортишиб оғриб, кўзининг олдида яна қора чизиқлар жимир-жимир қила бошлади. Қон босими ошганини сезиб, аввалги гал врач буюрган таблеткалардан ичиб кўрди, лекин фойда бермади. Врачга боришга эса вақти йўқ эди.

* * *

Бултурдан бери папкаларда жимгина ётган Бўзсувга сид лойиҳа худди мана шу кунларда бирдан ҳаракатга тушди. Чунки метро қурилиши Бўзсувга яқинлашиб қолган, туннелни ўзан тагидан ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилган эди.

— Вазирахон, эшитдингизми?— деб Шерзод Вазиранинг иш жойига телефон қилиб қолди.

— Нимани?

— А, бу... хўжайинингиз метрочилар билан бирга бизнинг лойиҳага қарши бошқа лойиҳа тайёрлаётган эмиш-ку!

Вазира Аброрнинг Фарид деган метрочи инженер билан телефонда кўп гаплашишини, кечқурунлари уникига бориб, йўқ бўлиб кетишларини эслади. У нима ишлар қилиб юрганини Вазирага айтмас эди. Вазира бир марта: «Мунча сир сақлайсиз?» деб ранжиганда, Аброр: «Ўзингиз Баҳромов билан соавтор бўлиб нималар қилганингизни менга айтганмидингиз?» деб, уни силтаб ташлаган эди. Шундан бери икковларининг гапи уй-рўзгор, болалар ва қариндош-уруғлар мавзусидан нарига ўтмайдиган бўлиб қолган эди. Вазира бунинг ёмон бир оқибати бўлиши мумкинлигини, Аброр ҳасама-ҳасдига нимадир тайёрлаётганини сезиб юрарди. Ҳозир Шерзоднинг гапини эшитгач, мумкин қадар босиқ товуш билан:

— Лойиҳа тайёрлашган бўлса, барибир бошқармага олиб келишади,— деди.— Наби Садриевич бизнинг лойиҳани маъқуллаган. Нимасидан мунча хавотирланасиз?

— Метро қурувчилари бизнинг ишни маъқуллама-
япти-да. Уларнинг ҳуқуқи жуда катта. Бошқарма билан
ҳам ҳисоблашмай, тўғри шаҳар раҳбарларига мурожаат
қилишлари мумкин. Метрочиларнинг гапига энг катта
раҳбарларимиз ҳам қулоқ солишади.

— Бўлмаса нима қиламиз?

— Менимча, москвалик катта мутахассисларни
ёрдамга чақирадиган пайт энди келди.

— Павел Даниловичними?

— Ҳа, мен ҳозир унга телефон қилдим. Шу ой
ичи Москвада бўлар экан. «Чақирсаларинг боришим
мумкин», деди.

— Фамилияси Катинов эди-а?.. Буни яхши айт-
дингиз, Шерлод. Мен ҳозир Наби Садриевичга кириб
айтаман.

Вазира трубкини қўйиб, қўлига қоғоз-қалам олди.
Бошқарма ҳисобига Москвадан мутахассис чақирилади-
ган бўлса, бунинг заруратини ёзма равишда асослаб
буйруқ лойиҳасини олдиндан тайёрлаб кириш керак
эди. Вазира керакли гапларни чиройли ҳарфлар билан
шошилмай ёзиб, «К докладу» деган муқовали папкага
солди-да, бошлиқнинг ҳузурига кирди.

Наби Садриевич унинг гапини эшитиб бўлиб,
пастки лабини ўйчан тишлади.

— Лойиҳаларинг чиндан ҳам метро қурувчиларга
ёқмаяпти,— деди Вазирадан кўзини олиб қочиб.

— Уларни чалгитаётган бошқа лойиҳа бор эмиш-
да, Наби Садриевич.

Садриев энди Вазиранинг юзига қаради:

— У лойиҳани кимлар чизибди?

— Анигини ҳали билмайман. Биттаси метрочи
инженермиш. Биттаси ирригаторлардан экан...

Вазира Абборни айтишга тили бормади, кўзини
қўлидаги қоғозга тикиб:

— Наби Садриевич,— деди,— агар Москвадан
обрўли мутахассис келса, масалани холис туриб ҳал
қилиб беради.

— Сиз чақирмоқчи бўлган мутахассис бизни
ёқлашига ишонасизми?

— Ишонаман. Катинов билан гаплашганмиз.

Наби Садриевич Вазиранинг қўлидаги буйруқ
лойиҳасини олдига олиб, кўздан кечириб чиқди-да,
юқори четига қўл қўйди.

Ўша куни Москвага — Катиновнинг номига чақириқ телеграммаси жўнатилди.

Бу ишлар таъсирида Маликанинг имтиҳонлари ҳам Вазиранинг хаёлидан узоқлашган эди. Уйга бораётганда бугун қизининг иккинчи имтиҳонни топширишга кетгани эсига тушди. Вазира квартиранинг қулфини ўзининг калити билан очиб кирган заҳоти йўлакда шимини чўткалаётган Аброрни кўрди.

— Малика келдими?— деб энтикиб сўради.

Шу пайт ошхона томондан Малика ҳорғин кулимсираб чиқиб келди. Аброр Вазирага:

— Табриклашингиз мумкин,— деди.

Вазира «беш» дейишдан ҳайиқиб:

— «Тўрт»ми,— деди.

— Йўқ, «беш»,— деди Малика.

Вазира қизини қучоқлаб, юзларидан, кўзларидан ўпа бошлади.

Шокир ҳам шу ерда экан — телевизор қўйилган хонадан йўлакка чиқиб, келинойиси билан сўрашди. Сўнг қўлидаги чарм папкани очиб, муқовасига атиргулнинг расми солинган, ичига эса зарқал ҳарфлар билан тўй таклифи езилган чиройли қоғозни кўрсатди.

— Ие, таклифномани тарқатяпсизми? Ҳали эрта эмасми?

Вазира Аброрга қарамас, у билан аразлашганга ўхшарди. Лекин Аброр буни сезмагандай бўлиб:

— Шу бугун бошламасак, кейин шошиб қоламиз,— деди. Беш кундан кейин булар ЗАГСга борадиган. Шокир, қани юр...

Аброрнинг машинаси кўча четида турган эди. Ака-ука пастга тушиб, машинага ўтириб кетгунларича Вазира деразадан уларни хомуш кузатиб қолди.

Уйда Маликанинг имтиҳонлари-ю, укасининг тўй тараддуди тўғрисида очиқ-сочиқ гаплашиб юрган Аброр нарёқда хотинининг ишини йўққа чиқарадиган лойиҳа чизгани ва буни яшириб юргани Вазиранинг хаёлидан нари кетмас эди. Вазира ҳам бугун эрининг шу лойиҳасини чиппакка чиқариш ҳаракатида нималар қилганини унга билдирмоқчи эмас эди. Зимдан кескин тус олаётган бу ички зиддият Вазирани алланечук карахт қилиб қўйган. У қизининг бугун «беш» олиб келганидан қувонмоқчи бўлади, лекин бу қувонч унга татимайди, кўнглига

сигмайди. Уйда бир хил, ишда бошқа хил бўлиш мумкин эмаслигини у энди астойдил сезяпти. Аброр билан икковининг орасидаги яширин эиддият уйда ҳам унинг бутун борлигини тўлдириб, вужудини тордай таранг тортиб турибди.

Бу тор ҳадеб тортилаверса, бирор жойидан узилиб кетиши муқаррар. Лекин уни бўшатиброқ қўйиш энди Вазиранинг ихтиёридан кетган, Шерзод билан бирга қилган ишлари, унга бошқарманинг ён босаётгани, Москвага кетган телеграмма — ҳаммаси бир-галикда гўё Вазирани ўз оқимига бўйсундириб олиб кетаётган зўр бир дарёга айланган эди.

У шуни биладики, энди Аброр ҳам орқага чекинолмайди — мутахассис ирригатор, метрочи инженер билан учовлашиб таклиф қилган лойиҳа метро қурувчиларига маъқул бўлган, лекин Садриев ҳамон Вазиранинг лойиҳасини ўтказишга интилиб, оёқ тираб турибди. Бу катта масаладаги қарама-қарши нуқтаи назар, ахийри, шаҳар раҳбарияти томонидан кўриладиган бўлди.

Вазира буни эшитган кунини изтиробини яна бир даржада ошди. Гўё у кучли бир даренинг оқимида, Аброр эса бошқа бир зўр даренинг оқимида бир-бирларига қарши сузиб бораётган алоҳида-алоҳида кемаларга чиқиб қолганга ўхшарди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Улар шаҳар раҳбариятининг кенгашлар залига ҳам худди бегона одамлардек, ҳар бири ўз тўпи билан кириб боришди. Эшиги олдида хушмуомала милиционерлар ҳужжат текшириб киритадиган, паркетлари ва мрамар зинапояларига озода пояндозлар тўшалган бу салобатли бинода Вазира ўзини одатдагидан хийла кичик сезаётгандай бўлди.

Залнинг ёғоч панелли деворига лойиҳалар ва эскизлар осиб қўйилди. Шерзод билан Вазиранинг лойиҳасига нафис ранг берилган, эскизлари чиройли рамкаларга солинган. Аброрларнинг лойиҳаси ҳали хомаки вариант бўлганлиги учун рангсиз ишланган. Ўтган кунини Москвадан етиб келган Павел Данилович кеча Шерзоднинг машинасида шаҳар айланди, Бўзсув бўйига бориб, метро тоннели ўтиши керак

бўлган жойни кўрди, бошқармага кириб, лойиҳа билан танишди. Садриевнинг ҳузурда узоқ ўтирди. Унинг гап авзойига қараганда, Вазираларга ён босгиси келар ва кучли далиллар изларди.

Бундай далилни қарши томондан қидиргандай, Павел Данилович Абзорларнинг лойиҳаларини ҳам синчиклаб кўриб чиқди. Фарид билан Абзорга саволлар берди. Уларнинг изоҳини эшитаётганда эса чўнтагидан жажжи қутичани олди ва унинг оқ шнурини тез қулоғи ортига қистирди. Буни узоқдан кўриб турган Вазира Павел Даниловичнинг ниманидир маъқуллаб бош ирғаганини, сўнг бирдан қўлини «йўқ-йўқ!» деган каби ҳаракатлантирганини кўрди.

Шу пайт метро қурилишининг бошлиқларидан бири — Москвадан Тошкентга келиб ишлаётган таниқли инженер — Павел Даниловичга қучоқ очиб:

— Павел! Сенмисан!— дегани Вазиранинг қулоғига чалинди. Ҳамшаҳарлар ўпишиб кўришдилар.— Павка, қанақа фалакнинг гардиши билан келдинг?

Шу пайт эшикка яқин турган Наби Садриевич:

— Тш-ш, ўртоқлар, тш-ш,— деб қолди.

Эшикдан шаҳар раҳбариятидан Ўктам Раҳимович ўз ёрдамчиси билан кириб келди. Унга Садриев билан метро қурилишининг бошлиғи пешвоз чиқишди ва иккови икки ёнида туриб, деворга осилган лойиҳаларни кўрсатишди.

Одамлар нима бўлишини кутиб жим туришибди. Ўктам Раҳимович лойиҳаларни бир-бирига солиштириб, икки-уч қайтадан синчиклаб кўрди, ноаниқ жойларини сўраб олди. Сўнг тўпланганларга мурожаат қилди:

— Лойиҳалар билан ҳамма танишганми?

— Танишган, танишган...

— Бўлмаса, марҳамат, ўртоқлар, ўтиринглар...

Олдинроққа ўтинглар. Қани...

Ўктам Раҳимович президиум столи ёнига бир ўзи ўтди-да, одамлар жойлашиб ўтиргунча тикка турди. У ўрта бўйли, қовоқлари қалин, қошлари йўғон, миқти одам эди.

Биринчи сўз метро қурилишининг бошлиғига берилганда Вазира бир сергакланди. Чунки метро қурувчилари Абзорларнинг лойиҳасига тарафдор

эканини ҳамма биларди. Наҳотки Ўктам Раҳимович ҳам уларга ён босмоқчи бўлса?

— Наби Садриевичнинг мақсадини тушунаман,— деб гап бошлади метро қурилишининг бошлиги.— Бу киши метро баҳонасида Бўзсувнинг эгри-бугри жойларини тўғрилаб олмоқчилар. Бир километр узунликдаги янги ўзанининг атрофини бизнинг маблағимиз билан обод қилмоқчилар. Агар фурсатимиз бўлганда биз бунга қаршилиқ қилмас эдик. Лекин ҳозир бунақа ишларга вақтимиз йўқ. Берилган муҳлатларни бусиз ҳам чўзиб юборяпмиз. Графикдан чиқиб кетишимиз мумкин. Шунинг учун янги ўзан қуришу унинг атрофини кўркамлаштириш — шаҳар ободонлаштириш бошқармасига топширилсин. Биз учун Бўзсувнинг фақат метро туннели ўтадиган жойини мустаҳкамлашга қаратилган мана бу иккинчи лойиҳа маъқулроқ.

Метро қурилишининг бошлиги иккинчи лойиҳанинг биринчисига нисбатан икки баробар кам маблағ сарфлашга имкон беришини, демак, метро қурилиши ўшанчалик тезлаштирилишини исботлайдиган рақамларни қалаштириб ташлади.

Бу рақам ва далиллар Вазирага қор кўчкисидек беасв туюларди.

Наби Садриевичга сўз берилди.

— Ўртоқлар, Бўзсув — улкан бир дарёдай катта канал. У оқиб турган пайтда тагидан туннель қазиб бўлмайди. Агар туннель ўтиб бўлгунча Бўзсувни тўхтатиб қўйсак, ўнлаб колхоз-совхозлар сувсиз қолади. Экинлар қурийди. Бўзсув бўйига қурилган ГЭСлар бор. Улар тўхтаб қолади. Бунинг иқтисодий зарари бир километрлик ўзанининг қимматидан каттароқ бўлади.

Наби Садриевич ҳам турли-туман рақамлар келтирди-ю, охирида:

— Ўктам Раҳимович, биз Москвадан шу ишларнинг махсус мутахассиси Павел Данилович Катиновни консультация учун таклиф қилганмиз,— деди. — Ўртоқ Катинов Москва метросининг туннеллари-ни Москва — Река дарёси билан Яуза каналининг остидан ўтказишда катта тажриба орттирган. Ҳозир шу кишига сўз беришингизни сўрайман.

Садриев олдинги қаторда минбарга яқин ўтирган Павел Даниловични кўрсатди-да, жойига қайтиб бориб ўтирди:

Ўктам Раҳимович ўрнидан туриб:

— Марҳамат, ўртоқ Катинов, сўз сизга,— деди.

Павел Данилович ўрнидан турди, лекин минбарга чиқмай:

— Ўртоқ Раҳимов, сиздан бир нарсани сўраб олам мумкинми?— деди.

— Марҳамат.

— Сув остидан метро туннелини ўтказиш пайтида Бўзсувни бир ой-ярим ойга тўхтатиб қўйиш мумкинми, йўқми? Бу масалага шаҳар раҳбарлари қандай қарайди?

Вазира нафасини ичига ютиб, Ўктам Раҳимовичга тикилди.

— Қиш пайти бўлса, мумкин,— деди Ўктам Раҳимович.— Чунки Бўзсув — катта бир канал. Кўлгина катта каналларимизда қиш пайтида сув деярли оқмайди.

— ГЭСлар бор экан, улар тўхтаб қолса шаҳар электрсиз қолмайдими?— деди Павел Данилович ва жавоб кутиб эшиткич қутичасини тўғрилади.

— Иккита кичкина ГЭСимиз тўхташи мумкин, лекин улар берадиган озгина ток Тошкентни электр билан таъминлашга унчалик катта таъсир қилмаса керак. Бу ҳақда яна мутахассисларнинг фикрини эшитамиз... Ўртоқ Катинов, ҳозир сўз навбати сизники.

Павел Данилович бир оз саросимага тушиб:

— Мен ҳали тайёр эмасга ўхшайман,— деганда, Вазиранинг юраги шиг этиб кетди. Унинг бутун умиди Катиновдан эди. Наҳотки бу одам ҳам чекинастган бўлса?

— Ўртоқ Раҳимов, мени кейинги навбатга қўйишингизни сўрайман,— ўнгайсизланиб давом этди Катинов.— Бошқа ўртоқларнинг ҳам фикрини эшитай.

— Майли, бсмалол,— деб Ўктам Раҳимович залда ўтирганларга кўз югуртириб чиқди-да, Абдорнинг ёнида ўтирган серсоч, қорамағиз ирригатор йигитга мурожаат қилди:— Қани, ўртоқ Холбеков. Ҳозир тилга олинган масалага аниқлик киритасизми?

— Хўп,— деб Холбеков қалин қора сочини қўли билан ортга қайириб, минбарга чиқди-да, дафтарчасини очиб қўйиб гапира бошлади:— Бу ерда Наби Садриевич Бўзсувнинг бир ой-ярим ойга тўхтатиб қўйилишидан келадиган чиқимни тахминий тарзда айтдилар. Лекин мен шу соҳанинг мутахассиси бўлганим учун сув хўжалиги ташкилотларида бўлиб, аниқ ҳисоб-китоб тузиб чиқдим. Ўқтам Раҳимович, агар Бўзсув қиш пайтида, дейлик, ерлар музлаган қаҳратон чиллада бир ойга тўхтатилса, иқтисодий ютқизиш минимал даражада оз бўлади.

Ирригатор йиғит ҳам рақамлар келтира бошлади. Бу рақамлар яна Вазирани қор кўчкисндай босиб, эзиб ташлагандай бўлди. Чунки келтирилаётган рақамлар Шерзод билан Вазира чизган лойиҳадан кўра Абзорларнинг лойиҳаси бир неча баробар арзонга тушишини ва иқтисодий жиҳатдан афзал эканини исбот қилмоқда эди. Доим ўз лойиҳаларининг иқтисодий фойдасини чертиб гапирадиган Шерзод ўзининг энг зўр кўзири қарши томонга ўтиб кетганини сезиб безовта бўлиб қолди. Шу пайт Ўқтам Раҳимович у ўтирган томонга қараб:

— Қани, биринчи лойиҳанинг авторларидан... ким гапиради?.. Ўртоқ Баҳромов?

— Аввал Сайфулла Раҳмонович гапирсинлар!— деди Шерзод.

— Майли, қани ўртоқ Раҳмонов, сиз институт директорисиз...

Сайфулла Раҳмонович минбарга бир даста қоғоз кўтариб чиқди. Олтин гардишли кўзойнагини шовилмай тақди-да, олдиндан тайёрлаб эзиб келган нутқини ўқиб бера бошлади:

— Ўртоқлар, биз Шерзод Баҳромов, Вазира Аъзамовалар билан бирга тайёрлаган лойиҳа бугунги техника тараққистининг энг илғор индустриал иш методларига мўлжаллаб чизилган. Янги ўзанини қуриш ҳам, эксплуатация қилиш ҳам механизмлар ёрдамида қилинади, ишчи кучи тежалади. Абзор Аъзамов бошлиқ группа нима қилиб бўлса ҳам Бўзсувнинг эгри-бугри эски ўзанини сақлаб қолмоқчи. Мана шу мақсадда улар бизнинг лойиҳамизга қарши бошқа лойиҳа тайёрлашган. Ўқтам Раҳимович, агар Бўзсувнинг ўша эгри-бугри ўзани

сақлаб қолинса, у ерда механизмларни ишлатиб бўлмайди, Аброр Аъзамовга ана шу керак. Бу одам доим эски консерватив иш усулини сқлайди. Техника тараққиётига ола қарайди. Мен ўз қўл остимда ишлайдиган бу одамнинг унча соғлом бўлмаган кайфиятларига аввал ҳам зарба берганман, Ҳозир ҳам...

— Ўртоқ Раҳмонов,— деб Ўктам Раҳимович унга луқма ташлади:— Биз сизларнинг ораларингиздан ўтган эски гапларни муҳокама қилаётганимиз йўқ, ҳозир метро туннелини Бўзсувнинг тагидан қандай олиб ўтиш ҳақида сўз борапти. Нима, Аъзамовлар чизган мана бу туннель лойиҳаси илгор техникани ишлатишга тўсқинлик қиладими? Қани, далил келтиринг-чи?

Кутилмаган бу савол Сайфулла Раҳмоновични додиратиб қўйди. У қогозларини асабий титкилаб, далил топилмагандан сўнг, бирдан метро қурилишининг бошлиги қўл кўтарди:

— Ўктам Раҳимович, мумкин бўлса, мен битта изоҳ берай!

— Марҳамат.

— Биз, метросозлар, икки томонга ҳам баробар ҳолис одамлармиз. Шунинг учун айтмоқчиманки, Аъзамовлар чизган иккинчи лойиҳанинг барча иши механизмлар ердамида амалга оширилади. Илгор техникага тўсқинлик қиладиган бирорта нуқтаси йўқ! Аксинча, Аъзамовларнинг лойиҳаси индустриал иш методига асослангани учун ҳам вақтни тежайди, ҳам арзонга тушади.

Минбарда қизариб-бўзариб турган Сайфулла Раҳмонович:

— Эҳтимол,— деди,— Аъзамовнинг бу лойиҳаси илгор техникага қарши эмасдир. Аммо бошқа лойиҳалари...

— Бошқа лойиҳаларини бошқа жойда гапира-сиз!— деб Ўктам Раҳимович унинг сўзини кесди ва ўрнидан турди. «Ўтиринг!» деган маънони унинг қатъий қарашидан сезган Раҳмонов мулзам бўлиб минбардан тушиб кетди.

Шундан сўнг, Павел Данилович минбарга чиқди-ю, тўсатдан:

— Шерзод Исломович, Вазира Бадаловна, азизларим,— деб уларга узр сўрагандэй қилиб қаради.

— Мен Москвадан сизларни ҳимоя қилмоқчи бўлиб келган эдим. Лекин масалани чуқурроқ билганим сари фикрим бутунлай ўзгариб кетяпти. Самимий дўстлигимиз ҳурмати, ҳақиқатни айтишим керак. Мен Бўзсувнинг қирғоқларини кўриб, уни табиий дарё деб ўйладим. Аслида ўша табиийликни сақлаб қолганларингиз яхши. Агар Бўзсувни бир ой-ярим ойга тўхтатиш мумкин бўлганда бошқа ўзан қазиб керак эди. Чунки Бўзсувнинг оқими ниҳоятда зўр, тагидан метро туннели қазилаётганда бутун огирлиги билан босиб тушиши эҳтимолдан узоқ эмас. Метро қурувчилари учун мутлақо беҳатар иш шароити яратиш — биринчи даражали вазифа. Шунини ўйлаб, мен Баҳромовларнинг лойиҳасини қаттиқ ёқлаш ниятида эдим. Лекин кенгаш давомида маълум бўлдики, Бўзсувни қишда вақтинча тўхтатиб қўйиш мумкин экан. Ўртоқлар, бу ажойиб имкониятдан албатта фойдаланиш керак! Биз Москвада метро қурганда бунақа имкониятлар донм ҳам бўлавермайди. Чунки метро учун Москва — Рескани бирор ойга қуритиб қўйиш мумкин эмас. Шу сабабли биз туннелни катта чуқурликлардан қазиб, жуда қимматга тушадиган эҳтиёт чоралари билан уни дарё тагидан ўтказгунча беҳад кўп қийинчиликларга дуч келамиз. Сизлар учун эса шаҳарнинг раҳбар ташкилотлари катта ўнгайлик яратиш бермоқчи экан. Бундан фақат миннатдор бўлиш керак. Агар Бўзсувни қишда бирор ойга тўхтатиб қўйиш мумкин бўлса, унда бошқа ўзан қазиб, минг йиллик табиий қирғоқлар ўрнига шоша-пиша сунъий қирғоқ ясаш мутлақо керак эмас. Иккинчи лойиҳанинг счими менга ёқди...

Павел Даниловичнинг бундан кейинги гаплари Вазиранинг қулоғига кирмай қолди. Унинг боши гавлаб, кўз олди хираллашиб кетгандай бўлди. Анчадан кейин хаёлини йиғиштириб, минбарга қараса, ободонлаштириш бошқармасининг вакили бўлган — қўнғир гардишли катта кўзойнак таққан киши гапиряпти.

— Ўртоқлар, Тошкентда дарахт ўстиришнинг қанчалик қийинлигини биласизлар. Яқиндагина стадионнинг темир панжарасини Бўзсувнинг бўйидан нарироққа суриб, одамлар сайр қилиб юрадиган

кўкаламзор жой қилган эдик. Суви қуртлаб стадиган катта бир кўлмакни қуритиб, текислаб, кўчатлар эккан эдик. Эни беш метрли, бўйи ярим километрли кенг асфальт йўлка қурган эдик. Баҳромовларнинг лойиҳаси амалга ошса, булар ҳаммаси остин-устун бўлади. Қишда Бўзсувда чўмиладиган спортчилар учун қирғоқнинг баландроқ бир жойига — сувга қаратиб бежирим бино қуриляпти. Ҳали унинг сувоғи қотган эмас. Агар ўзан бошқа еқдан ўтказиладиган бўлса, бу бинони ҳам бузиш керак, чунки сувга орқа ўгириб, жуда кулгили бўлиб қолади.

Вазира янги ўзаннынг лойиҳасини бошқарманинг планига киритаётганида ва кейин уни тасдиқдан ўтказган пайтида яшил сиеҳ билан «биринчидан, иккинчидан, учинчидан, тўртинчидан», деб бирма-бир санаб кўрсатган ва ўшанда беҳад зўр туюлган далиллар энди мана бу ерда келтириляётган бошқа зўрроқ далилларнинг шамолида чирпирак бўлиб учиб кетаётгандай кўринди. Вазира мағлуб бўляётганларини, тушган кемалари тошга урилиб пачоқланганини ва чўкиб кетаётганини энди ҳис қилди.

Шу пайт кенгашни бошқараётган Ўктам Раҳимович Шерзодга мурожаат қилди:

— Хўш, ўртоқ Баҳромов, бу гапларга қандай жавобингиз бор?

Шерзод дикка ўрнидан турди. Бошини қуйи солиб ўтирган Вазира унга ер тагидан кўз тикди. Назарида, Шерзод ҳозир Вазиранинг аҳволини енгиллатадиган бирор нарса дейди, лойиҳаларини мардона ҳимоя қилади.

— Ўктам Раҳимович, аввало, бизнинг ишимизга шунчалик вақт ажратиб, эътибор берганларингиз учун раҳмат айтмоқчиман,— деб Шерзод минбарга чиқмай, одамлар орасида тикка туриб гапирди:— Бугунги муҳокама ҳаммамиз учун катта бир... мактаб... Аччиқ сабоқ. Шахсан мен бу лойиҳани бошқарманинг топшириги билан чизганман. Шу счим бошқарманинг планига киритилган эди, тасдигидан ўтган эди. Бўлмаса шахсан мен уни бугунги муҳокамага олиб келиб, вақтларингизни олишга журъат этмаган бўлардим. Адашган

бўлсам, шаҳар раҳбарларини ишонтириб айтаманки. бугунги танқидлардан, албатта, тўғри хулоса чиқариб оламан...

Шерзоднинг бутун гапи айбни бошқармага тўнкаб, ўзини қутқариб қолишга қаратилганига Вазиранинг ишонгиси келмасди. Лекин унинг: «Бошқарма планга киритиб, тасдиқдан ўтказмаса, шахсан мен... журъат этолмас эдим», деган сўзлари Вазиранинг бўйнига боғланган тош каби, уни чўктириб юбораётгандай туюлди. Вазира Шерзоднинг юзига: «Шунчалик аблаҳмисан» демоқчи бўлиб тикилди. Шерзод эса Ҳўктам Раҳимовичга яна бир марта миннатдорчилик билдирди-ю, бошқа ҳеч кимга қарамай, жойига қайтиб ўтирди.

Вазира навбатдаги зарбани кутиб, бошини беихтиёр эгнига тортди ва кўзини полга тикди. Шу пайт Ҳўктам Раҳимовичнинг:

— Ҳўртоқ Аъзамов, гапирасизми?— деган сўзлари қулоғига чалинди.

Қаторнинг нариги четида ўтирган Аброр ўрнидан турди-да:

— Лойиҳалар бўйича, ҳамма гаплар айтилди,— деди.— Ҳўктам Раҳимович, руҳсат берсангиз, Шерзод Баҳромовнинг сўнги гапига оид битта мулоҳазани айтсам.

— Марҳамат, айтинг.

— Биз ижодкорлармиз. Биз яратган бирорта лойиҳани Наби Садрисвич планга киритса, тасдиқдан ўтказса, бу билан у бизга катта ишонч билдирган бўлади. Борди-ю, дейлик, менинг лойиҳам шу ишончни оқламаса, бунинг учун бошқармадан ҳам олдин мен ўзимни жавобгар сезишим керак эмасми? «Менда айб йўқ, бошқарманинг топшириги билан чизган эдим», деб қутулиб кетиш инсофданми, ўртоқ Баҳромов?

— Э, мен ундай деганим йўқ, сиз нотўғри тушунибсиз!— деб Шерзод қўлини Аброрга қараб силкитди.

— Ҳар ҳолда, шу счим, шу гоҳ биринчи марта Баҳромовдан чиққан, Тўғрим, Наби Садрисвич?

— Албатта-да,— деди Наби Садрисвич.— Ҳўртоқ Баҳромоя бу лойиҳасини планга киритгунча атрофи-

мизда гирдикапалак бўлиб юрганларини ҳали унутганимиз йўқ.

— Лекин сиз бошқа нарсани унутгансиз, ўртоқ Садриев!—деб Уктам Раҳимович ўрнидан туриб унинг сўзини бўлди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Аброр жойига қайтиб ўтирди.— Яна сўзловчилар бўлмаса, муҳокамани яқунлаймиз. Биласизлар, ўртоқлар, республикамизнинг раҳбарлари Тошкентни қайта қуришга жуда катта аҳамият берапти. Метро қурилиши ҳам Тошкент меҳнаткашларига қулайлик яратиш учун қилинган катта бир гамхўрлик. Бўзсув бўйлари ҳам тошкентликларнинг яхши дам олишига хизмат қилиши керак. Қурилишнинг кўлами жуда катта, счишимиз керак бўлган муаммолар кўп, уларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор қабул қилди. Тошкентни қайта қуриш комплекс равишда ҳар томонлама пухта олиб борилиши кераклиги қайта-қайта уқдирилди. Сиз, ўртоқ Садриев, мана бу лойиҳанинг авторлари билан бирга масалага бир томонлама ёндошгансиз. Гапирган ўртоқлар тўғри айтишди. Сиз минг йиллик тарихий ёдгорлик бўлган Бўзсувнинг мана шу ердаги ўзанини кўмиб ташламоқчи бўлгансиз. Бунга нима ҳожат бор? Қаранг: яқиндагина қурилган асфальт йўлканинг эни беш метр, бўйи бир километр бўлса — унга камида беш минг квадрат метр асфальт ётқизилган. Баҳромовларнинг лойиҳасини қабул қилсак, шунинг ҳаммасини бузиш учун ҳам пул сарфлаб, вақт кетказишимиз керак. Бу ерда қишки сузиш спортига ўрин ажратиб, бино қурдирсак, энди буни ҳам йўқ қилмоқчи бўласиз. Кошки бунинг бирор тийинлик иқтисодий самараси бўлса! Аксинча, бир неча юз минг сўмни ҳавога совурмоқчи бўлгансиз, ўртоқ Раҳмонов! Сиз лойиҳа институтининг директорисиз! Масалага комплекс ёндошиш ўрнига шахсий хусуматга берилиб, Аъзамовга асоссиз, исботсиз айбларни тақайсиз! Ҳолбуки сиз ўз қўл остингиздаги талантли меъморларни асоссиз қоралашлардан ҳимоя қилишингиз керак эди! Сизнинг ўрнингизга бу ишни, мана, метросозлар қилишди. Метро қурувчиларига раҳмат, масалани тўғри ҳал қилишда бизга астойдил ердан беришди. Иккинчи лойиҳа чиндан ҳам катта

иқтисодий самара беради, кераксиз вайронгарчиликларга йўл қўймайди, энг муҳими, шу объектнинг бир неча ой тезроқ қуриб битирилишини таъминлайди. Мана бу — масалани комплекс равишда ҳал қилишининг намунаси бўла олади! Сиз, ўртоқ Садриев, иккинчи лойиҳани қўллаб-қувватлашингиз керак эди. Бу ишни бошдаёқ Аброр Аъзамовга ўхшаган архитекторга топширишингиз керак эди. Биз сиздек бошқарма бошлигидан масалага доим мана шундай донолик билан ёндошини талаб қилишга ҳақлимиз!

Бошқалар қилган хато учун ҳам Наби Садриевичнинг бунчалик қаттиқ гап эшитгани Вазирани баттар қийнаб, эзиб ташлади. У муҳокама тугагандан кейин залдан қандай чиққанини билмайди. Туш кўраётгандай, атрофида кимлар юрганини элас-элас пайқарди. Фаҳат бошининг тобора қаттиқ огриётганини, кўзи устига бир нарса босиб келаётганини аниқ ҳис қилмоқда. Бир вақт у вестибюлда кўзлари бежо чақнаб турган Садриевга рўпара келиб қолди. Вазира бутун айбни ўзига олиб, унинг аҳволини енгиллатмоқчи бўлди.

— Наби Садриевич, сиз мен туфайли гап эшитдингиз... Мен...

Тўлиб бораётган Садриев овозини таҳдидли пайтириб:

— Ҳа, сиз мени жодига қўйиб қирқдингиз! — деди. — Сиз бу Баҳромовни қайси гўрдан топиб келган эдингиз? Ўзингизнинг эрингиз унга қарши лойиҳа чизиб юрганини нега мендан яширддингиз? Балки биз эрингизнинг лойиҳасини планга киритган бўлардик?

Вазира Аброрнинг лойиҳаси анча кейин — аявалги лойиҳа тасдиқдан ўтгандан сўнг чизилганини айтмоқчи бўлиб оғиз очди. Лекин Садриев унга гап бермай, захрини тўкишда давом этди:

— Бугунги муҳокамада бизга сал ён босган одам — ҳали ҳам шу эрингиз бўлди! Нега сиз унинг ишини рад қилиб, Баҳромовникини ўтказишга тиришдингиз?! Москвадан ҳимоя учун чақирган мутахассисингиз ўзингизга қарши гапириб ўтирибди-ю! Бу қанақа бемаънилик?! Сизга ишониб мен расво бўлдим! Бас!..

Садриев асабий қўл силтади-ю, кўча эшигига қараб кетди. Вазира умрида бунчалик мулзам бўлмаган эди. У кўчага чиқиб, зинапоядан секин тушаётганида атрофида ҳеч ким қолмаганини сезди. Одамлар гўё ундан ҳазар қилиб қочаётгандай туюлди. Баланд пошнаси зина четига илиниб, қоқилиб кетди ва гандираклар йиқилишига сал қолди.

Кўз олдида майда чизиклар ҳар қачонгидан ҳам кўпайиб кетган, худди бижирлаб қайнаётгандай. Бо-раётган йўлини кўзи зўрға илғайди. Дунё алланечук тор бўлиб қолган. Қўл-оёқлари эса мадорсиз. Эҳтиёт бўлмаса йиқилиб тушадигандек, имиллаб, қадамини олдинга эгиб юра бошлади.

Шу пайт унинг чап ёнига олча ранг «Жигули» секин келиб тўхтади. Аброр чап қўлини рулга тираб, ўнг қўли билан олдинги эшикни очди.

— Утиринг!

Вазира машинага яқинлашишга журъат этолма-гандек ўзини икки-уч қадам нарига олди. Шунда Аброр очиқ дераза орқали унинг юзига тикилди.

Вазира бир кундаёқ сўлиб, кампирдай мункиллаб қолганга ўхшарди. Юзига қараб бўлмайди. Кўзлари тўкилиб тушадигандек қалқиб турибди.

Аброр сакраб машинадан тушди-да, Вазирани ел-кэсидан олиб машинанинг эшиги олдига олиб келди.

— Қўйинг, энди бўлари бўлди.— деб уни маши-нага чиқарди-ю, кетидан эшикни епди. Рулга ўтириб, машинани катта кўчага чиқарар экан:

— Ишхонагами?— деди.

Вазиранинг қулоғи шангиллаб, битиб қолаётган-дай бўлди. Аҳволи тобора оғирлашаётганини сезиб, бош чайқади-да:

— Уйга,— деди.

Аброр кўзини бир лаҳзага йўлдан олиб, хотинига назар ташлади-да, хавотирланиб сўради.

— Нима бўлди? Докторга олиб борайми?

— Йўқ, уйга,— деди Вазира хаста товуш билан.

Аброр машинасини иложи борича тез ҳайдаб, подьездларининг олдига яқин келтириб тўхтатди. Ва-зира ўзини жуда ёмон ҳис қилмоқда эди. Зинапоя қанотига суяниб сал нафасини ростлагандай бўлди. Аброр уни ўнг қўлтигидан олди. Учинчи қаватга чиққунларича Вазиранинг нафаси тиқилиб, ҳаво

стишмай қолди. Болалар эшикни очиқ қолдиришган экан. Вазира диванга зўрга етиб борди. Кейин бирдан чинқириб юборди. Чап кўкрагидан огир бир нарса босиб, шундай оғритиб қисдики, нафас ололмай қолди. Диванга ўзини ташлаб, ёқасини юлқиб очди-да:

— Сув!..— деди.— Вой-й!

Аброр саросимага тушиб, ошхонага қараб чопди. Кўшни хонада Малика дарс тайёрлаб ўтирган эди. Ойисининг чинқиригидан қўрқиб, унинг олдига югуриб чиқди. Аброр пиёлни совуқ сувга тўлдириб орқасига чопиб қайтаётганда сувнинг анчаси тўкилиб кетди. У диванда оғриқдан тўлганиб ётган Вазиранинг бошини бир қўлига олди-да, иккинчи қўли билан унга сув ичирди. Сувнинг бир қисми Вазиранинг бўйнига, ёқасига тўкилди. У сувнинг салқинидан хиёл енгил тортди-ю, лекин қулоқларидаги шангиллаш ва бошининг ортидан чап кўкрагига босиб тушаётган даҳшатли оғриқ янги бир куч билан қайтиб келди. Оғриқнинг зарби билан кўзидан дувиллаб ёш тўкила бошлади. Юзи азобдан қийшайиб, тери тагидан суяклари бўртиб кўринаётгандай бўлди.

— Оғриғи ёмон! Вой ўламан!.. Вой-й!..

Аброр яна ошхонага қараб чопди. Аптечкадан валерианкани олиб, титраб-қалтираган ҳолда пиёладаги сувга йигирма-ўттиз томчи томизди-да, яна югуриб Вазиранинг олдига қайтди.

Бир қўли билан ойисининг қўлини маҳкам ушлаб иккинчи қўли билан унинг кўкрагини силаётган Малика нуқул:

— Ойи! Ойижон! Ойи!— дер на унга ачинганидан кўз ёшини тўхтатолмай юм-юм йиғларди.

Аброр Вазирага валерианка ичириб кўрди. Лекин бу ҳам фойда бермади. Кейин у йўлакдаги телефонга қараб чопди. Ноль учни териб трубкани кўтаришгунича ўзини-ўзи койиди:

— Падарига лаънат бу олишувларнинг!.. Алло!.. Алло! «Тез ёрдам»ми?

Аброр овозини ичкарида инграб ётган Вазирага эшиттирмасликка тиришиб, трубкани қўли билан бекитган ҳолда:

— Инфаркт бўлмасин деб қўрқяпман!— деди. — Аҳволи жуда ёмон! Дори кор қилмаяпти! Илтимос, врач тезроқ етиб келсин!

Аброр исм-фамилиялар, адресларни айтди-да, трубкани қўйди.

Шу пайт ташқаридан «Орленок» велосипедни етаклаб, терлаб-пишиб Зафар кириб келди. У бултурдан бери دادасидан илтимос қилиб юриб, туғилган кунига шу велосипедни олдирган, ҳар кун и унда учиш учун учинчи қаватнинг зинапоясидан бир неча марта пастга кўтариб тушиб, юқорига кўтариб чиқарди.

Ҳозир Зафар دادасининг ҳанг-манг бўлиб турганини кўрди, сўнг ойисининг инграганини эшитди. Велосипедни полга ётқизиб, Вазира ётган хонага югурди. Аброр унинг кетидан кирди.

— Ҳозир врач келади,— деди.— Бирор нарса берайми Вазира! Ҳеч енгиллашмаяптими?

Вазира ҳамон оғриқдан вужуди тўлганиб беш чайқади. Аброр ўглининг кўзида ҳам ёш йилтилаганини кўрди-да:

— Зафар, сен бу ёққа юр,— деди уни бирор нарса билан алаҳситгиси келиб.— Ана, велосипедини йўлакдан ол. Ҳозир одамлар келса халақит беради.

Аброр ташқарига чиқиладиган эшикни очиб қўйди. «Тез ёрдам»га қойил бўлиш керакки, ўн беш минут ўтар-ўтмас каттагина ёғоч қути кўтарган аёл врач ҳамшираси билан Аброрларни-кига етиб келди.

Аброр уларни Вазиранинг олдига бошлаб кирди-ю, сскин қайтиб чиқди.

Бир оздан кейин Вазиранинг инграшлари тўхтади. Орадан яна ўн беш минутлар ўтгандан сўнг врач аёл қўлини ювиш учун йўлакка чиқди.

Аброр, Зафар, Малика — учовлари уч томондан кўзлари мўлтираб турганини кўрган врач:

— Қон босими бирдан кўтарилиб, юракни исканжага олибди-да,— деди.

Врач ваннага кириб, қўлини сояунлаб ювди. Аброр унга тоза сочиқ тутди. Врач Аброрнинг юзига тикилиб:

— Аёл кишининг ҳам ишлаб, ҳам оилани эплаши осон эмас-да,— деди.— Ишда бирон кўнгилсизлик бўлганмиди?

— Ҳа, бўлган... Мен... қўрқиб кетдим.

— Қўрққанингиз бежиз эмас... Гипертоник криз бўлган. Олди олинмаса фалокат бўлиши мумкин эди. Биз ҳамма дори-дармонларни қилдик.

— Раҳмат сизга... Энди дурустими?

Аброр эшик олдида ўзини айбдор сезгандек изтироб чекиб турар эди. Врач унинг юзига маъноли кўз ташлади-ю:

— Ҳозир замон тинч,— деди.— Уруш йўқ. Лекин эндиги жанглар одамларнинг ички дунёсида боряпти. Асабни таранг тортадиган ташвишлар кўп. Бир-бирига қўшилиб, «стресс» деган нарсани келтириб чиқаради. Юрак билан асабга ҳаддан ортиқ катта юк тушган сари стресс кучайиб кетаверади... Куни бўйи шаҳарнинг у егидан-бу егига «Тез ёрдам» машинасида чоламиз. Бир жойда инсульт... бошқа жойда инфаркт... йил сайин кўп.

— Нега шундай бўляпти-я?

— Сабаби ҳар хил. Тоғларда юрганда бир нарсани сезганмисиз? Ҳаммасёқ тинч, сокин турган пайтда бир қичқирсангиз, овозингиз ўнлаб ёнлардан акс-садо бўлиб, аслидан бир неча баробар кўпайиб қайтади.

— Рост, тоғда шундай бўлади.

— Тинчлик пайтидаги стресслар ҳам ана шу тоғдаги акс-садолардай кўпайиб кетарканми? Орзу-ҳавас, тўй-маърака, бошқа юз хил ташвишлар, интилишлар ҳаммаси илмий-техника инқилобининг катта юкига қўшилиб, ёпирилиб келаверса асаб чидайдами? Инфарктлар, инсультлар худди душман снайперларига ўхшаб қулай пайтни пойлаб этади-ю, гоҳ юракка, гоҳ бошга бехато уради.

Аброр бу гапларни ёмон бир хабарнинг муқаддими эмасмикин, деб хавотирланди:

— Ўртоқ врач, очигини айтинг... Аҳволи қалай?

Биз ҳозир беш хил доридан укол қилдик. Агар омадларнинг келса, тинчиб ухлаб қолишлари керак. Йўқ, агар, ухлай олмаса-ю, аҳволи оғирлашса, унда яна ноль учга қўнғироқ қилинг. Мен контролга қўйиб қўяман.

— Яна ўзингиз келасизми?

— Йўқ, унда реанимацион машина келиб дарҳол касалхонага олиб кетади...

Сўнги гап Аброрнинг кўнглига гулгула солди.

Врач аптекадан олинадиган бир-иккита дори ёзиб берди-ю, кетди. Аброр Вазира ётган хонага киришдан ўзини тутди — Малика ҳали ҳам ойисининг синада. Агар ухлатган бўлса уйғониб кетмасин, дейишиб, Аброр ўғли иккони бирпас ошхонада кутиб ўтиришди. Ниҳоят, ичкаридан Малика оёқ учида юриб чиқиб келди. Бир кунда бир неча ёшга улгайгандай жиддий қиёфали Малика худди боласини ухлатган онадай шивирлаб:

— Ухлаб қолдилар,— деди.— Врач нима буюрди, дада?

— Мана, дори... Уйғонса озгина ширин чой, қатиқ, товуқ шўрва ичсин экан.

Малика холодильникдаги музлаган товуқни олиб илиқ сувга солиб қўйди.

— Ойимга мен ўзим қараб тураман,— деди Малика.

Аброр Зафар билан бирга машинага ўтириб, бозорга кетди. Мева-чева олиб, кефирни гастропомдан топиб, қайтишда аптекага ҳам кириб ўтди.

Ҳозир иш ҳам, муҳоама ҳам, укасининг тўйи ҳам хаелидан узоқлашиб кетган. Қизи Маликаниннг институтга кириш-кирмаслиги ҳам кўзига кўринмай қолган, хотинининг ҳаёти, тирик, соғ юриши бошқа ҳамма нарсадан муҳимроқ экани унга энди сезилмоқда эди. Вазира бераҳм бир курашнинг исканжасига тушиб, ҳаёти хавф остида қолганида Аброр бунинг учун ўзини ҳам гуноҳкор ҳис қилган, агар шу ҳолатда хотинидан айрилиб қолса, умрбод ўзини кечиролмаслигини энди пайқаган эди.

Шу туйғулар билан уйига қайтса, Вазира ҳамон ухлаб ётибди. Аброр болалари билан паст товушда гаплашиб, йўлакдан оёқ учида юриб, ошхонага ўтди. Кейин Малика икковлари товуқ шўрва пишира бошлашди.

Вазира кеч бўлганда уйғонди ва заиф товуш билан Маликани чақирди. У ётган хонага Маликаниннг кетидан Аброр билан Зафар ҳам киришди. Учовлашиб, Вазира ётган диваннинг бош томонига журнал столчасини қўйишди, устига дастурхон солишди-да, врач буюрган ширин чой, қатиқ ва товуқ шўрваларни бирин-кетин олиб киришди.

Вазира бояги оғриқлардан қутулган бўлса ҳам, бутун вужуди бўшашган, қарахт. Қўл-оёқлари бир-ровникига ўхшайди. Ҳамма нарсага лоқайд қарайди. Шу аҳволда Аброр тутган чойдан бир-икки хўплади. Баданига иссиқ югурганда гўё хотира ҳам ишлай бошлади-ю, бугунги мағлубияти ва Садрисвнинг сўнгги гаплари яна хаёлига босиб келди. Ўзи ўзига беҳад аянчли кўринди. Атрофида гирдикапалак бўлиб юрган Аброр эса Вазира қилган ёмонликка шунча яхшилиқлар билан жавоб бериб, уни уриб-сўккандан баттар мулзам қилмоқда эди, Вазира ёш тўла кўзларини Аброрга тикди:

— Мен нима деган одам бўлдим энди?.. Мен... арзимайман! Ҳеч нарсага арзимайман!...

Аброр унинг кўзидан сўлгин юзига оқиб тушган йирик ёш томчиларини қўлининг учи билан секин артиб олди.

— Ҳозир сиз менга аввалгидан ҳам азизроқсиз, Вазира. Орамизда ёмон бир девор пайдо бўлган эди. Бугун ўша қулаб тушди. Мен учун энг муҳими шу.

Вазира Шерзоднинг илгариги муомалаларини ва бугунги қаллоблигини яна бир эслади-ю, қанчалик алдангани ва шарманда бўлганини энди астойдил сезиб, ўкириб юборди:

— Бу кунимдан ер ёрилиб, мени ютиб кетса бўлмасмиди?

Ойисининг кўзидан дув-дув ёш тўкилаётганини кўрган Зафарнинг лаблари ҳимарилиб, киприги бирдан намланди. Малика ота-оналарини ёлғиз қолдиришлари кераклигини сездиди-да, укасини секин қўлидан ушлаб, олиб чиқиб кетди.

— Майли, йиглаб олинг, балки енгил тортарсиз,— деди Аброр. Сўнг хотинининг ёнига ўтириб, слкасидаан қучди. Вазира, бутун вужуди алам билан силкиниб йигламоқда эди. Аброр ортиқ чндай олмади:— Энди бас! Ўзингизни қўлга олинг, Вазира! Бас. Болалар кавотир бўляпти. Малика эртага имтиҳонга борадиган. Ҳеч бўлмаса шуни ўйланг. Нареқда Шокирларнинг тўйи турибди.

Сўнгги гаплар Вазирани сал ҳушига келтирди. Кўз ёшидан битиб қолган бурнини тортиб, қўлининг орқаси билан қўл киприklarини артди. Аброр унга

сумкасида рўмолчасини олиб берди. Стол устидаги қатиқ ва товуқ шўрвани кўрсатиб:

— Врач буюриб кетди,— деди.— Энди соғлиқни ўйланг. Олинг, ичинг. Агар уаликсангиз кейин реанимацион машина келиб олиб кетаркан. Олинг!

Вазира қошиқни итоаткорона қўлига олди. У йиғи билан кўнглини бўшатиб, сал енгил тортган эди. Шўрвага қошиқ солди-ю, лекин уни ичкиси келмасди. Муздай қатиқдан бир хўплади. Сикиқ, хаста товуш билан:

— Ойимга... хабар беринг,— деди.— Маликага қарашсинлар.

Вазиранинг хаёли қизи ва онасига чалғигани Аб-рорга хиёл енгиллик бергандай бўлди. У Маликани чақириб, Вазиранинг ёнида қолдирди-да, ўзи Зафар-ни машинасига ўтқазиб, кечки гира-ширада қайно-насининг уйига йўл олди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Эшик кесақисининг ёнидаги қўнгироқ тугмаси ўзгариб қолгани Аброрнинг эътиборини тортди. У тўртбурчак янги оқ тугмани босган эди, «бим-бом» деб аталадиган қўнгироқ ичкарида оҳангдор товуш берди. «Алибек армиядан қайтгандан бери шунақа ишларни ҳам қиладиган бўлибди-да, дуруст!» деди Аброр ўзинча.

Эшикни Зумрад Содиқовна очди.

— Вой, Аброржон!.. Келинг, болам! Ие, Зафар ҳам бор-ку!

Зумрад Содиқовна ота-бола икковини ҳам пешаналаридан ўпиб кўришди. Энди йўлга кирган бир ярим яшар болача қадамини қийшиқ босиб талпиниб келди-да, Зумрад Содиқовнанинг этагидан ушлаб, меҳмонларга қизиқиб қаради.

— Ҳо, Темурбек юриб кетибди-да!— деб Аброр болачани қўлига олди.

Чап томондаги хонадан Алибек чиқди. Болачанинг қора кўзи, пешанаси худди Алибеккикига ўхшар эди.

Алибек поччаси билан кўришгач, ўнгилчасини унинг қўлидан олди-да, ерга қўйди ва қўймучига секин уриб:

— Бор, ўзинг юр,— деди.— Буни қўлга ўргатиш керак эмас. Эрка бўлиб кетади.

— Ҳо, отаси эрка ўсган бўлса, ўглини эрка қилмас экан-да!— деб кулди Аброр.

— Ҳа, навбатдаги авлодга ўтганда табиат ҳам дам олиши керак,— деди Алибек жағини қоплаб турган қалин соқолини жимжилоғи билан қашларкан.

У армиядан қайтгандан кейин лаборантликни ташлаб, заводдаги аввалги жойига ўрнашган, ҳозир ишлари хийла ўнгланиб кетган эди. Лекин армияга кетишда жуда ачиниб олдирган соқолини ҳозир яна қайтадан ўстирган, фақат бу гал мўйлов қўймаган, лаб атрофлари, юзи, энгаги тоза қирилган, худди Пушкиннинг бакенбардига ўхшайдиган қалин жингалак соқол жағларини бекитиб турарди.

Ошхона томондан Насиба қўлини фартуғига артиб чиқиб келди. Бола туққандан бери у анча тўлишган. Бўйи аввалгидан хиел пасайганга ўхшаб кўринарди.

Чап томондаги хонанинг очиқ эшигидан телесвизор дикторининг йўгон товуши эшитилмоқда эди. Ҳаммалари ўша хонага киришди. Аброр каттаком рангдор телевизорнинг экранига қараб:

— Муборақ бўлсин, қачон олдиларинг?— деди.

— Ўтган ҳафта,— деди Алибек мағрур товуш билан.

— «Радуга»ми? Жуда қиммат бўлса керак?

— Етти юзга яқин. Кредитга олдик.

— Ботирсиэлар-ей!— деди Аброр.

Чунки баҳорда Насибага уч юз сўмлик модабоп пўстин, ундан олдин Алибекка платформали туфли ва кремплин костюм олишганда ҳам ярмидан кўпини Аброрлардан ва ўзаро ёрдам кассасидан қарз кўтаришган эди. Ҳали у қарзларини узиб улгуришмасдан кредитга бу телесвизорни олишгани Аброрни анча таажжублангирди. Моданинг кетидан қувиш, қиммат буюмларга бунчалик интилиш... яна нишабига қараб оқиш эмасми? Илгари такасалтангликнинг оқимиға қараб оққан Алибек, ундан қутулиб чиқдим деганда бошқа оқимнинг гирдобига тушмаяптимикин?

Зумрад Содиқовна Аброрнинг кўнглидан ўтган нарсани сезгандай бўлиб:

— Ҳозирги ёшлар яхши кийинишга, мана бунақа қиммат нарсаларга жуда ўч-да, Аброржон,— деди.

— Яхши яшаш ҳам керак,— деб Алибек дарров ҳимояга ҳозирланди.

Аброр диванга ўтирар экан:

— Ишқилиб мўмай пул топишнинг пайига тушиб, сирғанчиқ йўлга кириб кетмасаларинг бўлди,— деди.

— Э, почча, завод — магазин эмас! Мен фақат қилган меҳнатимга яраша пул оламан. Кўпроқ ишласам — кўпроқ тегади. Яхшироқ ишласам — сифати учун устама мукофот берилади. Насиба ҳам мактабда неча соат дарс беришига қараб ойлик олади. Озодан орттириб, қарзларни узамиз. Кейин машина учун пул йигамиз. Ўлмасам, мен ҳам «Жигули» оламан!

— Китоб-чи? — сўради Аброр.— Маънавий бойлик ҳам керакми ё фақат буюм бўлса басми?

— Мен кутубхона қилайлик десам, Алибек унамаяпти— деди Насиба.

— Аввал машина олайлик, ундан кейин китоб йиғишга тушамиз... Чиройли полкалар ясатамиз. Ойнабанд жавонлар...

Алибекни ҳали ҳам ҳаётнинг ташқи безаклари кўпроқ қизиқтиришини сезган Аброр: «Одамнинг бутунлай ўзгариши қийин экан-да», деб қўйди ичида. Лекин, ҳар қалай, Алибекнинг илгариги бекорхўжалигидан ҳозирги ҳаракатлари дурустдек кўринарди.

Аброр қайнонасига юзланди. Унинг кўзларига тикилиб:

— Сиз қалайсиз, ая? — деди.— Кўз дурустми?

— Биттаси бутунлай кўрмай қолди.

— Ия! Яна оқ тушибдимми?

— Ҳа, Аброржон, операцияни жуда вақтида қилган эканмиз. Агар бир кўзим ўшанда очилмаганда, ҳозир иккови ҳам кўрмай, тамом ўтириб қоларканман-да! Шуни ўйлаганимда бирам суюнаман, Вазира икковларингни бирам алқайман! Ўша профессор ҳам кам бўлмасин! Операцияни жуда яхши қилган экан. Ҳозир кўзўйнак тақсам

шу битта кўз билан газета ўқийман-а! Тикишимни ҳам ўзим тикаман!

Нариги хонага Зафар Темурбек билан чуғурлашиб ўйинчоқ машиналарини юргизмоқда эди.

— Опам нега келмадилар, почча? — сўради Алибек.

Аброр ишда бўлган кўнгилсизликни айтмаслик учун Маликанинг имтиҳонлари ва тўй ташвишларидан гапира бошлади.

— Вазира қаттиқ чарчабдими, боши... оғриб ётибди.

— Қон босими кўтарилибдими? — хавотирланиб сўради Зумрад Содиқовна.

— Ҳа, врач кўрди. Унчалик хавотирланадиган жойи йўқ. Лекин бир кун-ярим кун осойишта ётиб турсин деяпти. Малика индин физикадан топшириши керак.

Бир вақтлар институтда физикадан дарс берган Зумрад Содиқовна:

— Бўлмаса мен бориб Маликага кўмаклашайми? — деди.

— Яхши бўларди-да, ая!

Насиба дўлма кўтариб кирди. Куни билан ҳеч нарса смагаган Аброр иштаҳа билан овқатланди, чой ичди.

— Фалакнинг гардиши галати экан, — деди Алибекка қараб. — Бир-икки йил олдин биз сизларга кўмаклашар эдик, ҳозир ўзимиз сизларнинг ерданларингга муҳтож бўлиб ўтирибмиз.

— Армияга кетишимга кўмаклашганингизми? — ўсмоқчилаб сўради Алибек. — Улмасам ҳали буни сизга қайтараман!

— Нима, армияга кетганингиз ёмон бўлди?

— Ҳа, тайгада, совуқларда адабимни еб, сиздан жуда миннатдор бўлдим!

— Биз шу ерда ҳам адабимизни еб юрибмиз, мулла Алибек. Бу ерда Маликанинг ташвиши. У ерда Шокирнинг тўйи. Гинахонликни бас қилиб, Насиба икковларинг тўйга сал қарашасизларми, йўқми?

— Жон деб қарашамиз, — деди Насиба.

Бироқ Алибек қовоғини солиб:

— Эскича тўйдир-да? — деди. — Қўл қовуштириб хизматкорлик қилишга менинг тоқатим йўқ, почча.

— Оббо, ҳали ҳам осмондан келасиз-а, мулла Алибек... Хўп, майли. Сиз хизмат қилманг. Фақат индин Шокирлар билан ЗАГСга боринг. Бўлдими?

— Индин шанибами? Буниси майли, Насиба мактабидан жавоб олар... Бирга борамиз.

Темурбекни Насиба икки кунга ойисининг ҳовлисига олиб бориб қўядиган бўлди. Аброр қайнонасини пастга бошлаб тушиб, машинасига ўтқазди-ю, уйига олиб кетди.

* * *

Вазира хобгоҳда ухлаб етган экан. Уни уйғотиб юбормаслик учун Зумрад Содиқовна Малика билан ошхонага ўтди. Ўша ерда икковлари алламаҳалгача физикадан машқ қилишди, кейин балконга жой солиб ётишди.

Эрталаб соат еттиларда Аброр эшик қўнғирогининг жиринглашидан уйғониб кетди. Зумрад Содиқовна эшикни очди. Шокирнинг безовта товуши эшитилди. Аброр яна бирон ҳодиса бўлганини сезиб, ўрнидан турди, бет-қўлини апил-тапил ювиб, кабинетга кирди.

— Тинчликми, Шокир?

— Э, тинчлик қасқда? Келин томон бирдан тўнини тескари кийиб олибди! Нигорага юборган совгаларимизни ёмонлаб, тугун қилиб қайтариб юборишибди.

Шерзод Баҳромов кечаги мағлубиятнинг аламига тўйдан бирон ишқаллик чиқариши мумкинлиги Аброрнинг хаёлига келган эди. Лекин унинг бунчалик тез — бир кечанинг ўзидасқ ҳужумга ўтишини кутмаган эди. Наҳотки у тўйни бузмақчи бўлса?

— Нигора нима дейди? Бу ишдан унинг хабари бормикин?

— Шуни билолмаяпман. Кеча кечқурун учрашадиган эдик. Курантнинг тагида бир ярим соат кутдим. Келмади. Уни ҳам биров айнитяптими?

— Эҳтимол шундайдир,— деди Аброр ва кеча Баҳромов билан қандай олишув бўлганини бир-бир айтиб берди.

— Энди нима қиламиз, акз?

— Таклифномалар тарқатилган. Агар Баҳромов туйни бузса бутун шаҳарга кулги буламиз деявер!

— Адам шуни ўйлаб, туни билан юриб чиқди. Кекса одам бунақа шармандаликни кўтариши қийин. Бирон фалокат бўлмасин деб қўрқаман!

Аброр ўйланиб турди-ю:

— Бизга фақат Нигора ёрдам бериши мумкин,— деди.— Балки бугун ишхонасидан топарсан?

— Ишдан жавоб олиб кетган экан. Касалми ё уйга қамаб қўйиб, чиқаришмаяптими? Билиб бўлмайди.

Аброр дераза орқали ҳовлидаги кооператив уйга кўз югуртирди-ю, бу бинонинг яқин жойда турганидан энди беихтиёр снгил тортди. Укасига қогоз қалам бериб:

— Нигорага битта хат ёз,— деди.— Эртага ЗАГСга борадигансанлар. Нега бундай бўляпти? Айтсин!

Шокир хат ёзгунча Аброр хобгоҳга кириб чиқди. Вазира ўрнидан турган, аҳволи кечагидан сал дуруст, лекин мажоли йўқ, юзи саргайган.

— Сиз ҳали қўзгалманг, хоним. Уй ишига олангиз қарашяпти.

Аброр ошхонага ўтди. Малика бувиси билан ноушта тайёрламоқда эди.

— Қизим, сен Шокир акангнинг қаллиги Нигорани танийсан-а?

— Танийман.

— Уйларини ҳам кўрганмисан?.. Бўлмаса битта хатчани тез Нигора олангга олиб бориб бер. Иложи бўлса, жавобини ҳам олиб кел.

Малика чиқиб кетди-ю, Аброр билан Шокир бир-икки пиёладан чой ичар-ичмас маъжус бўлиб қайтди:

— Нигора оламларнинг ойиси мени эшикдан киргизмади. «Обор хат-патини, бизга унақа қудалар керак эмас», деди.

— Нигоранинг ўзи чиқмадимми?

— Йўқ. «Чақириб беринг» десам, «чақирмайман!» деб эшикни ёпиб олди.

Шокир ҳам тўсатдан иззат-нафсга бориб сакраб ўрнидан турди:

— Менга ҳам бунақа қайнонанинг кераги йўқ!
Бас! Ойисининг чизигидан чиқолмаса ўзидан
кўрсин! Керак эмас тўй-пўйи!

Аброр уни елкасидан босиб:

— Ука, энди сен сал оғир бўл! — деди.— Бошида
мен айтувдим. Баҳромов ҳеч балодан қайтмайдиган
маккор одам. Бу ҳаммаси ўшанинг найранги бўлса
керак.

— Сиз ҳам келиб-келиб шунақа пайтда у билан
олишиб юрибсиз!

— Энди бўлари бўлди, ука. Йўлбарс изидан
қайтмас, дейдилар. Расм-русумга биноан мен ҳозир
келишнинг уйига бормаслигим керак. Лекин
Баҳромов шунчаликка боргандан кейин биз ҳам
расм-русумларга қўл силтаймиз. Сен мени кутиб
тур. Ҳозир ўзим бориб бир сқлик қилиб келаман.

Шокир жойига қайтиб ўтирди. Аброр кийиниб,
соқол олиб пастга тушганида кооператив уйнинг
олида турган оқ «Жигули»ни кўрди. Бу Шерзод
Баҳромовнинг машинаси эканини номеридан тани-
ди-ю, тўхтади. Демак, Шерзод эрталабдан Нигор-
раларникига етиб келган. У билан юз кўришиш
Аброрга ниҳоятда нохуш туюлди, бирдан орқасига
қайтиб кетгиси келди. Лекин тўйни шу Шерзод
бузмоқчи бўлса, у билан юзма-юз туриб очиқча-
сига гаплашгани маъқул эмасми? Таваккал! Аброр
тез-тез юриб, учинчи қаватга кўтарилди-ю, Нигор-
раларнинг эшиги тепасидаги қўнироқ тугмасини
устма-уст босди.

Эшикни Нигоранинг отаси Мухтор ака очди. У
кутилмаган меҳмонга қандай муомала қилишини
билмай, кўзларини пирпиратиб, бир лаҳза аграйиб
турди. Аброр остона хатлаб ичкарига дадил қадам
қўйди-ю, мезбонга қўл берди:

— Остона орқали кўришсак, яхши бўлмас, Мух-
тор ака! Мана энди салом!

Мухтор ака беихтиср унинг қўлини олиб
кўришар экан, гуноҳ иш қилаётган одамдай
орқага олазарак бўлиб қаради. Йўлакнинг тўрида
Шерзод билан унинг онаси Аброрга ўқрайиб ту-
рибди.

— Мен бу уйга совчи бўлиб келган эдим. Энди
ишқаллик чиққанини эшитиб яна келишга мажбур

бўлдим. Қандай жавобгарлиги бўлса бўйнимга олишга тайёрман!

Аброр овозини хиёл кўтариб, атайлаб дона-дона қилиб гапирмоқда эди. Ёпиқ эшиклардан бирортасининг ортида Нигора турган бўлиши керак. Икки орада бўладиган гапни қиз, албатта, эшитиши керак.

Қизнинг онаси Шезодникига ўхшаб кстадиган юпқа лабларини нафрат билан буриб деди:

— Сиз совчи бўлиб келганингизда биз иззат-икром билан кутиб олган эдик, тўн кийдирган эдик. Биз сизнинг яхшиликка ёмонлик қиладиган одатингиз борлигини билмаган эканмиз!

— Ие, мен сизга нима ёмонлик қилдим, келинойи? — сўради Аброр ҳазиломуз кулимсираб.

— Менинг энг яхши кўрган иним — мана шу Шерзод. Ҳамма оғир кунимизга шу уқам ярайди. Сиз шу биргина уқамга доим бахиллик қиласиз. Давлатдан мукофот оладиган бўлганда сиз қарши чиқиб, ўрнига бошқа одамни ўтказмоқчи бўлибсиз. Мен буни ҳам бугун эшитдим. Ўшанда ниятингизга столмаган экансиз. Кеча тагин Шерзодни катталарга ёмон кўрсатиб, лавозимидан йиқитишга уринибсиз. Сиз менинг биттагина уқамга шунчалик душманмисиз? Бунчалик бахил, ичи қора одам бўлсангиз бизга қариндош бўлиб нима қиласиз? Бизнинг қизимиз кўчада қолгани йўқ!

Аброр эшиклардан бирортасининг тўсатдан очилиб қолишини ва Нигора чиқиб келишини кутди. Лекин йўлакдаги тўртта эшикнинг ҳаммаси ёпиқ, ичкаридан биронта шарпа сезилмайди. У овозини яна хиёл кўтариб:

— Келинойи, — деди, — сиз менга бунақа айбларни тақашдан олдин гап нимадалигини суриштириб билинг! Тўхтанг, менинг арзимни ҳам эшитинг! Суюкли инингиз Шерзод Баҳромов билан биз тенгдошмиз, бирга ўқиганмиз. Тенгдошларнинг бир-бирига гайирлиги келиши ҳаётда бўладиган гап. Лекин одатда қобилиятсиз, нурсиз одам ўзининг таланти тенгдошига гайирлик қилади. Агар мен ана шунақа гайирлик қиладиган қобилиятсиз, бахил одам бўлсам, буни ҳозир мана шу ерда ўтириб бўйнимга қўйишларингиз мумкин. Биз Шерзод иккаламиз ҳам

меъмормиз, расм чизишни билишимиз керак. Икковимизга иккита қалам, икки варақ оқ қоғоз берингизлар. Деразанинг олдида ўтириб, ҳовлидаги дарахтларни, одамларни, уйларни суратга туширайлик. Қани, кимнинг чизган сурати қандай чиқаркин, шунга қараб кимнинг қобилияти қанақалигини биласизлар!

Шерзод нафрат билан қўл силтади:

— Бунақа бачканз ўйинларга менинг вақтим йўқ!

— Очиқчасига беллашишга юрак йўқ сизда, курсдошим Шерзод! Студентликда ҳам сурат чизиш қўлингиздан келмас эди. Сизда меъморлик истеъдоди ўзи йўқ, бу соҳага адашиб келиб қолгансиз, ошнам! Меъморлик истеъдоди — такрорланмас бир гўзаллик яратадиган маънавий куч. Сиз эса фақат такрор билан, шаблон билан, стандарт билан кун кўрасиз! Фақат конвессердан чиқадиган гиштнинг, бетон плитанинг расмини чиза оласиз, холос. Тирик борлиқнинг ўзига хос гўзаллигини бадний ҳақиқатга айлантириб қайта тирилтириш қўлингиздан келмайди! Тасвирга жон ато қилиш фақат талантили одамгагина муяссар бўлади. Сизда ана шу йўқ!

Аброр бошқа ҳеч кимга сўз навбати бермасдан жўшиб, қизишиб гапирарётганда ҳарир парда тутилган ойнабанд эшик ортида қандайдир шарпа сезилди. Балки Нигорадир? Аброр у эшиталиган қилиб, ҳеч кимга сўз бермай давом этди:

— Мухтор ака, менинг гапимни тўғри тушунинглар. Табиат томонидан талант берилмаган бўлса, бунинг учун ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Лекин истеъдодсиз одам ичи қоралиқни, бахилликни ўзи қилиб қўйиб, буни бошқа оққўнғил одамга тўнкасима қараб туриб бўлмас экан-да!

— Вой-бўй, сен ўзингни бунчалик оппоқ қилиб кўрсатишдан уялмайсанми? — деб Шерзод Аброрни қаҳр билан сенсиради.— Гапингга қараганда, сен, Аъзамов, ёрқин бир талантсану мен — кераксиз бир тўнка!

— Мен сизни тўнка деганим йўқ. Сиз, шубҳасиз, керакли одамсиз. Илгари оддий одамларни жуда зарур винтчаларга ўхшатишарди. Сиз оддий одам эмас, винтча эмас, катта бир винтсиз,

Шерзод. Бу винтларнинг қулай томони шуки, бири ишдан чиқса бошқаси бор. Шундай ўрнини алмаштириб қўйсанг ишлаб кетаверади. Сиз ҳам шу туфайли жуда кўп лавозимларни алмаштирдингиз. Бир жойда ишингиз юришмаса бошқа лавозимда ишлаб кетаверасиз. Бир вақтлар ҳатто райяжрокомда ҳам масъул ишда ишлаб, бетон плиталарни тупроқ билан бекитиб, устига қизил гул эктирган эдингиз. Агар сиз масъул ходим бўлиш билан қаноат қилсангиз эди, икковимиз кечагидай олишиб юрмаслигимиз мумкин эди. Лекин сиз мансабингизга қаноат қилмайсиз, талантили одамлар яратган энг яхши асарлар учун мукофот берилса, сиз ўз мансабингиздан фойдаланиб, ана ўша мукофотни ҳаммадан олдин олишга интиласиз. Эсингизда бўлса, сиз талантили меймор Ҳабибулла Эргашевни рўйхатдан суриб чиқариб, унинг ўрнига мукофот олмоқчи бўлдингиз. Агар мен уни ҳимоя қилиб сизга қарши чиқмаганимда, эҳтимол, мен ҳам мукофот олар эдим. Шу гап ростми ёки ёлгонми, қани олангизга айтинг-чи?

— Фақат бир нуқтаси рост, сен менга чуқур қазидингу...

— ...Лекин ўша чуқурга қуладим... Сиз бу мақолни ҳам шаблонга айлантириб юз марта такрорладингиз. Хўп, мен мукофот олмадим. Лекин менинг ўрнимга Ҳабибулла Эргашев мукофот олди, йўқми? Айтдингиз келмайди-я? Талантили ёш меймор Эргашев мукофот олди, Мухтор ака. Энди ўзингиз айтинг, келинойи, агар мен талантларни кўролмайдиган ичи қора, бахил одам бўлсам, шундай қилармидим?

Мухтор ака бошини хижолатдан ҳам қилиб жим турибди. Аввалги ҳовури анча пасайган келинойи эса:

— Бошқаларга яхшилик қилдим деб мақтанасиз, кеча нега менинг укамга тўғаноқ бўлдингиз? — деди.— Биз билан қуда бўлгиси келган одам шундай қиладимиз?

— Кечаги тўғаноқ ҳам асли укамгиздан чиқдику, келинойи. Сиз ҳам тошкентликсиз, Буасувни биласиз. Укамгиз унинг минг йиллик ўзанини буз-

дирмоқчи бўлди. Бунинг учун гап тегадиган бўлганда, бутун айбни бошқармада ишлайдиган бизнинг хонимга тўикаб, сувдан қуруқ чиқиб кетди. Бечора Вазира ҳаммадан балога қолиб инфаркт бўладиган аҳволга тушди. Кеча «Тез ердам» чақириб, зўрға қутқариб қолдик. Бу озлик қилгандай, укангиз энди ёшларнинг тўйини бузмоқчи...

Шу пайт бирдан ойнабанг эшик қия очилди-ю, Нигоранинг қўли кўринди. Келинлик либоси билан юзини Аброрга кўрсатишдан уялаётган Нигора титроқ товуш билан:

— Бизни кечиринг, Аброр ака,— деди.— Сизларни шунчалик азобга қўйибмиз... Мен билганим йўқ... Шокир акамга айтинг... Эртага ЗАГСга бараман...

— Биз рухсат берсак борасан! Кир, уйда ўтир! — деб ўшқирди онаси унга.

— Ойижон! Узингиз ҳозир ҳаммасини эшитдингиз. Совгаларини нега қайтардиларинг? Мен уятга қолдим...

— Булар сенга нега бунчалик кўримсиз кийимлар олишади? Пальтоси ҳам, кофтаси ҳам, кўйлаклари ҳам местний. Биз куёвга Япония костюмдан олдик. Импорт парчадан тўн тикдирдик. Куёв шундай ясансин-да, бизнинг қизимиз қишлоқдайд кийинсинми?

— Хўп, бошқа ёқадиган кийимлар топиб берамиз! — деди Аброр.— Гап шундами, холос?

— Уят, ойи, уят! — деб Нигора йиғлаб юборди.— Менинг ҳамма кийимим бор-ку! Нега савдога айлантирялсиз, ойи? Мени бозорга соладиган бўлсаларингиз ҳозир кетаман бу уйдан!

— Ҳеч ёққа кетмайсан! — деди ойиси.— Эшикни қулфлаб оламан!

— Бас қилинг! — деб Нигора энди ўкириб йиғлади.— Мен қандай бош кўтариб юраман? Ҳозир деразадан ўзимни ташлайман! Жонимдан тўйдим! Бас!

Ичкарида алланарса полга тушиб синди; дераза тарақлаб очилди. Мухтор ака билан хотини ўша томонга югуриб кетишди. Шерзод ҳам ўша уйга шошилиб кириб кетди.

Ичкарида улар учови Нигорани тинчителишга ури-наётганларини Аброр йўлакда эшитиб турарди. Она-си қизга мулойим гапириб:

— Хўп, қизим, хўп ўзингни бос, сенинг айтган-нинг бўлади, майли,— деди.

Мухтор ака ичкаридан саросима бир аҳволда чиқиб келди:

— Аброр Аъзамович... Ҳақиқатдан... яхши бўлмади... гап кийим-пийимда эмас. Умр савдоси қийин экан... Келганингиз яхши бўлди. Лекин... Йўлакда туриб қолдингиз... Қани, ичкарига марҳамат...

— Бошқа кун и келарман, Мухтор ака. Ҳозир ишга борадиган эдим.

Ичкарида овозлар тинди-ю, Шерзод ҳам қайтиб чиқди.

— Шерзод Исломович,— деди Мухтор ака,— Энди... таклифномалар тарқатилган. Тўй бузилса бизга ҳам уят бўлади...

Шерзод қошини голиблардек чимириб:

— Нигора — мардлик қилди, деди.— Буларнинг ёмонлигига яхшилик билан жавоб бердим — жия-нимизнинг мардлиги ана шу!

Аброрнинг шунча гапини ўзига юқтирмасликка ҳаракат қилаётган Шерзод Мухтор аканинг олдида яна Абрордан баландроқ келишга интилмоқда эди. Буни сезган Аброр мийиғида кулимсираб:

— Ҳа, бизнинг укамиз ўзига муносиб қаллиқ танлаган экан,— деди.

Шерзод зарда қилиб деди:

— Энди тўйни дурустроқ қилинглар! Анъаналар-ни пеш қиласанлар. Халқимизнинг одати хасислик-ни ёмон кўради. Қўли очиқ, бағри кенг одамларни эл-юрт ҳурмат қилади!

— Бағри кенглик фақат тўйда кўп пул сарфлаш-дан иборат эмас, Шерзод. Мен анъаналаримиздаги инсоний илиқликни яхши кураман. Еб-ичиш, латта-путта ҳаммаси ўткинчи. Қоладигани — ҳақиқий меҳру оқибат асосига қурилган янги бир оила. Тўғрими, Мухтор ака?

Мухтор ака бош ирғаб, Аброрни ҳовлигача куза-тиб тушди.

Тўхтаб қолган тўй «машина»си яна юриб кетди. Шанба кунни келин-куёв билан ЗАГСга бориш учун Алибеклар келишди. Вазира ўрнидан туриб, уй ишларини қилаётган бўлса ҳам, ҳали кўчага чиқишга мадори етмас эди. Шунинг учун куёв томондан ЗАГСга борадиганларга Аброр ўзи бош бўлди. Қирқ даражали иссиқда қора костюм кийиб олган Шокир терлаб-пишиб, ишхонасидан ажратилган «Латвия» машинасида иккита ўртоғи билан етиб келди. Аввал келишилганига биноян, ЗАГСга куёв томондан тўрт-беш киши, келин томондан ҳам шунча одам бориши керак эди. Лекин Нигораларнинг уйига ўн бешга яқин қиз-йигит тўпланишибди. Ҳаммалари оқ ҳарир кийимдаги келинни қуршаб олиб чиқишганида: «Машинага сигишмайди-ку!» — деб Аброрнинг кайфи учди, — «Зарафшон» ресторанининг банкет залига борамиз, деб ҳаммаси ёпирилиб келибди-да. Бориб бўлибсанлар!» У ичида гижинди-ю, Алибекка шипшиди.

— Катта кўчага чиқиб, битта такси топиб келинг. Тез!

Келинни кузатиб чиққанларнинг орасида қовоғи солиқ Шерзод ҳам бор эди. У Аброрга тунд юз билан бош иргади-да, куёвга юзланди:

— Машинанинг бўлгани шуми? Сигишмайди-ку. Тўйми бу ё.. бошқа нарсами? Безаклари қани? Мана бу машинага лента боғланглар! Бунисининг устига бахмал ёпинглар!

Нигоранинг отаси ўзининг янги «Волга»сини юяиб, артиб, сояга қўйиб қўйган экан. Шерзоднинг буйруғи билан «Волга»нинг устига ленталар тортишди, олдига жонсиз бир қизчани тасвирлайдиган қўғирчоқ боғлаб қўйилди.

Аброрнинг энг ёмон кўрган нарсаларидан бири шу — бўяб қўйилган сийқа пластмасс қўғирчоқ. Уйланишнинг маъносини чидаб бўлмас даражада бачканалаштириб кўрсатаётгандай бўларди. Яна бу бачканаликни ҳаммага кўз-кўз қилиб кўчалардан ўтиш Аброрга ўта кетган диди пастликнинг намойишидек туюларди.

Лекин ҳозир Шерзод билан бу ҳақда баҳслашиб ўтиришни Аброр ўзига муносиб кўрмади. Алибек бўш такси топиб келди. Йигилган одамлар машиналарга бемалол сизди. Нигоранинг отаси «Волга»сининг калитини Шерзодга берди. Келин-куев ўша «Волга»га чиқибди. Шерзод машинага ўтиришдан олдин шоферларга буюрди:

— Менинг кетимдан юринглар. Қўзгалган заҳотим ҳаммаларинг сигнални аямай босасанлар. Ҳовлидан катта кўчага чиққунимизча сигнал ўчирилмасин! Ҳамма қайрилиб қарасин, катта ҳодиса бўлаётгани шу сигналдан ҳам билинсин! Тушунарлими?

Шоферлар кулиб:

— Тушунарли,— дейишди.

Аброрнинг машинасига Насиба билан келин томондан бир ёш эр хотин чиқиб ўтирган эди. У «Волга»дан кейинда борар экан, олдинда Шерзод, орқада бошқа шоферлар узлуксиз сигнал бераётганидан ва ўткинчилар қайрилиб қараетганидан уялган Насиба:

— Бу янги одат қасқдан чиқибди? — деди.— Илгари бирорта таксичи вафот қилса бошқа таксичилар уни қабристонга олиб кетаётганда шунақа узлуксиз дудутлаб видолашар эди.

— Дабдабага берилган одамлар бу одатни янги чиққан бир бидъатга айлантиришибди,— деди Аброр.— Ҳозир бу ҳам мақтанчоқликнинг бир тури бўлиб қолибди. Тавба!

Орқа ўриндиқда ўтирган эр-хотин Аброрнинг сигнал бермаётганидан норозироқ эдилар, энди Шерзодга тегадиган гапни эшитган йигит аччиқ билан бир-икки йўталиб қўйди.

Шокирлар ЗАГСдан ўтгунча, Аброр тишини тишига қўйиб, Шерзоднинг ҳамма қилиқларига чидади. Никоҳ уйининг фотографи Шерзоднинг буйруғи билан куёв-келинини ва уларни кузатиб келганларни йигирма-ўттиз жойда қирқ-эллик марта суратга олди. Аброр ҳаммаси учун бир талай пул тўлади. Сўнгра куёв-келин билан уларнинг меҳмонларини никоҳ уйининг ичидаги кафенинг шинамгина залига бошлаб кирди. Одам кам, кўпчилик стол-стуллар бўш эди. Аброрнинг илтимоси билан официант аёл

Алибекнинг ердамида тўртта столни бирлаштириб, битта узун жой қилди. Келин-куёвни тўрга ўтқазинди. Насиба Нигоранинг қўлларини банд қилиб турган катта гулдастани олиб, вазага солди-да, столнинг ўртасига қўйди. Зал тўрида буфет бор эди. Ундан икки шиша шампань, бир шиша коньяк, бир шиша «Экстра» арақ олдилар. Стол устида тақсимчалар, пирожнийлар, бутербродлар, Тошкент сувлари пайдо бўлди.

Ҳали ресторанда зиёфат қуюқ бўлишига ишонган Шерзод Аброрга қараб:

— Етар энди, бу ерда иримига бир лаҳза ўтирилса бўлади,— деди.

— Йўқ, майли,— деди Аброр ва официант элга битта ўн сўмликни бериб, кафедан ташқарида манқалидан тутун бурқситиб ишлаётган кабобпаз-нинг олдига юборди.

Келин-куёвни табриклар, бир-икки қўл ичганларидан сўнг учта лаганда кабоб келди. Бутербродни егилари келмай ўтирганлар ҳар томондан кабобга қўл чўздилар. Учинчи марта қадаҳ кўтарганларидан кейин, шисалар бўшаб қолди. Аброр официант эл-ни чақириб, яна ичкилик буюрмоқчи бўлди. Аммо тезроқ «Зарафшон» ресторанининг банкет залига боргиси келаётган Шерзод эътироз қилди:

— Аброр Аъзамович, раҳмат, бу ерда энди бас, қани турдик!

Ҳамма гурр этиб ўрнидан кўтарилди. Аброр кинояли кулимсираб:

— Сал шошдингиз-да, Шерзод Исломович,— деди-ю, келин-куёвнинг олдига келди. Улар билан пичирлашиб олгач, овозини кўтариб: — Азиз меҳмонлар! — деди.— Шундай унутилмас кунда хурсандчилигимизга шерик бўлганларингиз учун раҳмат! Хуш кўрдик! Энди эртага тўйга марҳамат қилингизлар! Эрталаб маҳаллага ош. Кечқурун икки жойда — аввал келин томонда, кейин бизнинг ҳовлида катта зиёфат, баэм! Ҳаммаларингизни таклиф қиламиз!

Шерзод лаблари гезариб, «Зарафшон» ресторани-нинг банкет залини эслатмоқчи бўлди-ю, лекин кўпчиликнинг олдида буни тилаб олгандай кўринишдан тортинди.

— Нима... бугун энди... бушмизи? — деб гудранди.

— Буш бўлсангиз сизга туйхонада иш кўп, Шерзод Исламович! — кулиб деди Аброр. — Ҳозир мана шу соатларда қудамизникига туй келган бўлиши керак. «Қозон қурди»си бўлади. Сиз келиннинг энг мўътабар тоғаси, шу ишнинг тепасида бўлишингиз керак!

Шерзоднинг бирдан қаҳри келди:

— Мен қаерда бўлшим кераклигини ўзим билман, Аброр Аъзамович! Меҳмонлар, мен ҳозир ҳаммаларингизни «Зарафшон» ресторанига таклиф қиламан! Жияним Нигоранинг шарафига ўша ресторанда мен сизларга зиёфат бераман!

Ҳамма бир лаҳза жим бўлиб қолди. Нигора бошини қуйи солиб Шерзоднинг қаршисига келди, хаяжонли майини товуш билан:

— Тоғажон, раҳмат! — деди. — Лекин мен боролмайман.

— Ҳе, нега?

— Аброр Аъзамович ҳам ўша ресторанда зиёфат бермоқчи эдилар. Мен илтимос қилиб қолдирдим... Буначаси... нима керак? Ҳозир бўлди... Ҳовлида бўляпти. Эртага икки жойда...

Нигора билан бир жойда ишлайдиган уттиз ёшлардаги йигит:

— Тўғри-да! — деди. — Сал меъёри билан бўлгани дуруст. «Қозон қурди»си бўлса, ҳозир ўшанга бора қолайлик.

— Келин-куёв ҳам озроқ дам олсин! — деб қўшиб қўйди Алибек.

Шерзод чўнтагига асабий қўл тиқиб, «Волга»нинг калитини олди-ю, аламини ичига ютиб уйига қайтди. Лекин эртаси кунни Аъзам ота катта куёв билан бирга келин томонга тўй ошига борганда Шерзод захрини унга сочди:

— Ота, бу сизлар бизни жуда... уятга қолдириясизлар-ку!

Аъзам ота кеча эрталаб ўзларининг маҳалласига икки юз кишилик ош берган эди. Ундан олдин Абай бозорига бориб, келин томонга бериладиган ош учун ҳам қўй олди, харажатнинг ҳаммасини машинага солиб бериб юбурди. Ота беш-олти кундан бери

тиним билмай ўзини жуда олдириб қўйган, бугун кечаси ухлай олмай чиққанидан кўзалари ёш-ланиб турар, бадани зирқираб, тиээалари титрар эди. Шунинг учун Шерзоднинг гапини яхшилик-ка буриб:

— Э, ўғлим, тўй юбориш таомил-да! — деди.

Шерзод бугун бўладиган тўй оқшоми учун микрофон ва усилителлар олиб келган, шунинг машина-сининг багажнигидан туширар экан:

— Таомилга биноян келинга шунчалик кўримсиз кийим олинадими? — деб истеҳзо қилди: — Бунисини кечирган эдик, кеча ЗАГСдан кейин ўғилларингиз яна бошлашди. Таомил бўйича ресторанда ўтириш бўлиши керак эди. Ўғилларингиз пулидан ҳочиб бу ўтиришни ҳам қилишмади!

Аъзам ота ханг-манг бўлиб:

— Ундай деманг, ўғлим, бу ерда пулидан қочадиган номард йўқ! — деди. — Мана, тўй юбордик. Тўрт юз сўм сут ҳақи дедиларингиз, бердик.

— Кампирингиз, «куёвнинг жиғаси бўлсин, укпар қадалсин», деб буюрибдилар. Биласизми, бизникилар ўша укпарни топгунча қанча овора бўлишди? Эски шаҳарнинг тор кўчаларида юриб, лўли хотинлардан сўроқлаб уккининг битта парини ўн беш сўмга олиб келдик! Куёвга импортний пальтолар, плашлар қилдик!

— Кампирим укпар демай ўлсин! Шунга сизларни овора қилмаса ҳам бўлар эди. Биз келин истайдиган яхши пальтони ҳозирча магазиндан тополмадик. Қиёматли қара, кейин албатта толиб берамиз!

— Бугун кечқурунги ўтиришга машҳур ҳофизлардан олиб келамиз деган эдиларингиз. Энди эшитсак, ўғлингиз қасқдаги ҳаваскорлик тўғарагининг ашулачиларини олиб келармиш. Шу ҳам одамгарчилик бўлдики? Бизнинг жиянимиз кимнинг қизидан кам?

— Бизга ваъда берган ҳофиз касал бўлиб қолипти-да. Қандай қилайлик энди!..

— У бўлмаса бошқа ҳофиз қуриб кетибдими? Пулини аямаган одамлар энг зўр ҳофизларни тўйига олиб келяпти. Ё бир оз пулдан қарашайликми, ота?

Аъзам отанинг ранги оқариб кетди:

— Мен сизга қанча пул дессангиз берай, узингиз истаган ҳофизингизни олиб келинг, бўлмаса!

— Уша пулингизни катта ўглингизга беринг! Топсин!

Аъзам ота бор пулларини сарфлаб бўлиб, кеча кичик куевидан уч юз сўм қарз олган эди. Энди бугун катта куевидан қарз олишни уйлади-ю:

— Бўпти! Топади! — деди.

— Бугун келишни олиб кетишга келганларингизда,— деб буйруқ оҳангида давом этди Шерзод,— қўш карнай, қўш сурнай, қўш ногора бўлмаса куевни қабул қилмаймиз! Шунини ҳам билиб қўйинг, ота!

Аъзам ота этагини қоқиб ўридан турди-ю:

— Мол базорда савдо қилаётганга ўхшаб гапирасиз-а, иним! — деди.— Майли, биз, келишимиз учун шунинг ҳаммасини қиламиз! Пулу буюмнинг юзига қарайдиган одам эмасмиз!

Аъзам ота қалт-қалт титраётган сертомир қўлини кўксига қўйганича, Шерзодлар билан хайрлашган бўлди-да, Абзорларнинг подъездига қараб кетди. Лекин иккинчи қаватга чиққунча осгидан дармон келиб, кўзи тина бошлади...

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Абзор кеча кечқурун соат ўнларда машинасини гаражга қўйиб уйга қайтса, Вазира телефонда аллаким билан русчалаб гапиришяпти.

— Ҳа, мана келдилар... Ҳозир трубкани бераман. У трубкани Абзорга берар экан, ўзбекчалаб шивирлади:— Москвалик меҳмон!

Абзор ўзига яхшилик қилган бу одамнинг овозини эшитибоқ қувониб кетди:

— Азиз Павел Данилович, мен сизни қидириб юрган эдим... «Тошкент» меҳмонхонасидамисиз?.. Кеч демасангиз, ҳозир бориб олиб келаман! Бизникида меҳмон бўласиз!

Трубкадан Павел Даниловичнинг йўгон, гулдирак товуши аниқ эшитилмоқда эди:

— Раҳмат, Абзор Аъзамович! Мен ҳозиргина метрочи ўртоқларникидан меҳмондан келдим. Вазир-

ра Бадаловнанинг тоблари бўлмай қолибди. Шунга эшитдим, бир чеккаси бунга мен ҳам сабабчи бўлдим, деб ўйладим, ўзимни гуноҳкор сезиб, телефон қилдим.

— Вазиранинг касалига сизмас, Баҳромов билан мен сабабчиман, Павел Данилович! Бир учрашсак, буни сизга айтиб берардим-да!

— Мен ҳам учрашишни жуда истайман, бироқ бугун энди кеч, Вазир Бадаловна дам олсинлар...

— Бўлмаса... Эртага бизда тўй. Укамизни уйлантиряпмиз. Эрталаб ош, кечқурун базм. Сизни ҳар иккаласига таклиф қиламиз, Павел Данилович!

— Қандай бўларкин! Ўзбек тўйини кўргим келди. Лекин... йўлни билмайман.

— Мен ўзим машинада бориб олиб келаман.

— Сиз тўй ташвишлари билан банддирсиз. Вақтингизни олиш ноқулай, Аброр Аъзамович!

— Ҳеч ундай эмас, Павел Данилович! Тўйга келсангиз биз астойдил хурсанд бўламиз.

Меҳмон, ниҳоят рози бўлди. Аброр нонуштани у билан бирга тўйхонада қилиш учун эзонда Павел Данилович турган меҳмонхонага йўл олди.

* * *

Сунбуланинг тонгги сарин нафасини Аброр анчадан бери бугун эрталабгидай роҳатланиб ҳис қилмаган эди. Урданан ўтаётиб, Бўзсувнинг тиниқ тўлқинларига суқланиб қараб ўтди. Машинанинг деразалари очиқ. Марказий кўчадан бораётганда ўнг томондаги минглаб фаяворалар салқини, айниқса, шаршара-фаворранинг қудратли шовуллаши сув шабадасига қўшилиб келиб, вужудга бир лаҳза ором берди.

Сўнгги кунларнинг югур-югурлари ва юз хил тўй ташвишларига бўлиниб, сочилиб кетган ҳасллари ҳозир улкан бир магнит атрофига тўпланиб келаётгандай бўлди. Бу магнит — Аброр фарзандлик меҳри билан севадиган Тошкентнинг жозибаси эди.

Мармарлари тонг нурида зарҳал ипакдек товланиб турган хушқомат янги бинолар, Навоий театрининг улуғвор пештоқлари унга суюкли бир куйдай

завқ берди. У Павел Даниловични меҳмонхонадан топиб чиқиб, машинасига ўтқазар экан, тўсатдан:

— Шаҳарни бир томоша қилдирайми? — деб қолди.

— Кеча биз шаҳар айланган эдик.

— «Мовий гумбазларни кўрдингизми?.. Чорбоғни-чи?

— Йўқ. Қанақа чорбоғ?

— Ҳозир, — деб, Аброр машинасини ҳисоб бўйлаб ҳайлаб борди-ю, «Мовий гумбазлар кафеси ёнида тўхтатди.

Кафедан назироқдаги текис томли нақшин бино ва унинг айвонида кандакорлар ёғочга кашта солиб ишлаган устунлар Павел Даниловични қизиқтириб қўйди. Бу — чойхона эди. Оқ яхтак ва чуст дўппи кийган, белига шоҳи белбоғ боғлаган чойхоначилар чойхўрларга парварда, новвот, кунжут ҳолва ҳам сотмоқда эдилар. Бунинг ҳаммасини Павел Данилович ҳали ҳеч жойда кўрмаган эди.

Чойхона олдида мармар ҳовуз, йўлканинг четида баланд ток сўрилари ва мирзатераклар. Аброр меҳмонни кунчиқиш томонга бошлади. Павел Данилович ҳафсала билан парваришланган оқ қайинларни, «пруд» деб аталадиган кўлчани, «Диво — муъжиза» номли ёғоч ҳайкални кўрди-ю:

— Булар менга ёшликдан таниш! — деди.

— Ҳа, бу — рус боғи. Аввал кўрганимиз — ўзбек боғи эди. Энди мен сизга француз боғи билан япон боғини кўрсатаман.

Улар ўнг томонга бурилиб, кенг йўлка билан юз қадамча юрдилар-да, зинапоядан хиёл юқорига кўтарилдилар. Шунда Павел Данилович осмонга сув пуркаб турган фонтаннинг чиройли шаклини, худди шу шаклда оро бериб ўстирилган буталар ва дарахтларни кўрди-ю:

— Танидим! — деди.— Париж, Версаль. Жуда ўхшайди! Айниқса фонтан!

Яна йўлка бўйлаб юриб, ҳарсанг тошлар қаланиб ётган бир жойга келдилар. Тошлар орасидан тиниқ сув шовиллаб отилиб чиқяпти. Бу сув нова орқали хушманзара кўлчага отилиб тушади. Кўлчанинг ўртасидан кўприк ўтган, икки четида қандайдир ўйчан дарахтлар ўсган. Боғ дарвозаси нариги томон-

да. Дарвоза нимаси биландир япон хати — иероглифни эслатади. Павел Данилович бунинг японча бог эканини дарвоза атрофини ўраб турган чирмовиқдан ҳам таниди.

— Япониядан келган бир меҳмон юртини жуда соғиниб юрган экан,— деди Аброр.— Шу ерга бошлаб келиб, мана бу богчани кўрсатган эдик, таъсирланганидан кўзларига ёш олди.

— Ҳақиқатан, жуда ажойиб. Демак, чорбоғ деганингиз шу!

— Ҳа, узбек классик меъморчилигида чорбоғ — тўрт бог дегани. Яъни, бир бог ичида ҳам гулзор, ҳам мевазор, ҳам дарахтзор...

— Классик анъанага бу ерда янгича йўналиш берилибди-да. Шимол, жануб, шарқ, ғарб — дунёнинг тўрт томонидан тўрт хил бог олиниб, чорбоғга айлантирибсизлар.

— Топдингиз, Павел Данилович.

— Лекин ғояси ҳам ажойиб, ижроси ҳам,— деб Павел Данилович чорбоғни узоқ мақтади:— Тўрт хил миллий шаклдан битта ерқин байналмилал асар яратибсизлар, мен Тошкент меъморларига қойил бўлдим! Мени бу боғга олиб келганингиз учун сиздан бениҳоя мамнунман, Аброр Аъзамович!

Меҳмонни қувонтира олганидан ўзининг ҳам кўнгли кўтарилган Аброр Павел Даниловични Бўзсув бўйидаги Гагарин боғига олиб борди, олти қаватли мазмурий бино ёнидаги гўзал соҳилларни кўрсатди, Бешёғоч орқали ўтиб, сўнг Шота Руставели кўчаси бўйида, Тўқимачилар саройи олдида грузин меъморлари мисга зеб бериб ишлаган дўстлик ҳайкали қаршисида тўхтади. Уч қардош тилда уч гениал шоир — Навоий, Пушкин, Руставели — ҳозирги авлодларни дўст бўлишга ундаб оташин сўзларни айтган, бу ҳаммаси уч қиррали баланд обидага ўзбекча, русча, грузинча ҳарфлар билан гўзал қилиб битилган эди.

Павел Данилович завқли кўзларини обидада олиб Аброрга тикди:

— Сиз билан биз маслакдошга ўхшаймиз, Аброр Аъзамович.

— Қасрдан билдингиз?

— Сиз ёқтирган жойлар менинг ҳам баҳри дилимни очяпти.

— Ундай бўлса бизнинг ҳовлилар ҳам сизга ёқиши мумкин, Павел Данилович. Ҳозир бориб нонушта қилиб олсак... Кейин яна томошани давом эттирамиз.

— Яхши!

Аброр меҳмонни ўзларининг кўп қаватли уйлари ҳовлисига бошлаб кирар экан, уни ҳашар йўли билан қандай обод қилганларини, илгари бу ер қанақа даҳа бўлганини, маҳалла-кўй бўлиб яшаш анъаналари ҳозир қандай давом этаётганини айтиб берди.

Кооператив уй тушгандан кейин ҳовли хийла торайиб қолган бўлса ҳам, маҳалла ўтоғалари икки уй оралигидаги саҳни текислаб, тўй-маъракада юз-икки юз киши ўтирса бўладиган шиннам жой қилишган эди. Янги экилган тоқлар, тераклар тез ўсиб, қуюқ соя берадиган бўлиб қолган, эски тандир чеккароқ жойга кўчириб ўтказилган. «Поливайка» ҳайдайдиган новвой йигит кечаси ҳамир қориб, саҳар палладан тандирга ўт ёқиб, ош пишгунча икки юз-уч юзта седанали нон ёпди.

Оқшом маҳалланинг йигитлари шу ерга тўп-ланишиб, алламаҳалгача сабзи тўграшди. Тўйлан-тўйга кўчиб юрадиган мустаҳкам темир оёқли узун столлар ва курсилар кеча кундузиёқ ҳовли саҳнига ўрнатилган эди, тунда унга дастурхонлар ёзилди, мез-неъматлар қўйилди. Бир четда қирқ литрли оқ рух самовар қайнаб турибди. Истаганга кўк, истаганга қора чой рух чойнакларда ташил-япти.

Эрталаб офтоб чиқмасдан маҳалла мўйсафидлари биринчи бўлиб ошга келдилар. Қизнинг отаси билан кўк дўппили катта тоғаси бир томонда, Аъзам ота билан унинг катта куёви иккинчи томонда келиб-кетувчиларни қўл қовуштириб қарши олишар ва кузатишарди.

Аброр меҳмони билан берганда унинг касбдошлари Ҳабибулла Эргашев, Дмитрий Адамян, Фарид Галиев бир тўп бўлиб ош еб ўтиришган экан. Улар Павел Даниловични тўрга — палак ва гиламлар осилган сўри тагига ўтқазишди.

Маҳалла йигитларидан бири мис обдаста билан дастшў кўтариб келиб, меҳмоннинг қўлига сув қуймоқчи бўлди.

Павел Данилович бунақа нарсани биринчи кўриши эди, гап нимадалигини тушунмай хиёл ўнғайсизланди. Шунда Аброр дастшў устида қандай қўл ювилишини унга тушунтирди. Меҳмон энди кулиб қўл ювди-да, мезбон тутган янги сочиққа қўлини артди.

Майин сурнай товуши ва макка ўхшаш ногоранинг така-туми ҳам Павел Данилович учун янгилик эди. Аброр иссиқ седанали нондан унинг олдига синдириб қўйди. Меҳмон конининг седанали жойидан сб қўриб:

— Ҳиди жуда ажойиб! — деди.

Олдин келганлар ошни сб, чойни ичиб бўлиб, туриб кета бошладилар.

— Мен ҳозир,— деб Аброр ўридан туриб, ҳамкасбларини кузатиб келди-ю, меҳмонга изоҳ берди.— Наҳорги ошда кўп ўтирилмайди. Одат шу. Йнгирма-ўттиз минутда ош сб, чой ичилади-ю, ишига кетилади.

Бир лаганда меҳмон билан Аброрга олтиндай товланиб пишган палов келди. Унинг устида гўштдан ташқари бир парча қазни ҳам бор эди.

— Одатга биноан ош икковора сийлади,— деди Аброр.— Лекин буни сиз олдингизга олинг. Мен ўзимга бошқа чақираман.

— Йўқ, йўқ, Аброр Аъзамович, қондани бузмайлик. Икковора бўлса, бирга сиймиз. Мана қошиқлар бор экан. Мен соғлом одамман.

— Мен ҳам шундайман. Бўпти, мана, гўштини тўграб қўямиз... Тўғри, сз кунда эрталабдан сғлиқ ошни ҳар ким ҳам кўтаролмайди. Айниқса биз, зиёлилар, наҳорги ошга чақириб тинчимизни бузганлардан шикоят қиламиз. Еғлиқ ошнинг ҳазми оғирлигидан нолиймиз. Лекин наҳорги ош— кетмон чопадиган меҳнаткаш одам учун чиқарилган одат бўлса керак-да. Ер чопиб, экин суғориб, пахта, бог ўстириш учун жуда кўп куч керак. Ана шунақа куч берадиган паловни меҳнаткаш одам эрталаб азонда сб, кейин ишига кетиши бежиз бўлмаса керак.

— Врачлар бизга ҳам калорияси зўр овқатни эрталаб ейишни тавсия қилишади, Аброр Аъзамович.

— Тўғри айтасиз. Ундай бўлса, қани, дадил-дадил олайлик. Мана бу қазидан ҳам снг.

— Қазини мен Москвада «Ўзбекистон» ресторанида татиб кўрувдим. Таъми жуда яхши. Лекин бу иссиқда қандай бўларкин?

— Бир парраги ҳеч нима қилмайди. Коньяк, арақ ичмаяпмиз-ку. Эрталабки ош ўзи ичкиликсиз бўлади. Одат шундай.

— Ана бу яхши одат экан.

Павел Данилович тўп-тўп бўлиб ош еб кетувчиларнинг хийла кўп эканига эътибор берди.

— Шулар ҳаммаси сизга қариндош еки ер-биродар бўлса керак-да, Аброр Аъзамович? — деб сўради.

— Бир қисми қариндош. Ошга бутун маҳалла таклиф қилинади. Биз ҳам баъзиларининг тўйига бориб, ошини еганмиз еки келажакда борамиз. Бу ишда энг муҳими — одамларнинг боши қовушиб, борди-келди қилиб яшаши, Павел Данилович. Бир-галашиб ҳашар қилишамиз, бир-биримизга қарашиб тўй-маърака ўтказамиз. Бъъзан бу маъракаларнинг ташвиши ҳаддан ошиб, бизни қийнаб қўядиган пайти ҳам бўлади. Лекин меъерида қилинса, одам елгизсирамайди, ўзини икковорадан чиқиб қолгандай нохуш сезмайди.

— Айниқса ҳозир одамларнинг бир-бири билан қовушиб, катта оиладай иноқ яшаши жуда муҳим бўлиб қолди, Аброр Аъзамович. Жаҳонда одамни одамдан бегона қиладиган, уни жамоатдан бездириб, елгизлик азобида қийнайдиغان вируслар кўпайиб кетяпти. Одамда ўша вирусларга қарши иммунитет бўлса қандай яхши!

Ошини еб бўлишлари билан Мухтор ака ҳозиргина сўйилган қип-қизил ширин тарвуздан бир лагакини парра қилиб олиб келди. Меҳмон билан Аброр тарвуз еб, кетидан кўк чой ичдилар-да, ўринларидан турдилар.

Кун иссиқ бўлса ҳам, ҳаво қуруқ, нафас олиш сиғил. Павел Данилович ўзини яхши ҳис қилмоқда эди. Аброр уни шу ҳовлининг нариги четидаги квартираларига бошлаб чиқди.

Эшик олдида уларни кутиб олган Вазира меҳмонни дастурхон тузаб қўйилган катта хонага бошлади. Атлас кўйлак, заррин шиппак кийган, бошига енгил газ дурра ўраган Вазира сўнгги кунларда анча озиб қолган бўлса ҳам, кўзларидаги нурнинг жидоси, юзидаги назокат, ҳаё Павел Даниловичга худди Москвадагидай жозибали кўринди. Меҳмон дўстона бир илиқлик билан аввал Аброрга, сўнг Вазирага қаради-да:

— Бир-бирларингга ўхшайсизлар! — деб қўйди.

Учовлари ҳам енгил бир кулиб олишди. Стол устида музга солинган шампань виноси турибди. Вазира бозордан танлаб-танлаб олган олтин ранг ҳусайни, қорадона шивилғони, қирмизи тусли Ризамат ота узумлари, анжир, век, шафтоли — ҳаммаси бир-биридан чиройли эди.

Аброр шампань виносини муздан олиб очар экан:

— Павел Данилович, сиз Тошкентга иш юзасидан келган бўлсангиз ҳам, бизнинг оилавий ҳаётимизга ғалати таъсир кўрсатдингиз, — деди. — Вазира мени кечирсин. Оилавий ҳаёт — ойнинг кўзга кўринмайдиган орқа томонидай яширин кечади. Лекин Павел Данилович бизнинг дилимизга яқин бўлиб қолди, яширишнинг ҳожати йўқ... Майли, Вазира, ўзингиз айтинг.

Вазира уялганидан юзи хиёл қизариб қадаҳни қўлига олди:

— Эслаш ҳам оғир... Павел Данилович кўп нарсани ўзлари пайқаган бўлсалар керак. Ўша соанторлик туфайли орамизга емон бир совуқлик тушган эди. Бу совуқлик бир йилдан ортиқ бизни қийнади. Лекин ўша кун муҳокамада Павел Данилович адолатни шундай ҳарорат билан еқлаб чиқдики, бизнинг орамизга тушган совуқ муз беихтиёр эриб кетгандай бўлди. Унинг тошқинида мен гарқ бўлиб кетишим мумкин эди, лекин Аброр акам қутқариб қолди. Павел Данилович, сиз ўзингиз билмаган ҳолда бизни яраштириб қўйдингиз. Мен сиздай чин дўст учун, унинг одиллиги, яхшилиги учун қадаҳ таклиф қиламан!

— Яшанг, хоним!

Павел Данилович ошдан кейин хиёл чанқаб турган эди, муздай шампань жуда яхши кетди. Аброр

унинг ликопчасига хушбўй ҳиди анқиб турган олтин ранг шафтолидан, анжир ва ҳусайнидан солиб қўйди.

— Стол устидаги бу ноз-нъматлар менга афсонавий очилдастурхонни эслатапти, Вазира Бадаловна. Мен бу ерга келаётганимда сиздан ўпка-гина эшитаман деб ўйлаган эдим. Ҳар қанча гина қилсангиз ҳаққингиз бор эди. Лекин бунинг ўрнига сиз шундай ёқимли гапларни айтдингизки, менинг бошим етти қават осмонга етгандай бўляпти. Афсонавий бир уйга келиб қолгандай, ҳаётда кам учрайдиган сахий, дилбар одамлар эртаклардан чиқиб келиб, мени меҳмон қилаётгандай туюляпти.

Аброр Павел Даниловичнинг қадаҳига яна вино қўйиб, унинг алёрини эшитмоқчи бўлиб турган эди, эшик қўнғироғи устма-уст жиринглаб қолди. Малика эшикни очган эди, Ўзам отанинг овози эшитилди:

— Аброр, уйдამисан? Бу ёққа бир чиққин, ўғлим!

Аброр меҳмондан узр сўраб отасининг олдига чиқди:

— Қани, ада, юринг, меҳмон билан чой ичинг.

— Кейин, ўғлим... Ҳозир бу ёққа кир-чи.

Ўзам ота учинчи қаватга чиққунча ҳансираб қолган эди, эшик олдидаги хонага кириб, диванга ўзини ташлади-да, оғир уҳ тортди.

— Э, бу Шерзод деган тоғаси жонга тегди-ку! Сен борингда қорасини кўрсатмайди. Ҳозир сен меҳмоннинг билан бу ёққа чиқдингу яна пайдо бўлди. «Биз мана мунча сарфлаб ресторандан одам чақирдик, уч юз кишилик базм қилмоқчимиз, куёв томон атиги юз кишилик базм қилмоқчи эмиш, уят эмасми?» деб қолди.

— Ада, сиз унинг гапига нега мунча эътибор берасиз? «Хўп!» денг-да, менга қўйиб беринг. Юз кишилик базм бизга етади.

— Булар уч юз кишилик базм қилганда-а?!

— Буларни пул қутуртирган, ада! Кўк дўппили катта тоғаси ресторанлар трестда ёғлик ишда ишларкан. Меҳнат билан обрў орттирмамагандан кейин тўй дабдабаларига катта-катта пул тўкиб обрў орттирмоқчи бўлишади. Биз буларнинг йўлига юриб

нима қиламиз? Меҳнатдан топган обрўйимиз стади ўзимизга!

— Лекин булар обрўйимизни тўкиб қўядиган кўринади-да, Аброржон! Ану Шерзод дегани...

— Э, сиз ундан қўрқманг, десим-ку. Қани, юринг, меҳмон билан бирпас ўтиринг.

— Йўқ, менинг ишим кўп. Бир пиёла сув бер...

— Қизиб келдингиз, сув ичманг. Юринг, чой бор.

Аброр отасини ҳўярда-қўймай катта хонага бошлаб кирди. Аъзам ота Павел Данилович билан икки қўллаб кўришди, ярми русча, ярми ўзбекча сўзлар билан ҳол-аҳвол сўрашди, яхши тилаклар айтиб, юзига фотиҳа тортиди.

— Павел Данилович, боя мен ҳам сиз билан бирга афсонавий бир оламга бориб қолгандай бўлувдим,— деб изоҳ берди Аброр.— Мана ҳозир отам келиб тўй ташвишларидан гап очди-ю, мен афсонадан яна воқеликка қайтгандай бўлдим.

— Нима, бирон муаммо чиқдими? — сўради Павел Данилович.

Аъзам ота меҳмонга тўй ташвишларидан оғиз очмоқчи эмас эди. Лекин Аброр:

— Дўстимиздан яширишнинг ҳожати йўқ, қиз томон дабдабага зўр бериб, бизни қийнаб қўяпти.— деди.

— Ҳа, ўша Шерзоди менга айтди,— деди Аъзам ота,— улар уч юз кишилик базм қилармиш, келин! Шундан бир юзу элликтаси қизни кузатиб бизнинг ҳовлидаги базмга борар эмиш!

Бу гаплар Вазирани ҳам безовта қилди. Куёв томонда бўладиган базм дастурхонини Вазира бош бўлиб тузаши керак. Эрталабки аънавий ошнинг иши унча қийин эмас. Лаган, чойнак-пиёла бўлса бас. Кечқурунги базмга икки юз кишилик ликопчалар, қадаҳлар, вилкалар, бошқа яна минг хил нарсаларни қасрдан топади? Уйда бори етмаса. Тўй кўп, прокатлардан ҳам бунча одамга асбобни топиб бўлмайди.

— Илгариги тўйларда ичкилик бўлмас эди,— деди Аъзам ота.— Икки юз-уч юз кишига ичкилик базми қилиб бериш — янги чиққан бир бидъат бўляпти-да!

— Баҳромояларга осон, тоғаси ресторанлар трес-тида, керакли асбобни ҳам, одамни ҳам ўша ердан олиб келиб ўтказоди-қўяди,— деди Аброр.— Биз улар билан басбойлашиб нима қиламиз! Мен Алибекни мутасадди қилиб қўяман, ада. Келин томондан бизнинг базмга элликта одам борса бас.

— Қайдам? Бораман деганини қайтариб бўл-маса!

— Э, бораман деганларининг орасида беш-беш ўсмирлар, текинтомоқ бекоркўжалар бўлади. Мен улар учун вилкаю тарелка қидириб, пркатларда овора бўлиб юраманми? Ахир сал меъёр бўлиш керак-да, ада! Куёв турган маҳаллада икки юз кишилик ош. Келин турган маҳаллада яна икки юз кишилик ош. Кечқурун яна икки жойда шунча одамга эсфат. Тўрт марта-я! Бу қанақа исрофгарчилик?

Тўй-маъракаларда янги одатларга эскилари араллашиб, даҳмаза икки-уч баробар кўпайиб кетаётганидан Вазира ҳам жуда безган эди. Чунки ҳар ҳафта беш-олти жойдан ё тўйга таклиф келади, ёки яқинлари вафот қилган одамлар йигирмасигами, йил ошигами Аброрни айтиб кетишади. Бормаса, хафа бўлишади, деб риюя-андиша қилади. Борса, шаҳар жуда катта бўлиб кетган, таклифлар шаҳарнинг гоҳ у четидан, гоҳ бу четидан келади. Бориб келгунча ҳам йўлга бир дунё вақт кетади. Мудом шошилиб, саросима бўлишга тўғри келади. Яна тагин кўп тўйларда микрофон қўйиб радиосулителни бақиртириш одат булган. Мажлисдагидан баттар чарчатадиган узун-узун нутқлар. Қанча вақт кетказиб борган тўйларининг кўпидан толиқиб, ҳориб қайтишади. Тўй эгаларининг минг-минглаб пулларни ҳавога совуришлари-ю, машаққат чекишлари-чи? Икки томони ҳам бундай беҳуда қийнайдиган дабдалалар нимага керак ўзи?

Вазира меҳмоннинг олдидан бу гапларни айтиб ўлтирмади-ю:

— Дадажон,— деди Аъзам отага.— Сизда риюя-андиша кучли, биз ҳам меҳр-оқибатга ўрганганмиз. Лекин энг яхши одатларимизни ўз манфаатига бўйсиндириб, обрў орттирмоқчи бўлган гаразли одамлар бор экан. Уларга бўй берманг, Аброр акам тўғри айтяптилар.

— Қандоқ қилай, келин, қизи борнинг нози бор! Нозини кўтармасак мардликдан бўлмайди. Палончи машҳур ҳофизни олиб келасизлар деган. Аброр, бориб гаплашдингми, ўзи?!

— У ҳофизингиз бир тўй оқшомига минг сўм олармиш! Ҳофизни пул билан йўлдан оздириб нима қиламиз? Ерни сув бузса, одамни пул бузади! Бу ҳам янги чиққан бир бидъат-ку, ада?

— Мен ваъда берганман.— деди Аъзам ота тўсатдан хафа бўлиб.— Агар сен ҳофизга бормасанг ҳозир ўзим бораман. Уйимни гаровга қўйиб бўлса ҳам олиб келаман!

Аброр ҳам ўрнидан туриб, отасининг елкасига қўлини қўйди.

— Майли, ада, мен ҳозироқ ўша ҳофиз билан гаплашаман! Албатта тўйга олиб келамиз. Хўйми! Сиз сал дам олинг:

— Дам олиб бўлдим! Менинг ишим кўп! Меҳмон, кечқурунги базмга албатта боринг!

Аъзам ота яна кулимсираб, Павел Данилович билан қўл бериб хайрлашди-ю, қотиб қолган беллини тиклай олмай, хиёл мункайиб чиқиб кетди.

Аброр уни кузатиб, хомуш бўлиб қайтди. Бу орада Вазира меҳмонга орадан ўтган гапларни таржима қилиб берган эди.

— Аброр Аъзамович, энди сиз машҳур ҳофизни қидириб топишингиз керакдир? — деди меҳмон.

— Э, бу минг сўмлик бидъатнинг менга нима кераги бор? Отамни тинчитиш учун айтдим-да. Мени шу Шерзод Баҳромов билан бир аравага қўшиб қўйган укамиздан ҳам хафа бўлиб кетяпман, Павел Данилович! Қуда бўлганингиздан кейин тўй аравасини бирга тортишга мажбур экансиз.

Аброрнинг Шерзод Баҳромов билан қуда бўлганини энди билган Павел Данилович бошини бир чайқаб қўйди-да:

— Ундай бўлса, мен сизга Баҳромовларнинг уйида қандай меҳмон бўлганимни айтиб беришим керак.— деб Москвадан келган қуни кўрган бир ҳодисани айтиб берди.

Кечқурун Шерзод Баҳромов меҳмонни машина-сига солиб уйга борса, квартиранинг эшиги ёпиқ. Ун яшар қизчаси билан хуржунига қимиз кади солиб олган кекса холаси зинапояда бир-бирларидан хафа бўлиб туришти. Қизча калитни йўқотиб қўйган экан. Хола келиб уйга киролмагандан кейин унга бир нарсалар дейди. Қизча ўзбекчани дуруст билмас экан, хола русчани мутлақо тушунмайди. Англашилмовчилик бўлади-да, қизча эшикни миҳ билан очишга уринади. Инглизча нозик қулф миҳга буй бермайди, қизча баттар зўр беради. Миҳнинг ярми синиб, қулфнинг ичида қолади. Шерзод Баҳромов ўзининг калити билан ҳам эшикни очолмайди. Синдириб очай деса, чиройли зоб берилган эман эшикка ачинади. Шундан сўнг қўшнининг квартирасига кириб, орадаги балкондан зўрға ўз уйига ошиб ўтади. Учинчи қаватдан йиқилиб кетишига сал қолади. Шунақа саргузаштлар билан эшикни ичкарисидан очиб, меҳмонни уйига олиб киради. Бу орада Шерзоднинг хотини ишдан келди, дастурхон тузашиб, яхшигина зиёфат беришади. Павел Данилович оғзига арчадан тиқин қилинган кадининг қимизини жуда ёқтиради. Бу кадини олиб келган кекса хола ҳали ҳам қизча билан арашлашиб ўтиришибди.

Павел Данилович воқеанинг давомини айтар экан:

— Шерзоднинг хотини холаси билан бемалол гаплашади,— деди.— Фақат қизча халигидай. Мен Шерзоддан: «Қизингиз нега ота-онасининг тилини ўрганмаган?» деб сўрадим. Шерзод кулиб туриб: «Ўзимиз ўргатишга ҳафсала қилмадик,— дейди.— Битта асосий тилни яхши билса биз учун етарли». Шундай деб менга таҳсин кутгандай қараб қўйди. Билмадим, у мени ким деб ўйлади экан? Албатта, бизда ҳамма тиллар баробар. Ким қайси тилни боласига ўргатса ихтиёр ўзида. Мана... сизлар русча ҳам, ўзбекча ҳам жуда эркин сўзлаяписизлар.

— Чунки одам қанчалик кўп тил билса ички дунёси шунчалик бой бўлади. Айниқса, она тилимиз бизнинг маънавий дунёмизга озиқ берадиган ўқ илдизимиз эмасми?

— Худди шундай Аброр Аъзамович! Ҳар бир тил — уни яратган халқнинг дил бойлигини очадиган калит. Ўз маънавий уйининг калитини йўқотган одам Баҳромовга ўхшаб квартирасига қўшинининг балкони орқали ўтиб юради. Хуллас, ўша куни мен Баҳромовнинг уйида ўзимни жуда ноқулай сездим. Баландпарвоз мақтовларидан бадбўй бир хушомаднинг ҳиди келиб тургандай бўлаверди. Нима иш қилса бирон манфаат кутиб қилиши муҳокамадан кейин очиқ ошкор бўлди. Мен унинг лойиҳасини еқлаган кунларим абадий дўстлигу содиқлик тўғрисида роса кўп лоф урди. Муҳокама ўтгандан кейин кўнгил сўрай десам, қайрилиб қарагиси келмайди. Бирпасда мени та нмайдинган бўлиб қолипти!

Аброр бу гаплардан таъсирланиб чуқур тин олди:

— Э, Павел Данилович, манфаатпарастлар, гаразгўйлар бизнинг энг муқаддас туйғуларимизни қай даражада суинистеъмоқ қилишини мен сўнгги йилларда ўз бошимдан кечирдим. Мана биз, Вазира иккаламиз учун интернационализм — муқаддас бир туйғу, улуғ бир эътиқод. Шу туйғуни ҳам баъзи қаллоблар ўзлари учун гоҳ ниқоб қилмоқчи бўлишди, гоҳ калтакка айлантириб, ёмон кўрган одамларини у билан уришга интилишди. Биласиз, санъатда ҳақиқий интернационалликка теран миллийлик орқали борилади. Мен мана шу фикрни ўз ишимга татбиқ этмоқчи бўлсам, Баҳромовлар мени маҳдудликда айблади-да.

— Ўз айбини сизга тўнкапти, чунки энг ёмон маҳдудлик — шахсий манфаатнинг қобигига ўралиб олган қаллоб одамларда бўлади. Ўз халқининг қадрини билмайдиган маънавий қашшоқ мешчанин ўзга халқларнинг қадрини қасқдан билсин! Ўз халқининг фарзанди бўлиб ўрганган одам интернационализм чўққисига бунақа манфаатпарастлардан минг ҳисса яқинроқ туради. Минг марта тезроқ кўтарила олади! Вазира Бадаловна, Аброр Аъзамович, мен сизлар билан самимий маслақдош бўлиб чиққанымдан жуда хурсандман!

Аброр ҳаяжонланиб гап қўшди:

— Ўзи, самимий маслақдошлик бўлмаган жойда чин дўстлик ҳам бўлмайди!

— Айни шундай! Боя машинада келастиб битта мажоз келтирган эдингиз, Аброр Аъзамович. Яхши оилани ичдан маҳкам тутиб турадиган олмос камар ҳақидаги гап...

— Буни дарров сизга ҳам айтдиларми? — кулиб суради Вазира.

— ...Ҳа, мен ҳозир шу гапни давом эттирмақчиман. Ойла!.. Кенг маънода бизнинг мамлакатимиз халқлари ҳам улуг бир оила бўлиб яшаяпти. Боя шаҳар айланганда кўрдик, зилзила пайтида бу улуг оила вакиллари Тошкентни зур гайрат-шижоат билан қайта қуришипти. Ҳар бир халқ уз қалбининг энг қимматбаҳо гавҳарини Тошкентнинг дўстлик хазинасига келтириб қўшибди.

— Ана шу маънавий гавҳарлар улуг бир олмос камарга айланиб, энг оғир зилзила кунларида Тошкентни ичдан тутиб турди-да, Павел Данилович! Буни биз ўз кўзимиз билан кўрдик.

— Бу камардаги олмос қирраларининг қандай мусаффо нур сочишини мен бугун сизнинг оилангизда, мана шу кичик даврада ҳам кўриб турибман.— деб Павел Данилович қадаҳини қўлига олди:— Мен бу қадаҳни сизлар учун, келажакда Москвада меннинг рафиқам билан тўртовлон яна учрашишимиз учун оламан!

Аброр бу гаплардан роса яйради. Павел Даниловични кузатиб уйга қайтиб келганда укаси Шокир телефон қилиб, тўй баъзининг кўп ишлари ўлда-жўлда етганини, Аъзам ота бу ишларин битиролмай қийналиб юрганини айтди-ю, Аброр яна бир лаҳзада осмондан ерга тушгандай бўлди ва Бешқайрағочдаги ҳовлига йўл олди.

ЎН ЕTTINЧИ БОБ

Аъзам отанинг икки йиллик меҳнатлари туфайли бу ҳовли кўм-кўк бўлиб яшнаб кетган, уй ва айвонлар безакдан чиқиб, ҳаво ранг бўёқлари ялтираб турибди. Лекин ҳозир ҳовли ва уй ичи тўй ташвишидан тўс-тўполон бўлиб кетган. Бир неча киши куёв-келин ўтирадиган томоннинг деворига

бахмал сўзана ва гилам осншяпти. Монтер йиғит дарахтларнинг шоҳлари орасидан оқ шиур ўтказиб, электр туширяпти. Ҳовли четига ўрнатилган дошқозон томондан буг аралаш тутун тарқаяпти. Айвон четидаги ошхонадан жаз-жуз товуши келади. Ҳовлига юз эллик кишилик стол-стуллар ўрнатилган. Энди Вазира билан Насиба узун столлар устига дастурхон ёзиб, мева-чева қўйиш билан овера эди. Аброр прокатдан топиб келган асбоб-анжомларни Вазирага топширди.

Шу пайт ошхонадан терлаб-пишиб Ҳанифа хола чиқиб келди.

— Ҳай, Аброр, мунча йўқ бўлиб кетдинг? Даданг бечора адоини тамом бўлди! Дадангни машинанга олиб юрай ҳам демайсан! Энди тезроқ ҳофизлардан топгин! Бўлмаса кечқурун яна жанжал чиқади!

— Чиқмайди!— деди Аброр гапни чўрт кесиб.— Бу ёғини дадам менга қўйиб берсинлар!

Аброр Алибекни бир четга чақириб олди. Унинг армияда взвод командири бўлганини эсига солди-да: — Тартибни қаттиқ тутасиз,— деди.

Шокир ичкарида соқол олмоқда эди. Унинг қурилишдаги ўртоқларидан учтаси келган, яна беш-олтитаси келиши керак экан. Кувёв навкарлар ва бирга борадиган яқин-йироқлар ўттиз киши атрофида эди.

— Битта кичик автобус билан иккита снгил машинага бемалол снгишди,— деди Аброр Алибекка. Шу машиналарнинг ҳаммасига сиз жавобгар. Бошқа тасодифий одамлар бу ердан ҳам илашмасин, келин томондан ҳам!

Бир пайт ичи одамга тўла такси дарвоза қарши-сига келиб тўхтади. Олдинда Аъзам ота ўтирибди. У шунчалик чарчаган эдики, таксининг ичидан ерга тушолмай, анча вақт гивирляди. Аброр тез бориб, уни суяб тушириб олди.

Орқа ўринидан ногера кўтарган иккита йиғит ва битта кекса сурнайчи тушди. Аъзам ота уларнинг учовини аллақасқлардан топиб, одатдагидан икки барабар ортиқ закат тўлаб олиб келган эди. У Аброрнинг ёнида оғир нафас олиб, мункиллаб дарвоза томонга борар экан:

— Нуқул шундай пайтда сени тополмайман-а!— деди.

— Мени прокат кўп овора қилди-да.

— Ҳофизлар нима бўлди?

Аброр ростини айтса отасига огир тегишини сездди:

— Ҳаммаси тўғри бўлди,— деди.

— Қани, шу ерга олиб келдингми?

Бугун «Тўйлар муборак»ни айтадиган ҳаваскор хонандалар автобусда ўтиришибди. Биттасининг қўлидаги рубобнинг дастаси автобус деразасидан кўриниб турарди. Аброр отасига шуни кўрсатиб:

— Ана!— деди.— Ада, сиз мунча ўзингизни уринтирасиз?

— Ҳофизлар топилган бўлса энди кўнглим тинчиди,— деб Аъзам ота даровоза олдидаги беқасам кўрпача тўшаб қўйилган курсига секин ўтирди. У огир ҳансирар эди. Дарвоза олдида турган еш йигитчага:

— Ўғлим, бир коса сув олиб чиқ,— деди.— Жу-да ичим куйиб кетди.

— Қизиб келдингиз. Чой ичсангиз дуруст эмасми, ада?

Аъзам ота қуруқшаб кетган лабларини ялаб:

— Йўқ, сув ичгим келяпти,— деди-ю, чинни косада олиб чиқилган сувни титраб-қалтираб си-мирди.

— Тўй ўтса сизни бир докторга қаратаман ше-килди,— деди Аброр.— Энди бу егига хотиржам бўлинг. Биз ҳозир жўнаймиз. Қани, Алибек, бора-диганлар ҳаммаси машинага чиқсин... қаттиқ ту-ринг!

Шокир ичкаридан чиқди. Уни иккита ўртоғи билан Аброрнинг машинасига ўтқазилди. Насиба, Вазира, Рисолат, яна бир нечта қариндош аёллар автобусга чиқилди. Сурмайчи ва карнайчилар учун устидан брезенти олиб қўйилган очиқ газик машина тайёрланган эди.

Нареқадаги усти очиқ юк машинасига маҳалланинг ёш-ялангларидан йигирма-ўттизтаси чиқиб, тиқили-шиб турар эди. Улардан бири белбоғини дэрра қилиб олган:

— Йўлда қийқир деган пайтимда бир овоз билан қийқирасанлар!— дерди.— Ким эриниб қийқирмаса мана шу дарра билан айлантириб соламан!

Алибек буни эшитиб қолди-ю, Аброрнинг олдига келди:

— Почча буларни олиб бориб нима қиламиз?— деди.— Ичиб туполон қиладиган чапанлари бор.

— Қолдираамиз!— деди Аброр.

Юк машинасидаги йигитлар эса ногорачиларнинг газиikka сиғишмаганини кўришиб:

— Ногорани буёққа беринглар!— деб қолишди.

— Ногорани у еқда чалиб бўлмайди,— деди Аъзам ота.— Битта карнайчи билан битта сурнайчи катта машинага чиқса қолсин.

— Ҳа, карнай-сурнайни тикка туриб чалиб кетишаверади,— деб бу гапни курсида утирган бир одам ҳам маъқуллади. Шунда Аброр:

— Ада, деди.— Маҳалла йигитлари шу ердаги базмга қатнашса ҳам етади. Очиқ юк машинасида одам ташиш хатарли. Бирон кор-қол бўлса...

— Ҳеч нарса қилмайди!— деди семиз ўтоғаси.— Кўчалардан ҳар кун бунақа тўйларнинг қанчаси ўтади.

— Майли, кўпроқ одам борса кувнинг иззати, ўғлим!— деди Аъзам ота.— Келин томон олтинш-етмиш киши бўлиб келишсин деган. Бораверишсин.

Аброр касалга ўхшаб ҳансираб ўтирган отасининг сўзини қайтаролмади. Алибекка қаради-да:

— Иложи йўқ!— деди.— Энди қайтишда маҳкам бўласиз.

Алибек энсаси қотиб қўл силтади ва автобустга чиқди. Маҳалла ўтоғаси карнайчи-сурнайчиларга қараб қичқирди:

— Қани, чалинглар ҳамманг! Тўй-тўйга ўхшасин! Ҳа-а!

Машиналар қўзғалар экан, олдинда бораётган газикининг устида ногоралар така-тумини бошлади. Карнайнинг узун мис ҳалқуми газикининг кабини оша олдига чўзилди-ю, ҳа-ҳа-ҳува, ҳа-ҳа-ҳува қилишга тушди. Унга майин, ўткир сурнай товуши жўр бўлди.

Усти очик юк машинаси энг орқада келмоқда эди. Иккинчи карнай унинг кабинаси устидан олди-га чўзилиб қаҳқаҳа урар, сурнай «Наво»ни чалар, ҳар замонда йигитларнинг қийқириғи уларнинг овозини босиб кетар эди.

Келин турадиган кўп қаватли уйнинг ҳовлисига карнай-сурнай чалиб яқинлашдилар. Машиналар тўхтаб, одамлар ерга тушиб олгунча карнайларнинг бири тинса, бири ҳайқириб турди. Куёв ўз жўралари билан ичкарига кириб келинни тўй столига бошлаб чиқиши керак эди. Пешвоз чиққан ва атроф уйлардан тўпланган издиҳом орасидан ўтиб бораётганларида карнай-сурнайлар роса шовқин-сурон кўтарди. Уларга ногоралар жўр бўлди. Таги ингичка, усти кенг, юмалоқ ногораларнинг белга боғлайдиган ипи бўлмайди. Шунинг учун уларни беқасам тунли иккита ўсмир бола қовунга ўхшатиб қучоқлаб, орқаси билан юриб борар, ногорачилар ҳам юриб борастиб, ҳар қадамда ногора чўпларини беш-ўн мартадан кўтариб-тушириб жазави билан чалишар эди.

Кўп қаватли уйлар орасига уч юз кишилик стол-стуллар қўйишиб, дастурхонларни ноз-неъматлар билан безашган, бир неча жойга микрофонлар ва усилителлар ўрнатилган эди. Тўйга зўтирилган одамлар келиб бўлган, эн томондаги жойлар ҳаммаси банд, фақат тўрда келин-куёвларга ва уларнинг жўраларию, дугоналарига мўлжалланган қатор бўш эди.

Ичкаридан оқ ҳарир кийимдаги келин ва бошига уклар қадалган жига, эгнига зарбоф парча тўн кийган Шокир чиқиб келишди.

Шунда карнай-сурнайлар тиниб, хонандалар «Тўйлар муборак» ашуласини бошлашди.

Одамларга иш букюриб, тўй бошилик қилиб турган Шерзод бу ашулани еш-еш ҳаваскор хонандалар айтаётганини кўрди-ю, узоқдан Аброрга еб қўйгудек ўқрайиб қаради. Аброр ҳам унга жавоб қараш қилиб: «Мана сенга машҳур ҳофизлар, ол!» дегандай, истеҳзоли кулимсиради. Шерзод ҳозир қаттиқроқ гапирадиган бўлса, шунга яраша жавоб олишини, қиз томоннинг ноз қиладиган пайти ўтганини сезди-ю, аламини ичига ютди.

Кечаси соат тўртларда Аброр маст уйқуда ётганда телефон устма-уст жиринглаб уйғотиб юборди. У қоронғида туртиниб кабинетга чиқди-да, иш столи устида жиринглаётган аппаратнинг трубкасини пайпаслаб топди.

— Алло? Ким бу?

— Ака... Тезроқ етиб келинг... Адамлар...

Аброр Шокирнинг йиғламсираган овозини зўрға таниди:

— Шокирмисан? Нима бўлди? Нима?!

— Адамлар... Соппа-соғ юрувдилар... Кеча қоровулликка бориб келган эдилар... Бугун тунда... бирдан...

Аброр хаёлига босиб келган даҳшатли ўйга ишонгиси келмай:

— Доктор чақирдингми?— деди.— Мен доктор олиб бораёми?

Шокир ўпкаси тўлиб:

— Доктор... бор... ўзингиз келинг!— деди.

— Ҳозир етиб бораман... Ҳозир!

Вазира ҳам уйғониб ўрнидан турган эди, кабинетнинг чироғини ёқди. Аброрнинг қалт-қалт титраётганини кўриб, стол четидаги чойнакдан совуқ чой қўйиб узатди:

— Ичинг... сал ўзингизни босинг!..

Аброр укасидан, адам тирикмилар, йўқми?» деб сўрашга юраги бетламаган, лекин кўнгли ёмон фалокат бўлганини айтиб турарди.

Эр-хотин кийиниб чиққунларича Малика ҳам ўрнидан турди. Вазира квартирани ва ухлаб ётган Зафарни унга топширди. Эр-хотин қоронғида темир гаражга қараб борар эканлар, Аброр:

— Ишқилиб, тирик бўлсинлар-да,— деб қўйди.

Отаси Шокирнинг тўйи пайтида ўзини қанчалик қаттиқ уринтиргани Аброрнинг хаёлидан нари кетмас эди. Тўй ўтганига энди тўрт кун бўлди. Аброр отасини докторларга қаратмоқчи бўлган куни қизи Малика институтда мандат комиссиясидан ўтадиган бўлиб қолди. У кейинги имтиҳонларни яхши топширган бўлса ҳам, дастлабки «уч»дан анча хавотирлари бор эди. Яна ўша Вазирани танийдиган проректорга учрашишлари керак бўлди.

Аброр тўй ташвишлари билан андармон бўлган кунларида устахонасида анча иш тўпланиб қолган эди. Бу ишларнинг бир қисмини уйига олиб бориб қилиб, кечқурунлари ҳам банд бўлди. Лекин ҳозир тунги кўчалардан машина ҳайдаб борар экан:

— Иш-пиш қочиб кетмас эди-ку!— деб ўзини койиди.— Аввал адамини докторга олиб борсам бўлмасмиди!

— Ўзлари борсалар ҳам бўларди-ку,— деди Вазира.— Дадам докторни тан олмайдилар-да.

Вазира қайнотаси тўғрисида худди тирик одам ҳақида гапиргани Аброрга алланечук илиқ туюлди. Унда ҳали, қутқариб олармиз, деган бир илинж бор эди.

Лекин Бешқайрағочдаги ҳовлининг дарвозаси олдига келиб машинадан тушастганда ичкаридан Ҳанифа холанинг бўғилиб йиғлагани эшитилди-ю, Аброрнинг бўғинлари бўшашиб кетди...

Аъзам ота тўйдан кейин ўзини ёмон ҳис қилиб юрган бўлса ҳам, «чарчаганман, ўтиб кетади», деб яна қурилишдаги қоровуллигига борган эди. Одатдагидай, икки қоровулнинг ишини қилиб, суткасига ўн олти соат қурилиш майдончасида бўларди. Шокир, «эмди ишни қўйинг, дамнингизни олинг», деганда, «ҳали қўёлмайман, поччаларингдан анча қарз олдим, шунини узаману кейин ишни бас қиламан», деган эди. Кеча тунда у қурилишни айланиб юрганда бирдан кўзи тиниб гандираклаб кетди. Фишларнинг устига ўтириб, нафасини ростламоқчи бўлди. Қандайдир лоҳаслик ўтиб кетмай туриб олди. Аъзам ота секин ўрнидан қўзғалиб уйга қараб йўл олди. Ора узоқ бўлмаса ҳам нафаси етмагандай, бир-икки марта тўхтаб дам олди. Бир амаллаб уйга етиб келди-да, Ҳанифа холани уйғотди:

— Хотин, меннинг жуда мазам бўлмаяпти.

Ҳанифа хола туриб ўзларининг бўлмаларидаги чироқни ёқди. Аъзам ота гиламнинг устида — полда ётишга ўрганган эди. Ҳанифа хола унга жой солиб берди. Чолининг ранги алланечук жуда ўчиб кетганини кўриб:

— Сизга нима бўлди?— деди.— Шокирни уйғоттайми? Доктор чақирсин!

— Йўқ, ваҳима қилма. Утиб кетар. Шу... кўкрагимга бир нарсга тиқилаётгандай бўляпти...

— Чой дамлаб берайми?

— Майли.

Ҳанифа хола газда қайнатган чойдан Аъзам ота бир пиёла зўрга ичди. Кўнгли чойни ҳам кўтармас эди. У ҳали ҳам ўзини жуда лоҳас сезмоқда эди. Шундай бўлса ҳам кампирига:

— Энди тузукман,— деди.— Кексалик-да... Чироқни ўчира қол. Бир ухласам... дуруст бўларман.

Ҳанифа хола чироқни ўчирди. Қоронғиликда Аъзам отанинг бехосдан ияқиллаганини эшитиб уйқуси қочиб кетди. Ўн-ўн беш минут жим етдилар. Кейин Аъзам отани ҳиқичоқ тутгандай бўлиб, ёмон бир товуш эшитилди. Ҳанифа хола қўрқиб:

— Ҳой, адаси, қалайсиз?— деди.

Жавоб бўлмади. Ҳанифа хола ўрнидан туриб чироқни ёқса, Аъзам ота жон бериб бўлган, фақат кўзлари ҳали ним очиқ турар эди.

Ҳанифа хола ўкириб ўзини унинг устига ташлади... Кейин Шоқир нариги кўчада турадиган таниш врачни олиб келди...

Воқеанинг тафсилотларини эшитган врач:

— Ёниб тамом бўлган шамдай жон берибдиларда, деди.— Етмиш учга кирган бўлсалар, яхши умр кўрибдилар... Энди бунча куюнманглар!..

Аброр кечагина тирик юрган отасининг бир кунда жонсиз жасадга айланиб қолганини кўрди-ю, уни қучоқлаганича ҳўнграб юборди:

— Адажон!.. Улгуролмадим!.. Адажон!..

Аброрнинг бу ўртаниб йиғлашига Аъзам ота бир лаҳза бўлса ҳам қайта кўз очиши керакдек, суюкли ўглига нимадир деб тасалли бериши керакдек туюларди. Ахир энг оғир пайтларда отаси уни қанотининг остига оларди-ку. Бошини силаб, кўнглини кўтарарди-ку!

Лекин оқ яқтакда чалқанча ётган мўйсафид қимир этмасди. Бу энди — Аъзам отанинг ружсиз танаси, жонсиз сурати эди, холос. Илгариги тирик, мард, фидойи ота энди йўқ. Аброр ундан абадий жудо бўлганини вужуд-вужуди билан ҳис

қилганида бутун борлиқ кўзига жаллодек бераҳм кўринди.

Ҳаёт билан ўлимнинг нақадар улканлигини ҳис қилишдан келиб чиққан ҳаёт-мамонт туйғуси олдида бошқа ҳамма ташвишлар майда ва аҳамиятсиз бўлиб қолди.

Дафн маросимининг харажатлари учун пул керак, дейишди. Қарздор бўлиб уйланган Шокирнинг аҳволи маълум. Аброр ҳам омонат кассада бор пулларини аявал отасининг участка қурилишига, сўнг укасининг тўйига сарфлаб қўйган эди. Фақат ҳар эҳтимолга қарши Вазиранинг омонат дафтарчасида сақлаб юрилган беш юз сўм бор эди. Вазир тақсиди бориб, шу пулни олиб келди. Йўлакай уйга кирганда яқин одамларга телефон қилиб чиқди.

Тушга бориб ҳовлининг ич-таши жанозага йиғилган издиҳомга тўлиб кетди. Аъзам отанинг жасади солинган тўрт дасталик тобут устига марҳумнинг янги тўни спилганди. Тобутни уйдан кўтариб чиқаётганларида аёлларнинг уввос солиб йиғлаганлари Аброрнинг бағрини тилиб ўтгандай бўлди-ю, яна кўзидан ёш тирқираб кетди.

Ҳовлидан чиққанларида Аъзам отанинг тобути ортидан уч юзга яқин одам эргашди. Улар тобутни елкаларида навбатма-навбат кўтаришар, ҳар ўн беш-йигирма қадамда бир-бири билан алмашиниб борар эди.

Бешқайрагочдан Кўкча мезоригача бўлган уч чақиримча йўлда тобут елкадан-елкага, қўлдан-қўлга ўтиб, бир лаҳза ҳам ерга тушмади.

Юлқа тўн, дўппи кийган, белига белбоғ боғлаган Аброр, Шокир ва бошқа яқин қариндошлар тобутдан беш-ўн қадам олдинда боришар, қаршидан чиққан машиналар, ҳатто трамвайлар тобут кўтариб кўчани тўлдириб келаётган халойиққа йўл бериб, тўхтаб қолишар эди.

Мўйсафидлар расм-русумларни қилишиб, марҳумни ерга қўяётганларида Аъзам отанинг куевларидан бири қабрдан чиққан тупроқдан белбоғига беш-ўн ҳовуч олди-да, тобут кўтариб келганларнинг ҳаммасига улашиб чиқди. Кейин уларнинг сиқимидаги тупроқни яна шу белбоққа йиғиб олиб, Аъзам

отанинг қабрига тўқди. Марҳумни эъозлаб, сўнгги маконига кўтариб келганларнинг кафтидаги илиқлик гўе шу тупроққа қўшилиб, отанинг ёнида абадий қолди.

Лаҳадга гишт қалангандан кейин, унинг ташидаги одам бўйи чуқурлик тупроқ билан тўлдирилиши керак эди. Расмга биноян, қабрга тупроқни биринчи бўлиб ўғиллари тортиши керак бўлади. Аброр кетмонни олиб, қабрга тупроқ ташлаётганида худди бу тупроқнинг чанги отасининг кўзига кирадигандек кўнгли смон бўлиб кетди. Лаҳад нарекда эканини, унинг оғзи гишт билан бекитилганини, тупроқ бериги еққа тушишини билса ҳам, отасини ўз қўли билан қора ерга кўмиш — чидаб бўлмайдиган бир шафқатсизликдек туюлди. Кўзлари ёшланиб, кетмонни поччасига тутқазди-да, четга чиқиб кетди...

Ҳовлига қайтгунларича деёллар патнисларга конфет ва мева-чева қўйиб, дастурхон тузаётган, эллик-олтмиш кишили жой ҳозирлашган эди. Маҳалла одамлари бир ҳафта аввал тўйда қайнаб турган ўша катта оқ самоварни яна олиб келиб, қайнатишмоқда эди. Ўша рух чойнакчаларда кўнгли сўрашга келганларга чой дамлашар, Кўкчанинг бозоридан олинган иссиқ тақдир нонларни одамларнинг олдига синдириб қўйишар эди.

Ҳамма бор, фақат Аъзам ота йўқ, энди ҳеч қачон бу уйга қайтиб келмайди. Аброр одамларнинг орасидан отасини умрбод қидириб тополмаслигини ҳис қилган сари мусибат туйғуси бағрини ўртарди. Фарзандларини деб ўзини фидо қилган ота... Бузилган уйдаги кўчиш, янги жой қуриш, ўғил уйлантириш, бошқа юз хил ташвишлар, янгича талаблар, эскича урф-одатлар — ҳаммаси бир-бирига қўшилиб селга ўхшаб келгани хаелидан ўтарди. Вазира бу селда қолиб бир йиқилди. Аброр уни бир амаллаб оёққа тургазди. Аброр ўзи йиқилганда ота-онаси суяб олишди. Аъзам отага келганини нега қайтаришолмади? Ажал дегани билинтирмай келар эканми? Йўқ, Аброр отасининг аҳвали ёмонлигини сезган эди. Нега олдини олмади? Нега ўткинчи нарсалар билан

бўлиб кетди? Бу аччиқ армонлар унинг дилига тигдай санчиларди.

Таъзияга келган ёр-дўстлар унга тасалли беришга ҳаракат қилишади. Энди кўникишдан бошқа чора йўқлигини айтишади, ирода ва бардош тилашади.

Директорлари Сайфулла Раҳмонович ўзи келолмаган эди, ўрнига қариндоши Карим Маҳмудовни юборибди. Аброрнинг устахонасида ишлайдиган Фарҳод билан шу Карим Маҳмудов келиб-кетувчиларга чой ташиб хизмат қилишяпти.

Тўн кийиб белбоғ боғлаб юрган қариндошлар орасида Шерзод Баҳромов ҳам бор эди. У чиройли ипак кўйлаги устидан шоҳи белбоғ боғлаб олган, шу билан ўзини азадорлардан бири қилиб кўрсатади. Таъзияга келувчиларни кўтиб олганда ва кузатганда юзига мусибатли тус беришга уринса ҳам бунинг зўракилиги билиниб турарди. Айниқса, Шерзод Аброрга зимдан кўз ташлаганда бир аламдан чиқаетгани сезилиб қоларди. Ғамдан қийналиб гўё тўкилиб турган Аброр Шерзоднинг назарида ўз қилмишларининг жазосини тортаётгандай кўринарди. Шерзод унинг қаршисида ўзини голиб сезар, ички бир сурур унинг кўзлари тубида ва лаблари қатида яшириниб старди.

Аброр Садриевни дарвозадан кираетган пайтида кўрди ва унга томон секин кела бошлади. Садриев тез бориб Аброр билан кўришди, ҳамдардлик билдирди. Бу орада Шерзод айвондаги аёллар орасидан Вазирани топди-ю, имлаб, Садриевни кўрсатди.

Қора кўйлак кийган ва бошига юпқа қора рўмол ўраган Вазира айвондан ҳорғин юриб тушди, ўрик соясига ўтиб ўтираётган касбдошларига яқинлашди. Наби Садриевич бир вақтлар унга қаттиқ гапиргани учун ҳозир ўзини гуноҳкор сезгандай бўлиб:

— Вазира Бадаловна, дунё шу экан энди...— дди.— Огир пайтда ёнларингизда бўлгимиз келди...

— Раҳмат...

Кўп йиглаб, кўзлари шиниқираган Вазира Аброр билан ёнма-ён турган Шерзодга бир қараб олди.

Баҳромоя Аброрга ҳам, Вазирага ҳам худди оғир беморларга қилинадигандек юмшоқ муомала қилади, лекин ўзининг кўзларида тошдек бир қаттиқлик бор. Ҳозир у Наби Садриевнинг олдида ўзини гина сақламайдиган оққўнгил одам ва оқибатли қариндош қилиб кўрсатишдан манфаатдор, лекин бу «оқибатли» қариндош тўй пайтида кекса Аъзам отани қанчалик шафқатсизларча қийнагани Вазиранинг ёдидан чиққан эмас. Ундан олдин ҳамма айбни Садриев билан Вазирага тўякаб, сувдан «қуруқ» чиқиб кетган Баҳромов бу ишлари учун кечирим ҳам сўраган эмас, виждони ҳам азобланмайди, хижолат ҳам бўлмайди. Аброр бир вақтлар уни «сувюқмас одам», «виждони ўрнига ҳам бетон қуйиб олган» деганда қанчалик ҳақ бўлганини Вазира энди билипти. Бу бетон одамнинг ёнида турган Аброр бошига тушган оғир жудоликдан қанчалик ўзини олдириб қўйяпти! Вазира хавотирини эрига айтолмади-ю:

— Наби Садриевич, Аброр акамга айтинг, ўзларини сал қўлга олсинлар.— деди.— Энди қолганларни ҳам ўйласинлар!

Вазира секин юриб айвондаги эслар олдига қайтиб кетди. Наби Садриевич Аброрни ёнига олиб ўтириб, бир-икки писла чойни бирга ичди. Шерзод меҳрибончилик қилиб уларга чой қуйиб бериб турибди.

— Аброр Аъзамович, оғир пайтда ишдаги хуш-хабар одамнинг кўнглини кўтарайди,— деди Садриев.— Битта янгилликни Вазира Бадаловна икковларингизга айтмоқчи эдим.

— Янгиллик?

— Ҳа, Ганчтепани обод қилиш бўйича яхши фикрлар берган эдингиз. Энди шу режалар амалга ошадиган бўлди. Тепа устига чиройли бир доира шакл бино қурилади. Музей бўлади. Атрофидаги ҳамма жойлар ландшафт архитектурасининг энг сўнгги ютуқлари асосида обод қилинади. Бу нозик ишни сиз каби меъморларга топширмоқчимиз.

Аброр бошқа бир оламдан қайтиб келаётган каби ўзининг иш мавзудидаги режаларини элас-элас хотирлади ва тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди.

— Эсингизда бўлса,— деб давом этди Садриев.— Вазира Бадаловна соавтор бўлган бир лойиҳада Бўзсувга янги ўзан қазиб режаси бор эди. Бу режадан ҳам шу ўринда қисман фойдаланадиган бўлдик. Яъни Ганчтепани — айланиб ўтган эски ўзан сиз айтгандай сақланиб қолади. Аини вақтда, тепанинг кунчиқиш томонидан янги ўзан ўтказилади, сув ҳар икки ўзандан оқиб турса, орада чиройли бир орол пайдо бўлади.

Шерзод ўзининг ўшандаги лойиҳаси қисман бўлса ҳам амалга ошишини сезиб суюниб кетди. Аммо буни очиқ айтолмай:

— Ҳақиқатан, Вазира Бадаловна учун бу — ажойиб хушxabар!— деди. Сўнг жим хаёл суриб турган Аброрга қараб давом этди:— Биламан, Аброр Аъзамович ҳозир иш тўғрисида ўйлайдиган аҳволда эмаслар. Лекин Анҳорнинг тарихий ўзани сақлаб қолинадиган бўлса, бу жуда яхши-ку! Аброр Аъзамовичнинг айтгани ҳам бўлар экан, Вазира Бадаловнанинг айтгани ҳам бўлар экан! Бу жуда доно ечим!

Исоннинг умри ҳисобли экаини муттасил эсла-тиб турган ҳаёт-мамот туйғуси олдида: «Фақат менинг айтганим бўлсин!» деб, бошқаларни, ҳатто умр йўлдошини ҳам қийнаш Аброрга энди ўринсиз туюларди. Аброр бўғиқ товуш билан:

— Раҳмат, Наби Садриевич,— деди.

— Энг муҳими,— қўшимча қилди Шерзод,— Наби Садриевич ижодий кучларни бирлаштирадиган яхши ечим топибдилар. Ахир биз ҳаммамиз бир авлодмиз, тенгдошмиз!

Ҳозир Шерзод Аброрга қариндош ва тенгдош бўлишдан қочмас, аксинча, унга истезодли меъморлар билан аралашиб кетиш, уларнинг ишига тенг шерик бўлиш, «уравшиловкани» иноқлик деб аташ кўпроқ манфаат келтирарди. Буни сезган Аброрнинг энеси қотиб, ундан юзини ўгириб олди. Наби Садриевич унинг ҳолатини тушунгандай бўлиб:

— Илож қанча, Аброр Аъзамович!— деди. — Манз, Шерзод Исломович билан қуда-анда бўлиб олибсизлар. Биз ҳаммамиз битта Меъморлар уюшмасига аъзомиз, катта коллективда худди

битта боғнинг дарахтларидай бирга яшаймиз. Ёнма-ён экилган дарахтлар истаса-истамаса умр бўйи бирга ўсади.

— Дарахт яхши нарса-ю, лекин инсон... бир умр урнидан жилолмайдиган дарахтдай тургун ҳаёт кечиролмайди, Наби Садриевич. Менга шуинча тўғаноқлар берган, Вазирани касал қилиб тинчиган баъзи қариндошларим қайси юз билан эртага менга ҳаммуаллиф бўлади?

Бу гапдан Шерзоднинг ранглари оқариб кетди. Гап жанжалга айланмасин учун Наби Садриевич тез Аброрни биллагидан олиб бир четга бошлаб чиқди. Овсаини пасайтириб:

— Ҳозир сиекат шунга талаб қиляпти!— деди.— Келишиб ишлашимиз керак, Аброржон! Ўзингизни вазмин тутсангиз Бўзсувга оид ўша катта режаларингиз ҳам амалга ошиб қолади.

— Лекин мен Баҳромов билан келишиб ишлай олмайман.

— Унда яна ўзингизни қийнайси...

— Нега хато қилган одамлар ишдан четлатилмайди? Қачонгача ҳалол билан ҳаромни аралаштириб, яхши билан ёмонни тенглаштириб яшаймиз? Бундан фақат қаллоб одамларгина ютади-ю, менинг отамга ўхшаган пок одамлар ажалидан олдин ўлиб кетаверади. Мен бундай сиекатга қаршиман!

— Ўзингизни босинг, Аброр Аъзамович! Кейин яна гаплашамиз. Қаранг фотиҳага келишяпти... Хайр, мен кетдим!

Фотиҳага келиб кетувчиларнинг кети кечқурун қоронги тушганда узилди. Хизматда бўлган қариндошлар ҳовлидаги стол атрофига йиғилиб, йигирмада бериладиган худойи ошнинг маслаҳатини қила бошлашди.

— Кўктерак бозорига бориб битта новвос олиш керак,— деди катта почча. Икки-уч қоп гуруч. Шунга яраша сабзи.

— Ёрдам керак бўлса биз тайёрмиз!— деди Шерзод.

Моддий оламга боғлиқ бу ишлар Аброрни мусибат туйғусидан алаҳситадигандек, уни эзаётган жудалик тошини майда-чуйда ташвишлар устига сочиб, кўнглига бир қадар енгиллик берадигандек

бўлар эди. У қарага ботиб ски машинасини сотиб бўлса ҳам отаси учун ҳамма керакли ишни қилиши мумкин эди.

Лекин бирдан хотира уйғонди-ю, мана шу Шерзод Баҳромов яқингинада Аъзам отани қўш сурнай ва қўш ногора учун қанчалик югуртиргани эсига тушди. Кекса одам бу кераксиз дабдаба учун қарзга ботиб, кейин қарзини узиш учун икки кишининг қоровул-лигини қилгани Аброрнинг аламини келтирди.

Аброр бошини чангаллаб жим қолди. Агар у отасининг йигирмасига ски йил ошига беш юз кишилик палов дамлайдиган бўлса, шунга яраша одам таклиф қилиши керак. Ҳозир мана шунақа йигирмалар ёки йил ошиларга соатини, кунини қогозга ёзиб, шаҳарнинг турли чеккаларидаги таниш-билиш, қариндош-уруғларга тарқатиш одати чиққан. Одамлар азонда туриб (бир чуқум ош учун эмас, чунки ҳозир тўқчилик, қар ким нонуштасини қийналмай топиб ея олади) маросимга айтганларнинг юзидан ўтолмай, улкан шаҳарнинг у четидан бу четига бориб келади.

Юзлаб келувчиларнинг шунча вақтини оладиган бу дабдабали маросимга бир дунё пул керак. Аброр уни Шерзоддан сўраса, кейин бу қарзларни узиш учун отасига ўхшаб ўзини беасев қийнаши керакми?

Тўйда ҳам, азада ҳам ташқи ҳашамга зўр бериш Баҳромовларнинг қонида бор. Отасининг худойисига олти юз-етти юз кишилик ош дамлаб, ҳатто мотам маросимини ҳам обрў орттиришнинг бир воситасига айлантириш — мана шундай тонфа одамларга керак. «Менга нима зарил?» деди Аброр ўзича.

Ҳаселидан ўтган аччиқ гапларни даврада ўтирганларга айтиб ўтирмади. Чунки, бу масалада гап кор қилмаслигини, одам ўз эътиқодини сафсата сотмасдан, қатъий иш билан амалга ошириши кераклигини энди билиб қолган эди. У поччаларига ва Шерзодга бир-бир қараб:

— Мана бугун ёнимизда бўлганларингиз учун раҳмат,— деди.— Энди эртага эрталаб келсаларингиз бўлди.

— Не, бу худойи учун харид-парид...— деди Шерзод.

— Ҳаммасини ўзимиз қиламиз... Раҳмат...

Аброр ҳаммани кузатиб қўйгандан кейин укасини қаршисига ўтқазди:

— Отамнинг хотираси учун ҳар қанча қилсак оз, Шоҳир! Лекин мен буни қозон қайнатишу одамларнинг қорнини ошга тўйдириш маъносида айтаётганим йўқ. Бу эскича расм-русумларнинг анчаси нуқул ейиш, ичиш, кийишга ўхшаган жигилдон дарди билан чекланган. Майли, учи, йиғирма, қирқи — ҳаммасини қилайлик. Лекин бутун шаҳарга овоза қилиб, қоғоз ёзиб, таниш-билишларни безовта қилиб юрмайлик. Кимки ўзи эслаб, ҳурмат қилиб келса, шуларга яраша ош-нон тортамиз. Бўлди!

— Одамлар кейин гап қилишмасмикин?

— Гап қиладиганларнинг гапини писанд қилма! Бунақа гаплар мудом моддий бойлигу жигилдон дардиде юрган одамлардан чиқади. Ҳақиқий зиёлилар бошиқа ёғига қарайди. Биз отамнинг хотираси учун маънавий қиммати бор битта ёдгорлик қилишимиз керак. Тушундингми?

— Қабрларининг устигами?

— Ҳа! Қабристондаги темир панжараларни кўрдингми? Дўппайиб турган тупроқ уюмининг атрофида нуқул занглаган темир панжаралар. Қараб бўлмайдди! Беш юз-олти юз кишига ош бериш билан бўлиб марҳумларининг ётган жойини сал мундай обод қилиб қўйишни ўйлашмайди-я! Ахир жигилдондан олдин бу томонни ўйлаш керак эмасми... Сенинг сангтарош ўртоқларинг бор. Адам учун бир-икки парча мрамор билан гранит топилади. Лойиҳасини мен ўзим чизаман. Адам қирқ йил Тошкент учун жонини аямай меҳнат қилди. Охирида мана шу ташландиқ ерни боғ қилиб, ҳовли қилиб, яшнатиб кетди. Бу ҳам шаҳарнинг бир кичик зарраси. Энди агар унинг қабрига яхши бир ёдгорлик ўрнатсак, шу ҳам Тошкентнинг архитектурасига кичкина бир улуш бўлиб киради. Ахир мана, Боку ёки Рига шаҳарларидаги қабристонларда марҳумлар учун қандай ажойиб ёдгорликлар ўрнатилган...

— Бизда ҳам бор-ку, лекин... Тўғри айтасиз, ака. Ҳадеб ошхўрликка зўр бергандан кўра, сиз

айтгандай қилиш минг марта афзал. Тошини тарашлашни, яхшилаб қуришни мен ўзимга оламан.

— Қолгани мендан.

Аброр отасининг етиси ва йигирмасини худди укаси билан келишгандек қилиб ўтказди. Кейин унинг уйдаги чизмакашлик столи устида янги бир лойиҳа пайдо бўлди.

Шу вақтгача қувноқ фавворалар, сайилгоҳлар ва майдонлар лойиҳасини чизиб ўрганган ҳўллар энди Аъзам отанинг қабри устига ўрнатиладиган мўъжазгина мармар ёдгорликнинг тасвирини чиза бошлади... Бу иш давомида отаси билан бирга ўтказилган энг масъуд дамлар хотирасидан бир-бир ўтарди.

Шундай дамлардан бири Аброр бола эканида баҳор пайтида Бўзсув бўйида бўлган эди. Туман аралаш майда ёмғир ёғиб турган пайтда осмондан турналарнинг майин қурув-қурувлари эшитилиб қолди. Ёмғир пардаси орасидан ер яхши кўринмай қолган бўлса керак, турналар жуда паст учмоқда эди. Ун яшар Аброр отасининг енида туриб, турналарнинг қанотлари ва бўйинлари қанчалик узун бўлишини, улар қай даража тез учишини ўшанда биринчи марта яқингинадан кўрган эди. Турналар нега бунча безовта учгани уни ҳайратга солди. Қанотларини тез-тез сермашади. Турналар аргамчиси гоҳ ўртасидан узилиб кетгандай иккига ажралади. Гоҳ бир чети бурилиб шарққа интилади. Гоҳ бутун аргамчиси бирлашиб шимолга бурилиб кетади. Бу орада битта-иккита турна сафдан узилиб чиқиб, орқада қолади-да, кейин жазаллаб сафга етиб боради.

— Ада, булар нега бундай учяпти?— деб Аброр отасидан сўради.

— Ҳайронман. Туманда йўлни йўқотишганми? Ёмғир тагида қанотлари ҳўл бўлиб оғирлашганми?

— Тушиб дам олишса бўлмайди-ми, аза?

Осмондан кўзини олмай турналарга тикилиб қараётган Аъзам ота:

— Ана,— деди,— Бўзсувга қараб бурилишди. Тинчроқ жой топилса тушишади.

Турналар ёмғирда ҳўл бўлиб оғирлашган қанотларини тез-тез сермаб, сафлари гоҳ ўннга, гоҳ чап-

га буралиб, безовта участкан бўлишса ҳам, лекин қурув-қурувлари одатдагидай осуда ва сийрак эди. Ҳар замонда биттаси паст ва ҳорғин товуш билан қурув деб қўяр ва ёмғир ичида учинини давом эттирар эди.

Улар узоқ сафар давомида бундай қийинчиликларга гўё ўрганиб қолишган. Энди ҳар қанча азоб тортишса ҳам асабийлашмасдан, тақдирга тан бергандек, осойишта товуш билан гоҳи қурув деб қўйишар ва парвозни давом эттиришарди...

Аброр отаси билан бирга кўрган бу ҳодиса ҳозир қайта-қайта эсига тушади. Чунки отасининг бутун ҳаёти унга турналарнинг мана шундай куч ва бардош билан қитъадан қитъага учиб боришларини эслатади. Аброр отасига тортган ўғил бўла олса, бу учиниш давом этади. У энди фақат ўзи учун эмас, отаси учун ҳам яшай билиши керак. Ана шунда ота шаҳри Тошкентнинг кўркига кўрк, обрусига обрў қушиш истаклари янги бир куч билан қайтиб келади.

1976 — 1982

МУЎДАРИЖА

Биринчи боб	3
Иккинчи боб	25
Учинчи боб	46
Туртинчи боб	74
Бешинчи боб	93
Олтинчи боб	109
Еттинчи боб	133
Сакхизинчи боб	155
Тоққизинчи боб	199
Ўнинчи боб	232
Ўн биринчи боб	257
Ўн иккинчи боб	278
Ўн учинчи боб	302
Ўн туртинчи боб	316
Ўн бешинчи боб	333
Ўн олтинчи боб	350
Ўн еттинчи боб	364

На узбекском языке

ПИРИМКУЛ КАДЫРОВ

АЛМАЗНЫЙ ПОЯС

Р о м а н

Тошкент «Ўқитувчи» 1992

Муҳаррир *Х. Ҳайитметов, М. Баҳрамова*

Бадний муҳаррир *Ж. Одилов*

Техн. муҳаррир *Э. Валидинова*

Кичик муҳаррир *М. Ҳошимова*

Мусаҳҳиҳа *Л. Мирзахмедова*

ИБ № 5809

Ижара пудратидати Тошкент полиграфкомбинатида нашриётлар раҳбарлиги остида Хероҳ Верига Publisher (OC MSDOS)да тайёрланган макет-қўлёзма асосида босилди ва босмадан чиқарди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Теринга берилди 03.07.91. Босинга рухсат этилди 06.01.92. Формати 84 x 108/32. Тип. қоғози № 2. Гарнитураси Тип. Таймс. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 20,16. Шартли кр.-отт. 20,37. Напр. л. 16,25. Тиражи 65 000. Зав. 2421.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—51—91.

Ўзбекистон Республикасиен Матбуот давлат қўмитасининг «Китоб» бирлашмаси 3-босмаҳонаси. Тошкент, Муродов кўчаси, 1.

Қодиров Пиримқул.
Олмос камар: /Роман/.— Т.: Ғқитувчи,
1992.—384 б.

Қадыров Пиримқул. Алмазний пояс: Роман.

Ўз2

№ 892—91
Навоий номли ҒзЖ
Давлат кутубхонаси.

Тираж 50000
Қарт. Тиражи 100000